


МАВЛОНО  
ХАРБОТИЙ



---

# КУЛЛИЁТ

---



Нашрга тайёрловчи, табдил, сўз боши,  
изоҳ ва луғат муаллифлари  
тарих фанлари доктори **Маҳмуд ҲАСАНИЙ**,  
тарих фанлари номзоди **Мавжуда РАЗЗОҚОВА**

“Тошкент ислом университети”  
нашриёт-матбаа бирлашмаси  
Тошкент – 2009

# ТОШКЕНТ ШАҲРИНИНГ 2200 ЙИЛЛИК ЮБИЛЕЙИГА БАҒИШЛАНАДИ.

Ҳомий

**Ваҳобов Абдувосиқ Ҳожи ота**

Масъул муҳаррир

филология фанлари доктори, профессор **Нажмиддин КОМИЛОВ**

Илмий муҳаррир

**Шайх Абдулазиз МАНСУР**

Тақризчилар

фалсафа фанлари доктори, профессор **Ҳайдар АЛИҚУЛОВ**

филология фанлари номзоди **Сайфиддин САЙФУЛЛОҲ**

Мавлоно Хароботий XVII асрнинг иккинчи ярми ва XVIII аср ўрталарида Тошкентда яшаган ва Мавлавий Румийнинг маънавий фарзанди деб ном олган машҳур файласуф шоир ва мутасаввиф олимдир. Шоирнинг қаламига мансуб бўлган «Куллиёт», «Маснавийи Хароботий» ва «Рисолаи фақриййа» асарлари бизгача етиб келган. Шоир ўз асарларида шариятнинг фикҳга оид масалалари, тасаввуфнинг асосий қоидалари, одоб-ахлоқ ҳамда ҳаётга нисбатан бўлган фалсафий муносабатларини маснавий усули билан шеърда баён қилган ва комил инсонни тарбиялаш йўлида катта фаолият кўрсатган. «Маснавийи Хароботий» ҳамда «Куллиёт» асарлари қўлёзма ҳолида кенг тарқалган бўлиб, Тошкентда тошбосма усулида етти марта чоп этилган. Мавлоно Хароботийнинг бобокалонлари бўлмиш Абдулқаййум Хароботийнинг Тошкент шаҳар Чилонзор туманидаги Хайробод маҳалласида жойлашган қабрлари асрлардан буён зиёратгоҳ бўлиб келмоқда. Унинг авлодлари ҳозирда ҳам мазкур маҳаллада истиқомат қилиб келмоқдалар.

Китоб фикҳий масалалар, тасаввуф асослари, фалсафа тарихи, одоб-ахлоқ қоидалари, умуман, маданиятимиз ва маънавиятимиз тарихи билан қизиқувчи кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган. Мазкур китоб Мавлоно Хароботийнинг авлодлари Абдувосиқ Ҳожи ота ва ўғиллари Алишер Ваҳобовлар ҳомийлигида чоп этилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 700-рақамли тавсияси билан чоп этилди.

ISBN 978-9943-306-75-2

© М. Ҳасаний, М.Раззоқова.

© “Тошкент ислом университети”

нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2009.

## МАВЛОНО ХАРОБОТИЙНИНГ АДАБИЙ ВА ИЛМИЙ МЕРОСИ ҲАҚИДА

Мавлоно Хароботий номи билан шуҳрат қозонган тариқатдаги хароботия сулукининг йирик вакили мутасаввиф олим ва етук шоир Мавлоно Хароботий ҳаёти ҳақида ёзма манбаларда маълумотлар сақланмаган. Унинг бобокалони Абдулқайюм Хароботий XVI асрнинг иккинчи ярми ва XVII асрнинг бошларида Тошкентда яшаган бўлиб, унинг ўзи ва ўғли Муҳаммад Исо ҳақидаги маълумотлар ўша даврда тузилган вақф ҳужжатида сақланиб қолган. 1917 йилдаги рус инқилобигача Марказий Осиёда Хароботийнинг қўлёзма ва босма асарлари кенг тарқалган бўлса-да, бироқ унинг ҳаёти ва мероси ҳақида ҳеч қандай мақола эълон қилинмаган. Муҳаммад Солиҳ-хўжанинг «Тарихи жадидаи Тошканд» асарида Тошкент шаҳри ичидаги барча масжид ва мадрасалар, уларни бино қилган кишилар ҳақида маълумотлар берилган бўлса-да, Хароботий дафн қилинган мақбара ва унинг ёнидаги масжид ҳақида ҳеч нарса ёзилмаган. Собиқ Иттифоқ даврида биринчилардан бўлиб Хароботий ва унинг мақбараси ҳақида марғилонлик Аҳмаджон Муллабоев айтган фикрлар ЎзР ФА Шарқшунослик институтининг катта илмий ходими, Абдулла Носиров томонидан ёзиб олинган бўлиб, институт фондида сақланаётган 677 рақамли тошбосма асарнинг кириш қисмига тиркаб қўйилган. Бу маълумотномада қуйидагилар баён қилинади:

«Тасаввуф доирасидаги Хароботий тахаллусли шоир XVII–XVIII асрда яшаган эмиш, қабри Тошкентда Қатортолга яқин Нўғой Қўрғон деган жойда бўлиб, мақбараси тузуккина гумбазли қилиб кўтариб ишланган экан. Нўғой Қўрғонда Хароботийнинг авлоди Абдулвали деган киши бўлиб, унинг акаси ҳам бор экан.

Марғилонли дўстимиз Аҳмаджон Маллабоев 1961 йил 2 октябрда Тошкентга келганларида Нўғой Қўрғонга бориб қолиб, мазкур Абдулвали номли киши билан чойхонада суҳбатлашиб қолиб, у кишидан юқоридаги маълумотни олган. Абдулвали ака аҳли салоҳ бамаъни одам кўринди, деб Аҳмаджон ака юқоридаги сўзларни айтдилар. Мен ёзиб олиб, керак бўлур деб, шу жойга тиркаб қўйдим. Керак одам бўлса яна суриштириб, анигини билиб олади.

**«Мавлоно Хароботий» номли асар Тошкентда 1899, 1903, 1909, 1911 йилда 2 марта босилган, яна 2 марта босилганининг нашр йили йўқ. Ҳаммаси бўлиб 7 марта босилган.**

**Носиров Абдулла,  
4 октябр 1965 йил.**

Хароботий томонидан ёзилган «Куллиёт», «Маснавий» ҳамда «Рисола дар ҳақиқати фақр» асарларида шоирнинг асл номи қайд этилмаган. «Маснавий» ва «Куллиёт» асарлари Тошкентда кўп марта нашр қилинган бўлса-да, бироқ ноширлар Хароботий ҳақида ҳеч қандай маълумотни илова қилмаганлар. Бунинг асосий сабаби Хароботий ўз шеърларида ўз ҳаёти ва исми ҳақида бирорта маълумот қолдирмаганидир. Шоирлар одатда ўз асарининг кириш қисмида ўзининг таржимаи ҳоли ҳақида маълумотлар қолдирганлар. Хароботий асарларида эса биз бу ҳолни кўрмаймиз. Чунончи 1910 йилда чоп этилган «Куллиёт»да котиб Муҳаммад Саййидхон қуйидагича ёзган эди:

Соҳиби тасниф эрди хуш зоти,  
Ҳақға маълумдур анинг оти.

Одатда, ноширлар бирорта асарни нашр қилишдан аввал унинг муаллифи ҳақида тадқиқот ўтказиб, асарнинг охирида ўз маълумотларини қайд этадилар. Хароботийнинг авлодлари Тошкентда яшаб турганликларини ноширлар билганлар, бироқ нима учундир улар билан учрашиб, маълумот олмаганликлари номаълум.

***Абдувосиқ ҳожи отанинг Абдулқаййум Хароботий(Хайробод Эшон) ҳақидаги маълумотлари***

Биз Хароботий асарларини нашрга тайёрлаш жараёнида бу табаррук зотнинг авлодларига оид турли янги маълумотларни қўлга киритдик. Марғилонлик олим Аҳмаджон Маллабоевнинг 1961 йил 2 октябрда Тошкентда бўлгани, бу ҳақда олим Абдулла Носировнинг Хароботий асарига тиркалган қўлёзмасида “Нўғой Қўрғонда Хароботийнинг авлоди Абдували деган киши бўлиб, унинг акаси бор экан” деб ёзилган маълумотга эътибор қаратиб, шу ерга ташриф буюрдик. Кейинчалик шуни аниқладикки, қўлёзмада “ака” деб тилга олинган шахснинг исми Абдулваҳоб бўлиб, у киши 1979 йилда вафот этган экан. Биз Абдулваҳоб отанинг зурриёти бўлмиш Абдувосиқ ота билан учрашиб, аждод-авлодлари ҳақида бафуржа суҳбатлашишга муяссар бўлдик. Ҳаётнинг турли силсилалари нуруний чеҳрасини сайқаллаб, сўзлари ҳикмат, амаллари ибратга айланган 83 ёшли Абдувосиқ ҳожи ота бизни қизиқтирган саволлар ҳақида муфассал сўзлаб берди.

Ўзбек халқи ўз тарихида турли даврларни бошидан кечирган. Даврлар ўзгариши билан айрим номлар тарих саҳифалари ичра пинҳон қолган бўлса, айрим номлар буткул унутилиб кетган. Лекин халққа улкан хизмати сингган заҳматкаш инсонлар номи, қилган ишлари, қолаверса, ижодий мероси халқ хотирасида абадий муҳрланиб, замонлар ўтиши билан яна юзага қалқиб чиқаверар экан. Хароботийлар ҳам ана шундай зотлар қаторига киради.

Тошкент шаҳар Чилонзор туманига қарашли Хайробод маҳалласида жойлашган мақбарада Абдулқаййум Хароботий дафн этилган. Бу маълум-

мот Хароботийнинг авлоди Абдувосиқ ҳожи ота қўлида сақланаётган вақф<sup>1</sup> ҳужжатида қайд этилган. Абдулқаййум Хароботий халқ орасида Хайробод эшон номи билан машҳур бўлган. Ҳожи отадан бу ҳақда сўраганимизда, халқ шундай деб айтиб келган, деган жавобни эшитдик. Ҳожи ота валиюллоҳ бу зотнинг номини “Хайробод эшон” тарзида талаффуз этишни мақсадга мувофиқ деб билишларини айтдилар.

Вақф ҳужжат бўйича, Абдулқаййум Хароботий (ҳужжат 1045 ҳижрий – 1635 милодий йили тузилган ва бу пайтда Хайробод эшон вафот этган бўлган) XVI асрнинг охири – XVII асрнинг бошларида Тошкент шаҳрининг Нўғой Қўрғон маҳалласи (ҳозирги Чилонзор туманидаги Хайробод маҳалласи) ҳудудида таваллуд топган. Ўзига яраша ўқимишли оилада тарбия топганлиги таъсири остида илмга, бадий сўз қудрати нафосатига интилиб яшаш ёшликдан ҳаётини эҳтиёжига айланган. Бу интилиш самараси ўлароқ Хайробод эшон ўз замонасининг илм-маърифат тарқатувчи зиёли уламоларидан бири бўлиш баробарида қалам аҳли орасида ҳам, оддий халқ орасида ҳам сўз санъаткори сифатида бирдек ардоқланган бўлиши эҳтимолдан йироқ эмас.

Абдулқаййум махсум (ҳожи отанинг айтишларича, Хароботий ва унинг авлодлари махдум (махсум)лар деб улуғланганлар) жуда барвақт савод чиқарган. Тошкентнинг илм-маърифат ва диний камолот устуни бўлган Кўкалдош мадрасасида таҳсил олган. Мадраса таҳсилдан сўнг мударрис мақомига эришгач, ўзи ҳам мадрасада халфалар (шогирдлар)га устозлик қилган. Бир неча йил шу мадрасада истиқомат қилгандан сўнг, муборак фарзларини адо этиш мақсадида ҳаж сафарига отланган. Макка ва Мадинани зиёрат этиб, ҳаж амалларини мукаммал адо этгач, Миср мамлакатига йўл олган. У ерда нафақат ўша даврнинг, балки бутун даврларнинг диний-маданий маскани дея эътироф этилувчи ал-Азҳар дорулфунунида диний ва дунёвий илмларни мукаммал эгаллаш мақсадида муттасил мутолаага берилган.

Дорулфунунда комил илм толибларидан бирига айланган Абдулқаййум махсум ўз мақсадига эришганини англагач, 25 йилдан сўнг юртига қайтишга қарор қилади. Тошкентга келиб, яқин ёронлар билан дийдор кўришади. Бир қанча муддат шу ердаги турли мадрасаларда толибларга устозлик қилади.

Кейинроқ у Қозон шаҳри томон сафарга чиқади. Татар олимлари Хайробод эшоннинг катта илм соҳиби эканини кўриб, уни шаҳардаги Жоме масжидига имом хатиб этиб тайинлайдилар. У зот Қозонда ҳам 10 йил мобайнида юксак обрў ва эътирофга мушарраф бўлган. Илм-маърифати, донишманд олимлиги билан донг таратиб, у ерда ҳам кўплаб шогирдларга таълим берган. Шогирдлари ва муридлари ичида Саркорбойвачча исмли

<sup>1</sup> Вақф – ер ёки бирор мулкни масжид, мадраса ёки мақбарага фойдаланиш учун берилганини билдирадиган ҳужжат.

талаба қобилияти билан ажралиб турган. У устозига чин ихлос билан меҳр қўйган солиҳ ва содиқ шоғирд бўлган.

Абдулқаййум махсум маълум муддат Қозон масжидида имом хатиблик қилгандан сўнг, ўзи туғилиб ўсган юрти Тошкентга қайтади. Бу сафарда у зот билан бирга Саркорбойвачча бошчилигида элликдан зиёд оила устозга нисбатан бўлган муҳаббат ва ҳурмат туфайли, устоз билан бўлишни шараф деб билиб, Тошкентга келиб жойлашадилар. Ҳали устоз ҳаётлик вақтидаёқ ул зотга атаб шаҳарда ягона бўлиб қолган Қозон типидаги масжид, сағана ва бир неча хонали хонақоҳ қурилади. Бунинг учун Қозон шаҳридан гишт ва бошқа бинокорлик материаллари келтирилиб, Қозондан махсус усталар чақиртирилади. Шу тариқа Хайробод эшон мажмуаси ташкил топади. Бу мажмуа ҳозиргача сақланиб, Тошкент шаҳридаги Хайробод эшон зиёратгоҳига айлантирилган.

### **НЎҒОЙ ҚЎРҒОН МАҲАЛЛАСИ ТАРИХИ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ**

Нўғой Қўрғон маҳалласи Тошкент шаҳрининг жануби-ғарбий қисмида жойлашган бўлиб, Яккабоғдан Дўмбирободгача, Қатортолдан Бўрижаргача бўлган ҳудуд Хайробод эшонга Тошкент беклари томонидан инъом этилиб, тоабад истифода этиш ваколати тўғрисида васиқа берилган. Шу ўринда айтиш жоизки, оғиздан-оғизга ўтиб келаётган ривоятларга кўра, Хайробод эшонни ҳозирги Чиноз атрофидаги қўрғонда Тошкент ҳокимининг ўзи шахсан кутиб олиб, эшонга Тошкентнинг ихтиёрий жойини макон қилиб, ўша ерни тасарруф этиши мумкинлигини ҳурмат изҳори сифатида айтиб ўтади. Шунда Хайробод эшон пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) тутган тадбирни қўллайди, яъни оқ туяси қаерга чўкса, шу ерни макон тутиш орқали ўзига жой танлайди. Туя юриб-юриб ҳозирги маҳалла ҳудудидаги тепаликда чўкади. Хайробод эшон шу ерни ўзига макон тутиб, такагоҳ қуради. Такаягоҳ атрофида Қозон сафаридан бирга қайтган нўғой оилалари қўним топади.

Шу тариқа Нўғой Қўрғон маҳалласига асос солинади. Дастлаб бу маҳалла ҳудудига Тошкент шаҳрининг турли жойларидан ва бошқа ерлардан Хайробод эшонга ихлос қўйган хос одамлар ёзлик ҳовли (дала ҳовли) кўтариб, кўчиб кела бошлаган. Бу жойлар аста-секин гавжумлашиб, кенгайиб, каттагина маҳалла кўринишини олган. Нўғой Қўрғон маҳалласи ташкил топишида дастлаб кўчиб келган бир неча оила тўплари муҳим ўрин тутган. Улардан қуйидагиларни алоҳида кўрсатиб ўтиш жоиз:

1. Махсум тўпи – Хайробод эшон авлодлари.
2. Нўғой тўпи – Татаристоннинг Қозон шаҳридан келиб ўрнашиб қолган муридлар авлодлари.

3. Қашқар тўпи – асл уруғлари Хитойнинг уйғур элатига тақалувчи Тошкент шаҳрининг Қашқар маҳалласидан келган оилалар, яъни Эмин ота, Камол ота ва бошқаларнинг оилалари.

4. Ачавот тўпи – булар Андижоннинг Шаҳрихонидан кўчиб келган (уларнинг аждодлари ҳам Қашқарда яшаганлар).

5. Аллоф тўпи – Тошкент шаҳрининг Кўкча даҳасидан келиб жойлашган (аллоф – ун сотувчилар касб-корининг ўша пайтдаги номи).

6. Хўжа тўпи – Тошкент шаҳрининг Лайлакхона, Шайхонтаҳур ва Зангиота маҳаллаларидан келиб жойлашган.

7. Қозоқбой тўпи – Тошкент шаҳрининг Чақар, Гулистон, Камолон маҳаллаларидан келиб, шу ерда ўтроқлашган ўзбек халқининг машҳур паҳлавонларидан Аҳмад полвон авлодлари, яъни Али Қори, Тилла Қори домла, Йўлдош Полвон, Эргаш Полвон, Исабой Полвон, Тўлаган ота кўчиб келган.

Кейинчалик, Нўғой Қўрғон маҳалласи кўп миллатли маҳаллага айланиб, бу ерда ўзбек, нўғой, тожик, қирғиз миллатига мансуб одамлар яшай бошлайди.

Нўғой Қўрғон маҳалласидан доимо жуда кўп диний уламолар, олимлар, қорилар етишиб чиққани учун баобрў маҳалла саналган. Бу ерда етишган зиёлилар илм-маърифат тарқатувчи илғор қатлам ҳисобланган. Дин пешволари ислом арконларини англашда, ахлоқ ва маънавий ҳаётда раиятга ўрناق бўлган. Жумладан, қорилардан Эшон бобо қори, Усмон қори, Али қори, Тилла қори, Дали қори, Ҳаби қори, Абдувоҳид қори, Аъзам қори каби муҳтарам зотлар ушбу маҳалланинг нуфузли кишилари қаторида тилга олинади. Ҳозирги пайтда ҳам дунёвий илм соҳасида ушбу маҳалла юртимизга кўплаб машҳур номларни етказиб берган. Олимлардан иқтисод фанлари номзоди, доцент Тўхтасин Тиллаев, кимё фанлари доктори, профессор Ашраф Иминов, иқтисод фанлари доктори, профессор Абдураҳим ва Алишер Ваҳобов, иқтисод фанлари номзоди, доцент Хайрулла Хабиқориев каби олимлар нафақат маҳаллада, балки Ўзбекистонда ҳам фахр билан номлари тилга олинади.

### АБДУЛҚАЙЙУМ МАХСУМ – ХАЙРОБОД ЭШОН АВЛОДЛАРИ ШАЖАРАСИ ҲАҚИДА АБДУВОСИҚ ҲОЖИ ОТАНИНГ АЙТГАНЛАРИ

Таъкидлаганимиздек, Хайробод эшон XVI асрнинг охири – XVII асрнинг бошларида яшаб ўтган мутасаввиф олим ва етук шоирдир. У зоти муҳтарам тасаввуф илми вакили бўлиб, ўз қараш ва ғояларини инсонларга етказишга интилган маъно кашшофи ҳам ҳисобланган.

Мунис ва мушфиқ қалблар доимо ёрқин нур таратувчи комил инсонлар каломига эҳтиёжманд бўлади. Ўша даврларда Хайробод ҳазратлари ҳам шундай буюк заво, улугвор лутф соҳиби бўлиб, инсонларга маънавий устоз даражасига эришган.

Абдулқаййум Хароботийнинг Муҳаммад Исо номли илмда камолот эгаси бўлган ўғли бўлган. Бу ўғил ҳақидаги маълумот Муҳаммад Исо томонидан тузилган вақф ҳужжатида сақланиб қолган. Муҳаммад Исодан қандай фарзандлар қолгани маълум эмас. У тахминан XVI асрнинг охирларида вафот этган. Абдусоқиқ отанинг айтишларича, Муҳаммад Исодан сўнг 100 йилдан ортиқ давр ичида яшаган аждларининг номи номаълум ҳолда қолган. Натижада тахминий шажара қуйидагилардан иборат бўлди:

Абдулқаййум Хароботий (XVI–XVII асрлар), тахминан 1570–1650 й.  
Муҳаммад Исо Хароботий (XVII–XVIII асрлар), тахминан 1610–1700 й.  
Мавлоно Хароботий (XVII–XVIII асрлар), тахминан 1660–1740 й.  
Номаълум Хароботий (XVIII–XIX асрлар), тахминан 1710–1800 й.  
Номаълум Хароботий (XVIII–XIX асрлар), тахминан 1760–1840 й.  
Азиз махсум Хароботий (XIX аср), тахминан 1810–1890 й.  
Саржон махсум (XIX–XX асрлар), 1850–1929 й.  
Абдуваҳоб махсум (XIX–XX асрлар), 1883–1979 й.  
Абдусоқиқ ҳожи ота – 1929 йил туғилган.

XIX аср бошларида яшаган авлодлар номи эса маълум. Улар Азиз махсум, Шомусофир махсум ва Карим махсумлардир.

Азиз махсумнинг иккита ўғиллари бўлган. Биринчи ўғли Саржон махсум, иккинчиси Юзвали махсум. Саржон махсумнинг уч ўғил ва икки қизлари бўлган: 1. Абдуваҳоб махсум (1883–1979), 2. Холпошша (1887–1921), 3. Хонпошша (1896–1935), 4. Абдували (1898–1978), 5. Абдумавлон (1900–1968)). Абдуваҳоб махсумнинг фақат бир ўғли бўлган. Абдусоқиқ ҳожи ота (1925 йил 15 апрелда туғилган).

Абдусоқиқ ҳожи ота домланинг 8 нафар фарзанди бор. 1. Ваҳобова Фариди – 1950 йил 19 августда туғилган. 2. Ваҳобов Абдурашид – 1952 йил 5 октябрда туғилган. 3. Ваҳобов Абдурахим – 1954 йил 5 июлда туғилган. 4. Ваҳобова Малика – 1957 йил 9 мартда туғилган. 5. Ваҳобов Рустам – 1959 йил 30 майда туғилган. 6. Ваҳобов Равшан – 1961 йил 4 мартда туғилган. 7. Ваҳобов Алишер – 1963 йил 12 майда туғилган. 8. Ваҳобова Дилором – 1965 йил 26 июлда туғилган.

Карим махсумнинг уч ўғил, бир қизи бўлган. Биринчи ўғли Абдуғаффор, иккинчиси Абдусаттор, учинчиси Абдуқаҳҳор, тўртинчи фарзанди, яъни қизи Ойпошша. Абдуғаффор махсумнинг икки ўғил бир қизлари бўлган. Биринчи ўғиллари Қутбиддин, иккинчи ўғиллари Заҳириддин, қизлари Турсуной. Абдусаттор махсумнинг тўрт ўғил ва бир қизлари бўлган. Абдусамиқ, Абдурауф, Абдувоҳид, Абдуфаттоҳ.

Шомусофир махсумнинг 8 нафар (етти ўғил, бир қиз) фарзанди бўлган: Абдусамад, Абдишукур, Абдумалик, Абдуаҳад, Абдуманноп, Абдумухит, Ҳожиакбар ва Розия. Абдусамад махсумнинг тўрт ўғил, уч қизлари бўлган: Норпошша, Мавжуда, Абдуғани, Зумрад, Набихон, Азиз, Расул.

Ҳозирда Хайробод эшон авлодлари Хайробод эшон зиёратгоҳини ободонлаштиришда астойдил меҳнат килиб, ўзларининг ота-боболари, аждод-



ларига бўлган юксак эҳтиромларини баҳоли қудрат намоён этиб келмоқдалар. Абдувосиқ ҳожи ота ва ўғиллари бошчилигида Хайробод эшон мажмуаси қайта таъмирланди, атрофи ободонлаштирилиб, муқаддас зиёратгоҳ кўркига кўрк қўшилди. Шу саховатпеша инсонлар билан бирга, Хайробод эшон авлодлари ҳозирда ҳам табаррук зотнинг номини абадийлаштириш борасида жиддий ишларга қўл урмоқдалар. Улар Мавлоно Хароботийнинг бой маънавий-ахлоқий, адабий меросининг муносиб баҳоланиши, келгуси авлод ардоғида бўлишини таъминлаш учун қайгурмоқдалар.

***Абдулқаййум Хароботий (Хайробод эшон)нинг ўғли  
махсум Муҳаммад Исо эшонга мансуб бўлган вақф ҳужжати***

Мазкур вақф ҳужжатининг асли йўқолган, ундан олинган нусха Абдувосиқ отанинг қўлида сақланмоқда. Нусха ўта хира бўлгани ва йиртилиб эскирган аслидан кўчирилгани сабабли уни ўқиш ғоятда мушкул. Ҳужжатга 3 та думалоқ ва 1 та саккизбурчакли муҳр урилган бўлиб, нусха ўта хира бўлгани учун улардаги исм ва санани ўқиб бўлмади. Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, васиқа ва вақфларнинг тузилган йили одатда шу ҳужжатнинг бошланиш қисмида келтирилади. Бу вақф ҳужжатида эса охирида алоҳида ҳолда келтирилган. Йил эса сана деган сўз билан кўрсатилади. Вақф ҳужжатидаги 1045 сана устига қандайдир сўз ёзилган бўлиб, мутахассислар уни ўқишдан ожиз қолдилар. Бу сўз сана سنه деган ёзувга асло ўхшамас эди. Биз бу сўзни “йилда” يىلدا деб ўқишга қарор қилдик. Бироқ Тошкентда тузилган вақф ҳужжати нима учун форс тилида тузилгани, санасига эса “йилда” деб ёзилгани таажжублидир. Нусха имкони борича ўқилди, ўқиб бўлмаган ёки ўчиб кетган жойларига нуқталар қўйилди.

Ҳужжатда кўрсатилишича, Абдулқаййум Хароботийнинг ўғли махсум Муҳаммад Исо эшон бўлиб, у ўзига қарашли ерни масжид учун вақф қилган. Ҳужжатда вақф ерининг чегаралари аниқ кўрсатилган бўлиб, бу вақф ерига фақат Муҳаммад Исо авлодларигина эгалик қилиши, вақф еридан олинган маҳсулот ва маблағни ҳеч кимнинг аралашувисиз тасарруф қилишлари мумкинлиги таъкидланган. Қуйида ҳужжатнинг таржимаси келтирилмоқда:

***Ҳува-л-мустаъон<sup>1</sup>***

Ҳамд(лар) вазифаси сафлар имомигадир. У – меҳробда такбири таҳрима маҳалида намоз ўқиб қоим бўлмиш имом ва У – миллатнинг подшоҳи! Субҳоналлоҳ кўсининг садоси билан таҳлил (ла илаҳа иллаллоҳ) ва тамжид (Субҳоналлоҳ) замзамасининг сабабкори Ҳазрати ...

...барпо бўлиши ҳар кун такбир (Аллоҳу акбар) ва тасбиҳ (Субҳоналлоҳ) гулғуласи билан Пайгамбарлар хатм қилгувчиси бўлмиш мураббийга... Қалам мадади ила ҳақимона дурларни минглаб олимларга қалб чирғонидан гўзал сочувчи...

...зийрак қорилар файзу нажот билан эртаю кеч ул Сарвар суҳбатига мушарраф ва орзуманд бўлишга лойиқ бўлурки, анбиёу мурсаллар мав-

<sup>1</sup> Вақф ҳужжати ЎЗР ФА ШИ илмий ходими Ҳамидулла Аминов томонидан таржима қилинган.

жуд бўлса ҳам, таҳримаю иқоматни айтиб, “Субҳоналлазий асро би-абдиҳи лайлан мин ал-масжид ал-ҳаром” (ояти каримаси) ул зотнинг муборақ васфидан бир шингилдир, холос. Аллоҳ таоло унга ва унинг аҳлию саҳобаларининг барчасига саловотлар йўлласин!

Аммо баъд (шундан сўнг, билгинки) хайрли ўринларда турувчиларга огоҳлик ва ... масканларида сокин бўлганларга воқифлик бўлсинки, саҳиҳ ҳадиси шариф ҳукмича: “Қачонки, одам боласи ўлса, унинг амали кесилди, фақат учта нарса (кесилмайди): садақаи жория ёки фойда топиладиган илм ёки унга дуо қиладиган солиҳ фарзанд”. Буни (Имом) Муслим ривоят қилган. Сабаблар ...

...азалий тавфиқ бандага йўлдош бўлгай, токи масжидлар биноси ва хайрли буқъа (макон)лар таъмирига мушарраф қилгай. Чунончи, бу саховатнинг давру замонида эшонни махдум Муҳаммад Исонинг яшаш жойлари энг азиз ва энг рашид (тўғри йўл соҳиби) ҳазрати халифа Абдул Қайюм Хароботий лақабли зотнинг ўғлидурлар, ул зот “Улуғ ишлар фақат битта азиз бандага ато этилади” (мақоли)нинг тавфиқ давлатига мушарраф ва азиз эдилар, мушоҳаданинг ҳақиқат кўзи ила буюрдиларки, давлат ва ... унинг ҳарами нафъ олиш (жойи)дир, уни вақф қилдилар...

...ва махфий тасаддуқ (садақа) қилдилар, ўз мулки ерлариданки, бу ер жойлашгандир ...Яккабоғ мавзеида, мурожаат (қилинса бўлади), тахминан бу бандаи мазкурнинг мақбул ерларидан бу тартибда чегаралангандир: шарқининг ҳаммаси омма йўлига ёпишган, шимоли эса мутаваллий мулкига ёпишган ...ғарби бўлса, Эшон хўжа Давлат валади Султон хўжа мулкига ёпишган, жануби эса Муҳаммад Алихон мулкига пайвастандир ...

...(бу ерларни) ўз авлодига, авлоднинг авлодининг авлодларига ҳам, мутлақо ўзгартирилмасдан, замонлар оша замонлар кетидан (вақф қилинди). Вақф қилувчи яна шарт қилдики, бу вақфнинг шаръий мутаваллийси ўзининг авлодидан бўлсинки, у энг салоҳиятли, умум учун фойда келтирадиган зийрак ва мустақил (иш юрита оладигани) бўлсин. У мазкур (вақф)ни тасарруф қилади, маҳсулотларини хоҳлаганича хоҳлаган кимсага ва хоҳлаган кимсадан (сотиб олиб, хоҳлаган нарсага) сарф қилади ва (тўлиқ) тасарруф этади. Ҳеч кимнинг бу шартга эътироз билдиришга эғалиги бўлмади.

Ва яна мазкур вақф қилувчи шарт қилдики, барча мутаваллийлар, имом ва ходимлардан ҳеч ким бу вақфнинг ҳосилидан мазкур вақф қилувчининг шартига хилоф равишда садрлик, таҳқиқотчилик (текширувчи)лик ва зобитлар расми деб, бу ҳудуд ҳосилидан ҳеч бир нарсани вақф қилинган (ердан) ололмайдиларки, (олган нарсалари) уларга ҳақиқий ҳаром бўлади. Чунончи, “Хизонат ул-муфтийийн” (китобида)да баён қилинганки: “Вақфлардан вақф қилувчининг шarti (да кўрсатилгани)сиз ейишлик ҳақиқий ҳаромдандир”.

Шундан сўнг мазкур вақф қилувчи бу вақфни ўз қўли орқали, мутаваллийлик (вазифасига) тайинланган кишига, топширишга тўсиқ бўладиган нарсалардан холи ҳолатда, топширдилар. Яна мазкур вақф қилувчи

уни ўз қўли билан топширар экан, умидвор ... бўладики, ҳукми юриб турган, исми шуҳрат қозонган, фармонига ҳамма итоат этадиган Исломининг олий ҳазрат қозиси бу вақфнинг дурустлигига ва унга амал қилиш лозимлигига қарор қилдилар ва буни билдилар.

Аллоҳ таоло ўз пайгамбари ва унинг аҳлию саҳобаларининг ҳаммасига саловотлар ёғдирсин! Аллоҳ таоло жойларини жаннатдан қилгур улуг фақиҳлар ва кароматли мужтаҳидларнинг тўғри раъйларига мувофиқ шаръий ҳукмлар қоидасига кўра ...шаръий вақф зарур, доимий, абадий Аллоҳ таоло ер ва ундаги нарсаларга ҳамда меросхўрларнинг меросларига ҳам ворис бўлгунгача боқий бўлиб қолсин. Бас, кимки буни эшитгандан сўнг ҳам уни ўзгартирадиган бўлса, демак унга ўзгартирганларнинг ҳаммасининг гуноҳидир ...

Сана: 1045/1635.

(Гувоҳлар): Мулла Абдулваҳҳоб, Мулла Авиз (Аваз) охунд, ... Мулла Муҳаммад Солиҳ ...

*[Faded handwritten text in Tajik script, likely a historical document or manuscript, covering the majority of the page.]*



16  
شهر ...

Вақфнинг асл нусхаси

## ХАРОБОТИЙГА НИСБАТ БЕРИЛГАН АСАРЛАРНИНГ МУАЛЛИФИ КИМ?

Мавлоно Хароботийга нисбат берилган “Куллиёт” ва “Маснавийи Хароботий” асарларининг кўплаб қўлёзма нусхалари ЎзР ФА ШИ Қўлёзмалар фондида сақланмоқда. “Рисола дар ҳақиқати фақр”нинг эса ягона қўлёзма нусхаси мавжуд. XX аср бошида юқорида айтиб ўтганимиздек, Тошкентда 7 марта чоп этилган. Бу асарларнинг барчасида ҳам шоир ўзини Хароботий деб атади ва исмини келтирмайди. Натижада бу асарларнинг муаллифи ким экани ҳозиргача номаълум бўлиб қолмоқда. “Куллиёт” ва “Маснавийи Хароботий” асарларини XX аср бошларида Тошкентда нашр этган ноширлар ҳам асар муаллифи ким эканини аниқлай олмаганлар. 1909 йилда нашр қилинган “Куллиёт” охирида:

**Соҳиби тасниф эди хуш зоти,  
Ҳақга маълумдур анинг оти, —**

деган жумлагина қайд этилган.

Хароботий авлодларидан Абдувосиқ ҳожи ота мазкур асарлар муаллифи Абдулқайюм Хароботий (Хайробод эшон) деб ҳисоблайдилар. Биз ҳам аввало шу фикрда эдик. Бироқ “Куллиёт”ни нашрга тайёрлаш жараёнида у 1146 (милодий 1733) йили ёзиб тугалланганининг гувоҳи бўлдик. Абдулқайюм Хароботийнинг ўғли Муҳаммад Исо томонидан ёзилган вақф ҳужжати остида 1045 (1635) санаси бўлиб, Муҳаммад Исо ўзига қарашли ерни масжид ва хонақоҳ учун вақф этган. Демак, бу пайтда Абдулқайюм Хароботий вафот этган бўлади. Муҳаммад Исо вақф ҳужжатини ёздирган ва эшон деган ном олиб, отаси ўрнида пирлик вазифасига ўтирганда 30 ёшлар атрофида бўлса, у ҳам ўз асарини 1733 йилда ёзиб тугатиши ҳақиқатга тўғри келмайди. Агар Муҳаммад Исо XVII аср охири ёки XVIII аср бошида вафот этган деб тахмин қилсак, у пайтда унинг ўғилларидан бири мазкур асарлар муаллифи бўлиб чиқади ва бу ҳақиқатга яқиндир.

Бу ҳақда Абдувосиқ ҳожи ота билан сўзлашганимизда улар шеърлар муаллифи Азиз махсум бўлиши ҳақиқатга яқин деган тахминни айтдилар. Чунки Азиз махсум катта илм соҳиби бўлиб, Абулқосим мадрасасида мударрислик қилган эканлар. Бироқ Абдувосиқ ота тузган шажарада Азиз махсумнинг яшаган даври XVIII–XIX аср деб кўрсатилган ва унинг биринчи ўғли 1850 йили туғилгани қайд этилган. Агар Азиз махсумнинг ўғли 1850 йилда туғилган бўлса 1733 йилда китоб ёзган отаси 123 ёшда бўлади, 123 ёшда фарзанд кўриши ва шу ёшда китоб ёзиши ҳақиқатдан узоқдир. Хулоса қилиб айтиш мумкинки, мазкур асарларни Муҳаммад Исо эшоннинг ўғилларидан бири, тўғрироғи, исми ҳозиргача бизга номаълум бўлган Мавлоно Хароботий ёзган. Афсуски, бу давр шажараси Абдувосиқ ота авлодлари хотирасида узилиб қолган.

Хароботийнинг асарларида “Эй Хароботий” деган сўзни кўплаб учратамиз, улар деярли барча назмий ва насрий қисмларда учрайди. Бундан

ташқари, шеърларида Абдуссамад, Абдулмажид, Абдулваҳид каби исмлар тилга олинган, бироқ бу исмлар қофия тақозоси билан келтирилган. ЎзР ФА ШИнинг кекса библиограф олими Абдулла ака Носиров “Маснавийи Хароботий”даги Абдулмажид исмини ўқиб, Хароботийнинг номи Абдулмажид деган фикрга келган ва яшикчаларга жойлаб қўйилган тавсиф карточкасидаги “муаллиф” деган жойга шу исми ёзиб қўйган.

Хитойнинг Шинжон вилоятида нашр этилган мақолаларда, Хароботийнинг “Маснавийи Хароботий”сидан қилинган қисқартма чопларда ва уйгур олими Ҳурматжон Фитратнинг Хароботий ҳақида ёзган номзодлик диссертациясида Хароботийнинг исми Муҳаммад ибн Абдуллоҳ Хароботий бўлиб, қабри Шинжон вилоятида экани айтилади. Бироқ бу даъво ҳам асоссиз бўлиб, бирорта манбада ёки “Маснавийи Хароботий”да муаллиф ўзини Муҳаммад ибн Абдуллоҳ экани ҳақида ёзмаган. Бундан ташқари, Хароботий ўз “Куллиёти”нинг бир неча жойида “эй муллои Шош” деган жумлани ишлатади. Бу эса унинг тошкентлик эканини кўрсатиб турибди. Бундан ташқари, Ҳ. Фитрат “Куллиёт” билан “Маснавийи Хароботий” аслида битта асар, “Маснавийи Хароботий” “Куллиёт”дан ажратиб олинган деган фикрни билдиради. Аслида бундай эмас, улар алоҳида асарлардир.

ЎзР ФА Шарқшунослик институтида тузилган “Шарқ қўлёзмалари мажмуаси” (СВР) каталогда “Маснавийи Хароботий” асари ҳақида тавсиф берилган бўлиб, “Куллиёт”дан келтирилган бир парча ҳақида фикр юритилади ва бу парча бошқа яна бир Хароботий қаламига мансуб бўлиши мумкинлиги ҳақида айтилади. Агар бу фикрга қўшиладиган бўлсак, “Маснавийи Хароботий” ва “Рисола дар ҳақиқати фақр” бир Хароботийники, “Куллиёт” эса бошқа Хароботийники бўлиб чиқади. Бироқ Мавлоно Хароботий номи билан машҳур бўлиб, асарлар ёзган ва асарида номини кўрсатмаган бир одам борлигини билган ҳолда яна бир одам ҳам ўзига Хароботий деб тахаллус қўйиб, номини яшириб кетиши мумкин эмас. Бундан ташқари, асарларнинг тили, услуби ва мазмуни ҳам бир-бирига яқин ва ўхшашдир.

Хароботийнинг исми ким бўлишидан қатъи назар, вақф ҳужжатида кўрсатилган Хароботийларнинг авлоди экани ва асарларида “эй муллои Шош” деб ўзининг тошкентлик эканига ишора қилганининг ўзи етарли ҳужжатдир.

## 5. АБДУВОСИҚ ОТА ВА УЛАРНИНГ ФАРЗАНДЛАРИ ҲАҚИДА

Абдувосиқ ота 1925 йил 15 апрелда Тошкентда туғилган. Олий маълумотли. 1954 йилдан 1963 йилгача Тошкентдаги 15-мактабда директор вазифасида ишлаган, 1963 йилдан 1970 йилга қадар Тошкент шаҳар Чилонзор туманидаги 59-мактабда директор лавозимида, 1970 йилдан 1996 йилга қадар 200-ўрта мактабда директор лавозимида фаолият юритган.

“Меҳнат шухрати” ордени билан мукофотланган Халқ маорифи аълочиси. Уруш фахрийси сифатида шахсий нафақа билан таъминланган. “Галаба” ордени соҳиби, 60 йил давомида педагогик фаолият олиб борган. 31 йил давомида маҳалла оқсоқоли вазифасини бажарган.

Абдувосиқ отанинг 8 та фарзанди бор:

1. Фариди Аҳмедова – 1950 йил 19 августда Тошкентда туғилган. Низомий номидаги Тошкент Педагогика институти (ҳозирги Тошкент Педагогика университети)ни тугатган. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи. Тошкент шаҳридаги 179-мактабда олий тоифали ўқитувчи лавозимида фаолият кўрсатмоқда.

2. Абдурашид Ваҳобов – 1952 йил 5 октябрда Тошкентда туғилган. Тошкент Политехника институти (ҳозирги Тошкент давлат техника университети)ни тугатган. “Абдурашид” хусусий ишлаб чиқариш фирмаси директори, хусусий тадбиркор.

3. Абдурахим Ваҳобов – 1954 йил 5 июлда Тошкентда туғилган. Тошкент Давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети)ни тугатган. Иқтисод фанлари доктори, профессор. Ўзбекистон Республикаси Банк-Молия академияси ректори.

4. Малика Ваҳобова – 1957 йил 9 мартда Тошкентда туғилган. “Биллол-ҳаёт” хусусий фирма ишчиси.


5. Рустам Ваҳобов – 1959 йил 30 майда Тошкентда туғилган. Тошкент Халқ хўжалиги институтини битирган. Тошкент шаҳар Чилонзор тумани Давлат солиқ инспекцияси шуъба бошлиғи.

6. Равшан Ваҳобов – 1961 йил 4 мартда Тошкентда туғилган. Тошкент Халқ хўжалиги институтини битирган. “Лидер-Пром” хусусий ишлаб чиқариш корхонаси директори.

7. Алишер Ваҳобов – 1963 йил 12 майда Тошкентда туғилган. Тошкент Давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети)ни тугатган. Иқтисод фанлари доктори, профессор. Россия Табиий фанлар академиясининг академиги. Тошкент Молия институтининг ректори.

8. Дилором Ваҳобова – 1965 йил 30 июлда Тошкентда туғилган. Тошкент Давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети)ни битирган. Тошкент шаҳар Учтепа туманидаги 75-мактаб директори.

1-чизма. Ваҳобовлар сулоласи (шажара)





ИБОБ.  
ХАРОБОТИЙ ТОМОНИДАН ЁЗИЛГАН АСАРЛАР ВА  
ХАРОБОТИЯ ЙЎЛИ ҲАҚИДА

1. Хароботийнинг “Куллиёт” асари

Мавлоно Хароботий ўз даврининг етук шоирларидан бўлиб, шеъриятнинг маснавий усулида ижод қилган. Унинг ноширлар томонидан «Куллиёт» деб номланган асари 11940 мисрани ўз ичига олган бўлиб, мавзу жиҳатидан хилма-хилдир. Муаллиф ҳар бир мавзуга қўл урганда, бу мавзуга алоҳида сарлавҳа қўймаган. Шоирнинг «Маснавий»ларини китоб шаклига келтирган котиблар (улар Хароботийнинг муридлари бўлишлари мумкин) ўзларича сарлавҳа қўяверганлар. Баъзан бу сарлавҳалар мавзунинг маъносини акс эттирмайди. Сарлавҳаларнинг тузилиши ҳам қизиқ бўлиб, ярми форсча, ярми ўзбекчадир. Масалан “Дар баёни сўфийи омийларни айтур» ва ҳ.к. Куллиётнинг қўлёзма ва тошбосма нусхалари ЎЗР ФА ШИ фондида сақланмоқда. Куллиёт:

**Айтайин ҳамдингни, эй Яздони пок,  
Ичтилар хуни жигар мардони пок, –**


мисралари билан бошланади, охири эса:

**Ман нечук айлай кўнглини шодлар,  
Қайси бир ғамдин қилай фарёдлар, –**

мисралари билан тугалланади.

“Куллиёт”нинг мавзуси ранг-баранг бўлиб, унинг бошланишини “Муножотлар» ташкил этади. Куллиётда ақл ва тақво, дилозорлик, шодлик ва ғам, мол йиғмоқ, кам ейиш, сабр ва чидам, қўшнилари ҳурмат қилиш, таманинг ёмонлиги, ҳозик табиб, олимларнинг фазилати, кўп сўзлашнинг ёмонлиги, косибларнинг аҳволи каби диний ҳамда дунёвий масалалар, шунингдек, шоирнинг ижтимоий, ахлоқий ва фалсафий фикрлари баён қилинади. Асарда кўзланган асосий мақсад хароботия оқимини тушунтиришдан иборатдир, бу ҳақда қуйироқда гапирамиз.

“Куллиёт” асари ўз ичига кўпгина фалсафий фикрларни жамлаб олганлиги билан диққатга сазовор. “Куллиёт”да нафақат илоҳиёт, тажаллий масаласи ёритилган, балки инсонларни одоб-ахлоқ мезонига эътиборли бўлишга, сабр-тоқатли, илмга кўпроқ интилиш, ёмон одамлар суҳбатидан қочиш, яхши инсонларга эргашиш ва бошқа инсоний фазилатларни ўзларида мужассам қилишга тарғиб мавжуд.



Хароботий “Куллиёт”нинг титул varaғи

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ

<p>ایستاین چه نیکنی ای زردان پاک          خالقا خلقینک گوردوم سبید          سنه داتیک تصور دین منزله          عناصر دین قلیب سنج آونیزاد          فلک کر و گیز آونیزاد          قلیب سهاره زینت فلک          قلیب نعتی نین برین فرود          پنج کیم اور کارغه او سولار دم          هر مدوی جانغه درینک نعتینک          پادشاها تون کون کیمسان سکا          جان ووشی جنت پرواز ایللاک          یخشیت صورت برله آدم ایللاک          داننه فی آدمغه سیرن دام ایللاک          دنیاده آدم نه بنیاد ایللاک          عاقبت اول انغه بولد پروان          بولدی آدمغه جهان ساقم سرا          بولد پروان ساقم سر اچره سدام</p>	<p>ایچنی لار خوج کومردان پاک          بیچ نیرمه یوقور سیتیک بید          سما ایتیک سلسل دینخ منزله          بر او فی دیو دیک برنی بریزاد          بنایق دیک ایکی علامت سباز          یوروق تون آکچیت لار دیک          انی بر آدمی لار ساد و خندان          ایتیک ز قینی هر کر قیلدیک کم          نثار ایت دمی عده جنتینک فی          بنده فی معفو ایللاک سانسکا          تیل سنه چه نیکنی آغاز ایللاک          عقل نه آدمغه مردم ایللاک          نفس اول انغه رام ایللاک          لذت نیابلیرشاد ایللاک          کیلد پروان لغه آدم شول زمان          کوردون کون محنت جور و جفا          یغلا دی فرقتده اوج یوزیل تمام</p>
--	--

توقیلمک نینک  
 ایچنی لار خوج کومردان پاک  
 بیچ نیرمه یوقور سیتیک بید  
 سما ایتیک سلسل دینخ منزله  
 بر او فی دیو دیک برنی بریزاد  
 بنایق دیک ایکی علامت سباز  
 یوروق تون آکچیت لار دیک  
 انی بر آدمی لار ساد و خندان  
 ایتیک ز قینی هر کر قیلدیک کم  
 نثار ایت دمی عده جنتینک فی  
 بنده فی معفو ایللاک سانسکا  
 تیل سنه چه نیکنی آغاز ایللاک  
 عقل نه آدمغه مردم ایللاک  
 نفس اول انغه رام ایللاک  
 لذت نیابلیرشاد ایللاک  
 کیلد پروان لغه آدم شول زمان  
 کوردون کون محنت جور و جفا  
 یغلا دی فرقتده اوج یوزیل تمام

“Куллиёт”нинг биринчи варағи

<p>مازداهفتگنای هم بسیار دور  تخریه بی جوینده غم و نشاد دور  پرورش ایلامی رطل و نوح بیان  باطیند رنج نهر آلودی بار ما  آخری بر کون انکا زهر بر دور  آخری بر کون انکا بر کوی زهر  آخری بر کون حقیقہ غامی داغینہ  نوزن منبک امر که بسیار نیک  اول همیشه عقل جانینا قصد یه  عقل و دیندینی است یو قیلور  حقیقہ اول سوجوقده دهر کون  انکا غریل بونده نمای حاضر خاص  جمع سبب و عماراتیک انکا  قیلده و دایم شکافق و جور  اول زمان زنگه کونکلا بکنرن حقیقہ  بولنج اول وقت شمع کونکلا  اول زمان سیدی روحانی بولور  نفس نه ایمانفکونور یاکه دور  ایکی عالم کور اول معبودی  بولنجای اول تنکری در که بهیدر خاک  یهنجا کدیده بول لی خانان  قیل لی نی خاک پامین تویتا  سره الحاق عقل و فهم اول کدین  جمع سبب اینک شم بر بادار</p>	<p>یوقا مکار هم حکمت رود  محر بر له جادو غم استا دور  عل قیلید و برج فی اشواق ملین  طاهر دیه قند دیک گفتاری بار  اولی هر کون انکا شکر بر دور  اول اول هر کیمه بر کوی سیم و زهر  رام ای تبار اول کس اول مداریغینہ  یوقتور و اول بره زن دیک صلیکر  اولی عمر دیک کونکون فی قصیده  دایم اول آدم سلطان سو قیلور  بره زن دایم اول عالم نوزی  اول کونکونجه کیم بولاس آغلاص  حقیقہ اول بره زن عمر نیک کور  ای اول اول بره زن کونکلیک  یز اول مکاره فی اویدین حقیقار  ای بر بادار که سین ازین امید  افز سلا به هم امید فانی بولور  خللی قیلنخان وزنی اولتور یاکه کوز  یوقتور کونکلیکین نمرودی  کیمیش کیم بولاس نوزین خلاص  استاسانک بلاق نمرودی ان  نیچ کیم بولک کور سین رویه  تایجی جسمینک تربیت فکاکدین  قیام دیکد حرقی کون نیا دار</p>
---	--

بازگشتن به سر اصل  
ادب و توکل بر خداوند  
توکل بر خداوند  
غافل از دار و دار  
حق توکل بر خداوند  
توکل بر خداوند  
توکل بر خداوند  
توکل بر خداوند

Куллиётнинг охирги варағи

## 2. “МАСНАВИЙИ ХАРОБОТИЙ” АСАРИ ҲАҚИДА

«Маснавийи Мавлоно Хароботий» номли бу асарнинг 9 та қўлёзма ва 11 та тошбосма нусхалари ЎзР ФА ШИ фондида сақланмоқда. “Маснавий” тахминан 6020 мисрадан иборат. Асарнинг ноширлари бу маснавийга “Маснавийи Хароботий фарзанди Мавлоно Румий» («Мавлоно Румийнинг фарзанди Мавлоно Хароботийнинг маснавийси») деб ном қўйганлар. Бунинг сабаби шуки, Хароботий мазкур асарини Мавлоно Жалололиддин Румийнинг «Маснавийи маънавий» асаридан таъсирланган ҳолда ёзган. Ундаги кўпгина фасллар Румийнинг маснавийсидан амалга оширилган таржималаридир. Маълумки, Румийнинг “Маснавий”си:

**Бишнава аз най чун ҳикоят мекунад,  
Аз жудонийҳо шикоят мекунад,-**

байти билан бошланади.

Хароботий ўз “Маснавий”сини Румий “Маснавий”сининг кириш қисмини таржима қилиш билан бошлайди. Унинг бошланиши қуйидагича:

**Англа найдин не ҳикоятлар қилур,  
Ким, жудолиғдин шикоятлар қилур.**

“Маснавийи Хароботий»да Хароботийнинг том маънодаги Румийнинг издоши сифатида кўрамаиз. Ҳатто у “Румийнинг фарзанди” деган ном олган эди. Масала равшанроқ бўлиши учун Жалололиддин Румий ҳаёти ва унинг “Маснавийи маънавий” китоби ҳақида маълумот келтирамаиз.

### МАВЛОНО РУМИЙНИНГ ҲАЁТИ ҲАҚИДА

Мавлоно Жалололиддин Румий ҳижрий 604 йил 6 рабиъ ул- аввал ойида (милодий 1207 йил 30 июль) Балх шаҳрида дунёга келган. Мавлононинг асл номи Муҳаммаддир, Жалололиддин лақабидир. Барча тарихнавислар бу зотни мана шу ном билан тилга олишган. Шунингдек, отаси унга «Худовандигор» деб ҳам исм қўйган. Кейинчалик Жалололиддин исми ўрнига «Мавлоно» унвонини эгаллаган, шунинг учун ҳам «Ҳазрати Мавлоно» дейилганида аввало шу зот ёдга келади. Бунга қўшимча ўлароқ «Румий» калимаси илова қилиниб, «Мавлонойи Рум» деб айтиладиган бўлган. Унсиз, сассиз деган маънони англатадиган «Хомуш» эса Мавлононинг ўз шеърларида қўллаган тахаллусидир. Мавлоно ҳижрий 672 йил 5 жумодул охир (милодий 1273 йил 17 декабрда) Туркиянинг Қўня шаҳрида вафот этган.

Мавлононинг ҳаёти ҳақида батафсил, аниқ маълумот берувчи манба – унинг ўғли Султон Валаднинг «Ибтидонома» асари ҳисобланади. Шунингдек, Румийнинг энг ишончли таржимаи ҳоли Аҳмад Афлокийнинг «Манокӣб ул-орифин» номли асарида баён қилинган. Мавлоно ҳақида жуда кўп

маноқибномалар бор. Бу манбаларда кўпроқ Ҳазрати Мавлононинг кароматлари, ажойиб қоллари зикр қилинган.

Ҳазрати Мавлононинг отаси Баҳоуддин Валад ибн Ҳусайн ибн Хатийбий «султон ул-уламо» деган фахрли унвон эгаси эди. У Балхда муқим уламо бир оила фарзанди эди. Ўзининг нақл қилишича, шажараси Ҳазрати Абу Бакр ас-Сиддиқ (р.а.)га бориб етади.

Афлокий Баҳоуддин Валад ҳазратларининг онаси Хоразмшоҳлардан Алоуддин Муҳаммаднинг қизи бўлганлигини айтган.

Баҳоуддин Валад ҳазратлари улуг сўфий бўлиб, барчага яхшилик қилиш ва ёмонликлардан ўзини сақлашлик билан ном чиқарган зот эди.

Афлокий ва бошқа тазкиранависларнинг ёзишларича, Баҳоуддин Валад билан Хоразмшоҳ Муҳаммад Такеш (вафоти 596/1250)ларнинг оралари бузилишига калом олими ва файласуф Фахруддин Розий сабабчи бўлган. Шу боис дили қаттиқ ранжиган Баҳоуддин Валад Балхдан бир умрга айрилади – кўчади: бу воқеа 609/1212 йилда бўлади. Бу пайтда Мавлоно 5 ёшларда эди. Бизнинг назаримизда, Баҳоуддин Валаднинг бундай қарорга келишига яна бир бошқа жиддий сабаб ҳам бўлган. Бу мўғуллар истилоси қўрқувидир. Чунки Фахруддин Розийнинг Балхда узоқ муддат турмаганлигига манбалар шоҳидлик бермоқда ва яна бу кўчиш воқеасидан уч йил олдин, яъни 606/1209 йилда Фахруддин Розий вафот қилган.

Ҳижрий 628 йил 18 рабиъул-охир ойида (милодий 1220 йил) Баҳоуддин Валад Қўн्याда вафот этади.

«Рисолаи сипоҳлор»да Мавлононинг отаси билан Қўн्याга келганида ёши 18 да бўлганлиги айтилган.

Мавлоно отасининг вафотидан бир йил ўтгач, болалигида ўзига устозлик қилган Саййид Бурҳониддин Муҳаққиқ Термизий (ваф. 638/1240) билан учрашади. «Насойим ул-муҳаббат»да ёзилишича, Саййид Бурҳониддин ўз устозининг вафотидан Ҳақ илҳоми билан хабар топган ва Қўн्याга келган.

Бу учрашув Мавлоно ва Саййид Бурҳониддин учун янги устоз-шогирдликка сабаб бўлди. Ҳол илмига доир орзу ҳавас, иштиёқ ва хоҳишни Мавлонода уйғота олган Саййид Бурҳониддин ҳазрат у билан узоқ муддат шуғулланади. Бу таълим 9 йил давом этади, 638/1241 йилда Саййид Бурҳониддин Муҳаққиқ вафот этади.

Мавлоно отасининг вафотидан кейин тахминан икки йилдан сўнг Саййид Бурҳониддин ташвиқи билан зоҳирий илмлардаги кам-кўстларини тўлдириш, диний илмлардан янада мукамалроқ билимларга эга бўлиш мақсадида Ҳалаб ва Шом шаҳарларига борган. Ўша даврда бу икки шаҳар шариат илмларини ўрганиш борасида мусулмон дунёси учун марказ ҳисобланарди.

Халафийа мадрасасига бориб тушган Мавлоно шу ерда яшайди ва Ибн Адим (Аҳмад ибн Камолиддин Абулқосим Умар) мадрасасида таҳсил ола бошлайди. Бир муддатдан сўнг Мавлоно Ҳалабдан Шомга ўтади. Бу

ерда у Шайхи Акбар номи билан танилган зот Муҳйиддин Арабий (1165–1240)ни кўрган ва суҳбатлашган. Тез орада Ибн Арабий вафот этади. Мавлоно бу шаҳарда илк бор Шамсиддин Табризий билан кўришган бўлиши мумкин.

Мавлоно Саййид Бурҳониддиндан иршод учун ижозат олган. У кундузлари мадрасада илм бериш, талабаларни ўқитиш билан машғул бўлган. «Маориф» номли асарида Саййид Бурҳониддин ўзидан кейин Шамси Табризийнинг Қўняга-Мавлоно учун келиши ҳақида ишора қилган.

1244 йилнинг 29 ноябрида Шамсиддин Муҳаммад Табризий Қўняга келади. Кенг билимга, соғлом дунёқараш ва иймон эътиқодга эга бўлган Шамсиддин Табризийнинг кимлиги унинг «Мақомот» номли асарида янада аниқроқ маълум бўлади. Ибн Арабий каби ўз даврининг энг мутафаккир шайх алломаси билан ва бошқа кўплаб машҳури олам уламо ва фузалолар билан суҳбатлашган бу зот, баъзиларни фалсафага оғиб кетгани учун, баъзиларни эса шайхлик ҳавасига мубтало бўлгани учун қаттиқ танқид қилган.

Мавлоно Шамси Табризийнинг қўлидан тутиб, ўз мадрасасига қараб йўл олади, ҳужрасига олиб киради. 40 кун ҳужрасига бошқаларнинг киришига рухсат бермайди.

Шамс билан 40 кунлик хилватдан кейин Мавлоно ўз йўлини ўзгартирди. Намоз ўқиш, ваъз айтиш ўрнига самога берилди. Чарх урмоққа ва рақсга кўнгил берди. Най, рубоб овозига қулоқ тутди.

Шамс билан учрашув Мавлононинг йўлини, ҳаётини бус-бутун ўзгартирди. Мавлоно манманлик деворини парча-парча қилди, кўмди, дунёга сигмас бир ишқ ва иймон уммони ҳолида мавж уриб оқишни бошлади. Унинг бу ҳолини тушунмаган ўзлари танимаган, билмаган бир бегона дарвишдан кўра Мавлонога яқинликларини иддао қилган толиби илмлар «устозимни биздан айирди» деб Шамсга «ўлдирамиз» деб таҳдид қилишган. Бу гап сўзлардан ранжиган Шамси Табризий вақтинчалик Қўнядан кетган. Сўнг талабаларнинг узр сўраб, қайтишини илтимос қилишганида, қайтиб келган. Аммо бу фитна қайта қўзғаб, уни безор қилгач, ортиқ чидай олмаган ва бир умрга ғойиб бўлган (ва ё ўлдирилган). Бу 645/1247 йилда рўй берган. Бадиуззамон Фирузанфор наздида Шамс Табризийнинг суҳбати ҳақида аниқ бир маълумот йўқ.

Шамсни Мавлоно узоқ вақт қидирган. Шамснинг ғойиб бўлишидан у қаттиқ қайгурган. Мавлононинг руҳи бу изтироб таъсири остида йўқолган Шамсни ўз қалбида топган. Мугасаввифларда тез-тез кўринган ўзининг маъшуқи билан бирга кўриш ҳолати бошланган. Шу боисдан ҳам Мавлоно баъзи газалларида ўз тахаллуси ўрнига маъшуқи – Шамснинг номини зикр қилади.

1207–1273 йиллар мобайнида яшаган Мавлоно аҳли суннат ва-л-жамоат ақидасини ва ислом илмларини мукаммал билган бир ислом олими эди. Шунингдек, у юнон тили ва юнон фалсафасини ҳам жуда яхши билган,

аммо бу маданият таъсирига тушмаган. Мавлоно, тан олиш керакки, Қуръон таълимотини фалсафадан юқори тутган. Бунга унинг қуйидаги сўзлари ҳам далилдир: «Фалсафа берадиган инкорни кўнглимдан сурдим, кўнглимга фақат Ҳақ каломига йўл бердим; кўзимни эса Юсуф (а.с.) га доир шаклларга тикдим».

Бу анъанавий тасаввуфий қарашлар, фикрлар, бир томондан, Мавлонинг бир комил инсон бўлиб етишишида муҳим роль ўйнаган бўлса, иккинчи томондан, Мавлоно учун қалб қувват оладиган, иймон баҳра топадиган ишончли манба бўлиб хизмат қилган. Чунки тасаввуф аҳллари Қуръон ва ҳадисларни ўз ҳол ва илму ирфонларига кўра тушунганлар, шарҳлаганлар.

Мавлоно ўз асарлари орқали мана шу тасаввуф маданиятига доир бой меросга бевосита алоқадор ўз ахлоқий, фалсафий қарашларини, фикрларини баён қилган. У фикҳ, фалсафа ва тасаввуф булоқлари бирлашган жойда етишгани учун ҳам исломий фикр майдонида бир даҳо шахс бўлиб намоён бўлади. У туғилиб ўтган даврда комилликка, етук инсон бўлишликка иштиёқ, завқу шавқ, орзу ҳавас бугунги кунимиздагидан кўра кучлироқ ва жиддийроқ бўлган. Мавлоно яшаган замонда инсоннинг одобахлоқи, дини диёнати, илми, насл-насаби...барча томонларига диққат қаратилган. Инсонга бўлган ҳурмат-эҳтиром Қуръоний ўлчовлар ичида бўлиб, етуклик пиллапояларига устоз ва шогирдлар (яна ҳам аниқроғи пири муршиди комиллар ва муридлар) шу ўлчов ва талаб, тартибга кўра ҳаракат қилганлар.

Хулоса қилиб айтганда, аввалида хароботия йўлида бўлган Мавлоно Хароботий вақт ўтиши билан нақшбандия қоидаларига амал қила бошлади ва Мавлоно Румийнинг ашаддий тарғиботчисига айланди<sup>3</sup>.

---

<sup>3</sup> Румий ҳақидаги маълумотлар Л.Баҳоуддиновнинг «Хоразмлик маърифат соҳиби» номли китобидаги Б.Умрзоқов мақоласидан олинди.



8885


سبع وعشرون مكيان وفضل خلاق مزين

روم  
خويزند مولانا  
مشهورى  
مولانا


در بلن شش در مطبع غلامى مطبعه كرده

ТИПО-ЛИТОГ. В. М. ИЛЬИНА ВЪ ТАШКЕНТѢ

“Маснавий”нинг титул варағи



“Masnaviy”ning birinchi varaği



“Masnavi” ning oxirgi varaғи

ҲОЛ ВА МАЪНО АҲЛИНИНГ СЕВИМЛИ КИТОБИ

Мавлоно Жалолиддин Румий. Бу ном илм аҳли учун жуда яхши таниш. Бу ном сўзланганда кишининг ёдига дарҳол унинг “Маснавийи маънавий” асари келади. Дунёга келиб, қисқа бир муддат яшаб ўтган бу буюк мутафаккир, мана етти асрдан ошдики, ўз асарлари, фикрлари билан барҳаёт. Бугун Мавлоно фақат ўзи туғилиб улғайган, яшаб вафот этган ватанидагина эмас, балки дунёнинг ҳамма ерида зўр ҳурмат ва эҳтиром билан ёдга олинмоқда. Шарқгина эмас, Ғарб ҳам бугун Мавлононинг шайдоси. Мусулмон дунёсининг бошқа улғу зотларидан фарқли ўлароқ бошқа дин, миллат ва элат вакиллари Мавлоно зиёратгоҳида ҳар кун учратиш мумкин. Буларнинг барчаси бу нодир шахснинг ўз замонаси ва ўзидан кейинги давр кишилиқ жамияти, илм аҳлига зўр таъсири билан, ҳайратланарли воқелиқдир. Ҳақиқатан, “Мавлоно Жалолиддин Румий асарларидаги муаззам бир руҳий жўшқинлик, севги-муҳаббат мавзуси узоқ асарлардан бери кишиларни тўлқинлантириб келади”<sup>4</sup>.

Ўрта Осиё халқлари орасида Мавлоно Жалолиддин Румий кўпроқ “Маснавийи маънавий” асари билан танилган ва машҳур бўлган. ЎЗР ФА Шарқшунослик институтининг қўлёзма фондида бу асарнинг юзга яқин қўлёзма ва тошбосма нусхалари, шарҳларининг мавжудлиги ҳам сўзимизни тасдиқлайди.

Мавлоно, ҳақиқатан, ўзининг асарлари билан айниқса, “Маснавийи маънавий” асари билан ўзидан кейингиларга – тариқат аҳллари ва илму ирфон соҳибларига, мутафаккир ва мутасаввиф шоирларга зўр таъсир кўрсатган.

Мавлоно Абдураҳмон Жомий (ваф. 1492) “Маснавий”ни “форсий Қуръон” деб таърифлайди. Мавлонони таърифида эса:

**Ман чи гўям он васфи олийжаноб,  
Пайғамбар нест вале дорад китоб.**

(Мен бу олийжаноб инсон ҳақида нима ҳам дея олардим,  
У пайғамбар эмас, лекин Китоби бор, –

дейди.

“Рашаҳоту айн ул-ҳаёт” асарида ёзилишича, Хожа Баҳоуддин Нақшбанднинг пешқадам асҳобларидан бири бўлган Хожа Муҳаммад Порсо (ваф. 1420) “Маснавийи маънавий”ни мутолаа қилишни ҳеч қанда қилмаган экан. Ҳатто умрининг охириги лаҳзаларигача бу китобни ёнида сақлаган. Нақл қилинишича, бу зот энг охириги ҳаж сафарида мазкур китобни ўзи билан Маккага мукаррамага олиб кетган. Йўлда (Нишопурга етганда) ҳавонинг ҳарорати ва йўлнинг хавф-хатари боис карвон йўл юриш ва ё ортга қайтишни билолмай тараддуланиб қолганида, Хожа Муҳаммад Порсо “Маснавий”ни тафоул учун очган, шунда қуйидаги байтлар чиққан:

<sup>4</sup> Жўшон М.А. Ислом, тасаввуф ва ахлоқ. Таржимон Хожа Сайфиддин Сайфуллоҳ. – Т.: “Истиқлол”, 1999. 74-бет.

**Равид, эй ошиқони Ҳақ, ба иқболи абад мулҳақ,  
Равон бошид ҳамчун маҳ басуйи бурди масъудий.  
Муборак бодатон ин раҳ ба тавфиқи амонulloҳ,  
Бар ҳар шаҳру, бар ҳар жое, бар ҳар даште,  
ки бинмудий.**

(Эй Ҳақ ошиқлари, абадий иқболга етишмоқ учун боринг,  
Ой каби бахтли бурж сари равон бўлинг.  
Қайси шаҳар, қайси жой, қайси даштга борсангиз,  
Аллоҳнинг омонлик тавфиқи сизларга муборак бўлсин!)

Бундан кўнгиш гашлиги кетиб, кайфияти кўтарилган карвон аҳли йўлда давом этишган. Хожа Муҳаммад Порсо мана шу сафарида – ҳаж вазифалари адосидан сўнг Мадинаи мунавварада хасталаниб вафот этган. Аббос разийаллоҳу анҳунинг қабри яқинига дафн қилинган.

Алишер Навоий ўзининг “Насойим ул-муҳаббат мин машойим ул-футувват” асарида беш юз иккинчи ўринда Мавлоно Жалолиддин Румийни зикр қилган, гарчи “Маснавий” ҳақида сўзламаса ҳам, аммо бу асарининг жуда кўп ўринларида “Маснавий”дан байтлар келтирган.

Шуни алоҳида такидлаш ўринлики, “Маснавийи маънавий”дек шоҳ асарни ҳар ким ҳам тўла англайвермаган. “Маснавийи маънавий”нинг мутолааси кишидан фавқулодда улкан илму ирфон захираси, шунингдек, ҳалол одам бўлишликни талаб қилган.

### 3. “Рисола дар ҳақиқати фақр” асари

«Рисола дар ҳақиқати фақр» («Фақр ҳақиқати ҳақида рисола») ёки «Рисолаи фақрийа» (“Фақр ҳақида рисола) асари тасаввуфда кенг қўлланилган фақрлик ҳақида баён қилади. Бу рисоланинг ягона нусхаси ЎзР ФА ШИ фондида 5938 рақами остида сақланмоқда. 76 саҳифадан иборат бу рисолада фақр сўзининг маъноси ва ундаги ҳар бир ҳарфнинг қандай мазмунга эга экани ўз баёини топган. Наср ва назм билан ёзилган унда ҳам шоирнинг тасаввуфий, фалсафий ва ахлоқий фикрлари жамланган.

رَبِّ يَسِيرٍ وَتَجَمُّمٍ بِالْمُخْبِرِ

در وصف توان عشق پیوسته در او اثر  
شیخ سید اشرف کاشانی در کتب کرامت

بِسْمِ اَللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ

العشق والحبیب المجد قد رتب العالمین والدعاء والبرکة والرحمة  
على محمد وآله اصحاب الجمعین الی یوم الدین انا عشق محبت حمد  
فقیر لیق برده ثابت دور و موافق ولایق شرور انیک و چون کم  
اول شایسته عاشقان و خواجہ برد و جهان و سید انیس جان کجا  
عالم نینک پیروی و اهل اصحاب نینک پرده دری و نقل موجودات  
نینک جوهری و معنی بگری نینک کوهری عزت اہلی نینک نپری  
اعنی حضرت محمد مصطفیٰ صلی اللہ علیہ وسلم دیب دور کہ انقدر  
فخری یعنی من بیج نرسہ کانا ز قیامید و در من مکر فقیر لیق قد  
خشنود شرور من دیدار موندین معلوم و مفہوم دور کم؛

فخر

“Рисолаи фақрийа”нинг бошланиши

مقتطفے دین یراق بولسہ تو کئی ابراہیم دیکھ صبر ایوب دیک  
 وعلی ادریس دیک وعلی عیسی دیک و شوق موسی دیک و  
 مصطفی بولسہ و کر نہ مند غ بولسہ زندہ دل دیب بولسہ  
 رباعی  
 خداوند کچور کبیل کوب کناہم کچور کوچی رحیم پس انہم  
 کناہم کر چہ تاغ دین موغیر دو عدد پسینر دور امیدیم پادشاهم


آسن

اللهم تقبل منا دعواتنا في حق جميع ائمتنا حبيبتك محمد وآلته  
 اللهم مغفرتك وسع من ذنوبنا ورحمتك ارجا عندى من  
 عملى برحمتك يا ارحم الراحمين دولت مستدام

محبت علی آدم با دجبرته

النبي وآله الامجاد

آمين والى العالمين



سنة يكهنرازه صد پنچ پيال بود كه شرح خرابات تمام شده

“Рисолаи фақрийа”нинг охирги varaғи

#### 4. ХАРОБОТИЙ МЕРОСИНИ ЎРГАНИШ ТАРИХИДАН

Хароботийнинг ижодини ўрганишга собиқ Иттифоқ давридаги олиб борилган сиёсат тўсқинлик қилганини айтиш керак. Хароботий ижодини ўрганиш биздан аввал Хитойнинг Шинжон деган жойида бошланган. 1980 йилда уйғур олими Азиз Собит томонидан шоир ҳақида бир қанча мақолалар эълон қилиниб, 1986 йилда эса «Маснавийи Хароботий»нинг қисқартирилган нусхаси китоб ҳолида нашр этилган. Бошқа уйғур олимларнинг ҳам мақолалари мавжуд. Бу мақолаларда Хароботий уйғур шоири сифатида талқин қилинади.

2003 йил 15 ноябрда эса уйғур олими Ҳурматжон Абдурахмон Тошкентда «Уйғур шоири Хароботий ва унинг адабий мероси» мавзуида номзодлик диссертациясини ёқлади. Ҳурматжон Абдурахмоннинг айтишича, Хароботийнинг қабри Шинжон вилоятида бўлиб, унинг исми Муҳаммад ибн Абдуллоҳдир. Бироқ Хароботий Тошкентда яшагани ва унинг қабри ҳозирги Қатортол кўчасида жойлашгани аниқдир. Бундан ташқари, Хароботий ўзининг «Кулиёт»ида Шош шаҳрини тилга олади. Хароботий авлодларининг қўлида сақланаётган Хароботий масжидига қарашли вақф ерларини баён қилувчи ҳужжатда Абдул Қаййум Хароботий ва унинг фарзанди тилга олинади.

Ҳ.Абдурахмон шоирнинг ижодини ўрганар экан, унинг «Куллиёт» ҳамда «Маснавийи Хароботий»си аслида битта асар бўлиб, кейинчалик иккига бўлиниб кетганини таъкидлайди. Аслида эса у иккита мустақил асардир.

Ўзбекистонда Хароботий ижодига мурожаат қилиш 2005 йилдан бошланди. Биз уйғур олими Ҳ.Абдурахмоннинг илмий иши билан танишиб чиққандан сўнг, Хароботийнинг «Маснавийи Мавлоно Хароботий фарзанди Мавлоно Румий» китобини Ҳ.Абдурахмоннинг илтимоси билан кирилл алифбосига айлантирган эдик. Бироқ у нашр бўлмаган эди. 2004 йилда Хароботий авлодларидан Хайриддин Абдуқаҳҳор ўғли институтга келиб, Хароботий ва унинг асарлари ҳақида маълумот топиб беришимизни илтимос қилди. Шундан сўнг, биз тайёрлаган нусха шу кишининг саъй-ҳаракати билан нашр этилди.

2005 йилда Хароботий масжидида ўтказилган тақдимотда Хароботийнинг бошқа асарларини ҳам нашр этиш ҳақида сўзлаган эдик. Шу мажлисда бир нуруний отахон Хароботийнинг қолган асарларини нашр этишда ҳомийлик қилишни ўз бўйниларига олиб, бизни хурсанд қилган эдилар. Кейин маълум бўлишича, бу Абдувосиқ ота эканлар. Абдувосиқ ота ва уларнинг фарзандлари профессор Алишер Ваҳобовнинг ҳомийлигида, ҳақиқатдан ҳам, Хароботийнинг асарлари тўлиқ нашрга тайёрланди.

Бу пайтгача Абдувосиқ ота ва унинг фарзандлари томонидан Хароботийнинг Қатортол кўчасидаги қабри ва масжиди таъмирланди. Масжиднинг бузиб юборилган арки қайта тикланди. Атрофи эса ўраб қўйилди. Мазкур хайрли ишни амалга оширишда Абдувосиқ ота Ваҳобов, Абдувоҳид Сатторов, Хайриддин Қаҳҳоров, Ҳамлет Самадов, Шамсиддин Қутбидинов, Абдурашид Самадов ва бошқа кишилар катта хизмат кўрсатдилар.



## 5. Хароботия йўли ҳақида

Маълумки, тасаввуфда суҳравардия, кубравия, қодирия, яссавия, чиштия, нақшбандия каби тариқатлар ва уларнинг кўплаб шохобчалари бўлган. Хароботия ҳам тасаввуфдаги шохобчалардан бири сифатида мавжуд бўлган. Хароботиянинг йўли ва услуби ғоят оғир бўлиб, шунинг учун бу йўлнинг тарафдорлари кам бўлган.

Харобот сўзининг таркибига қарайдиган бўлсак, бу “хароб” ва “от” сўзларидан иборат бўлиб, “хароб” сўзи харобликни, “от” эса араб тилидаги кўплик шаклини билдиради. Демак, харобот сўзи харобликлар ёки харобалар маъносидадир. Истилоҳий маъноси эса “Бурҳони қотиъ” луғатида ёзилишича, шаробхона ва бўзахона маъноларини ифодалайди. “Ғиёс ул-луғот” китобида ёзилишича эса харобот майхона ёки майкадани билдиради.

Ўтмишда яшаган сўфий шоирларнинг шеърларида харобот сўзи кўплаб ишлатилганини кўриш мумкин. Айниқса, Саъдий, Ҳофиз, Низомий, Аттот, Носир Хисрав, Ҳоқоний газалларида харобот майхона эканлиги ёзилган. Чунончи Низомий ёзади:

**Чун бадар омад ба харобот шуд,  
Ҳам аз қибла суҳан гуяд ҳам аз лот.**

Мазмуни:

**У келди-ю хароботга кирди,  
Гоҳ қибладан сўзлашар, гоҳ бутдан сўз очишар эди.**

Бу ердаги майхона ва унда май ичиш рамзий маънода бўлиб, Аллоҳга қаттиқ берилиш ва уни ҳаддан ташқари севиш, Аллоҳнинг муҳаббат майини ичиб, мустағрақ бўлишдан иборат. Аллоҳ ишқида маст бўлиб, Аллоҳдан ўзгани ўйламайдиган сўфийлар ўзларини хароботий деб билганлар. Биз ўрганаётган Хароботийлар ҳатто ўзларига тўғридан-тўғри Хароботий лақабини олганлар.

Мавлоно Абдулқайюм Хароботий бу йўлга қачон кирган ва унинг бу соҳадаги пири ким бўлганлиги номаълум. Бу йўлнинг вакиллари Аллоҳга етишиш ўзларининг энг олий ва муқаддас мақсадлари бўлгани учун, дунёдан бутунлай воз кечишни, бу хароб дунёда хароб яшаб, фақат Аллоҳ зикри билан машғул бўлишни тарғиб қилганлар. Хароботия йўли қисман яссавия йўлига ўхшаб кетади. Бироқ яссавия тариқатида зикр овоз чиқариб айтилса (зикри жаҳр), хароботияда эса овоз чиқармай зикр қилиш (зикри хафий) қабул қилинган. Чунончи Абдулқайюм Хароботий ёзади:

**Жаҳр қилма зикри Ҳақни, эй ўғул,  
Жаҳр қилсанг бўлмагай ҳаргиз қабул.  
Гар киши қичқирса шоҳни олдиго,  
Подшоҳ қилгай ғазабга мубтало.  
Борса ҳар ким қичқириб шоҳ қошига,  
Етгай ул соат адаб чўб бошига.**

Тасаввуфда маломатия оқими ҳам мавжуд бўлиб, хароботия оқими маломатия оқимига яқин. Чунончи, Хароботий ёзади:

**Эй ўғул, тун-кун саодат истагил,  
Мову ман тарк эт, маломат истагил.  
Ушбу олам ҳар маломатлиқ киши,  
Рўзи маҳшар ул соадатлиқ иши.  
Ул кишига Тангри раҳматлар қилур,  
Халқ анга чандон маломатлар қилур.  
Солса кўз ҳар ким маломатдин анга,  
Ҳақ боқар ул дам муҳаббатдин анга.**

Шоир харобот сўзини ифодалаганда кўпинча одамлардан ёлғиз қолиш ва ташландиқ хароба жойларда Ҳақ зикрини амалга оширишни тушунтиради. Чунончи у ёзади:

**Ушбу таълимларни сен барпой тут,  
Гўшани вайроналарда жой тут.**

Ёки:

**Эй ўғул, доим харобот ичра бўл,  
Очилур андин санга Ҳақ сори йўл.**

Хароботий бизнингча, ёшлик айёмларида хароботия йўлининг ашаддий тарғиботчиси бўлиб, Хароботий лақабини олса-да, вақт ўтиши билан унинг ҳаётида нақшбандия тариқати устунлик қилганга ўхшайди. Аввалида у касб билан шуғулланмаслик, ободончиликка интилишдан воз кечишга чақирган бўлса, энди унинг ижодида илмга интилиш, касб билан шуғулланиш, (силаи раҳм) қариндошларга меҳрибончилик қилиш, олимларни ҳурматлаш, илмнинг фазилати, ҳозик табибнинг хислати, хайру эҳсоннинг фазилатини улуглаш ҳолатлари пайдо бўлади. У «Рисолаи фақриййа»да хожагонлар тариқати ва нақшбандиянинг қоидаларидан ҳисобланган «Назар дар қадам», «сафар дар ватан», «хилват дар анжуман» каби қоидаларга амал қилишга чақиради.

Хароботийнинг «Маснавий» китобини ўқир эканмиз, энди у тамоман мавлавия тариқати аъзосига айланиб қолганини кўрамиз. «Маснавий»да у Румийнинг кўплаб байтларини ўзбек тилига таржима қилиб, ўзининг бу байтлардан олган таъсирларини ҳам шеърга солди. Натижада у “Мавлоно Румийнинг фарзанди” деган лақабни олади.

II БОБ.  
ХАРБОТИЙНИНГ ИЖТИМОЙИ, ТАСАВВУФИЙ ВА  
ФАЛСАФИЙ ҚАРАШЛАРИ ҲАҚИДА

Мавлоно Хароботий чуқур диний-тасаввуфий ва фалсафий мушоҳадага эга бўлган шоирдир. Ҳаётнинг барча соҳаларига оид фикрларни унинг барча асарларида кўриш мумкин. Жумладан, Хароботий “Куллиёт”нинг “Солиҳ ва мунофиқ ҳақида” фаслида инсонларни солиҳ бўлишга чақирар экан, ваъдасида турмайдиган, бировларнинг молига, яъни омонатга хиёнат қиладиган кишилардан иложи борича қочишга даъват этади:

**Ваъдасиға аввало қилғай хилоф,  
Оғритиб қилғай кўнгилни ул хароб.  
Ҳам мусулмонға касофатлар қилар,  
Ҳам омонатга хиёнатлар қилар.**

Хароботий мазкур фаслда мунофиқликнинг ёмонлиги ва бундай инсонларнинг бошқа ҳалол, пок инсонларга таъсири бўлаётганлиги, мунофиқ кишилардан нафақат одамлар, балки Аллоҳ ҳам юз ўгиришини уқтиради:

**Ким мунофиқ бўлса ул мурдордур,  
Бил, мунофиқдин Худо безордур.**

Бошқа жойда:

**Ким мунофиқ бирла гар ҳамроҳдур,  
Англағил ҳар иккиси гумроҳдур, –**

дейди.

Хароботийнинг фикрича, ким мунофиқ одам билан дўст тутинса, ўша иккала одам ҳам мунофиқ ва гумроҳ бўлади.

Асарнинг “Қосиб аҳволи баёнида” фаслида касб-ҳунар, ҳалол меҳнат қилиб ризқ топиш, ҳалол меҳнат орқасидан умрини роҳат-фароғат билан ўтказишни тарғиб этади:

**Ҳар киши уй ичра меҳнат ичрадур,  
Ҳар киши сайр ичра роҳат ичрадур.**

“Куллиёт” асарининг “Ҳаром молнинг касофати ҳақида” фаслида ҳалоллик, ҳалол яшамоқ ва ҳаром молдан ҳазар қилмоқ, ҳаромдан топилган ризқ ва мол-дунё инсонга шодлик эмас, балки ғам-андуҳ олиб келиши баён қилинади:

**Кўрлар дарёда заврақ тобмағай,  
Қим ҳаромхўр бўлса равнақ тобмағай.  
Йиғмағил моли ҳаром, эй беҳабар.  
Икки олам ичра ул молин тилар.**

Хароботийнинг Тошкентда яшагани ва шу ерда нашъу намо топгани шеърларида ўз ифодасини топган. У илму қол ва илму ҳол деб ёзган фаслида ўзига қарата шундай дейди:

**Ўзни билган илму куллдир, эй қуёш,  
Тутқойсиз ҳуш, эй муллои Шош,**

Яна бир жойда ўзига қарата:

**Жам қилма дунё, эй муллои Шош,  
Кўп надомат бирла ўлса сенга тош.**

Бу ерда ўзини “шошлик мулло” деб тилга олади. Хароботий илм, олим ва илмли муллолар ҳақида ҳам ўз фикрини билдирган. Унинг ёзишича:

**Қилса ҳар мулло гар мову маний,  
Бўлғай тарсоу жуҳуду арманий.**

Яъни бир илмли мулла манманликка йўл қўйса, илмига мағрурланса, демак ундай одам мусулмон эмас. Унинг айтишича илм аҳлида ва муллоларда асло манманлик бўлмаслиги ва улар доимо ўзларини камтар тутмоқлари керак. Бу ҳақда яна ёзади:

**Мову манлик илм жоҳил илмидур,  
Мову манлик илм қоҳил илмидур.**

Хароботийнинг ёзишича:

**Дасто кийган билан мулло эмас,  
Бордур кўп дасторлиқ дунёпараст.**

Яъни ҳамма бошига салла ўраган билан ҳақиқий мулла бўла олмайди. Чунки дунёда бошга салла ўраган кўп одам борки, улар илмига амал қилмай мол-дунё йиғишга берилиб кетади. Унинг ёзишича, ҳар қандай олим киши илмига мағрурланса, у одам аслида соғлом эмас.

**Ҳар кишиким илмига мағрурдур,  
Сихҳат эрмас ул киши ранжурдур.**

Хароботий илмига амал қилмаган уламоларни, олимларни жуда қаттиқ танқид қилади.

**Йўқ амал олимда, аммо илми бор,  
Бўлғуси маҳшарда чандон хору зор, –**

дейди у. Яъни бир олим одамнинг илми бор, лекин у илмига амал қилмаса, ўзининг айтганини ўзи бажармаса, демак у маҳшарда хору зор бўлади.

Илмга эга бўлиб, олим деган номини олса-да, лекин тинимсиз молу дунё йиғиш билан овора бўлса, демак у Ҳақ даргоҳида обрў эътиборга лойиқ эмас.

**Олиме дунё учун жўндадур,  
Тангри даргоҳида ул шармандадур.**

Илми бўлса-ю, бироқ бу илмига амал қилмаса бундай олим ҳеч нарсадан қўрқмайди ва доимо Аллоҳга қарши исёнда бўлади.

**Беамал олим қилур исёни сахт,  
Беамал олим ҳама Дажжолу вақт.  
Олимо, хавфу ражода бўл давом,  
Оқибат бўлғай санга дўзах ҳаром.**

Хароботий шоирлар ҳақида ҳам фикр билдиради. Унинг ёзишича, шоирлар икки хил бўлади, бир қисм шоирларга ғайбий фикрлар келади, баъзи шоирлар табъий бўлади, яъни шеърни яхши билади ва Аллоҳни мақтаб шеър айтади.

**Шеър айтмоқлик икки қисме дурур,  
Шоирли ғайбий ҳама табъий дурур.**

Унинг ёзишича, ҳикматлар ва чуқур маънога эга бўлган шеърлар шоирга ғайбдан етишади ва ғайбдан келган фикрларни у қоғозга туширади.

**Шоире ғайбий ҳама файзи Илоҳ,  
Бегумон жаннатда ҳам кўргай лиқо.**

Табъий шоирлар ҳақида:

**Шоирли табъий ҳама фаҳму зариф,  
Шоирли ғайбий Худога ҳам қариб, –**

деб ёзади.

Табъий шоирлар ўз шеърларида фақат, Аллоҳ, дин ва шариатни баён қилсаларгина уларнинг шеърларидан фойда бўлади, бироқ табъий шоир халқни, подшоҳни ёки бошқа одамни мақташ ва бунинг эвазига бирор нарсани ундиришни кўзда тутса, албатта ул Аллоҳнинг газабига дучор бўлади:

**Танпарвар табъига мағрурдур,  
Доимо ҳар куну тун ранжурдур.  
Шоиреким мадҳга мойилдур,  
Олами ғайбдин анга ҳосил бўлур.**

Унинг ёзишича, ғайбий шоир, яъни ғайбдан илҳом оладиган шоирлар ганж, яъни яхшилик ичра, табъий шоир доимо ранж, яъни ғам ичра бўлади.

Хароботий ўз асарининг кўпгина ерида устози ҳақида эслатиб ўтса-да, бироқ бу устознинг номи ва ким эканлигини ёзмаган. Масалан:

**Ҳар нафас ҳуш бирла бўл боёди Ҳақ,  
Берди бу пандини устозим сабақ, –**

дейди ва бундай мисралар асарнинг кўпгина жойида учрайди.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, Хароботийнинг “Маснавий”си Румийнинг «Маснавийи маънавий» асари таъсирида ёзилган бўлиб, унда ҳам Хароботийнинг ижтимоий-фалсафий фикрлари кенг ўрин олган. Айниқса, унда нафсни тарбиялаш масаласига катта аҳамият берилади. Жумладан, ёзади:

**Токи жон бор нафс бу жисмида бор,  
Сурати бу нафс ҳар қисмида бор.  
Зоҳиридур меҳрибон, ширин калом,  
Ботинидур ҳийлаву тазвиру дом.  
Қил ҳазар ҳар рўзу шаб, эй ому хос.  
Мумкин эрмас домидин тобмоқ халос.**

Хароботийнинг ёзишича, инсон то умрининг охиригача нафс билан курашади, чунки инсонда жон бор экан, нафс ҳам ҳар доим мавжуд. Нафс кўринишдан инсонга гўёки меҳрибон, ширин сўз ва ором берувчи бўлиб кўринади, аслида эса унинг иши ҳийладан иборатдир.

Хароботийнинг ёзишича, ҳар бир киши Аллоҳга ҳақиқий банда бўлса, у ўз нафсини жиловлай олиши лозим, нафс бамисоли Шайтондир:

**Эрур оламда олам сад ҳазорон,  
Улардин бирриси бу нафс шайтон.  
Эрур ҳар нафс шайтонники зоти,  
Валекин кўб эрур исму сифоти.  
Ўшал шайтонки, нафсдур нафс шайтон,  
Сифотидур тамоми фисқу исён.**

Агар банда нафсни жиловлай олмаса, у ўз нафсининг қулига айланади, нафсга қул бўлиш эса Шайтонга қул бўлишдир, деган фалсафий мушоҳадани ўртага ташлайди:

**Одам эрсанг бандан Аллоҳ бўл,  
Бўлмағил зинҳор нафс шайтонга қул.  
Рўзу шаб қилғил Худо фармонини,  
Қилмағил бу нафси саг сағбонини**

У ҳар ким нафсини таниса, батаҳқиқ Парвардигорини ҳам танийди, деган ғояни илгари суради. Унинг фикрича, нафс билан Шайтон бир йўлда туради, кимки нафсига тобе бўлса, ҳеч қачон Аллоҳнинг дийдорига мушарраф бўлмайди:

**Нафс ила Шайтон бу йўлда ширк эрур,  
Тобеъи нафсу ҳаво мушрик эрур.  
Орзуйи нафсдур лаззат талаб,  
Ул кўролмас ҳеч вақт дийдори Раб.**

Хароботий нафсни илон ва аждарҳога, ўхшатади:

**Модари бутлар эрур нафсинг санго,  
Чунки ул мори-ю бу бут аждаҳо.  
Мусҳафу тасбиҳ нафс илкида бор,  
Ханжару шамшир ҳам остида бор.**

Хароботий яна бир жойда нафсни маккорга ўхшатиб, нафсга эрк берилса у сени кечаю кундуз афсун қилади, охир оқибатда одамни девонаю мажнун қилиш даражасига олиб боради, дейди:

**Рўзу шаб одамни ул афсун қилур,  
Халқни девонаву мажнун қилур.**

Хароботий нафс ҳақида ирфоний-фалсафий мушоҳада юритар экан, нафсдан йироқ бўлишни, унга асло эрк бермаслик кераклигини таъкидлайди. Тасаввуф аҳли фикрича, нафсни хор қилмоқ лозим, шундагина инсон нафс устидан ғолиб бўлади ва ўзи истаган камолот чўққисига чиқа олади. У бу борада шундай ёзади:

**Заҳр бер нафсингга сан тирёқ ичиб,  
Тез ўлтур нафсни бошин кесиб.**

Хароботий “муту қабла ан тамуту”, яъни нафсингларни ўлдиринглар, ўлмасдан бурун ҳадисига амал қилишни буюради.

Хароботий нафсни қоралар экан, бир жойда Одам Атонинг ҳам нафсга берилгани туфайли жаннатдан қувилганига ишора қилади:

**Қўйди нафс завқидин Одам бир қадам,  
Сад ҳазорон тобди ул дарду алам.  
Ким қадам қўйса баройи нафси завқ,  
Доғи фурқатдин солур бўйнига тавқ.**

Хароботийнинг ёзишича, нафс инсонга завқ-шавқ, шодлик, хурсандчилик келтираётгандек бўлади, лекин буларнинг ҳаммаси ёлғондир, у инсон бошига кўпгина кулфатлар олиб келади. Шунинг учун Хароботий нафсни эркин қўймасликка чақиради. Агар инсон нафс устидан ҳукмрон бўлса, у одамларни ғам-кулфатда қолдириши ва бутун умр бошлари тавқи лаънатдан чиқмаслигига ишора қилади:

**Қил ҳазар, эй дўст, борма қошига,  
Тафли “ло ҳавла” била ур бошига.  
Қатл қил нафсингни сан бўлғил эмин,  
Ҳам қутулғил ханжару шамширидин.**

Хароботийнинг ёзишича, нафс бир балои азимки, ундан қочиш ва ҳазар қилмоқ керак. У яна у инсонларга насиҳат қилган ҳолда, нафсингни ўлдир, уни қатл қил, деб инсонларга тўғри йўлни кўрсатади. Албатта, Хароботий

нафсга “ҳийланинг устозидур” деб баҳо беради. Нафс инсонларни ёмон ишларга ўргатади. Нафс билан ўтирган инсон, кеча-ю кундуз нафсининг измида бўлади ва фақат унинг фармони бажаради.

Бу ҳақда ёзади:

**Кимки ўлтурса агар нафси габр,  
Доимо фармонида хуршиду абр.  
Нафс макру ҳийлани устозидур,  
Рўзу шаб кўнглунгда они ёдидур.**

Нафсини жиловлаб олган инсон руҳий қувват туфайли мўмин бўлади, кимки нафсининг устидан голиб келмай, унга тобе бўлса, у Аллоҳни унутди ва охир оқибатда кофир бўлади:

**Қуввати руҳийдин руҳоний бўлур,  
Қуввати нафсийдин нафсоний бўлур.  
Нафси голиб кофири тарсо бўлур,  
Руҳи голиб Аҳмаду Исо бўлур.**

Яна бир жойда Хароботий нафсни одамлар устидан ягона ҳукмрон бўлишни истаган подшоҳга ўхшатади, Қалбни эса қалъага. Агар ёвуз подшоҳ (нафс)ни жангда енга олмаса у қалъа (қалб)ни забт этади:

**Бу тан мулкида нафсим подшоҳдур,  
Райият чашму гўшу дасту подур.  
Эрур бу шаҳарнинг дарвозаси ҳафт,  
Қилибдур нафс бу дарвозани забт.**

Хароботий одоб-ахлоқ ҳақида ҳам фикр билдиради. Унинг фикрича, кимки ёмон одамлар суҳбатида бўлса, ўша одамлар тасарруфига ўтади, ёмон одамлар икки оламда фақат офат, бало бўладилар. Кимки ёмон ёрга ошиқ бўлса, у кейин яхшиликдан маҳрум бўлади:

**Вой ул суҳбати ямонни суҳбати,  
Икки олам жону дилнинг офати.  
Кимки ёри бадга гар маҳрам бўлур,  
Ул киши тўрт нафъдин маҳрум бўлур.**

Хароботий ёзади:

**Шайх Шайтон золими маккорадур,  
Оқибат ул шайхлар юз қорадур.  
Ҳарфи дарвишларни чандон ёд этар.  
Макру дому ҳийлалар бунёд этар.**

Хароботий ёмон сифатли шайхлар ҳақида сўз юритар экан, ёмон шайх шайтон каби маккордир, бу маккорлик орқасида охир-оқибат юзи қора бўлади, дейди. Ёмон сифатли шайх дарвишлар билан бирга содда одамларни йўлдан уради, уларни ҳийла, макр билан алдайди. Содда дарвиш-



лар бундай шайхларнинг макрига учиб, уларни бир қанча вақт ёд этади ва шунингдек, қанчадан-қанча макр-ҳийлаларни пайдо қиладилар.

Инсонга хос фазилатлардан бири кибр ва манманликка берилмасликдир. Ўтмиш алломалари бу борада ўз асарларида кўпгина мисолларни ва нақлларни келтирганлар. Албатта кибр инсонларни ҳалолликдан, бошқаларга меҳр-саховатли бўлишдан ажратиб қўяди. Хароботий кибр ҳақида шундай дейди:

**Буд тани олтин-кумушдур қадри бор,  
Бу санинг жисминг эрур беътибор.  
Кибр ҳусну илму мулку мол эрур,  
Кибр охир норға даллол эрур.  
Эй дило, аслингни ҳар дам ёд қил,  
Тезроқ бу кибрни барбод қил.**

Хароботийнинг фикрича, агар инсонда кибр бўлса, у инсонларни молдунё йиғишга, бемеҳрликка чорлайди, инсонийликдан йироқ қилади. Кибр инсонни шу даражага олиб борадики, охир оқибатда туяга даллол бўлади. Шу билан бирга Хароботий ёшларга насиҳат қилиб, инсон-инсонлигича қолиши керак, Аллоҳ таоло инсонга нима яхши ва нима ёмон деган бўлса, яхшини қабул, ёмон хулқлардан ўзини халос қилиши керак.

Яна кибрнинг ёмонлиги дейди:

**Бўлса ақл аслингни сан андеша қил,  
Ожизу бечораликни пеша қил.  
Аввалу охир бу жисминг хокийдур,  
Кибрлиқ тан, жону дил нопокдур.**

Кибрга берилган инсон, гарчи ер юзидаги энг улуг, буюк аллома бўлишидан қатъи назар, унинг номи қораланади, дейди Хароботий. У инсонларга, кибрни кўнгилдан чиқариб ташлашни, кимки кибрга берилса, у одам ҳатто диндан ҳам чиқишини таъкидлайди. Ҳақ йўли ўта нозикдир, бу йўли ўта нозикдир, бу йўлдан чиқиб, Иблис йўлига осонликча кириш мумкинлигини айтади:

**Кибрлиқ рўйи замин алломаси,  
Бўлса ҳам охир сияҳдур номаси.  
Эй ўғул, кибрингни кўнгилдин чиқор,  
Ким чиқормас бўлса ул диндин чиқор.  
Тобмади даргоҳиға Иблис йўл,  
Эй дило, борику нозикдур бу йўл.**

Хароботийнинг фикрича, кимки кибр йўлига кирса, такаббурлик қилса, у инсон эмас, балки шайтон бўлур. Бундай ёмон сифатлардан доимо йироқ бўлиш лозимлиги тўғрисида ёзади. Шайтон барча фариштадан улуг эди, бироқ кибри туфайли Аллоҳ даргоҳидан қувилди:

**Ул эди ортуқ амалда барчадин,  
Ким, такаббур айлагач бўлди лаъин.  
Бўл, Хароботий, ниятдин йироқ,  
В-арна “байний байнака ҳоза-л-фироқ”.**

Хароботийнинг фикрича, Аллоҳ таоло биров учун бу дунёда мол-дунёни кўб, айримларига оз беради. Нима бўлганда ҳам одамлар бир-бирига меҳр-оқибатли, оғир кунларида яхшилик қилмоқлари лозим. Жаннатга тушишларини истасалар, шунингдек, дўзах оловидан омон қолишни хоҳласалар хайру эҳсонни кўп қилмоқлари лозим:

**Амаллар муздурини жаннат, жаҳаннам,  
Берурсан баъзиға кўб, баъзиға кам.  
Жазоси хайру эҳсон тобти жаннат,  
Жазоси фиқру исён дўзахи сахт.**

Унинг фикрича, ҳар бир инсон бировга яхшилик қилса ўзи учун қилади. Бу борада ёзади:

**Қилур ҳарна киши қилса ўзиға,  
Ҳама қилгонни кўргузгай кўзиға.  
Жазойи бад жаҳаннам ичра ул нор,  
Жазойи хайр жаннат, қасру гулзор.**

Хароботий макр-ҳийла ҳақида фикр юритар экан, макру ҳийлани дев оғзига ўхшатади. Гўёки дев оғзи тузоқ, кимки макр-ҳийлага берилса, дев оғзига тушгани билан қиёслайди ва уни қуйидагича келтиради:

**Макру ҳийла, доми тазвир бирла гул,  
Ҳар бирин бир илкиға тутдирди ул.**

Хароботий одамларни покликка чақиради. Одамларни ўзини доимо пок ва озода тутмоғи лозим. Озода юрган инсон соғ-саломат бўлади, яхши фикрлай олади. Зероки, соғ танда – соғлом ақл, деб бежиз айтмаганлар.

**Танни пок эт, то ибодат айлагил,  
Лашкари нафсингни ғорат айлагил.  
Пок тутса танни ҳар ким рўзу шаб,  
Барқ урар кўнгилда ҳар дам лутфи Раб.**

Унинг фикрича, озодаликка эътибор берган ҳолда ибодат қилмоқ зарур. Ҳар ким кеча-ю кундуз ўз баданини озода, пок тутмоғи керак, шундагина инсон қалбидан соф калом чиқади.

Хароботий одамларни илм ўрганиш ва касбу ҳунар билан шуғулланишга чақиради:

**Эй биродар, илм икки қисмдур,  
Бирини монанди садафдур, бирини дур.  
Бирини пўст, бирини мағзур ҳама,  
Бирини касб, бирини кашфийдур ҳама.**

Яна бир жойда Хароботий, илм олмоқ лозим ва у илм абадий бўлса, абадий илм бу Аллоҳ кўрсатган йўлдир, деб ёзади:

**Илм дарёе турур беҳад анор,  
Толиби бу илм ғаввоси биҳор.  
Илм ул илмики, жон тиргузса ул,  
Жониби Аллоҳға ким кўргузса йўл.  
Илмнинг юз минг туман осори бор,  
Камгарин осорининг анвори бор.**

Хароботий ҳақиқий илм ҳақида ёзаркан, Шайтон йўлига кирмасликни, фақат пок, ҳалол бўлишни ва бу йўлда юриш эса Аллоҳ илми билан бўлиши ҳақида айтади:

**Ким малакдек десалар “илмун лана”,  
Токи илкингни тутар “алламтана”.  
Илмларким, касби шайтон илмидур,  
Илмларким, кашфи Раҳмон илмидур.**

Хароботий илм ҳақида ўз фикрини давом эттирар экан, илмга юқори баҳо бериб, афсун илми билан шуғуullanувчиларни қаттиқ қоралайди. Бундай одамлардан фитна-фасод, шунингдек, улар миллату диндан чиқади, деб ёзади:

**Илм эмас ул халқни афсун қилур,  
Кимки аҳмақдур ани мажнун қилур.  
Ҳар фасоду фитналар андин чиқар,  
Мазҳаб ҳам миллату диндан чиқар.  
Олим эрмасдурки, ул афсун қилур,  
Ботини Ҳақ сори кўру кар эрур.**

Хароботий одамларни алдовчилар олим эмас, ҳатто улар Аллоҳдан ҳам беҳабар бўлурлар, чунки уларнинг қулоғи кар, кўзлари кўр бўлур, деб ёзади.

Хароботий олимлар ҳақида ёзиш билан бирга илми ва уқуви йўқлар ҳақида ҳам фикр билдиради. Хароботийнинг ёзишича, илми йўқ, чаласа-водлар ўзларининг калта фаҳмликлари билан халқни хароб қилади. Нодонга илм ўргатиш гўёки қароқчи қўлига шамшир беришдек гап. Шунингдек, илмсиз кишилар ўзларининг уқувсизликлари туфайли Мансур Ҳалложни дорга осдилар, дейди:

**Илмнинг беаслға ўргатгонинг,  
Раҳзан илкига шамшир бергонинг.  
Бадгуҳарлар на тамиз бардош этар,  
Чоҳни ул жоҳ деб пиндош этар.  
Ким қаламни берса гар ғаддорға,  
Кунда ҳар Мансурни осғай дорға.**

Хароботий юқоридаги мисраларда илмсизликни қаттиқ қоралаб, жаллодга илм ўргатсанг, ҳар бир одамни дорга осади, деб ёзади. Маълумки,

Мансур Ҳалложнинг “Анал-Ҳаққ” деган сўзи учун илмни яхши билмаган, унинг маъносини тушунмаган калта фаҳм кишилар томонидан дорга осилган. Гўё илмдан йироқ жаллод учун ҳамма бир, илмли ҳам, илмсиз ҳам, ҳаммани бирдек дорга осади.

**Қавмига таълим шаб-рўз, субҳу шом,  
Макру фитна, ҳийла, тазвири давом.  
Бир неча илмини ул ҳамроҳ қилур,  
Бўлса қанча омини гумроҳ қилур.**

Хароботий фикрича, нодон одам инсонларга фақат макр фитна, сабоқ беради, ўзини билимдон деб, қанча содда, оми одамларни йўлдан уради.

У илм ҳақида ёзар экан, ёш авлодга ҳам насиҳат қилади. Хароботийнинг ёзишича, илми шайтон юқорида санаб ўтилган ёмон сифатлардир. Инсон бундай сифатлардан холи бўлиши учун улардан тезроқ ўзини олиб қочмоғи лозим. Унинг ёзишича, инсон ҳақиқий илмга етишмоғи учун Ҳаққа ҳамда Расулга яқинламоғи керак. Шундагина, инсон ёмон сифатлардан йироқ бўлади, зоҳиру ботинни соф қилади:

**Бўлмайин бу илмлардин то йироқ,  
Қилмоғунг гар кечса юз минг тумтароқ.  
Эй ўғул, жаҳд эт букун, инсоф қил,  
Зоҳиру ботинни баддин соф қил.**

Хароботий каттага ҳам, кичикка ҳам насиҳат қилган ҳолда дейди:

**Англагил пандимни эй, пиру жувон,  
Қил муяссар ақлни, бўл хурдадон.  
Тамиз идроки жон гову харда бор,  
Одамийнинг ўзга жони –ақли бор.**

Хароботийнинг фикрича, ҳайвонларда ҳам идрок бор лекин инсонлар улардан устундирларки, уларда ақл ва фаросат бор.

Ақл туфайлигина инсон ҳаёти, уларнинг яшаш тарзи ҳайвонларнинг яшаш тарзидан кескин фарқ қилади. Чунки Улуғ Зот барча ҳайвонлардан инсонни буюк қилиб яратди. Инсонга ақл берди. Шунинг учун инсон ақли туфайли ўз ҳаётини мазмунли жозибали, гўзал, нурафшон қила олади.

**Ақли жузв чун зарра, куллий офтоб,  
Ақли кулл баҳрдур, жузвий ҳубоб.  
Ақли жузвий майл этар мурдорға.  
Ақли куллий майл этар дийдорға.**

Ақли кулл – умумбашарий ақл бўлиб, халқ фикри ҳеч қачон ёмон ишларни қилишга йўл қўймайди. Яна ақли куллни бир сўзли, мард эркакка ўхшатади. Бу борада Хароботий ёзади:

**Ақл иккидур, баён айлай ани,  
Ақли жузвий, ақли кулл дерлар ани.**

**Ушбу ақллар эрур эркак тиши,  
Бириси некукор, бири – бад иши.  
Ақли кулл хайру ақли жузвий шарр,  
Ақли жузвий мода, ақли куллий нар.**

Хароботийнинг ижтимоий, фалсафий, тасаввуфий фикрларини “**Рисолаи фақрийя**” да ҳам кўришимиз мумкин. Хароботий “ф” ҳарфининг хусусиятларини ёзиб тугатгач, “қ” ҳарфини шарҳлашга ўтади. Унинг ёзишича, “қ” ҳарфининг маъноси қиём (тик туриш), қаъда (ўтириш), қадам, қатъ (кесиш), қурбат (яқинлик) ва қаноатдир. Муаллиф бу сўзлар орқали ўзининг фикр ва ғояларини насру назмда баён қилади. Масалан, у Расулulloҳнинг “қаноат – ўлмас хазинадир” ҳадисини келтирар экан, қаноатнинг фазилати ҳақида ўзининг фикрларини ғазалда қуйидагича ифодалайди. Байт:

**Киши қилса қаноат ганжин ҳосил,  
Ки бўлмас ҳамма ўтган умри ғофил.  
Қаноатсиз ибодат қилса ҳар ким,  
Уларнинг бўлмағай имони комил.  
Қаноатли гадо шоҳлардин ортиқ,  
Эмас моли жаҳонга кўнгли мойил.  
Хароботий, қаноат пеша қиғил,  
Қаноатсиз бўлолмас Ҳаққа восил.**

Муаллиф асарда “фақр” сўзини шу тарзда шарҳлаб бораверади. Хароботий Пайғамбар (с.а.в.)нинг “мутув қабла ан тамутув”, яъни “нафсингларни ўлдиришлар, ўлмасдан бурун” деган ҳадисларини ёзар экан, қуйидаги байтни келтиради:

**Ўгирса юз нафсу ҳаводин киши,  
Мақбул ўлур Тангрига қилғон иши.  
Банда эмас Тангрига аҳли ҳаво,  
Гар яшаса неча туман минг ёши.**

Унинг ёзишича, беҳуда, ҳою-ҳавас бу нафс орзуси бўлиб, у дил ойнасини ғубор қилади. Фақр сўзининг маъноларидан бири, фоқа (оч бўлмоқ), яъни кўп емасликдир. Бу борада Хароботий ёзади:

**Толиби дийдорсен қил ўзни жуъ,  
Кўп емоққа қимағил ҳаргиз ружуъ.  
Кўп егани нафси кўп ғолиб бўлур,  
Ҳақ Расулнинг амрига қилмас шуруъ.**

Хароботий ўз фикрини давом эттириб ёзади: “Эй азиз, фисқу исённинг сабаби кўп емаклиқдур, чунончи бузrugлар айтурдирлар, кўп еган иллатли бўлур, кам еган ҳикматли бўлур”.

Хароботий кўб ейиш ҳақидаги фикрларини давом эттириб ёзади:

**Тан физоси кўб бўлса қилғай ҳалак,  
Эй биродар, дил физосидур бўлак.  
Кам еганда дев бўлур охир малак,  
Яхши билсанг жон физосидур бўлак.**

У овқат, яъни физони қуйидаги қисмларга бўлади: “билгинки, таннинг физоси тўйма ва ашриба (еб-ичиш) ва уйқуламоқ бирла қувват олмоқ, аммо кўнгилнинг физоси мулк ва зану – фарзанд ва хилъат бирла қувват олмоқ. Аммо жон билан руҳнинг физоси шавқу завқ, муҳаббат ва зикр ва фикрдин бўлур. Аммо таннинг қувватидин жаҳл, кибр, бухл ва ҳирс ва риё ва шаҳват ва хоби ғафлат пайдо бўлур. Кўнгил қувватидан хурдадонлик, фаҳм ва дониш ва фаросат ва ғурур пайдо бўлур. Аммо жон ва руҳнинг қувватидин дард ва сўз (кўчиш) ва ишқ, ҳолат, меҳр-муҳаббат пайдо бўлур. Эй биродар, огоҳ бўлгинки, ҳар нарсаики олами улвийдиндур, жонни тарбият қилур ва ул ниманарсаики олами суфлийдиндур, танни тарбият қилур. Шу сабабдан, жон афлокий (осмоний) ва жисм хокийдурки, ҳар қайсиси ўз аслини тарбият қилур. Эй биродар, таннинг қувватига мағрур бўлма, ҳар ким таннинг қувватига мағрур бўлса, бу дунёдин ғурур бирла кетар”.

Хароботий бу фикрларни ўзининг қуйидаги шеърлари билан янада таъкидлайди.

**Киши тан қувватига бўлса мағрур,  
Кетар тан қувватиким бўлса ранжур.  
На Юсуф қолди, на Рустам Сикандар,  
Бўлур нобуд филу пашшаву мур.  
Бу даҳри фонийнинг йўқдур вафоси,  
Қани, Жамшидур, Ҳоқон бирла Фағфур.  
Парастини қилма танни, эй биродар,  
Батаҳқиқ танпараст Ҳақ эшкидин дур.**

Унинг ёзишича, кўнгил қувватининг ҳам вафоси йўқ. Негаки одам гоҳ шод бўлса, гоҳ ғамли бўлади. Ғам келса, шодлик кетади. Ғамда қолса, шодлик ҳам келади.

Хароботий фикр ва сезгиларни ҳам турларга ажратади. Шулардан биттаси неъмат фикри – овқат ва ичиладиган нарсаларнинг шукронасини қилиш ва қувватини тоат-ибодатга сарфлашдир. Қудрат фикри эса, Аллоҳнинг барча сифатлари ва санъатлари ҳақида ўйлашдир. Ҳатто Аллоҳнинг қудрати ҳақида фикрлаш, дунёнинг тузилиши, одамзоднинг яратилиши ҳақида ўйлаш ибодатдан ҳам афзалдир, деб ёзади.

Хароботийнинг фикрича, беҳуда ҳою ҳавас ва нафсдан кечиш ҳам тафаккурга боғлиқ. Ҳаёт ҳақида чуқур тафаккур қилиш юқорида атилган ёмон феъллардан юз ўгиришга олиб келади:

**Тафаккур юз ўғирмакдур ҳаводин,  
Хаёл, андишаю майли саводтин.**

Хароботийнинг ёзишича, “кимки ўз нафсини таниса, демак Аллоҳни танийди”, ҳадисининг мазмуни орқали танимагунча, боқий оламга йўл тополмайди. Муаллиф нафснинг инсон ҳаётида нақадар ёмон иллат эканлиги ҳақида фикр билдирар экан, ёзади: “Огоҳ бўлғилки , ҳирс бирла тамаъ нафснинг улуғ сифатидур, унга гирифтор бўлғонларда мутакаббирлиқ ва мутадаббирлиқ сифати кўб бўлур. Кўнгилларида сафолиқ бўлмас. Томиъи бадхисолларда шарму ҳаё бўлмас. Бу андоқ маразедурким, ҳеч нима нарса даво бўлмас. Тамаъдин дилға тафриқа пайдо бўлур, жамъи дил бўлмас”

Хароботий ўзига қарата дейди: “Эй Хароботий, билгил ва огоҳ бўлгил ва ўтган –кетган умрға хабардор бўлгил, бу нафси душманға хушёр бўлгил, хоби гафлатдан бедор бўлгил”.

Юқорида айтилганлардан кўриниб турибдики, Хароботий ҳаётнинг барча ижтимоий ва фалсафий соҳаларида фикр юритиб, одамларни илм-маърифатга, ҳаёт ҳақида чуқур ўйлашга чақиради, одамларга яхшилик қилишга ундайди ва комили инсонликни тарғиб этади.

(16)

БИСМИЛЛАҲИР РАҲМОНИР РАҲИЙМ

Айтайин ҳамдингни, эй Яздони пок,  
Очтилар хуни жигар мардони пок.

Холиқо, халқингни кўрдум беадад,  
Ҳеч нима йўқтур санингни беадад.

Санинг зотинг тасавурдин муназзаҳ,  
Самовотинг тасалсулдин муназзаҳ.

Аносирдин қилибсен одамизод,  
Бировни деу ҳам бирни паризод.

Фалак тўғруксиз устун танобсиз,  
Бино қилдинг икки олам шитобсиз.

Қилиб исторани зийнат фалакка,  
Юрутуб тун ичинда кўр демакка.

Қилиб неъматни Сан ердин фаровон,  
Ани ер одамийлар шоду хандон.

Нечаким ўзгаларга урсалар дам,  
Ани ризқини ҳаргиз қилмадинг кам.

Ҳама зий жонга бердинг неъматингни,  
Нисор эт одамеға раҳматингни.

Подшоҳо, туну кун яксон санга,  
Бандани афв айламак осон санга.

Жон қуши жаннатга парвоз айлағай,  
Тил Санинг ҳамдингдин оғоз айлағай.

Яхши суврат бирла Одам айладинг,  
Ақлни Одамға ҳамдам айладинг.

Донани Одамға сен дом айладинг,  
Нафсини ул донага ром айладинг.

Дуняда одамни бунёд айладинг,  
Лаззати дунё била шод айладинг.

Оқибат уд донаға бўлди равон,  
Келди бу оламға Одам шул замон.

Бўлди Одамға жаҳон мотамсаро,  
Кўрди тун кун меҳнату жавру жафо.

(1ҳ)

Бўлди бу мотамсарой ичра давом,  
Йиғлади фурқатда уч юз йил тамом.



Тадоринг мундоғ экан, Парвардигор,  
Тақдиринг мундоғ экан, эй Кирдикор.

Аҳли оқилға жаҳон меҳнат дурур,  
Аҳли ғофилға жаҳон жаннат дурур.

Бўлғой оқилға жаҳон зиндонсаро,  
Келғусидур бошиға чандон бало.

Хароботий бу кун вайроналикда,  
Қолибдур ғам била ҳайроналикда.

### МУНОЖОТИ ҲАЗРАТИ МАВЛОНО РУМИЙ

Подшоҳо, йўқдур ҳеч пинҳон Санга,  
Зоҳиру ботин ҳама аъён Санга.

Киши зотингға қилмаслар такаллум,  
Киши беақдур қилғай табассум.

Билингким, одамийдур аҳсани халқ,  
Бўлубдур фисқ ичра одамий ғарқ.

Биравларни қилибсен аҳли оқил,  
Биравларни қилибсен аҳли ғофил.

(36)

Қилибсен ашқиёдин анбиёни,  
Қилибсен анбиёдин ашқиёни.

Берибсен тожи хилъат подшоҳға,  
Берибсен ранжу меҳнатни гадоға.

Қолибдур ғафлат ичра одамизод,  
Киши йўқтур жаҳонда ғамдин озод.

Қилибсен бирни гунгу бирни гўё,  
Қилибсен бирни лангу бирни бо по.

Бири сиҳҳат-саломат, шоду хандон,  
Бири ғам ичрадур гўёки зиндон.

Бири тахт узра доим хусравона,  
Бири дашт ичра юргай оҳувона.

Ҳар иш қилсанг анга йўқтур вазиринг,  
Ҳама махлуқингға бордур назиринг.

Хароботий, дегил шукрини бисёр,  
Туну кун ичра қил зикрини бисёр.

ҚОЗИЙ УЛ-ҲОЖОТ ДАРГОҲИГА  
МУНОЖОТ

Подшоҳо, мушкилим осон Санга,  
Манда исён бўлса, йўқ нуқсон Санга.

Юмуб очқунча кўз пайдо қилурсан,  
Очиб юмғунча нопаддо қилурсан.

Чиқардинг Исо ва Идрис ҳавоға,  
Кетурдинг Қорунни таҳтиш широға.

Бири ҳашмат била гўё Сулаймон,  
Берибсан бирга меҳнатни фаровон.

Сен – ўқ сен икки оламини Худойи,  
Қилай эмди санга жонни фидойи.

Сенинг ҳамдинг тамомин деса бўлмас,  
Сани халқинг тамомин билса бўлмас.

Яна ғойибга алламул ғуйубен,  
Қулинг айбига саттору-л-ғуйубсен.

Яна осийға ғаффоруз зунубсен,  
Гириқ кўнгила кашшофул қулубсен.

Ҳамиша рост йўлга кўр ва карман,  
Ки бу боғда дарахти бесамарман.

На ҳаддим бор сенингдин ургони дам,  
Кимим бор ушбу йўлга бўлса ҳамдам.

Мен на лойиқ ҳамд айтолғум Санга,  
Афзали халқ эди «ла аҳсасана».

Юрак юз ерда исёндин жароҳат,  
Хароботийға қил лутфу иноёт.

ҚОЗИЙ УЛ-ҲОЖОТ ДАРГОҲИГА  
МУНОЖОТ

(3ҳ)

Подшоҳо пастлигим торож қил.  
Пастлик даъвосидин ихрож қил.

Биру борсен икки оламда доно,  
Ҳама пинҳон қошингда ошкоро.

Қилибдурман иноётингдин умид,  
Мани қилғил ҳимоётингда жовид.

(46)

Ҳамдингга оғзим, тилим нопокдур,  
 Раҳматинг дарё, гунаҳ хошокдур.  
 Санга йўқтур манинг туҳфам, Илоҳим,  
 Сандин ўзга йўқтур ҳаргиз паноҳим,  
 Фисқ ила умрум туганди, тўймадим,  
 Бир қадам амрингга ҳаргиз қўймадим.  
 Туну кун чандонки қилдим шодлар,  
 Қилмадим бир оҳ ила фарёдлар.  
 Сенинг амринг қўйиб бўлдим табаҳкор,  
 Тилим исён қилиб, бўлдум гунаҳкор.  
 Едим чандон сениким неъматингни,  
 На қилдим бир ярошур тоатингни.  
 Ҳамиша масти ло йаъқал юрубман.  
 Ҳамиша беҳабар ғофил юрубман.  
 Неча йил туну кун ҳайроналикда,  
 Юрубман чуврулуб вайроналикда.  
 На қилдим умр аро ман бандаликни,  
 Гумон қилдим ҳама шармандаликни.  
 На аҳвол бордур манда на қувват,  
 На афъол бордур манда на қувват.  
 На зикру фикр бор, на яхши оҳим,  
 Санинг лутфунгга кўз туттум, Илоҳим.  
 Хароботий бу кун фарёд этолмас,  
 На зикру фикрингни бир ёд этолмас.

### МУНОЖОТ

Подшоҳо, бу қулунг лойиқ эмас,  
 Ҳамдинг айтурға кўнгил содиқ эмас.  
 Мани қилдинг одамдин мунда пайдо,  
 Кўнгилни қил ўзунга эмди шайдо.  
 Агарчи манда бўлса куҳи исён,  
 Санга бўлмас анингдин зарра нуқсон.  
 Неча фикр айласам жумла хаёлот,  
 Магар лутф айласанг бўлғай ҳимоёт.

Сани билмас жаҳонда инсу жон йўқ,  
Муназзаҳсен, санга кавну макон йўқ.

На қилдим ман йигитликда ибодат,  
На қилдим ман тирикликда итоат.

Урсалар гар одамий ўт-бўтқа бош,  
Ризқға ҳар дам берурсан нону ош.

Сифотингдур санинг Субҳону Раҳмон,  
Мани қил рўзи маҳшар шоду хандон.

Агар мўъмин, мусулмон хоҳи собир,  
Агар габру жуҳуду хоҳи кофир.

Ризқ учун ҳар жонеға Сансан кафил.  
Сен эурсан барчаға ниъм ал-вакил.

На қилдим умр аро бир яхши тоат,  
Қилибман туну кун чандон касофат.

Сан ўқсен ики оламнингки шоҳи,  
Сан ўқсен барчанинг пушту паноҳи.

Хароботинг, агарчи беамалдур,  
Муножоти анинг ё бемаҳалдур.

### МУНОЖОТ

Подшоҳо, Сандин ўзга йўқ кимим,  
Барчаға ғамхўрсен, йўқдур ғамим.

(4ҳ)

Манга Сен, ҳеч кимим йўқ, бўлғил улфат,  
Ки исён манда кўбдур, санда раҳмат.

Неча фикр айласамдур охири ҳеч,  
Бўлубман ғам ичинда ҳечдур ҳеч.

Тараҳҳум айлабон бергил ҳидоят,  
Карам дарёсидин қилғил иноят.

Агар сўрсанг манингдин яхши кирдор,  
Тулармен термулуб олдингда бисёр.

Сани ман қилмадим кўнглум била ёд,  
Мани ҳам қилмадинг Сен ғамдин озод.

Дедингга, ло тақниту мин раҳматиллоҳ,  
Умид узмак санингдин йўқдур асло.

(56)

Мани шарманда қилгон нафсу шайтон,  
Ики олам сан ўқсандур нигаҳбон.

Каримо, комкоро, Қодиру Ҳай,  
Пано(ҳ) бергил улардин юз ўгурай.

Санга душман манинг ҳам душманимдур,  
Санга маҳрам манинг ҳам маҳрамимдур.

Мани қил доимо ғам бирла ғамнок,  
Таажжублар қилур ҳам тўққуз афлок.

Жаҳон равшанлиғи Сансиз керакмас,  
Жаҳонни шоҳлиғи Сансиз керакмас.

Хароботий, ўзунгни айла хомуш,  
Жаҳон вавосини қилгил фаромуш.

### МУНОЖОТ

Подшоҳо, туну кун дармондаман,  
Фисқ ила ҳам журму ҳам исёндаман.

Худоё, қўймагил ҳайроналикда,  
Тақи халқ ичра ҳар афсоналикда.

Ҳама махлуқдур Санга бандаликда,  
Қолибман термулуб шармандаликда.

Санингдин ҳечқачон ноумид эмасмен,  
Санингдин ўзгани ҳаргиз демасмен.

Ўзунга лутф бирла ошно қил,  
Кўнгулни ўз сиригга рўшно қил.

Ҳама бекас заифларга рафиқсан,  
Яна бечораларга муттафиқсан.

Санинг олдингда филу пашша яксон,  
Санга фарёд ҳам андиша яксон.

Ўтар ғафлат била умрум ҳамиша,  
Ҳама исёну фисқ илгимда пеша.

Ҳеч ким ўз олдиға бўлмас насух,  
Ҳар мадад, ҳар файз ражо Сандин футух.

Хароботий гуноҳи бўлмади кам,  
Карамлик подшоҳсен йўқтурур ҳеч ғам.

МУНОЖОТ

Подшоҳо, барчаға сандин мадад,  
Қудратинг бор икки олам беадад.  
Бемадад бўлмас Санингдин ҳар вужуд,  
Қилмади Канъонға ҳаргиз Нуҳ суд.  
Бандаға сен бўлмасанг ҳодийи роҳ,  
Бўлмади Озарға Иброҳим паноҳ.  
Тифл ман, аммо жунун барбар эмас,  
Ҳодий Сансан, йўқ ғамим бепар эмас.  
Қўнгулни қил, Худоё, эмди холий,  
Санга маълумдур ҳар жон иштиғоли.  
Худоё, мосиволлоҳдин пано(ҳ) бер,  
Сани ким истаса чандон бало бер.  
Ки толиб бўлмағай ҳаргиз фараҳнок.  
Ҳамиша бўлсун ул ғам бирла ғамнок.  
Киши қилса шикоят Қарбалодин,  
Анга раҳмат нечук бўлғай Худодин.  
Худоё, барчаға берсанг давони,  
Хароботийға бер чандон балони.

(5ҳ)

МУНОЖОТ

Подшоҳо, қилмағил муҳтожи халқ,  
Сандин ўзга йўқдурур ғамхор Ҳақ.  
Қудратингдин ман қилай чандон калом,  
Воқиф ўлсун ушбу ишдин хоссу омм.  
Қилдинг Одамға дамида руҳни,  
Ҳам нажот тўфондин эттинг Нуҳни.  
Қаҳрини бердинг ўшал дам бодға,  
Носазоси берди қавми Орға.  
Баъзиға лутфунгни изҳор айладинг,  
Ул Халилға ўтни гулзор айладинг.  
Сан эрурсан Қодири шому саҳар,  
Айладинг Лут қавмини зеру забар.  
Айладинг дарёда Фиръавни ҳалок,  
Бир тева тошдин чиқардинг саҳмнок.

(66)

Ўқ отиб Намруд киноят айладинг,  
Бир пучуқ пашша кифоят айладинг.

### МУНОЖОТ

Икки олам Сен шаҳ соҳиб ихтиёр,  
Ҳаййу Қаййуму тавоно биру бор.

Ҳамди беҳад ул худойи покға,  
Ақлу иймон берди мушти хокға.

Бандага Тангри иноят айлади,  
Ақли куллийни ҳидоят айлади.

Билгасен ер босруқи тоғу қум,  
Қилди Довуд илгида темурни мум.

Қилди Довуд ўғлини ул сарвари,  
Ҳам мутиъ қилди анга деғу пари.

Қилди Собир жисмини қуртларға қут,  
Қилди фармон ҳутға Юнусни ют.

Айлади Юсуфни чоғға мубтало,  
Оқибат қилди ани Мисриға шоҳ.

Айлади Марямни марди марди Ҳақ,  
Келди жаннатдин анга нури табақ.

Қўйди бирнинг бошиға бир роҳи кож,  
Қўйди бирнинг бошиға ул қубба тож.

Ул биравға ганжи неъматлар берур,  
Ул биравға ранжу заҳматлар берур.

Еткурур ҳар жониға вақтида қут,  
Ло заволу ло шарикун ла йамут.

Ул биравға берди юз ҳамёнда пул,  
Бермади бирдин тўла баъъиға пул.

Берди иззатни биравға, қилди шоҳ,  
Берди меҳнатни бирав бўлди гадо.

Бирға атлас, бирға кимхоб кийгизур,  
Бир моликни ул танурға киргизур.

Кўз очиб юмғунча ул пайдо қилур,  
Кўз юмиб очқунча нопайдо қилур.

Ҳозире нозирдур ул лайлу наҳор,  
Ким таарруз қилса бўлғай зору зор.

Тифлни маҳд ичра ул гўё қилур,  
Бепадар фарзандни ул пайдо қилур.

Юз минг йиллиқ мурдани ул тиргизур,  
Ҳақдин ўзга ушбу ишни ким қилур.

Бу қуруқ ердин гиёҳлар ундурур,  
Осмонлар ичра юлдуз юргузур.

(6ҳ)

Ҳарна қилса қилғучи йўқдур шерик,  
Жумла жондори ўлар, қолмас тирик.

Эй Харобот, доду фарёд айлагил,  
«Кулли шай'ин ҳоликун» ёд айлагил.

РАСУЛИ АКРАМ САЛЛАЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВАСАЛЛАМНИ  
МАҚТОВИ

Айлайин наъти Расулға жон фидо,  
Анбиёларға Муҳаммад раҳнамо.

Анбиёлар кавкаб, ул Шамсу Қамар,  
Анбиёлар бир садаф, ул бир гуҳар.

Анбиёлар қавмдур, ул бир имом,  
Фарқини мундоғ билинг, эй хоссу омм.

Нўҳ фалак тўққуз қадам Меърож анга,  
Анбиёву авлиё муҳтож анга.

Чун вужуди «раҳматан лил-оламин»,  
Саждагоҳ бўлди ҳама рўйи замин.

(76)

Ёри горийдур Абу Бақру Умар,  
Ҳам ишорат қилди, шаққ бўлди қамар.

Ул бири тоғ ичра гумроҳ бўлдилар,  
Ул бири куфр аҳлиға тиг урдилар.

Туну кун ҳамроҳ Усмону Алий,  
Тобти шуҳрат олам ичра ул валий.

Ул бири кони ҳаёву ҳилмдур,  
Ул бири кони сафову илмдур.

Кимки дам урса Муҳаммаддин баланд,  
Тушгусидур бўйниға ўтдин каманд.



Қўйса ҳар ким илгари андин қадам,  
Келгай ул соатда лаънат дамбадам.

Кимки Аҳмад амрига кирмас қочиб,  
Ул кишига бўлмагай раҳмат насиб.

Ул Муҳаммад, балки хайр ун-носдур,  
Амми поки Ҳамзаи Аббосдур.

Ҳар киши наъти Расулни қилса кам,  
Бўлғусидур ики олам ичра кам.

Дам-бадам юз минг дурурд арвоҳига,  
Ул Расулга, олига, асҳобиға.

Ул имомларки, қилди жон фидо,  
Бўлди хушнуд Мустафою ҳам Худо.

Бу Ҳанифадур имоми босафо,  
Ҳам чироғи умматони Мустафо.

Ҳамраҳи ул Юсуфи Қози дурур.  
Ҳам Муҳаммаддин Худо рози дурур.

Шоҳи сардор Молик ҳам Зуфар,  
Тобти андин дини Аҳмад болу пар.

Ҳақ таъолоға яқиндур жонлари.  
Шоддур икки жаҳон шогирдлари.

Ушбуларнинг руҳини сен шод қил,  
«Фотиҳа», «Ихлос»и бирла ёд қил.

### МУНОЖОТ

Ёри ман, раҳм этмасанг ман найлагуч,  
Ман гунаҳкор, некусен афв айлагуч.

Ойу йил фиксқ ичра исён қилдимо,  
Охир андин ҳам пушаймон қилдимо.

Бегунаҳ умр ўтмади ҳар соате,  
Қилмадим кўнглум била бир тоате.

Кеча-кундуз маъсият бирла ишим,  
Бу гунаҳ бирла, аё кетгай бошим.

Ғафил ўлдум амру наҳйингдин яно,  
Нафсу шайтон бирла бўлдум мубтало.

- (7х) Ё Илоҳал-олабийн, фармондаман,  
Бас заифу хастаю бечораман.  
Подшоҳо, бу қулунгға қил назар,  
Сандин ўзга йўқтур манга роҳбар.  
Билмадим, қилдим хатолар кўб тилим,  
Лутф қилғил бу қулунгға, эй Карим.  
Журму исёним агар тоғларчадур,  
Раҳматинг олдида ул нохунчадур.  
Ман эрурман юз балоға созвор,  
Сан агар лутф этмасанг, эй биру бор.  
Раҳматингдин ҳеч ким навмид эмас,  
Раҳмати жовид бу бандангга бас.  
Эй дарифо, ўтти умрум беҳабар,  
Лутф бирла ман қулунгға қил назар.

### МУНОЖОТ

- (86) Эй Каримо, икки дунё шоҳ сен,  
Жумланинг жон ҳолидин огоҳсен.  
Лутф ила раҳм этмасанг, эй пок,  
Бу заиф банданг эрур бир мушти хок.  
Бошим узра раҳматингни қил нисор.  
Нафсу шайтон амридин мани чиқор.  
Бўлса гар ногоҳ жоним тандин жудо,  
Йўқ паноҳе Сандин ўзга, эй Худо.  
Мағфират дарёси бепоён эрур,  
Ким умидин узса ул шайтон эрур.  
Нафсу шайтон доимо йўл тўсқучи,  
Раҳматинг бўлғай шафоат қилғучи.  
Кўз тутарман Сан мани пок айласанг,  
Токи ўлмасдин бурун хок айласанг.  
Қочибон юрмас эдим кунжу йўлунг,  
Даргоҳингга келди бу ожиз қулунг.  
Жон қушки чиқса қафасдин, ё Илоҳ,  
Ҳамроҳи Сен бўлмасанг минг оҳу воҳ.

Олсанг ол бу жонни дармон бирла ол,  
Бу танимдин жонни иймон бирла ол.

Тамом умрим аро қилдим хаёлот,  
Хароботийга қил лутфу иноёт.

### МУНОЖОТ

Қачон ўзни танурсен, эй Харобот,  
Қачон умрунга қилдинг бир муножот.

Юрибсан фисқ бирла кеча-кундуз,  
Қачон умрунга юрдинг биргина туз.

Қўнгул кажу тилинг кажу сўзунг каж,  
Қўлунг кажу путунг кажу кўзунг каж.

Қачон бўлдинг бу кажлардин халоси,  
Қачон бордур бу кажларни давоси.

Бу кажлар бўлмагай ҳаргиз мувофиқ,  
Берур тонгла қиёмат кун гувоҳлиқ.

Нечук қилгайсан анда, эй Харобот,  
Ўзунгга кимни айларсан ҳимоёт?

Туруб бу кажларинг фарёд этгай,  
Ки хайру шарни бир-бир ёд этгай.

Қачон умрунга яхши сажда қилдинг,  
Ўзунгни оқибат шарманда қилдинг.

На қилдинг Тангрига бир иститоат,  
На қилдинг Ҳақ таъолога итоат.

Тақи сен шунча йилда норасида,  
Тақи сен зулмат ичра ғамрасида.

Бугун исён қилурсен мунда пинҳон,  
Бўлур маҳшар кунни халқ ичра аён.

Қачон ёд айладинг тун-кун Худодин,  
Қачон юз ўйурдунг нафс-ҳаводин.

Ўтар ғафлатда умрунг чусту чолок,  
Ки саъйу кўшишингдур жумла нопок.

На амру наҳйидин қилдинг ривоят,  
На амру наҳйини қилдинг риоят.

(8х)

На қилдинг умрунг ичра фарзйياتни,  
Тамом умрунга қилдинг маъсиятни.

Тамаъ отин миниб чандон югурдунг,  
Топибон ризқи рўзингни симурдинг.

Қачон Ҳақ амрини сен айладинг тез,  
Ҳамиша зикру фикринг фитна ангез.

Ўтуб умрунг аро бўлдунг фараҳнок,  
Замоне бўлмадинг умрунга ғамнок.

Қилибсен бу жаҳонда бу-л-ҳаваслик,  
Тамоми иштиғолинг танпарастлик.

Сенинг кўнглунгдадур чандон хаёлот,  
Тилинга ҳам тулим чандон ривоёт.

Керакмас ушбу йўлда яхши гуфтор,  
Қачон қилгайсен, аммо яхши гардор.

Юрубсен нафсу шайтон бирла ҳамроҳ,  
Қолибсен дашт ичра эмди гумроҳ.

Дарахт яфроғидин кўбдур гуноҳинг,  
Ҳама, аъзоларинг бўлгай гувоҳинг.

(96)

Ҳисобға рост келмас маъсиятлар,  
Санга қилмас ўшал кун манфаатлар.

Гунаҳқору табаҳқор, шарм бисёр,  
Турарсен термулуб шармандаю зор.

Манинг шаррим жаҳон ичра тўлимдур,  
Жазо тонгла азобу ҳам алимдур.

Ўтар ғафлатда умрунг, эй Харобот,  
Туну кун эмди қилгайсан муножот.

Неча ғафлатда қолдунг, эй Харобот,  
Санга қилмас вафо қилғон ривоёт.

## АҲЛИ ТАВБА ВА АҲЛИ ТАҲҚИҚЛАР ҲАҚИДА

Билиб қилсун дебон қилдим насиҳат,  
 Ки эмди тарк қилғил фиқу ғафлат.  
 Агар ақл ўлса санда қилма исён,  
 Ки анда бўлмағай кўнглунг паришон.  
 Насиҳат англагон мард боргоҳлар,  
 Насиҳат англамаслар чорполар.  
 Ажал етса кетарсан чусту чолок,  
 Ажал етмасда қилғил чашм намнок.  
 Кишининг тавбаси доим шикастдур,  
 Анинг иймони ҳам бешак шикастдур.  
 Киши дўст тутса бир пул мосиводин,  
 Йироқ қолғай ики олам Худодин.  
 Кўролмас шаҳжамолин аҳли тафриқ,  
 Дедилар ушбу сўзни аҳли таҳқиқ.  
 Бу амри бўлди ул Мусо Калимға,  
 Бу сўз равшан учун келди тилимға.  
 Паямбарға бу амри келса маҳкам,  
 Анга мундоғ деган андин биз ҳам кам.  
 Худоё, аҳли тафриқдин пано(ҳ) бер,  
 Худоё, аҳли таҳқиқ сори роҳ бер.  
 Мани қилма бу олам аҳли тафриқ,  
 Мани қил рўзи маҳшар аҳли таҳқиқ.  
 Насухдек тавба қил, эй ғофил одам,  
 Иноёти Худо бўлғай дамодам.  
 Баногоҳ тортқусидур аждаҳо дам,  
 Қутулмасдур малак ҳам жинну одам.  
 Агар қулсен умид қилсанг Худодин,  
 Кўнгилни қатъ қилғил мосиводин.  
 Иноёти Илоҳий бўлди дамсоз,  
 Хароботий насиби қилди оғоз.

ТУРКУ ТОЖИК НАСИХАТИ ҲАҚИДА

(9х)

Бу насиҳат ёд ол каттаву кичик,  
Хоҳ турку хоҳ араб, хоҳ тожик:

Замоне фикр қил, эй гофил одам,  
Вафо қилмас санга ҳаргиз бу олам:

Ҳама ўтганлар ҳол ҳасратда боргай,  
Ки қолғонлар ҳама меҳнатда қолгай.

Неча кунлук жаҳонга бўлма мағрур,  
Бўлурсан оқибат албатта ранжур.

Вафо кўз тутмағил фоний жаҳондин,  
Кўнгилини қатъ қил яхши-ёмондин.

Вафосиз дуняға кўнглингни берма,  
Дину миллатдин кўнглунг айирма.

Вафосизларга ҳаргиз бўлмағил шод,  
Ўзингдин қилмағил иймонни барбод,  
Жаҳон молин киши жамъ айлаёлмас,  
Агар жамъ айласа дил жамъ бўлолмас.

(10б)

Киши кўнглин бериб дунёни олса,  
Ажаб эрмаски, ул дўзахқа борса.

Жаҳон молиға ҳаргиз бўлмағил шод,  
Ани тарк айла, бўлғил ғамдин озод.

Замоне бўлмағил оламда гофил,  
Ибодат тез қилғил, бўлма қоҳил.

Бўлубдур фарқи гафлат ичра одам,  
Ажал етса ҳушиға келгай ул дам.

Қарилиғда йигитлик қилмағай тувд,  
Ажал етса пушаймон қилмағай суд.

Туну кун ичра ҳаргиз бўлма беҳуш,  
Ўлумни қилмағил ҳар дам фаромуш.

Кўнглил ўзсанг жаҳондин одамизод,  
Бўлурсен икки олам ғамдин озод.

Вафо қилмас бу олам, эй биродар,  
Кўнглил берса қилур ҳайрону абтар.

Бу дунё юз тумон жоннинг жафоси,  
Ҳамиёни маъсиятларни аноси.

Қилур ғофил Худодин кеча-кундуз,  
Қолур ғафлатда доим ҳар шабу рӯз.

Гунаҳларға сабабдур ушбу олам,  
Кўнги́л берганлар олғой юз туман ғам.

Киши жамъ айласа моли жаҳонни,  
Ки ул жамъ айламиш мору чаённи.

Талошур ҳар киши сармояликни,  
Талошмас ҳеч ким вайроналикни.

Бу оламдур қабиҳ суврат қурутқа,  
Кўяр ул кўнглиға доим юмуртқа.

Чиқар ҳар байзасидин минг адоват,  
Қилур они фасод ишқа далолат.

Жудо қилғай ўғулларни атодин,  
Адоватлар қўпар икки ародин.

Раво кўргай бири бирин балоға,  
Бўлур осий ўшал дамда Худоға.

Қилурлар бир-бириға фитна ангез,  
Қилурлар баъзисини баъзи хунрез.

Бири бирига ҳам тўҳмат қилурлар,  
Фаришталар ҳам лаънат қилурлар.

Ҳамиша одамнинг фикри фисқа,  
Бўлур ушбу сабабдин умри қисқа.

Аё ғофил, бу ғафлатдин кўзунг оч,  
Шикам сер ўлди эмди жон кўзунг оч.

Худоға қил ибодат ширк қотмай,  
Егил неъматни, аммо чирк тотмай.

Кўзунг олдида қабрига қилди бунёд,  
Кўруб ёд эт ўлум, эй одамизод.

Эшитилмас насиҳат гар қулоққа,  
На лойиқ бу насиҳат ҳар қулоққа.

Ҳаробот, бу жаҳонға бўлма оғуш,  
Ўлумни қилмағил ҳаргиз фаромуш.

(10ҳ)

МУТТАҚИЙ РОҲБАР ВА АҚЛ БАЁНИ

Халқ қилди ақли аввал Худо,  
Берди одамға ани ҳодийи ро(ҳ).

Оқил ул бўлғойки, шокир дурур,  
Токи ўз нафсиға ул қодир эрур.

Ақли йўқлар бўлди бу оламда бой,  
Муттақийға қилди Ҳақ жаннатни жой.

Муттақийдин неча иш пайдо бўлур,  
Муттақийға халқ ҳам шайдо бўлур.

Муттақий улдурки, парҳез айласа,  
Кўнглини Ҳақ амриға тез айласа.

Муттақий улдур ёмон ишдин йироқ,  
Муттақийни билгасен халқ ичра тоқ.

(116)

Муттақийдур бўлса ул парҳезгор,  
Муттақий Тангри қошида эътибор.

Муттақий ўз нафсидин кетган киши,  
Меҳридин икки дунё ўтган киши.

Муттақий Ҳақ амрини тутқон киши,  
Қаноат бирла қатра ютқон киши.

Муттақий ишқ ўтиға куйган киши,  
Жону дил бирла Ҳақни суйган киши.

Муттақий ўлмас бурун ўлган киши,  
Гул бўлуб йўқлуқ ичра сўлган киши.

Муттақий ҳолини аён қилмаса,  
Муттақий ўз ҳолиға қон йиғласа.

Муттақий аъзо ҳаромдин сақласа,  
Кўнглини ул мосиводин сақласа.

Муттақийлардин Худо хушқолдур,  
Ҳам Худодин муттақий хушқолдур.

Муттақий бўлмаски ҳар қандоқ киши,  
Кимки парҳез қилса ул ёзу қиши.

Муттақийлик, эй ўғул, осон эмас,  
Муттақий эрмас киши инсон эмас.

Муттақий икки жаҳонда шоҳдур,  
Муттақийларға Худо ҳамроҳдур.



Муттақийлиқға киши қўйса қадам,  
Етмагай икки жаҳон ҳаргиз алам.

Муттақий улдурки, доим муттақий,  
Муттақийдур, муттақийдур, муттақий.

Қил Хароботийни, ё Рабб, муттақий,  
Барча мўъминларни ҳам қил муттақий.

Насиҳат қилди тақводин Харобот,  
Қулоқи жонда тутқил ушбу абёт.

\* \* \*

Ғофило, умр ўтти доим беҳабар,  
Муттақий бўл туну кун, шому саҳар.

Ман нечук айлай қўнгулни шодлар,  
Қайси бир ғамдин қилай фарёдлар.

### ДИЛОЗОР ҲАҚИДА

Ҳар кишиким, қасди дил озордур,  
Бегумон андин Худо безордур.

Ким қўнгул оғритса қўнглин оғритур,  
Молики дўзах ани қон йиғлатур.

Бенаволарга киши кулфат қилур,  
Бегумон Тангри анга лаънат қилур.

Бегунаҳ ҳар ким етимни йиғлатур,  
Еру кўк, Аршу Курси ирғанур.

Ҳар кишини қўнглини оғритмағил,  
Ўз қўлунг бирла ўзунг урмағил.

Ул кишиким, умридин безордур,  
Халқ аро доим қўнғил озордур.

Қўб ситам қилфондин иймон анда йўқ,  
Бу мараз дардиға дармон анда йўқ.

Қил ёмонға яхшилиқ, бўл эр киши,  
Ўз йўлиға чоҳни қазмас киши.

(11ҳ)

Яхшилиқ қилғил, ёмонлиқ қилмағил,  
Ўз жонингға қўб ситамлар қилмағил.

Эй қуёш, қўнглингни ҳар ким оғритур,  
Узрлар айтиб ани олдида тур.

Эй ўғул, оғритма ҳар жондорни,  
Кўрмагайсен Тангрини дийдорини.

Ким кўнгил оғритса бўлғай Анбаса,  
Йўқ хато ҳар ким ани кофир деса.

\* \* \*

Фофило, умр ўтти доим беҳабар,  
Тангриға қуллуқни қил шому саҳар.

Ман нечук айлаб кўнгулни шодлар,  
Қайси бир ғамдин қилай фарёдлар.

### ЯХШИЛИК ҲАҚИДА

Эй қуёшим, истасанг бўлмоқ омон,  
Яхшилиқ бисёр қил халқи жаҳон.

Бўлса кимнинг одати жуду карам,  
Ул халойиқ ичра бўлғай муҳтарам.

Ҳар киши иш охирини кўзламас,  
Ул кишиларни кўзини кўз демас.

(126)

Эй биродар, ўзни обид айлагил.  
Жаҳд ила бу бошни сожид айлагил.

Ё савоб айлар киши ё маъсият,  
Бергуси анга жазо бад офият.

Кимки гарданкаш шаҳ торож этар,  
Балки они шаҳридин ихрож этар.

Неча ишлардин киши тобгай шикаст,  
Айтайин, қилғил ани, эй ҳақпараст.

Душмани кўб бўлса, билгил, доми кўб,  
Моли кўб бўлса бўлур исёни кўб.

Ким ҳасад қилса қаноат анда йўқ,  
Ким тамаъ қилса ҳаловат анда йўқ.

Неча ишлардин жафо бўлғай санга,  
Неча ишлардин вафо бўлғай санга.

Бевафолардин вафо кўз тутмағил,  
Шоди диллардин жафо кўз тутмағил.

Бўлмаса кимда ҳаё бешармдур,  
Юзи онинг гўйинё бечармдур.

Бевафолардин ҳаё кўз тутқонинг,  
Гўйиё оғзингга ўтни тутқонинг.

Тифлга, мажнунга сен тош отмагил,  
Бевафоларга сиринг фош этмагил.

Қарзи халқни қилғасен аввал адо,  
Қарзи Ҳақни қилғасен андин бажо.

Аччиғингни ютқил, эй марди жувон,  
Ким ютур аччиғини бўлғай омон.

Ўйирма юзни Яратқон ҳаййидин,  
Юргуси нафсу ҳавонинг кейнидин.

Ул ҳавою нафсдин бўлғил йироқ,  
Эмди тарк айлаб ани қилғил талоқ.

Жидду жаҳд айлабки дарвош ўлғасен,  
Юз надомат бирла дилреш ўлғасен.

Ким ишин шойиста даргоҳ айласа,  
Нежаб Тангрим ани шоҳ айласа.

Халқ аро ҳар кимки саркашлик қилур,  
Роҳату иззат эшиги боғланур.

Берса ким кўнглини Ҳақдин ўзгага,  
Тамғаи лаънатни босғай юзига.

Эй қуёшим, тарки иззу жоҳ қил,  
Бу шариф руҳингни сен даргоҳ қил.

Ҳар киши ишрат эшигин боғласа,  
Киргуси қайси эшикни чоғласа.

Билки, саркаш бутпарастликдин ёмон,  
Тобмағай икки жаҳон саркаш омон.

Саркаш улдур Тангри амридин қочар,  
Қочса, молики дўзах эшкин очар.

(12х)

Ҳар киши жоҳ истаса шуҳрат топар,  
Икки олам жониға кулфат топар.

Жоҳ улдур юқори ўлтурмиши,  
Ўзини расво қилиб ўлтурмиши.

Нафс амрин қилмағон мардон бўлур,  
Охиратда халқ аро султон бўлур.

Нафсини тарк айласа таскин бўлур,

Халқ аро икки жаҳон мискин бўлур.

Нафси аммораму ҳам сокин бўлур,  
Ҳам кўнгил ул нафсдин эмин бўлур.

Ҳар киши ўз ҳаққиға қоний дурур,  
Ҳазрати Аҳмадға ул тобий дурур.

Истагилу истагилу истагил,  
Жумла ҳожатни Худодин истагил.

\* \* \*

Гофило, умр ўтти доим беҳабар,  
Қил ибодат Тангриға шому саҳар.

(136)

Ман нечук айлай кўнгулни шодлар,  
Қайси бир ғамдин қилай фарёдлар.

### ШОДУ ҒАМЛИКНИНГ БАЁНИ ҲАҚИДА

Одабий феъли каромоти дурур,  
Шодлиқу ғамнинг аломоти дурур.

Ҳар киши ушбу жаҳонда шоддур,  
Умри онинг туну кун барбоддур.

Ҳар иморат оқибат вайрон бўлур,  
Шодлар икки жаҳон ҳайрон бўлур.

Ҳар кишида ақл йўқ ул шоддур,  
Ҳар киши ғам бирладур озоддур.

Ҳар кишиким, шоддур, ул беҳабар,  
Минг надоматлар била қилғай сафар.

Шодлар бу йўлда жобдуқсиз бўлур,  
Хору зорлиқ бирла ул йўлда қолур.

Шод улдур беҳабар умр ўткарур,  
Суди йўқ ишларға кўнгил еткурур.

Туну кун ғам бирла бўлғил, эй жувон,  
Оқибат шод айлағай қодир Ўғон.

Эй қуёшим, англағил ғам маъниси,  
Ғамда ғамдур ёди ҳақ андишаси.

Ҳақ ғамидин ҳар кишиким еса ғам,  
Кўрмағай икки жаҳон ранжу алам.

Фикр қилғил ғам тею қил бандалик,  
Кўрмагайсен ҳар замон шармандалик.

Ибтидоий бандалик беш вақт намоз,  
Жаҳд ила қилғил ани ҳар қишу ёз.

Беш намоз иймон аломати дурур,  
Беш намоз иймон ҳаловати дурур.

Ҳар намозу рўзаву ҳажжу закот,  
Ушбулар бўлғай гувоҳ, бергай нажот.

Фарқи мўмин бирла кофирдур намоз,  
Жидду жаҳд эткил намозу ҳам ниёз.

Ҳар киши шод ўлса тутмас дўст Ҳақ,  
Берди бу пандимни устодим сабақ.

Ҳар кишиларни емакка майли бор.  
Фарздур, қилғай намозни ихтиёр.

Ғамланиб қил бандалик озод бўл,  
Жаннат ул-маъвода доим шод бўл.

Бандалик исбот қил, бўлғил омон,  
Киргузур жаннатға Тангри жовидон.

(13)(ҳ)

Ҳар ёмону яхшилиқ кўб бўлғай гувоҳ,  
Яхшилиқ гар бўлса кўб бўлғай паноҳ.

Ҳар киши кўнглида тутқай дўсти Ҳақ,  
Бошиға раҳмат сочар чандон табақ.

Оҳким, ул ошиқи мардони Ҳақ,  
Ҳам намозу ҳам ниёзи оҳи дақ.

Ҳар кишининг оҳи дардолуд эмас,  
Ул кишилардин Худо хушнуд эмас.

\* \* \*

Ғофило, умр ўтти доим беҳабар,  
Қилмадинг бир тоате шому саҳар.

Ман нечук айлай кўнгилни шодлар,  
Қайси бир ғамдин қилай фарёдлар.

УЌБО НАСИҲАТИ

Аввало қилғил уч ишни, эй қуёш,  
Айтайин, ёд олғасен, эй дилхарош.

Иккиси очлиқ ила хомушдур,  
Халқдин зинҳор бўлғил дур-дур.

Кўнгли кимнинг Тангридин холий дурур,  
Деви малъун ёри ҳамроҳи дурур.

Ул кўнғил ҳозир дурур Раҳмон уйи,  
Ул кўнғил ғофил дурур шайтон уйи.

Ким қилур олтун, кумушға жон фидо,  
Молики дўзахқа бўлғай мубтало.

Жамъ қилса уйда ҳар ким симу зар,  
Оқибат ул уй бўлур зеру забар.

Гар киши Шайтон сари кор айламас,  
Ҳақ ани икки жаҳон хор айламас.

Ҳар ёғоч бирла тишингни кавлама,  
Ҳар хаёл бирла кўнғилни овлама.

Билғасен шайтон қадим душман дурур,  
Амрини қилғон ҳам душман дурур.

Ҳақпараст Ҳақдин бўлакни истамас,  
Қайси лаззатлик таом бўлса емас.

Келса давлат сан ани давлат дема,  
Келса гар меҳнат сан ани меҳнат дема.

Туну кун бисёр қилғил шукрлар,  
Дам-бадам қилғил Худоға зикрлар.

Билгайсенким аввало Ҳақ берди жон,  
Ғам ема ҳам бергуси оғзингга нон.

Ғам еса ҳар кимки ҳар дам ризқдин,  
Оқибат осилғусидур ҳалқидин.

Ризқдин ким ғам еса бўлғай лаъин,  
Англагил: «Валлоҳу хайрур розиқин».

Тош ичида ризқ берди мурға,  
Кимни тасдиқ қилса дохил нурға.

Ким таваккул қилса ризқин еткурур,  
Бетаваккулларга ризқи ўксулур.

Кимки кўб қуллуқ қилур бўлғай амир,  
Қилмағай Тангрим ани ҳаргиз ҳақир.

Бойлар олдида гардон қилма хам.  
Аҳли дунёларга ҳаргиз урма дам.

Бойға бел эгри келса ҳамчу тоқ,  
Бўлғусидур шул замон аҳли нифоқ.

Толиб эрсанг нанг қилғил халқдин,  
Атласу шол хўб кўрунмас далқдин.

Бўлса ҳар кимки зийнатдин жудо.  
Оқибат бўлғайки миллатдин жудо.

Ҳар кишини завқ хушноги эрур,  
Хос эрмас балки ул оми эрур.

Кимки кўнглини ҳаводин уз деса,  
Балки вожибдур ани валий деса.

(14ҳ)

Чун шўтурмурғ дурур нафси дағо,  
Ҳам кўтармас юкни ҳам учмас ҳаво.

Уч деса айтурки ман бир теваман,  
Юк кўтарғил деса айтур учқаман.

Келса гар тоат ўзини суст этгуси.  
Келса гар бир маъсият паст этгуси.

Нафсни амриға гар қилса сафар,  
Бегумон билғил ани жуъ ул-бақар.

Юк кўтарғучи шутур беҳроқдур,  
Ҳам қаноатсиздинки ит беҳроқдур.

Жон чиқар бисёр шайтон амриға,  
Тоати бир лаҳза қилмас Тангриға.

Ҳар кишики ҳирси дунёдордур,  
Бегумон андин Худо безордур.

Ҳар киши халқ ичра шуҳратни тилар,  
Жониға бисёр офатни тилар.

Омmlар ҳоли будур шому саҳар,  
Эй Худоё, ўз сорингға роҳ бер.

\* \* \*

Фофило, умр ўтти доим беҳабар,  
Кимки бўлса беҳабар тобгай зарар.

Ман нечук айлай кўнгилни шодлар,  
Қайси бир ғамдин қилай фарёдлар.

(15)

### СОЛИҲ ВА МУНОФИҚ ҲАҚИДА

Неча ишлар борки Раҳмоний эрур,  
Неча ишлар борки Шайтоний эрур.

Обидис сидиқ бўлғилки фосиқ бўлмағил,  
Солиҳи бўлғил мунофиқ бўлмағил.

Неча ишдур бил мунофиқлар иши,  
Қасд ила гар ани қилса ҳар киши.

Ваъдасиға аввало қилғай хилоф,  
Оғритиб қилғай кўнгилни ул хароб.

Ҳам мусулмонға касофатлар қилур,  
Ҳам амонатга хиёнатлар қилур.

Ваъдасиға қилмағай ҳаргиз вафо,  
Кўнглида йўқ турур онинг сидку сафо.

Ким мунофиқ бўлса ул мурдордур,  
Бил, мунофиқдин Худо безордур.

Тангрига душман мунофиқлар турур,  
Дўсти Ҳақ билғилки содиқлар турур.

Ютқоли фарёд этар руйи замин,  
Бўлғуси маҳшар куни шамри лаъин.

Ким мунофиқ бирла гар ҳамроҳдур,  
Англағил ҳар иккиси гумроҳдур.

Гар мунофиқ бўлса ҳолидур хасин,  
Бўлмағай ҳаргиз жаҳаннамдин эмин.

Ё Рабб, ҳар ким мунофиқ бўлмағай,  
Роҳи рост берғилки фосиқ бўлмағай.

\* \* \*

Гофило, умр ўтти доим беҳабар,  
Қилғайсен туну кун мунофиқдин ҳазар.

Ман нечук айлай кўнгилни шодлар,  
Қайси бир ғамдин қилай фарёдлар.



## ИСТИФФОР ХОСИЯТИ

Бўлса ҳар ким доим истиффорлиқ,  
Кўрмагай икки жаҳонда хорлиқ.

Тангридин қўрқон киши огоҳдур,  
Жаннат-ул-Фирдавсда ул шоҳдур.

Маъсиятни кимки пайдар-пай қилур,  
То азобин анга пайдар-пай қилур.

(15)(ҳ)

Эй ўғул, халқ ичра машҳур ўлмағил,  
Ҳам бахилу ҳам такаббур ўлмағил.

Кимки бу оламда бўлса ломакон,  
Ҳақ ани жаннатда қилгай жовидон.

Ҳар киши доим Худони ёд этар,  
Бегумон Тангри ани озод этар.

Шукр қил бисёрни берса Худо,  
Тобқуси ҳар ойна кўнглунг жило.

Ким деса сиррини аҳмоқ дўстиға,  
Оқибат тикқай самонни пўстиға.

Суҳбати нодонни қилма ихтиёр,  
Оқибат бўлгунгдир охир хору зор.

Ҳар киши нодон била суҳбат қилур,  
Ул киши ўз жонига кулфат қилур.

Кимки нодон бўлса қочқон яхшироқ,  
Суҳбатидин балки зиндон яхшироқ.

Неча ишни кимки одат айлаган,  
Амру наҳйни риоят айлаган.

(16)

Хайр қилсанг ўз қўлингда хайр қил,  
Ул бировларни қўлида қилмағил.

Қилса ҳар ким хайрни ўз қўл била,  
Борғуси жаннатга ул туз йўл била.

Мустаҳиққа хайр қилмоқ фарздур,  
Қилгайсан бу ишни бисёр қарздур.

Бериё хайр айласа ул бойдур,  
Бир дирам минг бир балони қайтарур.

Хайр қилгондин кейин ёд айлама,  
Қилгон ул хайрингни барбод айлама.

Айғосен бисёр истиффорни,  
Қилғайсен хушқол ул Ғаффорни.  
Туну кун қил бандалик ҳушёр бўл,  
Жумла шайтон феълидин безор бўл.

\* \* \*

Ғофило, умр ўтти доим беҳабар,  
Қил ибодат туну кун шому саҳар.  
Ман нечук айлай кўнгулни шодлар,  
Қайси бир ғамдин қилай фарёдлар.

### КЎНГИЛНИ ДУНЁДИН ЙИҒМОҚ ҲАҚИДА

Эй йигит, андуҳу ғамни хўй қил,  
Жаннату хулди баринни бўй қил.  
Йиғмагил зинҳор бу моли жаҳон,  
Ташлагил ул молни бўлғил амон.  
Молни кўб йиққон киши кўб ғамдадур,  
Икки олам ичра ул мотамдадур.  
Мол ё фарзанд учун ким еса ғам,  
Еткусидур жониға юз минг алам.  
Эй йигит, хушқол бўлма молға,  
Шукр қилғосен фақирлиқ ҳолға.  
Ҳар киши роҳатни қилса ихтиёр,  
Ҳақ қатида бўлғусидур хору зор.  
Ҳузн ила андуҳни пеша қил,  
Охирингни яхши хўб андиша қил.  
Аввалингни фикр қилсанг бир овуч хок,  
Охиринг ҳам бўлғусидур бир овуч хок.  
Ҳузн ила андуҳ ародур бандалар,  
Шод бўлғай оқибат жуяндалар.  
Ғазли раҳматдин хушол ўлмоқ раво,  
Моли дунёга хушол ўлмоқ хато.  
Ғам қилса кимки чандон молу зар,  
Урғуси ўз жисмиға тифу табар.  
Қул эсанг шоҳға на олиб борасан,  
Йўл аро шармандоликда қоласан.

(16)(ҳ)

Қул агар шармандадур ағроз йўқ.  
Хожани олдида ул қул ноз йўқ.

Ул қулеким бу жаҳон бекордур,  
Хожани олдида ул қул хордур.

Хожани амриға ул ҳозир бўлур.  
Хожа ул қул ҳолиға нозир бўлур.

Хожа амридин қули безордур,  
Ул қулидин хожаси безордур.

Кимки хизмат қилса Раҳмон бандаси,  
В-аро агар қилмаса Шайтон бандаси.

Қилғойсен хизматни доим бориё,  
Шармлиғ бўлғил ва ҳам қилғил ҳаё.

Тухфасиз қул борса шоҳни қошиға,  
Қувлабон ургай ясовул бошиға.

\* \* \*

Гофило, умр ўтти доим беҳабар,  
Қуллиқни қил туну кун, шому саҳар.

Ман нечук айлай кўнглини шодлар,  
Қайси бир ғамдин қилай фарёдлар.

(17)

**БУ ФАСЛДА КАМ ЕМАК ХОСИЯТИНИ АЙТУР**

Уйқусиз ўткарғасен айёмни,  
Беҳуда ўтказма субҳу шомни.

Аввало кам ухлагилу ҳам ахир,  
Қилғасен албатта нафсингни асир.

Кўб таом нафсиға бермаклик завол,  
Берса, қолдурғай сани фисқу залол.

Кўб еган бирла киши бўлмас киши,  
Тобмағай равнақ ани қилғон иши.

Кўб еганлар тобмағай ҳаргиз камол,  
Кўб еганлар кўрмағай ҳаргиз жамол.

Кам еса кўнглида бўлғай илми ҳол,  
Кўб еса бўлғай ани жисми завол.

Кам еса бўлғай ани кўнгли жило,  
Кўб еса бўлғай ани кўнгли қаро.

Билгасен кимларки лаънат ичрадур,  
Субҳу шом вақтида гафлат ичрадур.

Юзифа қўл бирла урғон шумдур,  
Гарчи анқо бўлса ғам ул бум дур.

Қилмағил зинҳор сен ёлғуз сафар,  
Аҳли ҳикмат қўлида бўлғай хатар.

Кўрмагил ҳар тун ичида ойна,  
Беҳабар умр ўтмағай ҳар ойна.

Ул қоронғу гўрда ёлғуз бўлғасен,  
Ойна ўрнида тоат қиласен.

Беҳабарлар олдида ўлтурмағил,  
Ўз қўлунг бирла ўзунгни урмағил.

Бўлмаса ҳар кимки доим беадаб,  
Кўрмағай икки жаҳон ҳаргиз газаб.

Тангрини амрига қилғил жон фидо,  
Амри Шайтон қилмағил ҳарна хато.

Тангрини фармонини қилғил қабул.  
Амрини бисёр қил, бўлмай малул.

Бўлма қоҳил Тангрини фармониға,  
Жаҳд ила қил жон фидо қурбониға.

Завқ ила тоат қилур гар ҳар киши,  
Чиққуси гумроҳлиқидин ул киши.

Туну кун тоат қилурға тез бўл,  
Очилур маҳшар куни жаннатға йўл.

Кўзки, Ҳақдин кўрқубон намнокдур,  
Ул кишиларни, билингким, покдур.

Эй Қуёш, бу йўл дурурким хавфнок,  
Қилғасен тун-кунда оҳи дарднок.

Ҳар кишининг жисмида кўб гўштдур,  
Бандалик қилмоқ анга нохушдур.

(17)(ҳ)

Кўрқубон ваҳм ичра қил ўзни енгил,  
Арзи ҳолинг бўлса Тангриға дегил.

Келсалар жон олғучи жон қасдида,  
Тургай ул Шайтон иймон қасдида.

Йўл йироқу юк офирдур, эй қуёш,  
Бўлғасен шому саҳар кўб дилхарош.

Дилхарош улдур жигарни доғласа,  
Қўрқубон Тангрисидин қон йиғласа.

Бор дурур бу йўлда бир дарди азим,  
Ё Рабо, бергил паноҳ Сансан Раҳим.

\*\*\*

Гофило, умр ўтти доим беҳабар,  
Қил ибодат туну кун шому саҳар.

Ман нечук айлай кўнгулни шодлар,  
Қайси бир ғамдин қилай фарёдлар.

### БУ ФАСЛДА ҚАЗОҒА РОЗИ ВА БАЛОҒА САБР ҚИЛМОҚНИ АЙТУР

(18)

Ул надурким, жиғаи дунёи дун,  
Ким кўнгул берса қилур хору забун.

Ким кўнгул берса бу нафси ромиға,  
Оқибат ҳалқидин олғай домиға.

Сен саломатликни доим истагил,  
То жамиғи халқдин юз овругил.

Сен ризо бўлғил агар етса қазо,  
Сабр қилғил неча кўб келса бало.  
Ҳар киши доим иморат ичрадур,  
Рўзи маҳшарда харобот ичрадур.

Аҳли олам ичра ғафлат сарбасар,  
Тез бўл бедор бўл шому саҳар.

Ҳар киши мунда харобот ичрадур,  
Ул киши доим каромат ичрадур.

Кимки ғойиб бўлса андин урма дам,  
Етмағай икки жаҳон дарду алам.

Кимки ғийбатдин тилини боғламағай,  
Тангрим они дўзах ичра солмағай.

Чунки толибсенки, бўлғил ҳақталаб,  
Ҳақдин ўзга сориға сен очма лаб.

Ҳақталабсен Ҳақдин ўзгани унут,  
Зинҳору зинҳор овзингни тут.

Эй қуёшим, ҳар замон дилжўш бўл,  
Гар нажоте истасанг хомуш бўл.

Ҳар кишиларни сўзи бисёрдур,  
Танаро кўнгли анинг бемордур.

Кимки хомуш ўлса иймони дуруст,  
Кимки кўп сўзлукдур иймон нодуст.

Кимда ақл ўлса ўзин хомуш қилур,  
Кимки кўб сўзлукдур иймондин қолур.

Ҳар киши кўб сўзласа мурдордур,  
Халқ аро кўб сўзламакдин хордур.

Ақли жоҳил туну кун ғийбат қилур,  
Аблаҳ улдур кимсага гар рағбат қилур.

Санки ёд этма Худодин ўзгани,  
Тангри дийдорин кўрарга кўз тани.

Завқ ила Ҳақ амрини қилғил баён,  
Шавқ ила тоат қилиб бўлғил омон.

Кимки тобиъдур Муҳаммад амрига,  
Токи андин мақбул ўлғай Тангрига.

Авлиёву анбиё муҳтож анга,  
Қилдилар тун-кун жигарни хун анга.

Кимки жаҳд ила иморатлар қилур,  
Шайтон онинг динини ғорат қилур.

Иморатни қилиб еткур фалакка,  
Қолур мунда кирурсан тор лаҳадка.

Мурда дилдур ул киши кўб сўзласа,  
Зинда дилдур ул киши зикр айласа.

(18)(ҳ)

Кўб емакликни билинг ҳайвон иши,  
Кўб демакликни билинг нодон иши.

Ҳар киши ўз айбига бино бўлур,<sup>1</sup>  
Руҳига кўб қувате пайдо бўлур.

Ўтга киргил, зикр ила бўлғил Халил,  
То санга бергай паноҳ Рабби Жалил.

\* \* \*

Ғофило, умр ўтти доим беҳабар,  
Тангриға фикр айлагил шому саҳар.

Ман нечук айлай кўнгулни шодлар,  
Қайси бир ғамдин қилай фарёдлар.

**БУ ФАСЛДА ИШОРАТИ АҲЛИ ИЙМОН  
ВА БЕИЙМОННИ АЙТУР**

(19)

Ҳар кишиким, аҳли иймондур, билинг,  
Тўрт ишни жаҳд ила айлаб қилинг.

Аввало ўзни ҳасаддин асрағил,  
Токи андин ўзни мўъмин чоғлағил.

Бўлсанг ул ёлғон ғийбатдин йироқ,  
Бўлғасен албатта лаънатдин йироқ.

Бериё қилсанг агар бир тоати,  
Ёқғуси бошинг уза Ҳақ раҳмати.

Сақласа ҳар ким ҳаромдин қурсоғин,  
Бўлмағай икки жаҳон ҳаргиз лаъин.

Халқдин ҳар кимки уммидин узар,  
Мақсадига Тангрим они еткизар.

Майл қилса кимки Шайтон амриға,  
Мустажоб ўлмас дуоси Тангриға.

Кимки Ҳақ амрин қилур бўлғай шариф,  
Ул кишиға бўлмағай иймон заиф.

Ул кишини ботини гар покдур,  
Руҳи онинг лойиқи даргоҳдур.

Гар риё бирла киши тоат қилур,  
Бегумон Тангри анга лаънат қилур.

Ҳар кишини ботини гар пок эмас,  
Билки руҳи лойиқи афлок эмас.

Кимки Ҳақ амрин қилур ул Ҳақ топар,  
Умрда пайваста ул равнақ топар.

Қилса суҳбат зон била ё ҳар фақир,  
Ул киши бўлғай бугун тонгла ҳақир.

Ҳар киши хотун била суҳбат тутар,  
Ўзини расвою беҳурмат тутар.

Ўзини билган ўзин хор айламас,  
Жондорийларни озор айламас.

Ўзни пок этган киши Идрис бўлур,  
Ўзни фосиқ айласа Иблис бўлур.

Ким сахий-у обид ул аҳли сафо,  
Ким бахилдур кўргуси жавру жафо.

Ким сахийдур ул Муҳаммадга ёвуқ,  
Ким бахилдур бўлғуси ўрни томуқ.

Ҳар кишиким, аҳли сидқ Сиддиқ бўлур,  
Ҳар кишиким, аҳли жаҳл зиндиқ бўлур.

Нафсни ўлтурса ул Жиржис бўлур,  
Қилса гар нафс амрини Иблис бўлур.

Ким далолат қилса Шайтон амрини,  
Ўқуғил ло ҳавл сен бисёр ани.

Зору зору зору зору зору зор,  
Ким такаббурдур бўлур албатта хор.

\*\*\*

Гофило, умр ўтти доим беҳабар,  
Қил ибодат тез-тез шому саҳар.

Ман нечук айлай кўнгулни шодлар,  
Қайси бир ғамдин қилай фарёдлар.

### НАСИҲАТИ НЕКУ БАДНИ АЙТУР

(19)(ҳ)

Гофил ўлма, эй қуёшим, бу жаҳон,  
Етмагай ҳар дам санга андак зиён.

Ҳар кишига қилса раҳмат гар Худо,  
Қилғусидур туну кун ичра дуо.

Ҳар кишини тоати бисёрдур,  
Ризқи рўзиси ани бисёрдур.

Ҳар кишиким, фиққ ила исён қилур,  
Бегумон ризқи ани нуқсон қилур.

Ростгўй икки жаҳон эҳсон топар,  
Би-л-ахир албатта ул иймон топар.

Бўлмағай ёлғончи лаънатдин халос,  
Бўлмағай ёлғончи кулфатдин халос.



- Ким пешоб айлар, бараҳна ҳам ётур,  
Қасд ила ўзни шаётинга қотур.
- Ҳар жанобатда ема ҳаргиз таом,  
Ким еса мақсуди қолғай нотаом.
- Ташлама нон резасини зерипой,  
Бўлғусен албатта охир ҳой-вой.
- (20) Ҳар киши гар бўлса доим беҳабар,  
Тушгай охир бўйнига занжирлар.
- Зикрни кўб қилса раҳмат ўқумас.  
Шукрни кўб қилса неъмат ўқумас.
- Хок бирла қўл ювма, неъмат хамир,  
Иззати неъматни қил, бўлғил амир.
- Бўсагани устида ўлтурмаги,  
Бўлғусидур кимки ўлтурса ҳақир.
- Ким нажас ерда таҳоратлар қилур,  
Бегумон миллатни ғоратлар қилур.
- Ҳар киши масжид ичида шоддур,  
Жумла аъмоли анинг барбоддур.
- Охират бозори масжиддур, билинг,  
Масжид ичра туну кун сожид бўлинг.
- Масжид ичра сўзласа дунё сўзин,  
Билғусидур қасд ила жоҳил ўзин.
- (?) Масжид ичра қилса дунёдин калом,  
Бўлғай ул соат анга тоат ҳаром.
- Тикмагил эгнингни танда турғузуб,  
Қил насиҳат халқни ўлтурғузуб.
- Сурмағил зинҳор этак бирла юз,  
Дину миллатни, қўёшим, яхши туз.
- Турмағил зинҳор сен бозор аро,  
Бўлмағил бисёр аҳли хор аро.
- Пуф қилиб ҳар ким чирёғни ўчирур,  
Қасд ила ул аҳлу ҳушин кўчирур.
- Гар киши кўрса ҳақир неъматни хор,  
Ул киши бўлғай емак, ичмакка зор.

Яхши ишни қилма ҳаргиз муштарак,  
Кимки танҳо қилса бўлғай хуштарак.

Сен ибодатда тириклик хоҳлама,  
Ушбу умрунгдин тириклик чоҳлама.

Истама зинҳор ҳар кимдин мадад,  
Қодир улдур, йўқ анга «куфван аҳад».

Дам-бадамдур, дам-бадам, дам-бадам,  
Беадабларға етар ранжу алам.

\*\*\*

Гофило, умр ўтти доим беҳабар,  
Бўлма гофил Тангридин шому саҳар.

Ман нечук айлай кўнгулни шодлар,  
Қайси бир ғамдин қилай фарёдлар.

### ДАР БАЁНИ САБР ВА БЕСАБРЛАРНИ АЙТУР

Ҳар киши Ҳақ амрига тезу равон.  
Бегумон билғил ани шоҳи жаҳон.

Ҳар бало келса иложи сабрдур,  
Кимки сабр этмаса улки габрдур.

Неча қўб келса қазо бўлғил ризо,  
Кимки бетоқат бўлур тобғай сазо.

(20)(ҳ)

Ким гунаҳ қилса бало чандон келур,  
Ким гила қилса қазо чандон келур.

Ҳар киши Ҳақдин шикоятлар қилур,  
Ул кишига Тангри қўб лаънат қилур.

Олма нон ҳаргиз гадодин, баъир,  
Ким гадодин нон олур бўлғай ҳақир.

Турмасун уй ичра тори анкабут,  
Бу насиҳат ёд ол, кўнглунгда тут.

Ҳарж қил дахлни андозаси,  
Буйруди бу сўзни ҳикмат қозиси.

Ҳар киши Ҳақ амрига қоҳил дурур,  
Бегумон билғил ани жоҳил дурур.

Аҳл санда бўлса гар тажрид бўл,  
Тобсанг андин гар хабар тафрид бўл.

(21)

Эй Қуёшим, англағил тажридни,  
Фаҳм қилғил маънийи тафридни.

Дунёни тарк айлаган тажриддур,  
Ўзни танҳо айлаган тафриддур.

Қилғасен зинҳор шаҳватни талоқ,  
Бўлғасен албатта тафрид ичра тоқ.

Зинҳор қилғойса шаҳватдин низоъ,  
Айлагил зинҳор ўзни инқитоъ.

Ҳар киши тарк этса шаҳват нар бўлур,  
Ҳирси шаҳват бўлса охир хар бўлур.

Ҳар кишиким, қилса шаҳват ихтиёр,  
Бўлғусидур икки олам хору зор.

Қилмағайсан ҳар кишидин эътамид,  
Бўлмағил тафрид элидин ноумид.

Эътимодингни Худодин айлагил,  
Жумла оламдин ўзунгни оврагил.

Бўлмағил дунё ғамида нос-нос,  
Киймағил эгнингга ҳам зебо либос.

Кийса ким жисмига олтуналик либос,  
Бўлмагай ҳаргиз жаҳаннамдин халос.

Бу жаҳон тарк айласа жаннат сазо,  
Ул жаҳон тарк айласа тобқай Худо.

Кимки жаннат истаса дунё ҳаром,  
Ҳақталабга жаннат ул-маъво ҳаром.

Эй қуёшим, сийнани чок айлагил,  
Жаҳд ила кўнгулни ҳам пок айлагил.

Ҳар кишини кибриси бисёрдур,  
Оқибат икки жаҳонда хордур.

Кимки ўз қадрини билса хор эмас,  
Тангрим они халқ аро хор айламас.

Ҳар киши солиҳ ила суҳбат қилур,  
Бегумон Тангрим ани раҳмат қилур.

Аҳли солиҳ бирла бўлғил ҳамнишин,  
Қилғасен зинҳор, моҳим, қилғасен.

Аҳди солиҳ аҳли фосиқдин йироқ,  
Аҳли оқиллар мунофиқдин йироқ.

Аҳли фосиқ суҳбати фосиқ қилур,  
Аҳли оқил суҳбати содиқ қилур.

Тангри амрин қилган аҳли олимдурур,  
Амридин қочган киши золим дурур.

Аҳли золимдин киши қилса гузар,  
Солмағай Тангрим ани нори сақар.

Кимки кўб хизмат қилур давлат кўрар,  
Кимки хизматдин қочар меҳнат кўрар.

Бандалик кўб қилса Ҳақ бергай мақом,  
Бўлғай ул тажрид аҳли вассалом.

\* \* \*

(21)(ҳ)

Фофило, умр ўтти доим беҳабар,  
Бандалик бисёр қил шому сақар.

Ман нечук айлай кўнгулни шодлар,  
Қайси бир ғамдин қилай фарёдлар.

### АҲЛИ ДУНЁЛАР СУҲБАТИ БАЁНИДА

Аҳли дунё суҳбатин қилманг ҳавас,  
Кимки қилса суҳбатин қилғай ҳавас.

Гар киши солиҳ била ҳамдам бўлур,  
Авлиёлар ичра ул маҳрам бўлур.

Ҳар киши шаръидадур собитқадам,  
Кўрмагай икки жаҳонда ҳеч ғам.

Гар киши чиқса шарият амридин,  
Бегумон андин кетар иймону дин.

Ҳар киши шаръиға рағбат айламас,  
Ул кишиға Тангри раҳмат айламас.

Неча ишларни каромат қилди Ҳақ,  
Некбахтларға иноят қилди Ҳақ.

(22)

Аввали улдурки, бўлғай ростгўй.  
Ҳам сахиййу обиду ҳам некхўй.

Ростлик бирла омонат сақласа,  
Ул омонатга хиёнат қилмаса.

Ҳар кишида бўлса бу турлук масал,  
Ҳақ каромат айлагай рўзи азал.

Икки оламға Худо қози дурур,  
Аҳли мўминдин Худо рози дурур.

Бу амал бирла киши мўмин бўлур,  
Икки олам ичра ул эмин бўлур.

Ул киши Ҳақ раҳматиға зордур,  
Навҳагарлардин Худо безордур.

Маъсиятга ҳар киши рағбат қилур,  
Шул замон Тангри анга лаънат қилур.

Судхўрлардин Худо безордур.  
Хамрхўрлардинму ҳам безордур.

Ҳарна ботилдур қилғил гузар.  
Қилди фармон бизға ул хайр ул-башар.

\*\*\*

Гофило, умр ўтти доим беҳабар,  
Қилма ботил туну кун шому саҳар.

Ман нечук айлай кўнгилни шодлар,  
Қайси бир ғамдин қилай фарёдлар.

## ДАР БАЁНИ ХИЗМАТ ПИР ВА ҲАҚҚИ ҲАМСОЯ

Пирларни, эй йигит, кўргил азиз,  
Оқибат бўлғай саршин ҳам азиз.

Пирлар ҳаққи йигитларда бўлур,  
Кўрсалар ҳар ерда ани хизмат қилур.

Пирларға ҳар киши хизмат қилур,  
Икки оламда Худо рози бўлур.

Пири содиқ субҳи содиқдур, билинг,  
Пири козиб субҳи козибдур, билинг.

Пири солиҳлар бу йўлға раҳнамо,  
Пири фосиқлар ҳамиша рўсиёҳ.

Эй қуёшим, кўб еган кўб оғригай,  
Еса гар андак киши оғримагай.

Ташнага сув бергилу очқа таом,  
Нолалар бисёр қилғил субҳу шом.

- (22)(х) Ҳар киши ўз жуфтидин бегонадур,  
Оқибат икки жаҳон афсонадур.  
Тавбаи ёлғон қачон маҳкам бўлур,  
Габру тарсо аҳлидин ул кам бўлур.  
Ҳар киши ҳамсояси озордур,  
Тангри андин бегумон безордур.  
Уэр қилғил маъсиятлардин бурун,  
Тавба қилғил умр ўтмасдин бурун.  
Келса гар жон олғали қўймас сани,  
Ул олиб борғай сани ҳам мани.  
Бу жаҳондин борғай ҳасрат била,  
Чиққуси бу жон надоматлар била.  
Кимки солиҳдур надомат қилмағай,  
Кимки қори бўлса ҳасрат қилмағай.  
Орият билгил бу дунё молини,  
Ҳар киши билгайки ўз аҳволини.  
Аҳли дунё тобмағай ҳаргиз камол,  
Гўрида ҳамроҳдур мору жиёл.  
Йўқту манга тақводин яхши либос,  
Нега атласдин эрур хўб бу палос.
- (23) Ҳар киши жисмиға оройиш қилур,  
Ул жаҳаннам ичра кўб нолиш қилур.  
Неча ишлардин киши аблаҳ бўлур,  
Билмаса ҳар ким ани гумроҳ бўлур.  
Англағилким, бир ёмонни суҳбати,  
Яхшидур андин йилонни суҳбати.  
Ошкор этса кишининг айбини,  
Кўрмаса ҳаргиз ўзининг айбини.  
Эй қуёшим, бўлғасен бехонумон,  
Бўлмағил гофил Худодин бир замон.  
Бермагил кўнгилни дунё молиға,  
Бир назар қил гўр аҳли ҳолиға.  
Кўрмағай жаннат юзини ҳар бахил,  
Куйгусидур ўт аро гўёки қил.

Ҳар киши дунё молиға мубтало,  
Келгусидур бошиға юз минг бало.

Ул бахиллардин, аё, қилғил гузар,  
Кирмағил маҳшар куни нори сақар.

Сен кишининг айбини ҳаргиз дема,  
Сени ҳам айбингни йўқ қилмас дема.

Кўр ани фарёд этар ҳар субҳу шом,  
Берма кўнглунг дунёға, эй хоссу омм.

Биз ётармиз мунда ҳасратлар била,  
Сен юрурсен анда гафлатлар била.

Кимки бу оламда ишрат қилса кўб,  
Қилгусидур гўрда ул ҳасратни кўб.

Яхши ишларға офирлиқ қилмағил,  
Ҳам ёмон ишқа енгиллик қилмағил.

Яхши иш бисёр қил бўлмай малул,  
Токи андин ўзгалар қилғай қабул.

Кимки қилса тез шайтон амрини,  
Бўлғуси габру жуҳуду армани.

\* \* \*

Гофило, умр ўтти доим беҳабар,  
Бандалик қил Тангриға шому саҳар.

Ман нечук айлай кўнгулни шодлар,  
Қайси бир ғамдин қилай фарёдлар.

## ДАР БАЕНИ ФАЗИЛАТИ АЖЗИ ТАҲОРАТ

Эй йигит, ғам келса йўқ ғамхоралиқ,  
Бандаликдур ажз ила бечоралиқ.

Хонумонсиз бўл бу олам тарк этиб,  
Зикр қил кўнглунгда маҳкам беркитиб.

Ҳар кишининг умри беҳосил дурур,  
Умри онинг беҳуда зойил дурур.

(23)(ҳ)

Ҳар кишида бўлса бир яхши ҳунар,  
Ул кишиким, кунда чандон харж этар.

Беҳунар ҳар ерга борса хордур,  
Беҳунарлардин Худо безордур.

Ҳар киши доим таҳорат ичрадур,  
Гўйиё маҳкам иморат ичрадур.  
Подшоҳ вайронадин олмас хирож,  
Гар ҳусуллиқ бўлса ҳар ер беилож.  
Яхши дур ҳар кимки яхши хўйлари,  
Дўст бўлғай оқибат душманлари.  
Ҳар кишидурким, шариятдин йироқ,  
Бўлғасен зинҳор сен андин йироқ.  
Рустагорий нечадур, бил, эй азиз,  
Айтайин ёд ол, қуёшим, тез-тез.  
Аввало қўрқунг ила бўлғил мудом,  
Иккисидур кимға бил дунё ҳаром.  
Ул бириким, истаман ризқи ҳалол.  
Еткурур ҳар кимға они Зу-л-Жалол.  
(24) Ул биридур роҳи рост, эй дилхарош,  
Рустагорий ушбудур, эй жон қуёш.

\* \* \*

Ғофило, умр ўтти доим беҳабар,  
Бўлма ғофил Тангридин шому саҳар,  
Ман нечук айлай кўнгулни шодлар,  
Қайси бир ғамдин қилай фарёдлар.

### ДАР БАЁНИ ОГОҲЛИК ВА РОҲИ ҲАҚДУР

Ҳар киши этса Ҳақ ҳамроҳдур,  
Ҳар киши ёд этмаса гумроҳдур.  
Кимки бу оламда ишрат бирладур,  
Ул қоронғу гўрда ҳасрат бирладур.  
Зикр қилғил Тангрини ҳар субҳу шом,  
Бўлма ғофил Тангридин, эй хосу омм.  
Омmlар зикри тилининг учида,  
Хослар зикри дилининг ичида.  
Бир замон ёд этмаса ғофил дурур,  
Ҳар замон ёд этмаса жоҳил дурур.  
Очмағил оғзингни зикридин бўлак,  
Тутмағил кўнглунгни фикридин бўлак.



Кимда бўлса яхши сўзу яхши хўй,  
Икки олам ичра тобқай обрўй.

Аҳли ғофил беҳабар уйқудадур,  
Аҳли оқил туну кун қайғудадур.

Тутса уч кундан зиёда қийнани,  
Горат айлар Иблис они дийнини.

Юз бало ҳар кун адоватдин туғар,  
Юз қазо ҳар кун касофатдин туғар.

Ҳар киши таъриф қилур ўз ёрини,  
Ҳар киши меҳмон қилур ўз жонини.

Ҳирсни тарк эт, қаноат пеша қил,  
Кибрни тарк эт, ўлум андеша қил.

Муқбир улдур яхши ҳамроҳ истаган,  
Рост йўлларга мани еткур деган.

Аҳли ғофил мажлиси нодон қилур,  
Аҳли жоҳил мажлиси Шайтон қилур.

(24)(х)

Ҳар кишиким, ақлидин огоҳ дурур,  
Бу кишиларга Худо ҳамроҳи дурур.

Хайрни фосиққа берма нораво.  
Чунки сув мустасқийға эрмас даво.

Бу ҳадисни Мустафо қилди калом,  
Жон фидо қил англабон, эй хоссу омм.

Аҳли ғофил мосиволлоҳдин йироқ,  
Аҳли оқил қилди дунёни талоқ.

Оғу гар бир зарра бўлса ўлтурур,  
Ўт очар бир зарра бўлса куйдирур.

Маъсият андак дебон шод ўлмағил,  
Ўз кўнгулга Ҳақдин озод ўлмағил.

Тўндхў ранжиға қил сабрни нўш.  
Ҳар киши сабр этса бўлғай кўнгли хўш.

Кўрса ҳар ким жондорени ҳақир,  
Бир куни бўлғай анга ҳам ул ҳақир.

Илм андак бўлса ҳам хор айлама,  
Неъмат андак бўлса гар хор айлама.

(25)

Бермаса ҳар кимга ким ҳожатларин,  
Тангри ҳам бермас анинг ҳожатларин.

\* \* \*

Гофило, умр ўтти доим беҳабар,  
Тангриға қуллуқни қил шому саҳар.

Ман нечук айлай кўнгилни шодлар,  
Қайси бир ғамдин қилай фарёдлар.

### ДАР БАЁН ФАЗИЛАТИ БЕШ ВАҚТ НАМОЗ

Жаҳд қил беш намозға, эй ўғул,  
Истагил андин булар сорига йўл.

Бандаликнинг бошидур беш вақт намоз,  
Тарк қилма туну кун ҳар қишу ёз.

Бандалик даъвонгға ул бўлғай гувоҳ,  
Журму исёнингға ул бўлғай паноҳ.

Саждасиз бош жовидон кўргай азоб,  
Саждалик бошнинг дуоси мустажоб.

Жонки танда бор кўб қилғил намоз,  
Кейнидин бисёр қил сўзу гудоз.

Бўлмағил тоатга мағрур, эй ўғул,  
Бандалик бисёр қил бўлмай малул.

Ажэ ила тақсирни кўб пеша қил.  
Қаҳрини-ю лутфини андеша қил.

Амри Раҳмон музди жаннот ун-наим,  
Амри Шайтон музди сижжину жаҳим.

Ақлсиз илми била кор айламак,  
Сув уза андоғки девор айламак.

Тўрт нима бордурки, борғай ёнмағай,  
Суву сўзу ўқу умр ёнмағай.

Ушбуларни қилди Ҳақ рўзи азал,  
Тез ўтган умрига будур масал.

Беамал илм истаганлар хордур,  
Икки олам халқ аро мурдордур.

Умрни билғил ғанимат ҳар нафас,  
Руҳ бир қушдурки, тан гўё қафас.

Илмлиғ бўл, қилки нафсинг бирла жанг,  
Урғасен андин бу ишқа кўбла чанг.

Қафаси парвона бўлмас ҳеч вақт,  
 Ҳезлар мардона бўлмас ҳеч вақт.

Илм агар кўбдур кўнгилни боғидур,  
 Ҳирс агар кўбдур кўнгилни доғидур.

Неча ишдин умр кўб кўргай киши.  
 Яхши бўлғай қилса ҳар қилғон иши.

Аввало иш қилса бир овози хуш,  
 Илмдин ё қилса бир оғози хуш.

(25)(ҳ)

Ул бириким, молу фарзанд истамас,  
 Бу кишилар ҳаргиз умри ўқумас.

Урмағил фарёд этиб ҳар кимға дам.  
 Доғ етгай дардга, ғам устига ғам.

Ҳар кишини ростлиғдур пешаси,  
 Бўлғай ул озод, йўқ андешаси.

Кўзлагайсен ҳар кишига манфаат,  
 То муродингға етарсен оқибат.

Ғар кишининг қадрини билса киши,  
 Дўст тутқай ул кишини ҳар киши.

Сен кўнгилни ғиллу ғашдин пок қил,  
 Кўрқубон сийнангни Ҳақдин чок қил.

Яхши аъмолингға такя қилмағил,  
 Раҳмати Ҳақдин умидинг узмағил.

Ҳар киши аъмолидин хушнуддур,  
 Яхши аъмоли анинг бевуддур.

\* \* \*

Ғофило, умр ўтти доим беҳабар,  
 Берие аъмол қил шому саҳар.

(26)

Ман нечук айлай кўнгулни шодлар,  
 Қайси бир ғамдин қилай фарёдлар.

ТАМАЪ ҚИЛМОҚ ВА ЯНГИ БОЙДАН ҚАРЗ ОЛМОҚ БАЁНИДА

Эй ўғул, бу йўл аро мардона бўл,  
Тангрининг фармонига парвона бўл.

Неча ишни ёд олғил, эй ўғул,  
Айтайин, қилғил ани бўлмай малул.

Майл қилма ҳар замон шаҳват мудом,  
Англағилким, мақсадинг бўлмас тамом.

Қилғасен бадасл нокасдин ҳазар,  
Гар йўлуқса сўрмағил андин хабар.

Янги бойдин олмағил зинҳор қарз,  
Ушбу сўз англаким санга бўлди фарз.

Очмағил кўзни кишининг нониға,  
Фам ема ҳаргиз бировнинг ҳолиға.

Сен кишининг нониға улашмағил,  
Ошу нон жиҳатидин мунглашмағил.

Ул еган мурдордур, сен бир чибин,  
Бу ишинг тарк айлагил мундин кейин.

Киши ўрганса кишининг ошиға,  
Миннат тушгай мунинг ҳам бошиға.

Кимки тифле бирла доим ўйнашур,  
Ул кишини оқибат расво қилур.

Ҳар кишиларда ҳаё йўқ, шарм йўқ,  
Ул кишини бегумон иймони йўқ.

Яхши хўй қилғилки, ҳар ким бўлсалар.  
Сиррини фош этма ҳар ким бўлсалар.

Қўрмағил зинҳор ҳар кимни ҳақир,  
Хоб эмасдур оғритиб берган ҳарир.

Нокасу бад асллар аблаҳ бўлур,  
Ким буларға қотилур гумроҳ бўлур.

Ҳар кишига аввало қилғил салом,  
Оқибат дўзах санга бўлғай ҳаром.

Ким ёмон сўздин тилини қилса банд,  
Гўйиё қилмиш дурур Шайтонни банд.

Тангрининг дўстиға қилғил жон фидо,  
То санга ул бўлғусидур раҳнамо.

Ҳар киши Ҳақ амридин тарсон бўлур,  
Ул кишидин барча халқ ларзон бўлур.

Шоду сиҳдатликни андин излагил,  
Иззату ҳурматни андин излагил.

Бўлмағил бегоналарга ошно,  
Етгуси жонингга андин қўй жафо.

(26)(ҳ)

Ким ҳасад қилса кишининг ҳолидин,  
Беҳабар умр ўтқарур аҳволидин.

\* \* \*

Ғофило, умр ўтти доим беҳабар,  
Бўлма ғофил Тангридин шому саҳар.

Ман нечук кўнгулни айлай шодлар,  
Қайси бир ғамдин қилай фарёдлар.

### ШАРЪИ ШАРИФНИНГ ФАЗИЛАТИ БАЁНИДА

Ҳар киши шаръ ичра бўлса устувор,  
Бўлмағай икки жаҳон халқ ичра хор.

Ҳар кишига маърифат ҳосил эмас,  
Тангрининг дийдорига восил эмас.

Ҳар киши уч ишни одат қилғуси,  
Икки оламда саодат қилғуси.

Аввало эл айбини ёпмоқ керак,  
Ўзининг айбига кўз очмоқ керак.

Халқга заъфингни изҳор айлама,  
Етса гар шоди-ю ғам ҳаргиз дема.

(27)

Эй қуёшим, камронлиғ истагил,  
Бенаволар кўнглини оғритмагил.

Ҳақталаб бўлгон киши якдил бўлур,  
Бўлса якдил мақсади ҳосил бўлур.

Келса давлат ҳар киши бўлғай шариф,  
Келса меҳнат бўлғай ул зору наҳиф.

Илмсиз қилган ибодат ҳечдур,  
Кемасиз дарёга кирган ҳечдур.

Тўйма қандоғ жисмга қувват берур,  
Илм андоғ руҳга қувват берур.

Маънийи илм англасан аъмолдур,  
Ул амаллар ичра хос аҳволдур.

Суд йўқ қочмоқ қазодин, эй пари,  
Хоҳ фалак борғил ва хоҳ таҳт ас-сари.

Дунё бир дарё эрур, шаръи кема,  
Кимки фарқ ўлса ани мўъмин дема.

Кемага киргилу қилғил ваҳмлар,  
Аҳли оқил бўлса қилғай фаҳмлар.

Кемага кирган била бўлмас нажот,  
То саломат ўтса дарёдин нажот.

Пирға сен қилмағил устодлиқ,  
Қилмағил олдида ҳаргиз шодлиқ.

Кемачи фарёд эгар ниятни туз.  
То кема дарёда юргай тез туз.

\* \* \*

Гофило, умр ўтти доим беҳабар,  
Шаръда бўл устувор шому саҳар.

Ман нечук айлай кўнгулни шодлар,  
Қайси бир ғамдин қилай фарёдлар.

### САЛОТ (НАМОЗ) ВА САВМ (РЎЗА) БАЁНИ

Ҳақталабсен қил намозу рўзани,  
Тарк қилғил зинҳор бангу бўзани.

Гар намози кўбдур умри они кўб,  
Рўза кўб тутса ани ҳам умри кўб.

Садақа кўб берса моли кўб бўлур,  
Ҳам закотин берса моли кўб бўлур.

Рўза кўб тутган киши бедордур,  
Рўзасининг ужраси дийдордур.

Ҳазилни кўб қилса беҳурмат бўлур,  
Бошиға шул соати лаънат ёғур.

Ҳазилдин бисёр кўнгли оғриғай,  
Ҳазилдин бисёр жойи ўқрағай.

(27)(ҳ)

Ҳазил кўб қилмоқ шаётин феълидур,  
Ҳазил қилмоқлик салотин феълидур.

Ҳазил қилгандин кўнгил озордур,  
Ҳазилчилардин Худо безордур.

Ул ҳасаддин ҳазилким бадтардур,  
Ҳазилчи икки жаҳон абтардур.

Ҳазилдин чандон адоватлар қўпар,  
Балки андин кўб касофатлар қўпар.

Ҳазилдин барбод иймони кетар,  
Оқибат ҳасрат била жони кетар.

Ҳазилдин қўпгай тилим боди бало,  
Ҳазилчи икки жаҳон рўйи сиёҳ.

Кимки оқил бўлса қилмас ҳазилни,  
Кимки ғофил бўлса қилгай ҳазилни.

Қилмағил зинҳор сен ҳазлу мазоқ,  
Кўзни оч олдингдаги қабрға боқ.

Ҳазилдин оғрир кўнгил, эй хосу омм,  
Бу насиҳат ёд олғил, вассалом.

(28)

\* \* \*

Ғофило, умр ўтти доим беҳабар,  
Ҳазил қилма туну кун шому саҳар.

Ман нечук айлай кўнгулни шодлар,  
Қайси бир ғамдин қилай фарёдлар.

### ҲОЗИҚ ТАБИБ ЖОН КАБИ ЭКАНЛИГИ БАЁНИДА

Ҳар табибга берма қўл, эй дарднок,  
Доруви зидди била қилгай ҳалок.

Ҳар табиб олим дурур доруси хўб,  
Ғар табиб золим дурур оғуси кўб.

Тушмагай ҳожат табибга, англағил,  
Кам егил, кам сўзлагил, кам ухлагил.

Ҳар кишиким, ғайбдин гар урса дам,  
Ёғилур бошиға лаънат дам-бадам.

Ғайбдин дам урса иймони чиқар,  
Куфр элидин оқибат жони чиқар.

Эй қуёшим, ғайбдин дам урмағил,  
Ғар киши дам урса сен ўлтурмағил.

Ғайбдин дам урган эл бўлмас омон,  
Ҳам жаҳаннам ичра қолғай жовидон.

Ғар кишиким, ғайбдин бир сўз деса,  
Йўқ ажаб андин Худо юз овриса.

Ул мунажжим халқ аро аблаҳ бўлур,  
Волучи-ю қуръачи гумраҳ бўлур.

Алҳазар ё алҳазар, эй алҳазар,  
Ғайбдин ким дам урар қилғил гузар.

Ғайбдин ким дам урар исёни сахт,  
Ул кишини билгасен Дажжולי вақт.

Ғайбдин ким дам урар ур бошиға.  
Ёғмағай раҳмат анингки бошиға.

\* \* \*

Ғофило, умр ўтти доим беҳабар,  
Урмағил дам ғайбдин шому саҳар.

Ман нечук айлай кўнгулни шодлар,  
Қайси бир ғамдин қилай фарёдлар.

### ҲАҚ ЙЎЛИГА КИРМОҚ БАЕНИ

Эй қуёшим, бу насиҳат анлагил,  
Танбаи ғафлат қулоқдин ташлагил.

Ғар сафарга кимки жабдуқсиз борур,  
Ранжу меҳнатлар била йўлда қолур.

(28)(ҳ)

Тухфасиз бўлмас яроғлиғ шоҳға,  
Тухфа ҳам қилдим дема ул шоҳға.

Сен ишонма тоатингға, эй ўғул,  
Тез-тез қил амрини бўлмаи малул.

Эътиқодингни дурурст қил Тангриға,  
Жон фидо қилғайсен онинг амриға.

Оқил эрсанг тез қил амри Худо,  
Оҳ бирла нола қил ҳар субҳгоҳ.

Бу фалак ғаддору нопаддо эрур,  
Бу-л-ҳаваслар дунёға шайдо эрур.

Қилғасен дунёни ҳар дам хору зор,  
Қолмағай кўнглунгда дунёдин ғубор.



(29) Эй дариг ва ҳасрато, етти ажал,  
 Йўқту манда заррача яхши амал.  
 Сўрмагай анда яна амволдин,  
 Сўрғусидур ҳарна бор аъмолдин.  
 Аввало сўрғайки, сен кимнинг қули?  
 Не жавоб бергайсен, эй ишком қули?  
 Сўрғуси Мункар, Накир ҳайбат била,  
 Қўлларида гурзи ҳам ҳайъат била.  
 Ушбу ҳолатда гўрунг маҳкам қучар,  
 Бўлғуси чандон азоб анда дучор.  
 Йиғса доим ҳар киши моли жаҳон,  
 Гўриға тўлғай ани мору чаён.  
 Тутса дўст дунёни ҳар ким жовидон,  
 Ул қоронғу гўрида бўлмас омон.  
 Эй қуёшим, бўлма ҳаргиз беҳабар,  
 Ҳар кишиким, беҳабар етгай зарар.

\* \* \*

Гофило, умр ўтти доим беҳабар,  
 Оҳ бирла нола қил шому саҳар.  
 Ман нечук айлай кўнгулни шодлар,  
 Қайси ғамдин қилай фарёдлар.

### МАЗКУР КИТОБ СОҲИБИНИНГ ПАНДУ НАСИҲАТИ

Қилмагай ушбу жаҳон ҳаргиз вафо,  
 Қилса ҳар ким майл ул қилғай жафо.  
 Тифлвор ўлғил ваё мардона бўл,  
 Мумвор ўлғил ваё парвона бўл.  
 Жаҳд ила ҳар кимки йиғса симу зар,  
 Оқибат солғай анга бир кун заҳар.  
 Гар кишини молу фарзанди тилим,  
 Ул кишини ўрнидур нори жаҳим.  
 Аввало фарзанду молинг ташлагил,  
 Бул мужаррад, ўзни йўлға бошлагил.  
 Бир дирам дўст тутса тутмас дўст Ҳақ,  
 Берди бу пандини устодим сабақ.

«Иннама амволукум»ни ёд қил,  
Молу фарзандингни сан барбод қил.

Икки олам қиссасидур ушбулар,  
Зинҳору зинҳор қилғил ҳазар.

Бу жаҳоннинг роҳатин тарк айлагил.  
Бу жаҳоннинг лаззатин тарк айлагил.

Ўзни хок этгил ўлумдин илгари,  
Сийна чок этгил ажалдин илгари.

Ишқ агар бўлса, қуёшим, жўш қил,  
Дунёни тарк айла майни нўш қил.

Айтайин энди ҳикоят маргдин.  
Ким қулоқ солмас кетар иймондин.

Умр бир гулдурки ё барги дарахт,  
Бир куни барбод барбоди сахт.

(29)(ҳ)

Олмагон жон қилмағай оламда жон,  
Хоҳ гадо бўлсун, хоҳ шоҳи жаҳон.

Аҳли солиҳ жонни ул элтгай само,  
Жони фосиқ борғуси таҳт ас-саро.

Бу жаҳонда қолмағай бир жон тирик,  
Суд йўқтур бўлса гар юз минг черик.

Фаҳм қилса ҳар киши ҳайрон бўлур,  
Ҳар иморат оқибат вайрон бўлур.

Қолмағай мунда шақиййу некбахт,  
Ногаҳон етса ажал шоҳ, тожу тахт.

Кўчкусидур бу жаҳондин ул жаҳон,  
Бўлғусидур гўрга маҳкам ниҳон.

Молу фарзанди ани мунда қолур,  
Ул қоронғу гўрда ул ёлғиз ётур.

Кўчмаги мушкилдур дунёдорни,  
Жонидин хушроқдур ул мурдорни.

Тарки дунё кўчмиши осон бўлур,  
Ақли дунё кўчмиши чандон бўлур.

(30)

Жон талашмак гўйиё кўчмак дурур,  
Бу жаҳон ному нишон ўчмак дурур.

\* \* \*

Гофило, умр ўтти доим беҳабар,  
 Бўлма мағрур дунёга шому саҳар.  
 Ман нечук айлай кўнгулни шодлар,  
 Қайси бир ғамдин қилай фарёдлар.

### ФАРОЙИЗЛАРНИНГ ФАЗИЛАТИ БАЕНИДА

Фарзлар бисёрдур, бил, эй ўғул,  
 Ёд ол бу пандни бўлмай малул.  
 Фарзларда ўзни билмак фарзийат,  
 Бир кишида бор дурур чандон сифат.  
 Гаҳ шужоатдин бўлур гўёки шер,  
 Гаҳ латофатдин бўлур гўёки эр.  
 Гоҳ ҳамиша бирла ул анқо бўлур,  
 Гоҳ мақри бирла ул рубоҳ бўлур.  
 Гаҳ далерликдин бўлур гўё шутур,  
 Гаҳ залилликдин бўлур гўёки мур.  
 Гаҳ мазарратдин бўлур занбур каби,  
 Гаҳ мурувватдин бўлур танбур каби.  
 Гаҳ қаноат бирла ул инсон бўлур,  
 Гоҳи пўрхўрлиқ ила ҳайвон бўлур.  
 Гоҳ булбуллар каби қилғай наво,  
 Гоҳ сўфийлар била қилғай садо.  
 Гоҳ тўтидек бўлур ширин сухан,  
 Гоҳ тун-кун бумдек бўлғай адан.  
 Гоҳ бино, гоҳ нобино бўлур,  
 Гоҳ пашмурда, гоҳ зебо бўлур.  
 Гоҳ тифлдеку гоҳ пирона сифат,  
 Гоҳ доно, гоҳ ҳайрона сифат.  
 Гоҳ лангу гоҳ хушрафтор эрур,  
 Гоҳ хомушу гоҳи ул гўё бўлур.  
 Гоҳ сусту гоҳ ҳам чобук бўлур,  
 Гоҳ вазмин, гоҳ ҳам собук бўлур.  
 Гоҳ шарру шўрдин мору чаён,  
 Гоҳ хушхўй-у тили шаккар фишон.

(30)(х)

Гоҳ кофир, гоҳ ҳам муъмин бўлур,  
Гоҳ хавфлик, гоҳ ҳимматлик бўлур.  
Гоҳ бўлғай тезу тўнд Раҳмонға қул,  
Гоҳ бўлғай тезу тўнд Шайтонға қул.  
Гоҳ бўлғай туну кун султон қули,  
Гоҳ нафсидин бўлур бир нон қули.  
Гоҳ шодликдин бўлур кундузги тун,  
Гоҳ ғамлик гўйиё тун ичра тун.  
Гоҳ жоҳил, гоҳ ҳам олим бўлур,  
Гоҳ фосиқ, гоҳ ҳам золим бўлур.  
Бу сифатлар ҳар кишида бордур,  
Билмаса ҳар кимки ул мурдордур.  
Бу сифатлар яхши билғил, эй азиз,  
Токи андин йўлга кирғил тез-тез.

\* \* \*

Гофило, умр ўтти доим беҳабар,  
Бу сифатлар яхши бил шому саҳар.  
Ман нечук айлай кўнгилни шодлар.  
Қайси бир ғамдин қилай фарёдлар.

### МОЛ ВА ТОАТГА МАҒРУР БЎЛГАНЛАР БАЁНИДА

(31)

Бу жаҳон молиға ким мағрурдур,  
Кўнгли анинг доимо ранжурдур.  
Сен ишонма умрға, эй пирзол,  
Тезрак тарк айлагил фисқу залол.  
Ким ишонса молиға ўғри олур,  
Ким ишонса жисмиға оғриқ бўлур.  
Салтанат ичра Сулаймон фикр қил,  
Умр кўб кўрмишда Луқмон фикр қил.  
Кучу қувват бирла ул Рустам жаҳон,  
Азроил илкида бўлди ул камон.  
Ҳар киши гар бўлса мағрури жамол,  
Фоний билғил бўлди ул Юсуф завол.  
Ушбуларға қилмади дунё вафо,  
Балки чандон кўрдилар жавру жафо.

Бу жаҳон маккор ҳам гаддордур,  
Ҳар киши дўст тутса ул мурдордур.

Ҳушни тарк айлагил, ҳайрона бўл,  
Ҳам иморат тарк қил, вайрона бўл.

Ҳар киши кўнглин берур мурдорға,  
Оқибат ҳалқдин осқай дорға.

Бу жаҳон бир устухонедур давом,  
Қилмағай бир ит ани ҳаргиз тамом.

Ё мисоли бу жаҳон зебо жавон,  
Кимки гар майл этса ул тобқай омон.

Ул ажуза дарди куллий бедаво,  
Ҳар киши рағбат қилур тобқай бало.

Ушбу дарди бедаводин қил ҳазар,  
Ким талаб қилса етар чандон хатар.

Эй биродар, нағмасиз ўлтурмагил.  
Беҳабар қошида ҳам ўлтурмагил.

Нағманинг овозига солғил қулоқ,  
Барча ўтган халқнинг ҳолиға боқ.

Ҳар замонким, нағмалар оғоз этар,  
Бевафо оламдин ул оғоз этар.

Ҳеч кимга қилмади дунё вафо,  
Ҳар киши дўст тутса бу қилғай жафо.

Йиғлабон ҳар ким агар фарёд этар.  
Ул кишининг Тангриси озод этар.

Бу жаҳон маккор ҳам гаддордур,  
Ҳар киши кўнглин берур зангордур.

Бу жаҳон қилмас кишиға манфаат,  
Бил ахир ҳасрат, пушаймон оқибат.

\* \* \*

Ғофило, умр ўтти доим беҳабар,  
Бўлма ғофил Тангридин шому саҳар.

Ман нечук айлай кўнгилини шодлар,  
Қайси бир ғамдин қилай фарёдлар.

ОЛИМЛАРНИНГ ФАЗИЛАТИ БАЁНИДА

(31)(ҳ)

Эй қуёшим, иста олим суҳбатин,  
Жону кўнглунг бирла қилғил хизматин.

Суҳбати олим кўнгилга рез этар,  
Ул киши Ҳақ буйруғини тез этар.

Панди олим касни иззатли қилур.  
Кимки аъмол этса жаннатлик бўлур.

Панди олим ҳар қаро уйға чироғ,  
Билмайин қилғон амал бўлмас тароғ.

Англағил бордур ҳар уйни очқуси,  
Панди олимдур кўнгилини очқуси.

Гар кишининг ким биҳиштга майли бор,  
Суҳбати олимни қилғил ихтиёр.

Анбиёву авлиё носиҳ дурур,  
Амрини қилган киши солиҳ дурур.

Аҳли олим ноиби пайғамбарон,  
Айлади бу сўзни ул соҳибқирон.

Аҳли фосиқ ичра олим хордур,  
Бегумон андин Худо безордур.

Ҳар киши олимга еткурса зарар,  
Солғуси Тангрим ани нори сақар.

(32)

Кимки кўрса аҳли олимни ҳақир,  
Ул кишини бегумон умри камир.

Ҳар киши олимға кулфат қилмағай,  
Кимки қилса Тангри раҳмат қилмағай.

Гар киши олим кишини шод этар,  
Тангрим ани бегумон озод этар.

Панди олим кўрга гўё асо,  
Руҳиға ҳам бўлғусидур кўб физо.

Ҳеч лаззат илмдин хуштар эмас,  
Илмсизлар халқ аро беҳтар эмас.

Илмсизлар халқ аро одам эмас,  
Илмсиз икки жаҳон маҳрам эмас.

Илмидин, аъмолдин бўлғай яқин,  
Ким илмсиз, аъмолсиз бўлғай лаъин.

Ҳар диёренинг чироғи олими,  
 Ҳар қаро туннингки моҳи олими.  
 Илм бирла сайр этар Арши ъуло,  
 Ҳам фалак, ҳам ерни то таҳт ас-саро.  
 Илм бир отдурки, хуш рафторлиғ,  
 Кимда маркаб бўлса кўрмас хорлиғ.  
 Илмсиз ҳасратдадур пиру жувон,  
 Илмсиз истаб туну кун юрғил равон.  
 Ҳар диёренингки боғи олими,  
 Ҳар диёренингки шоҳи олими.  
 Икки қисме одамий ҳурматдадур,  
 Мундин ўзга барчаси ҳасратдадур.  
 Истаса илми-ю ҳам қилса амал,  
 Кўнглиға икки жаҳон қилмас алал.  
 Ҳар кишининг илми йўқ ҳайвон дурур,  
 Қилғон ҳар феъли ани исён дурур.  
 Илмға қил, эй қуёш, умрингни сарф,  
 Баҳра олғил илмдин бир неча ҳарф.  
 Илмсиз ўткарма умр, эй хосу омм,  
 Тезу тўнд қилғил туну кун бардавом.

\*\*\*

Гофило, умр ўтти доим беҳабар,  
 Илмсиз, аъмолсиз тобқай зарар.  
 Ман нечук айлай кўнгулни шодлар.  
 Қайси бир ғамдин қилай фарёдлар.

### БУ ФАСЛ — КЎП СЎЗЛАМАКНИНГ ҚАБИҲЛИГИ БАЁНИДА

(32)(ҳ)

Алҳазар ё алҳазар, эй алҳазар,  
 Ҳар киши кўб сўзласа қилғил гузар.  
 Беҳабардур ҳар киши кўб сўзласа,  
 Маъниси йўқ сўзни ҳар ким кўб деса.  
 Ўзидин гофил киши қоҳил дурур,  
 Сўзидин ҳозир киши ҳозир дурур.  
 Икки олам сўздин етгай бало,  
 Оқибат расвою ҳар этгай Худо.

Баъзилар кофир бўлуб ахшом ётар,  
Баъзилар мўъмин ётиб кофир қўпар.

Ўқи ҳар соатда ради куфрни,  
Рад қилур Тангри таъоло куфрни.

Радди куфрни ҳар киши одат қилур,  
Бегумон Тангри ани озод қилур.

Ҳар киши кўб сўзласа васвосдур,  
Одамий қайдида йўқ насносдур.

Кимки хомуш бўлса хайр ун-носдур,  
Кимки кўб сўзлукдур шарр ун-носдур.

Васвос бир дев оти ханносдур,  
Ким суханчин бўлса ул Ханносдур.

Ҳар киши Ханносдин бўлмас омон,  
Сийнаси Ханнос учун бўлғай макон.

(33)

Ҳар кишиларни ул васвос этар,  
Ул кишини ўзидек Ханнос этар.

Бандалик қил Тангрига хомуш ўлуб,  
Қил ибодатни ниҳон дилхуш ўлуб.

Тангрига қул бўлғон эл хомуш бўлур,  
Нолаву оҳ бирла динжўш бўлур.

\* \* \*

Эй биродар, ўтти умрунг беҳабар,  
Ҳар киши кўб сўзласа тобқай зарар.

Ман нечук айлай кўнгулни шодлар,  
Қайси бир ғамдин қилай фарёдлар.

### ҲАҚНИ ҚИДИРМОҚ БАЁНИДА

Ҳақталабсен, англағил, эй Ҳақталаб,  
Ўзга бўлғил халқ аро чандон лақаб.

Сен Худони боғ ичида истама,  
Жон чекиб ҳар тоғ ичида истама.

Тахту тож ичра Худони истама,  
Ҳақталабсен мосивони истама.

Халқ аро ҳар ким Худони истагай,  
Жониға чандон балони истагай.



Тобмади тахт узра Адҳам Тангрини,  
Қилди ул барбод тожу тахтини.

Мосиво тарк айлади бўлди омон,  
Аршу Курси сояси бўлди макон.

Беш намозу рўзаву ҳажжу закот,  
Қилсалар амрини ул бўлғай нажот.

Кимки ошиқдур Худо фармон қилур,  
Аҳли ошиқ жонини қурбон қилур.

Ушбу фармон бирла қилғай имтиҳон,  
Қилмаса ҳар ким ани бўлмас омон.

Ҳеч маъшуқ имтиҳонсиз бўлмағай,  
Кимки ошиқ бўлса хизмат буйруғай.

Ҳеч ким оламда миллатсиз эмас,  
Кимки ошиқ бўлса хизматсиз эмас.

Ҳар киши шаръида бўлса устувор,  
Кўрмиши Ҳақдур ани, жаннатда ёр.

Қилса фарзу суннат ул ошиқ эрур,  
Қилмаса бу иккини фосиқ турур.

Қилма тасдиқ қуш каби учқан билан,  
Хас каби дунёни ҳам кечган билан.

(33)(ҳ)

Ақл бўлса, эй қуёшим, жўш қил,  
Дунёни тарк эту майни нўш қил.

Бўлмағил гофил Худодин бир замон,  
Икки оламда Худо қилғай омон.

Эй биродар, англағил молу бало,  
Оқибат тортғай сани тахт ас-саро.

Туну кун ҳар ерда Ҳақни ёд қил,  
Жидду жаҳд айлаб Худони ёд қил.

\* \* \*

Ошиқо, ўткарма умрунг беҳабар,  
Оҳ бирла нола қил шому саҳар.

Ман нечук айлай кўнгулни шодлар,  
Қайси бир ғамдин қилай фарёдлар.

(34)

Носиҳо, панд айтма нодон кўрға,  
Сочмағил деҳқон уруғни шўрға.

Носиҳо, нодонга оғзинг очмағил,  
Сен товуг олдиға маржон сочмағил.

Кимки нодонга насиҳатлар қилур,  
Кемани қум узра сургандек бўлур.

Жинни-ю девонаву нодонга панд,  
Бермишидур гўйиё эшакка қанд.

Сув уза, эй котибо, сурма қалам,  
Ул хатинг поёни йўқ бўлғай адам.

Заргар, олтунни югуртма сарбақа,  
Ғофило, сарф этма умрунг сарбақа.

Бермағил нодонга, эй олим, сабақ,  
Зоҳиринг бўлғай масулу ҳам варақ.

Бўлмағай нодон насиҳат қадрини,  
Билмағай кўзсиз чироғни қадрини.

Нодоно, умр ўтти нодонлиғ била,  
Сарбасар ғафлатда исёнлиғ била.

Кимки нодон беҳабар умр ўткарур,  
Маъсият чоҳиға ўзни еткарур.

Бандасиға Тангриси қилғай ато,  
Туну кун ичра ёқар етмиш қато.

Беҳабарларға Худо қилмас назар,  
Беҳабарлардин давом қилғил ҳазар.

Беҳабардур ул киши қилса гуноҳ,  
Беҳабарларға Худо бермас паноҳ.

Ҳар киши огоҳдур қилғай назар,  
Икки олам ичра ул кўрмас зарар.

Ҳар кишиким, ҳар замон ҳушёрдур,  
Тангриси ул бандасиға ёрдур.

Кимки ҳозир бўлса раҳматлар ёғар,  
Кимки ғофил бўлса лаънатлар ёғар.

Вой, ул хунсо табиат адамий,  
Келмағай ўзига асло бир дами.

Бир кўнги́л бўлғилу бир тутғил кема,  
Ҳеч оқил тутмағай икки кема.

Ҳар кишини молу фарзанди ҳижоб,  
Молики дўзах анга қилғай азоб.

Ҳар нима кўб зикр қилса Тангриси,  
Икки олам халқнинг шармандаси.

Кўнгли не суйса онинг бандаси,  
Не тариса оқибат ул ўнгуси.

Кимки бўлса беҳабар бир соате,  
Ёғқусидур бошиға Ҳақ лаънати.

Икки оламда Худо қози дурур,  
Тарки дунёдин Худо рози дурур.

Эй қуёш, ўлмакни доим ёд қил,  
Тангри раҳмат қилса кўнглунг шод қил.

\* \* \*

Ғофило, умр ўтти доим беҳабар,  
Бир нафас ғофилсан кўб етгай хатар.

(34)(ҳ)

Ман нечук айлай кўнгулни шодлар,  
Қайси бир ғамдин қилай фарёдлар.

### БУ ФАСЛДА ОДИЛ ВА ЗОЛИМ ПОДШОҲ БАЁНИ

Эй малик, сўрғил райият ҳолини,  
Уқсу улфат бирла бер ҳам додини.

Ул райят ҳолидин огоҳ бўл,  
Адл қил, икки жаҳонда шод бўл.

Зулмни кўб қилса давлатдин тушар,  
Сўзласа кўб, кулса иззатдин тушар.

Эй малик, андиша қил болову паст,  
Етмағай мулкунгға ҳар ёндин шикаст.

Шоҳи одил шаҳриға неъмат дурур,  
Шоҳи золим шаҳриға лаънат дурур.

Шоҳи одил шаҳриға неъмат ёғар,  
Шоҳи золим шаҳриға лаънат ёғар.

Шоҳи одил шаръни пайдо қилур,  
Шоҳи жоҳил фисқни пайдо қилур.

(35)

Эй малик, шаръида бўл собитқадам,  
Етмагай икки жаҳонда ҳеч ғам.

Эй малик, шоҳ бўлғил, аммо, муттақий,  
Бўлғасен ул олам ичра ҳам тақий.

Йўқту шаҳға адлдин яхши амал,  
Шаҳға ҳам лозим бўлур чандон амал.

Беҳабар ўткарма умрунг, эй малик,  
Қолмагай ушбу жаҳон икки тирик.

Салтанат ҳашмат Сулаймондек эмас,  
Умр ҳам ул Нуҳу Луқмондек эмас.

Эй малик, қуллуғда Иброҳимча бўл,  
Подшоҳлиқ қилу Иброҳимча бўл.

Қил ўзунгға мосиволлоҳни ҳаром,  
Бу насиҳат ёд ол, эй шоҳи омм.

\* \* \*

Эй малик, ўткарма умрунг беҳабар,  
Охирингни фикр қил шому саҳар.

Ман нечук айлай кўнгулни шодлар,  
Қайси бир ғамдин қилай фарёдлар.

### АМР ВА НАҲЙ БАЁНИДА

Олимо, қил амру наҳйидин баён,  
Амри наҳйи халқ аро тобғай аён.

Амри наҳйидин бўлак сен очма лаб,  
Очсанг албатта бўлурсан беадаб.

Халқни бу рост йўлға индагил,  
Амрини-ю наҳйини чандон дегил.

Олимо, бекор ила ўлтурмагил,  
Бидъат ишларни манга қилдурмагил.

Аҳли бидъат бирла олим ҳамнишин,  
Бўлса андин кетгуси иймонудин.

Қилса феъли қавми шаръийдин бўлак,  
Шул замон шаръдин жудо бўлмоқ керак.

Ёпса шаръини барча омуму хосс,  
Бўлмағай ҳаргиз жаҳаннамдин халос.

Мўйга ким шаръини гар табдил қилур,  
Рўзи маҳшар суврати табдил қилур.

Ғайрдин бир сўзни қотса шаръига,  
Аслидин лаънат ёғилгай фаръига.

Мақсади халқ ичра тобмоқ иззати,  
Шул замон барбод кетгай миллати.

Оммга дунё учун улфат қилур,  
Шул замон барча малак лаънат қилур.

Омм улдур туну кун жавлон қилур,  
Амрини-ю наҳйини аён қилур.

(35)(ҳ)

Олим улдур туну кун бўлмас малул,  
Золим улдур бир замон қилмас қабул.

Кимки амру наҳйиға мункир дурур,  
Бегумон билғил ани кофир дурур.

Марди олим гўйиё ёнган чироғ,  
Марги олим гўйиё ўчган чироғ.

Амру наҳйи дарсларда хосдур,  
Мундин ўзга дарслар васвосдур.

Фатво сотиб йиғма дунё молидин,  
Қолмасин уммид Худо эҳсонидин.

Илм бор, аммоки дунёдордур,  
Бегумон андин Худо безордур.

Қил насиҳат олимо ҳам қил ўзунг,  
Сен амал қилсанг бўлур бовар сўзунг.

Сен қилиб кўргузмай ул қандоғ қилур,  
Сен қилиб кўргузсанг ул андоғ қилур.

Олим улдур тутмағай дунёни дўст.  
Қўрқубон Ҳақдин қолур сўнгоку пўст.

(36)

Илм бўлса ҳам амал оқил дурур,  
Билмаса маънини лойаъқал дурур.

Кимки бўлса бу жаҳон қалби салим,  
Ҳақ қотида ул бўлур Арши азим.

Олимо, қалби салимни англағил,  
Доругиру молу мулкунг ташлағил.

Маънийи қалби салим юз оврумак,  
Жумладин юз оврубон Ҳақни демак.

Филлу ғашлардин кўнгулни пок қил,  
Руҳни сен лойиқи афлок қил.

Мосиводин бу жаҳонда урма дам,  
Барча ҳодисдур, бўлур охир адам.

Манфаат қилмас санга молу банун.  
Ҳам рубобу барбату ҳам арғанун.

Тангриға мақбул бўлур сийрат била,  
Неки ҳар қисмидаги суврат била.

Зоҳирида ҳеч ким маълум эмас,  
Ботинида ҳар киши мафҳум эмас.

Қатъ қил кўнгулни дунё молидин,  
Фикр қилғил охириг аҳволидин.

Ҳақ ризоси сориға қўйғил қадам,  
Тангриға қилғил ибодат дам-бадам.

Кимки дунё тарк этиб тоат қилур,  
Шул замон Тангри анга раҳмат қилур.

Ҳар киши тоатни қилса бериё,  
Жаннат ул-маъво анга бергай Худо.

Бўлмаса ҳар кимда дунё риштаси,  
Бу дурур қалби салимнинг маъниси.

\* \* \*

Олимо, ўткарма умрунг беҳабар,  
Якдил ул тоатни қил шому саҳар.

Ман нечук айлай кўнгулни шодлар,  
Қайси бир ғамдин қилай фарёдлар.

## ТАЖРИД (ЁЛФИЗЛИК) БАЁНИДА

Ҳақталабсен, англағил, эй хосу омм,  
Неча иш бордур ани қилғил давом.

Бу жаҳондин шар замон безор бўл,  
Бу нажосатхонадур, бил, эй ўғул.

Қил таваккул рост доим Тангриға,  
Жон фидо қил буйруғон ҳар амриға.

Бул жаҳон савдосидин бўл беҳабар,  
Ҳам муқим ўлма, давом этгил сафар.

(36)(ҳ)

Нафсни эиддида иш қил, эй ўғул,  
Тангрини фармонини айла қабул.

Ғам ема ризқингға тун-кун субҳу шом,  
Ғам есанг қолғай муродинг нотамом.

Барча ишда қил таваккул Тангриға,  
Жон фидо қил тез қилғон амриға.

Сидқу ихлосу амални рост қил,  
Токи андин Ҳақни сан даржост қил.

Кибрни тарк айлагил дилреш бўл,  
Ҳайликни маҳв айлагил дарвеш бўл.

Уйда гар чирк бўлса меҳмон кирмагай,  
Кўнглида ширк бўлса Субҳон кирмагай.

Сидқлиқ дил гўйиё кундузги кун.  
Сидқсиз дил гўйиё тун ичра тун.

\* \* \*

Толибо, ўткарма умрунг беҳабар,  
Оҳ бирла йиғлабон шому саҳар.

(37)

Ман нечук айлай кўнгулни шодлар,  
Қайси бир ғамдин қилай фарёдлар.

ДЕҲҚОН НИЙЯТИ БАЁНИДА

Деҳқоно, нийят тузуб сочғил уруқ,  
Сочса нийятни тузуб қолмас қуруқ.

Қилса деҳқон яхши нийятни давом,  
Ўқсумас ҳаргиз ҳусули вассалом.

Баднийат бирла агар сочсанг уруқ,  
Бўлмагай ҳаргиз ҳусул, қолғунг қуруқ.  
Баднийатдин нозу неъмат кам бўлур,  
Бўлғони бирла бировға ем бўлур.

Деҳқоно, кўб ошу нон бер бериё,  
Бериё қилган ишинг бўлғай паноҳ.

Бериё берсанг агар кўб ошу нон,  
Бўлғасен дўзах азобидин омон.

Раъйи ул деҳқонки, нон бергай бериё,  
Бўлғай ул маҳшар кунида рўсиёҳ.

Деҳқоно, умр ўтти баднийат била,  
Фисқ ила умр ўтти баднийат била.

Қилса деҳқон бу насиҳатни қабул,  
Олғай ул бир донға ўн бир ҳусул.

Фитна қилмоқ хуни ноҳақдин ёмон,  
Фитначи бўлмас жаҳаннамдин омон.

Хуни ноҳақ фитнадин пайдо бўлур,  
Фитнадин оламда кўб ғавғо бўлур.

Қилса фитна ошкоро ё ниҳон,  
Қолғай ул дўзах ичида жовидон.

Ушбу олам фитнадин бўлғай хароб,  
Фитнадин кўброқ киши кўргай зиён.

Кимки қилса фитна ул Марвони хар,  
Бўлғай ул маҳшар куни итдин батар.

Фитнадин юз овруса раҳмат йиғар,  
Фитнани дўст тутса кўб лаънат йиғар.

Кимки юрса фитнадин ҳар дам қочиб,  
Жаннат ул-фирдавс анга бўлғай насиб.

Фитнадин бўлғил йироқ, эй хосу омм,  
Фитначиға қилди жаннатни ҳаром.



Фитнани тарк этса иззатлик бўлур,  
Ўрни шул соатда жаннатлик бўлур.

Фитначи икки жаҳонда хордур,  
Фитначилардин Худо безордур.

Тавба қилгил фитнага бўл ҳақшунос,  
Қилгай ул Гуфрон жаҳаннамдин халос.

\* \* \*

(37)(ҳ)

Гофило, умр ўтти доимо беҳабар,  
Яхши ният бирла бўл шому саҳар.

Ман нечук айлай кўнгулни шодлар,  
Қайси бир ғамдин қилай фарёдлар.

### КОСИБ АҲВОЛИ БАЁНИДА

Косибо, қилсанг ҳунарға эътамид,  
Қолғасен Ҳақ раҳматидин ноумид.

Ким ишонса кабиға бедин бўлур,  
Ким ишонса Тангриға эмин бўлур.

Гар ҳунарманд касбидин қилса талаб,  
Ҳақ таъоло қилғуси чандон ғазаб.

Дину миллатни билиб қилсанг ҳунар,  
Қил таваккул Ҳақға чандон харж ўтар.

Гар косиб кўнглини Ҳақдин шод этар,  
Икки олам Ҳақ ани озод этар.

Шаръида касбингни қилсанг хўб эрур,  
Ушбу ишга руҳ ҳам марғуб эрур.

(38)

Ҳар киши бир ерда кўб ўлтурмағай,  
Гар киши ўлтурса кўнгли оғригай.

Сайр қилса ҳар киши тобқай фараҳ,  
Кўнгли бўлғай гўйиё қавси қазаҳ.

Сайрда ҳар дам кўнгул тобқай жило,  
Бўлса бир ерда муқим келгай бало.

Ҳар киши сайр айласа хушбўй бўлур,  
Гар оқин сув турса белаззат бўлур.

Кимки кўб ўлтурса беиззат бўлур,  
Гўйиё оққан сув ҳам хушбўй бўлур.

Ҳар киши уй ичра меҳнат ичрадур,  
Ҳар киши сайр ичра роҳат ичрадур.

Бўлсалар ҳар ким агар ҳубб ул-ватан,  
Икки олам ул бўлолмас баҳраманд.

Сайр аҳли тарки дунёдур, билинг,  
Икки олам чашми бинодур, билинг.

Сайр ул эрмас ҳаловат истаган,  
Сайр ул эрмас иморат истаган.

Сайр ул эрмас фароғат истаган,  
Сайр ул эрсанг ишрат истаган.

Сайр ул эрмаски ҳурмат истаган,  
Сайр ул эрмаски аврат истаган.

Сайр ул эрмаски дунё истаган,  
Сайр улдур Ҳақни танҳо истаган.

Қўб емакдин сайр қилса сарбасар,  
Ул кишидур гўйиё жуъ ул-бақар.

Нафс фармониға сайр этмак ҳаром,  
Бу насиҳат ёд олғил вассалом.

Эй биродар, ақл бўлса сайр қил,  
Ушбу оламдин умидинг қаср қил.

Пурхуро, умр ўтти сайринг сайр эмас,  
Қўб емаклик бирла қурсоқ сайр эмас.

Сайр этиб ушбу жаҳон бўлмас тамом,  
Неъматни оламни еб бўлмас тамом.

\* \* \*

Гофило, умр ўтти доим беҳабар,  
Бўл мужаррад, сайр қил шому саҳар.

Ман нечук айлай кўнгулни шодлар,  
Қайси бир ғамдин қилай фарёдлар.

## ОДАМЛАРНИ ТАНИМОҚЛИК БАЁНИДА

- Халқни ҳолин бил, эй одамшунос,  
Бу қадардур бегумон қилғил қиёс.
- Баъзиларнинг кўнглида ганж гарон,  
Баъзиларнинг кўнглида ранж гарон.
- (38)(ҳ) Баъзиларнинг кўнглидур паррандадек,  
Баъзиларнинг кўнглидур гаррандадек.
- Баъзиларнинг кўнглидур асби равон,  
Баъзиларнинг кўнглидур гови давон.
- Баъзиларнинг кўнглидур қасри жамил,  
Баъзиларнинг кўнглидур гўё офил.
- Баъзиларнинг кўнглидур гулшан каби,  
Баъзиларнинг кўнглидур гулхан каби.
- Баъзиларнинг кўнглидур вайронадек,  
Баъзиларнинг кўнглидур парвонадек.
- Баъзиларнинг кўнгли хушбўйлиқ бўлур,  
Баъзиларнинг кўнгли бадбўйлиқ бўлур.
- Баъзиларнинг кўнгли жило устун жило,  
Баъзиларнинг кўнгли қаро устун қаро.
- Баъзиларнинг кўнглидур оққан сувдек,  
Баъзиларнинг кўнглидур турган сувдек.
- Баъзиларнинг кўнгли шод кундузги кун,  
Баъзиларнинг кўнглидур тун ичра тун.
- (39) Баъзиларнинг кўнглидур соҳибжамол,  
Баъзиларнинг кўнглидур молу аёл.
- Баъзиларнинг кўнглидур мастхонадек,  
Баъзиларнинг кўнглидур тутхонадек.
- Баъзиларнинг кўнглидур гўё мазор,  
Баъзиларнинг кўнглидур гўё бозор.
- Бу кўнгуллардин Худо эрмас розо,  
Не учунким, йўқ турур сидқу сафо.
- Бу масал поёни йўқтур, эй ўғул,  
Бу насиҳат ёд ол, қилғил қабул.

\* \* \*

Гофило, умр ўтти доим беҳабар,  
Ушбу қисми халқдин қилғон ҳазар.

Ман нечук айлай кўнгулни шодлар,  
Қайси бир ғамдин қилай фарёдлар.

### ҲАРОМ МОЛНИНГ КАСОФАТИ ҲАҚИДА

Кимки йиғса жаҳд ила моли ҳаром,  
Қилғусидур том бар болойи Том.

Гар еса исёнға мойиллиқ қилур,  
Тангри фармониға жоҳиллиқ қилур.

Гар емаккаким киши чолоқдур,  
Бегумон ҳалқи анинг нопокдур.

Гар киши нопок Ҳақни ёд этар,  
Яхши аъмолини халқ барбод этар.

Кўрлар дарёда заврақ тобмағай,  
Ким ҳаромхўр бўлса равнақ тобмағай.

Йиғмағил моли ҳаром, эй беҳабар,  
Икки олам ичра ул молин тилар.

Заррача ҳаққи санингда қолмағай,  
Заррача гар қилса жаннат бормағай.

Ким ҳаромдин кийса эғнига либос,  
Рўзи маҳшар кийғай ул ўтдин либос.

Ким ҳаромдин йиғса мол бўлмас эмин,  
Бўлғай ул маҳшар кун Шамри лаъин.

Ҳар кишида бир дирам бўлса ҳаром,  
Қилғуси мақсуди они нотамом.

Бермаса ҳар кимки жисмиға закот,  
Бўлмағай ҳаргиз жаҳаннамдин нажот.

Тан закоти будур тоат ишламак,  
Туну кун ичра ибодат ишламак.

Кимки фосиқдур ҳаромхўрдир, билинг.  
Кимки солиқдур ҳалолхўрдир билинг.

Ким ҳаромдин ичса гар бир қатра об,  
Бўлмағай ҳаргиз дуоси мустажоб.

(39)(ҳ)

Бир дирам кирса ҳаромдин, эй ўғул,  
Оқибат чиққай олиб ҳамёнда пул.

Ғофило, жамъ айласа моли ҳаром,  
Қилмағай раҳмат Худойи ло яном.

Ўтти умрунг ҳирси дунёлиғ била,  
Жам қилдинг мол гумроҳлиғ била.

\* \* \*

Ғофило, умр ўтти доим беҳабар,  
Сен талаб қилғил ҳалол шому саҳар.

Ман нечук айлай кўнгулни шодлар,  
Қайси бир ғамдин қилай фарёдлар.

### ҲАЛОЛ МОЛНИНГ ШАРОФАТИ ҲАҚИДА

Тангридин ҳар ким тилар моли ҳалол,  
Шул замон еткурғусидур Зу-л-Жалол.

Ким ҳалолхўр бўлса тоқатлар қилур,  
Ким ҳаромхўрдур касофатлар қилур.

Ким ҳалоли истаса раҳмат қилур,  
Ким ҳаромни истаса лаънат қилур.

(40)

Ҳалқига ҳар ким ҳалолни рез этар,  
Ҳақ таъоло раҳматини тез этар.

Манфаат қилмас ҳаромхўр тоати,  
Дамбадам лаънат ёғар ҳар соати.

Кимки излар доимо ризқи ҳалол,  
Гўйиё ул истамишдур Зу-л-Жалол.

Сақласа ҳар ким ҳаромдин қурсоқин,  
Бўлғусидур ул жаҳаннамдин эмин.

Ризқингга ризқи ҳалилни истагил,  
Қувватида Зу-л-Жалолни истагил.

\* \* \*

Ғофило, умр ўтти доим беҳабар,  
Қил ибодат туну кун шому саҳар.

Ман нечук айлай кўнгулни шодлар,  
Қайси бир ғамдин қилай фарёдлар.

БУ ФАСЛ — ЯХШИ ВА ЁМОН ИШЛАРДАН ҚОЧИШ БАЁНИДА

Кел, эй гофил, ўзунгни эҳтиёт қил,  
Ки қилгон ҳайру шаррингни ҳисоб қил.

Агар ҳайринг тўлодур бўлма хушқол,  
Агар шарринг тўла қил тавба дарҳол.

Гунаҳ бир зарра бўлса бешу ё кам,  
Ки исён бихи бўлғай санда маҳкам.

Неча йил қилса ҳар ким маъсиятни,  
Маҳол ўлғойки узмаклик дарахтни.

Агар бўлса кишида яхши кирдор,  
Ки бўлғай ул кишига Тангри ғамхор.

Агар гофил бугун қил тавба маҳкам,  
Бўлурсен рўзи маҳшар шоду хуррам.  
Бугун қил тавба маҳкам, қўйма боқий,  
Баногоҳ еткурур бир жом соқий.

Қутулмас ҳеч ким жоми ажалдин,  
Ки мундоғ қилди ул рўзи азалдин.

Ажални ваҳмидин ҳар ким саросар,  
Ажалга ҳар гадову шаҳ баробар.

Тирикликда қилинлар тавба чандон,  
Бўлунлар гўр ичида шоду хандон.

Гунаҳ гар зарра бўлса одам ўртар,  
Чу ўт гар зарра бўлса олам ўртар.

Кишига бўлса ногаҳ тавба тавфиқ,  
Анинг ўрни бўлур жаннатга таҳқиқ.

Ёмон ишларга ҳар ким тавба қилмас,  
Қочиб ҳаргиз жаҳаннамдин қутулмас.

Бор дурур ҳар қисм ишни ҳийласи,  
Ҳар гунаҳнинг ҳийласидур тавбаси.

(40)(ҳ)

Тавба қилгон мисли қай қилгон бўлур,  
Тавба бузгон қай қилиб ичгон бўлур.

Ҳар кишики қилса заъфи ўқсумас,  
Кимки қилса тавба журми ўқсумас.

Тавба йўлига киши кирмас қочиб,  
Қилмағай Тангри анга раҳмат насиб.

Тавбанинг ўтида жон қилғил нисор,  
Бўлмагайсен икки олам шармисор.

Жома гар кир бўлса собун дафъ эгар.  
Маъсият кўб бўлса тавба рафъ эгар.

Тавбасидур турса маҳкам ҳар киши,  
Яхшига бўлғай бадал қилган иши.

Тавбадур маҳкам савоб устун савоб,  
Тавбаси ёлғон азоб узра азоб.

Ҳар кишиким, тавбасиз иймони йўқ.  
Ҳар кишиким, сидқсиз эҳсони йўқ.

Фосиқо, умр ўтти ғофиллик била.  
Кирмагунгдур гўрга дунёлик била.

\*\*\*

(41)

Ғофило, умр ўтти доим беҳабар,  
Тавба қил исёнға ҳар шому саҳар.

Ман нечук айлай кўнгулни шодлар,  
Қайси бир ғамдин қилай фарёдлар.

### НИЙЯТНИНГ ФАЗИЛАТИ БАЁНИДА

Яхши нийят нийяти тоат дурур,  
Бошига раҳмат ўшал соат ёғур.

Яхши нийят бирла бўлғил, эй ўғул,  
Бу насиҳат ёд ол, қилғил қабул.

Яхшироқдур ҳар амалдин нийяти,  
Яхши нийятлик топар кўб иззати.

Яхши бўлса ҳар кишининг нийяти,  
Бошига тушмас ёмонни нийяти.

Ҳар кишиким, пок бўстон ичрадур,  
Ул киши доим ибодат ичрадур.

Ҳар киши ҳар кунда қилса ғусл бир,  
Икки олам халқ аро бўлғай амир.

Ҳар киши доим таҳорат ичрадур,  
Ул киши доим ибодат ичрадур.

Олса ҳар одинада сочу бурут,  
Дину иймони ани бўлмас нобуд.

Ҳар киши уч кунда олғай тирноқин,  
Ул кишига бўлғай иймони яқин.

Гар вузув устун вузув қилса киши,  
Нур устун нурлуғ бўлғай иши.

Ҳар киши доим таҳоратлик дурур,  
Икки олам ичра ул ҳурмат кўрур.

Ҳар киши бўлса таҳоратлик давом,  
Оқибат бўлғай шаҳид, эй хосу омм.

Киши неъмат кўруб қилғай қаноат,  
Киши дарвиш топиб қилғай саховат.

Киши иймон топиб қилғай ҳаловат,  
Ки андин Тангриға қилғил ибодат.

Қилди оламини худо инсон учун,  
Берди дунёни худо инсон учун.

Баъзиларнинг илми кўб иймони йўқ,  
Баъзиларнинг моли кўб эҳсони йўқ.

Англағил, ҳар иккиси гумроҳдур,  
Не учун Шайтон лаъин ҳамроҳдур.

Баъзиларға раҳнамо Раҳмон дурур,  
Баъзиларға раҳнамо Шайтон дурур.

Ким ибодат қилса ул Раҳмон қули,  
Кимки исён қилса ул Шайтон қули.

(41)(х)

Илми кўб Шайтон биҳиштға кирмағай,  
Ҳайри кўб Хотам биҳиштға кирмағай.

Сажда қилмоқ ор айлаб қилди тарк,  
Тавқи лаънат гарданиға солди марг.

Саждага ул бошким қойил эмас,  
Тангри дийдориға ул восил эмас.

Бенамоз икки жаҳонда хордур,  
Бенамоз халқдин Худо безордур.

Қўймағил зинҳор беш вақтлик намоз,  
Кейнидин бисёр қил сўзу гудоз.

Сен намоз этмакка қилғил изтироб,  
Қилғасен ваҳмида кўзларни пўроб.



(42)

Ҳар намоз мўминга Меърождур, билинг,  
Ҳар намознинг тартибин англаб қилинг.

Ҳуш била бўлғил намозда, эй ўғул,  
То муроду мақсудинг бўлғай қабул.

Сен намозингда фаромуш ўлмағил,  
Ҳам яна кўнглунгни хомуш қилмағил.

Сен намозингда маломат қилмағил,  
Мосиволлоҳдин қироат қилмағил.

Яқдиду яқруй бўлиб қилғил намоз,  
Туну куну субҳу шому қишу ёз.

Сен намозингга агар қилсанг қиём,  
Қил жаҳон савдосини ул дам ҳаром.

Қилмағил ҳаргиз бу оламдин хаёл,  
Ул намоз бўлғай қабул бўлмас хаёл.

Қилсалар ҳар ким намозда эҳтиёт,  
Бўлмағай Тангри таъолоға уёт.

Сен намозингда агар қилсанг рукуъ,  
Ажзу тақсиру хузуъ қил ҳар хушуъ.

Сен намозингда агар қилсанг сужуд,  
Тангрининг даргоҳида маҳв эт вужуд.

Намози омм тасбиҳу сужуд дурур,  
Намози хослар таҳви вужуд дурур.

\* \* \*

Ғофило, умр ўтти доим беҳабар,  
Маҳв қил ҳастликни ҳар шому саҳар.

Ман нечук айлай кўнгулни шодлар,  
Қайси бир ғамдин қилай фарёдлар.

БУ ФАСЛ — СУБҲНИНГ ХОСИЯТИ БАЁНИДА

Ҳар киши қирқ субҳда бедордур,  
Ул киши одам аро ҳушёрдур.

Илму ҳикматдин анга зоҳир дурур,  
Одамийлар ичра ул тоҳир дурур.

Дини исломни ҳамиша тузгай ул,  
Ушбу оламдин умидин узгай ул.

Ихтиёр этгай ўзига гўшани,  
Кўнглига пўр бўлгай иймон равшани.

Кўнглида иймони ҳаргиз кўчмагай,  
Ҳам яна ёнган чироғи ўчмагай.

Боди раҳмат субҳ аро аён ўлур,  
Боғ аро ҳар гунчалар хандон ўлур.

Бўлмағил ҳар субҳда ғафлат била,  
Бўлмағайсен мубтало лаънат била.

Ёғилур ҳар субҳда раҳмати Худо,  
Очилур кўкнинг қопуғи субҳда.

Ҳақталаб ҳар субҳда бедордур,  
Музди маҳшарда анга дийдордур.

Кимки аввал бош кўтарса ҳар тунни,  
Ҳам кўтаргай ул киши маҳшар кунни.

Эй ўғул, субҳида бўлма ғафлати.  
Кимки бўлса ғафлати ул лаънати.

(42)(ҳ)

Эй ўғул, бедорлиқни истагил,  
Ҳар таомни ҳар қачон озроқ егил.

Файзи Ҳақни субҳда қилғил талаб,  
Ётмағил девордек, эй беадаб.

Ҳар киши бедор эмас ҳайвон дурур,  
Қилғон ҳар феъли ани исён дурур.

Абди Раҳмон ким дурур, бил, эй ўғул,  
Қилса Аҳмад амрини бўлмай малул.

Бадтарин одам дурур танҳо еган,  
Беҳтарин одам дурур ҳамроҳ еган.

Нафсни зиддида иш қил, Ҳақталаб,  
Берди бу пандини устодим сабақ.

Ҳар киши ҳар субҳда фарёд этар,  
Ул қулини Тангриси озод этар.

\* \* \*

Ғофило, умр ўтти доим беҳабар,  
Оҳ бирла нола қил шому саҳар.

Ман нечук айлай кўнгулни шодлар,  
Қайси бир ғамдин қилай фарёдлар.

(43)

### АРВОҲЛАРНИ РОЗИ ҚИЛИШ БАЁНИДА

Ғар киши халқ ичра хору зордур,  
Бегумон арвоҳлар безордур.

Ҳар киши меҳнатга бўлса мубтало,  
Пок арвоҳларга кўб қилгай дуо.

Ҳар кишини қўлласа арвоҳи пок,  
Бўлмагай умрида ҳаргиз дарднок.

Тушса иш мушкил кишининг бошига,  
Арзини айтгай бериб кўз ёшига.

Руҳларни киши доим қилса шод,  
Бўлгай ҳар мушкиллари ондин кушод.

Гўрнинг бошида чандон қил дуо,  
Ҳожатингни шул замон бергай Худо.

Нур Муҳаммад ул кишидур, эй ўғул,  
Қилса Аҳмад амрини бўлмай малул.

Қўрқувида фикр қил бир соати,  
Бошингга ёққай Худонинг раҳмати.

Бўлма ғофил бу жаҳон мотамсаро,  
Бўлмагай ғофил жаҳаннамдин жудо.

Тарки дунё охири маҳрам бўлур,  
Ҳирси дунё охири маҳрум бўлур.

Фикр қилғил гўрдаги аҳволга,  
Шуқр қил бир дам тириклик ҳолга.

Мушкулинг осон бўлур, эй одамий,  
Нолаву зори тилим қил ҳар дамий.

Дунёда бил умр бир соат дурур.  
Ҳар киши оқил дурур тоат қилур.

Бирин бирга биродар аҳли муъмин,  
Бўлурлар бу сабабдин аҳли эмин.

Яхши хўйлик бўлғай ул бўлди яқин,  
Берие қилғач амал бўлди эмин.

Омлар бир хар дурур, муъмин Буроқ,  
Фарқини бил хўб мундин яхшироқ.

Омлар бир мурдодур, муъмин ҳаёт,  
Омлар бир шўрадур, муъмин набот.

Киши дунёни дўст тутса баякбор,  
Бўлурлар икки оламда гунаҳкор.

Таркидунёлик ибодатнинг боши,  
Ҳирси дунёлиқ касофатнинг боши.

Бу жаҳоннинг иззатидур молида,  
Ул жаҳонни иззати аъмолида.

Бу жаҳонда ҳар киши деҳқон турур,  
Ҳолиға тушлуқ уруқ сочқон турур.

Ҳар амал тухмини сочқай ҳар киши,  
Охиратда ўрғай ул сочқон киши.

(43)(ҳ)

Подшоҳларда хазина бордур,  
Ул хазинада дафина бордур.

Авлиёлар кўнгли Ҳақни хазнаси,  
Ашқиллар кўнгли дунё фитнаси.

Ганжи Раҳмондин агар қилсанг умид,  
Қилмағил кўнглунг уйин чиркин палид.

\* \* \*

Фофило, умр ўтти доим беҳабар.  
Пок қил кўнглунг уйин шому саҳар.

Ман нечук айлай кўнгулни шодлар,  
Қайси бир ғамдин қилай фарёдлар.

## ИЙМОННИНГ МАЪНОСИ БАЁНИДА

(44)

Гофило, бил энди иймон маъниси,  
Кимки билмас халқнинг шармандаси.

Маънийи иймон будур, бил, эй ўғул,  
Жону кўнглунг бирла қилгайсен қабул.

Йўқ Худо махлуқға илло Тангриси,  
Ул Муҳаммад бандаси ҳам элчиси.

Зоҳиру ботин Худони бир демак,  
Молдин, фарзанддин юз оврумак.

Кеча-кундуз бўлурлар тоат ичра,  
Келур кўкдин ер узра соат ичра.

Фаришталарда, бил, нафсоният йўқ,  
Ки бул важҳидин анда маъсият йўқ.

Бандага Ҳақ ваъда қилди беҳисоб,  
Ҳадя қилди ул сабабдин кўб китоб.

Ул китоблар хоси Қуръондур, билинг,  
Маънисини жаҳд ила англаб қилинг.

Амр бирла наҳйидур бошдин аёғ,  
Кимки қилса бўлмағай Ҳақдин йироғ.

Амрини қилган киши бергай ҳисоб,  
Наҳйини қилган киши кўргай азоб.

Англағилким, анбиё маъсумдур,  
Дўзаҳу жаннат анга маълумдур.

Анбиёларға ҳисоб бор-йўқ азоб,  
Анбиёға келди Ҳақдин бу хитоб.

Билғил эмди бор дурур явм ул-ахир,  
Гўридин қўбқай сағиру ҳам кабир.

Баъзиларнинг ранги рўйи сурху зар,  
Баъзиларнинг суврати чун хирсу хар.

Баъзиларнинг юзлари хуршиду моҳ,  
Баъзиларнинг юзлари деғу сиёҳ.

Баъзилар маркаб сувор ўтгай у кун,  
Баъзилар меҳнатга хор ўлғай у кун.

Баъзилар мингай буроқи хуш сувор,  
Баъзилар юргай яёқу хору зор.

Баъзиларнинг кўзлари нур ул-қамар,  
Баъзилар бўлғай ўшал кун кўру кар.

Баъзилар баъзига қилгай чирмашиб,  
Баъзилар муру малахдек мингашиб.

Одам эрсанг қил бу сўзимни фаҳмлар,  
Ақл бўлса қил бу ишқа ваҳмлар.

Бўлмағил бу ишга ҳаргиз беилож,  
Подшоҳга қул эсанг бергил хирож.

Туну кун амрига қилғил жон фидо,  
Солмағай ғам чоҳиға шояд Худо.

Ҳеч тун йўқтур, билинг, ғам шомича,  
Ҳеч ғам йўқтур, билинг, ғам тоғича.

Ғам мисоли гўйиё ялдо туни,  
Бўлса ғам ҳар кимда тундур ҳар куни.

(44)(ҳ)

Минг балолардин ғами бадтар дурур,  
Ҳар кишида бўлса ғам абтар қилур.

Ҳеч ким оламда йўқ ғамдин омон,  
Хоҳ гадо бўлсуну хоҳ шоҳи жаҳон.

Йўқ турур ғамнинг давоси, эй қуёш,  
Йўқ турур оламда ғамсиз ҳеч бош.

\* \* \*

Гофило, умр ўтти доим беҳабар,  
Қил ибодат туну кун шому саҳар.

Ман нечук айлай қўнгулни шодлар,  
Қайси бир ғамдин қилай фарёдлар.

## ШАЙХЛАРНИ ФАРҚИНИ БИЛИШ БАЁНИДА

Ҳар кишики, шайхлиқ даъво қилур,  
Шайх эмасдур беҳужа ғавфо қилур.

Шайх улдур қилмағай дунё умид,  
Шайх агар қилса умид қилғай палид.

Шайх агар бисёр дунёдордур,  
Бегумон билғил ани мурдордур.

Шайх агар дунё учун қилса дуо,  
Шайхи содиқ эрмас ул шайхи дағо.

Шайхи дунёдорни эҳсони йўқ,  
Оқибат ул шайхни иймони йўқ.

Шайх агар дунёга бўлса мубтало,  
Бегумон ул шайхдин иймон жудо.

Шайх агар дунёга қилса жон фидо,  
Бўлмағай ҳаргиз жаҳаннамдин жудо.

Шайх агар дунёга андак қилса майл,  
Киргуси дўзахқа ул, дўзахки вайл.

Шайх агар қўйса тамаъдин бир қадам,  
Ҳақ анга лаънат юборғай дам-бадам.

Шайх агар қилса тамаъдин бир дуо,  
Бошиға лаънатни ёғдурғай Худо.

Шайх агар фарзанду молин ёд этар,  
Шул замон ер ютқаси фарёд этар.

Шайх агар зийнатни қилса ихтиёр,  
Бўлғусидур икки олам хору зор.

Шайх агар дунё била ҳамроҳдур,  
Ҳеч шак йўқтурки, ул гумроҳдур.

Шайх бўлғай шаръда собитқадам,  
Урмағай, ман шайх, деб халқ ичра дам.

Шайх бўлғай мосиволлоҳдин йироқ,  
Бўлса гар бу қисмда ул шайхи тоқ.

(47)(х)

Сўзласа ҳар шайх моло яънидин,  
Бўлғай ул соатда тарсо, габридин.

Шайхи омий тарбият қилғай вужуд,  
Шайхи олим туну кун қилғай сужуд.

Шайхи омиё илкида ранглик асо,  
Шайхи олим кўнглида сидқу сафо.  
Эй биродар, шайхлик қилманг ҳавас,  
Шайхлик мушкул дурур, осон эмас.  
Шайх гар омиёдур қилманг эътиқод,  
Ушбу қисми шайхдин қил хайрбод.  
Ҳар кишини мақр ила қилгай мурид,  
Кўзламас иш охирин чирку палид.  
Гар муридликқа кишидин олса даст,  
Дин асоси шул замон бўлгай шикаст.  
Шайх улдур тутмагай дунёни дўст,  
Кўрқубон Ҳақдин қолур устухон, пўст.  
Шайхлар ҳоли будур, эй хосу омм,  
Бу насиҳат ёд олғил, вассалом.

\* \* \*

(48)

Ғофило, умр ўтти доим беҳабар,  
Шайхликда рост бўл шому саҳар.  
Ман нечук айлай кўнгулни шодлар,  
Қайси бир ғамдин қилай фарёдлар.

### БУ ФАСЛДА — ҲАҚТАЛАБЛАР БАЁНИДА

Ҳақталаблик, эй ўғул, осон эмас,  
Ҳақталаб эрмас киши инсон эмас.  
Эй ўғул, қил мосиволлоҳдин гузар,  
Шул замон Тангрим санга қилгай назар.  
Эй ўғул, бу йўлга кир ҳиммат билан,  
Ҳам тавбзуъ, ҳам адаб, ғайрат билан.  
Эй ўғул, киргил бу йўлга бегумон,  
Шеру аждарҳо сари бўлғил равон.  
Эй ўғул, қилғил таваккул Тангриға,  
Жон нисор эт ҳарна қилган амриға.  
Эй ўғул, мардона бўлғил, йўлга кир.  
Ғам ема не қилгай аждарҳову шер.  
Эй ўғул, ғайратни қил мардонавор,  
Ҳам яна ҳимматни қил парвонавор.



Эй ўғул, қил эътиқодингни дуруст,  
Қилмағил ҳимматни сан бу ерда суст.

Каъба бир, аммо йўли бисёрдур,  
Каъбани тобмоққа ҳар ким зордур.

Каъбага ҳарким борур беҳбуддур,  
Каъбаи мақсуд ул Маъбуддур.

Эй ўғул, жон бўлса сен бир жўш қил,  
Ҳастлик маҳв айла майни нўш қил.

Эй ўғул, кўнглунг уйини қил фарош,  
Туну кун сийнангни қилғайсен тарош.

Қилмағил ҳаргиз кишиларни ҳасад,  
Истама ҳаргиз кишилардин мадад.

Тез бўл бу йўлга умрунг ўтмасдарак,  
Қил халос ўзни ажал етмасдарак.

Қил кўнгулни мосиволлоҳдин сиво,  
Бўлса гар минг жон бу йўлга қил фидо.

Эй ўғул, «йабқув касир»ни ёд қил,  
Гиряни шому саҳар бунёд қил.

Гиря пинҳон айла, қилма муштарақ,  
Гиря пинҳон бўлса бўлғай хуштарақ.

Гар киши ҳар туну кун бедордур,  
Рўзи маҳшар ужраси дийдордур.

Эй ўғул, ушбу насиҳат қил қабул.  
Бўлмағил бу йўл аро ҳаргиз малул.

Кир харобот ичра бўл ошифтаҳол.  
Тобқусидур мақсадинг андин камол.

Бўл харобот ичра доим, эй ўғул,  
Жаҳд қила ботроқ иморотдин қутул.

Истасанг ғамдин қутулмоқ, эй салим,  
Туну кун вайроналарда бўл муқим.

\* \* \*

Ғофило, умр ўтти доим беҳабар,  
Туну кун вайронда бўл шому саҳар.

Ман нечук айлai кўнгулни шодлар,  
Қайси бир ғамдин қилай фарёдлар.

ОМИЙ СЎФИЙЛАРНИНГ АҲВОЛИ БАЕНИДА

(49)

Энди айтай сўфийларнинг расмини,  
Омийларни, хосларни васфини.

Сўфий гар омий эрур айёрдур,  
Мол жамъ айларга ул тайёрдур.

Сўфий гар омий дурур ғавфо қилур,  
Ҳар эшикда ўзини расво қилур.

Омий сўфи туну кун фарёд этар,  
Бир дирам ким берса кўнглин шод этар.

Ҳар киши сўфий деса аён қилур,  
Чарх уруб олдида ул афғон қилур.

Бир дирамға бўлғай ул парвонавор,  
Сўфилар базмида йўқ ул нобакор.

Сўфи омий сувратини ўхшатур,  
Дому тазвир ила элни юмшатур.

Сўфи бўлғай шаръида собитқадам,  
Кўймағай дунё учун ҳаргиз қадам.

Сўфи омий шаръиға кирмас қочиб,  
Ҳақ таъоло раҳмати бўлмас насиб.

Сўфи беғаш бўлса бу олам аро,  
Кам бўлур мундоғ сўфи ором аро.

Сўфи бўлғай шаръ ичра софу соф,  
Қилмағай ҳаргиз шариятға хилоф.

Сўфи гар қўйса тамаъдин бир қадам,  
Бўлғуси ул сўфилар итдинму кам.

Сўфи гар дўст тутса бир пул эмас,  
Сўфиларга ушбу иш инсоф эмас.

Сўфи ўздин ўзгаларни қўйса паст,  
Дин асоси шул замон бўлғай шикаст.

Омий сўфи сўфилик йўлида каж,  
Доми макру ҳийладин қилғай сифаж.

Илмсиз сўфиға ҳаргиз қилма сидқ,  
Илмсиз сўфи қилур исёну фиқ.

Сўфийи хос тутмағай дунёни дўст,  
Қўрқубин Ҳақдин қилур устхону пўст.

Кимки, ман сўфи, деса ул хомдур,  
Билгасенким, хос эмас, ул оммдур.

Англағил, ҳар сўфи дунёдордур,  
Сўфий эрмас, балки ул мурдордур.

Могу фарзандини ул кўргай бақо,  
Кўрмагай маҳшар куни ҳаргиз лиқо.

Ҳам дегай ушбу жаҳон қилғай вафо,  
Кўнглида йўқтур анинг сидқу сафо.

Илмсиз сўфи қилур исёни сахт,  
Сўфи эрмас, балки ул Дажжולי вақт.

Сўфи бўлғай мосиволлоҳдин йироқ,  
Маҳв қилса ҳастлигин ул сўфи тоқ.

\* \* \*

Ғофило, умр ўтти доим беҳабар,  
Сўфиликда соф бўл шому саҳар.

Ман нечук айлай кўнгулни шодлар,  
Қайси бир ғамдин қилай фарёдлар.

(49)(Ҳ)

### НАФСИ БАД (ЁМОН НАФС) БАЁНИДА

Нафсга кўб берма лаззатлик таом,  
Ҳам кўнгил бўлғай қаро ҳам эҳтилом.

Нафс бир девдур, кўнгул анга ватан,  
Берма нафсга гўшту шўрбо, ёғу қанд.

Нафс бир итдурки, семуртма ани,  
Ул семиз бўлса олиб урғай сани.

Нафс бир улоғдурки, пўр хато,  
Гар улоғ бўлса семиз қилғай жафо.

Нафс бир итдурки, озроқ бер таом,  
Семирса ул ит тутар тун-кун давом.

Ит семиз бўлса эгосини тутар,  
Ит ориқ бўлса уй ичра ётар.

Киргану чиққан кишини тутмасун,  
Нафс ҳам яхши ишингни тутмасун.

Нафс бир уштур дурур ёшу қари,  
Семирса чиққай қатордин ташқари.

(50)

Семурса ҳар жон ҳар жойи бўлур,  
Тебраса ҳарён расвойи бўлур.

Ушбу сўзга, эй ўғул, солғил қулоқ,  
Йўлга кирмасдин бурун кўндур улоқ.

Нафсдин бўлмоқ халос осон эмас,  
Нафсдин бўлмай халос инсон эмас.

Соясидин ҳар киши бўлмас жудо,  
Нафс агар мундоғ паноҳ бергай Худо.

Ҳар кишиким, нафсдин эмин эмас,  
Бегумон билғил ани мискин эмас.

Ҳастлик маҳв этмаса дилреш эмас,  
Нафсни тарк этмаса дарвеш эмас.

Қилмағил бу йўлда нафсингни рафиқ,  
Бўлма ҳаргиз нафс бирла муттафиқ.

Туну кун нафсинг била қилғил уруш,  
Рост қил асбоби жанг, андин туруш.

Келса ғолиб нафсга полвони ишқ,  
Нафс гар ғолиб солур зиндони ишқ.

Ушбу жангга қилғил аввал ўзни пок,  
Пок бўлса нафсни қилғай ҳалок.

Зоҳиру ботин нийятни яхши туз,  
Бу жаҳон савдосидин кўнглунгни уз.

Ҳам яна қилғил риёзат ихтиёр,  
Бегумон ул нафс бўлғай хору зор.

Бўлмағил нафс амрига тезу равон,  
Бўлғасен озода марди навжувон.

Нафсни зиддида қилғил ишни тез,  
Икки олам ичра бўлғайсен азиз.

Эй ўғул, нафсингга маркаб бўлмағил,  
Балки, танҳо бўл, мураккаб бўлмағил.

Нафс бир маккору бир айёрдур,  
Доми макру ҳийласи бисёрдур.

Доми макру ҳийласидин қил ҳазар,  
Қилмағил ҳаргиз бу оламга назар.

Ҳар нимаким, нафс анга мойил бўлур,  
Қилса ҳар ким шул замон жоҳил бўлур.

Нафсни амрини қилма, эй ғариб,  
Бўлғасен Тангри таъолоға қариб.

Ҳар нимаким бор бу олам зийнати,  
Кимки мойил бўлса бўлғай лаънати.

Бор дурур бисёр дому доналар,  
Бўлдилар андин йироқ мардоналар.

Дедилар умматга тож ул-анбиё,  
Жангги асғар, жангги акбар дедиё.

Жангги асғар жангги кофирлар била,  
Жангги акбар жанг ўз нафси била.

(50)(ҳ)

Эр эмас кофир била жанг айлаган,  
Эр будур нафси била жанг айлаган.

Саф тузуб бутни ушатқон қанча хўб,  
Балки андин нафсни синдурга хўб.

Нафсни қатл айласанг бўлгунг малак,  
Нафсни қатъ айласанг ўрнинг фалак.

Пирнинг амрига бўлғил устувор,  
Токи андин нафс ила бўлғил дучор.

Қилма ўз олдинга нафсинг бирла жанг,  
Бўлмағайсен ҳаргиз они бирла танг.

Истасанг нафсингни қилмоқ хору зор,  
Туну кун очлиқни қилғил ихтиёр.

Нафсни зиндонға солмоқ истасанг,  
Солғонингдур чарбу ширин бермасанг.

Оқил эрсанг нафсни қилғил забун,  
Тарк қил донишни, то бўлғил жунун.

Паҳлавон бўл нафсни қилғил асир,  
Рўзи маҳшар халққа бўл шоҳу амир.

(51)

Қилсанг ҳар иш нафсни зиддида бўл,  
Нафсни ҳар туну кун юз қатл қил.

Ҳақталаб бўлса на иш қилмоқ керак,  
Нафсни зиддида иш қилмоқ керак.

Хоҳласанг нафсингни қилмоқлиғ асир,  
Истама халқ ичра бўлмоқлиғ амир.

Бўлса толиб исра ким ҳар тўндхўй,  
Ишқнинг бўйидин ул олмайду бўй.  
Ҳақталаб бўлмаски ҳар пашминапўш,  
Бўлса доим жандасидин кўнгли хуш.

Қилса овозин биров бирдин баланд,  
Бўйниға ўтдин қилур занжир банд.

Хоҳласанг нафсингни доим бўлса банд,  
Берма гўшту ёғ, шўрбо бирла қанд.

\* \* \*

Ғофило, умр ўтти доим беҳабар,  
Нафсинги зиддини ол шому саҳар.

Ман нечук айлай кўнгулни шодлар,  
Қайси бир ғамдин қилай фарёдлар.

### ҲАЖНИНГ ФАЗИЛАТИ БАЁНИДА

Ҳожилар васфиға эмди сол қулоқ,  
Қилмағил ҳаргиз қулоғингдин йироқ.

Ҳожилар бордур тариқат ичра тоқ,  
Ул яёқ борғай миниб ёнмас улоқ.

Ҳожики, ҳаж этмагин пинҳон қилур,  
Ўзини жаннат аро меҳмон қилур.

Ҳожи гар ҳажжини қилса ошкор,  
Бўлғай ул маҳшар кунида хору зор.

Ҳожики дунёни қилса маслаҳат,  
Ҳужжатида йўқтур анингга манфаат.

Ҳожи шуҳратдин олур назру ниёз,  
Нақл қилса ул ҳожи қилманг намоз.

Ҳожи гар, бил, қолди дунёдордур,  
Бегумон андин Худо безордур.

Ҳожи бўлғай мосиволлоҳдин йироқ,  
Бўлса дунёдор Аллоҳдин йироқ.

Ҳожи Ансорий ривоят қилдилар,  
Ҳожи софийларға раҳмат дедилар.

(51)(ҳ)

Ҳаж тавоф этмоқ жаҳондин қўл юмоқ,  
Ҳақ, Расулнинг амрига бел боғламоқ.

Ҳаж тавоф этмакка ғайрат айлагил,  
Ҳаж тавоф қилганда иззат айлагил.

Ҳажга борса чуврулуру деворини,  
Мунда келса чуврулуру хар, говни.

Ҳажни шуҳрат айлаган ҳаж бесамар,  
Ҳажжидин сўнгги гунаҳдин беҳабар.

Эй биродар, ҳаж тавоф этгил мудом,  
Ҳажни пинҳон айласанг бергай мақом.

Бўлмағил дунё молиға ҳажфуруш,  
Бу насиҳат ёд ол, бўлғил хамуш.

Ҳожийи дунёпараст тобмас омон,  
Беҳуда қилмишдур ул сайри жаҳон.

Ҳожи гар ҳаждин кейин исёни сахт,  
Қилса, бўлғай ул замон дажжולי вақт.

Ҳожий ул-аъло манга берди сабақ,  
Бир дирам дўст тутса бўлмас дўсти Ҳақ.

Ҳаж тавоф этмакни доим айлагил,  
Кеча-кундуз нолаву фарёд қил.

\* \* \*

Ғофило, умр ўтти доим беҳабар,  
Йиғма қон исёнға шому саҳар.

Ман нечук айлай кўнгулни шодлар,  
Қайси бир ғамдин қилай фарёдлар.

(52) **БУ ФАСЛ — ТААЛЛУҚДИН КЕЧМОҚНИ БАЁНИДА**

Агар одам эсанг мардонавор ўл,  
Агар ошиқ эсанг парвонавор ўл.

Ўзунга пеша қил вайроналикни,  
Ки сан андеша қил ҳайроналикни.

Қилмағил халқ ичра шуҳрат ихтиёр,  
Оқибат шуҳрат қилур албатта хор.

Жаҳон сориға қилмас унсу улфат,  
Етар андин ахир жонингга кулфат.

Жаҳонда ҳарна боридин умид уз,  
Йўлинг бўлғай сани андин кейин туз.

Жаҳондин кетмайин мардона бўлмас,  
Қаноат қилмайин дурдона бўлмас.

Тааллуқ узмайин восил бўлолмас,  
Муродини киши ҳосил қилолмас.

Киши жононадин жонни аяргу,  
Кўрунг парвонани, ўтдин ёнарму.

Тааллуқ мосиводур Ҳақдин ўзга,  
Тааллуқ тарк қилғил Ҳақдин ўзга.

Туну кун нафсга қилғил зарофат,  
Касофат қатъ қилғил, бўл латофат.

Касофат улдурур Шайтонни амри,  
Латофат улдурур Раҳмонни амри.

Кўнгулни бермағил нафсингга зинҳор,  
Агар берсанг кўнгил бўлғайса мурдор.

Тааллуқ одамға кўб ҳижобдур,  
Ҳижобидин азоб устун азобдур.

Худо берғай паноҳ ушбу ҳижобдин,  
Ёмонроқдур ҳижоб барча азобдин.

Кўнгил лавҳин ювғил ҳар субҳу ҳар шом,  
Ўзунгдин ўзгани қилғил саранжом.

Кўнгилда қолмағай фосид хаёлот,  
Ки андин қил манга лутфу иноёт.

Хаёли фосида ҳосил қилур ранж,  
Кўнгил гар покдур ҳосил бўлур ганж.

Жаҳон фонийга гар маҳрам бўлурсан,  
Жамоли Тангридин маҳрум бўлурсан.

Киши тарк айласа фосид хаёлот,  
Қилур андин кейин Тангри иноёт.

Аё ғофил, ўзунгдин бўлма беҳуш,  
Бу фоний дунёни қилғил фаромуш.

(52)(ҳ)

Бўлмағил андак замоне беҳабар,  
Етмағай ҳаргиз санга андин зарар.



Ўлтуру кўп, юр ўзунгни фикр қил,  
Сидқу ихлос ила Ҳақни зикр қил.

Ўзни билган Ҳақни билгай, эй ўғул,  
Ушбу сўзни ёд ол, қилғил қабул.

Тонуса ҳар кимки аввал ўзини,  
Тонугай андин кейин Тангрисини.  
Ўзини билмай киши бўлмас киши,  
Бўлғуси барбод ҳар қилган иши.

Ҳар кишиким, ўзидин огоҳдур,  
Ўзни билган икки олам шоддур.

Ҳақталаб бўлсанг ўзунгни яхши бил,  
Жаҳд ила фармони Ҳақни яхши бил.

Ҳақталаб бўлсанг на иш қилмоқ керак,  
Нафсни зиддида иш қилмоқ керак.

Ҳақталаб бўлсанг ният тузмоқ керак,  
Мосиволлоҳдин кўнгил узмоқ керак.

\* \* \*

(53)

Ғофило, умр ўтти доим беҳабар.  
Оҳ бирла нола қил шому саҳар.

Ман нечук айлай кўнгулни шодлар,  
Қайси бир ғамдин қилай фарёдлар.

### ИЛМИГА МАҒРУРЛАНИШ БАЁНИДА

Ишонма илмға, эй одамизод,  
Киши бўлмас тилим илмидин озод.

Керакмас ушбу йўлда фаҳму дониш,  
Агар тадбир бирла қилсанг ҳар иш.

Анинг тақдирига тадбир йўқдур,  
Анинг ҳар амрига таъхир йўқдур.

Азалда барчаларға қилди тақдир,  
Анга зинҳор қилма эмди тадбир.

Ҳар кишиким, илмға мағрурдур,  
Оқибат кўнгли анинг ранжурдур.

Илмға мағрур бўлмас ҳеч а-р,  
Бўлғусидур бўлса мағрур кўру кар.

Ақлу донишдин кишиким шоддур,  
Қилса кўб тадбир ул барбоддур.  
Эй биродар, илм уч турлук бўлур,  
Пўсти илм дунёни келтурмак бўлур.  
Ҳама илму амал бу йўлда парда,  
Ҳама донишу фаҳму ақл мурда.  
Гўшт илм дунёни харж этмак бўлур,  
Мағзи илм ҳастликни маҳв этмак бўлур.  
Латофатлик киши бўлмас саришта,  
Иноятсиз қабул бўлмас фаришта.  
Киши гар бўлса тун-кун яхши ишда,  
Ҳама халқ олдида неку ришта.  
Латофат ул кишидур бўлса хомуш,  
Жаҳон васвосини қилса фаромуш.  
Эътибори мағзидур, эй хоссу омм,  
Бу насиҳат ёд олғил, вассалом.  
Эй ўғул, жаннатни қилсанг ихтиёр,  
Туну кун нафсингни қилғил хору зор.  
Эй ўғул, дийдори Ҳақ қилсанг умид,  
Ҳар замон қатъ айла жаннатдин умид.  
Ҳақталабсен рост бўл собитқадам,  
Ҳақдин ўзга барчаси бўлғай адам.  
Балоға бўлса ошиқ шоду хандон,  
Балони тутса дўст ошиқлиқ, эй жон.  
Балодин қочса ул ошиқ эмастур,  
Қуруқ даъво қилур ул бил ҳавастур.  
Худони тутса дўст бергай балони,  
Агар сабр айласа бергай давони.  
Агар келса бало ошиқ кулушгай,  
Агар кўрса гадони ит ҳурушгай.  
Туну кун ёд қил чандон Худони,  
Кўтаргил қанча берса ул балони.  
Эй ўғул, дийдор қилсанг ихтиёр,  
Мову ман тарк айла, кўр дийдори ёр.

(53)(ҳ)

(54)

Ҳақталаб гар ғайридин қилса калом,  
Тангри дийдори анга бўлғай ҳаром.

Ҳақталаб ғайри сори қўйса қадам,  
Келгуси бошиға лаънат дам-бадам.

Ҳақталабсен, қил балони ихтиёр,  
Ҳар замон келса бало жон қил нисор.

Кечмаса жондин бул ошиқ эмас,  
Ул кишини ҳеч ким ошиқ демас.  
Ошиқ ўлғай гўйиё парвонавор,  
Ҳиммату ғайратда ҳам мардонавор.

Ошиқ аввал нафсини қилғай ҳалок,  
Бўлғусидур ишқни йўлида пок.

Ошиқ эрсанг қил балоға жон нисор,  
Жон фидо қилғилу кўр дийдори ёр.

Ҳақталаб қочмас балодин, эй ўғул,  
Сен балони дўст тут бўлмай малул.

\* \* \*

Толибо, ўткарма умрунг беҳабар,  
Оҳу афғон қил тилим шому саҳар.

Мен нечук айлай кўнгулни шодлар,  
Қайси бир ғамдин қилай фарёдлар.

Ҳар симоғи бўлса, билғил, хайр эмас,  
Тўмаси ҳар мурғни анжир эмас.

Бўлса ҳар овоз анга солғил қулоқ,  
Қайси ун таъсирлидур ул яхшироқ.

Жон фидо қилғайсен ул овозға.  
Яхши овоз дорудур амрозға.

Яхши овоз руҳға бўлғай ғизо,  
Қилма руҳ овози бадға мубтало.

Яхши овоз руҳға қилғай асар,  
Бергусидур олами ғайбдин хабар.

Яхши овоз руҳға қилғай мадад,  
Дорусиз бемордур овози бад.

Бўлмаса ҳар овоз, бил, овози Ҳақ,  
Хоҳ танбур, хоҳ чангу хоҳ табақ.

Рафъ этар васвосни овози хуш,  
Шод қилғай руҳни овози хуш.

Яхши улдур гиря пайдо қилса ҳол,  
Гирясиз овозлар фисқу залол.

Бўлмағил хушҳол ҳар овозға,  
Бўлма гофил арғануну созға.

Бўлса эрди кошки овози най,  
Ғамгузор дилдор ё бир жоми май.

Ҳар симоёе бўлса қилсанг шодлиғ,  
Бўлмағай ҳаргиз санга озодлиғ.  
Сол қулоқ овозға ғайрат била,  
Ҷонгудоз эт дарди сўз ибрат била.

Бўлса ҳар овоз ул овози ҳай,  
Хоҳ оҳан, мушти сангу хоҳ най.

### АЁ ГОФИЛ

Аё гофил, унут қил мосивони,  
Фаромуш қилма ҳар дамда Худони.

Аё гофил, замон андеша қилғил,  
Қаноатни узунгга пеша қилғил.

(54)(ҳ)

Аё гофил, белингни боғла маҳкам,  
Ўзунгни барчалардин айлағил кам.

Аё гофил, ҳамиша зикр қилғил,  
Аҳири кунларингни фикр қилғил.

Аё гофил, вафо қилмас жигарбанд,  
Ҷафо қилғай тилим ул молу фарзанд.

Аё гофил, йўлунгдур роҳи мажҳул,  
Ажал етганда бўлмас тавба мақбул.

Аё гофил, бугун бўл чусту чолок,  
Ажалдин илгари қил пираҳан чок.

Аё гофил, қил эмди саъйу кўшиш,  
Либоси тақвони жисмингга пўшиш.

Аё гофил, бу дунёдин ҳазар қил,  
Агар ул ётру келса сен гузар қил.

Аё ғофил, жаҳон\*бир устухондур,  
Ани тарк этган эл доим омондур.

\* \* \*

(55)

Ғофило, ўткарма умрунг беҳабар,  
Йиғла исёнингга қон шому саҳар.

Мен нечук айлай кўнгулни шодлар,  
Қайси бир ғамдин қилай фарёдлар.

### БУ ФАСЛ БЕВАФОЛАРДАН УМИД ҚИЛГАНЛАР ҲАҚИДА

Бу фалақдин ҳар замон андак вафо қилманг умид,  
Беҳаёву рўсиёҳ пурмакр бу чирким палид.

Парвариш бадаллни қилғай давом,  
Кимки берса кўнглини бўлғай ғулом.

Бу фалақ рангига кўз солсанг кабуд,  
Тутма кўз ул бевафо қилғай набуд.

Бу фалақдин қилмағайсен шодлик,  
Бўлмағайсен ҳеч вақт озодлиғ.

Бу фалақдин қилса ҳар ким илтимос,  
Ул киши бўлмас балийятдин халос.

Кимки кўнглин берса бу мурдорға,  
Оқибат ҳалқидин осғай дорға.

Истаса ҳар ким фалақдин комини,  
Кўрмағай ҳаргиз Худо инъомини.

Кийдуруб бад асллар бошиға тож,  
Яхшиларни хор қилғай беилож.

Ўзиға бад асли азвож этар,  
Яхшиларни халқидин ихрож этар.

Арғумоқ бўлмас эшак атлас кийиб,  
Яхшилар бўлмас ҳақир адрол кийиб.

\* \* \*

Фалақ саргаштадин фарёд этарман,  
Фигону нолалар бунёд этарман.

Фалақнинг жаврини айтиб тугатмас,  
Ҳама ҳайрону саргардон тугалмас.

Фалак бедордур бечора қилғай,  
Кишининг кўксини юзпора қилғай.

Фалакдин тутма кўз ҳаргиз вафони,  
Фалак бедордур, қилғай жафони.

Фалак аввал кўтаргай шоду хандон,  
Олиб ургаи кейин ер бирла яксон.

Фалакка бўлмағил зинҳор мағрур,  
Қилур охир сани ул хору ранжур.

Фалакка майл қилғон юз қаролиқ,  
Фалакдин юз урур охир жудолиқ.

Фалакка майл қилма, эй одамизод,  
Ки бўлғил барча ғусса, ғамдин озод.

Фалакнинг шумидин ақлим паришон,  
Санаб бўлмас киши регу биёбон.

(55)(Ҳ)

#### АЁ ҒОФИЛ

Аё ғофил, Худодин шарм қилғил,  
Ҳамиша тоат ичра сабр қилғил.

Аё ғофил, юурсен ғафлат ичра,  
Ахир ётқайсен ғўрда зулмат ичра.

Аё ғофил, на Одам қолди, на Шис,  
Аё ғофил, на Нуҳ қолди, на Ёфис.

Аё ғофил, бугун қил хайру эҳсон,  
Санга бўлғай қиёмат тафти осон.

Аё ғофил, динингни қил саломат,  
Қилурсен жаннат ичра кўб ҳаловат.

Аё ғофил, бугун қилғил пушаймон,  
Ки жидду шаҳд ила соф айла иймон.

Аё ғофил, бу дунёдин ҳазар қил,  
Ўристон ҳоли аҳлиға назар қил.

Аё ғофил, туну кун айла сожид,  
Ҳамиша яхши ишға айлагил жидд.

Аё ғофил, бу олам туш масаллик,  
Бўлур умринг ахир бир қиш масаллик.

(56)

Аё ғофил, ахир умрунгни қил ёд,  
Бу дунё тарк қилғил, бўлғил озод.

Аё ғофил, бугун келғил ҳушунгга,  
Гўринг оғзин ёпиб келди тушунгга.

Аё ғофил, ибодат тез қилғил,  
Ёмон ишдин тақий парҳез қилғил.

Аё ғофил, йигитлик қилмағай ёуд,  
Кейин қилгон пушаймон қилмағай суд.

Аё ғофил, юрурсен мунда нопок,  
Санингдин яхшидур ҳар хас-хошок.

Аё ғофил. Бу олам бевафодур,  
Агар берсанг кўнгул жонга жафодур.

Аё ғофил, на қолди бунда Яъқуб,  
Аё ғофил, на қолди мунда Айюб.

Қани машҳур маъруф ул Сулаймон,  
Қилибдур марг ани гўр ичра пинҳон.

Аё ғофил, на қолди мунда Довуд,  
Аё ғофил, на қолди мунда Намруд.

\*\*\*

Ғофило, ўткарма умрунг беҳабар,  
Бандалик қил туну кун шому саҳар.

Мен нечук айлай кўнгулни шодлар,  
Қайси бир ғамдин қилай фарёдлар.

### БУ ФАСЛ БАРЧА ЖОН ЭҒАЛАРИНИНГ САФАР ҚИЛИШЛАРИ ҲАҚИДА

Жумла олам оқибат қилғай сафар,  
Бу сафарда бор турур чандон хатар.

Кирмағил бу йўлга жабдуқсиз, ўғул,  
Қил ибодат тез-тез бўлмаёй малул.

Молу фарзандинг ҳама занжири по,  
Келгай андин икки олам юз жафо.

Ҳар киши ғафлатдадур лаънатдадур,  
Ҳар киши ғайратдадур раҳматдадур.

Ҳар киши кўнгида дунё фикридур,  
Дунё бир зебо қиз, аммо букридур.

Очмағил оғзингни моло йаънидин,  
Урма дам ушбу жаҳон бешармдин.

Билки, иймон бирла дунё жамъ эмас,  
Иккисин суфган киши дилжамъ эмас.

Келса дунё ўтру иззат қилмағил,  
Нафсга, дунёга ҳурмат қилмағил.

Ўлумга чора йўқтур, эй биродар,  
Ўлум ваҳмида ҳар жон бўлғай абтар.

Ажал бемориға дору топилмас,  
Ажал гар етмаса оғу қотилмас.

(56)(ҳ)

Ажалнинг дардига йўқтур жожи,  
Агар иссиқ-совуқ бўлсун мизожи.

Ажалнинг лашкари келса кишига,  
Қарамайдур кишининг ҳар ишига.

Бу лашкардин қутулмас шоҳу гадолар,  
Бу лашкарга гадову шоҳ баробар.

Бу лашкар келса ёнмас олмағунча,  
Ҳама жон чора тобмас бормағунча.

Келиб тан мулкиға тушгай бу лашкар,  
Олиб жонни қилурлар танни абтар.

Киши йўқтур бу дам қилғай ҳимоят,  
Магар қилғай худо ул дам иноят.

Келиб тушса бу лашкар жон бўлур танг,  
Қилолмас бўлса гар юз минг чирик жанг.

Киши йўқтур ўшал соатда чандон,  
Қилур бечораликда оҳу афғон.

Вафо келмас ўшал соат кишидин,  
Бўлур маҳрум ҳама қилғон ишидин.

(57)

Ҳама шоҳу гадо бечораликда,  
Етур, жон тортишур овораликда.



## АЁ ҒОФИЛ

Аё ғофил, йироқ бўл мосиводин,  
Фаромуш бўлмағил бир дам Худодин.

Аё ғофил, замон андеша қилғил,  
Тозарруъу хушуъни пеша қилғил.

Аё ғофил, ўзунгни эҳтиёт эт,  
Юракни-ю бағирни ҳам кабоб эт.

Аё ғофил, бугун қил яхши аъмол,  
Кечур маҳшар кунида яхши аҳвол.

Аё ғофил, бугунни бил фанимат,  
Қилурсен оқибат тонгла надомат.

Аё ғофил, кўнгул уз бу жаҳондин,  
Гўрингни холи қил мору чаёндин.

Аё ғофил, кўнгул дунёдин узгил,  
Дину миллатда ўзни яхши тузгил.

Аё ғофил, ўзунгни қилғил одам,  
Сенга раҳмат қилур Тангри дамодам.

Аё ғофил, гунаҳ айларса пинҳон,  
Бўлур маҳшар куни халқ ичра аён.

Аё ғофил, жаҳонга бўлма оғуш,  
Худодин ўзгани қилғил фаромуш.

Аё ғофил, на қолди мунда Ҳорун,  
Аё ғофил, на қолди мунда Қорун.

Аё ғофил, на қолди мунда Мусо,  
Аё ғофил, на қолди мунда Исо.

Аё ғофил, на қолди мунда Идрис,  
Аё ғофил, на қолди мунда Жиржис.

Аё ғофил, на Иброҳим қолибдур,  
Аё ғофил, на Исмоил қолибдур.

Аё ғофил, на Солиҳ мунда қолди,  
Аё ғофил, на Юнус мунда қолди.

Аё ғофил, вафо йўқтур жаҳонда,  
Ани тарк айлагил бўлғил омонда.

\*\*\*

Ғофило, умр ўтти доим беҳабар,  
Эмди ғофил бўлмағил шому саҳар.

Мен нечук айлай кўнгулни шодлар,  
Қайси бир ғамдин қилай фарёдлар.

**ПИРИ КОМИЛ БАЁНИДА**

Пир бўлмоқ кўб ёшанмоқдин эмас,  
Пир бўлмоқ соч оқармоқдин эмас.

Пир бўлғай воқифи асрордин,  
Пир бўлғай воқиф ҳар ағёрдин.

(57)(ҳ)

Пирлиқ сочу соқоликдин эмас,  
Пир бўлмоқ оқсоқоликдин эмас.

Пир бўлғай кўнгли анинг оқу пок,  
Пир бўлғай хавфноку сийна чок.

Пир сайри жаҳонликдин эмас,  
Пирлик ному нишонликдин эмас.

Пир бўлғай туну кун андешада,  
Пир бўлғай ғам ила бир ғўшада.

Пирлиқ яхши-ёмонликдин эмас,  
Пирлиқ пиру жувонликдин эмас.

Пир бўлғай шаръида собитқадам,  
Пир бўлғай урмағай дунёға дам.

Пир бўлмоқ ҳусни раънодин эмас,  
Пир бўлмоқ қад тавонодин эмас.

Пир бўлғай бўлмағай ғамдин халос,  
Пир бўлғай кетмағай ҳастлик либос.

Пир бўлмоқ фотиҳахонликдин эмас,  
Пир бўлмоқ шодмонликдин эмас.

(58)

Пир беором бўлғай беқарор,  
Пир бўлғай ҳар замон пардагузор.

Пир бўлмоқ ақлу донишдин эмас,  
Пир бўлмоқ илму донишдин эмас.

Пир бўлғай мосиволлоҳдин йироқ,  
Пир бўлғай ғайри Аллоҳдин йироқ.

Пирлиғ ширин забонлиғдин эмас,  
Пирлиғ пайдо-ниҳонлиғдин эмас.

Пир бўлғай ҳар замон мотам аро,  
Пир бўлғай нафси бирла можаро.

Пир бўлмоқ ваъзонлиқдин эмас,  
Пир бўлмоқ таҳтдонлиқдин эмас.

Пир бўлғай вокифи Арши ѓуло,  
Пир бўлғай воқифи таҳт ас-саро.

Пир бўлмоқ подшоҳлиқдин эмас,  
Пир бўлмоғлиқ гадолиқдин эмас.

Пир бўлғай туну кун қилғай сужуд,  
Пир бўлғай бўлғай ул маҳви вужуд.

Пир бўлмоқ хурдадонлиқдин эмас,  
Пир бўлмоқ қилса донлиқдин эмас.

Пир бўлғай софдил хуршиддек,  
Пир бўлғай жоми ул жамшиддек.

Пир бўлмоқ яхши хилъатдин эмас,  
Пир бўлмоқ унсу улфатдин эмас.

Пир бўлғай барча исёндин йироқ,  
Пир бўлғай барча даврондин йироқ.  
Пирлиқ жисми ариқлиқдин эмас,  
Пирлиқ ранги шарифлиқдин эмас.

Пир бўлғай бўлғай ул носир ба халқ,  
Пир бўлғай бўлғай ул ҳозир ба Ҳақ.

Пирлиғ бозуйи қувватдин эмас,  
Пирлиғ эъвозу ҳурматдин эмас.

Пир бўлмоқ табъи аълодин эмас,  
Пир бўлмоқ қадди зебодин эмас.

Пир бўлғай бўлмағай гарду ғубор,  
Пир бўлғай эиндадилу ҳушёр.

Аё ғофил, йироқ бўл мосиводин,  
Фаромуш бўлмағил ҳар дам Худодин.

Аё ғофил, тилим қил ажзу тақсир,  
Анинг қаҳрига йўқтур ҳеч тадбир.

Аё ғофил, вафо йўқтур жаҳонда,  
Ани тарк айлагил, бўлғил омонда.

Аё ғофил, қилурсен фисқу исён,  
Қилурсен би-л-ахир чандин пушаймон.

Аё ғофил, замоне бўлма ғофил,  
Кўнгул дунёга бермоқ ҳарна ботил.

Қани Нуҳу Сулаймони Сикандар,  
Қани Жамшиди хоқон шоҳи анвар.

Аё ғофил, қўпуб қилғил ибодат,  
Худо қилғай санга лутфу иноят.

Аё ғофил, Худо амрини қил тез,  
Ёмон ишлардин ўзни айла парҳез.

Аё ғофил, бу дунё бир нажосат,  
Нажосатдин ўзунгни қил саломат.

Аё ғофил, динингни қилғил обод,  
Туну кун ичра қилғил қўб муножот.

Аё ғофил, вафо қилмас жигарбанд,  
Ки исёнга сабабдур молу фарзанд.

Аё ғофил, ўзунгни айлагил пок,  
Савоб ишларга бўлғил чусту чолок.

Аё ғофил, ўзунг қилма залолат,  
Бировларни тақи қилма далолат.

Аё ғофил, юурсан мисли ҳайвон,  
Ётарсан ул қоронғу гўрда чандон.

Аё ғофил, бу олам донаву дом,  
Ки саъйу кўшишингдур барчаси хом.

Қани Ковус, қани Хусрав, Фаридун,  
Қани Нуширвон, Хотам, Фалотун.

\* \* \*

Ғофило, умр ўтти доим беҳабар,  
 Қилди ибодат туну кун шому саҳар.  
 Мен нечук айлай кўнгулни шодлар,  
 Қайси бир ғамдин қилай фарёдлар.

### НАФСИ КАБИР ВА САҒИР БАЁНИДА

(59)(ҳ)

Эй биродар, нафс бир аждар турур,  
 Аждари асғар эмас, акбар турур.  
 Ушбу аждардин давом ул ваҳмнок,  
 Қилғай ул вақтни топиб бир кун ҳалок.  
 Аждари айёру ҳам маккордур,  
 Ниши заҳролуди ҳам тайёрдур.  
 Гоҳ бедор, гоҳ хоболуд эрур,  
 Гоҳ марҳам, гоҳ заҳролуд эрур.  
 Бўлмағил ҳар соат ичра беҳабар,  
 Беҳабар бўлсанг санга солғай заҳар.  
 Кўрсатур гоҳи ўзини хўфтавор,  
 Кўрсатур гоҳи ўзини мурдавор.  
 Муддатидин ҳар замон огоҳ бўл,  
 Муддатидин қатл қилғил, шоҳ бўл.  
 Туну кун бу йўлда бўлғил ваҳмнок,  
 Ишқ паҳлавони бўл, қилғил ҳалок.  
 Беҳабар бўл, борма аждарҳо сари,  
 Сарнигун солғай сани таҳт ас-сари.  
 Туну кун қасдингдадур ул аждарҳо,  
 Бўлма ғофил субҳу шом, чашту зуҳо.

(60)

Эй ўғул, аждарни қил албатта банд,  
 Берма гўшту ёғу шўрбо бирла қанд.  
 Сен фирифта бўлмағил, эй хом реш,  
 Оқибат урғай санга вақтида тиш.  
 Ушбу аждардин ҳазар қил ёзу қиш,  
 Чарбу ширин бирла қилма парвариш.  
 Аждар ўлтурмай киши бўлмас киши,  
 Тобмағай равнақ анинг қилғон иши.

Ул сани мойил қилур мурдорға,  
Оқибат ҳалқингдин осғай дорға.  
Шоҳимардон бўлу қил аждарни қатл,  
Шери Яздон бўлу қил аждарни қатл.  
Мову ман тарк айла бор аждар сари.  
Қатл қил аждарни ўтандин нари.  
Аждар ўлмас ҳар киши бўлғон билан,  
Бўлмағай одам боши бўлғон билан.  
Аждар ўлтурмакни, бил, осон эмас,  
Аждар ўлтурмай киши инсон эмас.  
Анбиёву авлиё қилғон ҳалок,  
Бўдилар андин кейин мардони пок.  
Аждаринг қатл айла бўл мардони мард,  
Чусту чобук бўлғил, эй посвон мард.  
Қатл қил аждарни-ю бўлғил омон,  
Бўлғасен Исо сари андин равон.  
Қатл қилса ҳар киши аждарни бас,  
Бўлғусидур гўйиё Исо нафас.  
Аждар ўлтурса киши Исо бўлур,  
Икки олам халқ аро якто бўлур.  
Бўлмағил аждар сифат Қорун дағо,  
Мусодек Қорунни сол таҳт ас-саро.  
Бўлма ғофил ушбу дардидин давом,  
Аждарингни қатл қил, эй хосу омм.

### АЁ ҒОФИЛ

Аё ғофил, ўзунгни айла хомуш,  
Жаҳон савдосини қилғил фаромуш.  
Аё ғофил, на қолди мунда Шамъун,  
Аё ғофил, на қолди мунда Фиръавн.  
Қани Юсуф каби силин баданлар,  
Ётур гўр ичра ул зулмат ватанлар.  
Аё ғофил, на қолди мунда Шаддод,  
Жаҳонда қилган эрди боғ бунёд.

(60)(х)

Аё ғофил, булардин фаҳм қилғил,  
Кеча-кундуз ўлумдин ваҳм қилғил.

Аё ғофил, жаҳонда қилма ишрат,  
Ҳамиша рост қилғил дину миллат.

Аё ғофил, жаҳонга бўлма оғуш,  
Худодин ўзгани айла фаромуш.

Умид қилсанг Худодин, эй хирадманд,  
Бу олам лаззатиға бўлма хурсанд.

Аё ғофил, бу олам бевафодур,  
Кўнгилға юз туман жавру жафодур.

Аё ғофил, давом соф айла иймон,  
Ахир бир кун қилурсен кўб пушаймон.

Аё ғофил, бу умрунг қилмағай суд,  
Ажал етса пушаймон қилмағай суд.

\* \* \*

Ғофило, умр ўтти доим беҳабар,  
Қил ҳалок нафсингни шому саҳар.

Мен нечук айлай кўнгулни шодлар,  
Қайси бир ғамдин қилай фарёдлар.

### ҚАБР АҲВОЛИ БАЁНИДА

(61)

Энди айтай гўрдаги аҳволни,  
Ташлангиз фарзанд ила ҳам молни.

Гўр азобига сабаб фарзанди, мол,  
Ғар булар йўқ бўлса йўқ фисқу залол.

Ол қўйуб ёнса кирар икки малак,  
Ҳайбатидин титрагай тўққуз фалак.  
Аввало, сўрғайки, сен кимнинг қули,  
Не жавоб бергайсан, эй ноннинг қули?

Аввало сўрғайки, ман раббук дебон,  
Бўлмағайлар ҳеч ким андин омон.

Эй биродар, бермасанг яхши жавоб,  
Қилғай Мункар Накир чандон азоб.

Бўлса бу оламда ҳар ким бемалол,  
Гўр қоронғу тор бўлғай ул маҳал.

Бўлса кўб фарзанд ё моли жаҳон,  
Гўриға бўлғай ани мору чаён.

Очилур гўриға дўзахдин шигоф,  
Ушбу ҳолат тан харобу дил кабоб.

Қилмағай ҳаргиз пушаймон манфаат,  
Ҳеч нима қилмас ўшал кун марҳамат.

Оҳ найлай Ҳақ иноят қилмаса,  
Ҳеч ким ул дам ҳимоят қилмаса.

Ҳар кишини кўнгли тангдур гўри танг,  
Ҳар кишининг кўнгли кенгдур гўри кенг.

Ҳар кишиким, пок гўр хушбўй бўлур,  
Ҳар кишиким, нопок гўр бадбўй бўлур.

Ушбу ишга барча одам беилож,  
Ақл бўлса санда қилғил бир илож.

Манфаат қилмас кишиға бу жаҳон,  
Ақл бўлса бўлғасен бехонумон.

Гўр чироғи яхши аъмолинг дурур,  
Шод бўлмоқ яхши аҳволинг дурур.

Беҳабар ўткарма умр, эй одамий,  
Бандалик қилғил Худога ҳар дами.

Ишқдин ҳар кимда бўлса дағдаға,  
Ҳақ анга бисёр қилғай гулғула.

Бўлмағай ошиқда ҳаргиз мову ман,  
Бўлмағай ошиқ эса ҳубб ул-ватан.

Кимки ошиқ бўлса ул мажнун бўлур,  
Оҳу афғони анинг пўрхун бўлур.

Кўрса ошиқни киши қилмас гумон,  
Кимки ошиқ бўлса ул бўлғай ниҳон.

Кимки ошиқ халқ аро бўлғай ҳақир,  
Суврати ошиқ бўлур гўё басир.

Кечмаса нафсидин ул ошиқ эмас,  
Ул кишининг маъшуқи ошиқ эмас.

(61 ҳ)

Бўлғай ошиқ гўйиё парвонавор,  
Ҳастлик тарк айлағай мардонавор.



(62)

Хонумон тарк айла, булни хору зор,  
Мовуман тарк айла кўр дийдори ёр.

Ошиқ санг нафсни хомуш қил,  
Мосиво тарк айла, майни нўш қил.

Қилмағил ҳар кимни кўрсанг эътироз,  
Бўлғил ул Маҳмудға гўё Аёз.

Ошиқ эрсанг солма кўз бегонага,  
Мунтазир бўл ҳар замон жононага.

Ошиқ эрсанг, эй ўғул, бо ришта бўл,  
Маъшуқинг фармонлагон бир ишда бўл.

Ғайрни сен зикр қилма, эй ўғул,  
Даъвийи ошиқлигинг бўлмас қабул.

Ошиқ ўлсанг бўл яна бир даступо,  
Бўл риёзат ичра доим ҳақогу қоҳ,

Кўру кар бўл бу жаҳон, Эй Ҳақталаб,  
Бу насиҳат Ҳақталабларга адаб.

Сен умид қилсанг агар эҳсонидин,  
Зоҳиру ботинни яксон айлагин.

Ошиқ эрсанг суйма бир пуллик нима,  
Тутса дўст бир пулни ул ошиқ дема.

Қилмағил кўнглунг аро фосид хаёл,  
Кимки қилса ул қилур фисқу залол.

Ҳар кўнғил бўлса Худо қилмас назар,  
Мосиво йўқ бўлса Ҳақ қилғай назар.

Пок қил кўнгулни дунё чиркидин,  
Чок қил кўксингни бўлғил шамси дин.

Қилмағил сиррингни ҳаргиз ошкор,  
Сабр қилғил шукр ила лайлу наҳор.

Қилса ҳар ким бу амал маҳрам бўлур,  
Қилмаса ҳар кимки номаҳрам бўлур.

Ёди Ҳақ ошиқға ҳар доим ғизо,  
Заъф бемориға ҳам бўлғай даво.

Ёди Ҳақға ҳар киши бўлғай ёвуқ,  
Хоҳ иссиғ бўлсун, хоҳи совуқ.

Ишқсизлар гўйиё нури Қамар,  
Ҳар кишида ишқ йўқ ул гову хар.

Эй биродар, ишқни қилғил талаб,  
Ишқлиғ гавҳардур, ишқсизлар садаф.  
Банда бўлсанг бандалиғ қилғил тамом,  
Оқ бирла йиғлабон ҳар субҳу шом.  
Толибо, ўткарма умрунг беҳабар,  
Нолаву афғон қил шому саҳар.  
Ман нечук айлай кўнгилни шодлар,  
Қайси бир ғамдин қилай фарёдлар.

### НЕКУ БАД (ЯХШИ ВА ЁМОН) ҲАҚИДА

Яхши гар ҳар кунда қилса яхшилиқ,  
Кўрмагай ул яхши ҳаргиз яхшилиқ.  
Ҳирси ғолибдин киши гар яхшидур,  
Бўлса яхши бенамоз ит яхшидур.  
Ҳар кишида ҳирс гар ғолиб дурур,  
Ҳирс ғолиб бўлса ул маҳрум қолур.  
Чашми ҳирс тўлмас жаҳонни молиға,  
Қурсоқи тўлмас жаҳонни молиға.  
Ҳар кишини ҳирси бор бўлғай оруқ,  
Оқибат жаннатдин ул қолғай қуруқ.  
Ул кишида ҳирс бор иймони йўқ,  
Ул кишида нафс бор исломи йўқ.  
Ҳирси ғолиб оқибат Қорун бўлур,  
Ҳирсини тарк этса ул Ҳорун бўлур.  
Англағил, эй яхши, гоҳи гоҳни,  
Туну кун қил нола бирла оҳни.  
Эй биродар, англағил явм ун-нушур,  
Зинда бўлғай ул куни аҳли қубур.  
Ҳар киши ўз ҳолиға қолғай боқиб,  
Ҳар кишиға бўлмағай раҳмат насиб.  
Баъзилар юргай Буроқ устун миниб,  
Баъзилар ул кун мурдек бўлғай наҳиф.  
Баъзиларни суврати табдил бўлур,  
Баъзилар бўйнида ғилл ус-бахил бўлур.

(62 ҳ)

(63)

Баъзи одамда Муҳаммад тамғаси,  
Баъзиларда бор Абу Жаҳл тамғаси.

Шукр қил неъматга ё етса қазо,  
Мустафову ҳам Худо бўлғай ризо.

Мустафову Тангрига кўб шукр қил,  
Ҳар ибодатда буларни зикр қил.

Сен йигитликка ишонма, эй ўғул,  
Қил Худову Мустафо амрин қабул.

Ҳар кишиким, амрини қилғай давом,  
Оқибат дўзах анга бўлғай ҳаром.

Ҳар киши амрига хушнуддур ризо,  
Ул кишидин Мустафову ҳам Худо.

Кўб еганлар ҳар замон ғафлатдадур,  
Ҳар киши ғафлатдадур лаънатдадур.

Семирса ҳар кимки тоатдин қолур,  
Қолса тоатдинки, раҳматдин қолур.

Ўлтуруб кўрмоқ анга бўлғай харож,  
Ким семурса кўб кўрар бисёр ранж.

Эй биродар, туну кун ҳимматда бўл,  
Бандалик бисёр қил, фаҳмида бўл.

Бандалик бисёр қил, қилма ҳисоб,  
Ким ҳисоб этса кўрар ранжу азоб.

Бўлмағайсан саждадин ҳаргиз малул,  
Танда жон борича қилғайсен қабул.

Саждалиғларнинг дуоси мустажоб,  
Саждага ор айлаган бўлғай хароб.

Эй ўғул, қулли ибодатдур намоз,  
Кейнидин бисёр қил сўзу гудоз.

Бўлса ҳар турлур намоз мақбули Ҳақ,  
Бошига раҳмат сочар чандон табақ.

Саждага бош қўйган ол бўлдилар,  
Саждага бош қўймади Иблис хар.

Ҳар кишиким, саждалиғ мақбули Ҳақ,  
Ҳар кишиким, саждасизлардуди Ҳақ.

\* \* \*

Ғофило, умр ўтти доим беҳабар,  
Эмди келғил ҳушиға шому саҳар.

Ман нечук айлай кўнгилни шодлар,  
Қайси бир ғамдин қилай фарёдлар.

### БУ ФАСЛ БАРЧА НАРСАНИ ЎЗИДАН ЯХШИРОҚ ДЕБ БИЛИШ БАЁНИДА

Ҳар нима оламда пайдо қилди Ҳақ,  
Тутмағил душман ани, бўл марди Ҳақ.

Сен на билгайсенки, қайси жаннатий,  
Сен на билгайсенки, они дўзахий.

Йўқ турур оламда бемаъни нима,  
Ҳар нима бор бўлса не маъни дема.

Ҳар дарахте бўлса тару сабзор,  
Ёки бўлса бесалар ё ҳушгвор.

Мевасиз бўлса табар чандон тегар,  
Хушгвори ўтда обдон ёнар.

Ҳар сувни кўрсанг дегил обиҳаёт,  
Бўлмаса сув жондан жондор бўлғай мамот.

(63 ҳ)

Боғбон ўндурса боғда ҳар нима,  
Сен ани зинҳор беҳуда дема.

Ҳар нима оламда Ҳақ қилди бино,  
Бадгумонлиқ қилмағил ҳаргиз анго.

Бу жаҳонда ҳар нима пайдо бўлур,  
Оқибат ул нарса нопаддо бўлур.

Ғар чаманда барча гул собит бўлур,  
Оқибат ул барча гул нобуд бўлур.

Бу чаманнинг гуллари бўлғай хазон,  
Булбули пўридадек қилғил фиғон.

Мажнуну Фарҳод ошиқ оми хом,  
Етмади мақсадға қолди нотамом.

Мақсади Мажнунни ҳосил бўлмади,  
Устури Лайлиға восил бўлмади.

Бўлса одам гўйиё хуршиду моҳ,  
Бермағил зинҳор кўнглунгни анго.

(64)

Ҳусни раъноға кўнгул бермак ҳаром,  
Жон қулоғинг ичра тут, эй хосу омм.

Бўлса гар гулшан аро хушранг гул,  
Ул хавон бўлса кўнгул бўлғай малул.

Бўлса бу оламда бир раъно жамол,  
Бермағил кўнглунгни ул бўлғай завол.

Ҳар нима ушбу жаҳон ҳадисдур,  
Тангрини билмакка ул боисдур.

Фонийдин кўнглунгни уз, эй хом хатл,  
Боқийға кўнглунгни бер, бўлғил висол.

Боқийға берган кўнгул Арши ъуло,  
Фонийға берган кўнгул таҳт ас-саро.

Фонийға ҳар ким агар мағрурдур,  
Ақли йўқтур ул киши ранжурдур.

Фонийға берган кўнгулдур мурдадил,  
Боқийға берган кўнгулдур зиндадил.

Ҳар кишиким, мурдадил аҳмоқ бўлур,  
Барча қилғон феъли беравнақ бўлур.

Бўлса ҳар жоники, ул овоз этар,  
Бевафо оламдин ул оғоз этар.

Қилмағил кўнглунгда ҳар турлук хатл,  
Ҳақдин ўзга ҳар хаёл фисқу залол.

Ақл бўлса англағил, эй хосу омм,  
Бўлма Ҳақдин ўзгаға ҳаргиз ғулом.

Ким дурур дунёда Раҳмонни қули,  
Мингда бирдин ўзгаси нонни қули.

Эй биродар, бўлмағил муҳтожи халқ,  
Бандаи Ҳақсенки, бўл муҳтожи Ҳақ.

Кимки қилса Ҳақни кўнглидин йироқ,  
Бўлғусидур увлаши Ҳақдин йироқ.

Билмаса ҳар кимки Тангри неъматин,  
Ёғдурур бошиға тун-кун лаънатин.

Ҳар киши гар қилса лўъбат ихтиёр,  
Гўйиё қилмишдур лаънат ихтиёр.

Наҳй қилди лаъбу лаҳвини Худо,  
Кимки қилса бандан нафсу ҳаво.

Бандасен, бўлғил Худонинг ёдида,  
Бўлмағил нафсу ҳаво фармонида.

Кимки қилса амрини содиқ дурур,  
Кимки қилса наҳйини фосиқ дурур.

Наҳйидин қоч, амриға бўлғил сукут,  
Ҳақдин ўзга йўқту Ҳаййун ло йамут.

Бўлса ҳар кимда ҳавову ё ҳавас,  
Икки олам ичра ул одам эмас.

Ҳар кишида бўлса гар нафсу ҳаво,  
Бўлмағай ҳаргиз жаҳаннамдин жудо.

Ким ҳавову нафсдин юз омурмас,  
Ул кишининг Тангриси бандам демас.

(64 ҳ)

Ҳар нима гар нафс қилса орзу,  
Тез қилғайсен ўшал ҳолат вузув.

Оқил эрсанг нафсдин бўлғил йироқ,  
Ошиқ эрсанг мосиво қилғил талоқ.

Ҳар нима оламда пайдо қилди Ҳақ,  
Қилма ҳаргиз ақроз, бўл марди Ҳақ.

Ҳақ таъоло икки уй қилди бино,  
Ҷин била одамда пўр қилғай анго.

Ўзга душман қилма ҳар ким бўлсалар,  
Ол золиқники, ҳар ким бўлсалар.

Шод қилғил бўлса ҳар қандоғ киши,  
Қилма таарруз бўлса ҳар қандоғ иши.

Билмағайсен кимга Ҳақ раҳмат қилур,  
Билмағайсен кимға Ҳақ лаънат қилур.

Ҳар киши умрида Ҳақни ёд этар,  
Лутфи Ҳақ гар бўлса иймони битар.

Ҳар киши умрида кўб исён қилур,  
Лутфи раҳматни анга эҳсон қилур.

(65)

Бўлса гар юз йил кишиким бутпараст,  
Қилғай они бир нафасда Ҳақпараст.

Ким билур мардуд ким, мақбул ким,  
Ким билур маълум ким, мажҳул ким.

Яхши иш кўб қилса жаннатлиғ дема,  
Қилса кўб исён жаҳаннамлиғ дема.

Ўзгани қўй, ўзни билғил, йўлга кир,  
Ўзни хўб билғон киши бўлғай амир.

Банда бўл, тун-кунда қил Ҳақ амрини,  
Қилмағил зинҳор ноҳақ амрини.

Мурдавор бўл Тангрининг фармонида,  
Бўл мушарраф Тангрининг эҳсонига.

Англағил кимки бўлса Худпараст,  
Яхшироқдур ул кишидин бутпараст.

Эй ўғул, Ҳақ амрини қилғил қабул,  
Завқ ила қилғил ани бўлма малул.

Эй ўғул, қил мову манликни шикаст,  
Барчалардин айлағайсен ўзни паст.

Гофило, умр ўтти доим беҳабар,  
Мову манлик қилмағил шому саҳар.

Ман нечун айлай кўнгилни шодлар,  
Қайси бир ғамдин қилай фарёдлар.

### ҲАСТЛИК, ҚОЗИ ВА МУФТИЙЛАР БАЁНИДА

(65 ҳ)

Шукрлар қил илм берган Тангриға,  
Зикрлар қил ҳар на берган Тангриға.

Касб бил ҳар феъл олам ичрадур,  
Кошф қил ҳар феъл олам ичрадур.

Илму аъмол барчаси кабу камол,  
Ким ишонса касбеға тобқай амал,

Ҳар кишиким, қилса ҳар турлук амал,  
Ул амалдин шод бўлса шул маҳал.

Ул амал бирла урарлар бошиға,  
Келмағай ҳар гиз фаришта қошиға.

Қил Худо амрини туну кун, қишу ёз,  
Кейиндин бисёр қил сўзу гуроз.

(66 б)

Банда бўлсанг ажз ила тақсир қил,  
Охирингни яхши хўб тақфир қил.

Ҳар кишида бўлса гар андак хирад,  
Қилмагай ҳар гиз биродарлардин ҳасад.

Ҳар кишида бўлса андак ақл ва ҳуш,  
Бўлмагай умрида ҳар гиз худ фуруш.

Ҳар киши бўлса яхши фаҳмик,  
Бўлғай ул тун кунда доим ваҳмик.

Ҳар кишиким англаса ваъдау ваъид,  
Қилмагай ҳаргиз бу оламдин умид.

Ҳар кишиким Тангридин хушнуд эмас,  
Ул кишидин Тангри ҳам хушнуд эмас.

Ҳар кишининг Тангриға ихлоси бор,  
Ул кишиға Тангрини эҳсони бор.

Ҳар кишини гар ҳаёу шарми бор,  
Ул кишини бегумон иймони бор.

Ҳар кишиким Тангриға ошиқ дурур,  
Ул кишиға Тангри ҳам ошиқ дурур.

Ҳар кишининг сидқи гар ғолиб дурур,  
Ул кишиға Тангриси толиб дурур.

Ҳар киши кўб зикр қилса Тангрини,  
Тангри ҳам кўб зикрлар қилғай они.

Ҳар киши Ҳақға таваккул ичрадур,  
Оқибат жаннатда ул гул ичрадур.

Ҳар кишида бўлса андак дарду сўз,  
Ишқни рамзидин ул олмиш румуз.

Ҳар кишини оҳ ила офқони бор,  
Ул кишиға Тангри лутф эҳсони бор.

Ҳар киши уэса дунёдин умид,  
Бўлғай ул андин кейин абди Рашид.

Ҳар киши Ҳақ амридин олса лазиз,  
Бўлғусидир халқ аро абди Азиз.

Ҳар кишиға ҳар куни рўзи аласт,  
Хоҳ бало бўлсун ул хоҳи паст.

Ҳар кишиким ҳар замон огоҳдур,  
Икки олам халқ аро ул шоҳдур.



Ҳар киши аластдин гар беҳабар,  
Икки олам ранж ҳам етгай зарар.

Ҳар кишида ҳастдин андак губор,  
Кўрмагай ул оқибат дийдори ёр.

Одам эрсанг бер аластга жавоб,  
Етмагай ҳар гиз санга андак азоб.

Тангри айғой бандаға ҳар дам аласт,  
Бебаҳраларни Худо бандам демас.

Эй биродар, ҳар замон ҳушёр бўл,  
Субҳу шому туну кун бедор бўл.

Эй биродар, бўлмағил ҳар дам омон,  
Бўлмагай гофил Худодин ҳар замон.

Эй биродар, қил ўзинга ихтисоб,  
Ҳар замон берғил аластуга жавоб.

Кибрдин ҳар кимда бўлса донача,  
Бўлмагай ҳаргиз киши мардонача.

(66ҳ)

Пурбаҳо йўқтур билинг дурдонадек,  
Ҳеч ошиқ йўқтурур парвонадек.

Кибрлик заъфиға йўқ ҳаргиз даво,  
Кибрликка қилмагай раҳмат Худо.

Ҳар кишиким кибрлик мардуддур,  
Гўйиё Фиръавн ила Намруддур.

Ҳар кишида яхши сўз яхши хўй,  
Бўлса андин кетмас ҳаргиз обрўй.

Ҳар киши бадбахтдур, бадхўй ўлур,  
Ҳар киши бадфеълдур бадбўй ўлур.

Ҳар кишида бўлса гар андак сафо,  
Оқибат иймон анга қилғай вафо.

Қилмағил ҳар ишга ҳаргиз изтироб,  
Изтироб шайтонийдур бўлғай хароб.

Эй биродар, сабрлик бўлғил давом,  
Мақсадинг ҳам оқибат бўлғай тамом.

Ҳар кишида Ҳақ амриға мойил бўлур,  
Ҳақ ани мақсудини ҳосил қилур.

(67 б)

Қилмағил Ҳақ амриға ҳаргиз хилоф,  
Кўрмағил Маҳшарда ҳам ҳаргиз азоб.

Эй биродар, пеша қилғил ҳилмни,  
Туну кун андеша қилғил илмни.  
Илмсиз Ҳақни тонуб бўлмас киши,  
Илмсиз бир боддур қилғон иши.  
Ҳақ талабга илм билмоқ фарздур,  
Илмларда ушбу илмий фарздур.  
Билса ҳар ким илмидин юз минг луғат,  
Билмаса ўзини йўл қилғай ғалат.  
Ўзга илмий дунёни ҳосил қилур,  
Оқибат нафс амрига мойил қилур.  
Илмиким дунёга ул мойил қилур,  
Дев ва Иблис нафсига восил қилур.  
Ғофило, умр ўтти доим беҳабар,  
Бандалик қил Тангрига шому саҳар.  
Ман нечук айлай кўнгилни шодлар,  
Қайси бир ғамдин қилай фарёдлар.

### ИЛМИ ЛАДУН БАЁНИДА

Эй биродар, қил талаб илми ладун,  
Ўзга илмий оқибат бўлғай забун.  
Аввало илм истагил эй Ҳақ талаб,  
Илмсиз ҳар Ҳақ талабдур бе адаб.  
Ҳақни билмоқ илм илме хосдур,  
Мундин ўзга барчаси восвосдур.  
Илмни ҳосил қил аммо тут пинҳон,  
Тобмасун ҳарғиз киши ном нишон.  
Мундин ўзга барча илмийдур ҳунар,  
Касбдур ул илме, дунёлиғ ўнар.  
Ҳар кишиким умридин бўлса малул,  
Қилмас ул Ҳақ амрини ҳарғиз қабул.  
Билса Ҳақни ҳар киши доим яқин,  
Ул киши ҳам Тангрига бўлғай яқин.  
Тутса ҳар ким ўзини Ҳақдин йироқ,  
Ул кишидин Тангри ҳам бўлғай йироқ.

Аҳли оқил бу жаҳон ғамгин бўлур,  
Бевафоларга қачон таскин бўлур.

Эй ўғул, дев бирла бўлма ҳамнишин,  
Кимки бўлса ҳамнишин бўлмас эмин.

Оқибат ул дев сани қилгай ҳалок,  
Ақл бўлса девдин бўл ваҳмнок.

Ҳар ёмон иш бўлса девни феълидур,  
Ҳам ёмон андиша девни қулидур.

(67 ҳ)

Омилар кўнглида бир дев бордур,  
Дом мақру ҳийласи бисёрдур.

Оми ул девдин қачон бўлгай халос,  
Қатл қилғил девни, бўл хос ичра хос.

Девни ўлтурмас киши бўлмас киши,  
Тобмагай равнақ ани қилғон иши.

Эр керак бўлгай бу кун дев бирла жанг,  
Токи андин олгай ул илкиға чанг.

Паҳлавон бул девни қатл айла мард,  
Бўлгайсен олам аро мардону мард.

Бандаи Ҳақ девни ўлтурган киши,  
Душман ул дев бирла ўлтурган киши.

Бу жаҳон ул девға меҳмонхонадур,  
Аҳли доноға пушаймон хонадур.

Бу жаҳондин эй ўғул безор бўл,  
Ҳар нафсда Тангридин ҳушёр бўл.

Эй биродар, қилма ғафлат ихтиёр,  
Ҳар киши ғафлатда охир шармисор.

(68 б)

Ҳар кишиким бу жаҳон ғафлатдудур,  
Оқибат икки жаҳон лаънатдадур.

Эй биродар, туну кун бедор бўл,  
Ақл бўлса, ошиқ дийдор бўл.

Қилмағил ҳар соатеда ному нанг,  
Қил ўзунгни ҳар замон хок ила тенг.

Кўр ўзунгни барча махлуқдин забун,  
Ақлу дониш тарк қил, бўлғил жунун.

Эй ўғул, бўл маа саваллоҳдин йироқ,  
Барча тоатларда будур яхшироқ.

Мосиваллоҳдин кўнгил узмай киши,  
Оқибат барбод ҳар қилгон иши.  
Икки оламда Худо боқий дурур,  
Ҳақдан ўзга барчаси фоний дурур.  
Қилағил Ҳақдин бўлақдин орзу,  
Оқибат бўлғунгдур охир “Афризу”.  
Ҳар талаб бўлса, Худодин қил талаб,  
Ўзгадин қилсанг талаб, бўлғай ғазаб.  
Бўлса ҳар ким маа саваллоҳдин жудо,  
Ҳақ ани қилғай ўшал дам авлиё.  
Эй ўғул, қил ҳар замон иймон жадид,  
Ҳам жило кўнглунг аро бўлғай навид.  
Сайқали дилдурки иймон тозаси,  
Буюрди бу сўзни ҳикмат қозиси.  
Ул кишида бўлғай иймон қўҳнавор,  
Ҳар нафсда этмаса ул мардавор.  
Ҳар нафсда ҳар киши ёд айламас,  
Ул кишини Тангриси шод айламас.  
Ҳар кишиким ростдур Ҳақга яқин,  
Кимики каждур бўлмағай хавфдин эмин.  
Ростни ҳар дам дуоси мустажоб,  
Кимики каждур ҳар замон кўргай азоб.  
Ҳақ талабда бўлса бир ё икки пул,  
Тангриға бўлмас муножоти қабул.  
Ҳар кишида бўлса дунё иллоти,  
Бошиға ёғқой Худони лаънати.  
Бўлмаса ҳар кимда дунё иллоти,  
Дам-бадам бўлғай Худонинг раҳмати.  
Бўлмаса ҳар кимки Тангри бирла рост,  
Гусса бирла ғамдин ул бўлмас халос.  
Ҳар кишиким қилса кўб шукр ва сано,  
Кўнглида пайдо бўлур сидқу сафо.  
Туну кун кўб шукр қилғил Тангриға,  
Шукрини кўб ёна қил ул Хожаға.  
Хожаи кавнайн Муҳаммад Мустафо,  
Ҳақдин ўзга барчаға ул пешво.

(68 ҳ)

Қилди Аҳмад жиҳати олам бино,  
Инсу жину ҳам малакка раҳнамо.

Амр қилди бандаға Ҳаййи вадуд,  
Барчалар айғил Муҳаммадга дуруд.

Англағил соллу алайҳини, эй ўғул,  
Ҳар нафс айғил дуруд бўлмай малул.

Қилмаса бовар бу сўзга гар киши,  
Бегумон барбод бўлғай ҳар иши.

Ҳар кишидин Мустафо рози дурур,  
Бегумон андин Худо рози дурур.

Ҳар кишидин Мустафо рози эмас,  
Бегумон андин Худо рози эмас.

Эй ўғул, ақл ўлса бул бе қол қил,  
Мустафо ва ҳам Худони рози қил.

Кимики рози қилса ул мўъмин бўлур,  
Икки олам ичра ул эмин бўлур.

Ҳар кишиким фисқу исён ичрадур,  
Ул киши гўёки тўфон ичрадур.

(69 б)

Кимики бўлса фисқ исёнидин халос,  
Бўлмиш ул гўёки тўфондин халос.

Кимики бўлса фисқ ила исёнға фарқ,  
Ул бўлубдур гўйиё тўфонға фарқ.

Кемасиз тўфонидин бўлмас халос,  
Тавбасиз исёнидин бўлмас халос.

Кемасиз дарёдин ўтгайман дема,  
Тавбасиз исёни Ҳақ ўтгай дема.

Ҳар кишиким берса жисмидин закот,  
Бўлғусидур ул жаҳаннамдин нажот.

Ҳар кишини шод қилса ҳар киши,  
Ул кишини шод қилғай Тангриси.

Ҳар кишидин Ҳақ агар хушнуддур,  
Ул киши халқ ичра мушку уددур.

Ҳар киши еткурса ҳар кимга зиён,  
Ул кишидур гўйиё мору чаён.

Ҳар киши беқайд мавлоно бўлур,  
Халқ аро беқайд “Аҳёно” бўлур.

Ҳар кишини гар ҳавоси тозадур,  
Ул кишини шаҳри бедарвозадур.

Шаҳри бедарвоза ғавғолиқ бўлур,  
Шаҳар сардорига расволиқ бўлур.

Шаҳар бедарвозада бўлмас салим,  
Подшо ул шаҳарда бўлмас муқим.

Бўлса ҳар кимда ҳавои ё ҳавас,  
Ул кишидур гўйиё оташпараст.

Бўлса ҳар кимда ҳаво “Моъун” дурур,  
Ҳам яна Фиръавн ё Қорун дурур.

Ҳар киши қилса ҳаводин орзу,  
Мунқатиғдур ул кишидин лутфу ҳаво.

Ким ҳаволиғдур тушар зиндонға,  
Ҳам учар қуш тушгусидур домға.

Эй ўғул, Ҳақ зотидин дам урмағил,  
Ё биров дам урса сен ўлтурмағил.

Зот Ҳақ бечун дурур ҳам бечунун,  
Зот Ҳақ бешубҳадур ҳам бенамун.

Зотисидин бир дам тасаввур қилмағил,  
Зотидин ё ҳам тафаккур қилмағил.

Зот Ҳақға урса дам иймон чиқар,  
Ул кишини жони бе иймон чиқар.

Бутни кофир қилди ташбиҳ Тангриға,  
Бўлди кофир шубҳа қилғач зотиға.

Қилмағил ташбиҳ киши маҳрам бўлур,  
Кимики ташбиҳ қилса, номаҳрам бўлур.

Қилмаса ташбиҳ бўлур иймон мунид,  
Кимки ташбиҳ қилса ул чиркин палид.

(69 ҳ)

Зотидин дам урса номаҳрам бўлур,  
Тангрини дийдоридин маҳрум қолур.

Зотдин дам урса ул эрмас ҳабиб,  
Бўлмағай Ҳақ раҳмати ҳаргиз насиб.

Зотидин дам урса ким бўлмас омон,  
Қолғай ул дўзахда доим жовидон.

Кимки ташбиҳ қилса ул мушрик бўлур,  
Кимки мушрик гўриб танг торик бўлур.

Қилди умматга васийят Мустафо,  
Бегумон мушрикка Ҳақ бермас паноҳ.

Ҳар киши ташбиҳға мойил дурур,  
Қилғон ҳар феъли анинг ботил дурур.

Эй ўғул, бўлғил бу дунёда ғариб,  
Ғам била бўлғил сарғариб.

Ҳар киши бўлса бу оламда ғариб,  
Бўлғусидур Ҳақ таъолоға қариб.

Ҳар кишиким бу жаҳон ғурбатдадур,  
Рўзи маҳшар иззату ҳурматдадур.

(70 б)

Ҳар кишиким қилса ғурбат ихтиёр,  
Бўлмағай маҳшар кунида хору зор.

Мусофир бўл бу олам эй биродар,  
Мужовар бўл Биҳиштда рўзи маҳшар.

Мусофир бўлмағай бўлмас мусулмон,  
Мусофир бўлғил андин олғил иймон.

Мусофир бўлса иймон соф бўлғой,  
Мусофирда давом инсоф бўлғой.

Мусофирлар бу олам бир гадодур,  
Мусофир рўзи маҳшар подшоҳдур.

Мусофирларда йўқтур фисқу исён,  
Мусофирларға раҳмат қилди Раҳмон.

Мусофирлар бу олам ичра пинҳон,  
Бўлур маҳшар куни халқ ичра аён.

Мусофирлар бу олам хорлиқда,  
Бўлурлар ул жаҳон гузорлиқда.

Мусофир ушбу олам танг нафсдур,  
Мусофир – тўти, бу олам қафасдур.

Мусофирлар балонинг нубрукидур,  
Мусофир нури раҳмат тўнгукидур.

Мусофирга Худо қилғай иноят,  
Мусофирга Худо берган валоят.

МУСОФИР ВА ҒАРИБ БАЁНИДА

Мусофир икки олам шамси диндур,  
Мусофир ҳар замон Ҳақға яқиндур.

Мусофирлар кўтаргайлар балони,  
Мусофирлар кўрар таҳқиқ Худони.

Мусофир хаста дилларни табиби,  
Мусофирлар Худойимнинг ҳабиби.

Мусофирлар ҳамиша дил кабобдур,  
Мусофирлар дуоси мустажобдур.

Мусофир ҳиммати гар қилса туғён,  
Бўлур дўзах биҳишт ул дамда аён.

Мусофир бу жаҳон халқ ичра камдур,  
Мусофирға емагу ичмаги ғамдур.

Мусофир бегумон нури Худодур,  
Мусофир кўр дилға раҳнамодур.

Мусофирлар бу олам дардмандон,  
Мусофир ул жаҳонда шоду хандон.

Мусофирлар букун мунда ҳақирдур,  
Мусофир рўзи маҳшарда амирдур.

Мусофирлар кирар жаннатға аввал,  
Мушарраф бўлғай ул раҳматта аввал.

(70 6)

Ҳар мусофир бўлса ул ҳушёрдур,  
Умриду ул туну кун бедордур.

Ким мусофир бўлса ул дарвешдур,  
Кимки дарвеш бўлса ул дилрешдур.

Ҳар киши дарвеш бўлғай ё ғариб,  
Ким ғарибдур Тангриға бўлғай қариб.

Эй ўғул, билғил ғариблик расмини,  
То баён қилғумдур анинг васфини.

Илтифот қилмас бу олам халқиға,  
Банда бўлмаслар яна ул халқиға?

Ҳар кишиким бу жаҳон эрмас ғариб,  
Тангриға икки жаҳон бўлмас қариб.

Йўқ ғарибга бу жаҳонда ошно,  
Не учунким пастлик қилиш фано.



(71 б)

Шаҳру саҳрода ғариб бўлмас муқим,  
Ким ғарибдур оҳу афғони тилим.

Ким ғариб бўлса ҳаловат анда йўқ,  
Ҳам яна айшу фароғат анда йўқ.

Лаззати дунёни ул қилғон ҳаром,  
Лаззати хуни жигар олғон тамом.

Эй ғариб, хуни жигар қилғил ғазо,  
Ушбу янглиғ бўлса Ҳақ бўлғай ризо.

Эй ғариб, хуни жигарни нўш қил,  
Тангрини ул соат ичра хуш қил.

Эй ғариб, хуни жигар ичгил давом,  
Бўлғай ул соат муродинг ҳам тамом.

Ким ичар хуни жигарни яхшироқ,  
Мосиваллоҳ кўнглидин бўлғай йироқ.

Ичмаса хуни жигар мўъмин эмас,  
Рўзи маҳшар ул киши эмин эмас.

Аввало мўъмин бўл, андин бўл ғариб,  
Ки мўъмин бўлмаёй ғариб бўлмоқ ажиб.

Эй биродар, ул майи боқинадур,  
Ул май хуни жигар боқи дурур.

Ким ичар ул майни ул мастона бўлур,  
Ишқни бозорида жавлон қилур.

Қимки ичса майни ул афғон қилур,  
Ўзини халқ ичра ул урён қилур.

Эй ғариб, хуни жигар ичмак керак,  
Маа саваллоҳдин кўнгили узмак керак.

Эй ғариб, хуни жигар ичгил ҳалол,  
Тангрини дийдорига бўлғил висол.

Эй ғариб, шому саҳар ҳушёр бўл,  
Эй ғариб, сен ошиқи дийдор бўл.

Эй ғариб, шому саҳар фарёд қил,  
Мовуманликни букун барбод қил.

Эй ғариб, сен хонумон торож қил,  
Ўзни пастлик шаҳридин ихрож қил.

Эй ғариб, сен халқдин бўл жудо,  
Ёғқой ул соат санга нури Худо.

Эй ғариб, сен халқдин юз эвургил,  
Барчадин юз уругил, Ҳақни дегил.

Эй ғариб, соҳлиқ қилғил таслим,  
Бўлмағил бир ерда бир соат муқим.

Эй ғариб, бўлма бу олам жойдор,  
Ҳақдин ўзга йўқ яна ҳеч пойдор.

Эй ғариб, ҳар кимга улфат қилмағил,  
Жумла жондорига кулфат қилмағил.

Эй ғариб, бўлғил адаб бирла тамом,  
Ким адаблик бўлса ул бўлғай имом.

Эй ғариб, қилғил адабни дам-бадам,  
Ким адабликдур анга етмас алам.

Эй ғариб, бу йўлда сен бўлғил тамом,  
Подшоҳи боқийға бўлғил ғулом.

(71х)

Эй ғариб, ўткарма умрингни беҳабар,  
Оҳ бирла нола қил шому саҳар.

Ман нечук айлай кўнгилни шодлар,  
Қайси бир ғамдин қилай фарёдлар.

### СИДҚ ВА ГИРҲА БАЁНИДА

Сидқ ила ҳар ким биғайри бирён қилур,  
Еру кўку Арш анга бирён қилур.

Ҳар кишиким гириау афғон қилур,  
Ул кишига Тангри лутфу эҳсон қилур.

Сидқ бирла гириа қилса ул киши,  
Бўлғуси ул соат ичра эр киши.

Сидқ бирла гириа Ҳақнинг раҳмати,  
Гирйаи ёлғон Худонинг лаънати.

Сидқ гириа қилса ҳар замон,  
Бўлғай ул маҳшар кунда шодмон.

Гирйа сидқий ва ҳам ишқий бўлур,  
Гирйаи тақлид ҳам фисқий бўлур.

(72 б)

Гирйаи сидқий гулистони баҳор,  
Бўстону боғу ҳам бир марғзор.

Гирйаи ишқий икки турлук бўлур,  
Ё мажозу ё ҳақиқатдин бўлур.

Гирйа гар тақлиддур йўқ манфаат,  
Гирйа гар фисқийу йўқдир хосийат.

Биров сидқий билан ёғлар Худоға,  
Ки яъни орзу айлаб лиқоға.

Биров еғлар басы жабру жафодин,  
Биров еғлар тилим бир бевафодин.

Биров еғлар тилим меҳнатга қолғоч,  
Биров еғлар тилим заҳматга қолғоч.

Биров еғлар тилим келган қазодин,  
Биров еғлар тилим қилгон ризодин.

Биров еғлар тилим молу жаҳондин,  
Биров еғлар тилим ош бирла нондин.

Биров еғлар бировға ошиқ ўлғач,  
Тану жон кўнгли бирла содиқ ўлғач.

Биров еғлар тилим қилғоч гуноҳдин,  
Биров еғлар тилим шоду фарҳдин.

Биров еғлар тилим тиру мусибат,  
Биров еғлар қазоро қолса ғурбат.

Биров еғлар Биҳиштдин фаҳм айлаб,  
Биров еғлар тамуғдин ваҳм айлаб.

Гирйа сидқу сафо устун сафо,  
Гирйаи фисқи бало устун бало.

Биров еғлар тилим кўб мастликдин,  
Ки моу ман била ҳам мастликдин.

Биров еғлар қўлидин кетса дунё,  
Биров еғлар тополмас обу дарё.

Еғласа журу жафодин ҳар киши,  
Халқ ичра бўлмағай эр ул киши.

Бевафодин бўлса ҳар ким гирйадор,  
Бўлмағай бу йўлда ул мардонавор.

Еғласа меҳнатга заҳматга киши,  
Бандалик қайдида йўқдур ул киши.

Гар киши келган қазоға еғласа,  
Ул кишидин Тангри эрмасдир ризо.

Еғласа гар молу фарзанди учун,  
Ҳақ анга лаънат қилур бўлғай забун.

Еғласа ош бирла нон жаҳтидин,  
Бўлмағай дўзах азобидин эмин.

Ҳар киши хушрўй учун гирён қилур,  
Қасд айлаб, фиққ ила исён қилур.

Гирйа қилса шодлиғдин эй ўғул,  
Тангриға бўлмас муножоти қабул.

(72 ҳ)

Еғласа ҳар ким мусибатға агар,  
Яхшироқдир ул кишидин харс ва хар.

Ул омонатга хиёнат қилғани,  
Оқибат иймонни рорат қилғани.

Еғласа ҳар кимки мастликдин тўла,  
Бўлғусидур дин ва миллатдин жудо.

Еғласа дунё учун мурдордур,  
Бегумон андин Худо безордур.

Чиқса ёш дунё учун ул ҳайзадур,  
Чиқса ёш Аллоҳ учун ул файзадур.

Чиқса ёш қўрқуб агар исёнидин.  
Қолмағай ноумид Худо эҳсонидин.

Ҳеч, ҳечу ҳеч, ҳечу ҳеч, ҳеч,  
Ҳақдин ўзга барча гирйа ҳеч, ҳеч.

Еғласа дўзахдин қўрқиб ҳар замон,  
Ул киши жаннатда бўлғай жовидон.

Еғласа ларзон бўлиб Ҳақ қаҳридин,  
Бўлғусидур ул жаҳаннамдин эмин.

(73 б)

Одамининг беҳтарини гирйадор,  
Ҳар кишиким гирйасиздур пардадор.

Ҳар кишиким гирйалиғ мақбули Ҳақ,  
Ҳар кишиким гирйасиз мардуди Ҳақ.

Ҳеч тоъат гирйадин афзал эмас,  
Ҳеч давлат гирйадин афзал эмас.

Бўлса етмиш йил ибодат эй қуёш,  
Билки андин яхшидур бир қатра ёш.

Эй ўғул, бағрингни бирён айлагил,  
Жаҳд қил, ҳар лаҳза гирён айлагил.

Қилса етмиш йил киши савму қиём,  
Гирйасиз мақсуди қолғай нотамом.

Эй биродар, дилхирош ул дилхирош,  
Жаҳд қил, кўздин чиқар бир қатра ёш.

Эй биродар ақл бўлса еглағил,  
Ҳақдин ўзга барчадин юз ўвргил.

Нек бахтлиқни аломати йиғи,  
Некбахтлиқни башорати йиғи.

Кимса бўлса ҳар замон ҳуббу-л-жамол,  
Гирйа кўб қилғондин ул бўлғай висол.

Эй биродар ёш чиқарма фониға,  
Ёш чиқар сен подишоҳи боқиға.

Йиғласа фониға умматдин чиқар,  
Бегумон ул дину миллатдин чиқар.

Эй биродар, егла кўб Яҳё каби,  
Мосиваллоҳ тарк қил Исо каби.

Кўзда ёш қўрқуб Худодин билгурур,  
Ул киши дўзах ўтини ўгурур.

Бўлмаса ҳар ким булардек, эй ўғул,  
Бўлмағай Тангри таъолоға қабул.

Кимки толибдур жамол бо жамол,  
Ҳақ талабга бўлди бу икки мисол.

Бериё ҳар ким қилса гирйани,  
Кўргай ул Жаннатда Ҳақ дийдорини.

Ва қил ва фаҳм қил ва англағил,  
Ташлағилу теброғилу еглағил.

Истағил ва истағил ва истағил,  
Ҳақдин ўзга барчадин юз уругил.

Ҳақ талаб сен барчадин кечмоқ керак,  
Мосиваллоҳдин кўнгил узмоқ керак.

Эй биродар, гирйа қилғил Нуҳвор,  
Нолаи зориму қил лайлу наҳор.

Гирйа ҳосил бўлмас, ул мардорға,  
Кирмағай ул ишқни бозориға.

Симу зар афзал дурур бозорда,  
Чашм тар афзалдур ул бозорда.

(73 ҳ)

Ҳар кишида йўқ турур лаълу гуҳар,  
Ҳар кишида гириа йўқ бо чашми тар.

Лаъли гуҳарлик бу оламда ғаний,  
Гирйаликлар икки оламда ғаний.

Гирйаликлар Ҳақ қошида эътибор,  
Гирйасиз икки жаҳонда хору зор.

Гирйаликларни муножоти қабул,  
Гирйасизларни муножоти малул.

Гирйаликларни дуоси мустажоб,  
Гирйасиз қилғон ибодатдур хароб.

Гар кишини гирйаси содиқ эмас,  
Тангрига ул гирйаси лойиқ эмас.

Эй ўғул, хуни жигар қилғил равон,  
Гирйа қилғил ошкоро ё ниҳон.

Ҳар кишиким гирйалиғдур зиндадил,  
Ҳар кишиким гирйасиздур мурдадил.

Ҳар кишиким гирйалиғдур покдур,  
Ҳар кишиким гирйасиз нопокдур.

(74 б)

Эй биродар, гирйа қил шому саҳар,  
Бўлма бу фоний жаҳонда беҳабар.

Эй биродар, гирйа қил лайлу наҳор,  
Гирйа қил гўёки абри навбаҳор.

Эй биродар гирйа қилғил ҳар нафас,  
Еткурур мақсадга ул фарёдрас.

Эй биродар, нафсни пажмурда қил,  
Гирйа қил ва гирйа қил ва гирйа қил.

Гар кишиға гирйа гар ҳосил бўлур,  
Тангрининг дийдориға восил бўлур.

Гирйа қилғил ҳар нафас Яҳё каби,  
Гирйа қилғил гўйиё ул Нуҳ каби.

Ҳар кишиким гирйалиқ ул дўсти Ҳақ,  
Бердилар бу пандни устодим сабақ.

Ғофило, ўткарма умринг беҳабар,  
Гирйа қил ҳар туну кун, шому саҳар.

Ман нечук айлай кўнгулни шодлар,  
Қайси бир ғамдин қилай фарёдлар.

## ИШҚНИНГ ФАЗИЛАТИ БАЁНИДА

Бу жаҳонда қилмағил кўнгулни шод,  
Қилма ҳам дунё ва маа фиҳани ёд.

Ҳақ талаб сен бодадин ичмак керак,  
Мовуманликдин ҳама кечмак керак.

Ошиқ эрсанг тез бўл бехонумон,  
Бўлмағил гофил Худодин бир замон.

Бу жаҳон фосиқға ишратхонадур,  
Бу жаҳон ошиқға меҳнатхонадур.

Бу жаҳонға қилма ҳаргиз илтифот.  
Бўлғусидур руҳ ул соат вафот.

Бўлмаса ҳар кимда ҳастликдин губор,  
Икки олам ичра бўлмас шармисор.

Кимки қилса ажзу тақсир ихтиёр,  
Бўлғай ул Тангри қошида эътибор.

Ошиқ эрсанг бодадин нуш айлагил,  
Маасаваллоҳни фаромуш айлагил.

Ошиқ эрсанг бода ич шому саҳар,  
Бу жаҳон савдосидин бул беҳабар.

Бода ичсанг бодани соқидин ич,  
Соқидин бул бодаи боқини ич.

Бодаи боқий дурур айни сафо,  
Токи бул андин кейин васли лиқо.

Ул майи боқийки ангурдин эмас,  
Маст бўлмоқ ёки мағрурдин эмас.

(75 ҳ)

Бўлса эрди боқий ангурни суйи,  
Кимки ичса бўлғай эрдилар вали.

Эй ўғул, ангур суйидин қил ҳазар,  
Ким ҳазар қилмас Худо қилмас назар.

Бода улдур раҳмати файзи Илоҳ,  
Бодаи боқий дурур ёди Худо.

Мастийи фони ҳама нафсу ҳаво,  
Мастийи боқий ҳама васфи Худо.

Масти фоний масти боқийдин йироқ,  
Масти боқий масти фонийдин йироқ.

(75 6)

Маст бўлмоқлик икки қисм дурур,  
Бири ҳастлик бириси мастлик дурур.

Маст гар пастий дурур мақбули Ҳақ,  
Маст гар ҳастий дурур мардуди Ҳақ.

Мастийи ҳастий аломати завол,  
Мастийи пастий аломати висол.

Бода фоний бўлса масти фонийдур,  
Бода боқий бўлса масти боқийдур.

Икки олам бебаҳо бир қатра май,  
Ҷон бериб ичгил ани бул марди ҳай.

Нуш қил ул майни умр ўтмасдарок,  
Ҷуш қилғай сен ажал етмасдарок.

Майни ичгил тез бўл Халложвор,  
Шод бўлғил дорға Меърожвор.

Ошиқо, меърож билғил дорни,  
Кўргил ул соатда Ҳақ дийдорини.

Масти Ҳақ андоғки дор устун бўлур,  
Арш ул соат қадам остин қолур.

Ҷўшиши май бирла ишқнинг шиддати,  
Бўлғоч ул Халлож тобти қурбати.

Ҷон фидо қил, майни ичгил ул замон,  
Дер устун қил тамошои жаҳон.

Мовуманлик ул замон маҳрум қолур,  
Мовуман тарк этса ул маҳрум бўлур.

Қатра май нуш этса ул мардум бўлур,  
Фаршдин то Аршға маълум бўлур.

Мовуманлик ул замон бўлғай жудо,  
Кўрсатур ул соат ичра Ҳақ лиқо.

Эй ўғул, билғил ҳуруфи мовуман,  
Бер қулоқ, айтай санга бир яхши фан.

Ташласа “Мим”ни “Алиф” танҳо қолур,  
Бегумон андин кейин якто бўлур.

Бодаи боқий талаб қил, эй ўғул,  
Туну кун, шому саҳар бўлмай малул.

Ҳар кишиға ушбу май ҳосил эмас,  
Тангрини дийдориға восил эмас.



\* \* \*

Толибо, ўткарма умринг беҳабар,  
 Май талаб қил туну кун, шому саҳар.  
 Ман нечук айлай кўнгулни шодлар,  
 Қайси бир ғамдин қилай фарёдлар.

### БУ ФАСЛ — ЎЛУМГА ЧОРА ТОПМАСЛИКНИНГ БАЁНИДА

(75 ҳ)

Онким бу умр бепоён эрур,  
 Ҳар кишида ақл бор ҳайрон эрур.  
 Ўлумга чора йўқтур биродар,  
 Ҳамма жон бўлса қилгай они абгар.  
 Ўлумга йўқтур ҳар гиз ҳеч тадбир,  
 Азалда Ҳақ таъоло қилди тақдир.  
 Ўлумдин ваҳм қил, эй ғофил одам,  
 Ажал ваҳмида тутқил онча мотам.  
 Ўлумга ҳийла йўқ ҳечким қутулмас,  
 Ўлумдин ҳеч жондори қутулмас.  
 Ўлум ёдинингга кирса айла бир хез,  
 Ўлумдин ваҳм қилсанг айла парҳез.  
 Агар ақл ўлса қилғил тушаи роҳ,  
 Агар фаҳм ўлса қил андишаи роҳ.  
 Ўлум ёдингга кирса қил надомат,  
 Фирон ва нола қил ҳам оҳу ҳасрат.  
 Эй ўғул, ҳар доимо суннатда бўл,  
 Очилур андин санга мақсудга йўл.  
 Қилмағил ҳар гиз шариятга хилоф,  
 Бўлмагай ҳам дини исломинг хароб.  
 Англағилким шаръийни ким қилса хўй,  
 Икки олам ичра тобқой обрўй.  
 Илмларда афзали фикҳу ҳадис,  
 Мундин ўзга барчани билгил хабис.  
 Қил ўғул фикҳу ҳадисга жон фидо,  
 Ажрини икки жаҳон бергай Худо.  
 Тобса шуҳратдин киши ном ва нишон,  
 Гулшан умри анинг бўлгай хазон.

(76 б)

Ушбу олам халқ аро бўлғил ниҳон,  
Офатидин оқибат бўлғил омон.

Бўлма ҳар қандоғ кишига ошно,  
Етмагай жонингга ҳам жабру жафо.

Ҳар кишиким Хонақаҳда ўлтурур,  
Ул киши охир таманнолиқ дурур.

Қилмағил ҳаргиз симоъни ихтиёр,  
Ким симоълиқ бўлса бўлғай хору зор.

Кимки бу оламда хилват ичрадур,  
Рўзи маҳшарда ҳаловат ичрадур.

Ҳар кишиким толиби дийдордур,  
Чарбу ширин олдида мурдордур.

Ҳар кишида бўлмаса ишқдин агар,  
Ул кишидин яхшидур хирсу хар.

Ҳуш дар дам бўлғил, эй пиру жувон,  
Етмагай ҳар гиз санга андак зиён.

Ҳар кишиким толиби дийдордур,  
Туну кун субҳу шом бедордур.

Эй биродар, халқ аро гумном бўл,  
Аҳли хомушлар била ҳамном бўл.

Бўл гўристон ичра бўлғил ишқибоз,  
Оҳ бирла нола қил сузукдоз.

Истасанг дийдор гўрустонга бор,  
Истасанг мурдор Ҳиндустонга бор.

Аҳли хомуш гўр элидур, эй ўғул,  
Туну кун гўр қошида бўл бемалул.

Кимки гўрустон борур ибрат олур,  
Кимки Ҳиндустон борур иллат олур.

Оқил эрсанг бўл гўрустонда муқим,  
Афу қилғай қодир ул Роҳманд Карим.

Айтайин бергил қулоқ бир яхши фан,  
Қатъ қилғил халқдин кўнглунгни сан.

Қолмағай кўнгилда дунё риштаси,  
Қилма ҳаргиз маасаво андишаси.

Бўлма ғофил еғлоқон ҳар субҳу шом,  
Қолмағай ҳар гиз муродинг нотамом.

Эй биродар, маҳв қил хасталикни сан,  
Нуш қил андин кейин бир коса фан.

Таъмаға ғам таъма қилғил, эй қуёш,  
Оҳ бирла нола қил, эй дилхирош.

Ваҳшийлардек халқдин бўлғил йироқ,  
Ишқни бозорида бўл тумтароқ.

Англағил бу пандни, эй Ҳақшунос,  
Киймағил жисминга бир пуллик либос.

Сатриавратдин санга ортуқ ҳаром,  
Бу насиҳат ёд ол эй хосу омм.

(76 ҳ)

Қилмағил нафсингни ҳаргиз парвариш,  
Чарбу ширин берма туну куну ёзу қиш.

Толиб эрсанг нафсни қилғил ҳалок,  
Токи бўлғай андин ул мардони пок.

Толиб эрсанг айлагил кўксингни пок,  
Ҳасаблик жисмингни қилғил тира хок.

Бўлмағай оламда бир маҳрам санга,  
Барча олам халқи номаҳрам санга.

Бўлсанг ҳар қандоғ кишига ҳам забон,  
Оқибат пўстунг ул тикқой самон.

Ҳар кишида ишқ бор ул зинда дил,  
Ҳар кишида ишқ йўқ ул мурда дил.

Зинда дилларга ўлум эрмас раво,  
Дам-бадам Ҳақдин келур бўйи шифо.

Эй ўғул бу пандни кўнглунгда тут,  
Мустафо айдики мўъмин лаа ямут.

Ҳар кишида ишқ бор жавлон қилур,  
Ҳастликдин жисмини ирён қилур.

(77 6)

Ҳар кишида ишқ бор пинҳон қилур,  
Шомдин то субҳға афгон қилур.

Эй биродар, ўзни беҳуд айлагил,  
Хонумонни низ нобуд айлагил.

Тутсанг андак заррача дунёни дўст,  
Келмағай ҳаргиз санга ул бўйи дўст.

Адам бўлғунгдир охир эй хирадманд,  
Вафо қилмас жаҳонни молу фарзанд.

Тама қилма бу оламдин биродар,  
На қолдию падар на жадду модар.

Молу мулкунг, ўғул, барбод қил,  
Ёди Ҳақ бирла кўнгулунгни шод қил.

\* \* \*

Гофило, умр ўтти доим беҳабар,  
Нийятликни пеша қил шому саҳар.

Ман нечук айлай кўнгулни шодлар,  
Қайси бир ғамдин қилай фарёдлар.

### ХОЖА ХИЗР АЛАЙҲИССАЛОМ ҲАҚИДА

Эй ўғул, ҳар доимо қилғил адаб,  
Хизрни ҳар туну кун қилғил талаб.

Хизрни доим талаб қил, эй меҳмон,  
Қилди раҳбар Хизрни Қодир Ўғон.

Хизрға мақбул ул мақбули Ҳақ,  
Хизрға мардуд ул мардуди Ҳақ.

Хизрға шоиста бўлғон марди Ҳақ,  
Хизрға мақбул эмас номарди Ҳақ.

Истагил Хизрни доим истагил,  
Хизрни чўлу биёбон истагил.

Жон фидо қилғилки тобсанг Хизрни,  
Еткурур мақсудға шул соат сани.

Барча толибларға Хизри пешво,  
Бедаво дардиға ул бергай шифо.

Ваҳ, на хушдур келса ҳар соат ўзи,  
Ваҳ, на роҳатдур агар тушса кўзи.

Хизр қилғай сайрни чандон адад,  
Тобса гар толибни ул қилғай мадад.

Бу насиҳат ёд олғил эй киши,  
Хизрсиз барбод қилғон ҳар иши.

Эй биродар, тобғил аввал Хизрни,  
Жону кўнгул бирла қилғил амрини.

Ушбу ишга Хизрдур собит қадам,  
Хизрнинг амриға ҳаргиз урма дам.

(77х)

Хизрни олдида бўлғил мурдавор,  
Хоки пойиға жонингни қил нишор.

Ишқни рамзида ул доно дурур,  
Кўри ботинларни ул бино қилур.

Агар ақл ўлса санда, эй хирадманд,  
Бу олам ишратига бўлма хурсанд.

Умидинг қатъ қилғил маасаводин,  
Кўнгилға шамъ қил нури Худодин.

Эй ўғул, ўлмакни доим ёд қил,  
Бу жаҳон савдосини барбод қил.

Йўлга киргил тезу тўнд мардонавор,  
Бехуд ўлғил гўйиё парвонавор.

\* \* \*

Гофило умр ўтти доим беҳабар,  
Бехуд ўлғил бу жаҳон шому саҳар.

Ман нечук айлай кўнгилни шодлар,  
Қайси бир ғамдин қилай фарёдлар.

### ЗУҲДИ ДУНЁ ВА ЗУҲДИ БАҚО ҲАҚИДА

(78 б)

Зуҳд уч турлукдур билғил, эй ўғул,  
Тут қулоғинг ичра ҳўб бўлмай малул.

Баъзилар зуҳдида дунёни тилар,  
Баъзилар зуҳдида маъвони тилар.

Баъзилар зуҳди талабкор Худо,  
Дам-бадам кўнгли анинг нури ҳудо.

Зуҳд қилса гар киши дунё учун,  
Лаънатидур ул киши гумроҳ учун.

Зуҳд қилса мол дунё жиҳатидин,  
Икки олам бўлмағай ҳаргиз эмин.

Зоҳиди халқ ичра тобса обрўй,  
Йўқдур Ҳақдин ул кишида зарра бўй.

Зоҳиди дунё талаб мардуддур,  
Гўйиё Фиръавн ё Намруддур.

Зоҳиди дунё талаб чиркин палид,  
Қолғай ул Ҳақ раҳматидин умид.

Рўсиядур зоҳиди дунё талаб,  
Икки оламда Худо қилғай ғазаб.

Зоҳиди ҳодий талабдин Ҳақ ризо,  
Не учунким, Зухдида бордур сафо.

Бу жаҳонни лаззатидин қилғай ҳаром,  
Икки олам шоҳиға бўлғай ғулом.

Нафсни амридин ул парҳез этар,  
Жуҳд ила фармони Ҳақни тез этар.

Ҳар кишиким бериё тоат қилур,  
Ҳақ ани жаннатда беҳожат қилур.

Зухдида ҳар кимсаки бўлса устувор,  
Бўлғай ул маҳшар кунда шаҳсувор.

Бериё зуҳд айлаган мақбули Ҳақ,  
Зухдида қилғон риё мардуди Ҳақ.

Ташлағил исённи раҳмат истасанг,  
Ташла бу оламини Жаннат истасанг.

Истасанг Жаннатни, эй марди ўғлон,  
Қил ўзингга ушбу оламини харом.

Зухд агар дийдори Ҳақдур англағил,  
Икки оламдин муродинг ташлағил.

Қилмағай Жаннатни ошиқ ихтиёр,  
Истар ул бехуд бўлуб дийдори ёр.

Икки олам танпарастни жойидур,  
Иккини истар киши ҳар жойдадур.

Ошиқ эрсанг рост бўл собитқадам,  
Икки оламдин тақи ҳам урма дам.

Икки олам танға ишратхонадур,  
Талаби Ҳақларга меҳнатхонадур.

Бўлса гар парвонадек ошиқ киши,  
Дўзаху жаннат била йўқтур иши.

Ҳақдин ўзга барчодин парвойи йўқ,  
Ишқни йўлида бир ҳамроҳи йўқ.

(78 ҳ)

Шамға бўлғай ёвуқ куйган сари,  
Шамъ ҳам суйгай ани суйган сари.

Танпараст жаннатга бўлғай шодмон,  
Ҳақпараст Ҳақни дебон қилғай фиғон.

Танпараст жаннат аро мағрурдур,  
Ҳақпараст жаннат аро ранжурдур.

Танпараст Ҳақни чиқаргай ёдидин,  
Ҳақпараст Ҳақни чирмас ёдидин.

Танпараст неъматга бўлгай мубтало,  
Ҳақпараст васлатга бўлгай мубтало.

Танпараст Ҳақни фаромуш айлагай,  
Ҳақпарастлар ўзни хомуш айлагай.

Танпараст Жаннатга бўлғайлар ризо,  
Ҳақпарастлар бегумон кўргайлар лиқо.

Танпараст хандону шод лайлу наҳор,  
Ҳақпараст ул кун кўрар дийдори ёр.

Эй биродар, Жаннатий бисёрдур,  
Бу сабабдин Жаннат ичра хордур.

(79 6)

Кўб кишилар бегумон Жаннат борур,  
Жаннатининг аксари абла бўлур.

Амр бирла наҳийнинг келтур бажо,  
Истагил андин кейин васлу лиқо.

Эй биродар, зуҳдни билмоқ керак,  
Икки оламдин умид узмоқ керак.

Зуҳдни маънисини бил, эй мурид,  
Ҳақдин ўзга барчадин узгил умид.

Зуҳд қилмоқ эй ўғул осон эмас,  
Ҳар кишида зуҳд йўқ инсон эмас.

Бу ҳадис ёдингда тутқил эй ўғул,  
Айдилар уммат ул тожу-р-русул.

Эй ўғул йиғла туну кун зор-зор,  
Икки олам истагил дийдор ёр.

Зуҳди аъло ушбудур эй хосс омм,  
Бу насиҳат ёд олғил вассалом.

\* \* \*

Гофило умр ўтти доим беҳабар,  
Ушбу янглиғ зуҳд шому саҳар.

Ман нечук айлай кўнгулни шодлар,  
Қайси бир ғамдин қилай фарёдлар.

ДУНЕНИ ЁМОНЛИГИ ҲАҚИДА

Қилмағил ҳаргиз фалақдин сарзаниш,  
Қаҳри ҳақдин темгай жонингга ниш.

Бу фалақдин ким ҳимоят айлағай,  
Ҳақ таъолодин шикоят айлағай.

Бу фалақдин кўрмагил суду зиён,  
Қаҳри Ҳақдин икки олам бўл омон.

Хайру шаррни кўрса Ҳақдин ўзгадин,  
Кўнглидин кетгай ани иймондин.

Сен қазони англағил, эй некбахт,  
Одами хасдур қазо барбоди сахт.

Бебаҳо на бўлмағай олам хароб,  
Бегина ҳаргиз киши кўрмас азоб.

Ёғса раҳматларму ҳам Ҳақдин ёғар,  
Ёғса лаънатларму ҳам Ҳақдин ёғар.

Ёғса гар ҳар қатра ёмғир абрдин,  
Келгай ул ер узра Ҳақни амридин.

Баъзи ерлар гулу гулистон бўлур,  
Баъзи ерлар шўру шўристон бўлур.

Эй ўғул, қил эътиқодингни дуруст,  
Эътиқодни соф қилғил бўлма суст.

Кўрсалар бирдин биров суду зиён,  
Бўлмағай ҳаргиз жаҳаннамдин омон.

(79 ҳ)

Етса ҳар шоду ғам сен бўлма шод,  
Бўлмағай руҳинг ўшал соат мамот.

Қилмагил ҳаргиз фалакка эътимод,  
Қилмағил Ҳақдин бўлакга эътиқод.

Бўлса гар оламда ҳар ҳадис нима,  
Сен ани зинҳор бе боис дема.

Қаҳри Ҳақ бир шай нопаддо қилур,  
Лутфи Ҳақ бир шайни пайдо қилур.

Эй биродар келса ҳар турлук қазо,  
Банда бўлсанг шуқр қил бўлғил ризо.

Қаҳри Ҳақ бинони нобино қилур,  
Лутфи они кўрнинг бино қилур.



(80 б)

Ул қазодин сен ривоят айлама,  
Тангридин ҳаргиз шикоят айлама.

Шаҳри иймонинга сен дарвоза қил,  
Эътиқод соф айла, иймон тоза қил.

Шаҳар бедарвоза, султон анда йўқ,  
Эътиқод суст ўлса, иймон анда йўқ.

Эътиқодинг рост қилғил эй ўғул,  
Қилғой андин шаҳарга султон нузул.

Эй биродар хонумон торож қил,  
Филлу вашшу дозугар ихрож қил.

Бадгумон шаҳрига султон кирмагай,  
Бадгумон кўнгида иймон турмагай.

Эътиқодинг рост қил ҳар туну кун,  
Кўнглинг ул соат бўлур кундузги кун.

Некбад билғилки Аллоҳдин дурур,  
Фисқу исён абду-л-лоҳдин дурур.

Кимки бу оламда оройиш қилур,  
Ул жаҳаннам ичра кўб нолиш қилур.

Беҳабар ушбу жаҳон ишратдадур,  
Рўзи маҳшар ғам била меҳнатдадур.

Мосивоға гар кўнгил мойил дурур,  
Ул хаёли оқибат ҳойил дурур.

Гар кўнгил бир нарсаға қосид дурур,  
Ул хаёли оқибат фосид дурур.

Гал хаёл кимдадур фосид хаёл,  
Ул хаёлдин ёрға бўлмас висол.

Англағил бу сўзни эй ҳайрони маст,  
Уйдаги савдо бозорга рост эмас.

Эй ўғул, ўзни бино мулкидин ол,  
Тезроқ эмди фано даштиға сол.

Амр бирла наҳийни қил болу пар,  
Соф бўлғил, соф бўл андин гуҳар.

Болу пар рост айла андин уч ҳаво,  
Ул мақом қурбида бўл жойигоҳ.

Амр бирла наҳийни қилғил қанот,  
Кўкдин учғил Аршга бўлғил нажот.

\* \* \*

Гофило умр ўтти доим беҳабар,  
Ташла ҳар андишани шому саҳар.

Ман нечук айлай кўнгилни шодлар,  
Қайси бир ғамдин қилай фарёдлар.

### СИЛАИ РАҲМ ҲАҚИДА

Гар кишидин сойиле маҳрум ёнур,  
Ул киши Ҳақ лутфидин маҳрум қолур.

Қилсалар ҳар ким агар сойилни шод,  
Жаннатидурки анга қил эътиқод.

Гар кишидин сойиле хушнуддур,  
Бегумон андин Худо хушнуддур.

Урус ҳар ким соилдин юзин,  
Ул кишидин Тангри ҳар урур юзин.

(81 б)

Бир етимни ҳар киши хандон қилур,  
Ўзини жаннатда гулу бўстон қилур.

Ол хабар туну кун етимни ҳолидин,  
Олмағил ҳаргиз ани пулу молидин.

Эй биродар, қил етим кўнглини шод,  
Тут қулоғингда “фало таққир” ни ёд.

Етимнинг оҳидур бир тифу буррон,  
Жуббаву жўшдин ўтгай тез паррон.

Гар етим оҳ ё афғон қилур,  
Арш бирла Курсини ларзон қилур.

Етим кўнглини шод этган эминдур,  
Етим кўнглини офритган лаъиндур.

Истасанг Ҳақни ризосин эй ўғул,  
Етимға туну кунда раҳмдил бўл.

Қилмағил бу амрға ҳаргиз хилоф,  
Ҳар етимнинг дуоси мустажоб.

Гар етимға ҳар киши сангдил дурур,  
Бегумон одам эмас сангдил дурур.

Қаҳр қилса гар етимға ҳар киши,  
Қаҳр қилғай ул кишиға Тангриси.

Қилсалар ҳар ким етимларга жафо,  
Икки оламда Худо боқмас анго.

Есалар ҳар ким етимни молидин,  
Ул егай маҳшарда дўзах нонидин.

Тан азобу тан азобу тан азоб,  
Дил кабобу дил кабобу дил кабоб.

\* \* \*

Гофило умр ўтти доим беҳабар,  
Еғлағил исёнға қон шому саҳар.

Ман нечук айлай кўнгилни шодлар,  
Қайси бир ғамдин қилай фарёдлар.

### ҲИКОЯТ

Бир кун уч дунё талаб бўлди равон,  
Бир хишт олтун тобти охир шодмон.

Ташнау оч эрди муддатидин бири,  
Маслаҳат қилдилар ул ерда бири.

Бир кичик эрди орада ёшқа,  
Буюрди ани шаҳарға ошқа.

Бердилар ани қўлиға уч дирам,  
Ошу нон еткур бу соат дам-бадам.

Пулни олди шаҳарға бўлди равон,  
Гўйиё йўл борди ул ошиб довон.

Иккиси бу ерда қилди иттифоқ,  
Ошқа борган келса ургаймиз пачоқ.

Ул бирови йўлда ўйлаб маслаҳат,  
Бир хишт олтун бойғур олсанг манфаат.

(81 ҳ)

Ошу нону гўшт солди би соғу,  
Солди ҳам ул ошу нониға оғу.

Тез-тез келди буларнинг қошиға,  
Бу икковлон урди анинг бошиға.

Охирул амре ани ўлтурдилар,  
Кўнгилини жам айлабон ўлтурдилар.

Едилар бир икки луқма шоднок,  
Шул замон ҳар иккиси бўлди ҳалок.

Бу масал молу жаҳон эй хосс омм,  
Бир хишт олтун қолди ул ерда тамом.

Бир-бири бирла қариндош эрдилар,  
Ғам била меҳнатда мулкдош эрдилар.

Бир-бириға эрди мушфиқ меҳрибон,  
Аҳди ҳам бор эрди дўсти жовидон.

Тобди уч тан бир хишт олтун ногаҳон,  
Фитналар ҳам бўлди пайдо шул замон.

Фитнадин ўлтурди уч тан бир-бирин,  
Нафс шайтон бирла бўлди ҳамқарин.

(82 б)

Эй ўғул ёдингда тут лайлу наҳор,  
Дўзах ичра тобтилар уч тан қарор.

Бермагил кўнглунгни дунё молиға,  
Фаҳм қил, сўз сол буларни ҳолиға.

Вой ул дунёталаб қандоғ қилур,  
Молу дунё оқибат мундоғ қилур.

Оқибат дунёталаб қандоғ қилур,  
Молу дунё оқибат мундоғ қилур.

Оқибат дунёталаб маҳрум қолур,  
Молу маҳрамларни номаҳрам қилур.

Ғар кишини моли ё фарзанди бор,  
Ҳеч шак йўқтурки ул ағёри бор.

Бир кўнгилда сиемоғай дунёу дин,  
Молу фарзандлиғ қолур Ҳақ ёдидин.

Фитнаидур молу фарзандинг санинг,  
Ғусса бирла ғамдурур бандинг санинг.

Офату жонинг жигарбандинг турур,  
Тиг жону жумла дилбандинг турур.

Ғар кишида молу фарзанд беҳисоб,  
Икки олам ичра кўргай кўб азоб.

Эй биродар, фикр қилғил ҳар замон,  
Бўлмағай дунёталаб ҳаргиз омон.

Ҳар кишида молу фарзанд беҳисоб,  
Қолғай ул Ҳақ раҳматидин бенасиб.

Эй биродар, фитна дунёдин туғар,  
Тарк қил дунёни кўнглингдан чиқар.

Гар қўнгилда бўлса дунё таҳбатаҳ,  
Бўлгай ҳар аъмоли анинг ҳабатаҳ.

Ўғлига бермас ота молин куруб,  
Ўлтурур ўғли отасини уруб.

Барча исён боши дунёдур билинг,  
Молу фарзанд мулкидин парҳез қилинг.

Гар киши дўст тутса андак симу зар,  
Бўлғусидур оқибат зеру забар.

Ташлағил дунёни, бўлғил Ҳақшунос,  
Икки олам ранжидин бўлғил халос.

Тутса дўст дунёни ҳар ким ёзу қиш,  
Ул урар бир кун ани жониға ниш.

Молу дунё бир йилон, эй баҳравар,  
Оқибат солғай анга бир кун заҳар.

Эй биродар, фитнадин бўлғил йироқ,  
Панбаи ғафлатни ол, солғил қулоқ.

Кимики бу оламға бўлса мубтало,  
Ул кишиға қилмағай раҳмат Худо.

Агар донишда Афлотун хоқон,  
Бўлурсен оқибат гўр ичра пинҳон.

(82 ҳ)

Жаҳон молиға бўлма шоду хандон,  
Ажал бир кун қилур ер бирла яксон.

Амон бўлган эмас ҳеч ким ажалдин,  
Худони тақдири мундоғ азалдин.

Агар сан ёшда бўлсанг Нуҳи Луқмон,  
Қилурсен оқибат чандон пушаймон.

Сулаймондек мусаххар бўлса девзод,  
Ки бўлмас охириким ғамдин ород.

Эй гофил, жаҳонға бўлма мағрур,  
Ўзингни қасд бирла қилма занжур.

Ишонма умрға, эй жисмпарвар,  
Қилур барбод бир кун боди сарсар.

Фаромуш қилмагил ўлмакни ҳарғиз,  
Бу олам лаззатидин айла парҳез.

Бу олам ичра доим порсо бўл,  
Таъаллуқни ҳижобидин жудо бўл.

(83 б)

Таъаллуқ риштасини узки ҳар дам,  
Ки бўлғил аҳдуллоҳ бирла маҳрам.

Туну кун булбул каби қилғил наво,  
Бўлғай Ҳақдин жумла ҳожатинг раво.

Эй ўғул, кунж ичра бўлғил ҳовидон,  
Ҳам қаноат бирла бўлғил ҳар замон.

Қилмағил нафсинг учун ҳаргиз шикор,  
Бўлмағай ёд айб сандин ошкор.

Эй қуёш фаҳмида, бўлғил фаҳмида,  
Бўлғайсан охирги кунни ваҳмида.

Нола қил булбулдек, эй фархундапар,  
Очилур боғингда чандон ғунчалар.

\* \* \*

Ғофило умр ўтти доим беҳабар,  
Ташла молу фарзандни шому саҳар.

Ман нечук айлай кўнгилни шодлар,  
Қайси бир ғамдин қилай фарёдлар.

### ҲИКОЯТ

Бор эди бир зоҳид зоҳид ичра тоқ,  
Шомға бормоқни қилди иттифоқ.

Авлиёлиғдин насиб олған эди,  
Нафсни амридин у қолған эди.

Толиби Ҳақ эрди доим беқарор,  
Ҳар туни бедор, ҳар кун рўзадор.

Умрида Ҳақ амрини қилғон эди,  
Наҳийдин кўнгли тиниб қолған эди.

Шомдин то субҳға гирён эди,  
Дўзаху жаннат анга аён эди.

Кўрди зоҳид йўлда бир шаҳри азим,  
Бўлди ул шаҳар ичра неча кун муқим.

Кўрдиким шаҳар ичра кору борни,  
Барча халқ боғлаб турур зуннорни.

Бир дарахти бор эди ул қавми дун,  
Топилур эрди анга ҳар куну тун.

Барча халқи шаҳарнинг аблаҳ эди,  
Неча муддатдин бери гумроҳ эди.

Ҳар куни молини бисёр ўлтурур,  
Уд ила анбарни анда куйдурур.

Ҳар тарафдин бош урар эрди анга,  
Барчасин жони фидо эрди анга.

Пул сочар эрдилар анда ҳар ганий,  
Ҳар гадо бўлса бўлур эрди ганий.

Эътиқоди халқнинг бисёр эди,  
Жон нисор этмакга ҳам тайёр эди.

Англади бу ҳолни зоҳид тамом,  
Чорлади олдиға охир бир авом.

Бир таброндин тилаб олди ниҳон,  
Ул дарахтни қошиға берди равон.

(83 ҳ)

Ушбу қавм на қилса қилғайлар мани,  
Берғойин дарҳол кесгайман ани.

Ногаҳон йўл узра шайтон учради,  
Васваса зоҳидға оғоз айлади.

Не бало бўлди санга, эй баҳравар,  
Хашмгин илкинга олмишсан табар.

Айди ул Иблисга зоҳид ҳолини,  
Солди зоҳидға каманди айёрини.

Айтайин мақсадни, эй зоҳид ўғул,  
Жон қўнглинг бирла қилғайсан қабул.

Ён бу қавлингдин, аё фархунде фар,  
Ман берай ҳар кунда бир харвор зар.

Сен олиб олтуни эҳсон айлагил,  
Жаннат ичра боғу айвон айлагил.

Айтайин Ҳақни ризосини санга,  
Ул дарахтдин манфаат йўқдур санга.

Ҳар юзни мандин ўшал олтуни ол,  
Бенавоға хойр қил, жаннатни ол.

(84 б)

Аҳдни қилдилару тарқаштилар,  
Иккиси ул ерда кўб мунгдош тилар

Келди зоҳид уйиға савдо қилиб,  
Халқ аро савдосини фавғо қилиб.

Бўлди зоҳид халқ ичра хору зор,  
Еглади ҳар туну кунда зор-зор.

Қилмади иймони ҳаргиз манфаат,  
Русийаҳ шарманда бўлди оқибат.

Ҳар киши дунёга кўб мойил бўлур,  
Ул киши охир бу зоҳиддек бўлур.

Ҳар киши дунё била савдо қилур,  
Ул кишини оқибат расво қилур.

Ҳар киши дунёни қилса улфати,  
Лаънатидур, лаънатидур, лаънати.

Ҳақ талаб ҳар соати оқил дурур,  
Бегумон дунё талоқ қилган дурур.

Эй ўғул, дунёни кўнглунгдин чиқар,  
Туну кун Ҳақ амрида бўл устувор.

Гар кишиким ҳар нафас ҳозир бўлур,  
Тангрини дийдориға восил бўлур.

Эй биродар, туну кун инсоф қил,  
Мосиваллоҳдин кўнгулни соф қил.

Эй ўғул, фармони Ҳақни тез қил,  
Нафси шайтон амридин парҳез қил.

Ким далолат қилса ул шайтон бўлур,  
Қасди анинг сандаги иймон бўлур.

Берма кўнглингни анга бўл марди тоқ,  
Ким далолат қилса бул андин йироқ.

Қилмағил дунёга майл андак замон,  
Ним шаб бисёр қил оҳу фиғон.

Кимки бўлса нафси шайтонга мурид,  
Бўлғусидур оқибат чиркин палид.

Васваса ҳар кимга қилса табата,  
Ўқуғил “Аъувзу” била “Инна фатаҳ”.

Бу насиҳат ёд ол эй хосу омм,  
Оқибат бўлғай санга доруссалом.

\* \* \*

Ғофило, умр ўтти доим беҳабар,  
Оҳ бирла нола қил шому саҳар.



Ман нечук айлай кўнгилини шодлар,  
Қайси бир ғамдин қилай фарёдлар.

### БУ ФАСЛДА КЎРУ ҚАР БАД АНДЕШАЛАРНИ АЙТУР

Бу насиҳат ёд ол, эй кўру қар,  
Ҳар ёмон андешадин қилғил ҳазар.

Қилмағил ҳаргиз ёмон андешани,  
Солмағил жисмингга тифу тешани.

Жону кўнглунг ичра тут, эй баҳравар,  
Қилма ҳар жонға ёмон андешалар.

Ҳар гуноҳ зоҳирдурур афъоли бад,  
Ҳар гуноҳ ботиндурур аҳволи бад.

Феъл била ҳолдин олғай ҳисоб,  
Ҳолдин кўброқ киши кўргай азоб.

Ҳар кишида гар ёмон андеша бор,  
Бўлғусидур оқибат ул шармисор.

Бўлса ҳар кимни ёмон андешаси,  
Тобмағай равнақ ани қилғон иши.

Ҳар ёмон андешаи баддин йироқ,  
Бўлса, ул бўлғай баниййатдан йироқ.

Гар киши андешаи баддин йироқ,  
Бўлса руҳи қилғай они тумтароқ.

Ким ёмон андеша қилса ҳар замон,  
Ул жаҳаннам ичра қолғай жовидон.

Ҳар кишига қилса ҳар ким бадгумон,  
Бўлмағай ҳаргиз жаҳаннамдин омон.

Бад гумон тарк айла, қул бўл Тангриға,  
Жон фидо қилғилки ҳар бир амриға.

Бадгумонлар Тангрини қози демас,  
Бадгумонлардин Худо рози эмас.

Бад гумон ширки хафийдур, эй ўғул,  
Қилмағил андешаи бадни қабул.

Қилди ул Мусоға Қорун бад гумон,  
Ерға фармон қилди қодир ўғон.

Бир хотун бор эрди, аммо кофира,  
Ул хотун тул эрди, аммо ҳомила.

Берди ул хотунга Қорун симу зар,  
Бир сўзум бор қилки Мусога хабар.

Айғасен Мусога, эй жон мазлума,  
Ман дегандин ўзгани ҳаргиз дема.

Ватй қилди Мусийи Имрон мани,  
Қолди андин манда ул оби маний.

Неча муддатдин бери ман ҳомила,  
Бўлди бу фарзанд энди комила.

Мусо вағзайтунда сен қилғил аён,  
Барчамиз кўнглини сан қил шодмон.

Эрта ийд халқ ичра қилғил ошкор,  
Мусо ул соатда бўлсун шармисор.

Эртаси жам бўлди барча шодмон,  
Эру ҳам хотун ҳам пиру жувон.

(87)

Чиқти Мусо минбар узра шул замон,  
Амр бирло наҳйини қилгай баён.

Ул хотун ул дамда овоз айлади,  
Қорун айғон сўзни оғоз айлади.

Қилди ул Қорун деган сўзни тамом,  
Англади бу сўзни барча хосу омм.

Айди ул хотунки, эй Мусойи Ҳақ,  
Берди бу сўзни манга Қорун сабақ.

Ул замон Мусо ба даргоҳи Худо,  
Қилди Қорун ҳаққида ул дам дуо.

Берди Мусога Худо фармонини,  
Эй замин, Қорунни ют ҳам молини.

Ютти ер Қорунни ул дам то ба ҳалқум,  
Бад гумон қилгонни билди барча халқ.

Қилди чандон нола Қорун рўсиёҳ,  
Кетти ул ҳасрат била тахт ас-саро.

Бад гумон мўъминни қилса ҳар киши,  
Оқибат мундоғ бўлур қилгон иши.

Анбиёву авлиё аёни Ҳақ,  
Ҳақ анга таълим берур чандон сабақ.

Аҳли мўъминдин Худо эрмас жудо,  
Анбиёву авлиё эрмас Худо.

Анбиёву авлиёлар ло йамут,  
Ушбу сўзни доимо ёдингда тут.

Кимки солиҳ бўлса билғил авлиё,  
Айдилар бу сўзни тож ул-анбиё

Кимки солиҳ бўлса сен қилғил ҳазар,  
Кимки фосиқ бўлса қил андин гузар.

Халқ ари ҳар ким агар мўъминдур,  
Икки олам ул киши эминдур.

Ҳар киши мўъминга бад ният қилур,  
Ул кишига Тангри кўб лаънат қилур.

Ҳар кишиким, туну кун ваҳмидадур,  
Тангрига ул бандаси фаҳмидадур.

Ваҳми улдур охиратни ваҳмиси,  
Ваҳмилиқдур бўлса ҳар ким фаҳмиси.

Анбиёву авлиё тун-кун давом,  
Ваҳмида қон йиғлагай ҳар субҳу шом.

Ғофило, умр ўтти доим беҳабар,  
Оҳ бирла нола қил шому саҳар.

Ман нечук айлай кўнгилни шодлар,  
Қайси бир ғамдин қилай фарёдлар.

### БУ ФАСЛДА АҲЛИ ДУНЁГА ВА УМРГА ЭЪТИМОД ҚИЛҒОНЛАРНИ АЙТУР

(87 ҳ)

Эй биродар, тут бу сўз кўнглингда ёд,  
Кўз очиб юмғунча йўқтур эътимод.

Туну кун ўлмакни қил кўнглингда ёд,  
Йўқ турур умреда ҳаргиз эътимод.

Субҳу шом Тангрини кўб ёд айлагил,  
Хонумонинг бўлса барбод айлагил.

Қолмасун кўнглингда дунё риштаси,  
Бегумон бўлғил Худонинг бандаси.

(88)

Мосиволлоҳдин кўнгил бериштадур,  
Ҳеч шак йўқтурки ул беҳиштадур.

Гар киши бериштадур мақбули Ҳақ,  
Гар кишида риштадур мардуди Ҳақ.

Ҳақталабсен, эй ўғул, беришта бўл,  
Тангрини фармонласа ул ишда бўл.

Эй биродар, бўлмағил ҳаргиз малул,  
Тангри не фармонини қилғил қабул.

Эй ўғул, ўлмакни доим ёд қил,  
Дин уйини жаҳд ила обод қил.

Эй ўғул, қилғил насиҳатни қабул,  
Қилмағил зинҳор дунёни қабул.

Тутса кўз ҳар кимки дунёдин вафо,  
Ул кишида йўқ турур сидқу сафо.

Аҳли дунё икки олам хору зор,  
Ҳам бўлур даргоҳи Ҳақда шармисор.

Англағил дунё талаб хору забун,  
Оқибат дўзахқа борғай сарнигун.

Аҳли дунёга Худо қилмас назар,  
Жовидон ўрни турур нору сақар.

Аҳли дунё кўнглида иймон заиф,  
Қолғай ул Ҳақ раҳматидин бенасиб.

Аҳли дунё бирла бўлса ҳамзабон,  
Бўлмағай ул хавфдин ҳаргиз омон.

Аҳли дунё бирла бўлса ҳамнишин,  
Бўлғай ул шайтон лаъинга ҳам қарин.

Кимки бу оламда бўлса молдор,  
Бўлғай ул даргоҳи Ҳақда шармисор.

Гар кишини молга ҳирси тўла,  
Кўрмагай жаннатда ҳаргиз ул лиқо.

Кимки Ҳақ бергандин ортиқ истаса,  
Ул киши Дажжолдур ҳам Анбаса.

Эй биродар, бандалик осон эмас,  
Бандаликда рос эмас, инсон эмас.

Эй ўғул, шаръида бўлғил устувор,  
Бўлмағил Ҳазратга ҳаргиз шармисор.

Сен талаб қилсанг агар боқий лиқо,  
Аввало қилғил Муҳаммадни ризо.

Берди Ҳақ иззат тею ҳурмат анга,  
Анбиёву авлиё уммат анга.

Эй биродар, истасанг гар Тангрини,  
Қил Расул амрини ҳам Ҳақ амрини.

Ҳар муродингни Расул ҳосил қилур,  
Тангрининг дийдорига восил қилур.

Сарвидек қаддинг бўлубдур энди дол,  
Қилма мутлақ энди сен фиқу залол.

Дуняни тарк этса жаннатлиғ бўлур,  
Мовуман тарк этса иззатлиғ бўлур.

Бу жаҳон бошдин аёғ жавру жафо,  
Ҳеч кимга қилмади ҳаргиз вафо.

Ҳақдин ўзга нарсалар дунё дурур,  
Оқибат ул нарсалар расво қилур.

Тутса дўст ҳар нарса улдур мосиво,  
Бегумон ул кўрмагай ҳаргиз лиқо.

Эй биродар, туну кун бўл мунтазир,  
Оқибат бир кун сени қилғай амир.

(88 ҳ)

Ким фаромуш қилса Ҳақни бир замон,  
Бўлмагай дўзахдин ул ҳаргиз омон.

Сен ишонма жандага, эй жандапўш,  
Ҳар замон афғон била қилғил хуруш.

Сен ишонма жандага лайлу наҳор,  
Йўқ турур жандангда ҳаргиз эътибор.

Жандани кийган била озод эмас,  
Кўнглида Ҳақни уйи обод эмас.

Дўзахийнинг ангаридур жандалиғ,  
Жандалиғ ул, жандалиғ ул, жандалиғ.

Ҳар кишиким, жандаға мағрурдур,  
Бегумон андин Худо ранжурдур.

Жандапўш кўнглинда тут бу яхши панд,  
Жанда кийган бирла бўлмас Нақшбанд.

Бўлмаса анда миллат бирла дин,  
Ул Абу Жаҳлу ваё Фағфури Чин.

(89)

Ул кўнгилким, дуняни савдоси бор,  
Оқибат бир кун бўлур расвою хор.

Дўст тутиб дунёни ҳаргиз урма дам,  
Кўр ўзингни барча махлуқ ичра кам.

Қолмасун кўнглингда ҳастликдин ғубор,  
Қилғасен нафсингни чандон хору зор.

Ҳақталабсен, бўл Худонинг ёдида,  
Туну кун бўлғил анинг фармонида.

Қатъ қил кўнглингни дунёдин тамом,  
Нола қил булбул каби ҳар субҳу шом.

Гар кишининг жандаи зебоси бор,  
Жандасин борича аждарҳоси бор.

Ким кулоҳу жандасига бўлса маст,  
Ул кишидинким, Худо хушнуд эмас.

Масти боқийлиқни бангдин истама,  
Ёру ёварликни бекдин истама.

Узгасен албатта лаззатдин умид,  
Кимки лаззат истар ул чиркдин палид.

Бўлмағил махлуқға, эй хосу омм,  
Подшоҳи боқийға бўлғил ғулом.

Эй биродар, ул дури шаҳвора бўл,  
Ишқ бозорида оташпора бўл.

Эй биродар, чуст бўл гўёки барқ,  
Ул майи боқийға бўлғил масти ғарқ.

Эй биродар, бўлма ҳаргиз ваҳмнок,  
Ишқни дарёсида бўлғил ҳалок.

Эй ўғул, бу йўлда бўл парвонадек,  
Жон нисор эт шамъға парвонадек.

Гар бало оламда кўрсан ҳар қаён,  
Сен югургил ҳар тараф Ҳу-Ҳу дебон.

Ёрса гар бошинг узра гар тиғу табар,  
Жон фидо қилғил анга, бўл баҳравар.

Эй биродар, доимо бўл беқарор,  
Оқибат бир кун бўлур ул бахт ёр.

Эй ўғул, бу йўл аро ҳиммат керак,  
Ҳиммат устун, ҳиммату ғайрат керак.

Қилса ким парвонадек жонин нисор,  
Кўргай ул соат аро дийдори ёр.

Жон фидо қилмай мурод ҳосил эмас,  
Тангрини дийдорига восил эмас.

Ҳар ибодатеки, анинг сўзи бор,  
Ҳар таомедурки, анинг тузи бор.

Ҳар ибодат сўзи йўқ беманфаат,  
Ҳар тамни тузи йўқтур беқувват.

Гар кишида бўлса андак дарду сўз,  
Ишқни рамзидин бул олмиш румуз.

Оҳу афғон бирла чиққан қатра ёш,  
Қирқ йилғи тоатдин афзал, эй қуёш.

(89 ҳ)

Дарду сўзи йўқ кишилар мард эмас,  
Дарду сўзи бўлса ул номард эмас.

Ошиқ эрсанг маст бўл гўёки шер,  
Ишқни бозорида бўлғил амир.

Ошиқ эрсанг маст бўл маст тевадек,  
Бўлмағил беҳиммат ул зани бевадек.

Ошиқ эрсанг Ҳақни қил ёдлар,  
Уштури мастдекки, қил фарёдлар.

Тут қулоғинг ичра, эй хоби гарон,  
Нимшаб вақтида қил оҳу фиғон.

Ихтиёр қилсанг агар ишқдин румуз,  
Субҳу шом вақтида қилғил дарду сўз.

Гар киши бедарддур номарддур,  
Гар кишида дарддур ул марддур.

Гар кишининг дарди йўқ ул бир кесак,  
Гар кишида ишқ йўқ ул бир эшак.

Рўзи маҳшар подшоҳдур ул киши,  
Дарду сўзу оҳу афғондур иши.

(90)

Дарду сўзилик ибодат ганжидур,  
Дарду сўзи йўқ ибодат ранжидур.

Зиндалиқда кимки бўлса мурдадор,  
Халқ аро маҳшарда бўлғай шармисор.

Гар кишида дард йўқ ул кўру кар,  
Гар кишида ишқ йўқ ул гову хар.

Дарду сўзи ишқ агар бўлса дучор,  
Тобқусидур ул фалак устун қарор.

Қилғасен бу амрларни муътабар,  
Ишқни шаҳрига андин қил сафар.

Ҳар на бетил бўлса андин қил гузар,  
Ишқни бўйиндин андин ол хабар.

Ул кишиким, Тангрига ошиқ эмас,  
Бу насиҳатларга ул содиқ эмас.

Ҳар нафас ўлмакни қилғил ёдлар,  
Нимшаб вақтида қил фарёдлар.

\* \* \*

Ғофило, умр ўтти доим беҳабар,  
Йиғласанг, қон йиғлағил шому саҳар.

Ман нечук айлай кўнгилни шодлар,  
Қайси бир ғамдин қилай фарёдлар.

### **МАҒРУРИ ИЛМИ ҚОЛ ВА ИЛМИ ҲОЛНИ АЙТУР**

Ўзни билган илми кулладур, эй қуёш,  
Тутқасен кўнглунгда, эй муллои Шош.

Қилса ҳар мулло агар мовуманий,  
Бўлғай ул тарсо, жуҳуду арманий.

Мовуманлик илм Шайтон илмидур,  
Ўзни билган илм Раҳмон илмидур.

Мовуманлик илм жоҳил илмидур,  
Мовуманлик илм коҳил илмидур.

Мовуманлик илм намруд илмидур,  
Не учун ул илм мардуд илмидур.

Илмига гар қилса мулло эътимод,  
Бўлғай ул Афросиёбу Кайкубод.

Мулла гар ногаҳ ўзидин урса дам,  
Оқибат ул мулла Иблисдинму кам.

Ўзидин дам урса мулла ногаҳон,  
Қолғай ул дўзахда доим жовидон.

Мовуман улдурки, ман мундоғ киши,  
Охиратдин йўқ турур ҳаргиз иши.



- Ўзни билган илм пўр ҳосил дурур,  
Тангрининг дийдорига восил дурур.
- Барча одам қатраи оби маний,  
Одам эрсанг қилмағил мовуманий.
- (90 ҳ) Одамийнинг аслиси бир мушт хок,  
Билмаса ҳар ким ўзин бўлғай ҳалок.
- Олим улдур, ўзни билмаклик дурур,  
Дунядин кўнгулни узмаклик дурур.
- Ким ишонса илмиға бедин бўлур,  
Ким ишонса Тангриға эмин бўлур.
- Дастор кийган билан мулло эмас,  
Бордур кўб дасторлиғ дунёпараст.
- Тангридин ким қўрқса ул олим дурур,  
Кимки қўрқмас Тангридин золим дурур.
- Илм бир касбедур, билғил, эй қуёш,  
Илми касбий тарк қил, эй Ҳақшунос.
- Илми касбий дуняға рағбат қилур,  
Тангри ул соат анга лаънат қилур.
- Олим улдур дунёни қилса талоқ,  
Бўлса кўнгли мосиволлоҳдан йироқ.
- Мулло гар қўйса қадам дунё сари,  
Сарнигун борғойки ул таҳт ас-саро.
- (91) Қилса дунё жиҳатидин мулла дуо,  
Бегумон билғилки, ул олим дағо.
- Англағилким, бўлса олим молдор,  
Бўлғай ул даргоҳи Ҳақда шармисор.
- Муллани моли агар бисёрдур,  
Бегумон андин Худо безордур.
- Тутса дўст кўнглида олим сийму зар,  
Халқ аро маҳшарда бўлғай гову хар.
- Олиме гар қилса дунёдин тамаъ,  
Қил, Худоё, бу жаҳондин мунқатаъ.
- Эй биродар, бўлса олим молдор,  
Икки олам ичра бўлғай хору зор.
- Билса бир оят, ҳадис мулло дурур,  
Йиғса бир пулик нима дунё дурур.

Тутса дўст дунёни ул исён сахт,  
Гар киши дўст тутса ул Дажжолни вақт.

Кўрмагай жаннатда ул дийдори Ҳақ,  
Берди бу пандини устодим сабақ.

Олами охир замон рубоҳ бўлур,  
Дому макру ҳийлада якто бўлур.

Англағил бу сўзни, эй муллоий хом,  
Ўзни билмак илмдин айлай калом.

Бу насиҳатларга сен солгин қулоқ,  
Қилмағил зинҳор кўнглунгдин йироқ.

Эй биродар, ҳастлик барбод қил,  
Каъбаи мақсудни сен обод қил.

Мовуман тарк айла, бўлғил одаме,  
Урмагил зинҳор ўздин бир даме.

Олимнинг дарду сўз афғони бор,  
Жаннат ул-маъвода кўб айвони бор.

Дунядин тобқон эмас ҳеч ким мурод,  
Қилмағил дунёга ҳаргиз эътиқод.

Ҳар замон булбул каби қилғил наво,  
Яхши ният бирла ҳам қилғил дуо.

Қилмағил махлуқдин ҳаргиз умид,  
Бўлмағил иймондин ҳаргиз ноумид.

Қилма бу дунёга ҳаргиз илтифот,  
Икки олам ичра бўлғайсен нажот.

Жам қилма дунё, эй муллоий Шош,  
Кўб надомат бирла ур сийнангга тош.

Хонумон барбод қил, мардона бўл,  
Тангрини фармониға парвона бўл.

“Иннама амволикун” дин ол хабар,  
Қилғасен фарзанд молингдин гузар.

Қўймағил кўнглингда дунёдин ғубор,  
Истагил андин кейин дийдори ёр.

Ҳар кишиким, илмига мағрурдур,  
Сихҳат эрмас ул киши ранжурдур.

Шукр қилма дуняға, неъмат эмас,  
Ҳар киши дўст тутса ул сиҳҳат эмас.

Ҳар кишини моли гар бисёрдур,  
Ул киши ҳар туну кун бемордур.

Қилма бу амреға ҳаргиз шакку занн,  
Бўлмағил зинҳор ҳам ҳубб ул-ватан.

Қилмағил фосид хаёл, эй беадаб,  
Қил таваккул Тангриға ҳар рўзу шаб.

Ҳақдин ўзга барчаси фосид хаёл,  
Қилмағил фосид хаёл фисқу залол.

Беамал олим дурур гўё каду,  
Йўқ турур ҳаргиз кадуда мағзу бў.

\* \* \*

Гофило, умр ўтти доим беҳабар,  
Оҳ бирла нола қил шому саҳар.

Ман нечук айлай кўнгилни шодлар,  
Қайси бир ғамдин қилай фарёдлар.

(92)

### БУ ФАСЛДА УЛАМОЙИ БЕАМАЛЛАРНИ АЙТУР

Йўқ амал олимда, аммо илми бор,  
Бўлғай ул маҳшарда чандон хору зор.

Олиме дунёни гар жўяндадур,  
Тангри даргоҳида ул шармандадур.

Тарки дунёлиғ ибодат мағзидур,  
Тарки дунёға Худонинг ғайзидур.

Беамал олим қилур исёни сахт,  
Беамал олим ҳама Дажжоли вақт.

Олимо, хавфу ражода бўл давом,  
Оқибат бўлғай санга дўзах ҳаром.

Ҳеч гунаҳ дунёни севганча эмас,  
Ҳеч илм ўзини билганча эмас.

Англағил дунёву дин ло йажтамаъ,  
Қилмағил зинҳор дунёдин тамаъ.

Гар кишини моли ё фарзанди бор,  
Барча аъзосида анинг етди бор.

Бандалик юрмакни қилмас ихтиёр,  
Қолгай ул меҳнатда доим хору зор.

Ҳар киши аъзосида гар банди бор,  
Бўлмагай ул йўлга ҳаргиз устувор.

Ҳар кишида бўлса эшқил бирла ғул,  
Ул киши султонга бўлмайду қабул.

Тушса кўзга зарра хас ё бир ғубор,  
Кўрмас ул кўз оқибат дийдори ёр,

Заррача дўст тутса дунё молидин,  
Қолгай ул маҳрум Худо инъомидин.

Бўлма оз исёнға ҳаргиз шодмон,  
Ўт агар оз бўлса ҳам ўртар жаҳон.

Қўймағил ҳаргиз тафовут амриға,  
Жон фидо қил қилгон амриға.

Одаме кўнглиду, аммо ойна,  
Тутмағил дунёни дўст ҳар ойна.

Бўлса гар ойинада гарду ғубор,  
Кўрмас ул ойинада дийдори ёр.

Қилғасен ойнани сайқал давом,  
Йиғлағил исёнға қон ҳар субҳу шом.

Сайқали дил шаръду, эй хосу омм,  
Шаръида собитқадам бўлғил давом.

Олимо, ўлмакни доим ёд қил,  
Ҳастлик хирмонини барбод қил.

\* \* \*

Гофило, умр ўтти доим беҳабар,  
Шукри фармонида бўл шому саҳар.

Ман нечук айлай кўнгулни шодлар,  
Қайси бир ғамдин қилай фарёдлар.

(92 ҳ)

БУ ФАСЛДА ШОИР ВА ИЛМИ ЛАДУН  
ФАЙЗИ ИЛОҲИЙДУР, АНИ АЙТУР

Шеър айтмоқлик икки қисми турур,  
Шоирӣ ғайби-ю ҳам таъбий турур.

Шоире гар бўлса доим мадҳхон,  
Бўлмай ул шоир жаҳаннамдин омон.

Шоирӣ ғайбий ҳама фаэли Илоҳ,  
Бегумон жаннатда ҳам кўргай лиқо.

Шоирӣ таъбий ҳама фаҳму зариф,  
Шоирӣ ғайбий Худоға ҳам қариб.

Таъбпарвар таъбидин дил шоддур,  
Таъбидин қилғон иши барбоддур.

Шоирӣ ғайбий ҳама инъоми Ҳақ,  
Шоирӣ таъбий ҳама иймони шаққ.

Таъбпарвар таъбиға мағрурдур,  
Доимо ҳар туну кун ранжурдур.

(93)

Шоиреким, мадҳға мойил дурур,  
Олами ғайбдин анга ҳосил бўлур.

Гар десанг ҳамдингда айғил мадҳи Ҳақ,  
Аймағил умрингда ҳаргиз мадҳи Халқ.

Шоире махлуқға бўлса мадҳхон,  
Бўлмағай ҳаргиз жаҳаннамдин омон.

Шоире ғайбий ҳама ганж ичрадур,  
Шоире таъбий ҳама ранж ичрадур.

Шоирӣ дунёға қилманг илтифот,  
Қилмағил махлуқни ҳаргиз таърифот.

Шоире гар қилса махлуқдин умид,  
Ҳеч шак йўқтурки, ул чиркин палид.

Шоире гар бўлса доим мадҳхон,  
Бегумон дўзахдин ул тобқай омон.

Қилса гар махлуқни шоир таърифот,  
Бўлмағай дўзахдин ул ҳаргиз нажот.

Таъбпарвар Тангрипарвардин эмас,  
Сангдур ул, санги мармардин эмас.

Шоирӣ ғайбий ҳама сидқу сафо,  
Олами ғайбдин келур ҳар дам нидо.

Шоиро, шеъре дегил беихтиёр,  
Ушбу олам ичра бўлғил хору зор.

Шоиро, шеърингга бўлғил интизор,  
Мунтазир бўл Тангрига лайлу наҳор.

Бор дурур оламда чандон кору бор,  
Қилмағил дунёни зинҳор ихтиёр.

Қил бу олам ичра меҳнат ихтиёр,  
Қилма бу оламда иззат ихтиёр.

Қофия истарни энди қил ҳаром,  
Энди иста шукрини тун-кун давом.

Ҳеч суд қилмас санга бу қофия,  
Юр бу олам ичра гўё қофила.

Қофиянг фикрида Ҳақни зикр қил,  
Ҳар нафас ўлмакни доим фикр қил.

Шоирни таъбийда йўқтур хосият,  
Қофия ҳам гўрда қилмас манфаат.

Шоиро, ўтти жаҳондин қофила,  
Истадинг умрингда чандон қофия.

Шоиро, шеърингни сан барбод қил,  
Мосиволлоҳдин кўнгил озод қил.

Ҳар сўзиким, ҳамда Аллоҳдин турур,  
Ул кишиким, Абдуллоҳдин турур.

Эмди хомушлиқда гўё моҳи бўл,  
Мурдавор ул бир қабила шоҳи бўл.

Ул кишиким, моҳидек хомушдур,  
Бегумон таҳқиқ дарё нўшдур.

(93 ҳ)

Ҳастлик жомангни қил бисёр чок,  
Бўлғасен андин кейин мардони пок.

Ҳар киши ранж ичрадур ганж ичрадур,  
Ҳар киши халқ ичрадур ранж ичрадур.

Ҳар киши шайтондек афзалман деса,  
Бўлғусидур гибру тарсодин деса.

Ҳар киши бўлғон билан мақбул эмас,  
Ҳар сўзи бўлғон билан маъқул эмас.

Ҳар табиб бўлгон билан Луқмон эмас,  
Кўзда ёш бўлгон билан афгон эмас.

\* \* \*

Ғофило, умр ўтти доим беҳабар,  
Эмди Ҳақни ёд қил шому саҳар.

Ман нечук айлай кўнгилни шодлар,  
Қайси бир ғамдин қилай фарёдлар.

### БУ ФАСЛДА КОРВОНЛАРНИНГ ЎТГАНЛАРИН АЙТУР

(94)

Сол қулоқ бу сўзга, эй пиру жувон,  
Бу жаҳондин ўтти чандон корвон.

Савдогар ғофилдур тун-кун Тангридин,  
Юз ўгурмиш Ҳақ таъоло амридин.

Субҳу шом кўнгли анинг бозордур,  
Бегумон андин Худо безордур.

Тангридин ғофилдур савдогар киши,  
Дину миллат бирла йўқ ҳаргиз иши.

Кирди дунё, кўнглидин иймон чиқар,  
Чиқса иймон кўнглидин, Раҳмон чиқар.

Ул кўнгилким, номи Аллоҳ бўлмаса,  
Бўлғай ул соатда гўё Анбаса.

Истагай дунёни савдогар одам,  
Тангридин юз увургай субҳу шом.

Йўқтур ҳар соатда бир ором анга,  
Йўқтур ҳаргиз Тангридин инъом анга.

Зикрисию фикриси дунё дурур,  
Каъбаси-ю Тангриси дунё дурур.

Мол жамъ этмоққа қилғай изтироб,  
Дин уйи бешак ани бўлғай хароб.

Ҳар кишиким, бўлса гар дунё талаб,  
Рўзи маҳшар Ҳақ анга қилғай ғазаб.

Ҳар кишиким, дунёға хандон бўлур,  
Ул кишини дин уйи вайрон бўлур.

Ҳар киши дунёға бўлса шодмон,  
Бўлмағай ҳаргиз жаҳаннамдин омон.

Ҳар киши мақсуди бўлса сийму зар,  
Ҳақ таъоло қилмағай ҳаргиз назар.

Ҳар киши мақсуди бўлса мулку мол,  
Бегумон жаннатда ул кўрмас жамол.

Ҳар киши мақсуди гар фарзанду зан,  
Ул кишиларга жаҳаннамдур ватан.

Ҳар киши мақсуди бўлса боғу роғ,  
Ҳақ иноётидин ул бўлғай йироғ.

Гар киши мақсуди лаззатдин дурур,  
Тангри даргоҳида лаззатдин қолур.

Гар киши мақсуди бўлса рангу бў,  
Кетгай ул соатда андин обрў.

Гар киши мақсуди раънодин дурур,  
Тангри даргоҳида ул бедин дурур.

Гар киши мақсуди бўлса сарви қад,  
Ул кишига Тангри бермасдур мадад.

Гар киши мақсуди бўлса лаълулаб,  
Молики дўзах анга бергай адаб.

Гар киши мақсуди бўлса сиймтан,  
Ул кишини руҳи то учмас баланд.

Гар киши мақсуди оҳу чашмдур,  
Ҳар замон Ҳақдин анга кўб хашмдур.

(94 ҳ)

Гар кишининг мақсуди дунё дурур,  
Ул киши иймони нопаддо дурур.

Ушбу мақсадларда йўқ сидку сафо,  
Бу халойиқдин Худо эрмас ризо.

Жон қулоғинг ичра тут “қул ё ибод”,  
Мосиво тарк айла, қил Аллоҳни ёд.

Дуняни тарк айла Ҳақдин қил умид,  
Бўлғай ул соатда иймонинг навид.

Ҳақталабга ушбу мақсуддур ҳаром,  
Англағил бу сўзни, эй расвойи хом.

Ҳар киши гар қилса махлуқдин умид,  
Бўлғай ул соатда ул чиркин палид.



Эй биродар, ташла ҳар мақсудни,  
Истагил андин кейин маъбудни.

Эй биродар, истасанг дийдори ёр,  
Йиғлағил тун-кунда чандон зор-зор.

Эй биродар, бўл бу олам хор-зор,  
Қилмағил мақсадни ҳаргиз ошкор.

Эй биродар, ҳар замон бўл беқарор,  
Субҳу шом вақтида бўлғил интизор.

Хожага хизматни қул исбот этар,  
Хожа ул қул хизматин бир ёд этар.  
Хожага мақсуди қул маълумдур,  
Қулға ҳар мақсуди номаълумдур.

Қулки, хизмат бениҳоятлар қилур,  
Хожа ул қулға валоятлар қилур.

Хожага ул қулки тоатлар қилур,  
Хожа ул қулға кароматлар қилур.

Жам эмас бир ерда дунё бирла Ҳу,  
Жам эмасдур гўйиё ўт бирла сув.

Тут қулоғинг ичра, эй пиру жувон,  
Ташлагил дунёни, бўл соҳибқирон.

Ҳақдин ўзга барчаси дунё дурур,  
Кимки кўнглин берса нобино дурур.

Ҳақдин ўзга барчалар бўлғай адам,  
Урмағил дунёга дам ё бир қадам.

Йиғлағил ҳолингга, эй пиру жувон,  
Йўқ гуноҳ дунёни суйгандин ёмон.

Қилмағай дунёталабга лутф Рабб,  
Айдилар бу сўзни ул шоҳи Араб.

Бу работдин ўтти чандон қофила,  
Фисқ ила умринг борур беҳосила.

\* \* \*

Ғофило, умр ўтти доим беҳабар,  
Йиғла қон исёнға ҳар шому саҳар.

Ман нечук айлай кўнгилни шодлар,  
Қайси бир ғамдин қилай фарёдлар.

БУ ФАСЛДА ЖАҲОНИ БЕВАФОНИ АЙТУР

Англа бу пандимни, эй жўёйи Ҳақ,  
Ишқнинг дарсини ол мандин сабақ.

Ишқни тамсили гўё ўт дурур,  
Ҳар кишига тушса ул онсиз қилур.

Тушса ўт ҳар кимга ул фарёд этар,  
Хонумонин куйдириб барбод этар.

Қолмағай ул касда жуз устухон, пўст,  
Бўлғай бир соатда ул аҳбоб, дўст.

Аввало ҳастликни куйдирмоқ керак,  
Толиби ҳақларга билдирмак керак.

Бўлмағил оламда ҳаргиз кадхудо,  
Истагил андин кейин нури Худо.

(95 ҳ)

Кимки ҳирсдур сувға ул дархобдур,  
Кимки ҳирсдур Ҳуға ул аҳбобдур.

Эй биродар, бўлғасен Аллоҳпараст,  
Бўлмағил зинҳор сен дунёпараст.

Эй биродар, дунядин парҳез қил,  
Англа бу пандимни, аммо тез қил.

Ишқ ўти ҳар кимга тушмас, эй ўғул,  
Кўб зироатдин киши олмас ҳусул.

Гар кишида ишқ ўти ғолиб дурур,  
Ул киши ҳар тун-кун толиб дурур.

Ҳар кишига қилмағил сиррингни фош,  
Нимшаб вақтида бўлғил дилхарош.

Бу жаҳонни туш каби қилғил хаёл,  
Ҳар замон Ҳақдин талаб қилғил жамол.

Ҳар нимаким, ушбу олам ичрадур,  
Кимки кўнглин берса ул ғам ичрадур.

Ҳар кишиким, дунядин тайёр этар,  
Ул кишини дунё мотамдор этар.

(96)

Қил ўзунга мосиволлоҳни ҳаром,  
Йиғлағил тун-кунда Яҳёдек давом.

Ўзгасен албатта махлуқдин умид,  
Бўлғусидур файзи Ҳақ андин паид.

Ҳар нима фоний дурур бўлғил йироқ,  
Ул нимаким, боқидур қил иштиёқ.

Офате ҳар кимга шуҳратдин етар,  
Иллате ҳар кимга неъматдин етар.

Гар кишини чашми шабнамлик дурур,  
Жаннат ул-аъло анга номлик дурур.

Ҳар кишиким, бўлса доим беқарор,  
Оқибат маъшуқға ул бўлғай дучор.

Ҳар нимаким, нафс агар хушнуддур,  
Бегумон ул нафс бир Намруддур.

Ҳар нимаким, нафс қилса ихтиёр,  
Бўлғай ул даргоҳи Ҳақда шармисор.

Барчадин кам тут ўзунгни, эй жувон.  
Бўлғасен бешак жаҳаннамдин омон.

Гар кишини зуҳди ҳам эҳсони бор,  
Ул кишини кўнглида иймони бор.

Ушбу олам гўйиё байт ул-ҳазон,  
Кимда гар ақл бўлса, бўлмас шодмон.

Нафсини ҳар кимки қилса хор-зор,  
Бўлғусидур ул киши анқо шикор.

Ҳар кишида ишқ бор мардонадур,  
Ҳар замон ул гўйиё парвонадур.

Ҳар кишида ишқ бор жавлон қилур,  
Субҳу шом ҳар туну кун афгон қилур.

Ҳар кишида ишқ бор мискин бўлур,  
Кимки мискин бўлса ул эмин бўлур.

Ҳар кишида ишқ бор халқдин йироқ,  
Ул кишилар ҳам яна халқдин йироқ.

Ҳар кишида ишқ бор ҳайронадур,  
Мақсади ёдида у вайронадур.

Ҳар кишида ишқ бор ҳайрону маст,  
Тутқай ҳар махлуқдин ўзини паст.

Ҳар кишида ишқ бор хилватнишин,  
Аҳли Аллоҳ бирла бўлғай ҳамқарин.

Ҳар кишида ишқ бор тугёни бор,  
Нимшаб вақтида кўб афғони бор.

Ҳар кишида ишқ бор дилжўшдур,  
Бу жаҳон савдосидин беҳушдур.

Ҳар кишида ишқ бор мажнун бўлур,  
Юраги то ҳалқиға пурхун бўлур.

Ҳар кишида ишқ бор тоат қилур,  
Ҳар балое келса ҳам тоқат қилур.

(96 ҳ)

Ҳар кишида ишқ йўқ жоҳил дурур,  
Кўнглини ойнаси зангар эрур.

Ҳар кишида ишқ йўқ дилшоддур,  
Гарчи тоат қилса ул барбоддур.

Ҳар кишида ишқ йўқ одам эмас,  
Яхшироқдур ул кишидан хирси маст.

Ҳар кишида ишқ бор мумдил ўлур,  
Ҳар кишида ишқ йўқ сангдил ўлур.

Ҳар кишида ишқ бор Исо бўлур,  
Ҳар кишида ишқ йўқ тарсо бўлур.

Ҳар кишида ишқ бор хушхўй бўлур,  
Ҳар кишида ишқ йўқ бадхўй бўлур.

Ҳар кишида ишқ бор би-л-ижтимоъ,  
Кўнглида иймони гўё шамчироғ.

Ҳар кишида ишқ агар ҳосил дурур,  
Шукрини дийдорига восил қилур.

Ҳар кишиким, йиртса ҳастликдин яқо,  
Бегумон жаннатда ул кўргай лиқо.

(97)

Сен умид тутсанг Худойингдин ҳарам,  
Дунядин дўст тутма ҳаргиз бир дирам.

Ҳар кишида бир дирам тайёрдур,  
Ҳеч шак йўқдурки, ул ағёрдур.

## ҲИКОЯТ

Бор эди Маъруфи Кархий авлиё,  
Бор эди бир пул аниё ҳамёнида.

Бир куни сайри иллаллоҳ қилди ул,  
Тобмади ҳаргиз фано фил-лоҳға йўл.

Бир дирам ҳамёнига қилғоч йақин,  
Бўлди ҳамроҳ йўлда ул Шайтон лаъин.

Ҳар замон ёдингда тутқил, эй ўғул,  
Солмағил зинҳор ҳамёнингга пул.

Эй биродар, ҳар кўнгул ҳамён дурур,  
Тутса дўст бир пулни ул исён дурур.

Гар киши ҳамёни бўлса хушгувор,  
Кўргусидур оқибат дийдори ёр.

Кимки дунёга кўнгул мойил қилур,  
Гўйиё кунга булут қойил қилур.

Қилмасанг дунёни ҳамёндин йироқ,  
Бегумон бўлғайсен Аллоҳдин йироқ.

Ташлагил ҳамёнингни, бўлғил халос,  
Бегумон бўлғайсен андин ҳақшунос.

Тез киргил йўлига мардонавор,  
Жон нисор эт гўйиё парвонавор.

Ҳар кишида ишқ бор афсонада,  
Ул киши ҳар туну кун вайронада.

## БУ ФАСЛДА ИШҚНИ АЙТУР

Ҳар кишида ишқ бор ғам ичрадур,  
Умрида гўёки мотам ичрадур.

Ҳар кишида ишқ бор фарёд этар,  
Дуняни асбобини барбод этар.

Ҳар кишида ишқ бор бўлғай хароб,  
Қилғусидур ўзни ҳар доим ҳисоб.

Ҳар кишида ишқ агар бисёрдур,  
Олдида дунё анинг мурдордур.

Ҳар кишида ишқдин бир ришта бор,  
Бўлмағай маҳшарда ҳаргиз хор-зор.

(97 ҳ)

Ҳар кишида ишқ бор пинҳон қилур,  
Субҳу шом вақтида кўб афғон қилур.

Ҳар киши ишқи Худони истагай,  
Жониға чандон балони истагай.

Истаса ҳар ким Худони бегумон,  
Бўлмағай умрида ҳаргиз шодмон.

Гар кишида ишқ бор ўлғай одам,  
Урмағай дунёға дам ё бир қадам.

Ақл агар бўлса Худони истагил,  
Дардинга андин давони истагил.

Эй биродар, ўзни ҳастликдин чиқар,  
Қолмағай кўнгилда манликдир губор.

Англағил кўнглингда тут, эй ҳақшунос,  
Паст ерда сув оқар, қилғил қиёс.

Ишқни йўлида бу тадбир керак,  
Ҳар нафасда ажз ила тақсир керак.

Ишқни йўлида бу тадбир керак,  
Ҳар нафасда зикри-ю фикри керак.

Ишқни йўлида бу тадбир керак,  
Дуня асбобини тарк этмоқ керак.

Ишқни йўлида бу тадбир керак,  
Мовуманликдан тамом кечмоқ керак.

Ишқни йўлида бу тадбир керак,  
Молу мулкдин тамом ўтмак керак.

Ишқни йўлида бу тадбир керак,  
Ҳусну раънодин ҳама кечмак керак.

Ишқни йўлида бу тадбир керак,  
Хонумондинким, тамом кечмак керак.

Ишқни йўлида бу тадбир керак,  
Субҳу шом тун-кун ғариб бўлмоқ керак.

Ишқни йўлида бу тадбир керак,  
Булбули мастдек наво қилмоқ керак.

Ишқни йўлида бу тадбир керак,  
Оҳ бирла нолаву афғон керак.

Ишқни йўлида бу тадбир керак,  
Бор хасу хошоқдин паст бўлмоқ керак.

Ишқни йўлида бу тадбир керак,  
Бу жаҳон савдосидин кечмоқ керак.

Ишқни йўлида бу тадбир керак,  
Лаззати дунёдин ҳам ўтмоқ керак.

Ишқни йўлиға бу тадбир керак,  
Ҳастликдин ўзни йўқ қилмоқ керак.

Ишқни йўлиға бу тадбир керак,  
Халқдин ваҳший касби қочмоқ керак.

Ишқни йўлиға бу тадбир керак,  
Кўзни номаҳрамдинму ҳам ёпмоқ керак.

Ишқни йўлиға бу тадбир керак,  
Ҳар замон Ҳақ амрини қилмоқ керак.

Ишқни йўлиға бу тадбир керак,  
Умрида доим фақир бўлмоқ керак.

Ишқни йўлиға бу тадбир керак,  
Ўзни аввал хўброқ қилмоқ керак.

Ишқни йўлиға бу тадбир керак,  
Халқдин ўзни ниҳон қилмоқ керак.

Ишқни йўлиға бу тадбир керак,  
Шаръида собитқадам бўлмоқ керак.

Ишқни йўлиға бу тадбир керак,  
Чарбу шириндин тамом ўтмоқ керак.

Ишқни йўлиға бу тадбир керак,  
Тилни моло йаънидин йиғмоқ керак.

Ишқни йўлиға бу тадбир керак,  
Жаннат ул-маъводин ҳам ўтмоқ керак.

Ишқни йўлиға бу тадбир керак,  
Туну кун Аллоҳни шод этмоқ керак.

Ишқни йўлиға бу тадбир керак,  
Ғам билан умрини ўткармоқ керак.

Ишқни йўлиға бу тадбир керак,  
Ҳар нафас ўлмакни ёд этмоқ керак.

(98 ҳ)

Ишқни йўлиға бу тадбир керак,  
Яхши аъмолларни кўб қилмоқ керак.

Ишқни йўлиға бу тадбир керак,  
Ҳар ибодатни ниҳон қилмоқ керак.

Эй ўғул, йўлга кир умр ўтмастароқ,  
Қил бу пандимни ажал етмастароқ.

Ушбу дарс поёни йўқтур, эй қуёш,  
Оҳу афғон бирла ур сийнангга тош.

Ушбу дарс кўнглингда тутгил, эй ўғул,  
Кўб дер эрдим хотиринг бўлғай малул.

\* \* \*

Толиби ҳақларга бу тамйиз дурур,  
Фил йўлига мурчаи ожиз дурур.

Толибо, ўткарма умрунг беҳабар,  
Оҳ деб қон йиғлағил шому саҳар.

Ман нечук айлай кўнгилни шодлар,  
Қайси бир ғамдин қилай фарёдлар.

### БУ ФАСЛДА ЗУҲДУ ТАҚВОНИ АЙТУР

(99)

Эй қуёш, бу пандга солғил қулоқ,  
Қилмағил ҳаргиз қулоғингдин йироқ.

Ҳақ карам қилса ҳикоят айлайин,  
Зуҳд қилмоқдин ривоят айлайин.

Зуҳдлиқ парҳезгарлиқдин дурур,  
Зуҳд қилмоқ порсолиқдин дурур.

Зуҳд қилмоқ наҳйдин қочмоқ дурур,  
Яхши аъмол тухмини сочмоқ дурур.

Зуҳд улдир пастлик бунёд этар,  
Зуҳд улдур ҳастлик барбод этар.

Ҳақталаблиқ зуҳду тақводин бўлур,  
Ҳирси об бемориликдин бўлур.

Эй биродар, зуҳдлиғ осон эмас,  
Ҳар киши зоҳид эмас, инсон эмас.

Зуҳду тақволиғ кўнгил сайқал дурур,  
Зуҳду тақвосиз кўнгил бир кул дурур.

Сайқали йўқ ойна тобмас жило,  
Зуҳду тақвосизда йўқ лутфи Худо.

Зуҳду тақво гўйиё асби равон,  
Кимга маркаб бўлса юрғай ҳар қаён.



Зухду тақво гўйиё бир шамдур,  
Уйда гар шам ўлса ул дилжамдур.

Зухду тақво гўйиё бир шабчироғ,  
Бўлса ҳар уйда чироғ дўзд ҳам йироғ.

Зухду тақволиғ киши бино дурур,  
Зухду тақвосиз нобино дурур.

Ҳар кишиким, зухду тақво қилса хўй,  
Тобқой ул даргоҳи Ҳақда обрўй.

Ҳар кишиким, зухд ила тақвоси бор,  
Ул жаҳон бирла ани савдоси бор.

Кимки қилса нафси амрин ҳаром,  
Тобқусидур муршидин устун мақом.

Гар кишини зухд ила тақвоси бор,  
Бўлгай ул даргоҳи Ҳақда эътибор.

Гар кишини зухд ила тақвоси бор,  
Ул кишини шамшири аълоси бор.

Гар кишини зухд ила тақвоси бор,  
Бегумон ҳамёнда нақд тиллоси бор.

Гар кишини зухд ила тақвоси бор,  
Ул кишини солим ул-аъвоси бор.

Гар кишини зухд ила тақвоси бор,  
Ул кишини жаннат ул-маъвоси бор.

Гар кишини зухд ила тақвоси бор,  
Ул кишини сидқ ила ихлоси бор.

Гар кишини зухд ила тақвоси бор,  
Ҳуру филмондин анинг мероси бор.

(99 ҳ)

Гар кишини зухд ила тақвоси бор,  
Рўзи маҳшар сояйи абқоси бор.

Гар кишини зухд ила тақвоси бор,  
Ул кишини ғуслаға дарёси бор.

Гар кишини зухд ила тақвоси бор,  
Бўлғусидур ул киши Анқо шикор.

Гар кишини зухд ила тақвоси бор,  
Кўргусидур ул киши жаннатда ёр.

Зухду тақво халқдин бўлмоқ халос,  
Зухду тақво банддин бўлмоқ халос.

(100)

Эй ўғул, зуҳд тухмини сочмоқ керак,  
Нафсни фармонидин қочмоқ керак.

Қилғасен парҳез халқдин далқидин,  
Бўл йироқ албатта киши ҳаққидин.

Аввало зоҳидға бўлғай бу адаб,  
Солма номаҳрамға кўзни рўзу шаб.

Зоҳиру ботинни яксон айлагил,  
Нолаву оҳ бирла афғон айлагил.

Бўлғасен албатта роҳатдин йироқ,  
Қилғасен албатта шуҳратни талоқ.

Эй ўғул, эмди қулоқ тутмоқ керак,  
Тангри қилғон наҳйидин қочмоқ керак.

Эй ўғул, ҳар туну кун сожид керак,  
Чашму гўшу дасту по зоҳид керак.

Эй биродар, тил, кўнгил зоҳид керак,  
Феълу аҳволиға ҳам шоҳид керак.

Эй биродар, тутқасен ёдинда ёд,  
Тутмоғил дунёву мо фийҳони ёд.

Зоҳидо, гар бўлса мундоғ устувор,  
Тобқусидур Аршдин устун қарор.

Зуҳди ҳар ким бўлса мундоғ моҳу сол,  
Тангриға жаннатда бўлғай ул висол.

Ҳар кишини зуҳди мундоғ бўлмаса,  
Ул киши Фиръавндур ё Анбаса.

Зоҳиде Аллоҳ талаб Исо бўлур,  
Зоҳиде дунё талаб тарсо бўлур.

Зоҳиде гар зуҳди дунёдин дурур,  
Ҳеч шак йўқтурки, тарсодин бўлур.

Зоҳиде дунё талаб мурдордур,  
Бегумон андин Худо безордур.

Берса зоҳид кўнглини мурдорға,  
Шул замон ҳалқидин осғай дорға.

Қайси зоҳид андаке фосид хаёл,  
Тангрини дийдориға бўлмас висол.

Зоҳид бир ўтдурки, дунё хас дурур,  
Хасқа гар ўт тушса хасни паст қилур.

Ҳақдин ўзга барча дунёлиғ турур,  
Хотирингда кечса гумроҳлиғ турур.

Зоҳидо, эй зоҳидо, ман мурдаам,  
Зухднинг васфини ман нашмурдаам.

Зоҳид эрсанг Тангрини кўб ёд қил,  
Тасбиҳу сажжодани барбод қил.

Зоҳидо, ўт ичра солғил жойнамоз,  
Жойнамоз ўрнида қил сўзу гудоз.

Зоҳидо, зуҳд боғини обод қил,  
Ҳастлик хирмонини барбод қил.

Зоҳидо, тоатни қилсанг ошкор,  
Бўлғасен даргоҳи Ҳақда шармисор.

Зоҳидо, зуҳдингни пинҳон айлағил,  
Кейнидин кўб хайру эҳсон айлағил.

Зоҳидо, тоат риёлиғ қилганинг,  
Яхшироқдур ўлтириб май ичганинг.

Хайру эҳсонсиз ибодат ҳечдир,  
Балки исён бирла печопечдур.

(100 ҳ)

Зоҳидо, майхонани обод қил,  
Хонақоҳу савмаъа барбод қил.

Зоҳидо, бўл мову манликдин йироқ,  
Бўлмағил майхонадин ҳаргиз йироқ.

Зоҳидо, ўзни бино мулкидин ол,  
Тезу тунд эмди фано йўлиға сол.

Зоҳидо, май сорига бўлғил надим,  
Туну кун майхонада бўлғил муқим.

Кимки майхўр бўлса ул мардонадур,  
Кимки майхўр бўлса оташпорадур.

Зоҳидо, майхонада мардона бўл,  
Май ичарга гўйиё парвона бўл.

Ҳар замон майхонадин ул мард чиқар,  
Хонақоҳдин охири номард чиқар.

Хонақоҳ кирган киши қилғай сужуд,  
Ким кирар майхона тарк этгай вужуд.

Вужудин маҳв қилмай банда эрмас,  
Вужуд маҳв айлаган шарманда эрмас.

(101)

Кишида бўлса гар андак вужуди,  
Қабул бўлмас неча қилғон сужуди.

Зоҳидо, ўлмакни доим ёд қил,  
Иш қилиб аввал вужуд барбод қил.

Зоҳидо, маҳв айлагилким, ул вужуд,  
Тангриға андин кейин қилғил сужуд.

Зоҳидо, тун-кунда май ичмак керак,  
Бу жаҳон савдосидин кечмак керак.

\* \* \*

Зоҳидо, умр ўтти доим беҳабар,  
Оҳ бирла нола қил шому саҳар.

Ман нечук айлай кўнгилни шодлар,  
Қайси бир ғамдин қилай фарёдлар.

### БУ ФАСЛДА ДУНЕЙИ МАККОР ВА КЎРИ АЙЁРНИ АЙТУР

Эй биродар, бу жаҳон ғаддордур,  
Гўйиё бир аврати маккордур.

Ҳар кишини гўйиё бир аврати,  
Бўлғусидур оқибат ул лаънати.

Эй биродар, кимки авратлиғ дурур,  
Ул киши бу йўлда лаънатлиғ дурур.

Ҳар кишиким, қилса аврат ихтиёр,  
Икки олам ичра бўлғай хору зор.

Гар киши аврат била ҳамхонадур,  
Кўнгли онинг гўйиё ғамхонадур.

Бўлсалар ҳар ким агар авратпараст,  
Бўлғусидур ул киши шаҳватпараст.

Эй ўғул, ул шаҳвати мурдордур,  
Бегумон андин Худо безордур.

Англағил, эй қавми Одий-у Самуд,  
Мисли хотун суҳбати жанги Ўҳуд.

Шод ёнған йўқ бу жангдин ҳеч киши,  
Гарчи борсун туну кун ёзу қиши.

Манфаат йўқдур бу жангда, эй амак,  
Суд йўқ ҳаргиз пушаймондин бўлак.

Ҳар киши авратга кўб мойил бўлур,  
Ул кишини ақли бот зойил бўлур.

Эй биродар, ақл бир гавҳар дурур,  
Авратидур ул гуҳар қасдидадур.

Эй биродар, ақл гўё шамдур,  
Ким кўнгил авратга берса олдурур.

Эй биродар, ақл жойи мағзи сар,  
Аврати қасдида доим сарбасар.

Ҳар киши авратга гар дохил дурур,  
Ул киши шул вақт ло йаъқил дурур.

(101ҳ)

Ақл бўлса одамий инсон бўлур,  
Ақл гар йўқ бўлса ул ҳайвон бўлур.

Гар киши тун-кунда келтирса жимоъ,  
Ақлини барбод этар би-л-ижтимоъ.

Кўб еса неъматни кўб шаҳват бўлур,  
Шул замон ул толиби аврат бўлур.

Кимки фориф бўлса нон васвосидин,  
Соф бўлғай ул замон иймонидин.

Қаҳри Ҳақ ҳар кимки авратлиғ дурур,  
Ҳар киши тарк этса жаннатлиғ дурур.

“Иннама амволикум авлодикум”  
Яна “азвожикум адуввун лакум”.

Душманингдур ҳам булар, эй хосу омм,  
Ёд ол, кўнглингда тут ҳар субҳу шом.

Ҳар кўнгил гўёки анборхонадур,  
Иймон ул уст ичра гўё донадур.

Авратинг гўёки бир сичқон дурур,  
Оқибат ул донани сичқон олур.

(102)

Эй биродар, қил бу сўзга ҳой у ҳуй,  
Йўқ қилиб сичқонни, андин дона қуй.

Авратингдур барча исённи боши,  
Қилғасен парҳезни ёзу қиши.

Толиби ҳақларга бу занжири по,  
Кўнглида йўқтур анинг сидқу сафо.

Ҳар киши гўёки хотун теваси,  
Эр киши хотун кишининг теваси.

Эр киши авратдур уштур сорбон,  
Бошлагай ул касни аврат ҳар қаён.

Фисқ ила исёнға ул мойил бўлур,  
Умрини беҳуда ул зойил қилур.

Сўрса авратдин агар ул маслаҳат,  
Дини исломи ани бўлғай ғалат.

Ҳар киши гар қилса аврат амрини,  
Ташлагай ул Тангрисини амрини.

Гар киши Ҳақ амриға таъхир қилур,  
Куфр кўнглида анинг таъсир қилур.

Андак-андак қилса ҳар ким маъсият,  
Қилмағай иймони ҳаргиз манфаат.

Ҳар қозон гар янгидур бўлғай жило,  
Андак-андак дуд ила бўлғай қаро.

Ҳар сиёҳе бўлса ул ўтдин бўлур,  
Ҳар гуноҳе бўлса авратдин бўлур.

Ҳар балое етса шаҳватдин бўлур,  
Ҳар қазое етса роҳатдин бўлур.

Ҳар киши гар қилса авратни ҳаром,  
Тобқусидур тўрт фалак устун мақом.

Кимки авратлиғ дурур ул кўрдур,  
Бўлса гар уй гўйиё бир гўрдур.

Эй ўғул, ҳар аврате бир домдур,  
Кимки кўнглин берса ул бадномдур.

Сайд илинса домға ул тобмас қарор,  
Оқибат ул сайд бўлғай хору зор.

Сайд илинса домға қилғай шитоб,  
Туну кун ғам лашкари қилғай хароб.

Сайд илинса домға расво бўлур,  
Тифлар ичра тилим ғавғо бўлур.

Эй биродар, домдин қилғил ҳазар,  
Гар илинсанг домға етгай хатар.

Эй ўғул, бу пандға солғил қулоқ,  
Ақл бўлса домдин бўлғил йироқ.

Эй биродар, авратинг гўёки жин,  
Манъ қилгон Тангрининг фармонидин.

(102 ҳ)

Сидқ қил бу сўзга, эй нодон ўғул,  
Бўлмағил зинҳор ул хотунга қул.

Нафси воҳид ул кишидур ҳам валий,  
Бўлмағай умрида ул хотун қули.

Нафс агар воҳид эмас инсон эмас,  
Нафс воҳид бўлмоғи осон эмас.

Нафси воҳид халқ аро якто бўлур,  
Нафс воҳид бўлса ул Исо бўлур.

Нафс гар воҳид эмас мардуддур,  
Нафси воҳиддин Худо хушнуддур.

Ҳар киши шаръида гар собит дурур,  
Ул кишини нафси ҳам воҳид дурур.

Нафс гар воҳид дурур ошиқ дурур,  
Нафс гар воҳид эмас фосиқ дурур.

Истагилу истагилу истагил,  
Нафси воҳидликни тун-кун истагил.

Ҳақталабни кадхудолиқ бўлгани,  
Гўйиё ул Ҳақталабни ўлгани.

(103)

Тут қулоғинг ичра, эй пиру жувон,  
Ташласанг авратни бўлғайсан омон.

Толиби Аллоҳга авратдур ҳижоб,  
Ёд ол валлоҳу аълам би-с-савоб.

\* \* \*

Гофило, умр ўтти доим беҳабар,  
Оҳ бирла нола қил шому саҳар.

Ман нечук айлай кўнгилни шодлар,  
Қайси бир ғамдин қилай фарёдлар.

БУ ФАСЛДА ХАЛҚИ ҒАММОЗЛАРНИ АЙТУР

Ҳар кишиким халқ аро ғаммоздур,  
Деву шайтон бирла ул ҳамроздур.

Ҳар кишиким халқ аро шаккокдур,  
Ҳеч шак йўқтурки, ул нопокдур.

Англағил бу сўзни эй, пиру жувон,  
Бўлма бу оламда ҳаргиз шодмон.

Ҳар киши икки кишини қилса зид,  
Ул киши иймони бўлғай нопадид.

Ушбу олам ул киши тарсо бўлур,  
Рўзи маҳшар халқ аро рўбоҳ бўлур.

Бўлса бу оламда ҳар ким шодмон,  
Бўлмағай ҳаргиз жаҳаннамдин омон.

Бўлса гар шаҳр ичра бир ғаммоз ўғул,  
Ҳеч дуо ул шаҳрда бўлмас қабул.

Бўлса гар халқ ичра бир шаккоки шарр,  
Тангри ҳаргиз бул тараф қилмас назар.

Хулқи хуш ҳар кимда ҳар доим дурур,  
Шаб қиёму рўз ул сойим дурур.

Ростлиқ иймон аломоти дурур,  
Ростлиқ эрни каромоти дурур.

Эй биродар, англағил иймон надур,  
Мисли иймон ростлиғ, поклиғ дурур.

Кирмағай меҳмон ул уйни чирки бор,  
Кирмас иймон ул кўнгилким, ширки бор.

Қилмаса меҳмонга ҳар ким жон нисор,  
Ул уй ичра тобмағай ҳаргиз қарор.

Эй биродар, дилхарош ул, дилхарош,  
Туну кун кўнгил уйини қил тарош.

Ҳар кўнгилда бўлса дунё чиркидин,  
Ул кўнгилга бўлмағай иймон йақин.

Ҳар кишиға бўлмағай иймони ёр,  
Маъсият қилганда иймони қочар.

Омлар бу сирни ҳаргиз билмағай,  
Қилмагунча тавба иймон кирмағай.



(103 ҳ)

Эй ўғул, ҳуш бирла бўл лайлу наҳор,  
Йиғлағил ҳолинга тун-кун зор-зор.

Ҳар кишиким, ожизу бечорадур,  
Кўнглида иймон анинг моҳпорадур.

Ҳар кишиким, қилса дунёдин хаёл,  
Кўрмагай жаннатда ул ҳарғиз жамол.

Истагил ҳар доим иймон истагил,  
Соф қил кўнглинда иймон кезлагил.

Одамий ғаввосдур, иймон гуҳар,  
Ҳар киши бўлғон билан бўлмас гуҳар.

Тут бу пандим кўнглунг ичра, эй авом,  
Бўлғасен ғаввосдек дарёда гум.

Қилмағил андеша ул Ханносдек,  
Бўлғасен дарёда гум ғаввосдек.

Эй биродар, хонумон барбод қил,  
Ўзни гум қилғил, гуҳар бунёд қил.

Ҳар кишига ул гуҳар ҳосил эмас,  
Тангри дийдориға ул восил эмас.

(104)

Бордур бу оламда чандон бу-л-ҳавас,  
Бу-л-ҳавасларға гуҳар ҳосил эмас.

Гар кўнгида бўлсаким, фосид хаёл,  
Киргани иймон қилур чандон хати.

Қилғасен иймонни маҳкам печутоб,  
Бўлмаса чиқмоқға қилғай изтироб.

Ким гуноҳ қилса ниҳон ё ошкор,  
Ул кишидин бегумон иймон қочар.

Тут бу панд, ёдинда бўлғил баҳравар,  
Тавба маҳкам қилсанг иймонинг кирар.

Кирса ногаҳ гўрба<sup>5</sup>кабтархонага,  
Кирмагай кабтар кабутархонага.

Кирса кабтархонага гўрба дағо,  
Учгай ул соат кабутарлар ҳаво.

Ҳар замон кирмакка ул оғоз этар,  
Жамъи кабтар ул замон парвоз этар.

<sup>5</sup> Гўрба-мушук

Тўти бирла гўрба бўлмас ошино,  
Англағил бу пандни, эй Ҳақшунос.

Гўрба гўё маъсиятдур, эй ўғул,  
Гўрба маҳкам айла тун-кун бемалул.

Маъсият тамсили гўё гўрбадур,  
Мисли иймон гўйиё бир дунбадур.

Гўрба маҳкам айла, қўйғил дунбани,  
Гўрба бандсиз бўлса қўймас дунбани.

Истасанг иймонни, эй пиру жувон,  
Гўрбани тарк айла, бўл ғамдин омон.

Тутқасен ёдингда хўб, эй ҳамнафас,  
Тўти бирла гўрба бўлмас ҳамқафас.

Гўрба, йўлбарс бўлмағай бир ерда жам,  
Қўймағай латаким, сув бирла жам.

Булбулунг афғон қилур ҳолатда сен,  
Тавба маҳкам айлагил албатта сен.

Тавба маҳкам қилсанг иймонинг камол,  
Тобқусидур вақтда бўлмас завол.

Ақл бўлса қилма ҳаргиз маъсият,  
Нафсу Шайтон амридур ҳар маъсият.

Маъсиятсиз бўлсанг эмин бўлғасен,  
Ҳеч шак йўқтурки, мўъмин бўлғасен.

Ҳар кишиким, бу жаҳон мўъмин эмас,  
Рўзи маҳшар ул киши эмин эмас.

Ҳар кишиларким, гунаҳ доим қилур,  
Ҳақ уқубатни анга қойим қилур.

Тавбаға қил изтироб, эй хосу омм,  
Тангри афв этгай гуноҳингни тамом.

Эй биродар, охиринг андеша қил,  
Маъсият тарк айла, тоат пеша қил.

(104 ҳ)

Маъсиятликлардин Иблис кетмағай,  
Қасд ила қилса гунаҳ Ҳақ боқмағай.

Маъсиятсиз гўйиё бир уддур,  
Маъсиятсиздин Худо хушнуддур.

Маъсиятсиз солиҳу ё Худдур,  
Маъсиятлик гўйиё Намруддур.

Маъсият Шайтон ризосидур, билинг,  
Яхши иш Раҳмон ризосидур билинг.

Эй ўғул, ибрат била мардона бўл,  
Тангрини фармониға парвона бўл.

Қилса ҳаргиз икки оламдин хати,  
Истагил ҳар доимо Ҳақдин жамол.

Зоҳиру ботин агар яксон эмас,  
Тангри даргоҳида ул инсон эмас.

Тут қулоғинг ичра, эй олижаноб,  
Барча аъзодин олура анда ҳисоб.

Жон фидо иймонға қилғил, эй қуёш,  
Гўйиё иймон дурур бир коса ош.

(105)

Гар нажасдин тушса ош бўлмас ичиб,  
Йўқ гуноҳ қилганга иймондин насиб.

Маъсият бир кир, иймон ойина,  
Сайқал эт ойинани ҳар ойина.

Бўлса гар ойинада гарду ғубор,  
Кўрмас ул ойинада дийдори ёр.

Маъсият тарк айла, соф эт ойина,  
Кўрсанг дилдорни ҳар ойина.

Эй биродар, шаръда бўл устувор,  
Бўлғасен маҳшар кунда шаҳсувор.

Ҳеч ким бўлмас шариятсиз киши,  
Оқибат барбоддур қилган иши.

Фарзни тарк этса кўз солмас Худо,  
Шаръини тарк этса боқмас Мустафо.

Фарзу суннат қилмаган мардуди Ҳақ,  
Фарзу суннат қилган ул мақбули Ҳақ.

Фарзу суннатни бошга қил, эй ўғул,  
Фарзу суннатсиз киши бўлмас қабул.

Фарзу суннатсиз киши содиқ эмас,  
Ул киши даргоҳига лойиқ эмас.

Фарзу суннатсиз киши каззобдур,  
Ул киши Иблис билан ижобдур.

Фарзу суннатни киши гар қилса хўй,  
Тобгай ул даргоҳи Ҳақда обрўй.

Фарзу суннатсиз кишилар хор-зор,  
Бегумон маҳшарда бўлғай шармисор.

Фарзу суннатсиз мурод ҳосил эмас,  
Тангрини дийдорига восил эмас.

Гар кишида бандалик даъвоси бор,  
Фарзу суннат бўлмаса ул шармисор.

Эй ўғул, даъвони қилсанг рост қил,  
Даъвоға икки гувоҳ ороост қил.

Бўлса ҳар даъво гувоҳсиз рост эмас,  
Гар гувоҳи бўлмаса ул бу-л-ҳавас.

Беш намозу рўзаю ҳажжу закот,  
Ушбулар бўлғай гувоҳ, тобқай нажот.

Ушбулар билғилки, иймон пўстидур,  
Ким бажо келтурса иймон дўстидур.

Эй ўғул, фармони Ҳақ бисёрдур,  
Гар киши тарк этса ул мурдордур.

Ҳар киши доим Худонинг амрида,  
Бўлса, бўлғай иймон они кўнглида.

Ҳар киши доимки, ғийбатдин йироқ,  
Ул кишидин бўлмағай иймон йироқ.

Фарз ила суннат дурур одил гувоҳ,  
Бу гувоҳлар бўлса Ҳақ бергай паноҳ.

(105 ҳ)

Эй ўғул, иймон дурур гўё шажар,  
Маъсият тамсилидур гўё табар.

Ойтгон иймон дарахт солғон дурур,  
Маъсият қилғон табар солғон дурур.

\* \* \*

Гофило, умр ўтти доим беҳабар,  
Излагил иймонни ҳар шому саҳар.

Ман нечук айлай кўнгилини шодлар,  
Қайси бир ғамдин қилай фарёдлар.

## БУ ФАСЛДА ХАВФУ РАЖОНИ АЙТУР

(106)

Эй биродар, доимо хавф ичра бўл,  
Очилур андин санга жаннатга йўл.

Қўрқса ҳар ким Тангридин тун-кун давом,  
Оқибат дўзах анга бўлғай ҳаром.

Гар киши доим қаноатлик дурур,  
Ҳеч шак йўқтур саодатлик дурур.

Тангридин қўрқсанг қаноат айлагил,  
Ризқ учун андак синоат айлагил.

Эмганиб ризқингни е, эй хосу омм,  
Ризқин эмганмай еган бўлғай ҳаром.

Тангридин қўрқгон киши мумдил бўлур,  
Қўрқмаса Ҳақдин иши сангдил бўлур.

Гар киши мумдил эрур Ҳақ ёрдур,  
Кимки сангдил бўлса Ҳақ безордур.

Тангридин қўрқмоқ ибодатни боши,  
Ҳам топар равнақ ҳам қилгон иши.

Этадур уштурда овози жарас,  
Аййўҳаннос доимо Ҳақдин битарс.

Тангридин қўрқгон ибодоти азим,  
Тангридин қўрқгонга жаннат ун-наим.

Бўлмағайсен Тангридин соат йироқ,  
Бўлмағил зинҳор тоатдин йироқ.

Мазҳаби ботилни қилма ихтиёр,  
Мазҳаби ҳосилға қилғил жон нисор.

Бордур бу оламда бадмазҳаб тўла,  
Бўлма онинг бирла ҳамсуҳбат тўла.

Дину миллат ҳўб билғил, эй ўғул,  
Диндин ўзга барча мазҳаб беҳусул.

Тангридин ким қўрқса исён айламас,  
Ул кишига деу Шайтон индамас.

Ким сиғинса Тангрининг даргоҳига,  
Ҳақ мушарраф айлағай эҳсонига.

Қил таваккулни ибодатлар била,  
Қилмағил зинҳор касофатлар била.

Ҳар касофат феъли Шайтондур, билинг,  
Субҳу шом, тун-кун латофатлар билинг,

Ҳар касофат маъсиятдур, эй қуёш,  
Маъсият қилмишда ур сийнангга тош.

Амри Ҳақ қилмай таваккул айламак,  
Бўлғуси бу эътиқодинг куфри шак.

Тут бу пандим жон аро, эй беадаб,  
Шаҳни амрин қилмаса қилғай ғазаб.

Тутса шаҳни амрини қул мўътабар,  
Подшоҳ ул қул сари қилғай назар.

Қул эсанг зинҳор мағрур ўлмағил,  
Ҳам тақи Аллоҳга мағрур ўлмағил.

Банда эрсанг қилмағил ҳаргиз сурур,  
Ёд ол албатта биллоҳил ғурур.

Қулга гар шаҳ амр қилса ногаҳон,  
Қилмағунча қул ани бўлмас омон.

Шаҳни амрин қилмағон қул беадаб,  
Беадабларғаки, шоҳ бергай адаб.

Банда бўлсанг бўлғасен беқолу қил,  
Оживу бечора бўл амрини қил.

(106 ҳ)

Солма кўз шайтон лаъин исёниға,  
Мунтазир бўл Тангрини фармониға.

Эй биродар, хонумон барбод қил,  
Дин ила миллатни хўб обод қил.

Қилмағайсен тарки Ҳақ фармонини,  
Кўргасен бешак ани инъомини.

Ҳар кишида бўлса Ҳақ амри сабот,  
Ул кишиға Тангри қилғай илтифот.

Ким шикастар бўлса иймондордур,  
Кимки саркаш бўлса ул мурдордур.

Қилмаса Ҳақ амрини золим дурур,  
Гарчи ул алломаи олим дурур.

Бўлсалар ҳар ким агар бехонумон,  
Ул кишиға Тангри бўлғай меҳрибон.

Гар кишини заррача маълуми йўқ,  
Тангри амридин бўлак машғули йўқ.

(107)

Бўлғай ул соат мурод ҳосил анга,  
Бўлғай ул соатда Ҳақ мойил анга.

Ушбу олам ориятдур, эй қуёш,  
Кўб чиқар кўздин надомат бирла ёш.

Гар кишининг дунядин маълуми бор,  
Бўлғусидур ҳирси бўлса хору зор.

Дуняға ҳар кимки ҳирс пайдо қилур,  
Раҳматини Тангри нопаддо қилур.

Кимда гар ақл ўлса дунё йиғмагай,  
Икки дўст бир уйда ҳаргиз сирмагай.

Тангрини гар банда қилса шодмон,  
Икки олам ичра бўлғай ул омон.

Қасд ила ҳар ким агар исён қилур,  
Ўзини дўзахда жовидон қилур.

Гар киши қилса гунаҳни ихтиёр,  
Киргай ул дўзахқа, йиғлар зору зор.

Бадният мақсадларга ҳаргиз етмагай,  
Қасд ила қилган гунаҳни ўтмагай.

### БУ ФАСЛДА ИБЛИС ПУРТАЛБИСНИ АЙТУР

Иблис эрди илмда қутби замон,  
Ҳеч жой йўқ эрди сажда қилмағон.

Боз фариштага муаллим эрди ул,  
Кўрсатур эрди тамомиға у йўл.

Қилди фармон барчага Ҳаййи Вадуд,  
Эй малаклар, қилғил Одамға сужуд.

Йўқ эди Иблисда сидқу сафо,  
Қилмади тоатлари ҳаргиз вафо.

Қасд ила фармони Ҳақни қилмади,  
Ўзини малъун бўлури билмади.

Қилмади Иблис Худо фармонини,  
Ҳақ ҳаром қилди анга эҳсонини.

Бўлди ул соат аро Иблиси дун,  
Хирс ила хук<sup>6</sup> ҳам итдин забун.

<sup>6</sup> Хирс ва хук – айиқ ва тўнғиз

Қилмади андин кейин раҳмат анга,  
То қиёмат туну кун лаънат анга.

Қилмади ҳаргиз Худо фармонини,  
Кўрмагай ҳаргиз Худо инъомини.

Қасд ила қилган гунаҳ йўқ узриси,  
Дедилар бу сўз ҳақиқат қозиси.

Қилмади Ҳақ амрини бир мартаба,  
Ул кишида қолмади ҳеч мартаба.

Қасд ила ҳар кимки исён айлагай,  
Ул кишини Ҳақ паришон айлагай.

Қилмаса Ҳақ амрини ҳар ким бажо,  
Ранжу меҳнат бирла бўлғай мубтало.

(107 ҳ)

Ҳам ишонма тоатинга, эй ўғул,  
Тангри фармон айласа қилғил қабул.

Беамал ҳаргиз ишонма Тангриға,  
Жон фидо қил ҳар на қилган амриға.

Эй биродар, Ҳақ ризосин ёд қил,  
Мосиволлоҳдин кўнгил озод қил.

Истасанг ўлмасни гар икки жаҳон,  
Бермағил бу нафсга ҳаргиз омон.

Бўлса дунёдин кишида қилу қол,  
Тангрини амриға ул бўлғай хатл.

Ҳар нима Ҳақ амр қилса тез қил,  
Наҳй қилган нарсани парҳез қил.

Сен агар қилсанг Худони шодмон,  
Ул сани қилғай жаҳаннамдин омон.

Қилмаса Ҳақ амриға чуну чаро,  
Бўлмағай маҳшар кунида можаро.

Кимки қилмас Тангриға тун-кун сужуд,  
Етгай они бошиға ўтли амуд<sup>7</sup>.

(108)

Одамеға ҳар намоз меърождур,  
Нурдин бошиға они тошдур.

Эй биродар, устуни диндур намоз,  
Ҳар намозинг ичра қилғил жонгудоз.

---

<sup>7</sup> Амуд-болға



Ҳар ружуъ таъзим бажо қилган дурур,  
Ҳар сужуд одил гувоҳ бўлган дурур.

Ҳар ҳузури дил билан қилган намоз,  
Тангрининг даргоҳида бўлғай намоз.

Қилмаса тоат ҳузури дил билан,  
Гўйиё роз айламиш ул жин билан.

Беҳузур қилган ибодат ҳечдир,  
Балки исён бирла печо печдур.

Гар киши тоатни қилса беҳузур,  
Кўрмагай жаннатда ҳаргиз рўйи ҳур.

Эй биродар, беҳузур қилган ҳар иш,  
Ул уруғ солмиш ва лекин у қамиш.

Бўлмағай ҳаргиз ҳусул андин анга,  
Бу насиҳат ёдгор мандин санга.

Ҳеч ибодат беҳузур бермас ҳусул,  
Ҳеч тоат беҳузур эрмас қабул.

Сен ибодотинг аро бўлсанг ҳузур,  
Нур бўлур кўнглунгда ул соатда нур.

Сен қироат қилмасанг фосид хаёл,  
Муздиға жаннатни бергай Зу-л-Жалол,

Гар намозинг ичра ҳазирлиғ қиём,  
Қилсанг ул дўзах санга бўлғай ҳаром.

Ҳар намозинг ичра гар қилсанг рукуъ,  
Қилғил ул соат аро чандон хушуъ.

Гар намозинг ичра гар қилсанг сужуд,  
Ул замон албатта маҳв этгил вужуд.

Бўлса тоатда ҳар ким дил ҳузур,  
Ул кўнгил Ҳақ олдида бўлғай сурур.

Бўлмаса тоатда ҳар ким дил ҳузур,  
Ул ибодоти бўлур фисқу фужур.

Сен агар Аллоҳ десанг бир мартаба,  
Ҳақ сенга “лаббайка” дер уч мартаба.

Сен ҳузури дил билан қилсанг наво,  
Бўлғай ул соатда ҳожотинг раво.

Фикри Ҳақ кўнглунг аро бунёд қил,  
“Ло йўҳибуллоҳ” жаҳран ёд қил.

(108 ҳ)

Зикри Ҳақни қилма ҳаргиз ошкор,  
Бўлмағил даргоҳи Ҳақда шармисор.

Халқ аро зикр айласа бўлмас қабул,  
Халқ аро зикр айласа бўлмас ҳусул.

Меъдада зикр айлаган бўлмас ҳисоб,  
Ёд қил кўнглунгда, бўл лубби лубоб.

Зикр қилсанг Тангрини кўнглунг аро,  
Тобқусидур кўнглунг ул соат жило.

Бўлмасанг тоатда ҳозир бардавом,  
Оқибат қолғай муродинг нотамом.

Жаҳр қилма зикри Ҳақни, эй ўғул,  
Жаҳр қилсанг бўлмағай ҳаргиз қабул.

Гар киши қичқирса шаҳни олдида,  
Подшоҳ қилғай ғазабга мубтало.

Борса ҳар ким қичқириб шаҳ қошига,  
Етгай ул соат адаб чўб бошига.

Гар кишиким, сўзласа шаҳдин баланд,  
Тушгай онинг бўйнига ул дам каманд.

Эй биродар, Ҳақни пинҳон ёд қил,  
Нимшаб вақтида кўб фарёд қил.

Жону кўнгли бирла бир Аллоҳ деган,  
Минг тева олтунни эҳсон айлаган.

Барчага тун-кун Худо нозир дурур,  
Барча жон афълига ҳозир дурур.

(109)

Пашшаву фил олдида яксон анга,  
Не хаёли бўлса ул аён анга.

Фаршдин то Аршга даргоҳдур,  
Барчани аҳволидин огоҳдур.

Етти қат ер ичра бўлса муру мор,  
Мутталиъдур сирридин ул Бирубор.

Қудратиға ожизу ҳайрон эмас,  
Ҳеч пўшида анга пинҳон эмас.

Бўлса кўнглунг ичра ҳар турлук хаёл,  
Тангриға маълумдур, йўқтур хаёл.

Тутқасен ёдингда, эй марди ғариб,  
Тангрини ёд этма ҳаргиз қичқириб.

Сен адад қилмай Худони ёд қил,  
Ҳам тазарруъ бирла махфий ёд қил.

Эй биродар, зикри Ҳақ бир лаълдур,  
Ошкоро айлаган беақлдур.

Зикри Ҳақ гўёки бир ганжи азим,  
Ким ниҳон қилмас етар ранжи азим.

Кимки аён қилса ганжни дам-бадам,  
Келгай они бошига зулму ситам.

Ул кишидин подшаҳ олгай равон,  
Бермагунча ул киши тобмас омон.

Бир хишт олтун кимки қилса ошкор,  
Халқ бўлғай қасдида лайлу наҳор.

Қилмаса жавҳар ниҳон жавҳаршунос,  
Бўлмагай тун-кунда ул ғамдин халос.

Зикри Ҳақ бир гавҳари якто дурур,  
Ошкоро қилса нопаёдо дурур.

Тил билан кўнглунгни яксон айлагил,  
Зикрини кўнглунгда пинҳон айлагил.

Қилмасанг гавҳар ниҳон, эй хосу омм,  
Ўғрилар қасдингда бўлғай субҳу шом.

Халқ аро нақдинони қўйсанг йақин,  
Бўлмагайсен ўғридин ҳаргиз эмин.

Гар кишини зикри Ҳақ дастидадур,  
Дев ила Шайтон ани қасдидадур.

Дузд ила ҳар кимки доим ўлтурур,  
Оқибат нақдинасин ул дузд олур.

Бир нафас зикр айлаган ҳозир бўлуб,  
Ошкоро ҳаж тавофидин бу хўб.

Эй биродар, зикри пинҳон айлагин,  
Дарди сўзу оҳу афғон айлагин.

Зикри зоҳир ранждур, эй омм хос,  
Зикри ботин ганждур ул беқийс.

Шаҳ қилур инъом фармон туттуруб,  
Билмасанг қадрини олғай ёндуруб.

\* \* \*

(109 ҳ)

Ғофило умр ўтти доим беҳабар,  
Махфий қилғил зикрини шому саҳар.

Ман нечук айлай кўнгулни шодлар,  
Қайси бир ғамдин қилай фарёдлар.

### БАДАН АЪЗОЛАРИ ҲАҚИДА

Солса кўз ҳар кимки номаҳрам сари,  
Тангри ҳам солмас кўзин онинг сари.

Кўр қўбқай ғўридин маҳшар аро,  
Ҳеч ким бўлмас ўшал кун раҳнамо.

(110)

Ким зино қилмоққа онинг майли бор,  
Икки олам ичра бўлғай шармисор.

Қилса гар бир мартаба ҳар ким зино,  
Икки оламда Худо боқмас анго.

Ул қулоқ эшитса номаҳрам сўзин,  
Ул кўзиким, кўрса номаҳрам юзин.

Қилса номаҳрам била ҳар ким калом,  
Бегумон жаннат анга бўлғай ҳаром.

Ул қўликим, тутса номаҳрамни бир,  
Бўлғай ул маҳшар куни итдин ҳақир.

Кўйса номаҳрам сари ҳар ким қадам,  
Ҳақ анга лаънат юборгай дам-бадам.

Ул кўнгилким, қилса номаҳрам макон,  
Бўлмағай ҳаргиз жаҳаннамдин омон.

Ҳар кишини ушбу янглиғ қилгани,  
Ҳақ таъолодин умидин узгани.

Эй ўғул, қилғил бу ишлардин ҳазар,  
Қилма номаҳрам сари ҳаргиз назар.

Ҳақдин ўзга барча номаҳрам дурур.  
Кимки кўнглин берса номаҳрам бўлур.

Эй ўғул, бу ишқа тадбир айлайин,  
Тутқасен ёдингда тақрир айлайин.

Ғўшаи вайронада бўлғил муқим,  
Ғўр яроғин анда қилғайсан тилим.

Халқ аро бўлмақни қилма ихтиёр,  
Бўл харобот ичра ҳар лайлу наҳор.

Халқ аро юз йил ибодат қилганинг,  
Мағзи йўқ бир жавздур<sup>8</sup> ул қилганинг.

Халқ аро ҳар кимки тоат айлағай,  
Дўзах ичра қўб надомат айлағай.

Гар киши кунж<sup>9</sup> ичра тоат айлағай,  
Ул киши учмохта<sup>10</sup> роҳат айлағай.

Ҳар киши халқ ичра тоат қилгани,  
Жисмини чандон жароҳат қилгани.

Халқ аро қилганга Ҳақ эрмас ризо,  
Оқибат ул қилгани бўлғай риё.

Халқ аро ҳар кимки тоатлар қилур,  
Халқ анга чандон хушомадлар қилур.

Халқ аро зуҳд айлаган мақбули халқ,  
Кунжда зуҳд айлаган мақбули Ҳақ.

Бўлса ҳар ким халқ аро неру сиришт,  
Ул кишиларга насиб ўлмиш биҳишт.

Ул ишини музди бу оламдадур,  
Халқ анинг эъзозу икромин қилур.

Етмағай мақсадга ҳаргиз ул киши.  
Гарчи бўлсин Нуҳу Луқмондек ёши.

Нафсни домифа тушмиш далқдин,  
Ё осилмиш домға ул ҳалқдин.

Бу жаҳон эъзозифа хушнуддур.  
Тангри даргоҳидин ул мардуддур,

Халқдин юз овурган мардони мард.  
Қилғай ул кунж ичра доим оҳи сард,

Халқнинг эъзозини қилғил ҳаром,  
Подшоҳи боқийға бўлғил ғулом,

Халқдин овру юзингни, эй амак.  
Хоҳ валий, хоҳ омий бўлсун, хоҳ малак.

(110 ҳ)

<sup>8</sup> Жавз – ёнғоқ.

<sup>9</sup> Кунж-қеч ким йўқ жой.

<sup>10</sup> Учмох-жаннат.

(111)

Оре, ҳар ким сача ошнолиғму хўб.  
Балки андин бўлса танҳолиғму хўб,  
Ҳар нимаким, халқдин мардуддур.  
Тангри даргоҳида ул бир уддур,  
Бўлса ҳар ким халқдин маҳкам ниҳон,  
Бўлғай ул доим жаҳаннамдин омон.

Халқдин бўлғил йироқ оҳу каби,  
Суҳбатин парҳез қил оғу каби.

Ақл бўлса халқдин осилмағай,  
Бу эшик банд ўлғай, ул очилмағай.

Эр эсанг бу йўлда қил мардоналик,  
Иста зинҳор, истагил озодалик.

Ҳар киши озод эмас, ул мард эмас,  
Қон чиқармай кўздин оҳу сард эмас.

Англағил, эй жон қуёшим, англағил,  
Радди халқ бўл, радди Холиқ бўлмағил.

Эй ўғул, мақбули халқ бир ранждур,  
Эй ўғул, мақбули Ҳақ бир ганждур.

Ёпсалар ҳар кимки махлуқдин эшик,  
Очқай ул соат анга Холиқ эшик.

Бу жаҳон бир дом, одам сайддур,  
Ақл бўлса ул киши беқайддур.

Эй ўғул, бўл доми тазвирдин йироқ,  
Бўлма махлуқ бирла ҳаргиз иттифоқ.

Халқ аро бўлмас ҳамиша хуш нафас,  
Ҳақдин ўзга йўқ анга фарёдрас.

Тушса гар тоатга халқни кўзлари,  
Бўлмағай мақбул ани тоатлари.

Эй ўғул, халқ бирла суҳбат қилмағил,  
Ўз жонинга дарду кулфат қилмағил.

Узмаган халқдин умидин абди халқ,  
Халқдин юз оворганлар абди Ҳақ.

Абди халқ бўлганлар танпарвар дурур,  
Халқ аро ул нафс бир аждар дурур.

Қўрсалар ҳар кимки дўст тутқай ани,  
Халқ бир кун ҳалқидин осғай ани.

Эй ўғул, халқ ичра тасбиҳ сирлаган,  
Яхшидур кунж ичра андин ухлаган.

Тобмагай халқ ичра иймонинг камол,  
Тобмаган иймон камол тобқай завол.

Халқ аро қилган ҳама тақлиддур,  
Кунж аро қилган ҳама тафриддур.

Қимки тақлид қилса бўлгай худнамо,  
Йўқтур ҳаргиз мағздин ҳосил анга.

Иймон аро тақлиддур, йўқ эътибор,  
Бўлғусидур оқибат ул шармисор.

Маънисидин бўлса ҳар ким беҳабар,  
Яхшироқдур ул кишидин гову хар.

Айтайин бу сўзни пинҳон айласанг,  
Бўлмағил халқ ичра иймон истасанг.

Бермагай халқ ичра иймонинг ҳусул,  
Тангри даргоҳида ҳам бўлмас қабул.

(111 ҳ)

Билса ким маънийи иймондин луғат,  
Жон чиқар ҳолатда ул қилмас ғалат.

Гар киши доим ўлумдин беҳабар,  
Ул сабабдин Тангри ҳам қилмас назар.

Гар кишидин гар киши дилхушдур,  
Ҳеч шак йўқтурки, ул беҳушдур.

Эй ўғул, шод ила ғам Ҳақдин бўлур,  
Кўрса ҳар ким ғайридин бедин бўлур.

Ҳақталаб халқ ила бўлса мубтало,  
Келгай они бошиға Ҳақдин бало.

Халқдин ул бўлмағай ҳаргиз йироқ,  
Ул сабабдин Ҳақдин қолган йироқ.

Ҳақталаб халқ ичрадур ул абди халқ,  
Берди бу пандни устодим сабақ.

Оврумас халқдин юзин ноннинг қули,  
Бўлмағай халқ ичра Раҳмоннинг қули.

Нонталаб халқ ичра юргай хушхиром,  
Ҳақталаб кунж ичра бўлғай субҳу шом.

\* \* \*

(112)

Гофило, умр ўтти доим беҳабар,  
Кунж аро бўл доимо шому саҳар.

Ман нечук айлай кўнгулни шодлар,  
Қайси бир ғамдин қилай фарёдлар.

**БУ ФАСЛДА ДИНФУРУШ, ДУНЁТАЛАБ ВА  
ШАЙХИ ЗАРТАЛАБНИ АЙТУР**

Эй ўғул, бўл динфурушликдин йироқ,  
Динфурушу дилхурушликдин йироқ.

Динфурушлар аҳли бетамйиз бўлур,  
Оқибат ул динфуруш тўнғуз бўлур.

Халқ аро бор эрди бир қутби замон,  
Кўрмас эрди Тангридин суду зиён.

Исми онинг Балъами Боъур эди,  
Расми онинг ҳар замон маҳжур эди.

Шайхлиқ сувратда эрди, хуш либос,  
Бўлмаб эрди нафсдин ҳаргиз халос.

Халқ аро эрди дуоси мустажиб,  
Лекин ул Ҳақ раҳматидин бенасиб.

Халқ мушкилини ҳал айлар эди,  
Барчанинг мақсудини тилар эди.

Ул тараф бормоқни Мусо иттифоқ,  
Қилди Мусо қавм ила юрди яёқ.

Шаҳр халқи шайхқа қилди хабар,  
Бердилар ул шайхқа чандон молу зор.

Балъам ул соатда Ҳақни қаҳридин,  
Бўлди мардуд ул замон мисли лаъин.

Ким дуони қилса дунё важҳидин,  
Бўлғай ул соатда тарсо, гибридин.

Ким дуони қилсалар дунё учун,  
Бўлғай ул даргоҳида итдин забун.

Қилса ҳар кимга дуони дуняға,  
Солғуси маҳшарда ғулни бўйниға.

Олса халқдин, қилса Ҳақдин илтимос,  
Бўлмағай тун-кунда ул ғамдин халос.



Тангриға душмандур бу дунёи дун,  
Тутса дўст ҳар ким ани бўлғай жунун.

Дўсти Ҳақдин бўлмағил ҳаргиз йироқ,  
Тангри душман тутса бўл андин йироқ.

Ҳақ таъоло дуняға қилмас назар,  
Бу сабабдинким нажасдур симу зар.

Майл қилса дуняға ҳар ким агар,  
Етгусидур жониға тифу табар.

(112 ҳ)

Дуняни аҳмаққа Ҳақ дом айлади,  
Кимки аҳмақ кўнглини ром айлади.

Бандани Ҳақни аросида ҳижоб,  
Бўлди бу дунё азоб устун азоб.

Бўлмаса эрди бу йўлда ул ҳижоб,  
Кўрмас эрди ҳеч ким андак азоб.

Аҳли дунё толиби дунё дурур,  
Аҳли Аллоҳ толиби Аллоҳ дурур.

Аҳли дунё чун сагонанд, эй ўғул,  
Аҳли дунё мурдагонанд бефузул.

Аҳли дунё жобиронанд, эй ўғул,  
Аҳли дунё жоҳилонанд беукул.

Аҳли дунё золимонанд, эй ўғул,  
Аҳли дунё ғофилонанд беҳусул.

Аҳли дунё козибонанд, эй ўғул,  
Аҳли дунё фосиқонанд бевусул.

Аҳли дунё баттаронанд, эй ўғул,  
Аҳли абтаронанд бебуд ул.

Бор эди алломае сувратда рост,  
Лекин ул сийратда эрмас эрди кост.

Ваъздин ўзга анга йўқ эрди иш,  
Халқға ваъз айтур эрди ёзу қиш.

Қилди ул воизға тасдиқ хосу омм,  
Жон фидо қилдилар тун-кун субҳу шом.

Ҳар замон ул воизе панд айлади,  
Гўйиё ул қавми банд айлади.

Воиз эрди тўтидек ширин забон,  
Ҳеч ким кетмас қошидин ногаҳон.

Ёд эрди шайхқа ояту ҳадис,  
Бор эди кўнглида они бир хасис.

Халқни ул масти ло йаъқал қилиб,  
Олди халқдин барча пул-молин йиғиб.

Воиз эрди барча сўзда устувор,  
Халқ ошиқ эрди доим беқарор.

Дом ила тазвиру айёру балиғ,  
Қилмас эрди ҳеч ким молин дариф.

Берди халқға пандни афюн қилиб,  
Олди халқнинг молини афсун қилиб.

Қавми мақсуди воиз пандида,  
Қасди воиз қавми пул, молида.

Ваъз айтиб қавмиға ҳар субҳу шом,  
Барча халқнинг молини олди тамом.

Йиғди воиз ё ҳарому ё ҳалол,  
Қилди чандон боғ-роғу мулку мол.

Қўрқмайин халқдин кўнгил муз айлади,  
Қаҳри Ҳақ воизни тўнгуз айлади.

Чиқди тунда шаҳрдин воиз равон,  
Бўлғали чўлу биёбонда ниҳон.

Чиқти воиз кўчага ғавғо қилиб,  
Барча ит қувлаштилар ғавғо қилиб.

Рўсиёҳу, тун қарову кўча тор,  
Тутса ит воизни ҳалқидин тутор.

Жону ҳолатда ул итлардин жудо,  
Бўлди, юрди равон ул рўсиёҳ.

Барча қавми масту ҳайрон бўлдилар,  
Истабон воизни вайрон бўлдилар.

Истади воизни ҳар пиру жувон,  
Тобмади андин биров ному нишон.

Олғали воизни Мусодин, хабар,  
Барча қавми ул тараф қилди сафар.

(113 ҳ)

Бордилар Мусо қошиға хосу омм,  
Қилдилар таъзим бажову ҳам салом.

Шаҳримизда бор эди бир воизе,  
Барчамиз андин эмасмиз норози.

Ул қазоро бир кеча бўлди ниҳон,  
Истадик, биз тобмадик андин нишон.

Мусо ул соатда бадаргоҳи Худо,  
Қилди бу мушкилға чандон кўб дуо.

Шул замон келтурди ваҳй Жабраил,  
Айди воиз ҳолини Рабб ул-Жалил.

Мусо андин қавмиға қилди аён,  
Барча қавми қилди ул ҳолат фиғон.

Ул тарафға юрдилар Мусо ба қавм,  
Субҳу шому шаб-башаб, йавм-файавм.

Қавмиға Мусо ани билдирдилар,  
Суврати тўнгуз бўлубдур, кўрдилар.

Гар киши ваъзин тамаъдин айласа,  
Бўлғусидур оқибат ул Анбаса.

(114)

Гар тамаъдин қилса воизлар сухан,  
Бегумон дўзах анга бўлмиш ватан.

Ким тамаъдин бўлса халқға воизи,  
Бўлғай ул тарсову гибру рофизий.

Айлайин бир яхши панд воиз санга,  
Ҳар амални сен қилиб кўргуз анга.

Сен тамаъдин урмағил халқ ичра дам,  
Икки олам ичра етмас ҳеч ғам.

Воизеким, гар тамаъдин урса дам,  
Ёғилур бошиға лаънат дам-бадам.

Воизо, ваъзингни индаллоҳ дегил,  
Ким эшитиб қилса абдуллоҳ дегил.  
Сен қилиб кўргузма ул қандоғ қилур,  
Сен қилиб кўргузсанг ул андоғ қилур.  
Сен қилиб қавминга кўргуз ҳармаҳал,  
Амри Ҳақға қилмагил андақ ҳийал.  
Воизо, ваъзингни қил тун-кун баён,  
Ҳам яна ваъз ичра қил оҳу фиғон.  
Воизе халқ ичра бўлса пандфуруш,  
Ул киши гўеки бўлмиш қандфуруш.  
Қилса воиз пандини байъу шаро,  
Бегумон маҳшарда қўбқай рўсиёҳ.  
Қилса воиз қавмидин дунё умид,  
Қолғай ул Ҳақ раҳматидин ноумид.  
Воизо, ваъзингни айғил хосу омм,  
Муздини Ҳақдин тила ҳар субҳу шом.  
Тут қулоғинг ичра, эй воизи замон,  
Сен бериб гавҳарни, олма устухон.  
Бермагил гавҳарни сен мурдорға,  
Осмағил ҳалқингни ўздин дорға.  
Воизо, бу пандға солғил қулоқ,  
Чирканатдур бу жаҳон бошдин оёқ.  
Амри Ҳақ гўеки бир гавҳар дурур,  
Молу дунё чиркини бадтар дурур.  
Англағил, дунёву уқбо жам эмас,  
Тутса дўст дунёни ул дил жам эмас.  
Бадтарин одам эрур дунёталаб,  
Беҳтарин одам турур Аллоҳталаб.  
Воизи дунёталаб Намруддур,  
Тангри даргоҳидин ул мардуддур.  
Воизи дунёталаб сангдил бўлур,  
Ҳеч шак йўқ, суврати табдил бўлур.  
Олса воиз ҳалқидин назру ниёз,  
Ул нақл қилса қилмангиз ҳаргиз намоз.

\* \* \*

(114 ҳ)

Гофило умр ўтти доим беҳабар,  
Бетамаъ панд айлагил шому саҳар.

Ман нечун айлай кўнгулни шодлар,  
Қайси бир ғамдин қилай фарёдлар.

### МУСТАЖОБ ДУОНИ АЙТУР

Гар киши моли ҳаром йиғса тўла,  
Қилмагай ҳаргиз Худо раҳмат анга.

Эй биродар, аҳли дунё бўлмағил,  
Ўздин ўзга габру тарсо бўлмағил.

Тутма дўст дунёни, бўл андин йироқ,  
Бўлмағил зинҳор иймондин йироқ.

Эй биродар, бўлмағил дунёпараст,  
Истаса дунёни Ҳақ бандам демас.

Қилса дунёга дуо ул нобакор,  
Бўлғай ул даргоҳи Ҳақда шармисор.

Бўлса ҳар кимни дуоси мустажиб,  
Бўлмагай даргоҳга андин қариб.

Ҳар дуоси гўйиё соил дурур,  
Мақсадин ҳосил қилиб андин ёнур.

(115)

Қилса ҳар ким ҳожати соил қабул,  
Хоҳламас андин кейин соилни ул.

Ким раво қилса гадони ҳожатин,  
Қувлағай соилни бас эшигидин.

Мустажаб бўлса дуо хушнуд бўлур,  
Тангри даргоҳида ул мардуд бўлур.

Мустажаб даъвони абдуллоҳ дема,  
Мужиб уд-даъвони аҳлуллоҳ дема.

Бўлди ул Фиръавн дуоси мустажиб,  
Лекин ул Ҳақ раҳматидин бенасиб.

Сен ризоии Ҳақ учун қилсанг дуо,  
Бўлғай ул соатда ҳожатинг раво.

Гар дуоким, бўлса қил иймон учун,  
Қилмағил дунё билан Шайтон учун.

Тут бу панд кўнглунгда доим, эй ўғул,  
Бўлди ул Намруд дуоси ҳам қабул.

Бўлмағай Мусо асо тутган киши,  
Бўлмағай Исо дуо қилган киши.

Қилса дунё важҳидин ҳар ким дуо,  
Ул дуо эрмастур, ул макру риё.

Эй биродар, сўрмагил икки кема,  
Бир эшикдин икки нарса истама.

Ҳар дуо тақдирни тағйир айламас,  
Ҳар даво иллатни табдил айламас.

Мустажоб бўлмас дуо беизни Ҳақ,  
Берди бу пандини устодим сабақ.

Бўлмағил ҳаргиз дуодин шодмон,  
Оқибат бўлғайман ҳар ғамдин омон.

Қил дуо ё қилса, билғил, эй амак,  
Бўлмағай ҳеч нарса тақдирдин бўлак.

Гар дуо рад қилса эрди, эй жувон,  
Бўлғай эрди маргдин<sup>11</sup> ҳар ким омон.

Ҳар дуо даргоҳида рад бўлмағай,  
Ул қазони ҳам дуо рад қилмағай.

Эй биродар, қил бу сўзларни қабул,  
Ақл бўлса, бўлғасен тақдирга қул.

Тангрининг тақдирига қилғил сукут,  
Урма дам зинҳор бўлғил “анта мавт”.<sup>12</sup>

Йўқ турур бу йўлда мундин ўзга йўл,  
Хожа амрин рад қилолмас ҳеч қул.

Ихтиёр ул Хожада, ҳар ихтиёр,  
Хожага қулсенки, бўл беихтиёр.

Хожа ҳар иш қилса бетадбир қилур,  
Барча қул тадбирини тағйир<sup>13</sup> қилур.

Ул қулида бўлса андак ақлу ҳуш,  
Хожа даргоҳида ул бўлғай хамуш.

<sup>11</sup> Марг – ўлим

<sup>12</sup> Анта мавт – сен ўликсан

<sup>13</sup> Тағйир – ўзгартириш

(115 ҳ)

Хожа тақдиридин ҳаргиз урма дам,  
 Хожадин етмас санга дарду алам.

Банда бўлсанг бандавор бўл, бандавор,  
 Хожани олдида бўлғил мурдавор.

Бўлса ҳар отеки, ул Дулдул эмас,  
 Бўлса ҳар парранда ул булбул эмас.

Хожани амрини бил, эй некбахт,  
 Банда бир холдур, қазо бир боди сахт.

Тут бу сўз ёдингда, эй нодон ўғул,  
 Рад қилолмас Хожанинг амрини қил.

Бандалик бечораликдур, эй қуёш,  
 Қилмағил махлуқига сиррингни фош.

Банда бўлсанг Хожаға бўл мунтазир,  
 Мунтазир қуларға ул қилғай амир.

Қул агар саркашдур, шаҳ торош этар,  
 Балки они шаҳридин ихрож этар.

Ажз ила тақсири йўқлар қул эмас,  
 Ушбу қулар хожаға мақбул эмас.

(116)

Қул агар ғофил дурур хушнуддур,  
 Хожанинг даргоҳидин мардуддур.

Хожанинг амриға қул жонин нисор,  
 Қилса бўлғай, бўлмағай ул хору зор.

Ул қулеки, ожизу бечорадур,  
 Барча қулар ичра ул маҳпорадур.

Хожанинг амриға қул қилмас хилоф,  
 Хожа қилмас ул қулин ҳаргиз азоб.

Қул эсанг бу таврида андеша қил,  
 Ажз ила бечораликни пеша қил.

Ул қулеким, хожасини шод этар,  
 Ул қулини хожаси озод этар.

Эй ўғул, қуллуқ тариқин англағил,  
 Мосиволлоҳни кўнгилдин ташлагил.

Қул эсанг бу йўл аро беришта бўл,  
 Хожа не фармонласа ул ишда бўл.

Хонумон тарк айла, қилғил ишқбоз,  
 Бўлғил ул Маҳмудга гўё Аёз.

Аввало қуллиғда бўл ҳамчун Аёз,  
Айғасен андин кейин Маҳмудға роз.

### ҲИКОЯТ

Ғазнавий шаҳрида Маҳмуд шоҳ эди,  
Аҳли ҳол асроридин огоҳ эди.

Олди бир кун шоҳ бир зийрак ғулом,  
Қошида турғузди они субҳу шом.

Қўйди от ул қулға шоҳ Маҳмуд Аёз,  
Бўлди ошиқ қулға, аммо қилди ноз.

Тутти ул қул шоҳнинг фармонини,  
Қўрди шаҳни барча лутф, эҳсонини.

Сочти бир кун шоҳ чандон симу зар,  
Боғлади ул қул қаноатдин камар.

Барчалар ул пул сари бўлди равон,  
Шоҳ ул соатда қилди имтиҳон.

Шоҳни олдида йўқ ғайр аз ғулом,  
Турди ул қул хизматида субҳу шом.

Шоҳ ул ҳолатда озод айлади,  
Туну кун суҳбатни бунёд айлади.

Бўлди тун-кун шаҳға ул қул мунтазир,  
Ул сабабдин шоҳ они қилди амир.

Бўлди ошиқ қулға ул соатда шоҳ,  
Сидқин англаб берди тахт устиға жо.

Симу зарларга югурган бўлди хор,  
Ҳам яна даргоҳи шаҳда шармисор.

Подшоҳ олдида бўлдилар ҳақир,  
Симу зар деб нафсиға бўлди асир.

(116 ҳ)

Қувладилар шоҳни даргоҳидин,  
Қолди навмид лутфу ҳам эҳсонидин.

Қаҳр қилди шоҳ ул олампаноҳ,  
Барчани қилди ғазабға мубтало.

Боқмади ул шоҳ буларнинг додига,  
Етмади ҳаргиз алар фарёдига.



(117)

Симу зар деб юз ўгурди шоҳдин,  
Бўлдилар тун-кун ғамдин эмин.

Эй биродар, бандалик мундоғ керак,  
Мосиволлоҳдин кўнгил узмоғ керак.

Бўлмасанг ул шоҳға мунтазир,  
Оқибат бўлғунг дурур итдин ҳақир.

Туну кун қуллуғни келтиргил бажо,  
Бўлғасен ҳар доимо хавфу ражо.

Солма кўз ул подшоҳдин ўзгага,  
Берма тил зикру санодин ўзгага.

Қул эсанг даргоҳида бўлғил давом,  
Подшоҳдин ўзгани қилғил ҳаром.

Қўймагил ҳаргиз қадам дунё сари,  
Солма кўз дунёву мо фийҳо сари.

Эй биродар, дуняни қилғил талоқ,  
Гарчи амри бўлсаму қилғил йироқ.

Ҳар нима оламда бунёд айлади,  
Имтиҳон этмакка обод айлади.

Эй биродар, хонумон барбод қил,  
Қаҳри Қақдин руҳни озод қил.

Қилмаса шоҳ амрини ҳар ким қабул,  
Подшоҳ дийдориға бўлмас вусул.

Бу-л-ҳавас қилғай жаҳон савдосидин,  
Бу-л-ҳавасни қувлатур даргоҳидин.

Бўлмаса ҳар кимки дунёдин йироқ,  
Подшоҳ дийдоридин қолғай йироқ.

Эй биродар, дуняни кўрган кўзин,  
Кўрмагай ҳаргиз у кўз шоҳни кўзин.

Эй ўғул, ол “лан тароний” дин хабар,  
Қилмағил дунё сари ҳаргиз гузар.

Ҳеч бадтар йўқ дунёдин ёмон,  
Боқмасанг дунё аро бўлғунг омон.

Солса кўз дунёға ҳар ким беҳисоб,  
Тангри берган “лан тароний” деб жавоб.

Эй биродар, солма кўз бегонага,  
Мунтазир бўл ҳар замон жононага.

Кимки Ҳақ даргоҳида девонадур,  
Ҳақдин ўзга барчаси бегонадур.

Солма кўз бегоналарга, эй қуёш,  
Оҳ деб қон йиғла, ур сийнангга тош.

Ҳақталабсен барчадин юз овругил,  
Бўлғасен бу йўл аро беқолу қил.

Истаса бу йўлда ҳар кимдин мадад,  
Қилмагай даргоҳидин ҳар кимни рад.

Хоҳ тарсо, хоҳ кофир, хоҳ жуҳуд,  
Борса ул даргоҳдин ёнмас нобуд.

Эй биродар, барчадин кечмоқ керак,  
Туну кун хуни жигар ичмоқ керак.

Бандалик қайдида бўл собитқадам,  
Ўзни кўнгила барча камлардинму кам.

Қилмасанг махлуқидин сен илтимос,  
Тангри қилғай ул замон ғамдин халос,

Эй биродар, ҳар фанони ташлагил,  
Сен мадад кўз тутма бўлсун Ҷаброил.

Қилди Иброҳим ҳар кимни фано,  
Ўтни райҳон қилди ул соатда Худо.

Ҳар кишига бўлса гар Ҳақдин мадад,  
Истамас ул ҳеч махлуқдин мадад.

(117 ҳ)

Эй биродар, сидқи дил мундоғ керак,  
Ҳақталабни сидқиси мундоғ керак.

Ҳақталаб бўлсанг балони истагил,  
Сидқ маҳкам қил Худони истагил.

Сидқлиқ бўл, сидқи дил бўл, эй ўғул,  
Сидқсиз бўлмас муножотинг қабул.

Гар киши бу дуняға муҳтождур,  
Ул кишига бу жаҳон меърождур.

Гар киши бу дуняға мағрурдур,  
Икки олам ичра ул ранжурдур.

Гар киши бу дуняға хушнуддур,  
Тангри даргоҳида ул нобуддур.

Бўлсалар бу дуняға ҳар ким ризо,  
Тангри ул соатда бўлғай норизо.

Бўлса дунёга ҳар ким нечутоб,  
Икки олам кўрмагай ҳаргиз азоб.

“Лан тароний” дин хабар олсанг йақин,  
Пок қил кўнглунгни дунё чиркидин.

Тутма дўст дунёни, эй нодон ўғул,  
Бўлма Ҳақ фармонидин ҳаргиз малул.

Истасанг Ҳақнинг ризосин, эй ғулом,  
Ҳақдин ўзга барчани қилғил ҳаром.

Ақл бўлса англағил, эй ҳамнафас,  
Бўлмағил ғофил Худодин бир нафас.

\* \* \*

Ғофило, умр ўтти доим беҳабар,  
Оҳ бирла нола қил шому саҳар.

Ман нечук айлай кўнгилини шодлар,  
Қайси бир ғамдин қилай фарёдлар.

### БУ ХАШМЛИҚДА<sup>14</sup> ИЙМОНИНИ ЙЎҚ ҚИЛМОҚНИ БАЁНИ

Хашми одам гўйиё бир дуддур,  
Хашм гар кўб бўлса ул Намруддур.

Хашмликда турмагай иймон муқим,  
Хашмлиқга Ҳақ қилур хашми азим.

Майли дунё хашмдин пайдо бўлур,  
Кўб уқубат хашмдин пайдо бўлур.

Англағил бу сўзни, эй нодон қуёш,  
Одаме бир кўза, аммо хашм тош.

Юк оғир бўлса кишини тиндирур,  
Кўзада тош бўлса бир кун синдирур.

Тез қилма хашминг андоғким тутун,  
Кўза синғондин кейин бўлмас бутун.

Жондоре кўнгли гўё шишадур,  
Шишага ул хашм гўё тешадур.

Шишага ким солса теша ё табар,  
Шиша ул соат бўлур зеру забар.

Хашмни тарк этсанг, эй доно жувон,  
Бўлғасен ўтлуғ жаҳаннамдин омон.

<sup>14</sup> Хашм – ғазаб, жаҳл

Хашмлиғдин барча дил озордур,  
Хашмлиғлардин Худо безордур.

Бандаи Раҳмонда ҳаргиз хашм йўқ,  
Бандаи Шайтонда ҳаргиз чашм йўқ.

Эй биродар, хашмдин қилғил ҳазар,  
Доимо гўр аҳлиға солғил назар.

Эй биродар, хашмни барбод қил,  
Ҳар нафас ўлмакни доим ёд қил,

Эй биродар, хашмдин бўлғил йироқ,  
Қилғасен бу йўлда андин тумтароқ.

Хашмлиғ ҳолатда иймонинг чиқар,  
Оқибат тарсо каби жонинг чиқар.

Бўлмаса ҳар кимда ҳастликдин ғубор,  
Ул кишидин хашм ул соатда чиқар.

(118 ҳ)

Хашмни тарк этмасанг сан, эй ўғул,  
Тангриға тоатларинг бўлмас қабул.

Эй биродар, айласанг ҳастликни хок,  
Бўлғусидур руҳунг ул соатда пок.

Ҳеч кимарса бўлмас ҳастликдин киши,  
Тобмағай ҳаргиз камол қилган иши.

Эй ўғул, ҳастликни барбод айлагил,  
Оҳ деб ҳар дамда фарёд айлагил.

Эй биродар, бўлса гар бир зарра ҳуш,  
Бодаи ишқидин эт бир қатра нўш.

Эй биродар, ўзни хомуш айлагил,  
Мосиволлоҳни фаромуш айлагил.

Дунёни ҳар ким фаромуш айламас,  
Бодаи ишқдинки, ул нўш айламас.

Гар кишиға бўлса дунёдин баҳам,  
Ул кишиға бўлмағай майдин баҳам.

Гар киши тарк этмаса мовуманий,  
Билмағайлар ул киши май қадрини.

(119)

Ҳар киши май ичса қўб фарёд этар,  
Хонумонинг шул замон барбод этар.

Гар киши май ичса бўлғай беҳижоб,  
Бегумон жаннатга киргай беҳисоб.

Кимки бўлса беҳижоб мардон бўлур,  
Беҳижоб бўлгонки, дардмандон бўлур.

Хашмни тарк айла, бўлғил сабрлик,  
Сабрлик борони бўлғай абрлик.

Сабрлик доим ҳаловат ичрадур,  
Шукрлик доим қаноат ичрадур.

Шукрни бисёр қил, эй Навжувон,  
Шукр кўб қилган саодатдин нишон.

Гар киши доим қаноат айламас,  
Ул кишини ҳеч жондор хоҳламас.

Ҳар гадоға йўқ таваккулдин ёруқ,  
Сабр ила шукру қаноат анда йўқ.

Йўқ турур кўнглида иймон равшани,  
Ул сабабдин ит гадонинг душмани.

Тишласа ҳар ит аввалги эшигин,  
Ҳар эшикни итлари тутқай думин.

Ҳар эшикнинг итлари ғавғо қилур,  
Ҳалқидин тишлаб ани расво қилур.

Ит агар доим қаноатда ётур,  
Гарчи танглик бўлса роҳатда ётур.

Ҳар эшикка ит агар кўзин солур,  
Ул киши ул итни ҳам кўздин солур.

Кетмаса ит бир эшикдин ҳар қаён,  
Ул киши ул итга бўлғай меҳрибон.

Англа бу тамсилни, эй пиру жувон,  
Ҳеч йўл йўқтур анонатдин омон.

Гар умид қилсанг Худо боргоҳидин,  
Ҳар нафас юз оворма даргоҳидин.

Ҳар харобот бўлса Ҳақ даргоҳидур,  
Ҳар иморат бўлса халқ даргоҳидур.

Подшоҳ улдур ғанийлардин ғаний,  
Не талаб қилсанг берур охир ани.

Қилса тун-кун гар киши юз минг умид,  
Қўймағай ул касни ҳаргиз ноумид.

Қилса шоҳ амриға қул жонин нисор,  
Оқибат ул қул фалак устун чиқар.

(119 ҳ)

Қилса қул шаҳ амриға жонин фидо,  
Ғазна эшигини шаҳ очқай анго.

Қилсанг бир мақсудни андин талаб,  
Қўб тилагандин сани қилмиш талаф.

Мунтазир бўлсанг ани даргоҳиға,  
Ул мушарраф айлағай инъомиға.

Эй биродар, умр юз йил бўлсаму,  
Жустужу қил, жустужу қил, жустужу.

Эй биродар, узмагил ҳаргиз умид,  
Қилғасен хизматни кун-кундин (навид).

Йиғласанг даргоҳи Ҳақда зор-зор,  
Қилмағай ҳаргиз сани ул шармисор.

Ташласанг икки жаҳон мурдорини,  
Қўрсатур андин санга дийдорини.

Қилмасанг жаннатни ҳаргиз ихтиёр,  
Бўлғасен даргоҳи Ҳақда эътибор.

Эй биродар, истасанг дийдори Ҳақ,  
Қилғил аввал жомаи ҳастликни шақ.

Ҳар киши ҳастликни барбод айламас,  
Ул кишини Тангри озод айламас.

Ҳеч нима йўқтурки, ҳастликдин ёмон.  
Худнамолиғ, худпарастликдин ёмон.

Қул агар хизматни пайдар-пай қилур,  
Ҳожа ҳам инъомни пайдар-пай қилур.

Қилса қул хизматни кун-кундин тўла,  
Ҳожаси ҳам қилғай инъомин тўла.

Эй биродар, хонумон барбод қил,  
Оҳ деб қон йиғла, қўб фарёд қил.

Хонумон тарк этмаган ошиқ эмас,  
Подшоҳ дийдориға лойиқ эмас.

Хонумон тарк айлаб, андин йўлга кир,  
Пок қил кўнглунгни андин бўл амир.

Юргасен бу йўлда доим дарбадар,  
Демагил фарзанд ё модар, падар.

Ошиқ эрсанг бўлғасен бехонумон,  
Тангри қилғай ҳар азобдин омон.  
Ошиқ эрсанг ушбу сўзни англағил,  
Ол насиҳатни қулоққа, тинглағил.  
Ҳар нимаким, Тангридин ғофил қилур,  
Тангрини дийдориға ҳатл қилур.  
Қилмаса ҳар кимки нопаддо ани,  
Ёндирур даргоҳидин навмид ани.  
Аҳли дунёдир ҳама модар, падар,  
Қатл қилу дафн қил, андин гузар.  
Дунёни асли падар, модар дурур,  
Дунё фаръи мол, фарзанд дурур.  
Қолмаса кўнглунгда ҳар турмуш хаёл,  
Қилғай ул дийдориға андин висол.  
Ҳар киши бу сўзга гар содиқ эмас,  
Ул киши дийдориға лойиқ эмас.  
Бўлса гар кўз ичра андак бир нима,  
Уриниб кўз кўрмагай ул бир нима.  
Бўлмаса ойнада гарду ғубор,  
Кўринур ойнада дийдори ёр.  
Бўлса равшан доимо кўнглунг кўзи,  
Кўрганидур Тангрини кўнглунг кўзи.

\* \* \*

Ғофило, умр ўтти доим беҳабар,  
Нола қил булбул каби шому саҳар.  
Ман нечук айлай кўнгилни шодлар,  
Қайси бир ғамдин қилай фарёдлар.

БУ ФАСЛДА АНДЕШАИ ДУНЁ ҚИЛМОҚНИ  
КАЙФИЯТИНИ БАЁНИ

Гар кишида бўлса ҳар турлук хаёл,  
Боқмагай ул касга ҳаргиз Эу-л-Жалол.

Ул хатлинг сулҳ бўлсун, хоҳи жанг,  
Хоҳ фахрий бўлсун ул ё хоҳи нанг.

Эй биродар, қил бу тавр андешае,  
Боқий ўлсун устухон у решае.

Гул эсанг гулшанни қилғайсан хаёл,  
Хор эсанг гулханни қилғайсан хаёл.

Бўлса кўнглунг ичра дунёдин хаёл,  
Қилмағайсен ҳаргиз Аллоҳдин хаёл.

Қилма ҳаргиз ҳусни раънодин хаёл,  
Қилма ҳам фирдавси раънодин хаёл.

Англағил бу сўзни, эй сувратпараст,  
Бўлғай ул соат таҳоротинг шикаст.

Ошиқи сонияға нур вофир дурур,  
Ошиқи маснуълар кофир дурур.

Қилма дунё мол-мулкани хаёл,  
Қилма ҳам ул Тангри инъомин хаёл.

Эй биродар, барча аъмолинг хаёл,  
Рост келмас анда бу қилғон хаёл.

Абди Воҳид бўлган ул ваҳид бўлур,  
Бош кўтармай ердин ул сожид бўлур.

(121)

Ҳар хаёл қилган киши озмиш дурур,  
Бадхаёл гўёки чоҳ қазмиш дурур.

Эй биродар, тифлдек бўл беҳаёл,  
Қолмасун кўнглунгда ҳаргиз қилу қол.

Тифилардек бўлса ҳар доим киши,  
Қолмағай суду зиён бирла иши.

Бўлмаса дунёға ҳар кимни ҳуши,  
Ҳеч шак йўқтурки, ул учмоқ киши.

Бўлса ҳайронлик аро ҳар ким ҳалок,  
Бўлғусидур ул киши мардони пок.



Урма дам икки жаҳондин, эй ўғул,  
Барчалар бу йўлда бўлғай беҳусул.

Эй биродар, ушбу пандим ёд ол,  
Қолни тарк айла, бўлғил аҳли ҳол.

Ақлу дониш, эй ўғул, бу йўлда лол,  
Ақлу дониш тарк қил, бўлғил висол.

Зийракий ширину ҳайроний чу зар,  
Зийракий хармўҳра, ҳайроний гуҳар.

Ақлу донишму қазо етмаса ҳўб,  
Гар қазо етса қолур дониш туруб.

Ул қазодин ҳеч жон эмин эмас,  
Хоҳ баланд парвоз бўлсун, хоҳи паст.

Хоҳ анқо бўлсуну хоҳ мури наҳиф,  
Хоҳ шоҳу хоҳ гадо бўлсун заиф.

Моҳийлар дунёда бўлғай кўру кар,  
Қолмағай ул нури Хуршиду қамар.

Тутсалар кўз ақлу донишдин вафо,  
Бўлғай ул доми қазоға мубтало.

Тутса ҳар жоне қазони домиға,  
Кўб надомат айлағай аҳволиға.

Гар киши ҳайрону ҳам расво дурур,  
Ул кишиға сирри Ҳақ пайдо бўлур

Ҳар кишиға бўлса расволиғ насиб,  
Ҳеч шак йўқ Тангриға бўлғай қариб.

Ҳар кишиким, бўлса ҳайрону давом,  
Аршдин устун анга бўлғай мақом.

Ишқ бир боди азимдур, ўзга хас,  
Йўқ турур Ҳақдин бўлак фарёдрас.

Ишқ агар жўш этса, эй пиру жувон,  
Ларзага келгай замин ҳам осмон.

Ишқ ўтиға бўлса гар кўнглунг ватан,  
Куйдуруб ҳастликни қолмас мовуман.

Кимки худбин бўлса ул девонадур,  
Тангри даргоҳидин ул бегонадур.

Бўлса дев кўнглунгда гар ишқи жамил,  
Оқибат бўлғай ўшал дев Жаброил.

Бу жаҳон сармоясидур симу зар,  
Ишқ бозорида афзал чашми тар.

Ишқнинг беш минг пари бор, эй (ағо),  
Ҳар бири Аршдин етар таҳт ас-саро.

Шарҳ қилсам ман ани тун-кун давом,  
То қиёмат ўтса ул бўлмас тамом.

Англағилким, ул қиёмат ҳадди бор,  
Шарҳи ишқ этмакка кимни ҳадди бор.

Мажмаъ ул-баҳрайндур ишқ, эй ўғул,  
Шаҳд қил бир қатра андин қил ҳусул.

Ҳар кишида бўлса гар бир ақлу ҳуш,  
Ишқ дарёсидин этгай қатра нўш.

Кимки ул дарёдин андак нўш этар,  
Икки олам ўзни ул хомуш этар.

Тавба кирму ишқ гўё аждаҳо,  
Тавба васфи ишқу ишқ васфи Худо.

Қайнатур дарёни ишқ монанди дег,  
Реза қилғай тоғни монанди дег.

Қатралар жам ўлса ул дарё бўлур,  
Бўлса ишқ ҳар кимда ул анқо бўлур.

Икки оламдин кўнгиликим мунқатиъ,  
Қилса Ҳақ боргай анга жойи рафиъ.

Ишқ руҳни лойиқи даргоҳ этар,  
Чарби ширин руҳни нопок этар.

(122 ҳ)

Ишқ элтгай руҳни ҳар дам ҳаво,  
Нафс тортқай руҳни таҳт ас-саро.

Ҳар нима жинси замин, эй ҳар сифат,  
Қилмағил руҳунгға андин тарбият.

Олами руҳонийдин қилсанг физо,  
Кўргасен Фирдавсда доим лиқо.

Руҳни афлок қилғил, эй азий,  
Олами руҳонийдин олғил лазиз.

Аввало руҳунгни қил руҳоният,  
Тобқасен андин кейин ваҳдоният.

(123)

Эй биродар, жаҳд қил Раҳмоний бўл,  
Топилур андин кейин Воҳидга йўл.

Нафси руҳоний ҳама айни сафо,  
Нафси ҳайвоний ҳама жавру жафо.

Айтайин кўнглунгда тут, эй ҳамнафас,  
Ҳар нимадин чиқар ул қути нафас.

Келса Ҳақдин ҳар нима, эй бу-л-футуҳ,  
Бўлғусидур бегумон ул қути руҳ.

Оташи ишқ тушса ҳар бечорани,  
Куйдирур дастор ила сажжодани.

Тўрт нимарса руҳга қилгай мадад,  
Зикру ажзу шукру ҳамди беадад.

Кимки бу тўрт ишда бўлса бардавом,  
Подшоҳи боқийга бўлгай гулом.

Зикр қилсанг кўб муҳаббатдин ани,  
Дўст тутар ул барчадин кўброқ сани.

Ўзни кўрсанг барчадин кам, эй писар,  
То санга қилгай Худо андин назар.

Шукрлар қилсанг ани инъомига,  
Ул мушарраф айлагай эҳсонига.

Сабр қилсанг кўб емакка, эй ўғул,  
Ул муҳаббат жомидин бўлгай ҳусул.

Ибтидои ишқдур жуъи шикам<sup>15</sup>,  
Кам дурур халқ ул қилур жуъи шикам.

Беҳтарин одамдур ул жуъи шикам,  
Бадтарин одамдур бўлса пўр шикам.

Ишқ ҳар дам жуъдин пайдо бўлур,  
Кўб егандин ишқ нопадидо бўлур.

Меъда холий зикри Ҳақ оғоз этар,  
Руҳи анинг Аршга парвоз этар.

Ул сабабдин жуъдур хосони Ҳақ,  
Руҳига келгай физо<sup>16</sup> чандон табақ.

Меъда гар холийдур ишқ алвож этар,  
Фаршдин то Аршқа маввож этар.

<sup>15</sup> Жуъи шикам – оч қорин.

<sup>16</sup> Физо-таом.

Меъда холий бўлса ул ганжи Худо,  
Меъда пўр<sup>17</sup> бўлса ул ранжу бало.

Меъда холий бўлса руҳ учқай ҳаво,  
Меъда гар пўрдур борур таҳт ас-саро<sup>18</sup>.

Меъда холийга келур Ҳақдин нидо,  
Меъда гар пўр бўлса руҳ тобқай жазо.

Меъда холий бўлса руҳ гўё бўлур,  
Олами руҳонийга шайдо бўлур.

Англа бу пандимни, эй нодон ўғул,  
Меъда холий бўлса ишқ қилгай нузул.

Меъдани пўр қилма ҳаргиз, эй рафиқ,  
Меъдаси пўр ўрнидир чоҳи амиқ.<sup>19</sup>

Эй биродар, истагил тун-кунда жуъ,  
Кўб емакка қилмагил ҳаргиз ружуъ.

(123 ҳ)

Меъдани пўр қилса ҳар ким беҳисоб,  
Оқибат бўлғай анинг ҳоли ҳароб.

Меъда гар пўрдур борур кўз уйқуга,  
Ул киши албатта қолгай қайғуга.

Тут қулоғинг ичра, эй пиру жувон,  
Ҳеч айб йўқ пўрхўроқликдин ёмон.

Қилғусидур ҳар таом ҳар кимни маст,  
Кўб еса ҳар ким бўлур шаҳватпараст.

Пўрхўроқлик барча илатдин ёмон,  
Камхўроқлик некбахтликдин нишон.

Меъда холий бўлса руҳи пок бўлур,  
Меъдагар пўр бўлса руҳ нопок бўлур.

Камхўроқлик барча тоат ичра хос,  
Камхўроқ бўл доимо, эй Ҳақшунос.

Меъда холий бўлса Раҳмоннинг уйи,  
Бўлмаса дев бирла Шайтоннинг уйи.

Меъда холий бўлса ул Арши тўло,  
Билки, ар-Раҳмон ала-л-Арш истиво.

---

<sup>17</sup> Пўр-тўла.

<sup>18</sup> Таҳт ас-саро-ер ости.

<sup>19</sup> Чоҳи амиқ-чуқур қудуқ.

\* \* \*

(124)

Пўрхўро, умр ўтти доим беҳабар,  
Холи қилғил меъдани шому саҳар.

Ман нечук айлай кўнгулни шодлар,  
Қайси бир ғамдин қилай фарёдлар.

### БУ ФАСЛДА ДЎЗАХУ БИҲИШТЛАРНИ АЙТУР

Сол қулоқ бу пандга, эй пиру жувон,  
Дўзаху жаннатни то айлай баён.

Қилди етти дўзаху саккиз биҳишт,  
Кимки мункирдур они оғзиға хишт.

Бирни оти Жаннат ул-афъол эрур,  
Бир оти ҳам Жаннат ул-аъмол эрур.

Гар кишини яхши аъмоли тўла,  
Бўлса, ул жаннатни Ҳақ бергай анго.

Гар киши тоатни қилса беҳисоб,  
Бергай ул жаннатда неъмат беҳисоб.

Бўлмаса ҳар кимда тоат, эй ғариб,  
Ул кишига йўқ турур жаннат насиб.

Ушбу жаннат музди<sup>20</sup> тоатдур, билинг,  
Гар умид қилсанг ани тоат қилинг.

Ушбу жаннатдурки, нафсни жаннати,  
Тобқусидур нафс андин лаззати.

Кимки бу жаннатга гар рози дурур,  
Ул кишидин Тангри норози дурур.

Мустафо бу хилни аблаҳ деди,  
Ушбу жаннат нафсга ғиллаҳ деди.

Бу жаҳонда бўлса ҳар турлук нима,  
Бор дурур ул жаннат ичра ул нима.

Ушбу жаннат айш ила ишрат дурур,  
Ушбу жаннат ичра кўб неъмат турур.

Йўқ турур мундин бўлак ул ерда иш,  
Бўлмағай ул ерда ҳаргиз ёзу қиш.

<sup>20</sup> Музд-Ҳақ

Нафс бул жаннатда бўлғай шодмон,  
Тангрини қилғай фаромуш ул замон.

Кимки бу жаннатга гар муҳтождур,  
Ушбу жаннат нафсга меърождур.

Кимки бу жаннатга бўлса ҳамқарин,  
Бўлғусидур ул киши аблаҳтарин.

Бўлмас они нафси неъматдин халос,  
Бўлмағай ҳар дамда шаҳватдин халос.

Гар киши нафсини қилса шодмон,  
Бўлмағай ул ҳеч вақт ғамдин омон.

(124 ҳ)

Ул бирин оти Варосатдур, билинг,  
Айтай онинг васфини англаб олинг.

Айтайин эмди Варосатни санга,  
Кимки хушхулқ бўлса ул киргай анга.

Кимки бўлса шаръида ҳам хулқи хуш,  
Бўлғай ул жаннатда доим кўнгли хуш.

Билки бу жаннатни, эй пиру жувон,  
Олами Раббонийға бўлғай макон.

Мустафонинг вориси олим дурур,  
Олимеким, олими ҳомил дурур.

Одамийнинг беҳтари олим дурур,  
Олими омилға бу манзил дурур.

Хосларга қилди бу жаннатни Ҳақ,  
Бошидин дурлар сочар ҳар дам табақ.

Ул биҳиштдин бу биҳишт аъло дурур,  
Ушбу жаннат ичра дил бино дурур.

Фоизи бисёр бу жаннатдадур,  
Кимки бу жаннатдадур раҳматдадур.

(125)

Оммларға бу биҳишт ҳосил эмас,  
Хосларға мунда Ҳақ восил эмас.

Ушбу жаннат жойи оройиш дурур,  
Қулларин Ҳақ мунда озмойиш қилур.

Ул биринни оти Жаннот ус-сифот,  
Кирсалар ҳар ким бўлур ғамдин нажот.

Қилди Тангри васф асмодин ани,  
Кимки кўб васф этса Ҳақ бергай ани.

Васф ила асмони ким одат этар,  
Ушбу жаннат ичра Ҳақ озод этар.

Бу биҳишт ҳосил эмас ҳар носга,  
Қилди Ҳақ бу барни хосс ул-хоссга.

Кимки бу жаннатда бўлса барқарор,  
Ул юрур бу жаннат ичра шаҳсувор.

Қилса бу жаннатни ҳар ким ихтиёр,  
Зоти Ҳақдин ўзга бу жаннатда бор.

Ул сабабдин бу биҳишт боло дурур,  
Мурғи хуш алҳонлари гавфо қилур.

Шаҳду шаккар бирла бир дарёси бор,  
Хуру филмондин тилим ҳамроси бор.

Шири шўри мурғи хушалҳон ҳар тараф,  
Бўлғай ул ҳол ғуссаву ғам бартараф.

Имтиҳон этгай бу жаннат халқини,  
Қилгай андин қулларини фарқини.

Ушбу қулар толиби маъвомудур,  
Баъзисиким, толиби Аллоҳмудур.

Ул бирини оти Жаннат ул-Хусул,  
Толиби Ҳақ Тангрига бўлғай вусул.

Гар кишига қилса Ҳақ ани ато,  
Кўрсатур ул жаннат ичра Ҳақ лиқо.

Гар кишини сифати руҳонийдур,  
Ул киши бу жойи аълоға борур.

Бордур бу жаннатда дарёи хамр,  
Бўлғай ул кун толибуллоҳға амир.

Беҳижобким, бўлса бўлғай Ҳақшунос,  
Ҳақшунос ул ерда бўлғай айни хос.

Бу биҳиштга айни хос дохил бўлур,  
Тангрини дийдориға восил бўлур.

Бўлмаса руҳоний ҳар ким беҳусул,  
Ҳам тополмас ушбу жаннат сори йўл.

Қатралар жам бўлса бир дарё бўлур,  
Гар киши руҳонийдур Исо бўлур.

Кимки бу жаннатга гар дохил эмас,  
Тангрининг дийдориға восил эмас.

(125 ҳ)

Ҳеч нима йўқ ишқи Аллоҳдин бўлак,  
Ҳам яна нури тажаллийдин бўлак.

Руҳ бу жаннатга кўп парвоз этар,  
Ишқдин ҳар дам-бадам овоз этар.

Руҳ бу жаннатда кўп қилғай наво,  
Кўрсатур ул соат ичра Ҳақ лиқо.

Ушбу жаннат ишқдин меърождур,  
Ушбу жаннат руҳға меърождур.

Ишқдин ҳар кимда бўлса парру бол,  
Куйдириб ул ерда то бўлғай висол.

Толиби Ҳақ ул замон фарёд этар,  
Куйдириб жонини ул барбод этар.

Бўлғусидур хамр ул соат ҳалол,  
Ҳақталаблар нўш этиб кўргай жамол.

Ташналарға ул шароб дунёси бор,  
Тошлар ўрнида дур яктоси бор.

Нур қадаҳларда тутуб илкида ҳур,  
Ичгайлар ошиқлар шаробан-тахур.

Майл қилғай ҳар нима ўз жинсига,  
Ҳар нима қилғай ружуъ ўз аслига.

(126)

Руҳлар муҳтождур кўргай лиқо,  
Ҳам лиқо муҳтождур ул руҳго.

Эй биродар, қил бу сўзга эътиқод,  
Ишқдин ўзгага қилма эътимод.

Гул эсанг гулшанни ёд этгил тилим,  
Хор эсанг ўт ичра бўлғайсен муқим.

Эй биродар, руҳни сен хос қил,  
Хос қилсанг хоси айн ул-хос қил.

Ҳар кишида бўлса гар арвоҳ пок,  
Ҳеч шак йўқтурки, ул мардони пок.

Кимки ошиқ бўлса фармондордур,  
Икки олам олдида мурдордур.

Гул эсанг гулшанни қилғил орзу,  
Хор эсанг гулшанни қилғил жустужу.

Кимки бу оламда бўлса безабон,  
Безабонлиғ некбахтликдин нишон.



Ким емак-ичмакдин бўлса мунқатаъ,  
Қилмаса ҳам барча махлуқдин тамаъ.

Бу сифатлар барча руҳоний дурур,  
Ҳақ талабга Тангри фармони дурур.

Истаса ҳар кимки дийдори бақо,  
Бу сифатлик бўлса ул кўргай лиқо.

Кимки бу пандимға гар роғиб эмас,  
Ҳеч ичак йўқтурки, ул толиб эмас.

Толиби Ҳақларға бу пандим сабақ,  
То нажот этгай ани Рабб ул -Фалақ.

Бўлса кўнглунг ичра гар ул ишқи Ҳақ,  
Ҳар нафас чиққунча бўл бо ёди Ҳақ.

\* \* \*

Фофило, умр ўтти доим беҳабар,  
Оҳ бирла нола қил шому саҳар.

Ман нечук айлай кўнгулни шодлар,  
Қайси бир ғамдин қилай фарёдлар.

### МУНОЖОТ

Оҳким, умр ўтти кўб ғафлат била,  
Оқибат жон борғудек ғафлат била.

Қилмадим фармони Ҳақни яхшироқ,  
Бўлмадим ҳаргиз ёмон ишдин йироқ.

Доимо умрумда бўлдим шодмон,  
Қилмадим асло ўзумни имтиҳон.

Кўб хаёл, андеша қилдим беҳуда,  
Барчаси парвона, аммо қасдида.

(126 ҳ)

Қилмадим амрингни асло субҳу шом,  
Қилмадим неъматни еб ҳаргиз тамом.

Подшоҳо, барчанинг доноси Сен,  
Зоҳиру ботинни ҳам банноси Сен.

Қилмадим амрингни Аллоҳим Сенинг,  
Сандин ўзга йўқтур ғамхоҳим менинг.

Подшоҳо, барчага Сандин мадад,  
Ҳожатинг йўқтурки, Аллоҳ ус-Самад.

(127)

Подшоҳо, барчага Сен раҳнамо,  
Бирлигинг Ҳаққи ҳидоят бер манго.  
Ул ҳидоятга мани қилгил яқин,  
Қилма бу олам аро ғамдин эмин.  
Нутқ бер ҳамдингни оғоз айлайин,  
Олами ғайбийга парвоз айлайин.  
Гарчи мен лойиқ эмас ҳамд айтғали,  
Бир ҳавас кўнглимда бордур айтғали.  
Ҳеч мавжуд йўқки, ул ҳамдинг демас,  
Ҳамдни лойиқ демак ҳаддин эмас.  
Икки олам ҳечлардин ҳечман,  
Туну кун исёнға печопечман.  
Қилмадим амрингни яхши ёзу қиш,  
Йўқтурур шармандаликдин ўзга иш.  
Даргоҳингда гарчи бўлсам беамал,  
Етмагай зотингга андин бир халал.  
Сен эрурсан икки оламдин ғаний,  
Раҳматингдин қўймағил навмид мани.  
Барча махлуқ ичра бўлсам беамал,  
Қил мушарраф раҳматингга бехалал.  
Куфру ширк кўнглумда пайдо қилмағил,  
Халқ аро маҳшарда расво қилмағил.  
Дин уйини асли обод этмадим,  
Ажэ ила тун-кун сани ёд этмадим.  
Қилмадинг неъматларинг мандин дариф,  
Раҳматингни қилма ҳам мандин дариф.  
Бу қулунг шойистаи даргоҳ эмас,  
Туну кун аҳволидин огоҳ эмас.  
Тут паноҳинг ичра, эй олампаноҳ,  
Қилмағил фосид хаёлға мубтало.  
Ҳар нафас қўйғил мани ёдим билан,  
Бўлмаса қатъ айла бунёдим билан.  
Бўлмағил мандин Худоё норизо,  
Бер гуноҳимга бугун юз минг жазо.

Бу жаҳонда ранж ила меҳнатда тут,  
Рўзи маҳшар иззату ҳурматда тут.

Бу жаҳон қоғоз дурур, мен бир қалам,  
Мен қаро қоғозни қилдим дам-бадам.

Ногаҳон гар бўлса нуқсон ул қалам,  
Қилгай ул котиб қалам бошдин қалам.

Қосири айни қусурмен, эй Худо,  
Сандин ўзга йўқ паноҳим, эй Худо.

Қилмаган, қилган ҳама яксон Санга,  
Бандани афв айламоқ осон Санга.

Йўқту ҳеч оламда мандек бадфеъл,  
Йўқту манда яхши феълу яхши ҳол.

Эй Худо, оламда бадкирдормен,  
Ҳарнаким мурдордин мурдормен.

Қилмадим амрингга ҳаргиз жустужу,  
Қилмадим зикрингни ҳаргиз гўфтугу.

Туну кун ҳар ерда ман тутқоч ватан,  
Васваса кўнглум аро қилмиш ватан.

Ҳар замон кўнглум аро юз можаро,  
Бўлмадим васвосдин ҳаргиз жудо.

Фикру зикрим доимо васвосдур,  
Не учун кўнглумда ул Ханносдур.

(127 ҳ)

Эй Худо, Ханносдин бергил паноҳ,  
Ушбу дарди бедаво бергил шифо.

Эй Худо, беморларга Сен табиб,  
Ожизу бечораларга Сен ҳабиб.

Бўлмадим холий риёдин бир нафас,  
Қодиру Ҳодийсен-ўқ фарёдрас.

Қудратинг даштида мушти хокмен,  
Сан манга раҳм этмасанг нопокмен.

Ўтса юз минг гарчи кўкдин хато,  
Ҳеч шак йўқтурки, бузругдин ато.

Бўлса гўдак гарчи ношойиста кор,  
Қилмағай модар, падар беътибор.

(128)

Эй Худоё, Сен булардин меҳрибон,  
Бир ёмон иш ўтса мандин қил ниҳон.

Яхши ишга йўқту ҳожотинг сани,  
Йўқ Санга лойиқ муножотим мани.

Сажда қилса ўту бутга инсу жон,  
Етмагай зотингга ҳеч андин зиён.

Одамийлар гўйиё қурти пилло,  
Оқибат қилган ишига мубтало.

Гулни тиккан гул тамошолар қилур,  
Хор тарифон дардига ғавғо қилур,

Ҳар киши яхши зироатлар қилур,  
Оқибат айшу фароғатлар қилур.

Ишлаган халқ нозу неъматлар егай,  
Кимки бекор бўлса ҳасратлар егай.

Боғ солган боғ аро ишрат қилур,  
Боғсизлар ҳар тараф ҳасрат қилур.

Тут бу пандни, эй сағиру эй кабир,  
Уй солиб шаҳр ичра андин кўча кир.

Қилмасанг шаҳр ичра аввал бир макон,  
Тобмағайсен дарду кулфатдин омон.

Эй биродар, дин ишин барпой тут,  
Тонгла жаннат ичра ҳам бир жой тут.

Бўлса Ҳақ фармонидин ҳар ким бурун,  
Тегмагай жаннат аро ҳаргиз ўрун.

Ҳар кишиким, бўлса Аллоҳдин йироқ,  
Солмағай бу сўзга ул ҳаргиз қулоқ.

Жон қулоғи ичра тут, эй хосу омм,  
Беҳуда ўткарма умрунг субҳу шом.

Боғла ҳимматдин камар, мардона бўл,  
Тангрини фармонига парвона бўл.

Туну кун бедор бўлғил айғудек,  
Умрунг ўтгай гўйиё оқғон су(в)дек.

Бўлма бир соатда ғофиллик билан,  
Ҳам кечурма умр жоҳиллик билан.

\* \* \*

Гофило, умр ўтти доим беҳабар,  
Оҳ бирла нола қил шому саҳар.

Ман нечук айлай кўнгулни шодлар,  
Қайси бир ғамдин қилай фарёдлар.

### БУ ФАСЛДА ҚАБРНИ ВА АҲВОЛИ ҚИЁМАТНИ АЙТУР

Гўр ғамидин бўлмағил ҳаргиз омон,  
Яхши ишга тез-тез бўлғил равон.

Гўр қоронғу, тор, на йўлдоши бор,  
Арзу ҳол айтмоққа на мунгдоши бор.

Бу сафарга туну кун қилғил яроғ,  
Жабдуғингни рост қил, олғил чироғ.

Эй биродар, бу жаҳон бозори бор,  
Беирам халқ унда бўлғай хору зор.

Ҳеч ким ул бозордин қолмас туруб,  
Бормағонни элтгай сурубу уруб.

(128 ҳ)

Ул куни қаҳрию ҳам лутфи куни,  
Берса пул ким бермас сувни.

Қочқуси фарзанд атодин бир тараф,  
Ул куни бўлғай муҳаббат бартараф.

Ул куни ташна, гуристон хосу омм,  
Ул кун ичра (қайғу) тун-кун, субҳу шом.

Ҳар бири ўз ҳолига фарёд этар,  
Кимни раҳмат қилса Ҳақ озод этар.

Бўлғай баъзи охирида во ҳасрато,  
Баъзиларға Тангриси қилғай ато.

Ақл ҳайрондур бу ишдин, эй амак,  
Йўқтур ул кун оҳу аффондин бўлак.

Ким билур мўмину, ким Намрудким,  
Ул куни мақбул ким, мардуд ким.

Эй биродар, ҳар нафас ҳушёр бўл,  
Кўз очиб юмғунча ҳам бедор бўл.

Тутқасен пандимни кўнглунгда муқим,  
Бордур то ҳам Сирот ул-Мустақим.

(129)

Ҳар кишиким, бу жаҳон осон ўтар,  
Ул киши ул ерда ҳам осон ўтар.

Рўзи маҳшар халқ аро ғавғо бўлур,  
Ҳар бири бир-бирига даъво қилур.

Анбиёву авлиё ожиз дурур,  
Ўзгалар ул кун баче ночиз дурур.

Қўлламас ҳеч кимни ул кун ҳеч ким,  
Барчалар ғам-ғуссалиғ ҳам хавфу бим.

Анбиёву авлиё ҳайрон эрур,  
Андин ўзга барча саргардон эрур.

Оқибат ишларни то айтай санго,  
Гар отанг Нуҳ ўлса бўлмаслар паноҳ.

Эй биродар, англагил ул Нуҳи хос,  
Қилмади ўғлини Савфондин халос.

Манфаат қилмас санга ҳаргиз насаб,  
Сен ишонма наслга, эй беадаб.

Анбиёву авлиё муҳтож анга,  
Суд қилмас ул куни ҳаргиз анга.

Барча пайғамбар тилар ўз нафсини,  
Қўллаёлмаслар алар фарзандини.

Барча одам ҳолиға ҳайрон эрур,  
Барча жонлар ул куни гирён эрур.

Сўрмағай анда отанг кимдур сани,  
Ул куни не кечгай аҳволинг сани.

Бўлма бу оламда ҳаргиз беамал,  
Ҳар кишидан ул куни сўрғай амал.

Ул куни бисёр бўлғай можаро,  
Ҳар киши ўз ҳоли бирла мубтало.

Айди пайғамбар ба овози баланд,  
Хуш тақаллум айлади гўёки қанд.

Қилмаса амримни фарзандим қабул,  
Бўлмағайлар ул манга ҳаргиз ўғул.

(129 ҳ)

Беамал авлоди пайғамбар эмас,  
Гарчи фарзанддур, фарзандим эмас.

(130)

Эй ўғул, ул кунда аъмол эътибор,  
Беамаллар бўлгай ул кун хору зор.

Эй биродар, ушбу пандим англағил,  
Жаҳд ила доим отанг қилганни қил.

Сен агар қилсанг отанг қилган мудом,  
Ҳар гуноҳга йиғлаб уч юз йил тамом.

Ҳеч ким ул дам шафоат айламас,  
Ҳеч ким ул дам ҳимоят айламас.

Қайғулуғдур ул куни, эй хосу омм,  
Қилмағайлар ул куни ҳеч ким калом.

Бош қуйи солиб турар ҳар бир тани,  
Зикри улдур барчани “ё лайтаний”.

Қўллаёлмас ҳеч ким беизни Ҳақ,  
Берди бу пандни устодим сабақ.

Эй ўғул, пир ё ота бўлмас паноҳ,  
Бўлса гар ҳар кимга Ҳақ бўлгай паноҳ.

Бўлма бу оламда баским худпараст,  
Худпараст таҳқиқ ул Намруди маст.

Сабр бирла шукр қил доим тилим,  
Кўнглунг ичра тургай иймонинг муқим.

Сабр бирла шукр иймоннинг кўзи,  
Сабру шукри бўлмаса йўқтур тузи.

Ҳилму шарму ҳам ҳаё иймон ўзи,  
Кимда йўқ бўлса йўқ иймон ўзи.

Эй ўғул, тоатга пиндош айлама,  
Махфий қил зинҳор ани фош айлама.

Англа бу пандимни, эй Абу ул-Васаъ,  
Қилмағил тоатларинг муздин тамаъ.

ҲИКОЯТ

Бор эди бир зоҳиди неку сиришт,  
Ҳақ ато қилди анга бир кун биҳишт.

Бўлди ул соатда зоҳид шодмон,  
Бўлди ул ҳолатда ҳар ғамдин омон.

Айди зоҳид, эй Худо Қодир, Карим,  
Ман қилибман барча фармонинг тилим.

Қўб парастииш айладим ё Раб, сани,  
Музди етмиш йилғи тоотим қани?

Эй Худоё, Сан манга раҳмат қилиб,  
Лутф бирла айладинг жаннат насиб.

Қилди зоҳид ул замон дандони дард,  
Қилди шул соатда ул бир оҳи сард.

Жон чиқар ҳолатга етти ул замон,  
Қилди зоҳид нолаву оҳу фиғон.

(130 ҳ)

Келди марде доруйи дандон олиб,  
Олди зоҳид жумла тоотин бериб.

Ул сотиб тоатни қолди хушқвор,  
Бўлди ул соатда зоҳид шармисор.

Қилди ул даъвога чандон тавбалар,  
Қилди ҳам бечораликда гирялар.

Солма кўз тоатга ҳаргиз, эй қуёш,  
Кимки ман қилдим деса офзига тош.

Ҳар кишига бўлмаса гар лутфи Ҳақ,  
Манзили бўлгай ани чоҳи фалақ.

Гар кишига қилмаса раҳмат Худо,  
Ул кишининг номаси бўлгай қаро.

Лутфсиз шойишта бўлмас, эй амак,  
Ё валийу ё набийу ё малак.

Қилмағайсен икки оламдин тамаъ,  
Не ато қилса анга қилгай қанаъ.

(131)

Ҳар нимадин бир шикоят айлама,  
Файр аз Ҳақдин ҳимоят айлама.

Қилмаса ул бергандин ортуқ тамаъ,  
Қилсагар хор этгай Аллоҳ ур-Рафий.



Қилғонингдин урма дам ҳаргиз анга,  
Кардаву нокардалар яксон анга.

Бир нафасда шаҳни тарсо қилур,  
Бир нафасда габрни Исо қилур.

Подшоҳедурки, қодир бевазир,  
Ҳаййу Қаййуму тавоно беназир.

Фаҳри тоат Абди Воҳид хўб эмас,  
Ҳар киши дам урмақи ҳаддин эмас.

\* \* \*

Гофило, умр ўтти доим беҳабар,  
Нолаву фарёд қил шому саҳар.

Ман нечук айлай кўнгулни шодлар,  
Қайси бир ғамдин қилай фарёдлар.

### БУ ФАСЛДА ШАРИАТ, ТАРИҚАТ ВА ҲАҚИҚАТНИ АЙТУР

Англағил бу пандни, эй неку ҳисол,  
Айтайин эмди шариятдин мисол.

Маърифат жони, тариқат гўштидур,  
Жон билан танни шарият пўстидур.

Пўстсиз жон тан аро тобмас қарор,  
Бўлмаса гўшт ичра жон йўқ эътибор.

Шаръсиз ҳеч ким қилолмас бандалик,  
Пўстсиз ҳеч жон қилолмас зиндалик.

Эй биродар, шаръдур гўёки сув,  
Бўлса ҳар жон сувни қилгай жўстужу.

Фаҳм қил бу сўзни бул мардони пок,  
Бўлмаса сув жумла жон бўлгай ҳалок.

Шаҳри дин шаръи билан ободдур.  
Бўлмаса сув шул замон барбоддур.

Тут бу пандим кўнглунг ичра, эй ўғул,  
Ҳеч ким бўлмас шариятсиз қабул.

Шаръи Аҳмад барчага неъмат дурур,  
Барча халқ неъматни еб қувват олур.

Ким емас неъматни беқувват бўлур,  
Шаръсиз маҳшарда беҳурмат бўлур.

Мустафонинг амри Ҳақнинг амридур,  
Мустафонинг қаҳри Ҳақнинг қаҳридур.

Бўлса ҳар жон гар емакдин мунқатиъ,  
Жон ҳам ул соатда бўлғай мунқатиъ.

Бўлмаса шаръида ҳар ким устувор,  
Ҳеч шак йўқтурки, бўлмиш мурдавор.

(131 ҳ)

Одамега шаръ эрмиш парру бол,  
Парру болсиз мурғлар тобмас камол.

Парру болсиз мурғ парвоз айламас,  
Ҳеч ким ул мурғни эъвоз айламас.

Одамеда шаръ гўё кўз дурур,  
Ҳар кишида шаръ йўқ кўзсиз дурур.

Ким емай неъматни қувват айламас,  
Шаръсизни Тангри раҳмат айламас.

Шаръидур одамега гўё дасту по,  
Шаръ гар йўқ бўлса ул бедасту по.

Бу жаҳон дарёву шаръидур кема,  
Кемасиз дарёдин ўтгайман дема.

(132)

Кемага киргилу бўлгил хавфнок,  
Кемасиз дарёда бўлғайсен ҳалок.

Барчаларга Мустафо муршид дурур,  
Анбиёву кавкаб, ул хуршид дурур.

Ушбу олам бўлмаса хуршиду моҳ,  
Зиндагони жондор бўлғай табоҳ.

Шаръининг тамсили бепоён эрур,  
Фаҳму дониш, ақл ҳам ҳайрон эрур.

Шукр қил хуршидни берган Тангрига,  
Жон фидо қил Мустафонинг амрига.

Бўлмас эрди ҳеч ким кун-тунда фарқ,  
Бўлғай эрди барча жон зулматда фарқ.

Шукр қил Мустафога гар давом,  
Тангрига андин кейин бўлгил ғулом.

Ҳар нафас юз минг дуруд айтгил анга,  
Қилгай ул ҳолат Худо раҳмат санга.

Шаръсиз гар қўкка учсун ҳар киши,  
Бегумон ул сеҳру истидрож иши.

Аҳли шаръи доимо амвож этар,  
Тарки шаръи сеҳру истидрож этар.

Бўлса ҳар ким шаръида собитқадам,  
Икки олам етмагай ҳаргиз алам.

Гар десанг маҳшарда бўлсам эътибор,  
Мустафо фармонига жон қил нисор.

Рўзи маҳшарда Худо қози дурур,  
Аҳли шаръийдин Худо рози дурур.

Эй биродар, умр юз йил бўлсаму,  
Туну кун шаръини қилгил жўстужу.

Қилса ҳар доим киши шаръини хўй,  
Икки олам истамас андин обрўй.

Гар кишидин Мустафо рози эмас,  
Ул кишидин ҳам Худо рози эмас.

Эй биродар, шаръ жаннат очқуси,  
Шаръсиз жаннатни қайдин очқуси.

Ёд тут кўнглунгда, эй неку сиришт,  
Мустафони амридин бўлгай биҳишт.

Мустафони амрини қил, эй ўғул,  
Очилур андин кейин жаннатга йўл.

Қилса они амрига ҳар ким гумон,  
Бўлмагай ҳаргиз жаҳаннамдин омон.

Қилсалар ҳар ким Муҳаммадни писанд,  
Тонгла онинг бўйнига тушмас каманд.

Бўлмаса шаръида ҳар ким устувор,  
Ул биҳиштнинг эшигин қандоғ очор.

Ғофило, умр ўтти доим беҳабар,  
Истагил шаръини ҳар шому саҳар.

(132 ҳ)

Ман нечук кўнгулни айлай шодлар,  
Қайси бир ғамдин қилай фарёдлар.

БУ ФАСЛДА ШАФОАТИ РАСУЛҒА  
МАҚБУЛ БЎЛМОҚНИ АЙТУР

Ҳамди беҳад, беҳисоб, Тангрим Санга,  
Гарчи ул лойиқ эмас мандин Санга.

Лаззати зикрингни шаккар айладинг,  
Мустафони бизга раҳбар айладинг.

Барчаларни дин уйин обод қил,  
Мустафони ҳаққидин озод қил.

Мустафосиз ҳеч киши мақбул эмас,  
Ҳар ибодоти ани маъмул эмас.

Анбиёву авлиё ошиқ анга,  
Жону кўнгли бирла ҳам содиқ анга.

Ҳамд ила шукр айласам ҳар субҳу шом,  
Юз қиёмат ўтса ҳам бўлмас тамом.

Фатҳ қил бу йўлни, эй Фаттоҳи боб,  
Ўтти умрум фисқу исён бирла хоб.

(133)

Йўқ Санга туҳфам Муҳаммаддин бўлак,  
Ман киму ҳамдингни лойиқроқ демак.

Сен агар авф этмасанг, эй Зоти пок,  
Ман нечук хушнуд ўлай бир мушти хок.

Берма йўл дунёву мо фийҳо сари,  
Бер ҳидоят эмди иллаллоҳ сари.

Эй Худоё, сўрмоғил мандин амал,  
Ўтти умрум фисқ ила ҳам беамал.

Йўқ турур қулларға шаҳнинг ҳожати,  
Шоҳга бор барча қулнинг ҳожати.

Гарчи ман ҳамд айтмоққа лойиқ эмас,  
Шоми кўнглум субҳдек содиқ эмас.

Ушбу олам ичра хушнуд айлама,  
Рўзи маҳшар ичра мардуд айлама.

Ўтти умрум беҳуда ҳар ёзу қиш,  
Йўқ турур шармандалиқдин ўзга иш.

Ҳар куну беҳушу ҳар тун хоблиғ,  
Ушбу ғафлатдин нечук асбоблиғ.

Йўқ паноҳим Сандин ўзга, эй Худо,  
Бу хижолатдин манга бергил паноҳ.

Ман эмасман қуллуғунгга созвор,  
Лутф этиб раҳм айлагил Парвардигор.

Эй Худоё, ул нажосат қатраман,  
Лутфсиз қайдин бўлай шойиста ман.

Бор дурур кўнглум аро юз минг губор,  
Ман нечук лойиқ Санга Парвардигор.

Подшоҳо, Сен иноят айлагил,  
Ул Ҳабибингни риоят айлагил.

Барчадин Аҳмадни доно айладинг,  
Барчадин меърожин аъло айладинг.

Туну куну субҳу шом меърож анга,  
Анбиёву авлиё муҳтож анга.

Кимки дам урса Муҳаммаддин баланд,  
Тушгай они бўйнига ўтдин каманд.

Қўйса ундин кимки ортуқроқ қадам,  
Бўлғай ул соатда кофирдинму кам.

Эй ўғул, шаръида бўлғил устувор,  
Бўлмағил Ҳазратга ҳаргиз шармисор.

Эй ўғул, мандин санга бу панд дурур,  
Тарки шаръий Тангрига душман дурур.

Шаръи бирла дин уйин обод қил,  
Мундин ўзга ишни сан барбод қил.

Тутқасен кўнглунгда, эй пиру жувон,  
Ҳеч йўл йўқтур шариятдек омон.

Эй биродар, бўлмасанг уммат анга,  
Қилғай ул соат Худо лаънат санга.

Шаръини ҳар ким ҳидоят айламас,  
Мустафо ҳаргиз шафоат айламас.

Эй биродар, шаръидур оби ҳаёт,  
Ҳар киши нўш этса ул бўлғай ҳаёт.

Мустафо Ҳақдин иноятдур санга,  
Қилғон ҳар амри кароматдур санга.

(134)

Шаръини доим риоят айлагил,  
Ҳам Муҳаммадни ҳимоят айлагил.

Мустафо фармони Ҳақ фармонидур,  
Мустафо дармони Ҳақ дармонидур.

Мустафо амри ҳидоятдур санга,  
Рӯзи маҳшарда ҳимоятдур санга.

Мустафо амрини қилсанг тез-тез,  
Икки олам халқ аро қилғай азиз.

Эй ўғул, шаръини одат айлагил,  
Шаръи ҳукмиға қаноат айлагил.

Чиқмасанг доим Муҳаммад амридин,  
Икки олам бўлғасен ғамдин эмин.

Хоҳ шоҳе бўлсун ул хоҳи гадо,  
Шаръсиз ҳеч ким анга бермас паноҳ.

Мустафосиз қилса Ҳақни жўстужу,  
Ул етолмас гарчи Мусо бўлсаму.

Мустафоға, эй ўғул, иқрор бўл,  
Очилур андин кейин жаннатга йўл.

Мустафони гар киши шод айламас,  
Ул кишини Тангри озод айламас.

Қилмаса ҳар ким Муҳаммадни ризо,  
Ул кишидин Тангри ҳам эрмас ризо.

Жон қулоғи ичра тут, эй хосу омм,  
Жон фидо қил шаръиға ҳар субҳу шом.

\* \* \*

Ғофило, умр ўтти доим беҳабар,  
Оҳ бирла нола қил шому саҳар.

Ман нечук айлай кўнгулни шодлар,  
Қайси бир ғамдин қилай фарёдлар.

## БУ ФАСЛДА БИСМИЛЛОҲНИНГ ХОСИЯТИНИ АЙТУР

Истасанг бўлмоқни сен Аллоҳ билан,  
Қилғасен ҳар ишни бисмиллоҳ билан.

Номи Аллоҳ бирла иш беҳтар бўлур,  
Номи Аллоҳсиз ҳар иш абтар бўлур.

Номи Аллоҳ бирла бўлғил, эй фулом,  
Номи Аллоҳсиз еган, қилган ҳаром.

Кимки бисмиллоҳни кўб одат этар,  
Оқибат ул касни Ҳақ озод этар.

Қилса исён этса бисмиллоҳни ёд,  
Кимки қилса бўлмагай маҳшарда шод.

Маъсиятга кимки бисмиллоҳ деса,  
Ҳеч шак йўқтурки, бўлғай анбаса.

Номи Ҳақ исёнға ҳар ким ёд этар,  
Ул киши дўзахда кўб фарёд этар.

Бадгумон маҳшарда хору зордур,  
Бадгумонлардин Худо безордур.

Қилса неъмат шукрини ҳар ким бажо,  
Икки олам кўрмас ул хавфу изо.

Ҳар кишини нафси гар ғолиб дурур,  
Маъсиятга ул киши толиб дурур.

Нафс фармонини Ҳақ ожиз қилур,  
Маъсиятни яхши иш ожиз қилур.

Кимки Ҳақ фармонига қоҳил дурур,  
Ҳеч шак йўқтурки, ул жоҳил дурур.

Қилмаса вақтида Ҳақ амрин адо,  
Ҳақ ани қилгай ғазабга мубтало.

Тангрига ҳар ким таваккул айламас,  
Ул кишини Тангри ҳам бандам демас.

Тангрига ҳар ким таваккуллиғдур,  
Ул кишига Тангри ёварлиғдур.

Тангрини ҳар кимки чандон ёд этар,  
Тангри ҳам ул касни чандон ёд этар.

(135)

Ҳар кишиким, Тангридин тарсондадур,  
Ул кишидин барча халқ ларзондадур.

Ҳар киши хайр ишига бахил дурур,  
Бегумон дўзахга ул дохил дурур.

Олса зан ҳар ким жамол ё мол учун,  
Бўлмай Ҳақ даргоҳида ул хона забун.

Яхши фарзанд ҳар кишига неъмат,  
То қиёмат ўчмагай ҳаргиз оти.

### **БУ ФАСЛДА ЯХШИ ВА ЁМОН ИШЛАРНИНГ КАЙФИЯТИНИ АЙТУР**

(137)

Қилса Ҳақ амрини ҳар ким тезроқ,  
Қўпқай ул маҳшарда гўрдин тезроқ.

Ҳар кишини яхши иш хушбў қилур,  
Гар ёмон иш қилса ул бадбў қилур.

Ҳар киши Ҳақ бирла Ҳақ онинг билан,  
Тоб келмас ҳеч жон онинг билан.

Кимки келтурса вузув шукрин бажо,  
Икки олам кўрмагай жавру жафо.

Бермаса ҳар нарсалин ҳар ким закот,  
Бўлмагай ҳаргиз жаҳаннамдин нажот.

Ким закотга мункир ул кофир дурур,  
Ҳукми Ҳақ Фурқонда то зоҳир дурур.

Жаннатий жаннатга бир ёндин кирар,  
Рўзадорлар Боби Райёндин кирар.

Бўлса бу оламда ҳар ким рўзадор,  
Боби Райён жаннат ул-аълода бор.

Рўзадор ҳар доим ҳикматлик бўлур,  
Пўрхўрак ҳар доим иллатлик бўлур.

Ҳақ берур ҳикматни кофир бўлса ҳам,  
Хоҳ муқиму, хоҳ мусофир бўлса ҳам.

Рўзадор икки жаҳон мардони мард,  
Етмагай ҳаргиз анга осибу дард.

Лавҳдур кўнгли анинг шому саҳар,  
Рўзадорларга Худо қилгай назар.

Кимки бўлса рўзадор марди Худо,  
Келгай ҳар соат анга Ҳақдин нидо.



Тутса ҳар ким рӯзани ҳар кун тамом,  
Хонаи Ҳақдур анинг кўнгли мудом.

Рӯзадор тун-кунда мустафроқдур,  
Кўнгли онинг Каъбадин беҳроқдур.

Каъба гил ул Халилнинг каъбаси,  
Каъбаи дил ул Жалилнинг каъбаси.

Эй ўғул, бу каъба сангхордур,  
Аҳли мўъмин кўнгли Аршуллоҳдур.

Эй биродар, каъбаи Ҳақ дил дурур,  
Каъбаи халқ билки ул бир гил дурур.

Қилма мўъмин кўнглиға ҳаргиз хилоф,  
Қилғил ҳар доим ани тун-кун тавоф.

Қилса мўъмин кўнглини ҳар ким тавоф,  
Ҳақ анга жаннатни бергай беҳисоб.

Каъба гил гарчи қилсангму хароб,  
Қилма ҳаргиз каъбаи дилни хароб.

Май ичиб, мусҳафни куйдирсанг агар,  
Қилма мўъмин кўнглиға ҳаргиз зарар.

Тут бу панд кўнглунгға, эй пиру жувон,  
Тангрининг фармонини айлай баён.

Аввало ҳар кунда беш вақт қил намоз,  
Қил намозинг ичра ҳам дарду ниёз.

Бўл Худо ёди била ҳар субҳу шом,  
Рӯза тутғил ҳар йили бир ой мудом.

Қилмағил тоат аро ҳаргиз риё,  
Иститоат бўлса ҳаж келтур бажо.

Зикри Ҳақни доимо пайваста қил,  
Адл қилғил ҳам яна узр истагил.

Ҳам яна даргоҳи Ҳақда рост бўл,  
Сидқ ила тоатни қил то хос бўл.

Ҳам яна кўб хайру эҳсон айлагил,  
Ҳам яна сиррингни пинҳон айлагил.

(138)

Қўр ўзунгни барча махлуқдинму кам,  
Қилмас ҳар жондорга зулму ситам.

Бўл яна тун-кунда гийбатдин йироқ,  
Ҳам яна ҳар айшу ишратдин йироқ.

Ҳам яна бўл барча лаззатдин йироқ,  
Ҳам яна бўлғил адоватдин йироқ.

Ҳар ёмон андишадин парҳез қил,  
Ҳам кишининг ҳаққидин парҳез қил.

Солма ҳам зинҳор номаҳрамга кўз,  
Ҳар кишини айбидан ҳам қилма сўз.

Тавбадан ҳар кимки бўлса нотамом,  
Ҳезими дўзахдадур ул вассалом.

Емаса ҳар ким кишини ҳаққидин,  
Емагайлар ул кишини ҳаққидин.

Доимо бўл судхўрлиқдин йироқ,  
Ҳам яна бўл хамрхўрлиқдин йироқ.

Тутма кўз махлуқдин ҳаргиз вафо,  
Истама ҳар дорудин ҳаргиз шифо.

Айласанг тоатни миннат қилмағил,  
Ҳеч жондорега лаънат қилмағил.

Бўл қаноат бирла доим сабрлик,  
Бўлмағил зинҳор, зинҳор кибрлик.

Бўл яна ҳам барча ботилдин йироқ,  
Бўлма тун-кун амруллоҳдин йироқ.

Бу насиҳатлар тамоми наҳйу амр,  
Англаву қилғил ани, эй Зайду Амр.

Қилдиким, амрини ул Ҳаййи Вадуд,  
Келди андин бизга бу ҳаззи Вадуд.

Чиқса ҳар ким бу ҳудуддин ногаҳон,  
Бўлмагай ҳаргиз жаҳаннамдин омон.

\* \* \*

Ғофило, умр ўтти доим беҳабар,  
Оҳ деб қон йиғлағил шому саҳар.

Ман нечук айлай кўнгулни шодлар,  
Қайси бир ғамдин қилай фарёдлар.

БУ ФАСЛДА НАФСИ БИЛАН ЖАНГ  
ҚИЛМОҚНИ АЙТУР

(139)

Гар киши жанг қилса нафс тарсо билан,  
Бўлғусидур ҳамнишин Исо билан.

Қатл қилса нафсини ҳар марди ёр,  
Аршни устида ул тобқай қарор.

Қилса жанг нафси билан марди Худо,  
Бўлғусидур ул киши шери Худо.

Нафснинг жангини мен айлай баён,  
Ҳақ талаблар ичра то бўлсун аён.

Доимо қилғил Худо фармонини,  
Қилма ҳаргиз нафснинг фармонини.

Эй биродар, бўлма ҳаргиз танпараст,  
Қилғасен нафсингни ҳар доим шикаст.

Бўлма ғофил Тангридин андак замон,  
Бермагайсен нафсга ҳаргиз омон.

Бу жаҳон савдосидин қилғил ҳазар,  
Кунж аро бўл боғла ҳимматдин камар.

Ҳар бало келгайки, нафсингдин санга,  
Берма ҳаргиз чарб ила ширин анга.

Қилмаса ҳар ким мунга ихлосни,  
Бошиға солмиш дутиф олмосни.

Эй ўғул, нафсингни хушнуд айлама,  
Тангриға руҳингни мардуд айлама.

Ҳақ зиёсин истасанг, эй хосу омм,  
Нафсни зиддида иш қилғил тамом.

\* \* \*

Ғофило, умр ўтти доим беҳабар,  
Йиғла ўз ҳолингга ҳар шому саҳар.

Ман нечук айлай кўнгулни шодлар,  
Қайси бир ғамдин қилай фарёдлар.

### ЯХШИ ИШ ҲАҚИДА АЙТУР

Берса ўз қўли бирла ҳар ким бир пули,  
Қайтарур дўзахдин ул берган пули.

Яхши ишни, эй ўғул, пайваста қил,  
Ҳар на қилсанг они сен ўлмасда қил.

Хайру эҳсон айла ўлмасдин бурун,  
Ушбу уйдин анда кўчмасдин бурун.

Берсанг ўз қўл бирла ҳар ғамдин эмин,  
Суд қилмас берган ўлгандин кейин.

\* \* \*

(140 ҳ)

Илм бўлган бирла ул олим эмас,  
Олим улдур ҳар нафас ғофил эмас.

Дунё бир мурдордур, толиб килоб,  
Мурдани қасдида сан бўлгай хароб.

Ақли жузвий бор дурур, не ақли кулл,  
Ақли жузвийла ҳама нафсиға қул.

Ақли жузвий фитнаи маккордур,  
Ақли куллға ҳам яна инкордур.

Ақли жузвий тобиъи нафсу ҳаво,  
Васфи онинг фитнаву макру дағо.

### НАФС ҲАҚИДА АЙТУР

Қилмаса ҳар ким бу нафс амрин қабул,  
Олғай ул иймонидин чандон ҳусул.

Нафснинг зиддида иш қилсанг давом,  
Ул жаҳаннамни санга қилгай ҳаром.

Ҳар киши ўз нафсига золим дурур,  
Ҳеч шак йўқтурки, ул олим дурур.

Зулм қилмоқ нафсига мардон иши,  
Тарбият қилмоқ ани ҳайвон иши.

Одамени кўнгли бир шаҳре дурур,  
Руҳ Мусо, нафс ул Фиръавн дурур.

Бир шаҳарда бу иков тобмас қарор,  
Бириси кирса, бири ул дам чиқар.

Кирса Мусо шаҳрни обод этар,  
Кирса Фиръавн шаҳрни барбод этар.

Эй биродар, айла Фиръавндин ҳазар,  
Жаҳд ила олғойсен Мусодин хабар.

Эй биродар, истасанг гар ақли кулл,  
Бўлмағайсен ҳеч вақт нафсингга қул.

Фикр қил аслингни, эй бир мушт хок,  
Қатл қил нафсингни, эй мардони пок.

Нафсин ўлтурмай киши мақбул эмас,  
Ул киши Тангрига ҳаргиз қул эмас.

(141 ҳ)

Қилмаса ҳар ким ҳалок ўз нафсини,  
Очмағай ул касга жаннат дарини.

Ақл бўлса, эй ўғул, бўл ваҳмнок,  
Жанг қилиб нафсингни тун-кун қил ҳалок.

Нафсни ўлтурмай иймон истама,  
Беҳуда Тангридин осон истама.

Қилмасанг нафсингни аввал сен ҳалок,  
Оқибат қилғай сани ҳар кун ҳалок.

Кирса Фиръавн шаҳрни вайрон қилур,  
Кирса Мусо боғ ила бўстон қилур.

Тут қулоғингга ажал етмастарок,  
Қил бу амрини нафс ўтмастарок.

(142)

Кимки бу пандимга гар кўшиш қилур,  
Рўзи маҳшар ҳулладин пўшиш қилур.

Эр керак бу ерда фарёд айлағай,  
Ҳеч шак йўқ Тангри озод айлағай.

Қилмағил ҳар зикр, фикр Ҳақдин бўлак,  
Бўлғасен тўққуз фалак устун малак.

Ул кўнгулким, субҳдек содиқ эрур,  
Бу насиҳатлар анга лойиқ эрур.

Ҳақ талаб ҳар дамда оҳ оғоз этар,  
Ул мақоми қурбға парвоз этар.

Ақли кулл ҳамроҳ турур Мусо билан,  
Ҳамнишиндур ҳам тақи Исо билан.

Ақли кулл гар Тангриға муҳтождур,  
Ақли куллга ҳар замон меърождур.

Ақли куллий доимо бо ёди Ҳақ,  
Ақли жузвий доимо иймони шаққ.

Ақли жузвийларга бу таҳқиқ масал,  
Ул киши анъомдур, бал ҳум азалл.

Ақл гар куллийдур иймон софдур,  
Ақл агар жузвийдур беинсофдур.

Ақл агар куллий дурур Ҳақ ёрдур,  
Ақл агар жузвийдур Ҳақ безордур.

Ақл агар куллий анга дийдордур,  
Ақл агар жузвийдур ул мурдордур.

Эй биродар, истасанг гар ақли кулл,  
Қилма нафсинг амрини ҳаргиз қабул.

Ақл агар жузвийдур бўлмас Ҳақшунос,  
Ақл агар куллийдур бўлғай марди хос.

Ақл агар кулл бўлса Ҳақ хушнуддур,  
Ақл агар жузв бўлса ул мардуддур.

Ақли кулл ҳар доимо хавфдин омон,  
Ақли жузвий бўлмағай ғамдин омон.

Ақл агар жузвий дурур ул белиқо,  
Ақл агар куллийдур кўргай лиқо.

Ақл гар куллий, тутар Аллоҳни дўст,  
Ақл гар жузвий, тутар дунёни дўст.

Ақли жузни тарк қил, эй хосу омм,  
Ақли куллни истагил ҳар субҳу шом.

\* \* \*

Ғофило, умр ўтти доим беҳабар,  
Доимо қил нафс Фиръавндин ҳазар.

(143)

Ман нечук айлай кўнгулни шодлар,  
Қайси бир ғамдин қилай фарёдлар.

БУ ФАСЛДА ЖАВРУ ЖАФОГА САБР  
ҚИЛМОҚНИ АЙТУР

Ҳар кишига қилса раҳмат гар Худо,  
Еткурур зулму ситам, жавру жафо.

Ул кишидур бу жаҳон неку қадам,  
Қилса доим нафсиға зулму ситам.

Етса кўб ҳар кимга гар ранжу алам,  
Бўлғай ул маҳшарда марфуъ ул-қалам.

Бўлсалар ҳар ким балоға мубтало,  
Бегумон жаннатда ул кўргай лиқо.

Етмаса ҳар кимга дард гофил дурур,  
Етса дард Ҳақ раҳмати ҳосил бўлур.

Дард улким, тобмағай ҳаргиз даво,  
Туну кун булбул каби қилғай наво.

Бедаво дард Тангридин раҳмат турур,  
Ул кишиға Тангридин қурбат турур.

Етмаса ҳар кимга дард бўлмас яқин,  
Ҳар кишида дард йўқ бўлмас эмин.

Эй ўғул, ул дард ганжи бекарон,  
Ҳақ ато қилса ани қилғил ниҳон.

Анбиёву авлиё қилган қабул,  
Барча йўлардин яқинроқдур бу йўл.

Ҳар кишини дарди бор абдолдур,  
Ҳар кишида дард йўқ Дажжолдур.

Етса дард ҳар кимга Ҳақдин илтифот,  
Икки олам ғамдин ул бўлғай нажот.

Дарди бор одамдин Ҳақ хушнуддур,  
Ҳар кишида дард йўқ Намруддур.

Гар кишида бўлмаса дарди азал,  
Ул кишининг толеъи бўлмиш Зуҳал.

Бўлмаса ҳар кимда андак ишқбоз,  
Манфаат қилмас анга назру намоз.

Бўлмаса кўнглунг аро ишқи Худо,  
Суд қилмас хайру эҳсонинг санго.

- (145) Тобмасанг гар ишқ Ҳақ сорига йўл,  
Рўзаву ҳажжу закот бўлмас қабул.  
Бўлмаса ҳар кимда гар ишқи Худо,  
Яхшироқдур ул кишидин чорпо.  
Ишқдин ўзга ҳамма иш ноздур,  
Кимки ошиқдур Худо ҳамроздур.  
Гар кишида ранждин ҳосил эмас,  
Ул кишига ганждин ҳосил эмас.  
Ҳар кишида бўлса гар ранжи азим,  
Борду ранж ортида ул ганжи азим.  
Эй биродар, ҳеч ганж беранж эмас,  
Бўлса гар ҳар ранж ул беганж эмас.  
Эй ўғул, кўнглунгни маҳкам боғлағил,  
Кўрсатай бу ишқа ман чандон далил.  
Гавҳар устун бекарон дарёси бор,  
Ганжни устида аждарҳоси бор.  
Лаъл устун тоғлар маҳкам дурур,  
Ҳам гули хори билан маҳкам дурур.  
Балки ҳар душворни бир осони бор,  
Ҳам яна ҳар субҳни бир шоми бор.  
Шомни ғам бирла ўткарсанг давом,  
Субҳи содиқ билгирур андин тамом.  
Ҳеч осойиш машаққатсиз эмас,  
Ҳеч дарде асли маҳнатсиз эмас.  
Иста ҳар доим бало, эй омму хосс,  
Ҳеч ким бўлмас балосиз ҳақшунос.  
Юк кўтармакка малак ожиз дурур,  
Балки ул пок олдида ночиз дурур.  
(145 ҳ) Гар бало оламда кўрсанг бир тараф,  
Марҳабо деб тез борғил ул тараф.  
\* \* \*  
Фофило, умр ўтти доим беҳабар,  
Кўб била Ҳақдин бало шому саҳар.  
Ман нечук айлай кўнгулни шодлар,  
Қайси бир ғамдин қилай фарёдлар.



БУ ФАСЛДА НАФСНИ ВА КИРОМАН  
КОТИБАЙНИ АЙТУР

Субҳни вақтида ҳар кўз очилур,  
Кўнгли ул соатда ҳар ён сочилур.

Ул кўнгилким, нафсни қилмиш ватан,  
Тутқусидур ҳар кеча юз минг туман.

Ҳар киши ул нафс фармонин қилур,  
Фисқу исён бирла хирмонин қилур.

Беҳабар умр ўткарур аъмолидин,  
Сарбасар ғафлатдаю аҳволидин.

Эй биродар, бўлмағил, ғамдин эмин,  
Ҳар кишида бор киром ул-котибин.

(146)

Ушбуларга Тангридин бўлғай хитоб,  
Феъл бирла ҳолни қилғай китоб.

Кўз очиб юмғунча йўқ ором анга,  
Уқутур ул хатни ул охир санга.

Икки борунг устун ул хатлар қилур,  
Бадға лаънат, некка раҳматлур қилур.

Эй биродар, нафси ғофил мабош,  
Ур надомат бирла кўб сийнангга тош.

Тут бу панд ёдингда, эй неку сиришт,  
Барча аъзодин улар қилғай навишт.

Воқифи афъол бўлғил, эй амак,  
Ҳам эшитмак, кўрмагу ҳам сўзламак.

Кирса ҳалқинг ичра нон ё қатра об,  
Бўлсанг андин беҳабар ҳолинг хароб.

Қўл била ул аёғинг тебрамакин,  
Хат қилур номангда икки котибийн.

Ҳақдурур Ҳақдинки сўз фи-с-судур,  
Ҳар нима кўнглунгда кечса хат қилур.

Барча феълу ҳолни қилғай навишт,  
Кимки мункирдур ани оғзиға хишт.

Келғил эмди ҳушға, эй сийнариш,  
Бўлмағил ғафлатда гўё говмиш.

Рўзи маҳшар хатни келтургай санга,  
Заррача қўймай уқутқайлар санга.

Некбахтга нома ўнг қўлдин берур,  
Кимки бадбахт бўлса сўл қўлдин берур.

Баъзилар хаттини оғзидин олур,  
Хаттини олғунча юз жони чиқур.

Баъзилар кўксин тешиб олғай хатин,  
Бўлмағайлар ҳеч ким андин эмин.

Ҳар кишига ул куни бергай савод,  
Келгай они ёдиға ул дамда бод.

Ҳар нафас хушёр бўл, эй омму хосс,  
Бўлмағайлар ҳеч ким андин халос.

Эй ўғул, бу сўзни маҳкам англағил,  
Қилмади бир танда Тангри икки дил.

Якдил ул бу йўлда, эй соҳибқирон,  
Бир кўнгулни бўлма ҳаргиз ҳар қаён.

Бўлмасанг кўнгулни ҳаргиз ҳар тараф,  
Қилмағай раҳматни сандин бартараф.

Хонаи Ҳақдур кўнгул, бил, эй ўғул,  
Токи бу уйга Худо қилғай нузул.

Асрасанг доим ани ағёрдин,  
Тангри қилғай барча ғамлардин эмин.

Бўлса бу уй ичра гар гарду ғубор,  
Оҳи бодинг бирла ҳар соат чиқар.

(146 ҳ)

Пок тут ул уйни доим, эй қуёш,  
Сепкил уй ичра бу сув ўрнида ёш.

Ҳақ уйин Ҳақдин бўлакка берганинг,  
Ул омонатга хиёнат қилганинг.

Ким омонатга хиёнатлар қилур,  
Ҳеч шак йўқдур мунофиқдин бўлур.

Кимду бу оламда Аллоҳнинг қули,  
Аксар одам нафс Шайтоннинг қули.

Барчаси ғафлатда доим сарбалар,  
Қилмағай аҳволиға ҳаргиз назар.

(147)

Субҳдин то шом қилғай можаро,  
Нафсни фармони бирлан мубтало.

Бир-бирига фитналар ангез этар,  
Баъзилар бир-бирини хунрез этар.

Баъзи макру ҳийлалар бунёд этар,  
Беҳабар девнинг уйин обод этар.

Омийларнинг кўнгли девнинг шаҳридур,  
Феъл бирла ҳоли девнинг амридур.

Зоҳири-ю ботини куфру нифоқ,  
Зикру фикри жумла савганду талоқ.

Кирса гар шаҳр ичра бир дев ногаҳон,  
Ҳеч ким бўлмас ўшал девдин омон.

Барчани ул дев фармондор этар,  
Озғуруб ҳар бирини мурдор этар.

Кимки бўлса ҳамнишин ул дев билан,  
Ул кишини фарқи йўқ ул дев билан.

Дев ҳамону ул ҳамон, эй омум хосс,  
Жаҳд қил албатта бўл ғамдин халос.

Кирса гар кўнглунгга дев андак замон,  
Бўлмағайсен фисқу исёндин омон.

Кирса дев кўнглунгга недур, англағил,  
Бермағай ҳаргиз санга ороми дил.

Анғласанг бордур бу сўзни таркиби,  
Кимки олий бўлса девни маркаби.

Аввало кўнглунгда ул дев, эй амак,  
Байза қўйғон донаи хашхошдек.

Улашиб ул дев сани афрод этар,  
Дин уйингни оқибат барбод этар.

Чиқарур дев юз туман ҳар байзасидин,  
Қилур охир сани ўз порасидин.

Қилдирур амрини тун-кун, ёзу қиш,  
Еткурур ҳар қайсиси жонингга ниш.

Суврати дев аввало қуртлар каби,  
Ушбу қуртни кўзга илмас ҳар киши.

Тушса гар бир зарра оташҳо бўлур,  
Оқибат ул қурт аждарҳо бўлур.

Бўлса аждар бирла ҳар ким ҳамнафас,  
Бўлғусидур ул киши аждар нафас.

Қилмаса ҳар ким нафс кундин кунга кам,  
Урғусидур ул киши оламға дам.

Кимки нафс фармониға хушнуд бўлур,  
Ҳеч шак йўқ оқибат Намруд бўлур.

Берса ҳар ким кўнглини дунё сари,  
Оқибат бўлғуси Дақёнус каби.

Ҳар кишиким, нафсни пайдо қилур,  
Оқибат ул бандани расво қилур.

Қилмаса ҳар кимки нафсидин ҳазар,  
Ҳақ таоло қилмағай ҳаргиз назар.

Эй ўғул, бу ишга бир тадбир қилай,  
Панбаи ғафлатни ол, тафсир қилай.

(148)

Қилсалар ҳар ким ҳаловат ихтиёр,  
Тангри даргоҳида бўлғай хору зор.

Ким ҳаловотий-у танпарвардур,  
Кимки танпарвардур қоҳил дурур.

Қилсалар ҳар ким риёзат ихтиёр,  
Киргай ул жаннатга ким беихтиёр.

Зинда қилгай мурдани ҳар соат ул,  
Чиқса ҳам тобгай фалак устида йўл.

(148 ҳ)

Ҳақталаб бу ишга қўшиш айлагай,  
Зухд ила тақвони пўшиш айлагай.

Ёд қилғил марғни, эй ҳамнафас,  
Бўлмағил ғофил Худодин бир нафас.

\* \* \*

Ғофило, умр ўтти доим беҳабар,  
Ич бу йўлда доимо хуни жигар.

Ман нечук айлай кўнгулни шодлар,  
Қайси бир ғамдин қилай фарёдлар.

БУ ФАСЛДА УМРИ ЧУСТ БИРЛА  
ЎТМАГИНИ БАЁНИ

(149)

Умр ўтгай тез гўё тунд барқ,  
Бўлмағайсен беҳабар гафлатда ғарқ.  
Умр гўё барқдек чолок ўтар,  
Кимки андин беҳабар нопок ўтар.  
Офтоб ҳар субҳида қилғай тулуъ,  
Қилғай ул вақт тавбаға ҳар ким ружуъ.  
Офтоб туш вақтида тобгай камол,  
Андак-андак бўлғай ул ондин завол.  
Эй биродар, ушбу сўзни англағил,  
Кишту корени кун ўлтурмаста қил.  
Қил Худо амрини умр ўтмастарок,  
Тавба маҳкам қил ажал етмастарок.  
Қилса қари тоат этмакликка жидд,  
Шул замон исёни бўлғай нопадид.  
Ҳар киши бир кореға машғул дурур,  
Баъзи мақбул, баъзи номақбул дурур.  
Қарисанг ушбу насиҳат англағил,  
Кўп яшосанг қўб ибодот айлағил.  
Қарисанг хилватни қилғил ихтиёр,  
Бўлмағил мажлис аро халқ ичра хор.  
Эй қари, пирликда иззат иста сан,  
Тутқасен хилватда бир пинҳон ватан.  
Етса умрунг ўнға болиғ бўласен,  
Тангрига ул дамда тобиъ бўласан.  
Етса умрунг гар йигирмаға агар,  
Ул замон ол Ҳақ таъолодин хабар.  
Эй биродар, етса гар ўттузға ёш,  
Жаҳд ила ур доимо сийнангға тош.  
Ўтса ногоҳ умри ҳарким чиҳлдин,  
Тавба қил Тангриға ёнғин жаҳлдин.  
Ўтса умринг ногаҳ эллиқдин нари,  
Тез бўлғил мовуманликдин нари.

Ҳар кишини умри гар олмишдур,  
Лаазати умридин ул қолмишдур.  
Эй биродар, етса гар етмишга бош,  
Кўб чиқарғил оҳи ҳасрат бирла ёш.  
Ҳар киши пир бўлса кўб ҳиммат керак,  
Тангриға шойистаи тоат керак.

Одамий пир бўлса ҳиммат бирламас,  
Пирда ҳиммат бўлса ҳар ким хорламас.

Гар кишини ҳиммати олий дурур,  
Фисқ ила исёндин ул холий дурур.

Бўлмаса ҳар кимни олий ҳиммати,  
Ёғилур бошиға Ҳақнинг лаънати.

Эр атанмоқликка кўб ҳиммат керак,  
Ҳам шужоат бирла ҳам ғайрат керак.

(149 ҳ)

Гар ҳамиша бўлмаса ҳимматда шоҳ,  
Яхшироқдур андин ҳимматлик гадо.

Кимки беҳиммат дурур мурдордур,  
Ҷисмида ҳар мўй ани зуннордур.

Бўлғусидур одам ҳимматдин киши,  
Бўлмағай ҳеч кимни хилъатдин киши.

Гар кишини ҳиммати олий дурур,  
Кўнгли ул Ханносдин холий дурур.

Бўлса ҳар ким кўнгли Ханносдин халос,  
Тобқусидур ул жаҳаннамдин халос.

Ҳар кишиким, ҳимматин оғоз этар,  
Руҳи онинг Аршга парвоз этар.

Ҳар кишиким, қилса ҳимматдин бир иш,  
Мағфират қилгай Худо ҳар ёзу қиш.

Гар киши тун-кунда ҳимматлик дурур,  
Тангри даргоҳида иззатлик дурур.

Кимда ҳиммат бўлса ул марди Худо,  
Ҳеч шак йўқ розидур андин Худо.

(150)

Эй ўғул, тун-кунда ҳиммат истагил,  
Доимо ҳимматда тоат истагил.

Кимки бу оламда ҳимматлик дурур,  
Тангри даргоҳида иззатлик дурур.

Қилса қирқ йил кимки ҳимматсиз намоз,  
Бергани ҳимматдин ортуқ бир пиёз.

Гар кишини ҳиммати тугён қилур,  
Ул киши бисёр хайр-эҳсон қилур.

Истагил ҳимматни доим, эй ўғул,  
Очилур андин санга жаннатга йўл.

Эр эмас бу йўлда ҳимматсиз киши,  
Гарчи бўлсун Нуҳу Луқмондек иши.

Бўлса гар ҳар кимга ҳимматдин насиб,  
Бор дурур ул касга жаннатдин насиб.

Иста ҳиммат доим, эй пиру жувон,  
Ҳиммати олий саодатдин нишон.

Ҳиммати олий сифоти Муртазо,  
Бу сабабдин бўлди ул шери Худо.

Шаҳри Хайбар ичра бир кўзсиз гадо,  
Муртазога қилди ул бир нон садо.

Муртазонинг ҳиммати тугён қилиб,  
Қирқ тева зар берди ул эҳсон қилиб.

Эй биродар, иста ҳимматни давом,  
Жон фидо ҳимматга қилғил субҳу шом.

Ваъда қилғай Тангри ҳимматдин бурун,  
Аршдин устун анга қилғай ўрун.

Ҳар кишини бўлса мундоғ ҳиммати,  
Ёғилур бошига Ҳақнинг раҳмати.

Кимда ҳиммат бўлса дев андин қочар,  
Нафс ила Шайтон ҳам андин қочар.

\* \* \*

Фофило, умр ўтти доим беҳабар,  
Истагил ҳимматни ҳар шому саҳар.

Ман нечук айлай кўнгулни шодлар,  
Қайси бир ғамдин қилай фарёдлар.

БУ ФАСЛДА ҲИСОБИ ТАН ВА ЖОННИ АЙТУР

Эй биродар, умри бепоён ўтар,  
Одамий ғафлатда саргардон ўтар.

Кимда гар ақл бўлса дўст тутмас матоъ,  
Ҳар нафас чиқмишда ул қилғай видоъ.

Фисқу исён бирла ул мадҳушдур,  
Охират аҳволидин беҳушдур.

(150 ҳ)

Барчалар тадбири дунё айлагай,  
Бехабарлар оқибат ҳасрат егай.

Ҳар нафас чиққунча сен огоҳ бўл,  
Тангрига шойиштан даргоҳ бўл.

Барча жонға Ҳақ омонат берди жон,  
Ул омонат бирла қилғай имтиҳон.

Барчаларни афзали одам дурур,  
Кимки ғофил бўлса номаҳрам бўлур.

Гар кишини умри худ олуд эрур,  
Оқибат бир ниши заҳролуд эрур.

Жисмким, ҳар жонға бир маркаб дурур,  
Бу жаҳон ҳар ерга ул маркаб борур.

Жисм аро гар бўлса жон қилғай нигор,  
Бўлмаса гар жисму жон тобмас қарор.

Бўлса ҳар жон жисм аро пинҳон бўлур,  
Жисмда жон бўлмаса вайрон бўлур.

(151)

Кимки жон қадрин билур мардони пок,  
Жисмда жон бўлмаса бир мушт хок.

Жонғаким, бу жисм ҳам даркордур,  
Ҳафт аъзо жонға хизматкордур.

Амр қилғай жон ани аъзосида,  
Етти аъзо туну кун фармонида.

Бўлса гар ҳар жонға Ҳақдин мадад,  
Олғай они жони тоатдин мадад.

Бўлса қувват жонға Ҳақдин дам-бадам,  
Қўймағай нафс амрига дам ё қадам.

Ҳар кишини руҳи гар ғолиб дурур,  
Жамъи Ҳақ фармониға роғиб дурур.



Нафс ҳам тан ичра ҳар доим дурур,  
Ул сабабдин тан ҳам қойим дурур.

Жисмға ул нафс ҳам фармон қилур,  
Ул сабабдин гоҳ-гоҳ исён қилур.

Руҳ айтур, хайру эҳсон айлагил,  
Нафс айтур, фисқу исён айлагил.

Барча аъзоларға тил ҳоким дурур,  
Нафс аъзоларға бир золим дурур.

Тан ҳама бу иккини фармонида,  
Бўлғай ҳар субҳида чандон машмаша.

Қилса нафс амрини ҳар ким ихтиёр,  
Ул бўлур даргоҳи Ҳақда шармисор.

Қилса руҳ амрини ҳар ким ихтиёр,  
Бўлғай ул маҳшарда халқдин эътибор.

Барча аъзо субҳда фарёд этар,  
Барчаси тил ҳокимиға дод этар.

Ҳокимо, мақсудимизни англагил,  
Бизға нафс амрини фармон қилмагил.

Бўлса ҳар ким воқиф бу аҳволдин,  
Буйрумас иш нафсни фармонидин.

Қилса ҳоким манъ нафс фармонидин,  
Икки олам бўлғай ул ғамдин эмин.

Қилса танни тил агар нафсдин халос,  
Бўлғай они руҳи андин ҳақшунос.

Буйруса тил танға нафс фармонини,  
Кўрмагай ҳаргиз Худо инъомини.

Жумла аъзо тилға фармондордур,  
Қилса нафс амрини тил мурдордур.

Бўлмаса тил танда йўқтур ҳеч гуноҳ,  
Бўлғай ул маҳшарда ҳафт аъзо гувоҳ.

Барча тан айтғай ҳама қилғонини,  
Барчамиз қилдукки, тил айтғонини.

Барча аъзодин ўшал кун тил чиқар,  
Тил ўшал ҳолатда бўлғай шармисор.

(151 ҳ)

Тил ҳам ул соат тилим фарёд этар,  
Арзи ҳолин Тангриға бунёд этар.

Ман кўнгулга тобиъ эрдим, эй Худо,  
Ул кўнгул не буйруса қилдим нидо.

Ман кўнгулсиз тилға фармон қилмадим,  
Ҳам кўнгулсиз ҳаргиз исён қилмадим.

Ул кўнгул не буйруса айтдим ани,  
Подшоҳ Сан халос этгил мани.

Ушбу ҳолатда кўнгул бўлғай хароб,  
Кўб надоматлар била бергай жавоб.

Ҳарнаким қилса жоним не ихтиёр,  
Хоҳладим ман ҳам ани лайлу наҳор.

Ҳарнаким қилдим ул жондин дурур,  
Ёки тоат ёки исёндин дурур.

Қилмадим ҳеч нарса жонсиз ихтиёр,  
Тобмағай ҳаргиз кўнгул жонсиз қарор.

(152)

Қилмағай ҳаргиз гуноҳ жонсиз бадан,  
Қилса ҳар ишни қилур жон бирла тан.

Подшоҳо, барчаға Сандин карам,  
Қилдим ўз жонимға кўб зулму ситам.

Ҳар ғазаб қилсанг манга лойиқ дурур,  
Қилмасанг раҳмат бу жон фосиқ дурур.

Жин билан одамдин олғайлар ҳисоб,  
Жон ҳайрон, тан харобу дил кабоб.

Ул ҳисобдин ҳеч ким эрмас халос,  
Хоҳ фосиқ бўлсуну хоҳ Хақшунос.

Олғай аввал анбиёлардин ҳисоб,  
Тангрининг тавфиқича бергай жавоб.

Ҳақ қилур бир минбаре ўтдин бино,  
Минбар устун ўткузуб қилғай нидо.

Ким бу дунё бирла бўлса печутоб,  
Минбар устун турғузуб қилғай ҳисоб.

Ҳар кишиким, хайр ё бад қилсаму,  
Хоҳ гадову хоҳ Сулаймон бўлсаму.

Эй биродар, қилма бу сўзга хилоф,  
Заррача қўймай олур сандин жавоб.

Билгали бу сўзни бир ориф керак,  
Қилғали тадбир анга воқиф керак.

Эй биродар, ҳар нафас ҳушёр бўл,  
Субҳу шому туну кун бедор бўл.

Кимки олса ушбу сўзлардин хабар,  
Қилғусидур суйи Аллоҳдин гузар.

Эй биродар, Ҳақшунос ориф дурур,  
Қилмаса нафс амрини ориф бўлур.

Эй биродар, чиқса тун-кун турмағай,  
Офтоби маърифат ўлтурмағай.

Нафсни амрини қилсанг, эй ўғул,  
Офтоби маърифат қилғай нузул.

Фисқу исён қилсанг, эй фархунда фол,  
Офтоби маърифат бўлғай завол.

Тангрини билган билан ориф эмас,  
Ул кишини Тангри ҳам ориф демас.

Тангрини билмас киши оламда йўқ,  
Қилмағил умрунг аро ҳаргиз ёзуқ.

(152 ҳ)

Эр керак бу ишга тоқат қилғали,  
Тангрига шойиста тоат қилғали.

Эр керак бул кун зироат қилғали,  
Рўзи маҳшар ичра роҳат қилғали.

Эр керак ҳастликни барбод айлағай,  
Барча ғамдин ўзни озод айлағай.

Эр керак доим балони истағай,  
Нафсга жавру жафони истағай.

Эр керак доим риёзат истағай,  
Сабру шукру ҳам қаноат айлағай.

Эр керак ҳар дамда фарёд айлағай,  
Дин уйини доим обод айлағай.

Эр керак ишқидин оғоз этгали,  
Аршқа руҳини парвоз этгали.

(153)

Эр керак ҳастликни ғорат қилғали,  
Каъбаи руҳни зиёрат этғали.

Эр керак бу сир сироят қилғали,  
Аршни устида роҳат қилғали.

Эр керак ҳар дамда маҳв этгай вужуд,  
Бош кўтармай доимо қилғай сужуд.

Эр керак ҳар дамда қилғай алвидоъ,  
Ўртагай ҳар жамъи асбобу матоъ.

Эр керак нафсини ўлтургай давом,  
Икки олам лаззатин қилғай ҳаром.

Эр керак тарк айлагай зидди рамақ,  
Истагай ҳар доимо дийдори Ҳақ.

Эр керак ҳар дамда қилғай оҳи дард,  
Ҳиммату ғийбатда қилғай ўзни мард.

Эр керак Тангрини хушнуд этғали,  
Ўзни бу оламда нобуд этғали.

Эр керак булбул каби қилғай наво,  
Ул жарас овозидек қилғай садо.

Эр керак парвонадек парвозвор,  
Бўлғай ул Мансурдек мардонавор.

Ҳақталаб – истора, ориф – офтоб,  
Ориф ул анқову боқийлар ғуроб.

Англа бу пандимни, эй пиру жувон,  
Сумму букму умйу бўлғил дар жаҳон.

Ҳар нафаским, орифий оғоз этар,  
Руҳи ул дам Аршқа парвоз этар.

Қилса ҳар ким кўнглиға ориф шуруъ,  
Офтоби маърифат қилғай тулуъ.

Сайр қилғай доим иллаллоҳ сари,  
Роҳ тобқай ул фано филлоҳ сари.

(154)

Ажз ила Қуръон тиловат айлагил,  
Раҳмати Ҳақни ҳимоят айлагил.

Қил тиловат туну кун, ҳар субҳу шом,  
Мутталиъ бўл маънисидин ҳар қиём.

Эътибор бу йўлда маъни эътибор,  
Бўлмаса гар маъни ул беғубор.

Хузэн ила қилсанг тиловат, эй ўғул,  
Гар забон каж бўлса ҳам қилгай қабул.

Гар забон каж бўлса маъни ростдур,  
Тангрини даргоҳида ул хосдур.

Мусо эрди кажзабон, эй хоссу омм,  
Тур устун Ҳақ била қилди калом.

Эй биродар, гар забон каж бўлсаму,  
Ҳар нафас қилғил Худони жўстужу.

Тилни рост қилғунча дилни рост қил,  
Рост қил руҳунгни андин хосс қил.

Эй ўғул, бу йўлда оҳ-афғон керак,  
Ажз ила бир сийнаи бирён керак.

Ҳар нафас чиққанда бўл бо ёди Ҳақ,  
Берди бу пандини устодим сабақ.

\* \* \*

Гофило, умр ўтти доим беҳабар,  
Нолаву фарёд қил шому саҳар.

Ман нечук айлай кўнгулни шодлар,  
Қайси бир ғамдин қилай фарёдлар.

(154 Ҳ) **БУ ФАСЛДА ОРИФЛАР МАЪРИФАТИНИ БАЁНИ**

Гута урдум илмнинг дарёсиға,  
Қилди Ҳақ маъмур нури яктосиға.

Хотами мулки Сулаймон илмдур,  
Барча олам суврату жон илмдур.

Руҳи одам илмдин қувват олу,  
Илмсизни руҳи беқувват бўлу.

Гар кишида илм йўқ мурдордур,  
Бўлмаса тан ичра жон тан хордур.

Жондин ҳам ортуқдур илму маърифат,  
Маърифат йўқ бўлса бўлгай ҳар сифат.

Эй биродар, илмлик бино дурур,  
Маърифат йўқ бўлса нобино дурур.

(155)

Ҳар кишига Тангри гар инъом эгар,  
Маърифат илмин анга илҳом эгар.

Қилса Ҳақ ҳар кимга бу илмин ато,  
Дам-бадам келгай анга андин нидо.

Эй биродар, маърифат айтай санга,  
Бўлмағил бу илмдин ҳосил санга.

Бўлмаса ҳар кимда илми маърифат,  
Қўйса ҳар сори қадам бўлғай ғалат.

Оммдин бу илм мерос айлама,  
Омий гар ҳутб ўлса ихлос айлама.

Истасанг гар маърифат ҳар субҳу шом,  
Маърифат орифдин иста бардавом.

Ҳар темур бўлган билан олмос эмас,  
Ҳар киши бўлган билан ул хос эмас.

Бўлса ҳар ким маърифатдин баҳравор,  
Аллам ул-асмодин ул олғай хабар.

Аллам ул-асмодур ул Одам Ато,  
Маърифатдин Ҳақ анга қилди ато.

Ул сабабдин бўлса ҳар тавре вужуд,  
Барчаси одамға қилдилар сужуд.

Айтай, эй толиб, санга чандон сухан,  
Маърифатсиз жисмдур жонсиз бадан.

Чашм гар кўрмас Худони, эй амак,  
Чашми дил кўргай лиқони як-баяк.

Қилма бу кўз бирла Ҳақ васфин хаёл,  
Фоний бирлан боқийни кўрмак маҳол.

Ҳар нафас қилсанг жамолуллоҳ садо,  
Келгай андин “лан тароний” деб нидо.

Айб эмастур неча бўлса айби гил,  
Айби дилдур, айби дилдур, айби дил.

Эй биродар, танда йўқтур эътибор,  
Маърифат йўқ бўлса бўлғай мурдавор.

Жисми одам гўйиё девордур,  
Маърифат дил ичра бир гулзордур.

Жисми ориф гўйиё вайронае,  
Маърифат кўнгулда бир дурдонае.

Толибо, жисмингни обод айлама,  
Маърифат ганжини барбод айлама.

Эй биродар, ганж вайрон ичрадур,  
Маърифатни илми урён ичрадур.

(155 ҳ)

Тутқасен кўнглунг аро, эй беҳабар,  
Кўймас обод ичра ҳеч ким симу зар.

Ҳар кишига маърифат бир ёддур,  
Кимки билмас қадрини ғаддордур.

Илми ҳастлик гўйиё бир мордур,  
Оқибат ул мордин бемордур.

Бўлса гар ҳар кимда море ваҳмнок,  
Ул кишини оқибат қилғай ҳалок.

Илми ҳастликдинки ким аён қилур,  
Ўзини ул табиъи Шайтон қилур.

Йўқтурур фарқи ани Шайтон билан,  
Бормағай фарқи ани иймон билан.

Эй ўғул, ўлмакни қилсанг ихтиёр,  
Маърифат кишини қилғил ихтиёр.

Эй ўғул, тоқатни қилсанг ихтиёр,  
Маърифат илмини қилғил ихтиёр.

Эй ўғул, роҳатни қилсанг ихтиёр,  
Маърифат илмини қилғил ихтиёр.

Эй ўғул, иззатни қилсанг ихтиёр,  
Маърифат илмини қилғил ихтиёр.

(156)

Эй ўғул, қурбатни қилсанг ихтиёр,  
Маърифат илмини қилғил ихтиёр.

Эй ўғул, шаҳликни қилсанг ихтиёр,  
Маърифат илмини қилғил ихтиёр.

Одамий бўлмоқни қилсанг ихтиёр,  
Маърифат илмини қилғил ихтиёр.

Бандага Ҳақдин каромат маърифат,  
Бандага Ҳақдин иноят маърифат.

Кимда бўлса маърифат олим дурур,  
Маърифатсизлар ҳама золим дурур.

Маърифат илмини тафсир айлайин,  
Истамакка они тадбир айлайин.

Маърифат гўёки ул обиҳаёт,  
Ичса они тобқай ўлмақдин нажот.

Эй биродар, ул сув зулматдин нари,  
Истагайсен они Искандар каби.

Тобмоқи ҳар ким ани осон эмас,  
Ичмаса ҳар ким ани инсон эмас.

Истади умрида Искандар ани,  
Бошлади ул ерга бир раҳбар ани.

Ким қўёр ул ерга раҳбарсиз қадам,  
Етгай ул соат балолар дам-бадам.

Эй ўғул, бу йўлга бир раҳбар керак,  
Илкида бир шамъи пур анвар керак.

Эрди Искандарга Хиэри раҳнамо,  
Бўлди зулмат ваҳмидин ҳар дам паноҳ.

Ҳеч йўл йўқтурки, мундоғ ваҳмнок,  
Кўйса раҳбарсиз қадам бўлғай ҳалок.

Шамси Табриз эрди Мавлонога пир,  
Маърифатда бўлди андин беназир.

Румға алломаи вақт эрди ул,  
Кўргузуб минг етти юз шогирдға йўл.

Қилди пир амриға ул жонин нисор,  
Ул сабабдин тобти Арш устун қарор.

Ҳеч ким ўз олдига бўлмас киши,  
Гарчи бўлсун Нуҳу Луқмондек иши.

Гар киши пирсизки, гўё бепадар,  
Бепадар йўл юрса қўб кўргай хатар.

Аҳли ориф мурдани қилгай ҳаёт,  
Балки дўзахдин тақи қилгай нажот.

(156 ҳ)

Қил риоят пирни, эй ҳамнафас,  
Аҳли ориф гўйиё Исо нафас.



Амри ориф амри Ҳақдур, эй ўғул,  
Амриға қил жон фидо, олғил ҳусул.

Толиби илм бўлки, илми маърифат,  
Маърифатдин ўзга илм бемаърифат.

Бўлса ёд ҳар кимға гар юз минг китоб,  
Маърифатсиз оқибат бўлғай ҳижоб.

Бўлса ҳар ким маърифатликлар билан,  
Ҳамнишин бўлғай малоиклар билан.

(157)

Ризқ учун кимки қаноатлар қилур,  
Аҳмади мухтор шафоатлар қилур.

Ҳеч илм бу йўлда санъатсиз эмас,  
Кимда санъат бўлмаса одам эмас.

Кимки бу оламда бесанъат дурур,  
Рўзи маҳшар ичра беиззат дурур.

Халқ аро ҳар кимки санъатлиқ дурур,  
Ҳар киши олдида иззатлиқ дурур.

Қилдилар санъатни ҳар хассони Ҳақ,  
Қил қаноат бирла бўл бо ёди Ҳақ.

\* \* \*

Ғофило, умр ўтти доим беҳабар,  
Қил қаноат ризқ учун, эй кўру кар.

Ман нечун айлай кўнгулни шодлар,  
Қайси бир ғамдин қилай фарёдлар.

БУ ФАСЛДА МАЪРИФАТИ РИЗҚНИ АЙТУР

Аййуханнос, бўлма қошимдин йироқ,  
Маърифат айтай санга, солғил қулоқ.

Маърифатни ҳар киши билмоқ керак,  
Аввало нафсини ўлдирмоқ керак.

Ўлсалар ҳар кимқи ўлмасдин бурун,  
Аршни устида ул тобқай ўрун.

Қилсалар ҳар ким ғазо хуни жигар,  
Ишқдин бўлмиш дурур ул баҳравор.

Ҳақталаб гар халқға дохил бўлур,  
Шул замон беҳушу ло йаъқал бўлур.

Ҳақталабсен, эй биродар, англағил,  
Халқ талаблар бўлғусидур мурдадил.

Ҳар кишиким, мурдадил Ҳақдин йироқ,  
Ул кишиким, зиндадил халқдин йироқ.

Тут бу панд кўнглунг аро, эй ҳамнафас,  
Ҳақталаб халқ, ичра бўлса бу-л-ҳавас.

Мурдадиллар суҳбати мурдор этар,  
Зиндадиллар суҳбати ҳушёр этар.

Мурдадиллар икки олам хордур,  
Мурдадиллардин Худо безордур.

Ул кишиким, бу жаҳон ҳушёрдур,  
Ҳеч шак йўқ лойиқи дийдордур.

Гар кишида бўлса андак ақлу ҳуш,  
Халқдин бўлғай йироқ, бўлғай хамуш.

Ҳар замонким, мурдадил суҳбат қилур,  
Тангри ул соат анга лаънат қилур.

(157 ҳ)

Қилса ишқ дарёсидин ҳар кимки нўш,  
Бўлғай ул сар-по бараҳна ҳам хамуш.

Ҳар замонким, зиндадил суҳбат қилур,  
Тангри ул соат анга раҳмат қилур.

Кимки юрса дашту саҳролар аро,  
Бўлғай ул соатда андин Ҳақ ризо.

Эй ўғул, ризқингни ҳаргиз истама,  
Тонглаки ризқинг ғаминг ҳаргиз ема.

(158)

Ҳар кишида бўлса гар сидқу сафо,  
Еткурур ризқини пайдар-пай Худо.

Ризқига кимки қаноатлар қилур,  
Ризқини Тангри иноятлар қилур.

Есалар ҳар кимки ризқининг ғамин,  
Бўлғусидур оқибат Шамри лаъин.

Эй биродар, қил таваккул Тангрига,  
Жон фидо қил тезда они амрига.

Қилса қул шаҳ амрини бергай таом,  
Қилмаса хизматни ул бермас мудом.

Бул таом шоҳи таййибдин дурур,  
Хосларни ризқи ғойибдин дурур.

Омлар ер туну кун ризқин ғамин,  
Бўлмағайлар ҳеч вақт ғамдин эмин.

Гар киши розиқига мункирдур,  
Ҳам жуҳуду габру ҳам кофирдур.

Ҳар кишиким, ризқ учун уйдин чиқар,  
Ҳеч шак йўқтурки, ул диндин чиқар.

Ризқ учун тут доимо кўнгулни шод,  
Еткурур ҳар жонга ризқ ул-ибод.

Ризқин излаб ҳар киши уйдин чиқар,  
Ул кишининг кўнглидин иймон чиқар.

Эй ўғул, ризқингни ҳаргиз истама,  
Ғуссаву ғам бирла ризқингни ема.

Жонни берган Тангридур ҳам нон берур,  
Емаса ризқин ғамин иймон берур.

Истагилу истагилу истагил,  
Истагунча нонни иймон истагил.

Қилса ҳар ким тонглаги ризқин хаёл,  
Овругай андин юзини Зу-л-Жалол.

Етти қат ер ичра бўлса муру мор,  
Ризқини кам қилмай они еткур ор.

Барчанинг афъолига нозир дурур,  
Барчанинг аҳволига ҳозир дурур.

Барчаға ул подшоҳ олампаҳоқ,  
Ҳар нафас айтгил анга юз минг сано.

Тангрини ҳар дам фаромуш айлама,  
Зикр этардин тилни хомуш айлама.

Баъзиларни эмгатиб ризқин берур,  
Баъзиларни ингратиб ризқин берур.

Эй биродар, бўлмағил ноннинг қули,  
Бўлғасен албатта Манноннинг қули.

Эртага деб қўйсалар ҳар ким таом,  
Ҳақ анга лаънат юборгай субҳу шом.

Тамсили ризқингни айтай, эй амак,  
Келғусидур гўйиё оқғон сувдак.

Қилмағайсен ризқдин ҳаргиз бино,  
Қанча ўтқарсанг ани келгай яно.

Маърифатни ҳар киши билмак керак,  
Нафсини бу йўлда кўндирмак керак.

Эй биродар, халқдин бўлғил йироқ,  
Сухбатидин ҳам яна бўлғил йироқ.

Халқ аро мақсуд кеч ҳосил бўлур,  
Кимки танҳо бўлса бот восил бўлур.

Ушбу сўз тамсилини айлай баён,  
Ҳақталаблар ичра ул бўлғай аён.

Ҳақталаб қазмиш дурур гўё қудуқ,  
Қазмиши манъ ўлса ул қолғай қуруқ.

(158 ҳ)

Ҳақталаб дарёға тўр солмишдур,  
Бўлмаса хомуш тўр олмишдур.

Зикр қилса ҳақни-ю дунёни ҳам,  
Бўлмағай дийдори Ҳақ ҳаргиз баҳам.

Қилса толиб халқ аро кўб жўстужу,  
Чиқмағай мақсудини боғиға сув.

Кирмаса боғ ичра сув тобмас камол,  
Оқибат ул боғлар бўлғай завол.

Халқ аро бўлмас киши мардони пок,  
Мақсудиға етмайин бўлғай ҳалок.

Халқдин юз овурган озодадур,  
Рўзи маъшар халқ аро шаҳзодадур.

Халқдин юз овурган якдил бўлур,  
Халқ аро бўлгон киши сангдил бўлур.

Мурдадиллар суҳбати таъсир этар,  
Жаҳд ила Ҳақ амрини таъхир этар.

Тутмаса Ҳақ амри ҳар ким мўътабар,  
Ул кишиларга Худо қилмас назар.

Кўрса Ҳақ амрин киши хору забун,  
Ул жаҳаннам ичра боргай сарнигун.

(159)

Англа бу пандимни, эй савдо мижоз,  
Халқдин юз оврумай йўқтурур илож.

Қул эсанг Ҳақ амрига бўл мунтазир,  
Кўргил ўзни барча махлуқдин ҳақир.

Эй биродар, якдилу якрўй бўл,  
Ҳам яна якқолу ҳам якхўй бўл.

Гар киши ҳушёрдур маҳкам бўлур,  
Кимки гофил бўлса ул маҳрум бўлур.

Халқдин юз овруган жойи вақт,  
Халқ аро зўҳд айлаган тарсойи вақт.

Ҳақталаб бўлсанг бу сўзни англагил,  
Ҳақдин ўзга банди дилни ташлагил.

Ҳақталаб халқ ичрадур дилбанди халқ,  
Халқдин юз овруган дилбанди Ҳақ.

Ҳар кишиким, толиби дийдордур,  
Ҳақдин ўзга барчаси ағёрдур.

Ҳақталабсен солма кўз ағёрға,  
Мунтазир бўл ҳар нафас дийдорға.

Солса кўз ағёрға қилгай итоб,  
Бўлгай ул ҳолатда аҳволинг хароб.

Солди Мажнун кўз бировға беилож,  
Гардани Мажнунға Лайли урди кож.

Тут бу панд ёдингда, эй пиру жувон,  
Маъшуқи ошиқни қилгай имтиҳон.

Ҳар нафас ҳуш бирла бўл бо ёди Ҳақ,  
Берди бу пандни устодим сабақ.

\* \* \*

Ғофило, пир ўтти донм беҳабар,  
Якдилу якрўй бўл шому саҳар.

Ман нечук айлай кўнгулни шодлар,  
Қайси бир ғамдин қилай фарёдлар.

### БУ ФАСЛДА ФАЗИЛАТГА МЕҲМОННИ АЙТУР

Эй ўғул, тан-жонға меҳмонхонадур,  
Бўлмаса меҳмон бу уй вайронадур.

Бўлса меҳмон уйда маъмурилик бўлур,  
Кетса меҳмон уйда ранжурлик бўлур.

Неча тун-кун танда жон меҳмон эрур,  
Ушбу уй ҳам охири вайрон эрур.

Ҳар нима оламда Ҳақ пайдо қилур,  
Ушбу меҳмон важҳидин пайдо қилур,

Бил бу меҳмон қадрин, эй Абдул Азиз,  
Токи меҳмон уйдадур, тутғил азиз.

Англа бу маънини, эй марди ғариб,  
Кетса ул меҳмон яна келмиш ёниб.

(159 ҳ)

Ҳар куни ҳушёр тун бедор бўл,  
Толиби бўл, толиби дийдор бўл.

Бил бу меҳмон қадрини, эй хоссу омм,  
Бош кўтармай сажда қил ҳар субҳу шом.

Ушбу уйдин бир куни меҳмон кетар,  
Барча афродинг у кун афғон кетар.

Кўб пушаймон қилмағай ул кунда суд,  
Қил тилим меҳмон кетмасдан сужуд.

Айтайин жон тамсилени, эй ўғул,  
Беқудрат қил бу сўзларни қабул.

Ҳар хаёлу фикрлар меҳмон эрур,  
Ушбу меҳмонға кўнгул айвон эрур.

Ҳар кўнгул ҳар фикрдан холий эмас,  
Ул сабабдин мартаба олий эмас.

(160)

Фикр гар хайре дурур Исо қилур,  
Фикр гар шарре дурур тарсо қилур.

Фикри солиқ Тангрининг меҳмонидур,  
Фикри фосиқ макрийи шайтонийдур.

Фикри хайре кирса гар кўнглунг аро,  
Бўлғай ул соат кўнгул Арши ёуло.

Фикри ботил кирса гар кўнглунг аро,  
Бўлғонидур ул кўнгул таҳт ас-саро.

Кирса меҳмон уйга истифсор қил,  
Некка шукр, бадга истиффор қил.

Эй биродар, умр бир ҳамён зар,  
Бўлмағил зинҳор андин беҳабар.

Ҳар нафаским, чиққани ҳар дам-бадам,  
Гўйиё чиқмишдур ҳамёндин дирам.

Ул дирам ҳар дам бу ҳамёндин чиқар,  
Ул киши охир бу даврондин чиқар.

Эй жувони абр, эй бобойи барф,  
Қилма ҳаргиз фониға ул зарни сарф.

Эй ўғул, бир неча айтай санга,  
Чиқса ҳамёндин дирам, келмас яна.

Ҳар нафас ҳушёр бўл, эй ҳамнафас,  
Ул дирамким, чиққани чиққан нафас.

Умр ўтгай гўйиё сарсар каби,  
Титрашур бу жисм ул аръар каби.

Қилмағай ҳар умр ўтган бўлса авд,  
Назъи жон вақтида қилмас тавба суд.

Ҳар кишиким, бўлса гар сиҳҳат бадан,  
Умри они гўйиё боғу чаман.

Ҳар кишига ногаҳ гар пирий расад,  
Тушмиш они бўйниға “ҳаблун масад”.

Ер ҳусулдин қолса бўлғай шўрлуқ,  
Кўрлуқға ҳеч киши сочмас уруқ.

Эй жувон, чеҳранг бугун гўё қамар,  
Қарисанг ҳамчун бўлур пўстаклар.

Эй жувон, қаддинг бугун ҳамчун нишон,  
Етса ногаҳ пирлиғ бўлғай камон.

Бўлса боғ ичра дарахти бесамар,  
Боғбон қилғай ани зеру забар.

Гар кишиким, пир ҳам фосиқ дурур,  
Бегумондур дўзахқа ул лойиқ дурур.

Маркаб оқсоқ, кун кечаву йўл узун,  
Турғали ер йўқ, на ётмоққа ўрун.

Йил ахир бўлди, зироатинг қани?  
Умрунг охир бўлди тоатинг қани?

Суд қилмас атласу кимхоларинг,  
Бор дурур маҳшарда кўб додхоҳларинг.

Ўткарурсен умр доим беамал,  
Беҳабар етгай санга бир кун ажал.

Эй биродар, хонумон барбод қил,  
“Раббано инно заламно” ёд қил.

Тавба қилғил тез ўлмасдин бурун,  
Қил ибодат гўрга кирмасдин бурун.

(160 ҳ)

Ҳар киши ҳар дам надомат айлағай,  
Наъраи “инно заламно” айлағай.

Сен агар фарзанди одамдусен,  
Бўл етгандек туну кун мотамда сен.

Қилма туҳмат ўзга ман одам дебон,  
Бир гуноҳға қилғил уч юз йил фиғон.

Эй биродар, ҳар нафас фарёд қил,  
Ажз ила тақсирни бунёд қил.

Оҳ деб ҳар дамда айтғил “Раббано”,  
Ҳам “варҳамно” ву ҳам “вағфирлано”.

Бўлма ғофил тавбадин ҳам бир нафас,  
Тавбалиғларға Худо фарёдрас.

Тавбалиғ ёнмас қудуқ даргоҳидин,  
Қўймағай навмид лутф эҳсонидин.

Подшоҳедурки, онинг одати,  
Тушмағай махлуқға ҳаргиз ҳожати.



(161)

Тавба маҳкам бўлса дўст тутгай Худо,  
Тавба гар суст ўлса ёғдургай бало.

Қилма таъхир тавбани, эй беҳабар,  
Тавба қилғил, тез бўлғил баҳравар.

Тавба мақбул бўлса чун боғ ичра боғ,  
Ҳам қоронғу ичра ёндурмиш чироғ.

Тавбани синдурса кетгай миллати,  
Лаънатидур, лаънатидур, лаънати.

Ҳар кишиким, аҳди Ҳақни синдирур,  
Тангри онинг сувратин табдил қилур.

Қавми Исо тавбасин синдурдилар,  
Бўлди табдил суврати хук, хирсу хар.

Тавба бузғон Тангридин юз овругон,  
Нафси малъун бирла Иблисни деган.

Тавба қўйган бўлсалар бўлмас эмин,  
“Авҳан ур-Раҳмон кайд ул-кода” бин.

Эй ўғул, тавба бугун бояд керак,  
Тонглаға кўб умри хуш бояд керак.

Эй биродар, ушбу пандим англағил,  
Дарди нақдору нася қилмағил.

Азм қилғил дин сари аз бими жон,  
Қил ўзунг мард бўлки, ғайридин омон.

Қўрқмағил зинҳор девни бонгидин,  
Қил таваккул Ҳаққа бўл хавфдин эмин.

Бонги девлардурки бонги ашқиё,  
Бонги Раҳмондурки бонги авлиё.

Эй биродар тавба бир асби равон,  
Минса ким ул асбга бўлғай омон.

\* \* \*

Ғофило, умр ўтти доим беҳабар,  
Оҳ бирла нола қил шому саҳар.

Ман нечун айлай кўнгулни шодлар,  
Қайси бир ғамдин қилай фарёдлар.

БУ ФАСЛДА ТИФЛЛАР ВА ЎФРИЛАРНИ АЙТУР

Айдилар дунёни ул шоҳи Араб,  
“Аййуханнос иннама-д-дунё лаъаб”.

Тифллар доим бараҳна ўйнашур,  
Вақт топиб ўғри тамом эғнин олур.

Бўлса кун кеч етгуси уй ёдиға,  
Ўғри етмас тифлнинг фарёдиға.

Тифллар ул дамда бўлғай шармисор,  
Ийғлашур бир-бири бирла зор-зор.

Суд қилмас нолаю аффонлари,  
Йўқ хижолатдин ҳама дармонлари.

Эй биродар, ўғри нафс шайтон эрур,  
Олган ул эғни тамом иймон эрур.

Тавбаи маркаб ажойиб тезтар,  
Бир қадамда Арши аълоға етар.

(161 ҳ)

Ҳар кишиким, бориға машғулдур,  
Ул киши Тангриға номақбулдур.

Кимки бу дунёға гар мағрурдур,  
Икки олам ичра дил ранжурдур.

Эй биродар, тавба қил лайлунаҳор,  
Кун кеча бўлмасда бўл маркаб савор.

Тавба қилмоқ, яъни ул парҳез дурур,  
Тавбасиз гўёки маркабсиз дурур.

Етмағай мақсадға маркабсиз киши,  
Гарчи юрсун ул киши ёзу қиши.

Эй ўғул, бу йўлда маркаб эътибор,  
Кимки маркабсиздур бўлғай хор-зор.

Тавба уштур, сидқ они бўйдаси,  
Сидқсиз уштурда йўқтур бўйдаси.

Бўйдасиз уштур қилур охир ҳалок,  
Бўйдасиз уштур бўлур кўб ваҳмнок.

Қилмағил уштурға ҳаргиз бўйда суст,  
Бўйда маҳкам айла бўл чолоку чуст.

Бўлса уштур бўйдасидан беҳабар,  
Беҳабар бўлсанг шутур қилғай зарар.

(162)

Бўйда маҳкам қил шутурға ҳар дами,  
Тавба қилғил мисли (қай) қилган каби.

Ичмагайсен ёндуруб ҳаргиз ани,  
Ташлагай дўзахқа албатта сани.

Эй биродар, истасангким, гар Худо,  
Истагил аввал ҳузури авлиё.

Маъсиятни қилғил аввал бартараф,  
Тавба қилгандин кейин бўл ҳақталаб.

Сен агар тобсанг ҳузури авлиё,  
Бўлғусидур кўнглунг ул соат жило.

Дўсти Ҳақ бирла киши гар ҳамнишин,  
Бўлса бўлғай нафс шайтондир эмин.

Ростларни мажлисида рост бўл,  
Кўргузур Ҳақ сорига жаннатга йўл.

Гир агар каж бўлса етмас сайдиға,  
Одаме каж бўлса кирмас қайдиға.

Тарозуни тарозу рост қилгай,  
Авомийни валийлар хос қилгай.

То “ашиддо ʻала-л-куффор” бўл,  
Ҷаҳд қилғил душмани ағёр бўл.

Бўлсалар бу йўлда ким мардони мард,  
Бўлғусидур ул киши озод мард.

Бўлмағил рубоҳ, бўлсанг шер бўл,  
Душмани Тангриға бир шамшир бўл.

Эй ўғул, бу йўлға чандон тўша қил,  
Покларни хокипойин бўса қил.

Кимки мумдил бирла дур мумдил бўлур,  
Кимки сангдил бирладур сангдил бўлур.

Қилмасанг гар тавба андоғким насух,  
Бўлмағай ҳаргиз санга файзи насух.

Ул дурур мумдил Муҳаммад Мустафо,  
Ул дурур сангдил Абу Ҷаҳли сиёҳ.

Ким Муҳаммад амриға мойил дурур,  
Жаннат ул-аълоға ул дохил дурур.

Гар киши исёнға кўб мойил дурур,  
Ҳеч шак йўқтурки, ул жоҳил дурур.

Суҳбати гирён сени гирён қилур,  
Суҳбати хандон сени хандон қилур.

Суҳбати мардон сени мардон қилур,  
Барча мушкилларни ҳам осон қилур.

Бандаи раҳмонсен бўлғул бандавор,  
Нафс ила Шайтонға ур тиф обдор.

Ҳамнишини мурда бўлмоқ ихтиёр,  
Қилса они руҳи ҳам тобмас қарор.

Мурдадиллар суҳбати мурдор этар,  
Зиндадиллар лойиқи дийдор этар.

(162 ҳ)

Авлиёйи вақт чун Исойи вақт,  
Ашқийи вақт чун тарсойи вақт.

Банда бўлмоқ Тангрига осон эмас,  
Ҳар кишига раҳмати яксон эмас.

“Ал-хабисот лил-хабисин” ёд қил,  
Ҳар хасу ҳар жинсни барбод қил.

Айди Ҳақ, бордур Шайтон, инсу жин,  
Бўлма онинг бирла ҳаргиз ҳамнишин.

“Таййибот ут-таййибин” покон эрур,  
Тангри даргоҳида ул хосон эрур.

Одамийни шайтони девдин ёмон,  
Ҳийла қилса бўлғай ул девдин омон.

Ҳар замонким, дев санга оғзин очар,  
Ўқусанг “ло ҳавла”ни сандин қочар.

Бордур одам ичра кўб шайтон киши,  
Туну кун одат анга исён иши.

Йўқту бу шайтонни ҳаргиз ҳийласи,  
Икки олам халқ аро шармандаси.

Куфру ширк кўнглида они таҳ-батаҳ,  
Қилмағай “ло ҳавла” кор “ло қуввата”.

Эй биродар, тез бўл андин йироқ,  
Қилғай ул бу йўлда андин тумтароқ.

Бўлса ҳар ким шайтон одамдин йироқ,  
Бегумон бўлғайса исендин йироқ.

Илми бўлган бирла тасдиқ айлама,  
Зиндадил деб они таҳқиқ айлама.

Эй биродар, илм икки қисмдур,  
Илми наҳвий бирла илми маҳвдур.

Илми маҳвий лойиқи афлок этар,  
Илми наҳвий оқибат нопок этар.

Илм агар наҳвийдур мақсад нотамом,  
Наҳвийдин бўлғил йироқ ҳар субҳу шом.

Илми маҳвий бирла наҳвий, эй амак,  
Фарқи андоқдурки, бу ердин фалак.

Илми наҳв ҳосил бўлур ғавфо билан,  
Ўткарур умрини ул савдо билан.

Суд қилмас айлаган ғавзолари,  
Рост келмас анда бу савдолари.

Илм агар наҳвийдур саргардон қилур,  
Илм агар маҳвийдур ҳайрон қилур.

Гар кишига бўлса ҳайронлик насиб,  
Бегумон ул Тангрига бўлмиш қариб.

Илми наҳвий ҳийлаву маккоралиғ,  
Илми маҳвий ажз ила бечоралиғ.

Гар ҳукумат тегса ул маккораға,  
Буйруғи Мансурни ул дорға.

Олса қўлга олими наҳвий қалам,  
Қилғай ул бечоралар бошин қалам.

Илми маҳв мурғе дурур бо болу пар,  
Илми наҳв ҳам мурғ, аммо, кўру кар.

Ул тарафдин ишқ афзун қилса дард,  
Бўлғай ул ҳолатда илми наҳв сард.

Ул кишиким, ишқдин расме олур,  
Бу Ҳанифа, Шофийий дарси қолур.

Ҳақталабларга мударрис номи Ҳақ,  
Орзуйи рўйи Ҳақ бўлғай сабақ.

(163 ҳ)

Билса ҳар наҳвидин юз минг китоб,  
Қилмаса ҳастликни маҳв ўлғай килоб.

Ишқда ҳар кимда бўлса оҳи дард,  
Ҳеч шак йўқтурки, ул озода мард.

Оҳи дард толибни қилғай дар ҳижоб,  
Оҳи дард вақтида қил бағринг кабоб.

Гар кишининг оҳи дардолуд эмас,  
Бегумон андин Худо хушнуд эмас.

Оташи ишқ билгирур оҳак аро,  
Ўртагил ҳастликни ол андин қаро.

Оҳ деб ҳар дамда фарёд айлагил,  
Ҳар ҳижобу парда барбод айлагил.

Ўзни илми маҳвга куйдур бугун,  
Хирқаву сажжодани куйдир бугун.

Кир бу майдон ичра то урён бўлуб,  
Нолаву афғон била гирён бўлуб.

Ўртагил тасбиҳ ила дасторни,  
Ёд қилғил ҳар нафас Фаффорни.

Фикр қил кўнглунгда ағёр ўлмасун,  
Зикр қил жисминг хабардор ўлмасун.

Қўймағил зинҳор ҳастликдин ғубор,  
Жаннат ул-аълода кўп дийдори ёр.

Илми наҳвий мовуман пайдо қилур,  
Илм гар маҳвийдур нопаддо қилур.

Наҳв бирла маҳв бўлмас рўбару,  
Бу икковлон гўйиё ўт бирла сув.

\* \* \*

Гофило, умр ўтти доим беҳабар,  
Илми маҳвий қил талаб шому саҳар.

Ман нечук айлай кўнгулни шодлар,  
Қайси бир ғамдин қилай фарёдлар.

(164)

## БУ ФАСЛДА ИШҚБОЗ НОДОНЛАРНИ АЙТУР

Кимки бу оламга гар ғофил дурур,  
 Охират сориға ул ғофил дурур.  
 Гар киши ботил сари доно дурур,  
 Бегумон Ҳақ сари нобино дурур.  
 Ҳар кишиким доимо гумроҳ дурур,  
 Нафс ила Шайтонга ҳамроҳ дурур.  
 Овруган юзни Худо фармонидин,  
 Қолғай ул навмид лутф эҳсонидин.  
 Гар анга ким қилса Аллоҳдин калом,  
 Жони чиққай тандин ул соат тамом.  
 Амри Ҳақ етгай анга шамширдек,  
 Жаҳл ғолиб бўлғай ул дам шердек.  
 Ҳақ Расулни сўзлари бемор этар,  
 Жаҳл они оқибат мурдор этар.  
 Тангри фармони ани оғриқ қилур,  
 Кори Шайтоний ани чобук қилур.  
 Тангри фармонига ул бемор суст,  
 Нафсини фармонига чолоку чувт.  
 Дунёдин эшитса сўз сиҳҳат топар,  
 Жониға ҳам қуввату роҳат топар.  
 Ишқбози ҳусни раънодин турур,  
 Дини они габру тарсодин турур.  
 Қилса махлуқ бирла ҳар ким ишқбоз,  
 Айламиш ул гўйиё дев бирла боз.  
 Ишқбози керма жунбондин турур,  
 Бегумон ул хайли буёндин турур.  
 Ҳар кишиким, фонийға ошиқ турур,  
 Ҳеч шак йўқтурки, ул фосиқ дурур.  
 Кимки парҳез қилса андин муттақий,  
 Кимки парҳез қилмаса андин шақий.  
 Сарнавиштидур ани андар азал,  
 Не учунким, толеъи бўлмиш Зуҳал.  
 Айдилар таҳқиқ ул Шоҳи нужум,  
 “Аш-шақиййу ман шақий фий батни умм”.

Ул шақий бадбахту бад ахтар бўлур,  
Рўзи маҳшар хирсдин бадтар бўлур.

Ўткарур умрини ул ғафлат билан,  
Парвариш нафсин қилур лаззат билан.

Доимо нафсига роҳат истагай,  
Ҳам яна айшу фароғат истагай.

Нафс ила Шайтонни доим шод этар,  
Ҳар замон иймонини барбод этар.

Жаҳд бирла бўлса ҳар ким ҳамқарин,  
Бўлмагай доноға ул ҳаргиз яқин.

(164 ҳ)

Бўлсалар ҳар кимки донодин йироқ,  
Ҳеч шак йўқ бўлмай Аллоҳдин йироқ.

Аҳли доно машғали рўйи замин,  
Кимда машғал бўлса чун хавфдин эмин.

Кимки доно бирла машғаллиқ дурур,  
Кимки доносиздур машғалсиз дурур.

Бу жаҳон гўёки бир Ялдо туни,  
Ҳеч ким бўлмаски доносиз ани.

Эй биродар, бўлма доносиз бугун,  
Бўлмағил зинҳор машғалсиз бу тун.

Эй ўғул, умрунда доно бирла бўл,  
Оэмағай тун ичра машғал бўлса йўл.

Ўтмаса дунёни дўст доно дурур,  
Ҳеч шак йўқтурки, аҳлуллоҳ турур.

Қилмағай нафсини асло тарбият,  
Ҳақ Расул фармонини қилмас ғалат.

Ҳар киши доноға гар табиъ дурур,  
Ул кишининг бахти Шамс толиъ дурур.

Англағил бу сўзни таҳқиқ, эй болам,  
“Ас-саъиду ман саъад фий батни умм”.

(165)

Кимки донолиғда бўлса устувор,  
Чиҳлтанлар ичра тобқай ул-қарор.

Ҳар кишига бўлса донолиғ насиб,  
Ул киши Тангриға бўлмишдур муҳиб.



Ул шаҳарким, анда бир доноси бор,  
Ул қоронғуда дури яктоси бор.

Ҳар киши доноға гар восил бўлур,  
Гунбази даввора ул дохил бўлур.

Кимки доно бўлса ул Исо бўлур,  
Кимки доно бўлмаса тарсо бўлур.

Эй ўғул, бўл доимо доно талаб,  
Қилғай ул жаҳлингни доно бартараф.

Кимки ўз олдига гар порсо бўлур,  
Оқибат ул Шайх Барсисо бўлур.

Гар кишини умри бедоно ўтар,  
Ул кишини чашми нобино ўтар.

Тифлдур оламда доносиз киши,  
Тобмағай равнақ ҳама онинг иши.

Аҳли доно ўзни “ман тийно” қилур,  
Кўрдил бўлғонни ул бино қилур.

Эмди айтай анча доно васфини,  
Тутқасен ёдингда бу авсофини.

Маазҳаби донони қилсанг ихтиёр,  
Маазҳаби Исони қилғил ихтиёр.

Гар киши беқайддур доно дурур,  
Ҳеч шак йўқтурки, ул Исо дурур.

Бу жаҳонни лаззатин қилғил ҳаром,  
Икки олам шоҳиға бўлғил ғулом.

Қил риёзат ихтиёр тун-кун мудом,  
Аҳли қабрийлар аро бўл субҳу шом.

Гоҳ-гоҳ чўлу биёбон ичра бўл,  
Очилур ул файзи раҳмат сори йўл.

Эй биродар, бу жаҳон фоний дурур,  
Ким вафо кўз тутмас руҳоний дурур.

Қилса ҳар ким ул вафосиздин умид,  
Бўлғусидур ул киши чиркин палид.

Қилса ҳар ким бевафолардин ҳазар,  
Қилғай Аллоҳим анга ҳар дам назар.

Гар кишига бу жаҳон ҳосил бўлур,  
Охират аҳволидин гофил бўлур.

Аҳли доноларни билгил, эй азиз,  
Жаҳд ила олғайсен донодин лазиз.

Кимки доно бўлса парҳезгордур,  
Ботини ҳар вақт пур анвордур.

Эй биродар, зўҳд уч турлук бўлур,  
Қилмагил бу зўҳдга ҳаргиз ғурур.

(165 ҳ)

Англагил бу зўҳдни, эй пиру жувон,  
Зўҳди нафсу зўҳди дилдур, зўҳди жон.

Зўҳди нафс дунёни тарк этган бўлур,  
Зўҳди дил маъвони тарк этган бўлур.

Зўҳди жон ўлдурки, бил, эй ҳамнафас,  
Жон фидо Тангрига қилгил ҳар нафас.

Зўҳди жон андоғки, парҳезгордур,  
Икки олам олдида мурдордур.

Зўҳд агар дунёдур жаннатлик бўлур,  
Зўҳди дил жаннатда иззатлик бўлур.

Зўҳди жонга гар киши дохил бўлур,  
Тангри дийдорига ул восил бўлур.

Зўҳди жон қилмоқни қилсанг ихтиёр,  
Бўлгил ул шамъига бу парвонавор.

Подшоҳо, бу ҳижоб чоҳидин ол,  
Тезроқ ўтдин чиқар, то йўлга сол.

Маъсият чоҳин манга қилдинг ватан,  
Ушбу чоҳда Ҳоруту Морутман.

Йўқ паноҳим Сандин ўзга, эй Карим,  
Барчага раҳм этгучи Сансан раҳим.

(166)

Ишқ аро йўқтур манингдек ҳеч ким,  
Етти дўзах мулкиму ҳам манзилим.

Эй Худо, дўзахни бер танҳо манга,  
Мандин ўзга сигмагай ҳеч ким анга.

Ҳеч ким мандек анга лойиқ эмас,  
Чунки кўнглум субҳдек содиқ эмас.

Гар темур зангордур они нетар,  
Ўтда кўб куйдурса зангори кетар.

Келмагай ўтсиз темур даркорға,  
Пок қилгай солса ҳам мурдорға.

Хўб кўрар зангсиз темур хардорға,  
Ҳам олиб киргай ани бозорға.

Ман эмасман, эй Худо, лойиқ санга,  
Тун-кун қил ёру ёварлиқ манга.

Умрум ўтти нафснинг фармонида,  
Йўқ турур Сандин бўлак бир раҳнамо.

Доми макру ҳийлада устодман,  
Маъсият тахтида ҳам шаддодман.

Бўлмадим бу нафси шайтондин халос,  
Бўлмадим бир соат исёндин халос.

Охиратдин манда бир андеша йўқ,  
Жуз сияҳрўлиқдин ўзга пеша йўқ.

Сўрсалар кўр ичра ул икки малак,  
Йўқту тухфам юз қароликдин бўлак.

Қилганим йўқ Тангрининг фармонини,  
Ул манга қайдин қилур инъомини.

Ўртади жонимни дунёнинг ғами,  
Келмади кўнглумга уқбони ғами.

Йўқ турур сидқу сафо кўнглум аро,  
Не ҳаёву шарм, не хилму вафо.

Қилмадим иш худписандликдин бўлак,  
Ҳам яна кўб мовуманликдин бўлак.

Бўлмадим холий риёдин бир нафас,  
Чиқмади Ҳақ ёдида мандин нафас.

Қилмадим даргоҳида лойиқ сужуд,  
Ҳам яна бир оҳу ё маҳви вужуд.

Зоҳирим бошдин-оёғ ушбу риё,  
Ботиним фосид хаёлға мубтало.

Эй Худоё, неча йил Сандин нари,  
То берурман сарнигун таҳт ас-сарни.

(166 ҳ)

Йўқ манга Сандин бўлак фарёдрас,  
Қилмадим амрингни лойиқ бир нафас.

Фатҳ қилғил рост йўлларни манга,  
Кашф қилғил барча мушкилни манга.

Нафсни фармонида овораман,  
Тангрини фармонида бечораман.

Қўймадим Ҳақ сорига бир дам қадам,  
Қилмадим нафсимга кўб зулму ситам.

Эй Худоё, қилмасанг лутфу карам,  
Ман нечук лойиқ Санга бир қатра нам.

Нафсни амрини қилдим тунду тез,  
Кўрмадим ҳаргиз бу умрумдин лазиз.

Бўлдим Ҳақни фармониға бемору сушт,  
Нафс Шайтон амриға чолоку чувт.

Халқ аро ман хушнамо, неку сиришт,  
Ҳақ қотида баднамову қабҳу зишт.

Бўлмадим лойиқ ани даргоҳиға,  
Тобмадим йўл шоҳни боргоҳиға.

Ман эрурман барча камлардинму кам,  
Ман нечук ул тараф урғойман қадам.

Қилмаса ул подшоҳ фазлу карам,  
Ман анга қайдин бўлай собитқадам.

Туну кун нафсимни хушнуд айласам,  
Балки нафсимни Намруд айласам.

Беҳуда андеша, фикр қилди хароб,  
Йўқ эрур гар сўрсалар бир кун жавоб.

(167)

Гар киши Ҳақ амриға мардонадур,  
Ул жамоли шамъға парвонадур.

Зўҳди жон қилган киши девонадур,  
Ҳар замон ўз ҳолиға ҳайронадур.

Барча зўҳд бир пўст, мағз зўҳди жон,  
Зўҳди жондур, зўҳди жондур, зўҳди жон.

Эй биродар, иста доим зўҳди жон,  
Қил талаб Ҳақдин ҳамиша зўҳди жон.

Қилмаса тоатни тун-кундин мазид,  
 Оқибат иймони бўлғай нопадид.  
 Бўлса иймон нопадид мағбун бўлур,  
 Кимки мағбун бўлса ул малъун бўлур.  
 Бу насиҳат англа, эй пиру жувон,  
 Ман бу мағбун маъносин айлай баён.  
 Ким баробар икки кун тоат қилур,  
 Ҳақ анга лаънатни ул соат қилур.  
 Ул сабабдин наҳв мағбундур, билинг,  
 Кимки мағбун бўлса малъундур, билинг.  
 Қилмасанг тоатни кун-кундин тўло,  
 Ҳақ сани қилғай балоға мубтало.  
 Гар киши малъун эрур маълум бўлур,  
 Яхши ишдин ҳар замон маҳрум бўлур.  
 Эй ўғул, ўлмакка доим ёд қил,  
 Жамъ қилғон хонумон барбод қил.  
 Эй биродар, тезроқ маҳв эт вужуд,  
 Бош кўтармай айлагил тун-кун сужуд.  
 Бўлмағил ҳаргиз ажалдин беҳабар,  
 Бир куни гўр сориға қилғунг сафар.  
 Ул қоронғу гўрда ҳамроҳ истасанг,  
 Туну кун бисёр тоат истасанг.  
 Бўлмағил ғафлатда андак бир замон,  
 Бўлмағил гўр хавфидин ҳаргиз омон.  
 Доимо бул фисқу исёндин йироқ,  
 Бўл ҳамиша доми Шайтондин йироқ.  
 Бу жаҳони бевафодур, бемадор,  
 Бевафоға қилма ҳаргиз жон нисор.  
 Ул қоронғу гўрда йўлдошинг қани?  
 Арзу ҳол айтмоққа мунгдошинг қани?  
 Бўлса ҳар жон сори Азроил равон,  
 Тобмағайлар ҳеч жон андин омон.  
 Англағил бу сўзни таҳқиқ, эй амак,  
 Чора йўқтур жонни бермасдин бўлак.

Эй қуёш, билғилки, “ло йастақдимун”,  
Тутқасен ёдингда “ло йастаъхирун”.

Бўлма ғофил ҳар нафас, эй ҳамнафас,  
Бўлмағай Ҳақ амри ҳаргиз пешу пас.

(167 ҳ)

Эй ўғул, дунёни ёдингдин чиқар,  
Оташи ишқ оҳингдин чиқар.

Жамъ қилган ҳар на асбоби жаҳон,  
Ишқ ўтида ўрта, бўл андин ниҳон.

Одамий бир сайд, дунё домдур,  
Ким илинса домға сарсомдур.

Етса ҳар жонеға гар Ҳақдин қазо,  
Бўлғай ул доми балоға мубтало.

Жамъ қилма дунянинг асбоби дин,  
Жамъ қилсанг етгай иймон бирла дин.

Ҳар нима фонийдур асбоби жаҳон,  
Тутма кўз андин вафо андак замон.

Эй биродар, ишқдин бир баҳра ол,  
Тезроқ бу йўлда бўл беқилу қол.

Амри Ҳақни доимо одот қил,  
Оҳ бирла нолаву фарёд қил.

Раҳм қил жонингға, эй мадҳушу маст,  
Солма танни ўтға, эй оташпараст.

Тангрининг амриға инкоринг нима?  
Тангридин кўрқсанг дилозоринг нима?

(168)

Ётмағил девордек, эй беадаб,  
Каъбаи мақсудни қилғил сен талаб.

Каъбаи мақсуд ул Маъбуддур,  
Толиби Маъбуд ўлон хушнуддур.

Толиби Маъбуд ул ошиқ эрур,  
Ишқиға ул доимо лойиқ эрур.

Бўлса ҳар жон ишқидин ғофил эмас,  
Ишққа лекин ҳар киши қобил эмас.

Осмон қайдин кўтарди ишқни,  
Ишқиға бўлмишки маркаб одамий.

Хоҳласа шоҳийи ишқ бир зорни,  
Ўртар ул зуннор ҳам дасторни.

Кимки ошиқдур риёзат ичрадур,  
Кунж аро доим қаноат ичрадур.

Гар киши ҳушёрдур асрордин,  
Холий эрмас руҳи ул гулзордин.

Ул киши ҳушёрдур халқдин йироқ,  
Доимо ул хоҳиши нафсдин йироқ.

Халқдин юз овормади ошиқ эмас,  
Ул киши ҳам ишқиға лойиқ эмас.

Ҳалқ бирла халқдек йўқтур ҳижоб,  
Ҳеч азоб йўқтур ҳижобидек азоб.

Эй ўғул, бу сўзга кўб тамйиз қил,  
Ҳалқ бирла халқдин парҳиз қил.

Қилма бу дунё сари ҳаргиз назар,  
Ҳар нимаким, фонийдур қилғил ҳазар.

\* \* \*

Гофило, умр ўтти доим беҳабар,  
Оҳ бирла нола қил шому саҳар.

Ман нечук айлай кўнгулни шодлар,  
Қайси бир ғамдин қилай фарёдлар.

### МУНОЖОТ

Ҳамди беҳадду беъад, эй Яздон Санга,  
Зоҳиру ботин ҳама яксон Санга,

Йўқ эди оламни пайдо айладинг,  
Барчани андин муҳайё айладинг.

Эй Худоё, Сен олиб бир мушт хок,  
Айладинг ул хокдин мардони пок.

Нурдин қилдинг малоикни тамом,  
Ҳар бири бир ишдадур ҳар субҳу шом.

Нафс Шайтондин улар холий турур,  
Ҳам яна ул ишқдин холий турур.

Холий қилдинг нафс Шайтондин ани,  
Ёд этар доим малул бўлмаё Сани.

(168 х)

“Ал-малоикун фий соотиҳо,  
Ло тарфийуна фий тоотиҳо”.

Йўқ малоикларда ҳаргиз ишқбоз,  
Не жиҳоди нафс, не сўзу гудоз.

Не риёзатлар била афғони бор,  
Не ниёздур, на хайру эҳсони бор.

Не закоту ҳажжу не қурбони бор,  
Ишқидин ул барқдек не оҳи бор.

Шукр қил ҳардамда мавжуд айлади,  
Жон бериб ҳар жонни хушнуд айлади.

Бир овуч тупроққа жон берди Ул,  
Қул куллийу ҳам иймон берди Ул.

Шукр қил ҳар дамда, эй инсони хок,  
Айлади ул хокдин мардони пок.

Илм берди йўлни билдирмак учун,  
Ақл берди Ўзни билдирмак учун.

### МУНОЖОТ

Подшоҳо, йўқтур мандек шармисор,  
Нафсни илкида бўлдим хору зор.

Умр аро нафсимни қилдим тарбият,  
Рост йўлларни ҳама қилдим ғалат.

Қилмадим нафсимға бир зулму ситам,  
Қўймадим амринг сари дам ё қадам.

(169)

Бор дурур беҳад ҳожотим Санга,  
Йўқ турур лойиқ муножотим Санга.

Бу кўнгул ойинаси гарду ғубор,  
Марҳамат қил эмди кўнглумдин чиқар.

Ушбу ҳайронлиқ аро овораман,  
Ушбу дарди бедаво бечораман.

Ҳеч ким бермас бу заъфимға даво,  
Сан ўзунг бер ушбу дардимға шифо.

Истамасман дору Сандин ўзгадин,  
Қўймағил навмид, эй ҳодийи дин.



Бедаво дард ичра қўб дармондаман,  
Зарраи раҳматга қўб армондаман.

Манда йўқтур маъсиятдин ўзга иш,  
Гарчи ўтсун туну қуну ёзу қиш.

Гарқ бўлдум маъсият дарёсида,  
Барчаларга дастгир Сан, эт Худо.

Сандин ўзга йўқту ғамхорим мани,  
Йўқтур Сандин ўзга дилдорим мани.

Ғам билан бу йўлда ақлим бўлди лол,  
Эй Худо, ё ғамдин ол, ё ғамга сол.

### БУ ФАСЛДА БЕШ ВАҚТ НАМОЗНИ АЙТУР

Ҳар кишига беш намоз йўл бошлагай,  
Ё биҳиштг, ёки жаҳаннам ташлагай.

Бор дурур одамда уч турлук намоз,  
Барчасини англаб андин қил намоз.

Нон намози, жон намози, хон намоз,  
Жон намоздин ўзгаси дев бирла роз.

Баъзилар нон ваҳмидин қилгай намоз,  
Баъзилар хон ваҳмидин қилгай намоз.

Нон намози хон намозидин ёмон,  
Хон намози жон намозидин ёмон.

Бўлмаса ботин таҳороти анинг,  
Йўқ турур иймон ҳаловоти анинг.

Нон намози халқ аро қилғон намоз,  
Хон намози хон олдида қилғон намоз.

Эй ўғул, бу қисм тоат қилмағил,  
Мосиволлоҳдин қироат қилмағил.

Сол қулоқ бу сўзга, эй пиру жувон,  
Жон намозидин санга айлай баён.

Таҳорати ботинни қилсанг, эй амак,  
Қўймағил ботинда Аллоҳдин бўлак.

Эй ўғул, билғилки, фармони Худо,  
Ҳар намоз бўлмас таҳоратсиз бино.

(169 ҳ)

Таҳорати ботинни қилсанг ихтиёр,  
Ҳирси чашму ширк кўнглунгдин чиқар.

Таҳорати ботинни қилсанг ихтиёр,  
Ҳам ҳасад, шаҳватни кўнглунгдин чиқар.

Таҳорати ботинни қилсанг ихтиёр,  
Ҳар адоват бўлса кўнглунгдин чиқар.

Таҳорати ботинни қилсанг ихтиёр,  
Нафс хоҳишини кўнглунгдин чиқар.

Таҳорати ботинни қилсанг ихтиёр,  
Фитнаву ғийбатни кўнглунгдин чиқар.

Тавба-ю ажзу риёзат қил давом,  
Ҳам жиҳоди нафс қил ҳар субҳу шом.

Эй ўғул, бу йўл аро тажрид бўл,  
Халқдин юз овригил, тафрид бўл.

Эй биродар, иста ҳар лайлу наҳор,  
Кунж аро қилғил қаноат ихтиёр.

Солма кўз зинҳор номаҳрам сари,  
Солса кўз йўл тобмағай маҳрам сари.

Ким сухан ишқи мажозийдин қилур,  
Шул замон ботин таҳороти синур.

(170)

Эй ўғул, ботин таҳороти будур,  
Тангриға лойиқ ибодоти будур.

Қил таҳоратни бу қисм ҳар қишу ёз,  
Маҳв қил ҳастликни андин қил намоз.

Қилмасанг мундоқ таҳорат, эй ўғул,  
Бўлмағай қилган ибодотинг қабул.

Таҳорати ботин турар қалбинг аро,  
Икки оламда бўлур кўнглунг жило.

Гар кишини бу сифат таҳороти бор,  
Ул кишининг хориқи одоти бор.

Қилса ким ботин таҳорат ихтиёр,  
Бўлғай ул даргоҳи Ҳақда эътибор.

Таҳорати зоҳир санаға еткурур,  
Таҳорати ботин Худоға еткурур.

Таҳорати зоҳир била қилган намоз,  
Тангри даргоҳида ул бўлмас намоз.

Эй ўғул, ботин таҳоротинг шикаст,  
Ул намозинг Тангриға мақбул эмас.

Эй ўғул, ботинг таҳоротинг қани?  
Тангриға лойиқ муножотинг қани?

Қилса ким ботин таҳоратсиз намоз,  
Гўйиё ул айламиш дев бирла роз.

Эй биродар, истасанг Ҳақ бирла роз,  
Таҳорати ботин билан қилғил намоз.

Эй биродар, масти тоат бўлмағил,  
Нафс Шайтонға итоат қилмағил.

Англағил мастликни, эй пиру жувон,  
Масти тоат масти хамрийдин ёмон.

Масти банг беҳтар дурур банг мастидин,  
Масти буза яхшироқ хар мастидин.

Ҳеч нима оламда йўқ мастсиз нима,  
Бўлса ҳар турлук нима мастсиз дема.

Кулли мастий ҳаром будур бил,  
Маст қилур Ҳақдин ўзго ишни бил.

Хоҳ билмак, хоҳ турмаклик нима,  
Хоҳ минмак, хоҳ киймаклик ҳама.

Хоҳ ичмак, хоҳ кучмоқ бўлсаму,  
Хоҳ илму хоҳ роҳат бўлсаму.

Ҷон қулофинг ичра тут бу яхши панд,  
Маст қилғай хоҳ буза, хоҳи қанд.

Масти Ҳақлар дамни хомуш айлағай,  
Ўзгаси Ҳақни фаромуш айлағай.

(170 ҳ)

Масти фоний мосиволлоҳдин бўлур,  
Масти боқий ишқи Аллоҳдин бўлур.

Масти фоний бўлса ул охир нетар,  
Оқибат дунёдин иймонсиз кетар.

Йўқту мастлик мовуманликдин ёмон,  
Ташласанг бўлғасен ҳар хавфдин омон.

Бўлсалар ҳар ким агар фонийға маст,  
Ул кишиларни Худо бандам демас.

Эй ўғул, қил масти фонийдин ҳазар,  
Ҳақ таъоло санга то қилғай назар.

Эй Хароботий, таҳорат айлагил,  
Таҳорати ботинни одат айлагил.

Таҳорати ботинда бўлсанг устувор,  
Бўлмағайсен назди Ҳақда шармисор.

Истагил ботин таҳорат, эй ўғул,  
Пок эмас мундоғ таҳоратсиз кўнгул.

Беш намозинг бирла беш меърож қил,  
Мосиво кўнглунгдин от, ихрож қил.

Қилмағунча мовуманликдин жудо,  
Ул намозинг бўлмағай сандин адо.

Дин намози ушбу беш турлук турур,  
Ишқ намози ҳар нафас доим қилур.

Тан намози ўтқа киргандин кейин,  
Жон намози маҳв бўлгондин кейин.

Жон намоз ошиқ намозидур, билинг,  
Ўзгаси фосиқ намозидур, билинг.

Ҳар ибодат ишқ ила жон бирла тан,  
Ҳар ибодат ишқсиз жонсиз бадан.

\* \* \*

Фофило, умр ўтти доим беҳабар,  
Таҳорати ботин тила шому саҳар.

Ман нечук айлай кўнгулни шодлар,  
Қайси бир ғамдин қилай фарёдлар.

## БУ ФАСЛДА ҲИДОЯТ БОҒИНИ АЙТУР

Сол бу пандимға қулоқ, эй омму хосс,  
Кимки тутса ёдида бўлғай халос.

Айтайин эмди ҳидоятдин калом,  
Жон фидо қилғил анга ҳар субҳу шом.

Файзи раҳмат бандага Хақдин бўлур,  
Файз бўлмаслик ҳама халқдин бўлур.

Ул ҳидоят гўйиё гулзордур,  
Келиб ул гулзорға бир зордур.

Олсалар ҳар ким ҳидоятдин хабар,  
Икки олам бўлғай ул соҳиб назар.

Ул ҳидоят боғнинг бўстони бор,  
Бўстон ичра они достони бор.

Қил талаб ул ерни, эй пиру жувон,  
Дўстлар ул ерда бўлғай жовидон.

Эй ўғул, ул сориға қилғил шикор,  
Ҳар муроду мақсадинг ул ерда бор.

Сен агар қилсанг бу пандимни қабул,  
Ул тараф бормоққа доим иста бўл.

Ўзлугидин борса зулматдин чиқиб,  
Ул ҳидоят боғ анга бўлғай насиб.

Ўзлугидин ҳеч ким борган эмас,  
Ўзлугидин ҳеч ким тобган эмас.

Меваси ул боғнинг қанду набот.  
Сувлари ул боғнинг оби ҳаёт.

Гуллари ул боғнинг бисёрдур,  
Ҳам шаробу ҳам кабоб тайёрдур.

Қилғай ул боғ ичра мутриблар наво,  
Хуш сафову хуш намову хушҳаво.

Кирса бу боғ ичра ҳар ким ўлмагай,  
Кирмагунча ҳар ким ани билмагай.

(171 ҳ)

Бўлмагай ул боғ аро ҳеч вақтда тун,  
Доим ул-овқат ул кундур бу кун.

Тахту тож ул боғ аро шоҳона бор,  
Жон нисор этмакка ҳам жонона бор.

Эй биродар, қилсанг ул боғдин умид,  
Аввало йўл тобғил андин ол калид.

Томи они сим ила зардин ҳама,  
Томи они лаълу гавҳардин ҳама.

Томининг туби фалак андозаси,  
Бор дурур ул томни дарвозаси.

Тавбасиз қўйсанг қадам, эй хом сафол,  
Йўлсиз ул дарвозани тобмоқ маҳол.

Эй ўғул, ҳар йўлни истеъдоди бор,  
Ушбу йўлни нолаву фарёди бор.

Истасанг бу йўлни истеъдод қил,  
Ҳар нафасда нолову фарёд қил.

Ушбу йўлни яхши ниятдин очар,  
Ҳар эшикни яхши ниятдин очар.

Сол бу пандимга қулоқ кар бўлсаму,  
Арғумоқ бўлғай гар хар бўлсаму.

(172)

Қил ўзунгни аввало камдинму кам,  
Андин ул йўл сорига қўйғил қадам.

Эй ўғул, халқдин ҳидоят истама,  
Ҳақдин ўзгадин ҳимоят истама.

Бандага Ҳақдин ҳимоят бўлмаса,  
Анбиёву авлиё ожиз анга.

Подшоҳо, ҳеч нима Сенсиз эмас,  
Ҳар вужуде хоҳ баланду хоҳи паст.

Раҳнамосен барчасиға бегумон.  
Қилғуси Сансанки, ҳар ғамдин омон.

Ҳеч ким Сандек яна доно эмас,  
Ҳеч кўз Сандек яна бино эмас.

Қудрату қувватда йўқ Сандек яна,  
Улфату ғайратда йўқ Сандек яна.

Анбиёву авлиё Сенсиз эмас,  
Бовужуде ҳар сўзин Сенсиз демас.

Барчаға Сенсен ҳидоят бергучи,  
Барчаға Сенсен вилоят бергучи.

Бўлса ҳар ким Тангрини фармонида,  
Ҳақ берур чандон вилоятлар анга.

Гар муридда бўлмаса сидқу сафо,  
Келмагай пирдин анга бўйи вафо.

Ул муридким, қилмаса Ҳақ амрини,  
Рўзи маҳшар қўллаёлмас пир ани.

Ихтиёр ҳар ихтиёр Тангридадур,  
Ул ҳидоятни йўли амридадур.

Эй ўғул, Ҳақ амрига қил жон фидо,  
Келғуси андин кейин андин нидо.

Эй ўғул, йўқ эрди Исони пири,  
Очти файзи Ҳақ эшик онинг сари.

Эй ўғул, Ҳақ амрига бўл сан кейик,  
Тез очилур ул ҳидоятдин эшик.

Ҳар кишиким, бўлса гар Исо сифат,  
Ваъдасини Ҳақ анга қилмас ғалат.

Гар десангким, бўлай ғамдин эмин,  
Ихтиёр қилғайсен Исо мазҳабин.

Эй ўғул, оҳингни жонингдин чиқар,  
Тезу тўнд дунёни ёдингдин чиқар.

Қолмасун бир риштае кўнглунг аро,  
Ул ҳидоят боғидин олғил қаро.

Истасанг жанонни жон бермак учун,  
Бўл бу олам кори бориға жунун.

Эй биродар, ғам ема ғамхор бор,  
Жаҳд қил нафсингни қилғил хору зор.

Барча халқ чандон маломат қилсаму,  
Ул ҳидоят боғини қил жўстужу.

(172 ҳ)

Эй ўғул, кўнглунгни эмди соф қил,  
Фисқ бирла ўтти умр, инсоф қил.

Жонни берган Ҳақ ҳидоятлар қилур,  
Сидқлиғларга вилоятлар берур.

Фазли раҳмат хоссаи Ҳақдур, билинг.  
Истасанг раҳматни кўб тоат қилинг.

(173)

Эй ўғул, бўлғил Худони ёдида,  
Бўлма ҳаргиз нафсни фармонида.

Эй ўғул, бу жон омонатдур санга,  
Жон берур ҳолат надоматдур санга.

Жон берур ҳасрат ила фарёд этиб,  
Ушбу тан шаҳрини ҳам барбод этиб.

Жони ошиқ Аршга парвоз этар,  
Ишқдин чандон сухан оғоз этар.

Ул ҳидоят боғига дохил бўлур,  
Шул замон жононаға восил бўлур.

Тутқасен ёдингда, эй нодон мурид,  
Қилмағил зинҳор махлуқдин умид.

Нечаким филдур анинг олдида мур,  
Неча бинолар анинг олдида кўр.

Амр-амр ул кунда Аллоҳ амридур,  
Ул куни Жаббору Қаҳҳор Тангридур.

Ҳарна қилса ихтиёридур Анинг,  
Лутф бирлан қаҳри ҳам тайёр Анинг.

Анбиёву авлиёлар ул куни,  
Бош қуйи солиб тилар ўз нафсини.

Ҳақталабдин ўзга халқ ҳайрон қолур,  
Кўб надоматдин тилим афғон қилур.

Ҳақталаб ул кунда ҳам ул Ҳақталаб,  
Ул сабабдин Ҳақ ани қилмас ғазаб.

Ул кишиким, Тангриға лойиқ эмас,  
Ул киши ҳам пириға лойиқ эмас.

Амр-амр ул кунда Аллоҳнингдур,  
Кўрса махлуқдин киши бедин бўлур.

Ҳар киши бу сирредин огоҳ эмас,  
Ул киши шойистаи даргоҳ эмас.

Эй ўғул, бир яхши панд айтай санга,  
Хайр бирлан шарр Аллоҳдин санга.

Йўқ эди, оламни пайдо айлаган,  
Хокдин одамни пайдо айлаган.



Ул Худойим кечани кундуэ қилур,  
 Раҳмати зулматни ҳам тахир қилур.  
 Ҳар нафас чиқмишда қилғил ёдлар,  
 Қил надоматда тилим фарёдлар.  
 Барчаға раҳмат бу кун яксон эрур,  
 Рўзи маҳшар ҳам анга осон эрур.  
 Эй биродар, бу жаҳон гулзордур,  
 Хори ҳам ул кун билан тайёрдур.  
 Қилса ҳар ким қайси гулни ихтиёр,  
 Ҳеч шак йўқ бордур ул гул бирла хор.  
 Бу чаманнинг гуллари беҳор эмас,  
 Ҳам бу гул булбуллари ҳушёр эмас.  
 Заҳми хоридин қилур булбул наво,  
 Дардига гулдин тилар андин шифо.  
 Эй ўғул, жон булбулунг шўрида ҳол,  
 Хорни захмидин ул пажмурда ҳол.  
 Эй ўғул, фоний бу боғнинг гуллари,  
 Бир куни маҳрум қолур булбуллари.  
 Бу чаманнинг гуллари бўлғай ҳазон,  
 Ул замон жон булбулунг қилғай фиғон.  
 Сочти ҳар тухмени деҳқони азал,  
 Қилмағай йандил ҳаргиз лам йазал.  
 Ҳақ таъоло гўйиё деҳқон эрур,  
 Неку бад тухмини ул сочқон эрур.  
 Ул эрур деҳқони олам бевазир,  
 Салтанат тахтида ул соҳиб сарир.  
 “Наҳну қасамно” да қисмат қилди ул,  
 Ҳар бириға берди ул сорига йўл.  
 Оқибат сочқон уруғ маълум бўлур,  
 Аҳли орифлар ани мафҳум қилур.  
 Қилсалар ҳар ким хоҳ савоб, хоҳи ёзуқ,  
 Бўлмағай тағйир ул сочқон уруқ.  
 Сен ишонма ҳар замон тоотқа,  
 Кўз тутуб юр доимо ул соотқа.

(173 ҳ)

Бўлмаса Ҳақнинг иноёти агар,  
Одамий, жину малоик кўру кар.

Малоикка муаллим эрди Шайтон,  
Қилиб тоатдин ул бир неча фармон.

Барчасига пиру ҳам устод эди,  
Илмни конида ул мумтоз эди.

Барчани ул шайхи доноси эди,  
Барчасини пири авлоси эди.

Ҳар ибодат бўлса ул қилгон эди,  
Етти қат кўк устун ўлтургон эди.

Бермади Ҳақ йўл ҳидоятдин анга,  
Солди маҳкам тавқи лаънатдин анга.

(174)

Ғофил ўлмаб эрди Ҳақдин соате,  
Бўлмади обрўй қилгон тоати.

Солмади кўз Ҳақ анинг аъмолига,  
Етмади то ҳам анинг фармониға.

Эй ўғул, тоатға мағрур ўлмағил,  
Тангридин Шайтон каби дур ўлмағил.

Тутма кўз тоатгаким, мағбун бўлур,  
Оқибат Шайтон каби малъун бўлур.

Ул кишиким, Тангрига тоати йўқ,  
Ул кишига Тангрининг ҳожооти йўқ.

Қилмагон-қилгон анга яксон анга,  
Оммга лутф айламак осон анга.

Бирни ул даргоҳидин мардуд қилур,  
Бирни ул даргоҳидин хушнуд қилур.

Ҳеч иш йўқтур Худодин бемадад,  
Хоҳ ул иш нек бўлсун, хоҳи бад.

Ул Худоеурки, махлуқдин ғаний,  
Ожизу бечораларга меҳрибон.

Борса ҳар ким ажз ила даргоҳиға,  
Киргизур ул кишини боргоҳиға.

Ҳар кишиким, доим ожизлиқ билан,  
Ҳеч шак йўқтурки, Ҳақ онинг билан.

Пеша қил ажзини доим, эй амак,  
Тухфа йўқтур яхшироқ мундин бўлак.

Ҳар кишилардин агар кибр ўксумас,  
Ул кишидин Тангри қаҳри ўксумас.

Тут бу панд ёдингда маҳкам, эй ўғул,  
Ҳар кишига бермагил зинҳор қўл.

Қўб киши қўб яхши иш қилган билан,  
Зоҳири сувратда рост бўлган билан.

Суврати бўлсун малоик ё валий,  
Сийрати бўлмас ани соҳиб дилий.

Ҳар кишиким, бўлса гар сувратда рост,  
Бўлмагил ул Тангри даргоҳида хосс.

### АҲМАҚ ВА ДОНОЛАР ЗИКРИ

Эй Хароботий, сухан кўтоҳ қил,  
Файзи Ҳақ сорига азми роҳ қил.

Оқиле солмас кўзин дунё сари,  
Сарф қилмас умрини дунё сари.

Оқилега бу жаҳон гоҳи фалақ,  
Ул чиқармас бир нафас биёди Ҳақ.

Қилди Ҳақ аҳмаққа дунёни бино,  
Неча турлук домлар кўйди анго.

(174 ҳ)

Ул халос этмоққа йўл тавфиқ анга,  
Чирмашибдур ушбулар маҳкам анга.

Кимки аҳмақдур анга ором йўқ,  
Не учунким, Тангридин инъом йўқ.

Ҳар кишиким, фонийга машғул дурур,  
Ҳеч шак йўқтурки, ул аҳмақ дурур.

Кимки аҳмақ бўлса донодин қочар,  
Кимки доно бўлса аҳмақдин қочар.

Бу икковлон гўйиё ўт бирла сув,  
Бўлмағай аҳмаққа ҳаргиз лутфи Ҳу.

Аҳли аҳмақ Тангрини ёд этмағай,  
Хонумон бу йўлда барбод этмағай.

Дуняни аҳмақ киши обод этар,  
Кимки донодур уйин обод этар.

Кимки аҳмақ бўлса ғафлат бирладур,  
Роҳату айшу фароғат бирладур.

Кимки аҳмақ бўлса кўб сўзлук бўлур,  
Фисқу исён сариға кўзлук бўлур.

Кимки аҳмақ бўлса ул ношуста рўй,  
Тобмағай маҳшарда ҳаргиз обрўй.

Фисқ ила исён дағо доим манинг,  
Хоби ғафлатдурки, ҳар доим манинг.

Қилмадим айшу фароғатдин бўлак,  
Ҳеч нима нафсимга роҳатдин бўлак.

Йўқту манда ҳеч нима лойиқ санга,  
Файзу раҳмат эшигин очғил манга.

Гарчи ман бу йўл аро лойиқ эмас,  
Биру борсен барчага фарёдрас.

Хароботий, бу олам ҳам харобот,  
Бировни мулкида қилма иморот.

Эй биродар, охири бўлғунг ҳалок,  
Жаҳд қил ўлмастарок ҳайликни хок.

Айтдилар бу сўзни ул пири ҳудо,  
Икки олам барчаси мулки Худо.

Бу жаҳон машғули ғафлатдур ҳама,  
Нафсга эъзозу роҳатдур ҳама.

Ҳар кишиким, нафсни эъзоз этар,  
Ҳақ ани ҳар ерда хору зор этар.

Эй биродар, яхши панд айтий санга,  
Бу жаҳон ҳаргиз вафо қилмас санга.

Эй ўғул, аъмоли солиҳ ишлағил,  
Ҳам яна бир марди солиҳ истағил.

Аввало бўл мовуманликдин йироқ,  
Ёди Ҳақдин бўлмағил ҳаргиз йироқ.

Ҳақталабсен бериё тоот қил,  
Ҳар хаёлу фикрни барбод қил.

(175 ҳ)

Ғам била андуҳда бўлғил давом,  
Ажэ ила тақсирда ҳар субҳу шом.

Қилмағил ҳар жонға сен жавру жафо,  
Билгурур кўнглунг аро сидқу сафо.

Гар кишининг ерида ул боғ қилур,  
Оқибат ул боғдин маҳрум қолур.

Эй ўғул, бу жон омонатдур олур,  
Сен борурсен, ул иморотинг қолур.

Сен биров мулкига ҳаргиз ишлама,  
Ҳам бировни ҳаққидин ҳаргиз ема.

Эй ўғул, дунё сенинг мулкунг эмас,  
Кимда гар ақл бўлса мулқум демас.

Ким биров мулкида қилса боғлар,  
Оқибат қолғай юракда доғлар.

Бу жаҳон аҳмоқ иморатлар қилур,  
Ул жаҳон ҳасрат, надоматлар қилур.

Кимки бўлса шодмон аҳмоқдур ул,  
Кимки аҳмоқ ботини аблақдур ул.

Айтайин бир неча аҳмақдин калом,  
Неча феъл, одат анга ҳар субҳу шом.

Аввало ул нафсини ҳурмат қилур,  
Ҳам яна ҳар соате ишрат қилур.

Фарз била суннатга ҳам қоҳил бўлур,  
Фисқ ила исёнға кўб мойил бўлур.

Тан била нафсини қилғай тарбият,  
Соия ақлидин ул истар мадад.

Йўқтур аҳмоқда ҳаргиз ақлуҳуш,  
Қилмағай аҳмақ жаҳлда яхши иш.

Бу жаҳон аҳмақға хўб маъқул бўлур,  
Бевафо оламға ул машғул бўлур.

Дуняни аҳмақлар обод айлағай,  
Фонийға кўнгулни шодмон айлағай.

Ҳайф қилғай умрини дунё сари,  
Тобмағай ҳеч вақтда йўл Аллоҳ сари.

(176)

Бўлмағай умрида аҳмақ баҳравар,  
Йўқ турур аҳмақ каби кўтаҳ назар.

Чургулубдур доми дунё торифа,  
Йўл анга бўлмайдур маъво сорифа.

Эй ўғул, бўл доим аҳмақдин йироқ,  
Бўлмағай сен ҳеч вақт ғамдин йироқ.

Руҳи аҳмақ кўкка парвоз айламас,  
Маърифатдин асло оғоз айламас.

Бевафоға умрини зойиҳ қилур,  
Руҳини афлокдин мониҳ қилур.

Зинда эрмасдурки, аҳмақни жони,  
Бўлмаса, кўнглида иймони қани?

Кимки аҳмақ бадтарин одам дурур,  
Ул жаҳон ичра анга мотам дурур.

Кимки аҳмақ бўлса бу дунёға ҳирс,  
Кимда гар ақл ўлса ул дунёға ҳирс.

Дунёдин дўст тутса ҳар ким бу улоқ,  
Рўзи маҳшар анга бермасдур буроқ.

Ўтти умрум беҳабар ғафлат билан,  
Нафсни хушнуд этиб лаззат билан.

Ҳеч вақт доим Сани ёд этмадим,  
Кул бўлуб ҳаргиз сани шод этмадим.

Бўлмадим ҳар хоби ғафлатдин жудо,  
Тобмадим ойинадек кўнглум жило.

Қодиротин ким, сани ёд эттали,  
Ҳар замон қуллуқ билан шод эттали.

Ман манийким, ул маний обимани,  
Сен эрурсан икки оламдин ғаний.

Бор эрур бисёр ҳожотим Санга,  
Йўқ турур лойиқ ибодотим Санга.

Бўлмаса маҳзи иноётинг Сани,  
Йўқ турур бир туҳфа обрўйим мани.

Подшоҳо қатраи нопокмен,  
Ҳам яна бу паст мушти хокмен.

Ул мани нопок ҳам бир мушт хок,  
Оқибат бўлғум дурур нопок ҳалок.

Эй Худоё, сўрмағил мандин амал,  
Йўқ турур нопокда бир яхши амал.

Келтурубсен пўшти одамдин маний,  
Ул манийдин тиргизубдур сани.

Подшоҳо ман-маний айни қусур,  
Сан эрурсан барчаға Рабби Фафур.

Подшоҳисенки, Раҳмон ур-Раҳим,  
Фазлу лутф тахтида йўқ Сандин Карим.

Бандани ҳамдига ул муҳтож эмас,  
Ул Аҳадсен барчадин ихрож эмас.

Эй Худоё, шоҳларнинг шоҳи Сен,  
Ожизу бечоралар ҳамроҳи Сен.

(176 ҳ)

Ожизу бечора саргардон ман,  
Лангу кўру гунгу пўр исён ман.

Оҳким, бу умр хоболуд ўтар,  
Беҳабар оламдин ул мардуд ўтар.

Йўқ турур мандек яна бир мурда ҳол,  
Боғи умрум тобмади ҳаргиз камол.

Бўлмадим бу йўлда ҳаргиз баҳравор,  
Не шариат, не тариқатдин хабар.

Эй биродар, қил намоз Ҳақ бирла роз,  
Қил намоз ичра тилим сўзу гудоз.

Ҳар намоз Ҳақ бирла сўзлашмак дурур,  
Ҳам яна Ҳақ бирла юзлашмас дурур.

Ажз бирла гиярлиқ қилсанг намоз,  
Тангриға мақбул ул қилган намоз.

Ким намозни қилса вақтин ўтқариб,  
Қилғай ул дўзахда минг йил қичқариб.

Эй биродар, бу жаҳон ҳушёр бўл,  
Ҳақ Расул фармониға тайёр бўл.

Фонийға кўнглунгни ҳаргиз бермагил,  
Яхши ишнинг вақтини ўтқармагил.

(177)

Яхши ишда ҳар замон соотдур,  
Қилган ҳар яхши ишинг тоотдур.

Рӯзи маҳшар барча халқ ҳайратдадур,  
Қилмағон-қилғон ҳама ҳасратдадур.

Эй биродар, ҳар намоз вақтида фарз,  
“Усжудув фий-вақтиҳо” дин будур арз.

Вақтида қилғони қўрқуб қилғони,  
Қўрқмағони вақтини ўткаргани.

Тангридин қўрқсанг анинг сори эгил,  
Ул замон исён юки бўлғай енгил.

Эй биродар, туну кун соат санга,  
Қилсанг Ҳақ амрини ул тоат санга.

Кимки машғул бўлса Ҳақ фармониға,  
Ҳақ боқар ул вақт они сорига.

Эй ўғул, ҳар вақт ғофил бўлмағил,  
Фарз ила суннатга қоҳил бўлмағил.

Туну кун қуллуғда бўлсанг субҳу шом,  
Қилғай ул шаҳлар шаҳан шоҳи ғулом.

Эй биродар, бўлмағил пурханда ҳол,  
Ким фараҳдур токи боқмас Зу-л-Жалол.

Эй ўғул, бир яхши панд айтай санго,  
Ким фараҳнок ўлса дўст тутмас Худо.

Эй биродар, ҳар замон ғам бирла бўл,  
Ҳаж аро тун-кунда мотам бирла бўл.

Кимки бўлса бу жаҳон ғамдин халос,  
Бўлмағай маҳшарда мотамдин халос.

Бу далилни, эй қуёш, билғил сараҳ,  
Амр қилди “ло йўҳиббуллоҳ фараҳ”.

Ул кўнгилким, Тангридин қўрқунчи бор,  
Тангридин доим бўлур уммидвор.

Эй ўғул, Ҳақ сори жоҳил бўлмағил,  
Фисқ ила исёнға мойил бўлмағил.

Эй ўғул, дунё сари кўнглунг сочуқ,  
Бўлмади хайри сори илкинг очуқ.



Дуняға келганда сен урён эдинг,  
Ушбу олам ичра хўб меҳмон эдинг.

Дуняни асбобини йиғдинг тилим,  
Маъсият чоҳини ҳам қаздинг тилим.

Дуняға умрингни зойиъ айладинг,  
Манфаат йўқ ишқа қониъ айладинг.

Бўлма Ҳақ сориға ҳаргиз кўру кар,  
Ўттилар ҳасрат билан илгоргилар.

Бу жаҳон судини билғил, эй амак,  
Йўқ турур ҳаргиз пушаймондин бўлак.

Эй дарифо, бўлди бу умрум тамом,  
Тангрининг амрини қилмай субҳу шом.

Эй дарифо, ўтти умрум беҳабар,  
Бўлмадим бу йўлда ҳаргиз баҳравар.

Эй дарифо, умр ўтар макру дағал,  
Йўқту манда заррача холис амал.

Эй дарифо, умр ҳар соат ўтар,  
Туну кун ғафлатда бегоат ўтар.

(177 ҳ)

Эй дарифо, чиқмади Ҳақ сори дам,  
Рост йўлга қўймадим ҳаргиз қадам.

Эй дарифо, ўтти умрум ҳеч-ҳеч,  
Риштаи исёнға бўлдум печ-печ.

Эй дарифо, чашм бенамнок ўтар,  
Оқибат жон дунёдин помол ўтар.

Эй дарифо, чиқмади мандин садо,  
Бўлмадим бу нафсдин ҳаргиз жудо.

Эй дарифо, бўлмади кўнглум жило,  
Нафйи қилмай мосиво кўнглум қаро.

Эй дарифо, тобмадим ризқи ҳалол,  
Ул сабабдин тобмади иймон камол.

Эй дарифо, ўтти жон ғурбат бўлур,  
Нафс шайтон бирла ҳамсуҳбат бўлур.

Эй дарифо, жон парвоз этмади,  
Маърифатдин сўзни оғоз этмади.

(178)

Эй дариғо, бўлмадим мардони мард,  
Ул тарафға қилмадим бир оқи сард.  
Эй дариғо, бандадин миллат қани?  
Тангриға шойиста бир тоат қани?  
Эй дариғо, фарз ила суннат қани?  
Ақл бўлса манда бир ибрат қани?  
Эй дариғо, бодаи ваҳдат қани,  
Риндларни базмиға курбат қани?  
Эй дариғо, жон берур беобрўй,  
Қилмадим ошиқни ҳаргиз жўстужўй.  
Эй дариғо, жонни ман пок этмадим,  
Бу либоси ҳастликни ман чок этмадим.  
Эй дариғо, асли ҳушёр ўлмадим,  
Умр ўтгандин хабардор бўлмадим.  
Эй дариғо, урмадим сийнамға тош,  
Чиқмади Ҳақ хавфидин бир қатра ёш.  
Эй дариғо, яхши дилхоҳим қани,  
Ул қарогўр ичра ҳамроҳим қани?  
Ҳар нафас бўлғил Худо ёди билан,  
Ажз ила тақсир фарёди билан.  
Зоҳири оламда бўлғил хўфтавор,  
Риндлар базмида бўл ошифтавор.  
Қил вужудни нафйи ила жўш қил,  
Бодаи ваҳдатни андин нўш қил.  
Соқиё, бергил манга майдин хабар,  
Ўзлугидин тобмайин ҳаргиз хабар.  
Соқиё, бир жоми май инъом қил,  
Мосиво кўнглумда саранжом қил.  
Соқиё, май дам-бадам келтур манга,  
Қанча берсанг ўксумас ҳаргиз санга.  
Гарчи ман ул бодага лойиқ эмас,  
Ҳар нечук бўлсам сан-ўқ фарёдрас.  
Неку бад қилдим аро дилтанг билан,  
Авф қил фазлу иноётинг билан.

Ҳарна мавжудеки, бор қилдим назар,  
Бўлди кўнглум ичра кан-нақш ул-ҳажар.

Ҳар нафас сочилди кўнглум ҳар тараф,  
Бўлмади васвос ҳаргиз бартараф.

Ҳар кишиким, бу жаҳон бўстон аро,  
Бўлса маҳшар ўрни нуристон аро.

### БУ ФАСЛДА САРВАРЛИКНИ АЙТУР

Эй Хароботий, сухан кўтоҳ қил,  
Ишқ бозориға азми роҳ қил.

Сол қулоқ бу бандаға, эй Зайду Амр,  
Харж қилма бевафо дунёға умр.

Умр ўтар ҳар туну кун эмгак билан,  
Бир нимарса нафсга бермак билан.

Эй ўғул, бу дунё бир мурдордур,  
Истаса мурдорни ағёрдур.

Боқий улдур бу жаҳон холис амал,  
Ўзгаси макру фусун бирла дағал.

(178 ҳ)

Эй биродар, қилма сарварлик талаб,  
Қил бу даъвони ўзунгдин бартараф.

Кимки сарварликни қилса ихтиёр,  
Тангри даргоҳида бўлғай шармисор.

Ҳар кишиким, бу жаҳон сарвар дурур,  
Ул жаҳон халқ ичра бил бир хар дурур.

Кимки сарвар бўлса Ҳақнинг душмани,  
Кофиру габру жуҳуду армани.

Сарварий дардеки, улдур бедаво,  
Йўқ турур бу дардга ҳаргиз шифо.

Айби кулл одамға сарварлик дурур,  
Сарварий нафспарварлиқ дурур.

Сарварий билмас ўзидин узгани,  
Раҳмати Ҳақдин умидин узгани.

Эй ўғул, халқ ичра сарвар бўлмағил,  
Қасд ила жонингға ханжар бўлмағил.

(179)

Сарварий ғули биёбоний дурур,  
Сарварий ул нафсни тугёни дурур.

Сарварий халқ ичрадур аждар сифат,  
Фаҳм ила донишдин ул истар мадад.

Сарварий доим димоғидин хушқол,  
Оқибат бўлғай димоғидин завол.

Сарварий тун-кун димоғини қули,  
Сарварий бўлмаслар Аллоҳнинг қули.

Ҳар киши халқ ичра сарварлик қилур,  
Оқибат даъвойи Тангрилик қилур.

Сарварий улдурки, ман афзал деган,  
Барчадин ҳам комилу акмал деган.

Қилди сарварликни Қорун қавмиға,  
Ул сабабдин тушти ернинг қаърига.

Эй ўғул, Шайтон лаъин сарвар эди,  
Барча бор махлуқға ул раҳбар эди.

Кўрди Одамни ҳақир тупроқдин,  
Ўзини анвор ила офоқдин.

Кўрди ул кун ўзни Одамдин баланд,  
Қилди ҳам ўзини ҳар бобдин баланд.

Кўрди ул ўзини фаҳм идрокдин,  
Кўрди ул одамни паст хошокдин.

Ул сабабдин рондаи даргоҳдур,  
Икки олам халқ аро гумроҳдур.

Сарварийдин кибр кўб пайдо бўлур,  
Кибриқда Тангри нолайдо бўлур.

Кибриғлар Ҳақни нолайдо қилур,  
Ул замонда Тангрилик даъво қилур.

Кимки сарварлиқни қилса орзу,  
Бўлмағай ул касга ҳаргиз лутфи Ҳу.

Сарварий дин шаҳридин ихрождур,  
Сарварийлиғ нафсга меърождур.

Эй биродар, қилма сарварлиғ талаб,  
Сарварий даргоҳи Ҳақда беадаб.

Сарварийда йўқтур миллат бирла дин,  
Бўлмағай геч вақт кулфатдин эмин.

Сарварийда ажз ила тақсир йўқ,  
Ул жаҳондин заррача тадбир йўқ.

Кимки бўлса сарварий Дажжолу вақт,  
Кимки ожизлиқ билан абдоли вақт.

Ҳам яна бир сарварий Намруддур,  
Тангри даргоҳида ул мардуддур.

Бўлди сарвар халқ аро шаддоди шарр,  
Икки олам халқ аро итдин батар.

Сарварий лаънатга бўлғай мубтало,  
Бошига чандон ёғар кўкдин бало.

Сарварий ўзига пиндош айлаган,  
Қўрқмайин Ҳақдин кўнгул тош айлаган.

Сарварий ҳар кимга бир душман азим,  
Душманиким, душмани хасми қадам.

Сарварийни билгасен, эй зуфунун,  
Оқибат дўзахқа боргай сарнигун.

(179 ҳ)

Қилдилар ҳар ким калонтарлиғ талаб,  
Ҳеч шак йўқтурки, бўлғай Бу Лаҳаб.

Ўтса умреким, калонтарлиғ билан,  
Ўтганидур умр гумроҳлик билан.

Ким калонтар бўлса ғавғолиқ бўлур,  
Оқибат ул касга расволиқ бўлур.

Ким калонтар кўнгли девнинг шаҳридур,  
Қилғани ҳар феъл девнинг амридур.

Ким калонтар бўлса ул фарзанди дев,  
Бўлмағай ҳаргиз ани иймони нав.

Кимки бу оламда калонтар бўлур,  
Ул кишини нафси, бил, аждар бўлур.

Кимки аждар бўлса ул мўъмин эмас,  
Кимда аждар бўлса ул эмин эмас.

Эй ўғул, зинҳор қалонтар бўлмағил,  
То жуҳуду габру кофар бўлмағил.

Ким калонтар бўлса бўлғай худписанд,  
Кўрғай ўзни барча махлуқдин баланд.

Туну кун нафсини қилғай тарбият,  
Маэҳабу миллатни ул қилғай ғалат.

Ким калонтардур дил озор бўлур,  
Ул кишидин Тангри ҳақ безор бўлур.

Туну кун эмгакка бўлғай мубтало,  
Кирмас они ёдиға ҳарғиз Худо.

Субҳу шом қилғай ёмон андешалар,  
Шишан қалбига солғай тешалар.

(180)

Беваларнинг кўнглини қилғай хароб,  
Бир нима олмоққа қилғай изтироб.

Кишини ҳаққидин парҳез қилмас,  
Худо сорига ул бир хез қилмас.

Барчалардин ўзини кам айламас,  
Қаҳри Ҳақдин бир замон ғам айламас.

Не учунким, дев ани кўнглида бор,  
Ул сабабдин ботини торику тор.

Ҳар замонда жаҳли ғолибдур анинг,  
Фарқи йўқтур Бу Лаҳаб бирла анинг.

Ким калонтар бўлса халқ озордур,  
Бегумон андин Худо безордур.

Эй биродар, бу жаҳон гўмном бўл,  
Истагил хилватда Ҳақ сарига йўл.

Ҳар кишиким, халқ аро арбобдур,  
Аҳли содиқ ичра ул қаллобдур.

Ҳар киши арбобдур қаллобдур,  
Ҳар киши қаллобдур каззобдур.

Эй ўғул, халқ ичра машҳур ўлмағил,  
Икки олам ичра ранжур ўлмағил.

Эй ўғул, бўл доимо халқдин йироқ,  
Суҳбати Ҳақ суҳбати халқдин йироқ.

Юз ўгурсанг барча махлуқдин тамом,  
Шул замони мақсадинг бўлғай тамом.

Ўзини ҳар кимки нолайдо қилур,  
Маърифатни ул киши пайдо қилур.

Эй биродар, барчадин юз овругил,  
Бу нафс ўтмастарок Ҳақни дегил.

Ҳар нафас эрмастур санда беҳижоб,  
Сен чиқарма ул нафасни беҳисоб.

Харж қилма ҳар нафси дунё сари,  
Сарф қилма умрни дунё сари.

Ҳар нафсини сен чиқар ҳозир бўлуб,  
Ожизу бечораву қосир бўлуб.

Гар бўлай десанг бу йўлда баҳравор,  
Ҳар нафас чиққанда бўлма беҳабар.

Эй биродар, ботинингни рост қил,  
Тангрига тоатни андин хос қил.

Хос эмас тоатни пинҳон қилмасанг,  
Оҳ бирла оҳу афғон қилмасанг.

Эй биродар, Ҳақ, Расулни ёд қил,  
Ҳам уларни, ҳам ўзингни шод қил.

“Ло” билан нафй айла ҳар мавжудни,  
Қил сибот “илло” да ул Маъбудни.

Афзали халқдур Муҳаммад, эй амак,  
Гарчи жину одаму хоҳи малак.

Гар кишини бўлса тоати очуқ,  
Гўйиё нақдинасин қилмиш очуқ.

(180 ҳ)

Ҳар киши тутса очуқ нақдинани,  
Кўрса ҳар ким илгидин олгай ани.

Умр елдек ўтти бедор бўлмадинг,  
Охират сориға ҳушёр бўлмадинг.

Англа бу пандимни, эй пиру жувон,  
Ушбу олам мағзи йўқ бир устухон.

Ташлар устухонни итлар олдиға,  
Тутма кўз зинҳор онинг мағзиға.

Ким мағиз кўз тутса устухонидин,  
Ул киши маҳрум қолур иймонидин.

Сен агар бўлсанг бу ерда баҳравор,  
Устухон итлар насиби итга бор.

Ҳар кишиким, истаса мурдордин,  
Бўлғусидур ул киши ағёрдин.

Фонийға берган кўнгул ағёрлиқ,  
Боқийға берган кўнгул ул ёрлиқ.

Эй биродар, ишққа қилғил изтироб,  
Ҳар нафас жон чиққали қилғай шитоб.

Эй биродар, охир аҳволинг хароб,  
Ёд қилғил Ҳақни чандон беҳижоб.

Қатраи нўш айла ишқ дарёсидин,  
Бўл халос икки жаҳон савдосидин.

Эй биродар, доимо ўлмай десанг,  
Жовидони умрни нўш айласанг.

(181)

Истаса ҳар кимки умри жовидон,  
Бўлғай ул танҳо гўрисна бемакон.

Бўлмағай шоҳ олдида ҳар нарса юз.  
Тезроқ кўнгулни бу дунёдин уз.

Бандаликни қилмасанг недур санга,  
Бўлмағай ул бодадин ҳосил санга.

Бандни узмай қутулмас домдин,  
Бўлмағай ҳаргиз насиб ул жомдин.

Нўш қилсанг майни пинҳон айлагил,  
Кунж ичра оҳу афғон айлагил.

Халққа сиррингни изҳор айлама,  
Халқ аро ул сирни оғоз айлама.

Зоҳири халқ ичра бўл бегонавор,  
Ботин ул шамъиға бўл парвонавор.

Нўш қилғил майни-ю хилватда бўл,  
Тарк қил роҳатни-ю ғурбатда бўл.

Маст бўл, Ҳақни қилғил зикрлар,  
Гоҳи охир кунни қилғил фикрлар.

Қилмасанг хуни жигарларни ризо,  
Бўлмағай ҳаргиз Худо сандин ризо.



Ул кишиким, бўлмаса нафсдин жудо,  
Чиқмағай ул сийнадин ҳарғиз садо.

Сийна улдурким, садо онингдадур,  
Ул садосидин Худо онингдадур.

Сийнадин шарҳ айласа бўлмас тамом,  
Хоҳ туну кун, хоҳи субҳу шом.

Сийна андоғдурки, киргай маърифат,  
Сийна андоғдурки, боғи маърифат.

Эй ўғул, Ҳақ сари бўлғил интизор,  
Барча олам сийнаи сандуқда бор.

Ошиқ улдур сийна бирён айласа,  
Танни урён, кўзим гирён айласа.

Ошиқ улдур мовуман даъвоси йўқ,  
Икки оламдин билинг савдоси йўқ.

Ошиқ улдур чеҳраси барги хазон,  
Бўлмағай бир соате ғамдин омон.

Гоҳ-гоҳ ул бода ишқангез қилур,  
Юз туман минг жонни хунрез қилур.

Ишқни йўлида бўлма беадаб,  
Ошиқ эрсанг ул Зулайходек адаб.

Ул Зулайхо ҳусн аро якто эди,  
Ул пари-ю ҳурдин аъло эди.

Бўлди ул Юсуфга ошиқ беқарор,  
Ёдида бўлди анинг лайлу наҳор.

Ҳар кишиким, қилса Юсуфдин хабар,  
Тушқариб офзига берди симу зар.

Ҳар замон Юсуфни ул ёд айлади,  
Хонумон ул дамда барбод айлади.

(181 ҳ)

Айлайин ул ишқ рамзини санга,  
Сарф қилди ҳусну молини анга.

Туну кун йўлларда бўлди интизор,  
Меҳнату ҳайратда доим хору зор.

Ўртади шамъига жон парвонавор,  
Ийғлар эрди, чунки абри навбаҳор.

Ҳар киши куйдурса ҳарна борини,  
Солғай ул маъшуқға ишқни норини.

Ҳар кишиким, хонумонидин кечар,  
Ул кишиким, бодам ишқдин кечар.

Ишқ ўтини қолди жон куйдиргали,  
Келадур бу жонни жонон кўргали.

Бодаи ишқ ичса ул урён бўлур,  
Ҳам юрак бағри ани гирён бўлур.

Оҳким, ул бодадин нўш айласам,  
Мосиваллоҳни фаромуш айласам.

Чиқмасам ҳаргиз ўшал майхонадин,  
Бўлмаса илким жуда паймонадин.

Қуй лаболай, соқие, жомимға май,  
Риндлар базмида қилғил мардумаст.

Қилма ул майдин мани, ё Раб, халос,  
Тезроқ бўлсам бу дардидин халос.

Эй биродар, ишқ осон аввало,  
Келгай андин бошиға юз минг бало.

(182)

Эй ўғул, ҳар кимга ишқ осон эмас,  
Ҳар кишида ишқ йўқ инсон эмас.

Кимки ошиқдур яна будур далил,  
Бўлғил ул Мажнун каби хору залил.

Ошиқ улдур жонни қурбон айласа,  
Ҳар нафасда оҳу афғон айласа.

Ҳар нафасда қилса минг жонни фидо,  
Қилғусидур маъшуқи андин нидо.

Жон дариф қилса киши жононадин,  
Ул киши маҳрум қолур шоҳонадин.

Эй биродар, яхши панд айтай санга,  
Саҳл ишдур жон нисор этмак санга.

Эй биродар, барча оламдур анинг,  
Могу мулку ҳам тану жонинг анинг.

Эй ўғул, беҳуда ошиқман дема,  
Бодаи ишқиға лойиқман дема.

Келмагай бўйи санга ул мушки ноф,  
Рост келмас ишқни йўлида лоф.

Эй ўғул, зоҳирни Мажнун қилмасанг,  
Дард бирла сийна пурхун қилмасанг.

Рост эрмас сандаги даъвойи ишқ,  
Йўқ турур кўнгулунг аро савдойи ишқ.

\* \* \*

Гофило, умр ўтти доим беҳабар,  
Ошиқ эрсанг йиғла қон шому саҳар.

Ман нечук айлай кўнгулни шодлар,  
Қайси бир ғамдин қилай фарёдлар.

### БУ ФАСЛДА АҚЛИ КУЛЛИЙ ВА АҚЛИ ЖУЗВИЙНИ АЙТУР

Эй биродар, ақл икки қисмдур,  
Ақли куллий, ақли жузвий исмдур.

Ақли кулл гўёки кўрси офтоб,  
Ақли жуз камтар дурур аз ҳар шаҳоб.

Ақли кулл гўёки бил дарёда сув,  
Ақли жузвий гўйиё бир қатра сув.

Ақли кулл ризқини Аллоҳдан егай,  
Ақли жузв ризқини дунёдин егай.

Мурғи оқил дамда доно эмас,  
Гўйиё бу дам дунёда авом.

Эй биродар, ақл нару модадур,  
Ақли нар доим Худо ёдидадур.

Ақли куллни ақли жузв бадном қилур,  
Кори дунё мардни беком қилур.

Ақли мода майл этар дунё сари,  
Ақли нари майи этар уқбо сари.

Ақли мода улдурур ақли авом,  
Ақли кулл олдида ақли жуз гулом.

(182 ҳ)

Ул кишиким, ақли ани нар дурур,  
Ул кишига ақл болу пар дурур.

Ақли кулл бир тутийидур гүйиё,  
Бир товугдур ақли жузвий, эй каё.

Фарқи тўти-ю товуқни, бул, амак,  
Дев эрур товуг, тўтидур бир малак.

Англа бу пандимни, эй савдойи хом,  
Ақли куллни қил қабал ҳар субҳу шом.

Ақли куллни истасанг, айтай далил,  
Икки олам бўлмағил хору залил.

Бўл қаноат бирла, эй пиру жувон,  
“Ал-қаноат канзу ло йафна” бихон.

Ки то бўлмас қаноат ганжи фоний,  
Бу ганжни тобса шоҳ қилғай гадони.

Ҳар кишиким, бўлмаса муҳтожи халқ,  
Бил, қаноат ул турур ҳам тожи халқ.

Ҳар кишиким, Тангриға ошиқ эмас,  
Раҳмати Тангриға ул лойиқ эмас.

Эй биродар, истагил ишқи Худо,  
Токи жаннат ичра кўргайсен лиқо.

Эмди айтай ишқидин неча калом,  
Тангрини ёд айлагил тун-кун давом.

(183)

Ҳар нафасда нола фарёд айлагил,  
Жамъи асбобингни барбод айлагил.

Эй ўғул, ҳар вақт танҳоликда бўл,  
Очилур андин санга ишқ сори йўл.

Ўзни танҳо қилса ишқи ростдур,  
Ўзни гар йўқ қилса хосс ул-хоссдур.

Ўзни танҳо айлаган ишқи жузвийдур,  
Ўзни йўқ қилган ишқи куллийдур.

Эй биродар, барчадин кечмак керак,  
Туну кун хуни жигар ичмак керак.

Ҳар замон бўл ақли қабрийлар аро,  
Ғуссаву ғам бирла бўл мотамсаро.

Фаҳм қилғил мурдалар аҳволини,  
Кашф этгил мурдаларнинг ҳолини.

Эй ўғул, тоатда бўл собитқадам,  
Ўзни қилғил барча камлардинму кам.

Ҳар кишиким, бўлса вайронлиқ аро,  
Қолмағай маҳшарда ҳайронлиқ аро.

Ҳар кишиким, қилса танҳолиқни хўй,  
Икки олам кетмас андин обрўй.

Подшоҳо, қилмадинг танҳо мени,  
Йўқту мандек габр ё ҳам армани.

Тушти бошим узра зулмоний ҳижоб,  
Ўтти умрум беҳабар сармасти хоб.

Бўлмадим ман худнамолиқдин жудо,  
Ул сабабдин тобмади кўнглум жило.

Сўрсам андин йўл сари бир неча гафт,  
Айтадурки, ул манга аз худ бирафт.

Эй биродар, ўзни беҳуд айлагил,  
Фаҳму дониш, ақл нобуд айлагил.

Ҳар кишиким, бўлса ўздин беҳабар,  
Кўрмас ул бу йўл аро хавфу хатар.

Беҳуд ўлган ўзни ўлдурмак дурур,  
Нафсини Ҳақ сори кўндурмак дурур.

Ошиқ эрмас нафсини кўндурмаса,  
Ҳақ таъолони анга билдурмаса.

Кимки нафсин кўндурур ё ўлтурур,  
Ул киши Ҳақнинг жамолини кўрур.

Ҳар қулеким, хожасини шод этар,  
Ул қулини хожаси озод этар.

Эй биродар, ўлгасен ўлмастарак,  
Тезроқ бўлғил нафас ўтмастарок.

Подшоҳни мурдадин ихрожи йўқ,  
Мурдавор ўлмай яна иложи йўқ.

Шоҳ олғай аҳли дунёдин хирож,  
Шоҳ олмас тарки дунёдин хирож.

Эй ўғул, толибга ақли садди роҳ,  
Ақлу дониш тобмағай ул сори роҳ.

(183 ҳ)

Айтгай ул доим ақлидин  
Ул кишига бўлмагай Ҳақдин мадад.  
Фаҳму дониш хонаси вайрон эрур,  
Ақли кулл ул ерда ҳам ҳайрон эрур.  
Ақл бирла қилса иш ўнгай ғурур,  
Тифлларда йўқту ақлидин ғурур.  
Кимки бўлмас тифл ё парвонадек,  
Ул кишини ўрни йўқ ошиқ демак.  
Ақлу ҳуш бир пардадур Ҳақ олдида,  
Кимда бу йўқ парда йўқ Ҳақ олдида.  
Бўл бу йўлда тифл ё парвонавор,  
Ўтда куйгил, йиғлагил бо зору зор.  
Бўлмаса ошиқда бу икки гувоҳ,  
Ул кишига ўзни билдирмас Худо.  
Қилмаса хар ким жамолуллоҳ талаб,  
Молики дўзах қилур чандон ғазаб.  
Кимки Ҳақдин ўзгага муштоқдур,  
Ул кишидин ит, эшак беҳроқдур.  
Эй Каримо, Сен ҳидоят бергучи,  
Эй Раҳимо, Сен иноят бергучи.  
Тобмадим бир туҳфа тоатдин санга,  
Ул ҳидоят эшигин очгил манга.  
Бўлмадим ман нафс Фиръавндин эмин,  
Қилмадим бу йўлда жобдугни ғамин.

(184)

Нафсни доим тез рафтор айлади,  
Домиға маҳкам гирифтор айлади.  
Бир замоне манда сабр, ором йўқ,  
Кўнглум ичра дарддин инъом йўқ.  
Ҳодиё, йўл бор ҳидоятдин манга,  
Бермагил бу каби ғафлатдин манга.  
Ман каби оламда бад афъол йўқ,  
Ман каби оламда бад аҳвол йўқ.  
Очмадим кўз хоби ғафлатдин замон,  
Бўлмадим бу нафси Намруддин омон.

Йўқту Сандек боз бир қодир Худо,  
Қил мани бу нафси Қорундин жудо.

Чиқмадим бу нафсни фармонидин,  
Юз туман қилдим гуноҳ хирмонидин.

Маъсият тухмини сочдим беҳисоб,  
Ул сабабдин манда бор юз минг ҳижоб.

Ул ҳижоблар барча зулмоний дурур,  
Саргардону ақли ҳайроний дурур.

Ул Муҳаммад ҳурматидин, эй Худо,  
Ул ҳижобни айлагил мандин жудо.

Ул Муҳаммад барча махлуқ ичра тоқ,  
Ҳар хатову саҳв, исёндин йироқ.

Гиллу ғашдин сийнасин пок айладинг,  
Тиғи ишқдин бағрини чок айладинг.

Ул Муҳаммаддурки, тож ул-анбиё,  
Одаму жину малакка раҳнамо.

Фарқи Аҳмад ул Аҳаддин, эй амак,  
Йўқ арода ҳеч бир “мим” дин бўлак.

Пок билгил они, эй пиру жувон,  
Васфи Қуръонда “Алам нашраҳ” бихон.

Жон қулоғи ичра бўлғил, эй амак,  
Ҳеч йўл йўқ они қўлидин бўлак.

Кимки тутса амрини рози дурур,  
Қилмаса амрини норози дурур.

Эй ўғул, ҳар кимга ул йўл кўргузур,  
Тонгла жаннат ичра Ҳақни кўргузур.

Ҳеч ким андин илгари қўймас қадам,  
Қўйса ногаҳ илгари бўлғай адам.

Ҳеч ошиқ йўқ анга андоғ яна,  
Ҳеч лойиқ йўқ анга андоғ яна.

Эй ўғул, ўзни фано мулкидин ол,  
Тезроқ эмди бақо мулкига сол.

Эй ўғул, қил бодам ваҳдатни нўш,  
Қилмағил фарёд этиб ҳаргиз хуруш.

(184 ҳ)

Эй ўғул, бу сирдин изҳор айлама,  
Тангри берган нарсани хор айлама.

Бода ичса ҳар киши лайлу наҳор,  
Мосиво савдоси кўнглидин кетор.

Кимки қилмас мосиволлоҳдин ҳазар,  
Икки оламда Худо қилмас назар.

Эй ўғул, қил бодаға жонни нисор,  
Чиқсун ул кўнгулдаги зангу губор.

Маҳв қилғил ўзни бу олам аро,  
Истагил андин кейин Ҳақдин лиқо.

Кишиким, бодадин ҳосил қилолмас,  
Худо дийдорига восил қилолмас.

Эй ўғул, ул бодадин қилғил талаб,  
Бўлмағил ҳеч вақт андин беадаб.

Ҳақ таъоло ҳозир у нозир дурур,  
Ҳар ғариб қилса санга қодир дурур.

Ҳеч пўшида анга пинҳон эмас,  
Эмди кел ҳушунгға, эй мадҳушу маст.

Эй ўғул, айтай санга ман бир илож,  
Тезрак ул хоби ғафлатдин кўз оч.

Ҳар замон ул раҳнамо фикрида бўл,  
Тўтиё қил хокипо кўргузсун йўл.

Эй ўғул, бўл тез зулматдин бери,  
Йўл берур ул бодаи ваҳдат сари.

Эй ўғул, ул бодадин ичмак керак,  
Ғайри Ҳақдин шул замон кечмак керак.

Маст бўлуб они сори бўл мунтазир,  
Ўзни қилғил барча камлардин ҳақир.

(185)

Май ичиб дам урса манликдин агар,  
Май анга бермас, етар хавфу хатар.

Маҳв бўлғондин кейин май ўксумас,  
Барбату қонуну ҳам най ўксумас.

Ким кўтармас майни ул фарёд этар,  
Яхши мажлисларни ул барбод этар.



Қилса ким гар маст ношойиста кор,  
Ул киши ул дамда мажлисдин чиқар.

Мастни гар сўзи манликдин чиқар,  
Шул замон ул ўзи мардликдин чиқар.

Маст бўлма ўзни ўзни бехуд айлагин,  
Мустафову Ҳақни хушнуд айлагин.

Соқиё, ул бодадин қилғил карам,  
Остонинг остида қўйдум қадам.

Лутф этиб бер бодаи гулнордин,  
Қил жудо бу куф ила зуннордин.

Хароботий агарчи ошиқ эрмас,  
Умид узмак Санингдин лойиқ эрмас.

Гуноҳидин ани олам тўлубдур,  
Ўзини аслини ул унутубдур.

Ўзига келмайин дунёдин ўтгай,  
Ўзини билмаган то ерга етгай.

Ки бу лаввома нафсга бандадурман,  
Гуноҳ бисёридин шармандадурман.

Санга ҳар ердадур юз минг талабгор,  
Манга йўқтурки Сандин ўзга ғамхор.

Сани махлуқга йўқтур эҳтиёжинг,  
Гадолар устига бўлмас хирожинг.

Худоё, Санда ул лутфу карам кенг,  
Ғанийсан биз гадо қайдин бўлур танг.

Гадонинг ҳожати тушгай ғанийга,  
Ғанийнинг ҳожати тушмас гадоға.

Кимнинг ҳожати икки олам эрур,  
Ул кишилар бадтарин одам дурур.

Эй ўғул, уз икки оламдин умид,  
Ишқ ул соат санга бўлғай падида.

Кимки бехудлиқ ила расво бўлур,  
Бодаи ваҳдат анга пайдо бўлур.

Ҳар кишиким, толиби дийдордур,  
Кундузи ҳушёр, тун бедор бўлур.

Бўлғай андин жоми ваҳдатдин насиб,  
Ичгай ул майхонада ҳар вақт кириб.

Эй ўғул, қулуқни қил май сорига,  
Сол қулоқ андин кейин най сорига.

Англаса найнинг навосини қулоқ,  
Икки олам хайлидин бўлғай йироқ.

Най нидоси Тангрининг илҳомидур,  
Толиби Ҳақларга Ҳақ инъомидур.

(185 ҳ)

Англағил, най не ҳикоятлар қилур,  
Ул жудолиғдин шикоятлар қилур.

Ул куни ҳам жинсидин бўлғоч жудо,  
Туну кун андин бери қилди наво.

Ҳар замоне жинсини ул ёд этар,  
Сабру тоқат қилмайин фарёд этар.

Ул жудо бўлғач садо андин чиқар,  
Дарҳақиқат ул садо жондин чиқар.

Эй биродар, аслидин ҳушёр бўл,  
Ҷаҳд бирла фаръдин безор бўл.

Фаръдин ҳарса асбоби жаҳон,  
Тоабод барбод қил, бўлғил омон.

Ҳар замоне айлагил найдек наво,  
Дард бирла сийнадин чиқсун садо.

Эй биродар, ўзни урён айлагил,  
Дард бирла бағрингни бирён айлагил.

Истагилу истагилу истагил,  
Ожизу бечораликни истагил.

Ожизу бечоралиғ қилғай яқин,  
Ҷаҳл бирла кибрлик бўлғай лаъин.

Ожизу бечоралар мақбули Ҳақ,  
Ҷаҳл бирла кибрлик мардуди Ҳақ.

Эй Хароботий, мусулмон бўлмадинг,  
Ишқ майдонида жавлон қилмадинг.

(186)

Худнамолиқ доми қилмиш печутоб,  
Туну кун бу ғам билан ҳолим хароб.

## БУ ФАСЛДА ИШҚ БИРЛА НАФСНИНГ БАЁНИ

Эй Хароботий, сани бедор этай,  
Ишқдин бир неча сўз изҳор этай.

Ўтти умрунг ел каби ҳушёр бўл,  
Ушбу олам ичра мотамдор бўл.

Маҳв қил ҳастликни бу олам аро,  
Билгирур кўнглунг аро нури Худо.

Бу жаҳон ҳар ким ўзин расво қилур,  
Сирри Ҳақ андин санга пайдо қилур.

Ул кўнгилким, анда ишқи Аллоҳ йўқ,  
Заррача ул касда нуруллоҳ йўқ.

Умри ўтгай ул кишини беҳабар,  
Икки оламда Худо қилмас назар.

Эй ўғул, бу пандни кўнглунг ичра тут,  
Ҳар замон пинҳон тилим хуноба ют.

Тангри солмас суврати тоатга кўз,  
Солғуси ният билан кўнглунга кўз.

Эй ўғул, сувратни қил бегонавор,  
Жон фидо кўнглунгда қил мардонавор.

Эй биродар, ҳамд икки қисмдур,  
Ҳамди касбий бирла ҳамд кашфийдур.

Гар кишида бўлса ҳамди касбийдин,  
Ҳамда касбий орият, эй ҳамнишин.

Ҳар нимаким, орият ҳодисдур,  
Не учун ул нарса бебоисдур.

Ҳар нимарса касбийдур олам дурур,  
Кимда ҳамди кашфий бор одам дурур.

Бўлмаса ким худпарастликдин йироқ,  
Ул кишилар Ҳақпарастликдин йироқ.

Кимки бу олам аро беҳуд эрур,  
Ул кишидин Тангриси хушнуд эрур.

Қилмағил халқ айбини ҳар ерда сўз,  
Ҳар замон солғил ўзинг айбинга кўз.

Подшоҳо, барчадин беайб Сен,  
Фосиқ-у осий-ю ҳам пўрайб мен.

(186 ҳ)

Ман каби ҳеч кимса хоболуд эмас,  
Ҳеч жон мандин яна хушнуд эмас.

Нафс бу жисмимни маркаб айлади,  
Фисқу исённи мураккаб айлади.

Ҳеч ким йўқтур менингдек ҳушёр,  
Нафсни фармони қилди хору зор.

Нафс бўлмас соате мандин жудо,  
Туну кун ҳирсу ҳаво фармонида.

Оҳким, бу тунда бедор бўлмадим,  
Умр ўтгандин хабардор бўлмадим.

Маъсият тухмини сочтим беҳисоб,  
Деса “ман раббук” анга йўқтур жавоб.

Нафс қилмишдур ани пажмурда ҳол,  
Йўқ турур бу йўлда жобдуқ қилди ҳол.

Нафс бирла йўқ турур ҳолим мани,  
Оқибат не кечгай аҳволим мани.

Қирмадим ман мардлар майдониға,  
То тушубман маъсият зиндониға.

Олмадим ишқ зумрасидин баҳралар,  
Маънидин ё аҳли маънидин хабар.

Зоҳирим тун, ботиним ялдо каби,  
Феъл габру ҳолим ул тарсо каби.

Бандалик даъвоға тоат манда йўқ,  
Фақрликка сабру тоқат манда йўқ.

Туну кун чандонки исён айладим,  
Фисқдин бир неча хирмон айладим.

Оҳ, найлай, дину миллат манда йўқ,  
Ишқи Ҳақ сори муҳаббат манда йўқ.

Рўзу шаб қилмоқ гуноҳ одат манга,  
Кўзу тилу қўл-оёқ олат манга.

Бир нафасни бегуноҳ ўткармадим,  
Дин уйин вайронлигин биткармадим.

Ҳар замоне умр ўтар мастлик билан,  
Оқибат ишларни билмаслик билан.

(187)

Ризқи таййибга қаноат манда йўқ,  
 Етса хайридин сироят манда йўқ.

Ўтти умрум ҳастлик даъво қилиб,  
 Ботинимдин Ҳақни нопаддо қилиб.

Бўлмадим холий риёдин соате,  
 Етти боғи умрумга эмда офате.

Туну кун бу танни қилдим тарбият,  
 Рост йўлларни ҳама қилдим ғалат.

Нафс гўё сакдуру сакбониман,  
 Маъсият дарёни кештибони ман.

Умр ўтиб кўб худпарастлик айладим,  
 Ойу йиллар бутпарастлик айладим.

Эй Хароботий, сухан кўтоҳ қил,  
 Дину миллат сори азми роҳ қил.

Ушбу пандимга қулоқ бер, эй ўғул,  
 Неча уэр айғон анга бўлмас қабул.

Ўзни бу зиндонда ғамнок айлагил,  
 Оҳ бирла кўзни намнок айлагил.

Сен кечурма умр хушвақтлик билан,  
 Жони хушвақтни олур сахтлик билан.

Эй ўғул, бу айтган сўзларни бил,  
 Бермағил зинҳор фонийга кўнгул.

Ҳар кишиким, қилса фонийни талаб,  
 Бўлмағай ул касга ҳаргиз лутфи Рабб.

Бериёзат ҳар киши бу йўлдадур,  
 Гўйиёким, қумни ул ён тортадур.

Умрни ўткар риёзатлар билан,  
 Оҳу афғону жидд ҳолатлар билан.

Кимки бу олам риёзоти дурур,  
 Қилғон ҳар феъли каромоти дурур.

Хоҳ жину хоҳ инсон бўлсаму,  
 Хоҳ кофир, хоҳ мусулмон бўлсаму.

Бўлса ҳар мақсад риёзатдин топар,  
 Гар эшик банддур риёзатдин топар.

Кори боқийға такалуф айладим,  
Фонийға умрум тасарруф айладим.

Гарчи юрдим неча амрингдин қочиб,  
Қил, Худоё, эмди боқийдин насиб.

Бўлмаса нафсни бино айлармидим,  
Бермасанг нафсни гуноҳ айлармидим.

Борҳо нафсимга қувват бермагил,  
Туну кун ҳаргиз ҳаловат бермагил.

Подшоҳо, қил мани нафсдин халос,  
Ростлиғ йўлида қилғил аҳли хосс.

Ҳар нечук ҳам бўлсаму бахтим қаро,  
Қилмағил олдингда ул кун рўсиёҳ.

Гарчи ман даргоҳингга лойиқ эмас,  
Не учунким, аҳли орифдин эмас.

(187 ҳ)

Кеча-кундуз маъсият одат манга,  
Не учунким, нафс ҳамсуҳбат манга.

Ман эрурман фисқу исён қилгучи,  
Нафс ани тун-кун манга қилдиргучи.

Йўқ турур оламда ҳеч сенсиз нима,  
Қилса ҳар феъл ёрий бергучи яна.

Борҳо саҳву хато мендин дурур,  
Заҳмату фазлу ато Сандин дурур.

Ҳар гуноҳе бўлса ул мандин бўлур,  
Авф ила лутфу карам Сандин бўлур.

Бўлмадим ман нафсдин ҳаргиз халос,  
Ул сабабдин қилмадинг хос ичра хосс.

Айладинг пайдо нажосатдин мени,  
Ман нечук хушнуд қилғумдур Сени.

Қилмағил гумроҳ мани, эй роҳбар,  
Нафсдин қувватни ол руҳумга бар (бер).

Раҳнамосен барчага, эй кардикор,  
Доимо қилғил ўзунгга интизор.

Масти фонийдин мени ҳушёр қил,  
Боқийға кўнглумни ҳам тайёр қил.

(188)

Ишқ рамзидин манга изҳор қил,  
Хоби ғафлатдин мани бедор қил.

Қанча ман юрсам агар Сандин қочиб,  
Қатрае андин манга қилғил насиб.

Қодиро, нафсимни ғолиб қилмагил,  
Хоҳиши нафсимга толиб қилмагил.

Токи бор бу нафси ҳар жойим манинг,  
Ҳеч шак йўқтур тамуғ жойим манинг.

Йўқту жабдуқ йўлга ҳасратдин бўлак.  
Кўб пушаймону надоматдин бўлак.

Ушбу олам қилмадим бир яхши иш,  
Яхшироқдур барча мандин говмиш.

Умрум ўтти чорподек беҳабар,  
Солмадим гўр аҳли сориға назар.

Сен ишонма Тангриға тоат билан,  
Парвариш қилди сени неъмат билан.

Қилма тоатингга раҳматни ҳавас,  
Қатрасига тоати умр арзимас.

Ҳар замон бир вақтдек соати йўқ,  
Яхши ишларга ани ҳожати йўқ.

Ёзни меҳридин гулистон айлагай,  
Қишни қаҳридин зимистон айлагай.

Бу вақт ўтмасда амрин қил қабули,  
Зироат кеч бўлса йўқ ҳусули.

Ким зиёрат қилса доим гўрни,  
Ҳақ анга жаннатда бергай ҳурни.

Ибрат олғил, ўзни хомуш айлагил,  
Ҳирси дунёни фаромуш айлагил.

Ҳирси дунё ким фаромуш айламас,  
Ул муҳаббат жомидин нўш айламас.

Ким гўристонда бўлса жойдор,  
Нафс ила Шайтон кўнглидин чиқор.

Ақл бор деб бўлма Афлотун сифат,  
Фаҳм ила дониш эрур хотун сифат.

Рост келмас ақл бирлан қилғон иш,  
Қишни ул ёз айлағай, ёзини қиш.

Ақл бўлса бу жаҳон ғам ичра бўл,  
Кунж аро меҳнатта доим ичра бўл.

Кимки бу оламда қилса шодлиғ,  
Кўрмас ул олам хати озодлиғ.

Эй биродар, истасанг ишқ сиррини,  
Билмағай ҳеч ким сани, сен ҳам ани.

Аввало ўзни бино мулкидин ол,  
Ҳеч шак йўқтурки, кўргайсен жамол.

Қил ҳалок нафсингни ўлмасдин бурун,  
Аршни остида тобқойсен ўрун.

Эй Хароботий, ўлум ваҳмида бўл,  
Кўрқсанг андин анинг амрида бўл.

### БУ ФАСЛДА КЎЗ ОЧИБ БИР ЙЎЛГА СОЛУВЧИ ИЗЛАМАК

Эмди ман бу нафсни ғийбатлар қилай,  
Ўз қулоқимга насиҳатлар қилай.

(188 ҳ)

Қасд бирла сен агар қилсанг гуноҳ,  
Кўчкуси ул соат кўнглунгдин Худо.

Фикр қил ҳар ишни қилмасдин бурун,  
Маъсият тухмини сочмасдин бурун.

Йўқ турур оламда нафсимдин ёмон,  
Ҳеч кишини қилмади ғамдин омон.

Оҳ, найлай, кўз аро намлар қани?  
Охират аҳволидан ғамлар қани?

Ҳеч ғам йўқ ғамни пайдо айлаган,  
Бу жаҳон ҳар вақтда расво айлаган.

Нафс ила Иблис бир айёрдур,  
Макридин чандон каманд тайёрдур.

Мани маҳкам қилибдур бу каманда,  
Киши бўлғайму билгай бу чаманда.

Кеча-кундуз ҳама ҳолим паришон,  
Ҳама қилдим гуноҳдин неча хирмон.



(189)

Ажойиб нафс қилмиш мани хор,  
Ани домиға бўлмиш ман гирифтор.

Қўйубдур дом оламни юзига,  
Кўринмайдур ўзи одам кўзига.

Тилсимдур ажойиб бу тилсимот,  
Ҳазар қилғил анинг дин, эй Харобот.

Анингда йўқту бўйи меҳрибонлиқ,  
Булардин истама сен ком мутлақ.

Санга меҳр ила қилса гар тақозо,  
Сани банд айлаб ул қилғай тамошо.

Бу даҳр ичра ани савдоси бисёр,  
Қиёматда ани ғавғоси бисёр.

Тилим сандекка қилган бевафолиғ,  
Анингда йўқту бўйи ошнолиғ.

Неча мардларни номард айлаган ул,  
Ҳама ботил сари ул бошлагай йўл.

Кел, эй оқил, анингдин сен йироқ бўл,  
Тила ҳимматни итдин яхшироқ бўл.

Топиб раҳбарни қил олдида хизмат,  
Топарсен икки олам ичра иззат.

Бўлмағил нафс илкида асҳоби заъф,  
Бўлғасен гўё саки асҳоби Қаҳф.

Истади Ҳақни неча марди Худо,  
Эргашиб ит бўлди ҳам марди Худо.

Ётқоннинг эшигида бошини қўюб,  
Бу ишинг минг йилғи тоатдинму хўб.

Ишқ ўтига гар самандар бўлсаму,  
Одам ичра гар сикандар бўлсаму.

Нафс гўё иллату раҳбар табиб,  
Кимда иллат бўлса ул истар табиб.

Бўлма ўз олдингча нафсга рўбару,  
Қилғасен раҳбарни аввал жўстужу.

Раҳбар улким, нафсдин бўлғай халос,  
Бошлагай йўлни санга ул Ҳақшунос.

(189 ҳ)

Ул Муҳаммад барчага раҳбар эрур,  
Қилмаган амрини кўру кар эрур.

Қилмаса ҳар ким анинг фармонини,  
Кўрмагай ҳаргиз Худо инъомини.

Кел, эй ғофил, ўзунгни айла бедор,  
Жаҳон асбобини жамъ этма зинҳор.

Дамодам гиллу ғашни айла торож,  
Маниййатни ўзунгдин айла ихрож.

Гар кишида бўлса андак кибрдин,  
Фарқи йўқтур ул кишини габрдин.

Неча кибре нафсдин ҳосил санга,  
Икки оламда Худо боқмас санга.

Ўзни, халқни аввал ориф билур,  
Билмаганлар ўзини козиб билур.

Бандани Ҳақни орасида ҳижоб,  
Кибрдек йўқтур яна, эй мурдлаб.

Кибрни тарк айлаган содиқ бўлур,  
Шул замон Тангрига лойиқ бўлур.

Рўйи олам домдин холий эмас,  
Ул сабабдин мартаба олий эмас.

Бўлмадим нафсдин халос ҳар субҳу шом,  
Қўйди ҳар бир ҳийлаву тазвиру дом.

Йўқ турур нафсимда ул шарму ҳаё,  
Ҳеч дев йўқтур анингдек рўсиёҳ.

Оҳ, найлай, сеҳр ила жодуси бор,  
Қўлларида ниш ила оғуси бор.

Ҳам жароҳат бирла ҳам марҳам қилур,  
Ўзига одамни ул маҳрам қилур.

Бор турур чандон ани афсунлари,  
Дев анга тобиъдур ҳам жину пари.

Подшоҳо, бер паноҳ андин манга,  
Тобмадим бир туҳфаи лойиқ санга.

Нафсга бўлдум бу олам поймол,  
Қилма мандин банда расмини савол.

(190)

Барчани мушкилин осон айлагил,  
Барчага лутфингни эҳсон айлагил.

Эй Худоё, қилмасанг раҳмат назар,  
Йўқ турур ғайр аз Санингдек роҳбар.

Ҳарнаким, қилдинг Ўзинг қилдинг яна,  
Ман нечук лойиқ сано айтай Санга.

Қилмағач Одамни Шайтондин жудо,  
Туну кун бўлмайду исендин жудо.

Бўлмаса Сандин иноят, эй Карим,  
Бўлмағай мақбул ўздин ҳеч ким,

Қодиро, нафсимга қувват бермагил,  
Ҳам яна турғену иззат бермагил.

Кўрди кўз оламда кўб мавжудни,  
Тобмадим Сандин бўлак Маъбудни.

Қилмасанг бўлмас кишини ёдиға,  
Сен етарсен барчанинг фарёдиға.

Бўлмаса гар одаме ҳозир Санга,  
Кеча-кундузда Сен нозир анга.

Сани мулкунг дурур арзу самовот,  
Неча вайронлиқ ўлса ё иморот.

Ўзунг қилган иморот одамизод,  
Ани Сен қилмагил вайрону барбод.

Ҳар нимаким они санъаткор қилур,  
Қилғон ул санъат лойин қайдин тузур.

Нафсининг мулкени обод айлама,  
Барчани дин уйин барбод айлама.

Қилма рад ҳар кимни Сан, эй Кардикор,  
Қилмағил нафс илкида ҳар кимни хор.

Нафс ила Шайтонни ожиз айлагил,  
Ушбуларни балки ночиз айлагин.

Англағил бу сўзни, эй пиру жувон,  
Ушбу олам нафс Шайтон посбон.

Йўқ турур андоғ ясовул ҳеч ким,  
Айлағай ул мард ким, номард ким.

Подшоҳо, аҳли иймон айлагил,  
Мандаги нафсни мусулмон айлагил.

Эй биродар, рост қил ихлосни,  
Истагил андин кейин ул хосни.

Айтайин эмди Худонинг зотини,  
Англағил асмову ҳам сифотини.

Ҳар нима оламда қилди суврати,  
Ул ҳақиқат эрди они суврати.

Бўлса ҳар сувратда онинг бирла бор,  
Балки ҳар сийратда жонинг бирла бор.

Келса зотидин бировни ёдиға,  
Барча ҳайрон васфи ҳам асмоиға.

Англағил бўлса тамоми коинот,  
Ҳеч шак йўқ бордур оти бирла зот.

Ҳар нима бўлсаки гар овоз этар,  
Барчаси ул Тангридин оғоз этар.

(190 ҳ)

Жони жон улдурки, пайдо қилса ҳол,  
Ҳеч вақтда бўлмағай ул жон завол.

Эй биродар, ҳар замон ҳушёр бўл,  
Эмди тезроқ уйқудин бедор бўл.

Орзу қилсанг Худонинг зотини,  
Бўлғил они васфи ҳам оётини.

Кўрма Ҳақдин ўзга ҳар мавжудни,  
Зикру фикр айла ўшал маъбудни.

Барчани халқ айлаган Холиқ қилур,  
Баъзиларни ўзиға лойиқ қилур.

Олса ҳар ким васфи асмодин хабар,  
Ҳар замон қилғай Худо раҳмат назар.

Анғласа ҳар ким васф ила асмосини,  
Тонуғай андин кейин ул зотини.

Бегумон ул барчага ғолиб дурур,  
Бўлса ҳар мавжуд анга толиб дурур.

Бўлса ҳар исму сифат ул анда бор,  
Хоҳ субҳу шом, хоҳ лайлу наҳор.

Бўлса ҳар шай сен ҳақорат қилмағил,  
Дину иймонингни ғорат қилмағил.

(191)

Балки ҳар афъол, ҳар аҳволға,  
Балки ҳар кирдор, ҳар ашғолға.

Эй ўғул, бўлғил давом андишада,  
Туну кун кеч ичра бўлғил пешада.

Эй ўғул, синдур тамоъ дандонини,  
Қилмағил вайрон қаноат боғини.

Ҳар нима кўргузса мавжудот ани,  
Кўргил ул соат аро ул зотни.

Гар киши бу сирриға инкордур,  
Ҳеч шак йўқтурки, ул ағёрдур.

Васф ила осмони бил, хомуш бўл,  
Шул замон орифи дарё нўш бўл.

Васфу асмо бирла ким фоний бўлур,  
Ул киши Исойи руҳоний бўлур.

Эй ўғул, иста фано фи-ллоҳни,  
Шул замон кўргайса важуллоҳни.

Кимки ориф бўлса ул ҳайрон бўлур,  
Ўзининг бунёдини вайрон қилур.

Ҳар кишиким, қолса ҳайронлиқ аро,  
Ўткарур умрини вайронлиқ аро.

Эй биродар қилсанг Ҳақ васфин хаёл,  
Тезроқ ўзни фано мулкиға сол.

Ўлмаса ҳар кимки ўлмасдин бурун,  
Май ичурмас фоний бўлмасдин бурун.

Эй ўғул, сан майға ўзни пок қил,  
Мовуманликни либосин чок қил.

Ҳеч парда йўқтур кибрдек азим,  
Кибр бирлан пок бўлмас ҳеч ким.

Ҳар кишиким, ўзни нопаддо қилур,  
Андин ул Ҳақ сиррини пайдо қилур.

Ҳар киши, ул бодадин пўш айламас,  
Мосиволлоҳни фаромуш айламас.

Эй ўғул, Ҳақ қаҳрини кўнглунгда тут,  
Дунёву мо фийҳони кўнглунгдин унут.

Истабон ул бодани қил изтироб,  
Тифлдек йиғлаб анга қилғил шитоб.

Гиря қил бисёр аз баҳри Худо,  
Қилмағил зинҳор аз рўйи зиё.

Ҳақталабни жобдуғи чандон керак,  
Гиря бирла оҳ ҳам афгон керак.

Тортса ҳар ким дард бирла оҳни,  
Тобқусидур озмай ул даргоҳни.

Англағил ул ёшким хуни жигар,  
Хондада умрунг ўтар, эй беҳабар.

Эй биродар, кўзни кўб намнок қил,  
Ширку чиркдин кўнгилини пок қил.

Ёш агар кўб бўлса хол пайдо бўлур,  
Кўлги гар кўб бўлса қол пайдо бўлур.

Эй биродар, қол ғамдиндур, билинг,  
Ханда бирла қолдин парҳез қилинг.

Ҳол гўё бодаи ҳамро дурур,  
Ҳар киши нўш этмаса гумроҳ дурур.

(191 ҳ)

Қатраи ёш ҳар ибодатдин улуғ,  
Кўб чиқарса ким они кўрмас тамуғ.

Эй ўғул, кўнглунгда бўлғил бу сабақ,  
Чиқса доим ёш улдур қурби Ҳақ.

Қўрқубон чиқса агар кўздин ёши,  
Ул ёшидур барча тоатни боши.

### БУ ФАСЛДА МУҲАББАТНИНГ МАСТЛИГИНИ АЙТУР

Англа, эй, масти хоби маърифат,  
То қилай майхонада майдин сифат.

Олами ишқ, эй ўғул, майхонадур,  
Ул шароби ақли кулл девонадур.

Соқий улдур қилса ҳар ким маҳви зот,  
Олса андин марҳаме ҳар мумкинот.

Ул киши бу ерда бўлғай майпараст,  
Майпараст бу, билки масту Ҳақпараст.

(192)

Ичкусидур майни истеъдодича,  
Май бўлғай то они мийъодича.

Ҳам суроҳий косаву ҳам жинси руҳ,  
Бўлғай ул соатда кўнгулга футуҳ.

Ул суроҳий майдин ўлғай жоми дил,  
Соғарийу пиёла, жом номи дил.

Гар кишини жоми ваҳдатдин бўлур,  
Ул кишини зоти-ю бедард бўлур.

Гар киши ул бодоға мамнун бўлур,  
Ул киши девонаву мажнун бўлур.

Анлағил, таслимни, эй пиру жувон,  
Неча сўз таслимдин айлай баён.

Ул ўзни Ҳаққа тобшурмоқ эрур,  
Ёна халқ айбини ёшурмоқ турур.

Эй биродар, қилма ҳар андешани,  
Жой тут хомуш ўлуб ҳар пешани.

Сокин ўл ерда қаноат бирла бўл,  
Ҳам жиҳоди нафс, ғурбат бирла бўл.

Рўзу шаб ул ерда мотамдор бўл,  
Охират аҳволидин ҳушёр бўл.

Ушбу олам, эй ўғул, олам эмас,  
Нафсни ўлтурмаган одам эмас.

Умр ўтти ел каби, эй беҳабар,  
Қилмадинг нафсингдин, аммо бир ҳазар.

Бўлмаса илгингда иймондин нигин,  
Ҳеч шак йўқтурки, сен фағфури Чин.

Ўлтуруб ким бўлса нафсидин омон,  
Ул кишидур Маҳдийи охир замон.

Қилмаса ҳар кимки нафс фармонини,  
Ул киши кўргай Худо инъомини.

Эй ўғул, шаръида бўлғил устувор,  
Тарк қилма шаръини лайлу наҳор.

Ҳар кишида шаръ йўқтур шарм йўқ,  
Шарми йўқларға Худонинг раҳми йўқ.

Туну кун шаръида бўлғил, эй авом,  
Бўлмади ҳеч ким шариатсиэ қабул.

Ул Муҳаммад амри Ҳақнинг амридур,  
Ул Муҳаммад қаҳри Ҳақнинг қаҳридур.

Қил талаб кун-тунда, бўл ошиқ анга,  
Аввало бўл жаҳд ила лойиқ анга.

Одаму жину малоиклар бари,  
Юборолмас ҳеч ким андин нари.

Эътиқод бу қисм қилғил, эй амак,  
Ҳеч хос йўқтур Муҳаммадин бўлак.

Дин уйинг онинг била ободдур,  
Бўлмаса ҳар қилганинг барбоддур.

Эй ўғул, доим шариат бирла бўл,  
Очилур андин тариқат сори йўл.

Йўқ турур андоғ яна пайғамбари,  
Одаму жину малакни раҳбари.

Ўтти ҳар афлокдин жавлон қилиб,  
Турди анда Ҷаброил ҳайрон қолиб.

(192 ҳ)

Ҳеч ким онингча меърож этмади,  
Хонумон аҳлини торож этмади.

Мунтаҳодан ўтти ул гобуксувор,  
Қолди анда Ҷаброил бечоравор.

Чиққан эрмас ҳеч ким андин баланд,  
Қилди ул Ҳақ бирла чандон минг суханд.

Ҳеч кимда андоғи тоат қани?  
Ҳеч кимда андоғи тоқат қани?

Ҳеч кимда адоғи иззат қани?  
Ҳеч кимда адоғи хурмат қани?

Ҳеч ким сўзлашмаган андоғ яқин,  
Қилдилар ул ерда умматни ғамин.

Ўт бу оламдан анга уммат бўлуб,  
Олиға, асҳобиға қурбат бўлуб.

Эй ўғул, ул-шаръ гўё косадур,  
Ул тариқат косадаги боладур.



(193)

Эй биродар, барчадан кечмак керак,  
Косадин ул бодани ичмак керак.

Май талаб қилсанг анинг амрин қилинг,  
Эй ўғул, соқий Муҳаммадур, билинг.

Ҳар кишиким, бўлмаса тобиъ анга,  
Май муяссар бўлмагай ҳаргиз анга.

Ё мисоли шаръ бир майхонадур,  
Кирмаган майхонага бегонадур.

Эй ўғул, соқийга қилгил жон нисор,  
Гўйиё шамъига бўл парвонавор.

Эй ўғул, соқийни бул фармонида,  
Бодани бергай санга ул чоғида.

Ушбу панд кўнглунгда тутгил, эй ўғул,  
Аввало бўлгил Муҳаммадга қабул.

Кирса ҳар ким Мустафо фармонига,  
Киргизур ул шаҳрни айвониға.

Эй биродар, шаръини қил жўстужуй,  
Тангрини олдида бўлгай обрўй.

Гар Муҳаммадга киши қойил эмас,  
Ул кишига Тангриси мойил эмас.

Оҳ, найлай, шаръисиз умрум ўтар,  
Шаръисиз бу жонни ерга амр этар.

Оҳким, кўнглум уйин пок этмадим,  
Қаҳри Ҳақдин кўзни намнок этмадим.

Бўлмадим бир соат исендин жудо,  
Чиқмади зангор кўнглумдин садо.

Нафс фармонида сабр, ором йўқ,  
Ҳеч соат ичра бир эҳром йўқ.

На намозу рўзаву Ҳажжу закот,  
Йўқту манда ҳеч ниёзу хайриёт.

Оҳ, не афғону не фарёди бор,  
Дин иморати-ю уй ободи бор.

Беҳабар умр ўтти дунёлиғ билан,  
Тийра дил ҳасратда гумроҳлиғ билан.

Ушбу йўлга тушам роҳим қани?  
Ломакон шаҳрига ҳамроҳим қани?

Оҳким, жон бормаса жонон сари,  
Сарнигун борғай у жон таҳт ас-сари.

Келмади ёдимга ҳаргиз ёди Ҳақ,  
Ул сабабдин манзилим чоҳи фалақ.

Йўқтур лойиқ туҳфа ул шоҳга,  
Ман на деб борғумдур ул даргоҳга.

Оҳким, йўқтур бу жонни тозаси,  
Бор дурур жон шаҳрини дурдонаси.

Ўлмадим бу даҳрдин ҳаргиз халос,  
Тобмадим ҳастлик либосидин халос.

Риштаи фисқ печутоб этмиш мани,  
Беҳуда ғамлар хароб этмиш мани.

Ушбу олам жони тоза тоқдур,  
Тоза жонга Тангри ҳам муштоқдур.

Жон удурки, Ҳақни кўб зикр айласа,  
Охират аҳволини фикр айласа.

Жон эрур ул олса аслидин хабар,  
Қилса доим наҳйи мункирдин ҳазар,

Жон эрур ул ишқдин оғоз этар.  
Руҳи бил ул Аршқа парвоз этар.

(193 ҳ)

Жон улдур Тангрини ёд айласа,  
Жамиъ асбобини барбод айласа.

Эй биродар, тоза қилғил жонни,  
Қилма ҳаргиз кўҳнавор иймонни.

Ҳар нафас чиқма Худони амридин,  
Қилмағил ваҳшат Худони қаҳридин.

Жонни тоза ишқдин нўш айлаган,  
Мосиволлоҳни фаромуш айлаган.

Холий бўл икки жаҳон савдосидин,  
Кўз тутуб турғил карам дарёсидин.

Солма зинҳор яхши аъмолингга кўз,  
Доимо солғайсен ўз айбингга кўз.

(194)

Маҳв қил ҳастликни бу олам аро,  
Бўлма ул майхонадин ҳаргиз жудо.

Холиқо, нопокдин нопокман,  
Аввалу охирда мушти хокман.

Айтгали лойиқ сано ман ким сани,  
Ман нажас бир қатраи обиманий.

Подшоҳо, қилмадим иш бериё,  
Бўлмади зангор кўнглумдин жудо.

Келмагай ўздин ўзим пок айласам,  
Сийнани дард бирла ҳам чок айласам.

Чиқмадим ҳаргиз маниййат мулкидин,  
Тобмадим йўл ул тараф ҳаққ ул-яқин.

Ўзлугимдин бўлмадим ҳаргиз киши,  
Оҳ, қайсидур хушнудлиғ иши.

Подшоҳо, барчага Сен раҳнамо,  
Фатҳ қил, ё Носиро, ё Абадно.

Эй ўғул, бу панддин бир баҳра ол,  
Қолни тарк айла, бўлғил аҳли ҳол.

Аҳли ҳол улдурки, ул ҳайронумаст,  
Йўқту ҳастликдин губори хок паст.

Эй ўғул, ҳастликни кўнглиндин чиқар,  
Қолмасун кўнглунг аро ҳаргиз губор.

Ҳамма қилган ишинг ўзунгга парда,  
Бўлур маҳшар кунни кўзунгга парда.

Пила қурти хаёл қил ҳар кишини,  
Тасаввур қил ани қилган ишини.

Қиёмат кунда юз минг можародур,  
Ҳама қилган ишига мубталодур.

Эй ўғул, суду зиён барбод қил,  
Дарди сўзу гиряву фарёд қил.

Эй биродар, ақл бир тадбир қилур,  
Тангри ул тадбирни тағйир қилур.

Ақл ул зоҳирни мажнун айлаган,  
Ақл ул ботинни пурхун айлаган.

Ул кишиким, халқдин мардуд эмас,  
Ул кишидин Тангриси хушнуд эмас.

Бандавор хизматда бўл ҳар рўзу шаб,  
Қилма мақсудингни ҳар кимдин талаб.

Бўлса ҳар мақсуд ул аён санга,  
Зоҳиру ботин ҳама яксон санга.

Эй биродар, ушбу панд ёдингда тут,  
Дард ила доим жигар хунини ют.

Гунчадек лаб ташна бўлғил, эй жувон,  
Гар очилса бот ёвуқ бўлғай хазон.

Подшоҳо, қилдим амрингга хилоф,  
Бўлмади ишқ соридин кўнглум шигоф.

Бу сияҳ дил асли равшан бўлмади,  
Боғи мақсудимға гулшан бўлмади.

Гар кўнгулга беҳуд ғамлар етар,  
Ринди-ю мастий-ю дарвишлик етар.

Юз туман бошимда зулмоний ҳижоб,  
Нафс шайтон бирла аҳволим хароб.

Оҳ, найлай, ушбу тан хокий дурур,  
Жон улвий сори нопокий дурур.

Бўлса ул кун жон жисмимдин жудо,  
Қилмағай пардоз бу ердин само.

Жоним ул жононга лойиқ бўлмади,  
Бу сабабдин ул тараф йўл бўлмади.

Ўтти умрум фиксқ ила саҳву хато,  
Кўз тугарман Тангридин лутфу ато.

Оҳ, найлай, сабру тоқат манда йўқ,  
Дарди сўзу ҳеч тоат манда йўқ.

(194 ҳ)

Ман эмасман ушбу жисмимдин фано,  
Не учунким, Тангри мандин норизо.

Нафснинг амрини қилдим тезу тез,  
Олмадим ул бодаи ишқдин лазиз.

Ўтгудек жоним жаҳондин кўру кар,  
Олмайин ҳеч аҳли донодин хабар.

Бўлмадим шойишта ҳаргизу субҳу шом,  
 Чоҳи зулмонийда қолмишмен мудом.

Келмадим ҳаргиз ҳушумға рузу шаб,  
 Йўқ турур оламда мандек беадаб.

Йўқтур сандек ҳеч Худой...  
 Йўқтур мандек ҳеч амир ул-фосиқин.

Йўқ турур Сандек яна, эй Биру бор,  
 Ман каби йўқтур ҳайрон, интизор.

Йўқтур Сандек ҳеч Худойи раҳнамо,  
 Йўқтур мандек осийи рўйи сиёҳ.

Олмадим бу йўлға жабдуқ тора мўй,  
 Йўқтур мандек ҳеч ким беобрўй.

Туну кун, ё Рабб, мени мотамда қил,  
 Ҳар азобинг бўлса бу оламда қил.

Нафс доим тез рафтор айлади,  
 Мақри домиға гирифтон айлади.

Ўзлугидин бўлмадим нафсдин сиво,  
 Нафсдин, ё Рабб, манга бергил паноҳ.

(195)

Ҳисми одам нафс-шайтон мулкидур,  
 Кўнглида шайтон-нафс бир тулкидур.

Ул кўнгулда бор турур чандон тешук,  
 Баъзи финда етар ул анда мушук.

Ул сани қасдингдадур, эй беҳабар,  
 Қилғай ул бир кун сани зеру забар.

Нафси Шайтон сенда иймон қасдида,  
 Сен ҳамиша беҳабар нон қасдида.

Эй биродар, нафс аждардин ёмон,  
 Мумкин эрмас нафсдин билмоқ омон.

Бўлмадим мақбул, эй ё Рабб, санга,  
 Қил уқубатларни пайдар-пай манга.

Ўтти умрум мақру айёрлиғ билан,  
 Ҳийлаву тазвиру айёрлиғ билан.

Сидқу ихлос ила иқрор этмадим,  
 Дин била миллатни изҳор этмадим.

Ман каби дўзахқа лойиқ йўқ яна,  
Бермагил ҳаргиз жаҳаннамдин яна.  
Эй Худоё, осийлар сардори ман,  
Бу жаҳон мурдорилар мурдори ман.  
Тўлди исёнимга бу рўйи замин,  
Қилмагил доим азобингдин эмин.  
Туну кун исёнга мустағрақмен,  
Токи ул дўзахқа қўб муштоқмен.  
Ман каби оламда йўқ савдойи хом,  
Қилмадим айшу фароғатни ҳаром.  
Айладим бисёр исён хирмани,  
Оҳ, найлай, лаззати иймон қани?  
Ўтти умрум беҳушу ҳам хўфтавор,  
Гибру тарсолар каби беҳудавор.  
Юрмадим олам аро ўздин кечиб,  
Қанду ширин ёғу шўрбодин кечиб.  
Эргашиб нафсимга юрдим ҳар тараф,  
Ишқ ила бўлдики меҳнат бартараф.  
Дин иморатимни барбод айладим,  
Маъсият мулкини обод айладим.  
Бўлмадим бу нафс-шайтондин омон,  
Маърифат боғимни ул қилди хазон.  
Одамеда нафс доим бордур,  
Ул сабабдин баъзи одам хордур.  
Беҳуда умрунг туганди, эй ўғул,  
Бўлмади қилган ибодотинг қабул.  
Хоби ғафлат бирла бўлдинг мубтало,  
Бўлмадинг васвоси ҳолимдин жудо.  
Туну кун нафсингни меҳмон айладинг,  
Қувватида фисқу исён айладинг.  
Ҳамнишингдур ҳама шайтони нафс,  
Чиқмади бо ёди Ҳақ бир дам нафас.  
Нафс ила Шайтон мураккабдур манга,  
Ушбу тан олада маркабдур манга.

(195 ҳ)

Эй биродар, жон ҳар жондорду бор,  
Жон улким, бўлса ишқ ул эътибор.

Жон улдур олса аслидин хабар,  
Қилса мутлақ икки оламдин гузар.

Ориятдур неча кун дунё Санга,  
Бермағил зинҳор кўнглунгни анга.

Айтдинг, эй руҳ, ул куне “қолу бало”,  
Ушбу кун бўлдинг гуноҳга мубтало.

Ҳақ таъоло Воҳид ул-Қаҳҳордур,  
Боқий бирдур, Ҳайй биру бордур.

Ҳеч вақтда бўлмас ҳаргиз завол,  
Охири бир кун қилур сандин савол.

Ҳар замон, эй руҳ, кўб ҳушёр бўл,  
Ул жавоб бермакға ҳам тайёр бўл.

Ҳар замон они истеъдодида бўл,  
Ваҳм қил бисёр, фармонида бўл.

Оқибат ул сорига қилғунг сафар,  
Йўқ турур кўнглунг аро инсофлар.

Ҳеч руҳ йўқ турур оромиди,  
Барчаси ул нафсни фармонида.

Жондорийларда холий, эй амак,  
Нафс-шайтондин мунозаҳдур малак.

(196)

Доимо, эй руҳ, кўб иқрор қил,  
Нафс-шайтон амрига инкор қил.

Оҳ бирла нолаву фарёд қил,  
Икки олам судини барбод қил.

Қўрқуб Ҳақдин қилмадинг шарму ҳаё,  
Ул сабабдин Ҳақ эмас сандин ризо.

Қилмасанг, эй руҳ, хушнудлар ани,  
Қилмағайким, ҳаргиз ул хушнуд сани.

Айтайин бир неча сўз, эй руҳи маст,  
Ҳар нафасда доим ул Ҳақдин битарс.

Не учун келтурди оламға сани,  
Кеча-кундуз фикр кўб қилғил ани.

Ўзини ул ошкоро қилғали,  
Туну кун фарёдини қилдурғали.  
Қайси руҳким, Тангриға муштоқдур,  
Тангри ҳам ул руҳқа муштоқдур.  
Бўлмасанг гар амрига ҳаргиз малул,  
Бергусидур ул санга ўз сори йўл.  
Тонумағлиқ Ҳақни фарзлардинму фарз,  
Қилмоқинг амрини қарзлардинму қарз.  
Танимай оламдин ўтган кўз эмас,  
Бу жавоб олдида они сўз эмас.  
Кўрмаган кўз Ҳақни нобино дурур,  
Икки олам ичра ул аъмо дурур.  
Хуш бирла бўлғил, эй некунамо,  
Англағил “ман кона фий ҳазо ʻумо” .  
Тонумоғлиқ Ҳақни қудратлар билан,  
Тонумоғлиқ ўзни ожизлиқ билан.  
Аввало ўзни бино мулкидин ол,  
Тезу тўнд эмди фано даштиға сол.  
Истасанг бу йўлда марфуъ ул-қалам,  
Қаҳри қил нафсингга ҳам зулму ситам.  
Бормасанг нафс ўлтуруб ё куйдуруб,  
Тенгла йўл тобмай турарсен телмуруб.  
Фоний бўлғил фоний бўлмасдин бурун,  
То ани даргоҳида тобқил ўрун.  
Нўш қил маърифат дарёсидин,  
Юз ўгур икки жаҳон савдосидин.  
Қилмасанг андин агар шўрби мудом,  
Ўзига қилмас сани ҳаргиз ғулом.  
Иста аввал доим ул майхонани,  
Илкидин олғил ани паймонани.  
Қатраи ул майға юз минг жон фидо,  
Йўқтур андоғ икки олам бебаҳо.  
Англағилким, раҳнамо майхонадур,  
Нукталар андин санга паймонадур.



(196 ҳ)

Истасанг они фидо қил жонни,  
Ташлағил ҳам куфру ҳам иймонни.

Тезроқ бу иккидин қилғил гузар,  
Англағил ул Шайх Санъондин хабар.

Ҳад эмасдур бодадин бергил демак,  
Ҳеч иложи йўқтур ўзидин бўлак.

Жон эмасдурки, май нўш этмаган,  
Куфру иймонни фаромуш этмаган.

Англағил иймон омонлиқдин турур,  
Куфру кофирлиқ ёмонлиқдин турур.

Маърифат дарёсида гаввос бўл,  
Токи андин гавҳар олғил хос бўл.

Ҳастликни билғил, эй соҳибқирон,  
Мастни бобида йўқ суду зиён.

Мастларни ўзидин огоҳ йўқ,  
Неъмату офатдин ани парвойи йўқ.

Ичсалар ул бодадин инсон эрур,  
Дўзаху жаннат анга яксон эрур.

Билки, жаннат нафсни оромидур,  
Роҳату айшу фароғат жойидур.

Ул куни Тангрига иқрор айладинг,  
Бул куни амриға инкор айладинг.

Ҳар киши ул бодағаки маст эмас,  
Бўлмағай ул касга Ҳақ фарёдрас.

Бодаға гар маст бўлсанг ул бўлур,  
Қоидадур мастға хон йўл берур.

Мунтазир ул мастға бўл ҳар субҳу шом,  
Нўш қилмай то ани қилмас ғулом.

(197)

\* \* \*

Ғофило, умр ўтти доим беҳабар,  
Дард бирла йиғлағил шому саҳар.

Ман нечук айлай кўнгулни шодлар,  
Қайси бир ғамдин қилай фарёдлар.

**БУ ФАСЛДА ДУНЁНИНГ  
БЕВАФОЛИФИНИ АЙТУР**

Эй қуёш, бу сўзни тут ёдингда ёд,  
Бевафо дунёга қилма эътимод.

Эй ўғул, дунёни обод айлама,  
Дин иморотингни барбод айлама.

Фикри беақл они обод айлагай,  
Хоҳиши Ҳақ они барбод айлагай.

Одаме боши хатар устун хатар,  
Ёдида йўқ куллу явмин дин батар.

Эй ўғул, сўзумни англағил,  
Одамий бўлсанг отанг қилғонни қил.

Ўтти они умри мотамдор ўлуб,  
Туну кун ғам бирла хору зор ўлуб.

Ҳам пушаймон, ҳам надоматлар билан,  
Ҳам яна фарёду ҳасратлар билан.

Эй биродар, сан ани фарзанди бўл,  
Борғайсен охир отанг сорига йўл.

\* \* \*

Ғофило, умр ўтти доим беҳабар,  
Қабрни ёд айлагил шому саҳар.

Ман нечук айлай кўнгулни шодлар,  
Қайси бир ғамдин қилай фарёдлар.

**БУ ФАСЛИ ХОТИМАДА ТАЪРИХНИ БАЁН ҚИЛУР**

То мунингсиз адо эмас шаръи,  
Вожибу фарзу суннату нафли.

Ўқуғай ҳам буларни ёд олғай,  
Икки оламда онча шод ўлғай.

Чунки Исломни ул бино қилғай,  
Манга бир фотиҳаву дуо қилғай.

Бил, бу хат маъносида йўқ нуқсон,  
Нуқе гар бўлса айлағил осон.

Ким бу шаръини олга келтургай,  
Тангри ани биҳиштга еткургай.

(197 ҳ)

Не ҳисоб айладимки таърихға,  
Мингу юзу ёна қирқ олтиға.

Қилғулуқ шаръини китоб эттим,  
Билганларга ман хитоб эттим.

Гар хато ўлса мандин, эй олим,  
Раҳм ила лутф қил кўруб ҳолим.

То карамбахш Тангридур ғам йўқ,  
Ҳарни қудрат анингда кўнглум тўқ.

Эй қуёш, бу сўзни тут кўнглунгда ёд,  
Бевафо дунёға қилма эътимод.

Эй ўғул, неча сўзум бор англағил,  
Одамий бўлсанг отанг қилғонни қил.

Умрини ўткарди дилрешлиқ билан,  
Роббано деб юрди дарвишлик билан.

Қилмади ҳеч жойда ҳаргиз бир қарор,  
Туну кун қон йиғлар эрди зор-зор.

Эй биродар, бу жаҳон зиндон санга,  
Бўлмағил зинҳор шод, хандон анга.

Бўлмағай ҳеч вақт ҳукми Тангри рад,  
Айтди Тангри “инна-л-инсон фий кабад”.

Одамий ҳар доим эмгак ичрадур,  
Нафсни комини бермак ичрадур.

Сол қулоқ бу сўзға, бўлғил баҳравар,  
Бўлғуси ҳар кунда кун-кундин батар.

Ўтти умрум тез бекорлиғ билан,  
Кеча-кундуз зиёнкорлиғ билан.

Ақл бўлса бўлма бу оламда шод,  
Кўнглунг ичра тут “лафий хусри”ни ёд.

Одамий машғули ғафлатдур ҳама,  
Оқибат жониға офатдур ҳама.

Эй ўғул, дунёни барбод айлагил,  
Субҳу шом, тунунгда фарёд айлагил.

Эй ўғул, ўтти жаҳонни хўблуги,  
Йўқ кўнгулни ҳеч вақт хушнудлиғи.

(198)

Бир-бириларга қилур дарду алам,  
Ҳам қилур жавру жафо, зулму ситам.

Эй ўғул, кўнглунгда тут бу яхши панд,  
Осийлар гўрг ўлди, мўмин гўсфанд.

Ҳеч кимда йўқ турур инсофлар,  
Қайдадур бу вақт иймон софлар.

Бир-бирларни ҳама қасдидадур,  
Тиғи заҳролуд ҳам дастидадур.

Туну кун ўғли атоға муддаий,  
Ҳам қиёс духтар аноға муддаий.

Эй дариго, барча гафлат ичрадур,  
Доимо куфру залолат ичрадур.

Хоҳ ганий-ю хоҳ гадову шоҳ ҳама,  
Хоҳ шайху сўфи-ю мулло ҳама.

Хоҳ қози, муфти-ю хоҳ муҳтасиб,  
Истамас ҳаргиз ҳалолидин насиб.

Эй биродар, тут бу панд ёдингда ёд,  
Ҳеч ким они қилолмасдур кушод.

Ким биродар ҳаққидин ер ё ичар,  
Ул кишининг кўнглидин гавҳар кечар.

Кийса ким ноҳаққидин ҳар ким либос,  
Кийдирур маҳшар куни ўтдин либос.

Ҳеч ким йўқтурки, гийбатдин йироқ,  
Ҳам биров ширку адоватдин йироқ.

Нафсу шайтондур давом ҳамсуҳбатинг,  
Кетти сандин дин била ҳам миллатинг.

Ҳеч кимда йўқ турур бир пок ҳалқ,  
Барча найолудадур, нопок ҳалқ.

Ҳеч кимда йўқ турур шарму ҳаё,  
Ҳеч ким бўлмас бири-бирдин ризо.

Ҳеч кимда йўқ турур меҳру вафо,  
Бир-бирларға қилур жабру жафо.

Беҳабардур барча Ҳақни амридин,  
Ҳеч ким қўрқмайдур Ҳақни қаҳридин.

Ҳама манлик билан қилғай такаббур,  
Ўзини аслини қилмас тафаккур.

Холий эрмас ҳеч ким васвосдин,  
Пок эрмас кўнгли ҳам Ханносдин.

Кимду бу олам аро девсиз киши,  
Ҳарна машғулоти ул девнинг иши.

Ҳеч ким шойистаи даргоҳ эмас,  
Охират аҳволидин огоҳ эмас.

Бу замон қочмас ҳаромдин ҳеч ким,  
Одамеға бу турур айби азим.

Қилмаса парҳезлик ниятға йўл,  
Ҳеч кимнинг тоати бўлмас қабул.

Сақламас ҳеч ким ҳаромдин ҳалқини,  
Ул сабабдин ул Худонинг душмани.

(198 ҳ)

Барчаларни нафси ролибдур ҳама,  
Фисқ ила исёнға роғибдур ҳама.

Бўлса ҳар кимда ҳаромдин бардавом,  
Рўзи маҳшар ўксумас андин олам.

Барча ҳоли гўргу рубоҳлик билан,  
Ўткарур расво-ю гумроҳлик билан.

Истамайдур ҳеч ким ризқи ҳалол,  
Ҳеч ким иймони тобмайдур камол.

Ҳеч ким тоати бўлмайдур қабул,  
Ҳеч кимда пок йўқтур кўнгул.

Манфаат йўқтур ани тоатида,  
Ҳушиға келмайду ҳеч соатида.

Ҳеч ким йўқтурки, ғийбатдин йироқ,  
Ҳам ҳасад бўғзу адоватдин йироқ.

Йўқ турур бу вақтда тооти хос,  
Кибрсиз йўқтурки, бўлғай ёри хос.

Барча ҳоли фитнаву тазвиру дом,  
Ўткарур ғафлатда умрин субҳу шом.

Аҳли дунёни неча одоти бор,  
Сўзани дунёға машғулоти бор.

(199)

Айтайин ул пиразанни дастидин,  
То халос тобқайсен ани бандидин.

Йўқ турур онингда ҳеч шарму ҳаё,  
Зоҳири раънову ҳам нилгун қабо.

Бевафо маккору ҳам айёрдур,  
Нозу истиғноси ҳам бисёрдур,

Сеҳр бирла жодуға ҳам устоддур,  
Ғамзаси кўяндаға дилшоддур.

Қул қилибдур барчани афсун билан,  
Парвариш айлабдур ҳам афюн билан.

Зоҳирида қанддек гуфтори бор,  
Ботинида тиғи заҳролуди бор.

Аввали ҳар кун анга шаккар берур,  
Охири бир кун анга заҳ(ҳ)ар берур.

Аввал ул ҳар кимга бергай симу зар,  
Охири бир кун анга бергай заҳар.

Ром эгар ул касни ул мурдорға,  
Охири бир кун чиқаргай дорға.

Йўқ турур ул пиразандек ҳийлагар,  
Юз туман минг эрга ҳар соат тегар.

Ўтти умрунг тун кун онинг қасдида,  
Ул ҳамиша ақлу жонинг қасдида.

Доим ул одам билан савдо қилур,  
Ақлу ҳушини олиб савдо қилур.

Пиразан домида бу олам юзи,  
Чиқмас ул ҳеч вақтда овидин ўзи.

Ўлмагунча ҳеч ким бўлмас халос,  
Англағил бу пандни, эй омию хосс.

Ҳаққиға ул пиразан умрунг олур,  
Ҷами асбобу иморотинг қолур.

Эй ўғул, ул пиразан кўнглингдадур,  
Қилдирур доим санга фисқу фужур.

Тоз бўл, ул маккорани уйдин чиқар,  
Ул замон зангор кўнглунгдин чиқар.

Эй биродар, узгасен андин умид,  
Бўлғай ул вақт шамъи иймонинг паид.

Узсалар ҳар ким умид фоний бўлур,  
Ул замон шойи руҳоний бўлур.

Холий қилғон ўзни ўлтурмак дурур,  
Нафсни иймонға кўндурмак дурур.

Ким чиқармас кўнглидин Намрудни,  
Икки олам кўрмас ул Маъбудни.

Ҳар кишиким, бўлмаса андин халос,  
Бўлмағай ул Тангри даргоҳида хосс.

Истасанг бўлмоқни Намруддин омон,  
Раҳнамо фикрида бўл бехонумон.

Нечаким, бўлсанг агар сен рўсиёҳ,  
Қил этини хокипойин тўтиё.

Тобти жисминг тарбият бу хокдин.  
Баҳра олмоқ ақлу фаҳм, идрокдин,

Қилмадинг охирги кунни ёдлар.  
Жамъи асбобини ҳам барбодлар,

Эй ўғул жисмингни қилдинг парвариш.  
Қилмадинг раҳбар талаб ҳеч ёзу қиш,

Ўтти умрунг беҳуда савдо қилиб.  
Бандаи Ҳақман дебон ғавғо қилиб,

Эй ўғул, бир неча панд айттай санга,  
Холий қил кўнглунгни, пандни ол анга.

\* \* \*

Ғофило, умр ўтти доим беҳабар,  
Ҳалқинг пок айлагил шому саҳар.

Ман нечук айлай кўнгулни шодлар,  
Қайси бир ғамдин қилай фарёдлар.

(199 ҳ)

**ТАЪРИХИ МУҲТАММИМ<sup>1</sup>**

Соҳиби тасниф эрди хуш зоти,  
Ҳақға маълумдур анинг оти.

Тилида эрди зикри иллаллоҳ,  
Дилида доимо муножоти.

Ҳар таманно учун киши борса,  
Чиқар эрди қошида ҳожоти.

Муҳтаммим табъи таърихига дегай,  
Билингиз “Жомиъи Хароботий”.

( Бу китоб) 1329 (1911) йилинда иккинчи ражабда Мадрасаи Қўқалдошда ёзилди.

---

<sup>1</sup> Муҳтаммим – ҳиммат ва ғайрат қилувчи, бу ерда мазкур китобнинг чоп қилинишига мутаасадди бўлган Мулла Зуфар бин Шакур Муҳаммад назарда тутилмоқда.



МАВЛОНО ХАРОБОТИЙ

МАСНАВИЙИ  
ХАРОБОТИЙ

БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ

Англа найдин не ҳикоятлар қилур,  
Ким, жудолиқдин шикоятлар қилур.

Ул мани қилғоч найстондин жудо,  
Халқи олам ичра бўлдум бенаво.

Нола айларманки, бўлғоч беватан,  
Нола айлар нолишимдин марду зан.

Гар киши ёд этса доим аслини,  
Истагай ҳар рӯзу шаб ул васлини.

Беҳисоб сийнамда бор шарҳи фироқ,  
Шарҳ қилсам жумла дарди иштиёқ.

Кимки бўлғоч бўлса аслидин йироқ,  
Ул кишида кўб васли иштиёқ.

Ман баҳар жамиъға қилдим нола зор,  
Неки ҳам бадларға бўлдум созвор.

Кимки хушдон бирла бўлса ёри ман,  
Истагай сийнамдин ул асрори ман.

Сир бу нолам ва лекин дур эмас,  
Нури бу кўзу қулоғин нур эмас.

Жисму жондин ҳеч дам мастур эмас,  
Жонни кўргузмаклик дастур эмас.

Бонги най ўтдурки, бу эрмас шамол,  
Кимда бу ўт бўлмагай бўлғай завол.

Бўлсалар ҳар кимки бу ўтдин йироқ,  
Ул кишидин гову хар, сак яхшироқ.

Бонги най ўтдурки, ортуқ бўлғай ул,  
Кимда бу ўт йўқ эса суқ бўлғай ул.

Ишқ ўтидурки, тушти най аро,  
Жушиши ишқ ичра тушти май аро.

Жунбиши жунбандилар ишқ шиддати,  
Сокини ҳар нарсалар ишқ ҳайрати.

Най унингим англаса пурхун қилур,  
Қиссаи ишқ англаса мажнун қилур.

Заррадин то Шамс саргардон ҳама,  
Аршдин то фарш саргардон ҳама.

Сирра ишқни дерга бир маҳрам керак,  
 Ё Жунайду Шиблюю Адҳам керак.

Ким булардек хонумон содиқ керак,  
 Ул иши бу сиррига лойиқ керак.

Ким деса бу сиррини ағёрға,  
 Шаҳ ани ҳалқидин осгай дорға.

Бор умидим мухлису ҳам мўътақид,  
 Йўқ эрур ножинсларда мўътамид.

Зинҳор ножинсларға, эй қуёш,  
 Бермагил сиррингни, бергил нону ош.

Най масаллиқ заҳр ҳам тарёқ йўқ,  
 Най каби дамсоз ҳам муштоқ йўқ.

### МУНОЖОТ БА ДАРГОҲИ ҚОЗИЙ УЛ-ҲОЖОТ<sup>26</sup>

“Маснавий”\* оинаи анвори дил,  
 “Маснавий” ганжинаи асрори дил.

“Маснавий” дарди ниҳонларга даво,  
 “Маснавий” носури жонларға шифо.

“Маснавий” ким, бодаи ваҳдат эрур,  
 Лаззати ҳам ишрати раҳмат эрур.

“Маснавий” ким, ҳодиси маъни қадим,  
 “Маснавий” дур гўйиё баҳри азим.

“Маснавий” ким маънийи Қуръон эрур,  
 Сарбасар ҳам ҳужжату бурҳон эрур.

Бўлса кимнинг ҳоли заъфидин хароб,  
 “Маснавий” дур ушбу заъфига жулоб.

Бу жуллобни ичса жон афзун бўлур,  
 Мурдаи садсолани берун қилур.

“Маснавий” гумроҳларга раҳнамо,  
 “Маснавий” дур руҳ то учгай ҳаво.

Рашҳалар бу баҳрда бисёрдур,  
 Бениҳоят гавҳари обдордур.

\* Бу ерда Жалолиддин Румийнинг «Маснавийи Маънавий» асари назарда тутилмоқда.

“Маснавий” ҳам жон, ҳам жонон эрур,  
“Маснавий” ҳам дарду ҳам дармон эрур.

“Маснавий” ишқ кихига нўв қилур,  
Ҷону дилни ишқ шустушў қилур.

Ўчган ўтни “Маснавий” равшан қилур,  
“Маснавий”ни кеча-кундуз ким ўқур.

“Маснавий” ким, фил-масал дарё эрур,  
Ким анга ғўта урур, гавҳар олур.

Сад ҳазор бу баҳрада гавҳар эрур,  
Ойдин ҳар қайсиси равшан эрур.

Эй Хароботий, бу баҳрада ғўта ур,  
Келгуси шояд сани илгинга дур.

Заррадин то Шамс саргардон ҳама,  
Аршдин то фаршлар ҳайрон ҳама.

Эй Хароботий, сухан оғоз қил,  
Қиссани кўтоҳу сўзни оз қил.

Аввало қил ойнаи дилни сафо,  
Бўлгуси ул ойнаи жононнамо.

Ҷаҳд айлаб сайқал этгил рўзу шаб,  
Қилгил они соф, бўлсун лутфи Раб.

Ул кишида ақл ила тамиз эрур,  
Сайқали ойинаи парҳиз эрур.

Англағил бу сўзни сан пиру жувон,  
Йўқ турур бу нуктада шакку гумон.

Субҳу шому рўзу шаб парҳиз қил,  
Лашкари нафсингни сан ночиз қил.

Қилма ул шаҳрида ҳаргиз гулғула,  
Истъионад ҳар нафас сандин тила.

Англағил бу сўзни эй, Абдулмажид,  
Қилма дил айвонини ҳаргиз палид.

Ол жазойи марду зан, шоҳу гадо,  
Покдиллар бўлдилар манзилгоҳи шо(ҳ).

Бандан Аллоҳсан, инсоф қил,  
Ботинингни мосиводин пок қил.

Эй Худо, сан холиқи кавну макон,  
Ҳеч пушида эмас сандин ниҳон.

Эй, хатобахшу кариму корисоз,  
Йўқтур даргоҳингға ҳам мандин ниёз.

Ҳарнаким, пайдо адамдин айладинг,  
Жисму жонни қатра намдин айладинг.

Даҳраро кўб айладинг нақши нигоҳ,  
Йўқ турур сандин бўлак Парвардигор.

Сан қилурсан барчаларни парвариш,  
Субҳу шому рўзи шаб ҳам ёзу қиш.

Етмагай андин санга ҳаргиз малул,  
Бўлса ҳар банда қабул ё ноқабул.

Раҳмати фазлинг сани гаҳ дам-бадам,  
Мавж урар ҳар доимо баҳри карам.

Бандалардин доимо исён эрур,  
Сандин ҳар дам лутф ҳам эҳсон эрур.

Гарчи мўмин, гарчи кофир бўлсаму,  
Хоҳ муқиму, хоҳ мусофир бўлсаму.

Ўқумос фазлинг сани гаҳ бир замон,  
Гарчи бўлса бутпарастии жовидон.

Эй Худоё, ҳодисан гумроҳға,  
Солғайсан гумроҳларни роҳға.

Бўлса ҳар зий-жон ҳожат қилғувчи,  
Сандин ўзга йўқ ижобат қилғувчи.

Даргоҳингдин ҳеч жон навмид эмас,  
Гарчи бўлсун пашшаву муру магас.

Дил санидин ўзгага хушнуд эмас,  
Даргоҳингдин ҳеч дил мардуд эмас.

Борсалар ҳар ким санинг даргоҳингга,  
Сан қилурсан беадад эҳсон анга.

Мунтаҳидин Арш то таҳт ас-саро,  
Барчаларни ҳожати сандин раво.

Санки, таҳқиқ шоҳи шоҳаншоҳсан,  
Жумланинг аҳволидин огоҳсан.

Эй Худоё, нафсни бердинг бало,  
Рўзу шаб исёнға бўлдум мубтало.

Ўтти умрим олам ичра кўру кар,  
Роҳбарсан, роҳбарсан, роҳбар.

Ушбу ҳасрат дашти беравнақ иши,  
Ҳеч йўқтур ман каби хайрон киши.

Оҳким, бу олами олам эмас,  
Неъматни тандин мани нолам эмас.

Қуввати руҳийдин руҳоний бўлур,  
Қуввати нафсийдин нафсоний бўлур.

Нафси голиб кофири тарсо бўлур,  
Руҳи голиб Аҳмаду Ийсо бўлур.

Тушдулар ул асфалин таҳт ас-саро,  
Чиқдилар булар само то мунтаҳо.

Эй Худоё, қуввати руҳ бергил манга,  
Гарчи ман лойиқ эмас бўлсам санга.

Эй Харобот, истагилу истагил,  
Қуввати руҳга сарф қил минг жону дил.

\* \* \*

Сол қулоқ бу бандаға, эй марду зан,  
Ҳар бири дурри саминдур бу сухан.

Токи бордур нафсу одамни тани,  
Ул кишидин беркилур икки мани(й).

Бўлса зоҳир бу маний андомдин,  
Фусл қилмоқ фарздур аҳкомдин.

Қолса хўшки ногаҳон бир зери мўй,  
Ул жанобат пок эмас ношуста рўй.

Тан палид ўлса намоз эрмас раво,  
Қилмади нопокға фармон Худо.

Ким жунуб бўлмас Худони ёд этиб,  
Дин иморотини ҳам бунёд этиб.

Сочти ул Хайр ул-Башар халқ ичра дур,  
Ул намоз эрмаски, танда йўқ таҳур.

Танни пок эт, то ибодат айлагил,  
Лашкари нафсингни ғорат айлагил.

Пок тутса танни ҳар ким рӯзу шаб,  
Барқ урар кўнгилда ҳар дам лутфи Раб.

Раҳмати борон ёғар ҳар покға,  
Тангри солмас кўзни ҳар нопокға.

Юз ўғурса ким Худо фармонидин,  
Манфаат йўқтур ишинг итмомидин.

Қўл ювиб, ол оғзингға, бурнингға сув,  
Танни қил уч қатла андин шусту-шу.

Айлади одамни пайдо хокдин,  
Рози эрмас Тангри ҳар нопокдин.

Дўст тутар ул одамиким, покдур,  
Қасри Аршу манзили Афлокдур.

Қолса жисминг ғуслдин андак ало,  
Ёғилур жисмингға ҳар турлук бало.

Эй Харобот, андаки идрок қил,  
Рӯзу шаб жону дилингни пок қил.

\* \* \*

Худовандо, енгилдим, йўлдин оздим,  
Гунаҳ айлаб ўзимға чоҳ қоздим.

На бордур манда фаҳму ақлу идрок,  
На қилдим пардаи пиндорни чок.

На қилдим дардисўзи бирла зикри,  
На қилдим боҳузурни бирла фикри.

На тобтим лаззате бу тоатимдин,  
На лаззат умр ўтган соатимдин.

На бор лойиқ санга мандин намозим,  
На бор бир заррача лойиқ ниёзим.

На қилдим ман қиёму қаъда,  
На қилдим ҳузурни бирла сажда.

Тамом аъмолларим маъмур эмастур,  
Бори тоатларим мақбул эмастур.

На сандин кўрқуб эттим оҳу афғон,  
На тасбиҳу на зикру ҳайру эҳсон.

Ўзимға кўз солурға тоқатим йўқ,  
Агар солсам кўзимни тоатим йўқ.

Бори менда ҳавас бирла ҳаводур,  
Ичу тошим ҳама ужбу риёдур.  
Оқарди соч-соқол, кўнгил оқармас,  
Ўшал исёнга одат асли қолмас.  
Ки бу нафсинги бордур, эрди маълум,  
Халос ўлмас хатодин ҳаста кўнглум.  
Тамом истар эса ҳар ким бу олам,  
Манингдек йўқ гунаҳкор ичра одам.  
Эрурман халқ ичида ҳечдин ҳеч,  
Қолибман фисқу исёндин дард печ.  
Мани қилғоч бу нафсим ҳеч дар ҳеч,  
Гунаҳлар йўқ эрурман қилмағон ҳеч.  
Эмасман туну кун бирла лаҳза беғам,  
Ки ҳаргиз кўнглим эрмас шоду хуррам.  
Гунаҳ ишларга бўлдум чобику чуст,  
Савоб ишларга бўлдум қоҳилу суст.  
Қилибман фисқу исёнларни пинҳон,  
Худовандо, бари олдингда аён.  
Залолат чокида ман ҳайронлиғимдан,  
Гунаҳ қилдим тўла нодонлиғимдан.  
Худовандо, Хароботий қўлингга,  
Тараҳҳум айлабон солғил йўлингга.

### ОБИ МАНИЙ БИРЛА МИННАТ ҚИЛИБ ТАКАББУР ҚИЛМОҚНИ БАЁНИ

5-6

Англа жону дил била пиру жувон,  
Ул манийдин бу маний чандон ёмон.  
Ул манийким, диларо маҳкам ниҳон,  
Қат иноят қилсам ман айлай баён.  
Бўлса собит бу маний тил дил аро,  
Топмагай ойинаи кўнглинг жило.  
Ул манийким, сув била зоҳир бўлур,  
Ул манийдин тавбасиз кофир бўлур.  
Ул манийдин танда чирк пайдо бўлур,  
Бу манийдин танда ширк пайдо бўлур.



Эй писар, қилғил манийдин эҳтиёт,  
Қил ҳаёву шарм ҳам ҳақдин уят.

Бўлса ногоҳ бу маний сандин зуҳур,  
Қўрмагундур ҳеч жаннат бирла ҳур.

Қилди ҳақ сорифа лойиқ хокни,  
Қувлади даргоҳидин нопокни.

Сан қилиб ул мовуман ғавғосини,  
Қилма ҳаргиз Тангрининг даъвосини.

Ул киши гар Тангрилик даъво қилур,  
Ҳақ ани Шайтон каби расво қилур.

Эй ўғил, бўл жону дилдин бохабар,  
В-арни сандин яхшироқдур гову хар.

Қилмасанг кўнглингни писанд лайлу наҳор,  
Сандаги жон гову хар жисм ила бор.

Йўқту(р)фарқинг жисмда ҳайвондин санинг,  
Балки Намруд бирла Шайтондин санинг.

Йўқту(р) бундоқ бандада айбу хато,  
Токи бордур мовуман қилмас ато.

Токи ман дерсанг, эурсанг худпараст,  
Ишларинг ҳар кунда бор равнақ шараст.

Ул манийким, эрур дил онча бор,  
Кимда зарра кибр бўлса жойи нор.

Донача кибрингки бўлса, эй ўғил,  
Рўзу шаб эрмас ибодотинг қабул.

Бўлса олим беамаллар кибру кийн,  
Рад эрур доим Худо даргоҳидин.

Кибрлиғ ҳарчандки, тоат бирладур,  
Бу танинг бошдин аёғ мурдордур.

Бордур чандон ҳаридор, эй санам,  
Чиқса жон жисмингни олмас бирдирам.

Буд тани олтин-кумушдур қадри бор,  
Бу санинг жисминг эруру беътибор.

Кибр ҳусну илму мулку мол эрур,  
Кибр охир норға даллол эрур.

Эй дило, аслингни ҳар дам ёд қил,  
Тезрок бу кибрни барбод қид.

Бўлса аслинг қатраи шаҳват нажас,  
Дам урарсан халқи олам ман раъс.

Ушбу даъвонг даъвийи Шайтон эрур,  
Зоҳиру ҳам ботининг ялғон эрур.

Бўлса ақл аслингни сан андеша қил,  
Ожизу бечораликни пеша қил.

Аввалу охир бу жисминг холийдур,<sup>27</sup>  
Кибрлиғ тан жону дил нопокдур.

Бўлса жон чиқмасда ҳар ким хокдор,  
Ул кўрур фирдавсаро дийдори ёр.

Дона кибринг агар хашхошча бор,  
Кўрмагундур ҳеч вақт дийдори ёр.

Хоҳ ҳақиқат, хоҳ мажозий бўлсаму,  
Хоҳ ниёзий, хоҳ намозий бўлсаму.

Кибрлиқ рўзи замин алломаси,  
Бўлса ҳам охир сияҳдур номаси.

Эй ўғул, кибрингни кўнгилдин чиқор,  
Ким чиқормас бўлса ул диндин чиқор.

Тобмади даргоҳиға Иблис йўл,  
Эй дило, борику нозикдур бу йўл.

Ул эди ортуқ амалда барчадин,  
Ким, такаббур айлагач бўлди лаъин.

Бўл, Хароботий, ниятдин\* йироқ,  
В-арна “байний байнака ҳоза-л-фироқ”<sup>28</sup>.

---

<sup>27</sup> Бу ерда қофия бузилган, аслида «хок» бўлиши мумкин.

\* Бу сўз аслида «миннатдин» бўлиши керак.

МУСАННИФ ЎЗЛАРИҒА НАСИҲАТ ҚИЛИБ  
АЙТГАН МУНОЖОТЛАРИ

Сани оғриқ замона қилса дилтанг,  
Санга суд айламас номус ила нанг.

Баногоҳ келса Аэроил санга тўш,  
Бўлур ҳар соате ақлинг фаромуш.

Қилур мулкунгни ғорат мири подшоҳ,  
Урарсан доғу ҳасрат бирла кўб оҳ.

Олур молингни дўзду ё қароқчи,  
Бўлурсан дарбадар ҳар уй тиломчи.

Худовандо, санга ман бандадурман,  
Гунаҳимдин дили шармандадурман.

Талаб айлаб натобтим бир шеъри нар,  
На бўлду ақли дониш илм раҳбар.

Қолиб ҳасратда бу дашту бу биёбон,  
Эрур феълим томоми фисқу исён.

Аё, бу толеъим рўзи азалдур,  
Батаҳқиқ бу ситам бори ажалдур.

Тамоми ушбу олам ҳарна мавжуд,  
Ўлар, ҳеч қайсисидин тобмадим суд.

Бори илму амаллар балки ҳамроҳ,  
Манга бўлди пардаи роҳ.

Кўнгилда ёнмағоч шамъи зиёдин,  
Ю(в)дум илкимни барча бевафодин.

Карам фазлингдин андак ёғса борон,  
Ёғар поку палидни анда яксон.

Худовандо, манга фазл эшикин оч,  
Бориға раҳматинг боронини соч.

Ўшал боронки, яхшиларға ёғса,  
Ажаб эрмас манга бир қатра томса.

6-6

Уларни давлатидин бо барча ман ҳам,  
Бўлар сероб андин ё олай нам.

Неча қилсам йўлимға парда беҳад,  
Мани сан дарғаҳингдин қилмағил рад.

Сан-ўқсан, подшоҳим, эй биру бор,  
Мани ҳайронликда қўйма зинҳор.

Агар хамр исёнидин ман ичибман,  
Санингдин ўзагин, Тангрим, кечибман.

Агарчи йўқ Хароботийда ҳеч жуд,  
Санинг фаазлингдин истар рўзу шаб ауд.

\* \* \*

Айла сан зоҳир таҳоратни баён,  
Токи андин сўнг таҳороти ниҳон.

Су(в) била зоҳир нажосат ювулур,  
Ишқ ўти бирла кўнгул пурнур ўлур.

Нафси Шайтон то дилу жонингда бор,  
Бил, нажосатлар сани кўнглунгда бор.

Пок қил кўнглунгни Шайтон домидин,  
Соф қил кўнглунгни хирс домидин.

Оби чашма бирла жисминг пок ўлур,  
Кўз ёши бирла кўнгил пурнур ўлур.

Оби чашма ўчурур дунё ўтин,  
Оби жисминг ўчурур уқбу ўтин.

Оби наҳру чашмаву оби самок,  
Ушбу сувлардин бўлур нопок пок.

Оби чашмадин жаҳон обод ўлур,  
Оби жисмингдин жинон обод ўлур.

Зоҳиру ботинни қилсанг ихтиёр,  
Гар ёмон андешани дилдин чиқар.

Ул Муҳаммад ошиқи Аллоҳдур,  
Ишқ сирридин ўшал огоҳдур.

Бодаи ваҳдатни ул нўш айлагон,  
Мосиваллоҳни ҳаромуш айлагон.

Сайр қилғоч олами ваҳдатни ул,  
Ботинида йўқ анинг ташрикга йўл.

НАЪТИ НАБИЙ САЛЛАЛЛОҶУ АЛАЙҶИ  
ВА САЛЛАМНИ БАЁНЛАРИ

Яратмоқда Худо кавну маконни,  
Набототу жамоdot, жисму жонни.

Фараз бу жумласидиндур Муҳаммад,  
Анинг васфида йўқтур ақлга аҳд.

Эрур мағзи мавжудот барҳақ,  
Ки бешакдур гумонсиэ то Набий<sup>29</sup> ҳақ.

Худо пинҳон, Муҳаммад ошкоро,  
Ҳамаға раҳнамо лайлу наҳоро.

Ҳамони халқға маъбуд улдур,  
Тамоми халқдин мақсуд улдур.

Эрур паймоначи ҳам соқий, ҳам май,  
Бўлур ичгон анингдин жовидон ҳай.

\* \* \*

Ҳар кишини ҳиммати фарёдича,  
Еткусидур қудрати истеъдодича.

Ишқ чоҳи Чоҳи Замзамдин улуғ,  
Ишқ баҳредурки, тўфондин улуғ.

Ишқ дарёсида ул пўр чун бўлур,  
Бўлмағойки, дам-бадам афсун бўлур.

Хум эрур ул олами ваҳдат тамом,  
Жуш урар ул хум аро бу май давом.

Бод(а)каштур Жабраил ҳар рўзи шаб,  
Пур қилур бу хумни андин лаб-балаб.

Қатрае ким нўш этар, мамнун бўлур,  
Юэ туман минг ақллар мажнун бўлур.

Зоти май пинҳону исми ошкор,  
Чунки бу майда кўрунур акси ёр.

Ул қадаҳ қилғоч ибодати ани,  
Чунки бода ишқ ҳолоти ани.

Ким шароби жоми шаръийдин ичар,  
Аслининг ёдида фаръийдин кечар.

<sup>29</sup> Бу ерда «ноибӣ ҳақ» бўлиши мумкин.

Зоҳири бу олами амжозда,  
Ботини ҳақ бирла доим розда.  
Ҳар дами ул бодаи ишқ ила маст,  
Масти онинг мастийи рӯзи аласт.  
Ичгон андин хонумонидин кечар,  
Балки жисми бирла жонидин кечар.  
Сан ўзингни рост қилсанг субҳу шом,  
Соқий бергай тушқориб ҳар лаҳза жон.  
Йўқ ани амридин ўзга жоми май,  
Ким ичар бу жомдин жовид ҳай.  
Май олиб гар Жабраил қилса нузул,  
Қилди жони дил била Аҳмад қабул.  
Бўлди ул соат Муҳаммад шодмон,  
Қолмади маҳрум андин инсу жон.  
Ким ани илкидин ичти даст-бадаст,  
Бўлдилар ул зотиға ҳайрон маст.  
Ҳам дилу жон бирла содиқ бўлдилар,  
Молу жон сарф айлаб ошиқ бўлдилар.  
Баъзилар истар сифоти Аллоҳни,  
Баъзилар истар жамолуллоҳни.  
Бўлмагунча сан уларға хоки по,  
Ёрумас кўнглунг аро шамъи сафо.  
Бандан ҳақ авлиёлардур ҳама,  
Ҳарна бори кимиёгардур ҳама.  
Тобтилар жо манзили маҳбубият,  
Қатрадек дарёда бўлмиш маҳвият.  
Сан гар бу уйни холий айласанг,  
Шоҳ киргай ҳар замонким хоҳласанг.

## МУНОЖОТ БА ДАРГОҶИ ҚОЗИЙ УЛ-ҲОЖОТ

7-6

Каримо, кирдикоро, роҳнамоё,  
Ҳамиша Ҳаййу Қаййум, Биру боро.

Танимоқға ниҳон ганж эрдинг ул кун,  
Ўзинг қилдинг ўзингни ошкор ул.

Қилиб пайдо адамдин икки олам,  
Қилурсан тарбият лайлу наҳоро.

Ҳама қудратларинға ақлу ҳайрон,  
Эрурсан Қодиру Парвардигоро.

Ҳузури истар эрсанг, эй Харобот,  
Дами жо берма дили ичра ҳаворо.

## МУНОЖОТ БА ДАРГОҶИ ҚОЗИЙ УЛ-ҲОЖОТ

Хато баҳрида ғарқоб ўтти умрим,  
На дин-мазҳаб ҳаловотинни кўрдим.

Неча жаҳд айлаб ул ён тобмадим йўл,  
Эмас қилғонларимни бирри маҳбуб.

Агар кўрсанг, Худоё, яхши аъмол,  
Хатодин ўзга йўқтур манда афъол.

Ки аввал-охирига халқи олам,  
Мандек йўқ гунаҳкор ҳеч одам.

Қочиб умр ўтти шабу рўз бандалиқдин,  
Ки ҳолим йўқ бу дам шармандалиқдин.

Диле йўқтур жаҳонда танда ғамнок,  
Ҳама жондур бу олам ичра ғамнок.

Гуноҳим ё сағиру ё кабирдур,  
Тамоми тоғлардин ҳам офирдур.

Ўшал маъсиятики, манда пинҳон,  
Ани қилмас бу олам ичра ҳеч жон.

Сен ул мустағнийсен икки жаҳондин,  
Тамоми жон ҳам яхши-ёмондин.

Худовандо, гуноҳим ҳаддин ошти,  
Гуноҳимдин бу олам тўлди-тошди.

Ҳаёву шарму инсоф қочти мандин,  
Хатову фисқу исён кечти мандин.

Санга мандин тамом саҳву хатодур,  
Манга сандин давом лутфу атодур.

Неча қўб айласам ман фисқу исён,  
Иноят бирла фазлинг икки чандон.

### ОДАМ АЛАЙҲИС САЛОМНИ ХАЛҚ ҚИЛМОҚЛИГИНИ БАЁНИ

Ҳилқати жину башардин, эй амак,  
Йўқ гараз ғайр аз ибодатдин бўлак.

Неъматни ҳақдурки, хизмат айламак,  
Шукри неъматдурки, тоат айламак.

Ҳар киши гар тобса завқи тоате,  
Бўлмагай ҳаргиз малул ҳеч соате.

Дур қилма мандин ул ҳамроҳни,  
Рост йўлга бошла ҳар гумроҳни.

Ул амал солиҳ санга мушфиқ рафиқ,  
Берафиқ жаҳле эрур қилмоқ тариқ.

Ҳар ибодатларни қил бо эътиқод,  
Токи қилгай ҳақ сани ҳар кунда шод.

Қилмагил тоатни ҳаргиз бор ё,  
Варна маҳшар кунда бўлғунг рўсиёҳ.

Тоатиким, халқга манзурдур,  
Ул киши ҳақ манзуридин дурдур.

Ҳар киши тоотидин хушнуддур,  
Тангрининг даргоҳидин мардуддур.

Дарду сўзий бирла тоат айлагил,  
Ҳақ таъолога ҳимоят айлагил.

Тоати холиски, ҳамроҳинг эрур,  
Балки дарду ишқу сўз оҳинг эрур.

Лаҳву бозий ишқсиз қилган амал,  
Балки ул гарду ғубори бирла йал.

Бўлса кимда дарди ишқу ҳолати,  
Йўқ эрур ҳеч раҳнамога ҳожати.



Қилса кимни дарди ишқла тарбият,  
Қилмас ул ҳар зулмат ичра йўл ғалат.

Ишқ дарди уйқусидин бедор этар,  
Охири ул лойиқи дийдор этар.

Айладим тоатни деб пиндош этар,  
Ул жаҳаннамдин алам бардуш этар.

Сунъиким, тоатға кўз очмиш ул,  
Ўзиға дўзахда чоҳлар қозмиш ул.

Эй ўғул, тоатни пинҳон айлагил,  
Юз туман минг жонни қурбон айлагил.

Токи борсанг бир неча туну кун тирик,  
Қилма тоотингда сан ҳаргиз шерик.

Сидқ ила қилсанг талаб дийдори ёр,  
Қилмағил тоатни ҳаргиз ошкор.

Ул Алимдур ҳам Самиъдур ҳам Басир,  
Бўлса гар Таҳт ас-саро мури сағир.

Эй ўғул, бу сўзни маҳкам айлагил,  
Тангриға шаб-рўз хизмат айлагил.

Бандаи Аллоҳсан, инсоф қил,  
Ботинингни мосиводин пок қил.

Эй Худо, сан хийра жонлар раҳбари,  
Тийра диллар кўзларининг равшани.

Эй Худо, феълинг била ҳожат раво,  
Ҳеч кимни ҳожати сенсиз раво.

Хоҳ малак, хоҳ жин, хоҳ ҳарна кас,  
Хоҳ филу пашшаву муру магас.

Йўқ санингдек подшоҳи бокарам,  
Сандин ўзга жумла оламдур адам.

Эй азим тоғдин гуноҳимдур азим,  
Билгучиююю ўтқучи сан, эй Раҳим.

Афу қил журмимни, эй Парвардигор,  
Ҳар хато бу тилда бор маъзур дор.

Нур бер кўзимга то бийно бўлай,  
Донани кўнглимга бер доно бўлай.

Англамоқ, тутмоқ яна кўрмоқ ҳама,  
Тебрамак, эрмак, демак, билмак ҳама.

Ҳар таҳорук, ҳар сукут сансиз эмас,  
Раҳм қил ҳолимға, эй фарёдрас.

Ҳар дўконе бор савдойи дигар,  
Маснавий дўкони фақр сарбасар.

Панбаи рафлат қулоқдин они ол,  
Бу зару дурдин ани ўрниға сол.

Бўлса гар ҳар жони таңда баҳру бар,  
Ҳар сарида бордур сайри дигар.

Тобсам фаҳмидани бу анжуман,  
Юз туман минг гул унар ушбу чаман.

Бозни ўйнарға бозийдон керак,  
Розни айларға розийдон керак.

Зинҳор нодонға оғзин очмағил,  
Зоғқа сан дурру маржон сочмағил.

Ул кишиким ошиқи содиқ эмас,  
Ул кишиким розға лойиқ эмас.

Ё бу сир мисли асо Мусо эрур,  
Ё бу рози афсуни Исо эрур.

Чашма шаб бир офтоб дийдорига,  
Лойиқ эрмас гўши кар асрорига.

Ман кўтардим мағзи Қуръон маънисин,  
Ташладим бир пора пўсти тийрасин.

Ман кўтардим мағзи Қуръон бегумон,  
Ташладим бир пора пўсти устихон.

Эй ўғул, бу сиррини зоҳир дема,  
Лойиқи бу сир эмас кулли рама.

Ким бериб жон олса бу асрордин,  
Қолмағай маҳрум ул дийдордин.

Сан йироқсан токи бор кибру ҳаво,  
Хоҳламаслар сани мардони Худо.

Бўлса ким аҳли Худо шаккар анга,  
Бўлса ким аҳли ҳаво ништар анга.

Тобкан ул донони донодин бўлур,  
Қочган андин гибру тарсодин бўлур.

Эй ўғул, марди Худо олдида бўл,  
Кўргузур таҳқиқ ул Аллоҳга йўл.

Неку бадни анда қилғунг имтиёз,  
Хоҳ ҳақиқий бўлсуну хоҳи мажоз.

Ким йироқдур, яъни аҳлуллоҳдин,  
Ул йироқ маҳрумдур Аллоҳдин.

\* \* \*

Эй Худоё, ҳечлардин ҳечман,  
Рўзи шаб исёнға печо-печман.

Йўқту(р) мандек ҳечким пажмурда ҳол.  
Йўқ учун мурғ дилимда пару бол.

Олами касратда банди болу пар,  
Олами ваҳдатдин олмайман хабар.

Мурғи жон то бу қафасни бандида,  
Нафс бу айши фано дарбандида.

Дом бирла дона бу даҳри хароб,  
Тобматим жой амон истаб сўроб.

Мурғи жонға бу жаҳондур домгоҳ,  
Мурғи зийраklarға йўқ оромгоҳ.

Хоҳ бўлсун масжиду майхоналар,  
Хоҳ бўлсун Каъбаву будхоналар.

Кимки бу айши фано бирланки маст,  
Бегумон ул танпарасту будпараст.

Ҳар нимаки бор бу олам токи хас,  
Ҳар бири бир донадур, бедом эмас.

Токи жон бор нафс бу жисмимда бор,  
Сурати бу нафс ҳар қисмида бор.

Зоҳиридур меҳрибон, ширин калом,  
Ботинидур ҳийлаву тазвиру дом.

Қил ҳазар ҳар рўзу шаб, эй ому хос,  
Мумкин эрмас домидин тобмоқ халос.

\* \* \*

Аё, Шоҳи ду олам, Биру боро,  
Ки маҳшар қилма айбим ошкоро.

Ажаб Ғофир хатобахш, меҳрибонсан,  
Ажаб бешарму бадкирдор ёмон ман.

Ғуноҳим гарчи беҳад бу сарода,  
Ва лекин раҳматинг андин зиёда.

Неча ўтса гунаҳлар ушбу тандин,  
Қўнгил узмас умид “ло тақнату”<sup>19</sup>дин.

Агар қилсанг уқубат бу жаҳон қил,  
Қиёмат ичра ҳар ғамдин омон қил.

Неча берсанг манга чандон жазо сан,  
Чароки, ул жазоларға ризоман.

Неча қилдим гунаҳлар мунда пайдо,  
Халойиқ ичра ул кун қилма расво.

Ҳама талбисда ман Иблисдин акмал,  
Учун ботинда бўлғай чашми аҳвал.

Гунаҳ айларда ман Шайтондин ортуқ,  
Ки бор ул ҳийла манда, ўзгада йўқ.

Эрурман макри доми бирла мумтоз,  
Шаётин бирла деу жинға устоз.

На қилдим бу мараздин дилни солим,  
На кечгай гўру маҳшар бирла олим.

На олдинг ушбу жони бевафони,  
На бердинг қўнғлума шамъи сафони.

Кирибман шаҳру дашту ҳам биёбон,  
Қолибман ушбу зулмат ичра ҳайрон.

На бердинг ишқдин жоми лаболаб,  
На бўлди холи ғамгин ушбу қолаб.

9-6

Ўтуб умрим на олдим ишқдин бўй,  
На боғи маърифатға оқти ул жўй.

На чиркдин пок қилдим ушбу гулни,  
На шусту-шуй қилдим рўйи дилни.

На тобтим, эй дариг, ул маҳлиқони,  
На кўрдум, оҳ, ул зоти бақони.

На қилдинг мани остонанга маҳрам,  
На қўйдинг бу жароҳотимга марҳам.

Юрагимда жароҳат сони йўқтур,  
Қўнгулнинг ақлу ҳуш жони йўқтур.

Нечук толе, нечук бахтим, Худоё,  
Қалам бу бахтима ёздингму, оё?

На, эй ҳодий мани қилдинг ҳидоят,  
На яхши суҳбати қилди сироят.

На бор бу дашта мандек ташнаи об,  
Ки ҳалқим бўлмади нам, батн сероб.

Бу олам тобмағоч жоннинг ризоси,  
Ки мандин кечмади ҳақнинг ризоси.

Тамом умр ўтти бўлдим нафспарвар,  
Юруб ҳар кўчаву ҳар жода ҳар дар.

Агар борсам баногоҳ раҳнамоға,  
Қиё кўз солмади ман баднамоға.

Чароки бу ичу тошим қароман,  
Халойиқ манзурида баднамоман.

Худовандо, санинг қўйунга борғон,  
Эмасдур асл андин холи қолғон.

Худовандо, Каримсан, эшигинг оч,  
Мани сан ўзгаларга қилма муҳтож.

Каримсан, эй каримо, қил тараҳҳум,  
Карам баҳрингдин ҳаргиз қўйма маҳрум.

\* \* \*

Худоёким, Муҳаммад Мустафодур,  
Анингдин нафси шайтоний ҳаво дур.

Анинг моҳиятига етмас идрок,  
Деди Тангрим анинг шаънида “Лавлок”<sup>20</sup>.

Қўрди кофирлар Муҳаммадни башар,  
Қўрмади андин бурун шаққ ул-Қамар<sup>21</sup>.

Улки муслим боғи жон шаръи анинг,  
Боғу бўстон олами фаръи анинг.

Ҳомили диндор учун маҳмул эрур,  
Қобили фармон учун мақбул эрур.

Қолмади ҳеч рози сиррию ниҳон,  
Жумлани келтурди андин бегумон.

Баҳри халқу илму ҳилму ҳам карам,  
Етмади ҳеч жониға андин алам.

Зоҳрию ботини анвор анинг,  
Кўнглида бордур тамом асрор анинг.

Етмади васфиға ҳаргиз ақлимиз,  
Тиғи ҳилми тиғи оҳанмуки тиз.

Маъдани жуду сахо, сидқу сафо,  
Кимдурур бул, ул Муҳаммад Мустафо.

Қоба қавсайнки, анинг меърожидур,  
Анбиёву авлиёлар тожидур.

Улки етти чашми сарнинг мардуми,  
Етти ул ерға Буроқини суми.

Олами васлию ўт ҳар жисми хас,  
Раҳ неҳоёту дур, эй ақли пас(т).

Басдурур бу мажлис ичра бўлса кас,  
Ўртанур мундин бери парри магас.

Эй Харобот, айлагил шаръини хўй,  
Ул санга бўлғай сипар ҳам обрўй.

### АЛҚОБИ ЧАҲОРЁРИ ИЗОМ РАЗИЯЛЛОҲУ АНҲУМ

Чаҳорёрики, ул ёри Набийдур,  
Абу Бакру Умар, Усмон, Алийдур.

Эрур ҳар қайсисиким, маъдани дин,  
Бу тўртти тўрт томи хонаи дин.

Бу сўзни ул дедиким, шоҳи дин,  
Ул уйға кирса ҳар ким ғамдин эмин.

Ваё бу тўртти монанди аносир,  
Дину Ислом низомидур то Сур.

Аносирдурки, то жисму жон қиёми,  
Бу тўртгидурки, иймоннинг низоми.

Аносирдин бириси бўлса нуқсон,  
Халок ўлғай бу соат бирла ҳар жон.

Бу тўрттин бирга мункир бўлса инсон,  
Бўлур анинг тамоми дини вайрон.

Бу тўртидин Худо доим ризодур,  
Булардин нафси шайтонлар жудодур.

Булар шаб-рўз Худонинг ёди бирла,  
Ул уйдин анда боргон шод бирла.

Булар васл шароби айлагон нўш,  
Тамом ағёрлардин бўлди рўпўш.

Бу тўрт ёри эрурким, бўлгил огоҳ,  
Сироту Кавсару Мезон ҳисобгоҳ.

Бу тўрт йўл ичраким собит қаламдур,  
Анга дўзах азобидин ғамдур.

Бу тўртти роҳдону роҳбардур,  
Жамиғи роҳзандин бохабардур.

Бу йўлдин ташқари қўйгон қадамни,  
Кўрар жафру жафо, меҳнат, ситамни.

Саҳобалар ҳазорон босабодур,  
Хусус бу тўрт ёри Мустафодур.

Худовандо, буларнинг ҳурматидин,  
Хароботийни қилгил раҳматидин.

Худоё, кўб қилибман фисқу исён,  
Манга қилдурдилар бу нафси шайтон.

Ўшал кунким, адамдин ушбу саҳро,  
Келибман нафси шайтон бирла ҳамро(ҳ).

Ҳануз қирқлук эрдим ширхора,  
Қилиб шағни кўнгилни пора-пора.

Олиб ман зарра-зарра кунда лаззат,  
Қилибман тўда-тўда журму ғафлат.

Ким ман танҳову нафсим сад ҳазорон,  
Манга шаб-рўз олиб нафси шайтон.

Худовандо, манга сан бўлмасанг ёр,  
Уларнинг юз туман минг лашкари бор.

Эрур кўнглим буларға ҳоли мавжуд,  
Қилур ҳар шаб булар юз минг таваллуд.

Булар сардорларининг исми Ханнос,  
Буларнинг расми қилмоқ киш(и)ни васвос.

Бу тан мулкида нафсим подшоҳдур,  
Райият чашму ғушу дасту подур.

Яна бу ҳафт аъзо ҳафт иқлим,  
Қилурлар хизматини бўлса ҳар ким.

Эрур бу шаҳарнинг дарвозаси ҳафт,  
Қилибдур нафс бу дарвозани забт.

Бу мулк ичра кўнгилдур шаҳри бузурк,  
Агар бўлсун зану мард, олиму турк.

Қулоғинг ичида тут бу сўзни, эй ёр,  
Бу шаҳарники, ҳафт дарвозаси бор.

Ўшал биний, қулоқ, чашму забондур,  
Яна даст бирла по, фаржи ниҳондур.

Бу ҳафт дарвозани ҳар гардани ғафс,  
Чиқарарлар ҳам кирарлар лашкари нафс.

Ҳисобсиз кўчаси бор бу шаҳарнинг,  
Шабу рўз сони йўқтур шўру шарнинг.

Эрур кенгроқ бу шаҳр икки жаҳондин,  
Тамоми анда бор яхши-ёмондин.

Дариғо, во надомат ҳасрату вой,  
Кўнгилда нафс бермас яхшиға жой.

Тамоми қилу қолу зикру фикри,  
Ки феълу жавру зулму фикру макри.

Агар ҳар ерда бўлса ушбу инсон,  
Қилур ҳар вақтида ул кешни ҳайрон.

Ани асбоб топиб қатл айла, эй жон,  
Ибодат ҳамчу ғалла, нафс сичқон.

Ул уйда донаи бўлса ниҳони,  
Тамом олғай тушуб бир-биридин они.

Ўшал дардики, ул кун ичра қочқон,  
Келиб мунда хатолар бобин очқон.

Агар бўлса ниҳон ё ошкори,  
Ани олмоқға йўқ онинг қарори.



Агар ўлтурса ҳар ким бирни як бор,  
Турар юз минг ўшал дам ичра тайёр.

Ҳазорон чиқса, киргай сад ҳазорон,  
Эрур қумдин тўла ё мисли борон.

Қудуғ сўзанда қозғон қанча мушкул,  
Ани дилдин чиқармоқ онча мушкул.

Ётар нафс гоҳ ухлаб, қотқон итдек,  
Ўшал монанди ўғри тутқон итдек.

Булур гоҳ муру шеру пашшаву фил,  
Бўлур соат-басоат ичра табдил.

Бўлур гоҳи хабису гоҳи тарсо,  
Гаҳи габру гаҳи гунг, гоҳи хунсо.

Бўлур ул гоҳи мўъмин, гоҳи кофир,  
Бўлур ул гоҳи пинҳон, гоҳи зоҳир.

Бўлур гоҳ мард, гаҳ зан сувратида,  
Бўлур пиру жувоннинг сийратида.

Бу олам ҳарна хотун бирла эрда,  
Савоблар қайда бўлса ул шу ерда.

Ҳаёву шарму инсоф қочти мандин,  
Хатову фисқу исён кечти мандин.

Неча ман айласам қўб фисқу исён,  
Эрур фазлу иноётинг ду чандон.

Юрур ул масжиду майхоналарда,  
Яна ул Каъбаву будхоналарда.

Киши ҳар ерда бўлса анда ул бор,  
Бу танда токи жон бор чунки мурдор.

Башарға барча мушкулдин бу мушкул,  
Халос ўлмак анингдек кори мушкул.

Ҳама жон неки бор гўшту пўст ичра,  
Ва лекин йўқ Худони дўсти ичра.

Қўзунг йўқ бу жаҳон юргунг йўлунгни,  
Топиб кўзликни тобшургил қўлунгни.

Хусус одамда бўлса қанча рағ, пай,  
Қилур кўзни очиб қилгунча йўл тай.

Тамоми рӯзу шаб, соат-басоат,  
Эрур бу дӯзд Шайтон дӯзди тоат.

Агар бўлса ўшал нақдина қайда,  
Бўлур ўғри анинг қасдида анда.

Қилур ё мард ё зан бўлса афсун,  
Агарчанди киши аллома бўлсун.

Тамоми одаму жинну малакда,  
Йўқ анда сўзни билмак ё демакда.

Чарорки, эрди анда ул муаллим,  
Берур эрди малоикларга таълим.

Бўлур ул гоҳи даллол, гоҳи воъиз,  
Бўлур гоҳи муғанний, гоҳи ҳофиз.

Бўлур ул гоҳи раҳзан, гоҳи суҳҳор,  
Бўлур ул гоҳи дӯзду, гоҳи маккор.

Бошида гоҳи сарпеч, гоҳи дастор,  
Қўлида тасбиҳу бўйнида зуннор.

Бўлур гоҳ ул сияҳ, сурху сафид, зард,  
Бўлур ул гоҳ духтар, гоҳи ул мард.

Турар ҳар кўчаи ё бўлса ҳар дар,  
Бўлур гоҳи шаҳу, гоҳи қаландар.

Тамом айёрлигда беназир ул,  
Ҳама одамға бир нав кўргузур йўл.

Ҳама илми ани илми мажозий,  
Мажозий илм бирла лаҳву бозий.

11-6

Бу олим нафси Шайтон бешасидур,  
Мажозий илм уларни пешасидур.

Тамом зоҳир улумдин баҳравардур,  
Ҳақиқатдин ва лекин беҳабардур.

Бу олимдур анингки домгоҳи,  
Анга бор ҳар тараф эрмакға роҳи.

Анга йўл берди ҳақ ердин самоға,  
Ки Аршкин, балки ул Таҳт ас-сароға.

Юрур ҳарким исён хамрин ич деб,  
Ўзиди қайда ахмақ бўлса ич деб.

Бу олим бўлса ҳарна пухтаву хом,  
Тамомидур анингга донаву дом.

Бу сўзлар зикр бўлди илгарирак,  
Қачон домға илинғай мурғи зийрак.

Анингки, душманидур одамизот,  
Анга тобе турур деуу паризот.

Анга лашкар эрур жину шаётин,  
Тамоми ҳар сипоҳий ҳам салотин.

Қилур баъзини тобе безару зўр,  
Қилур баъзини тобе бозару зўр.

Агар ҳар кимға ул юзланса ногоҳ,  
Қилур ҳар нав бирла они гумроҳ.

Худоё, ёр ўлубсан бермасанг йўл,  
Агар қутб бўлсун озғурур ул.

Хароботийда то бор жони бу тан,  
Паноҳ бер нафс Шайтондин Худованд.

\* \* \*

Беш намоз фарз ўлди тун-кун доимо,  
Оқибат ул кишигадур раҳнамо.

Тарк қилса ким бу оламда намоз,  
Ҳақ анга маҳшарда бўлмас корсоз.

Эй қуёш, сидқ ила тоат айлагил,  
Беш намоз шабу рўз одат айлагил.

Фарқи кофир бирла мўъминдур намоз,  
Ул кишиким айтса то Аллоҳға роз.

Қил намознинг ичра тош кўнглунгни су(в),  
Шояд ул бўлғайки ул мақбули ҳу.

Ошиқон доим намозда рўзу шаб,  
Қавлу феълу ҳоли у айни адаб.

Васфи ошиқлар ҳама васфи Худо,  
Йўқтур анда нафс шайтону ҳаво.

Омлар туну кун беш вақт намоз,  
Хослар шаб-рўз қилур ҳар вақт намоз.

Йўқтур ҳар доимға омий тоқати,  
Олғоч ул ушбу жаҳондин лаззати.

Гар бу йўл аилай десанг мақбули роз,  
Қил намоз чандон, аммо қилма ноз.

Нозу истиғно давом андин санга,  
Ожизу бечоралиғ сандин анга.

Рўзу шаб, шому сабо ҳеч соати,  
Йўқ турур ҳеч бандасиға ҳожати.

Сан эурсан неку бадни қилгучи,  
Ул ҳар иккининг жазосин бергучи.

Ҳашр майдонида кўб сафлар тутар,  
Аввало ҳар ким намозидин сўрар.

Ҳақ дегай, эй абд, на келтурдинг манга,  
Неча йиллар муҳлати бердим санга.

Молу мулку жон қаён сарф айладинг,  
Рўзу шаб сан кимга хизмат айладинг.

Бийнию чашму забон бердим санга,  
Дасту по, гўшу даҳон бердим санга.

Молу мулку жомаву фарзанду зан,  
Неъмату ҳам ишрату роҳат, ватан.

Ихтиёр эрмакға бердим ўнгу сўл,  
Қилғали ихрож бердим икки йўл.

Ҳар бири бу неъматидур бебаҳо,  
Йўқ бу неъмат таҳтдин то мунтаҳо.

Хазналар зар берса тобмас ҳечким,  
Хазналар зар берса сотмас ҳечким.

Қилмағон ман ҳеч исён қолмади,  
Қилмағон сан ҳеч эҳсён қолмади.

Ишларинг бошдин аёғ ужбу риё,  
Қилмадинг мандин даме шарму ҳаё.

Яхши суврат бердим бут, қўл, қулоқ,  
Бермадим шохию ё дум ё туёқ.

Истасанг кўнглинг аро рўшнойдур,  
Мосиваллоҳни кўнгилдин айла дур.

Рўзу шаб ман парвариш қилдим сани,  
Бир кун ўлгундурки, хушнуд эт мани.

Гар мани таҳқиқ подшоҳим десанг,  
Тухфалар келтур бу даргоҳимга сан.

Кўб сани парварда неъмат айладим,  
Рўзу шаб сан кимга хизмат айладинг.

Ман санга бердим тўла сармоялар,  
Судини кўргуз бугун, эй хийралар.

Қилмагин умрингни зое, эй ўғул,  
Рўзи шаб бир тухфани фикрида бўл.

Ўтти умринг қайсилар фикридасан,  
Ҳар даме бўлғил буни фикридасан.

Бўлмаса ҳар ким намозда боҳузур,  
Кўрмагай ул рўйи жаннат бирла ҳур.

Эй ўғул, бўлсанг агар ибн ул-башар,  
Қилмагил умрингда ҳаргиз шўру шар.

Ол қулоғинг ичра Одам қиссасин,  
Ёд қил қилгон гунаҳ андешасин.

Ҳар замон ёдингда тут, эй хосу омм,  
Бир гунаҳга йиғла уч юз йил мудом.

Одам эрсанг бандаи Аллоҳ бўл,  
Бўлмагил зинҳор нафс Шайтонга қўл.

Рўзу шаб қилғил Худо фармонини,  
Қилмагил бу нафси сағ сағбонини.

12-6

Барчаларга ул Худойи ло йамут<sup>22</sup>,  
Еткурур ҳар жойда вақтида қут.

Сан олиб ҳақни тамом эҳсонини,  
Қилма ҳаргиз ғайрининг фармонини.

Эй ўғул, бу уйқудин бедор бўл,  
Одам юрсанг толиби дийдор бўл.

Токи сан банди ҳавову ҳам ҳавас,  
Урма дам ман банди ҳақ деб ҳар нафас.

Беғувоҳ даъво ҳама ялгон эрур,  
Охири шармандадур, расво эрур.

Хоҳ рости хоҳ тухмат бўлсаму,  
Хоҳ мажози хоҳ ҳақиқат бўлсаму.

Эй ўғул, дўст тутма бу дунёни дун,  
Ким ани дарбандида бўлмиш жунун.

Тутма дўст кўнглунгда бу дунё дани,  
Олмағил қўйунунга бу кўр морни.

Жон чекиб ўтди жаҳондин барча кас,  
Ҳеч кимларга вафо қилгон эмас.

Мисли каждум, мор бир вақт ниш урар,  
Ё баҳору куз, тамуз ё қиш урар.

Ҳеч димоғ андин биридин чоғ эмас,  
Лоладек диллар ҳама бевоғ эмас.

Доғларким, доғла ҳасрат доғидур,  
Барчаси фуқрат надомат доғидур.

Лолалар бўлғоч ҳама саҳронишин,  
Бўлмағой гуллар била ул ҳамнишин.

Эй ўғул, бу сўзни яхши англағил,  
Хосларнинг базмидин дам урмағил.

Хослар манзури ҳаргиз саҳл эмас,  
Файзи Аҳмад лойиқи Бу Жаҳл эмас.

Бўлмаса бу хос суҳбатдин йироқ,  
Ул киши бу доғи ҳасратдин йироқ.

Туну куну субҳу шому қишу ёз,  
Пок қил кўнглингни андин қил намоз.

Доғким, ул бевафолар доғидур,  
Қилгон ул жавру жафолар доғидур.

Хоби ғафлат айшу ишратдур ҳама,  
Доғи ҳасрат доғи лаънатдур ҳама.

Бўлсалар ҳар кимки ғафлатдин йироқ,  
Ул киши таҳқиқ ҳасратдин йироқ.

Ул Худо ҳам ошкоро ҳам ниҳон,  
Ноиби ҳақдур ҳама пайғамбарон.

Муҳаммад фаҳри жумла анбиёдур,  
Тамоми инсу жинға раҳнамодур.

Эрур ашраф ҳама пайғамбаридин,  
Ҳама жинну башарға раҳбари дин.

Ҳама ақсоми раҳмат инсу жинға,  
Ҳам ул деҳқони неъмат мулку динға.

Йўқ баробар зоти халқ ул зотнинг,  
Афзалидур жумла мавжудотнинг.

Ҳам ул хованди мифтоҳи хазойин,  
Қилиб зоҳир тариқи бирла ойин.

Этиб зоҳир бириға наҳйи мункар,  
Қилиб зулматни куфридин мунаввар.

Эй ўғул, дин фарқини айла баён,  
Юз туман мингдин бири айла баён.

Ўзгалар ситорадур, бу моҳдур,  
Ўзгалар райийадур, бу шоҳдур.

Моҳиким, тобон ҳамеша субҳу шом,  
Шоҳким, шоҳони ҳафт иқлим тамом.

Ҳожатиким, истаса туну кун давом,  
Ул қилур ҳожат раво ҳар хосу омм.

Барчалар андин ҳама ҳожат қилур,  
В-арна Шайтондин не ғорат қилур.

Амрида бўл устивору бо адад,  
Қил талаб андин мададни рўзу шаб.

Шаръидин иймони они нур бўлур,  
В-арна бўлсун ул фаришта деб бўлур.

Эй Хароботий, ани амрида бўл,  
Ғар талаб қилсанг лиқо шаръида бўл.

\* \* \*

Худовандо, йўлимни қил кушода,  
Юруб маркаб савора ҳам пиёда.

Қилибдурман гуноҳимни офирдин,  
Улогим ҳам яғиру ҳам оруғдин.

Гуноҳимдин мани тез айлагил пок,  
Қўяй бу йўл қадамлар чусту чолок.

Офир юк кимни бўлса бозусида,  
Қолур ул карвоннинг орқасида.

Ҳама келди маниндин ўтти кетти,  
Сабук эклуклар ўз манзилға етти.

Мани қилди хароб ул лашкари ғам.  
Юкум вазминлиғидин бўлди тан ҳам,  
Хижолат пардасиға чулғолибман,  
Ҳам ул шаҳват ўтиға ўртанибман.  
На ишлар келди бу қотган бошимға,  
Ажаб шармандаман қилғон ишимға.  
Манга сан қилсанг раҳм, эй Биру бор,  
Эрур ҳолим Қиёмат кунда душвор.  
Ҳама қилдим гунаҳ шаб-рўз пинҳон,  
Ани маҳшарда қилма, ё Раб, аён.  
Бори пушида пинҳонни билурсан,  
Мани сан ҳарна қилсанг сан қилурсан.  
Ҳама келгон бу йўл шоҳу гадо ҳам,  
Олиб келди қошингға беш ё кам.  
Агарчи фосиқу ё солиҳ ўлсун,  
Агарчи лойиқу нолайиқ ўлсун.  
Бу йўлда барги сабзи бирла ҳар ноз,  
Олиб олдингга борди омию хос.  
Аё, эй бениёзу эй Биру бор,  
Санга бу жумла банданг ҳожати бор.  
Ғанийсан сан ададдин хазнанг ортуқ,  
Ки сан махлуқингға ҳеч хожатинг йўқ.  
Каримсан, элға эшигинг очуқдур,  
Борға хайру эҳсонинг сочуқдур.  
Санинг эшингга оқилу мажнун,  
Қилурсан ул кишини борса мамнун.  
Агарчи габру кофир бўлса тарсо,  
Қуруқ ёнғон эмас эшигингға борсо.  
Агар борса биру ё сад ҳазорон,  
Қилурсан ҳар бириға лутфу эҳсон.  
Парастиниш айлаганлар бутни юз йил,  
Борубон эшигингға бўлди мақбул.  
Малакдек қилса тоат юз йил инсон,  
Агар рад айласа монанди Шайтон.

13-6



Тамом амрингни қилса нарру мода,  
Қачон бўлғой анинг бирла зиёда.

Қилурсан кимга амринг қилса хушнуд,  
Санга лекин йўқ андин заррача суд.

Бирав қилса ямон ё яхши ишни,  
Қилур ул ўзиға дўзах беҳиштни.

Амаллар муздур и жаннат, жаҳаннам,  
Берурсан баъзиға кўб, баъзиға кам.

Жазоси хайру эҳсон тобти жаннат,  
Жазоси фиску исён дўзахи сахт.

Қилур ҳарна киши қилса ўзиға,  
Ҳама қилғонни кўргузгай кўзиға.

Жазойи бад жаҳаннам ичра ул нор,  
Жазойи хайр жаннат, қасру гулзор.

Бу кунда неку бад қилғон ишингға,  
Берур ҳақ тонгла они ҳар кишиға.

Битикликдурки, ман кори фалони,  
Қилибдурким, савобу ё хатони.

Азоблар жам бўлса ўнгу сўлдин,  
Мани сан айлаган деб тутса кўлдин.

Худовандо, бугун афв эт гуноҳим,  
Билурсан сандин ўзга йўқ паноҳим.

Хароботийға, ё Раб, қил иноят,  
Ки ажзу сабру тоқат ҳам қаноат.

\* \* \*

Бордур бу олам тўло суврат тўло,  
Аршдин бу фаршдин то Таҳта ас-саро.

Беҳтарин суврат бу инсон эрур,  
Душман бу нафс ила Шайтон эрур.

Нафс ила Шайтон ҳар сувратда бор,  
Лекин ул нафси азим инсонда бор.

Қилма бу иккиға ҳаргиз фохират,  
Душмани дунё эрур ҳам охират.

Сирри ҳақ ҳар сарки бор сирридадур,  
Нафс ҳам Шайтон ани фикридадур.

Бордурур ҳар марду занни шайтони,  
Ўхшагай ул кишига афъол дани(й).

Ҳеч кимлар айлаёлмас они рад,  
Зоҳиру ботин булар даллоли бад.

Исми машҳуру анинг Ханносдур,  
Қасби онинг рӯзу шаб васвосдур.

Одамийни ҳар замон васвос этар,  
Маъсият кӯб қилдуруб наснос этар.

Амри ҳақ Халлоқи оламдин эрур,  
Нафс Шайтон жину одамдин эрур.

Ҳар замонким, дев санга оғзин очар,  
Ўқусанг “ло ҳавла”<sup>23</sup>ни андин қочар.

Қил ҳазар бу одами шайтонидин,  
Ўқусанг “ло ҳавла”ни келмас яқин.

Кӯб ҳақорат айласанг ор айламас,  
“Аъувзу”, “ло ҳавла”лар кор айламас.

Баҳрае йўқтур анинг айтғонидин,  
Манфаат йўқтур ани иймонидин.

Бор бу Шайтон нафсда мода, нари,  
Ўқусанг “ло ҳавла”ни келгай бири.

Илкида тасбеҳ ила Фурқони бор,  
Остида шамшир ила буррони бор.

Ким булар бирлаки, андак ўлтурур,  
Ушбулар охир бу киш(и)ни ўлтурур.

Ушбу бу сувратлар ажойиб пурхатар,  
Дину мазҳаб, миллату иймон кетар.

Бўлса ҳар одамни сан одам дема,  
Ҳар кишини Шиблюю Адҳам дема.

Токи бўлмассан бу сувратдин йироқ,  
Қилмагунгдур кеча юз минг тумтароқ.

Эй Хароботий, бу сўзни англағил,  
Қилма ҳар сувратға ҳаргиз банди дил.

\* \* \*

Мустафо ул бодани нўш айлағон,  
Барча оламини фаромуш айлағон.

Олами васлиға парвоз айлағон,  
Най анинг розидин оғоз айлағон.

Ўзгалар бир қатра майни тўлдуриб,  
Нўш қилғоч розини айди қариб.

Хатм қилғоч сир ила Аллоҳни,  
Кўрди Меърожида важҳуллоҳни.

Ҳақ анга ҳарна иноят айлади,  
Андин ул халқни далолат айлади.

Рухким, бўлса азалда бохабар,  
Томизур паймонасиға онқадар.

Эй ўғул, жон бирла кўнглунг ичра ол,  
Қол жомидур анингда май чу ҳол.

Наҳйидин парҳез амри тез қил,  
Сидқу сўзу дарди ишқ омиз қил.

14-6

То бўлур андин муяссар жоми май,  
Ҳам рубобу чангу қонун бирла най.

Қилсанг амр васфи зотиға хилоф,  
Урма дам ман уммати деб лофу лоф.

Маъниға ҳожат эмастур гўши сар,  
Гўши сарни бергил, ол гўши дигар.

Гўш агар бемаънидур, эй гўши кар,  
Яхшироқдур гўши кардин гўши хар.

Бода пинҳону пиёла ошкор,  
Барча жон то сури Исрофил кўрар.

Бул Хароботий азалдин майпараст,  
Ёдида ул бодани шаб-рўз маст.

\* \* \*

Подшоҳо, ишқ бер, ошиқ бўлай,  
Ҳам сафову сидқ бер, содиқ бўлай.

Бер сафо шамъини ман жон куйдирар,  
Жургулуб парвоналардек ўлгилай.

Қатраи ишқ баҳридин берсанг манга,  
Юз туман жоним фидо айлай санга.

Бир яна сандек нигорим қайда бор,  
Дўзаху жаннат қарорим қайда бор.

Ёғса ҳар тири бало ҳар баҳру бар,  
Ман қилай ул тирға жоним сипар.

Этсангиз гар тири меҳринг, қош эрур,  
Етган ҳар пайкон манга йўлдош эрур.

Подшоҳо, табъ бар тобеъ бўлай,  
Қатра бер ул бодадин қонеъ бўлай.

Ташнаман бир жон бергил, нўш этай,  
Ушбу хаста баста дилни жўш этай.

Мақсадим ул бодани нўш айламак,  
Сандин ўзгани фаромуш айламак.

Қатрасига гарчи минг жон арзимас,  
Бўлса шундоғ сан мани ҳам айла маст.

Соқиё, май берки ман дил пок этай,  
Пардаи пиндорни ман чок этай.

Кимки, йиртмас пардаи пиндорни,  
Ул кўролмас ёрини дийдорини.

Бўлмас ошиқ маст маъшуқ бобидин,  
Дафъ бўлғай парда ул вақт орадин.

Маст бўлса қолмағай шарму ҳаё,  
Шул замони бўлғой ул васли лиқо.

Кимки зоҳид бўлса ул майдин қочар,  
Ҳам рубобу чангу ҳам майдин қочар.

Рўзу шаб айлаб чунон андешаси,  
Бодаи ишқдин анинг йўқ нашъаси.

Зоҳиди зоҳирпарастлар дўзди дин,  
Ҳар хаёлу фикри тоат музди дин.

Рўзу шаб айлаб таъма тоқат қилур,  
Фикру боғу ҳур ҳар соат қилур.

Қилса тоат ҳар киши жаннат учун,  
Иззату ҳам роҳату ишрат учун.

Ул киши эрмас Худони бандаси,  
Ул киши банди ҳавони бандаси.

Дини анингки, диёнатдин эмас,  
Тоати ҳақнинг муҳаббатдин эмас.

Нафс ила Шайтон бу йўлда ширк эрур,  
Тобеъи нафсу ҳаво мушрик эрур.

Орзуйи нафсдур лаззат талаб,  
Ул кўролмас ҳеч вақт дийдори Раб.

Кимки бу олам ҳавопарвар эрур,  
Дарҳақиқат ул киши кофар эрур.

Англагил недур муҳаббат маъниси,  
Икки олам йўқ Худодин ўзгаси.

Бўлса ҳарна суврати икки жаҳон,  
Тутма дўст, бул бутпарастлиғдин ямон.

Бўлса бу олам муҳаббатсиз киши,  
Тобмағай қилган ҳама равнақ иши.

Ишқсиз кишидин бутлар яхшироқ,  
Нашъасиздин чорполар яхшироқ.

Гар малакдек тоати бўлса ани,  
Фарқ йўқтур дев билан ҳаргиз ани.

Йўқтурур тоатдин ани ҳеч суд,  
Ҳечдур ул ишқсиз қилғон сужуд.

Подшоҳо, қил мани беғам бугун,  
Дарди ишқни айлагил ҳамдам бугун.

Ишқсиз бу тандаги жон жон эмас,  
Неча бу тилда деган иймон эмас.

Ишқсиз учсун агар ердин само,  
Ул магасдур зоҳири одамнамо.

Подшоҳо, сан дилимни пок қил,  
Бодаи ишқдин мани сероб қил.

Ташналикдин хотирим хуррам эмас,  
Ичмагон ул бодани маҳрам эмас.

Йўқтур одамда мандек майпараст,  
Ёдида шаб-рўз ман ҳайрону маст.

Йўқ қарорим ичмасам ҳаргиз ани,  
Қил карам ман мустаҳиқман, сан ғани(й).

15-6

Хўшкалаб ранжудурман бедимоғ,  
Бер паёпай бодаи ишқдин аёғ.

Ёр бўл, ё Рабки, ман ҳайронаға,  
Роҳ бер сан, роҳ бер, майхонаға.

Кирса бу майхонаға бедард мард,  
Бўлғай ул соатда ул мардони мард.

Неча хотунлар бўлиб майхонадор,  
Бўлғон ул андин кейин мардонавор.

Кирса ул майхонаға рубоҳ агар,  
Оқибат чиқмишда бўлғай шери нар.

Кирсалар нўш этса дев бўлғай малак,  
Шул замон парвоз этар ердин фалак.

Қилса ҳар ким бартараф нафсу ҳаво,  
Ул замон Арш узра жо бергай Худо.

Нўш қилса ҳар киши ул майки хос,  
Тобқой ул вақт нафс шайтондин халос.

Ҳарна бу иллатки, бу дил ичра бор,  
Ичса ким ҳар илллати дилдин чиқар.

Қилса нўш бемор ани сиҳҳат топар,  
Маазҳабу ҳам дину ҳам миллат топар.

Токи кибринг бор бўлмас сиҳҳати,  
Топмоғой ул дарди сўз ҳолати.

Йўқтур бу сўзда ҳеч шакку хилоф,  
Бу такаббур кўҳидур чун Кўҳи Қоф.

Бода бу кибру пиндоринг сани,  
Етти аъзам ушбу дийдоринг сани.

Кўҳ кандан саҳлу осон кордур,  
Кибр кандан кори сахту душвордур.

Бу маразға йўқ даво майдин бўлак,  
Истаса ҳар ким самакдин то фалак.

Кимки ошиқдур бу йўл жондин кечар,  
Бодаи ваҳдатни ул андин ичар.

Маст бўлғой неча кўб ичғон сари,  
Маҳв бўлғой неча маст бўлғон сари.

Маҳв бўлғойдин кейин бўлғой фано,  
Ул фано филоҳда бас кўргай лиқо.

Подшоҳо, қил манга жоме карам,  
Қолмади ҳалқим қуруб, сийнамда нам.

Хўшкалабман, ташнани сероб қил,  
Балки баҳри ишқда фарқоб қил.

Ташнаман рўзи азалдан субҳу шом,  
Сер қилмас ҳаргиз ул бир-икки жом.

Ул куни “қолу бало”<sup>24</sup>дин то бу дам,  
Жону дил муштоқи майдур дамбадам.

Маст бўлғой қолмағой шарму ҳаё,  
Ул замоне бўлғой ул васли фиқор.

Подшоҳо, ҳар гуноҳимни кечир,  
Ул шароби ишқни андин ичир.

Йўқ қўлимда туҳфаю ҳеч барги коҳ,  
Йўқту(р) ғайр аз манда кўб саҳву хато.

Шаҳру дашту баҳрнинг жўёни ман,  
Қатраи ул боданинг қурбониман.

Кимки ошиқдур бу кун қурбон бўлур,  
Тонгда маҳшар халқаро султон бўлур.

Ким ичар ул умри жовидон этиб,  
Тозаи дил жон ҳам жонон бўлур.

Ҳечдур оламда андин ўзга ҳеч,  
Икки олам ичра андин ўзга ҳеч.

Қилса тоат ишқсиз ҳар марду зан,  
Ўзиға дўзахда чоҳ қазмиш ватан.

Маҳв қилғой ушбу йўл аввал вужуд,  
Ҳечдурки, рўзу шаб қилғой сужуд.

Ҳар кишиким ишқсиз тоат қилур,  
Ул кишини оқибат офат урур.

Кимки май майдонида жавлон қилур,  
Ул қиёмат халқаро султон бўлур.

Подшоҳо, қил карам андин манга,  
В-арна йўқ лаззот бу жондин манга.

Ташнаву бесабру тоқат тоқ ман,  
Ҳар нафас ул бодаға муштоқ ман.

Қатраи берсанг муҳаббатдин манга,  
Яхшироқ минг йилға тоатдин манга.

То ани нўш айлағай бу жон эмас,  
Чорполардурким, ул инсон эмас.

Ичмаган одамдин ҳайвон яхшироқ,  
Балки мундоқ кундин ўлгон яхшироқ.

Қодиро, ман мурдаман, тиргуз мани,  
Тиргузуб, майхонаға киргуз мани.

Бу Хароботийға, эй Қаййуму ҳай,  
Қил ато соқию жоми бирла май.

Мўъмин иймонидин неъмат еса,  
Аҳли куфр иймонидин ҳасрат еса.

Эй ўғул, иймону аймонинг сани,  
Сидқ ила ихлос ахлосинг санинг.

Тобгой иймон хавфдин бўлғой омон,  
Тобмагой дўзахда қолғай жовидон.

Тобгон иймонни бу содиқлар эрур,  
Тобмагон кофир мунофиқлар эрур.

Томса ишқдин қатра иймон баҳрға,  
Гарқ бўлғай баҳрлар ул қатраға.

Эй ўғул, иймон эрур парвардагий,  
Феъли бад бирла эмас афсурдагий.

Кимки мўъмин айламас афъоли бад,  
Гарчи қилган бирла қилмас они рад.

Куфру ширку габру жаҳл, эй ҳамдиёр,  
Ҳарна бад ниятни кўнглунгдин чиқор.

Худовандо, яраттинг икки олам,  
Анинг ду сад ҳазорон олами ҳам.

Муаллақ тургузубсан тўққуз афлок,  
Боридин паст қадам остида бу хок.

Эрур оламда олам сад ҳазорон,  
Улардин бирриси бу нафс шайтон.



16-6

Эрур ҳар нафс Шайтонники зоти,  
Ва лекин қўб эрур исму сифоти.

Ўшал шайтонки, нафсдур нафс шайтон,  
Сифотидур тамоми фиқу исён.

Ани ўтдин яратти ҳақ таъоло,  
Анга йўл берди ҳар су пасту боло.

Ҳама гўшт, пўст, пайдур шак било занн,  
Эрур бу нафси шайтон бирла яктан.

Ажаб бешармию ҳам беҳаёдур,  
Ки зоҳир, ботини ужбу риёдур.

Агарчи йўқ сифотиники сони,  
Қилай мен бир нечасини баёни.

Эрур ҳар иккисининг асли оташ,  
Ки бу важҳдин ул ҳар вақт эрди саркаш.

Бири кибру бири ҳирсу бири шаҳват,  
Бири жаҳду бири зулму бири ғийбат.

Бири наҳийдур анинг, бириси инкор,  
Сеҳрдур анинг, бириси маккор.

Бири бухлдур анинг, бири ҳаводур,  
Бири анинг шароби нораводур.

Бири саҳву бириси фиқу ғафлат,  
Бири заъаму бири туғён, бири лаззат.

Бири бўғзу ҳасад бирлан адоват,  
Нифоқ бириси, даллолу залолат.

Бири лаъбий ва лаҳвий бирла бози,  
Този жоҳу бириси аспи този.

Бири пўшоки хушдур, бири хўрок,  
Бири қилмоқ парастииш табъи идрок.

Бири айшу нишоту бири ишрат,  
Бири шоду тарабдур, бири ҳасрат.

Бири инсофсизу, бири хиёнат,  
Бири улдур суханчин бодиёнат.

Бири шаҳват, бири нангу бири ном,  
Тамоидур буларнинг донаву дом.

Бири рақсу симоғу шоду хандон,  
Бири дўздлиғ, биридур сўзи ёлғон.

Бири бўлмоқ бу олам ичра мағрур,  
Бири номаҳрамега қилса манзур.

Бири фикри бажон андешалардур,  
Емак, киймак, ҳарому шубҳалардур.

Бири фитна, бириси хуни ноҳақ,  
Бири мушрик, биридур куфри мутлақ.

Бири ҳайзу лаввота, бири зоний,  
Бири ҳазлу мазоқу шошадоний.

Бири бўлмоқ ямон ишларга ҳам ёр,  
Бири ҳар дилни ноҳақ қилмоқ озор.

Биридур худписанду худпарастлик,  
Бириси гову оташпарастлик.

Бири ҳар шўру ғавғо, тўҳмату жанг,  
Биридур кулли мункир охири танг.

Бири васвоси ҳақдур, бири ғаммоз,  
Бири сурнай, бири даф, бири соз.

Бири анинг хусумат, бири бўҳтон,  
Бири қилмоқ бирининг айбин аён.

Бири кийна, бири хашму ғазабдур,  
Бири савдойи бу дунё талабдур.

Бири ким қилса кўб хандагарлиқ,  
Бири дому бири мақр ҳийлагарлиқ.

Бири дашному қаҳру ҳам қақорат,  
Бири тўндийу тези ҳам хасорат.

Бири бўлмоқлиғи бесабру тоқат,  
Бирисидур тамағгин беқаноат.

Бири нодону худбин, бири аҳмақ,  
Бири улдулки қилса ҳақни ноҳақ.

Бири одамни тасхир айламаклик,  
Бири тақдирга тадбил айламаклик.

Бири кўб ухламоқу кўб емакдур,  
Бири кўб кулмаку кўб сўзламакдур.

Бири кўрмак биравдин наф-зарарни,  
Бири кўрса биравдин хайру шарни.

Бири беадилу беинсофсиздур,  
Бириси қоф-қофи лофликдур.

Бири очмоқ биравнинг ҳаққиға кўз,  
Бири қилмоқ кишини айбини сўз.

Бири тоат риёи ошкоро,  
Бири ўздин дам урмоқ жойи норо.

Хароботийға, ё Қуддуси Раҳмон,  
Ато қил нафси шайтониға иймон.

\* \* \*

Худовандо, мани йўқдин яраттинг,  
Яратиб бу биёбон ташлаб оттинг.

На нахли бир биёбон, на минора,  
На ҳадди бор мунингда, на канора.

На қоқи бор, на куҳи бу биёбон,  
Эрур монанди гоҳи бу намоён.

На манзил бор, манозил, на мақоми,  
На бор шаҳру вилоят ё на коми.

На раҳбару на роҳ бу дашту зулмат,  
Эрур афзуни ҳасрат узра ҳасрат.

На бордур обу хобу сабру ором,  
На хотир жамъидур, на иш саранжом.

Юруга гоҳи йўлни ҳар ён баҳру бар,  
Эрур маркаб яғиру лангу лоғар.

Эмас бу ўзга йўлдек роҳи кутох,  
На бордур маркабим ё тушаи роҳ.

На маълумдур бу дашт ичра тариқим,  
На бордур бу биёбонда рафиқим.

Худоё, барчаға сан Худованд,  
Санингдек икки олам йўқ Худованд.

Эрурсан раҳнамову ҳам нигаҳбон,  
Санга ҳар на борини ҳоли аён.

Бу йўлга гарчи ман лойиқ эмасман,  
Бу торик дил билан содиқ эмасман.

Ажаб йўқ фурқатингдин, эй Биру бор,  
Қилурсан хорни гул, гулни ё хор.

Агарчи бум бўлсам айла булбул,  
Агарчи хор бўлсам айлагил гул.

Худовандо, Хароботийга раҳм эт,  
Ёғут кўнглига сан шамъи муҳаббат.

\* \* \*

17-6

Эшитинглар бу сўзни аййўҳаннос,  
Тамоми марду зан, эй омию хос.

Ҳама нафсе бу олам ичра то Сур,  
Мураккабдур тамомига аносир.

Агарчи бўлса жин ё деуу паризод,  
Мизожу табъ мисли одамизод.

Мизожи нафси шайтоннингки доим,  
Эрур зоти аносир бирла қойим.

Қилай ҳақ бори берса бир-бирин ёд,  
Аносир хоку обу оташу бод.

Бу тўртта жони бу оламда пайдо,  
Бўлар ҳар қайсисидин тўрт нимарса.

Неча кун қойиме ҳар жисм ила жон,  
Эрур савдову сафро, балғаму қон.

Қилурлар нафсу танни парваришлар,  
Шабу рўзу маҳу сол, ёзу қишлар.

Мирож, яъни гаҳи гарму сарду тар, хўшк,  
Агар бўлсун башар, жин, мору гўнжишк.

Агар хун бўлса голиб модаву нар,  
Ҳама шабу рўз шаҳватни парастлар.

Бўлур умригаву ақлига нуқсон,  
Қолур зулматда ўчуб шамъи иймон.

Қилолмас ҳақни ё ноҳақни тамйиз,  
Қилур баҳри хатолар кўнглига риз.

Агар олда голиб бўлса сафро,  
Бўлур кибру хиёнат, хашм пайдо.

Кетар тўртинчию андин хиёнат,  
Тополмас ҳаргиз иймондин ҳаловат.

Зиёда кимда бўлса балғам андак,  
 Тутар ҳар кимни кўрса телба итдак.  
 Қилур тун кун талаб мурдорларни,  
 Ер ул макруҳ, ҳарому шубҳаларни.  
 Агар ҳар кимда ғолиб бўлса савдо,  
 Бўлур анга зи ширку жаҳл пайдо.  
 Бўлур бухлу ҳарис андин зиёда,  
 Қолур икки жаҳон ҳайрон арода.  
 Агар ҳар кимда афзун бўлса савдо,  
 Бўлур ғарқоб ул монанди савдо.  
 Ҳавову тунду васвосу хаёлот,  
 Дину миллатдин ул тобмас камолот.  
 Гараз бу тўрт сифат тўрт садди маҳкам,  
 Эрур маҳкам Сулаймон шиддатин ҳам.  
 Эрур ҳар кимки бу тўрт пардан роҳ,  
 Қилур бу феъллар ҳар кимни гумроҳ.  
 Бировда бўлса доим ушбу одат,  
 Касофатдур, касофатдур, касофат.  
 Киши тарк этса одат ҳавойи,  
 Анга раҳмат қилур андин Худойи.  
 Бу сўзлар ҳам рафиқу ҳам тарикдур,  
 Аносир жумла қуттоъ ут-тарикдур.  
 Етурмас кишини раҳзан манзилиға,  
 Икки олам муроду мақсадиға.  
 Ямон одат ҳама раҳзан бу йўлда,  
 Ётур ханжар тутуб ул ўнгу сўлда.  
 Ямон феълинг бу йўл ғули биёбон,  
 Қилур ҳар кимни бу йўл ичра ҳайрон.  
 Бани Одам бу йўл бечорадурлар,  
 Ўшал раҳзан бу йўл хунхорадурлар.  
 Улар қасди бирав нақдинасида,  
 Агар ул тишада 'ё сийнасида.  
 Ўшал нақдина зоҳир лаълу маржон,  
 Ўшал нақдина ботиндин иймон.

Гунаҳ дунё эрур, гўр охират ул,  
Азобу ҳам оламдур оқибат ул.

Ҳама феълики, меҳнат роҳат ичра,  
Эрур ҳамроҳи дўзах, жаннат ичра.

Ҳама феъли рафиқи жовидондур,  
Ямон занбурию мору чаёндуру.

Худовандо, гунаҳлиғ бандадурман,  
Етургон бу биёбон ичра йўлман.

Хато бисёр қилгон бандадурман,  
Гуноҳимдан тўла шармандадурман.

Менингдек йўқ гунаҳлиқ одамизод,  
Агар бўлсун жину деву паризод.

Бу ғамлар бирла андоғ қотти бошим,  
На қўрқуб қатра кўздин тўкти ёшим.

Бу дашт ичра қолибман ташна ҳайрон,  
Тамоми рўзу шаб ҳолим паришон.

Ки мандек йўқ яна ошифта аҳвол,  
На яхши зикру фикру қол ё ҳол.

Ҳама феълим манингки ҳийлаву дом,  
Бири нафъ этмади тун-кун, сабо-шом.

Манга қилдурди ҳар на ақли кутоҳ,  
Манга ҳар бири бўлди пардаи роҳ.

Бурун қилдим тамоми фисқу исён,  
Бу дамда ман пушаймон дар пушаймон.

Ҳама кечгон манингки феълу ҳолим,  
Агар бўлсун савобу ё вуболим.

Худовандо, санга бу барча аён,  
Вале маҳшарда халқдин айла пинҳон.

Бу ваҳмидин Хароботий харобдур,  
Юраклар бу жигар қон, дил кабобдур.

## БАЁНИ РЎЗАИ МОҲИ ШАРИФИ РАМАЗОН

18-6

Рўзани ҳар кимга қилди фарз ҳақ,  
Ҳар кишига қарздур бу фарзи ҳақ.

Рўза икки қисмдур, эй хосу омм,  
Рўза бир ой субҳдин то вақти шом.

Рўзаи зоҳир ҳама бошдин аёғ,  
Орзуйи нафсдин бўлмоқ йироқ.

Дур бўлмоғлиғ емак-ичмоқдин ҳам,  
То маюсу бўй ҳам, қучмоқдин ҳам.

Эмди айлай рўзаи ботин аён,  
Тутгайсан ёдингда, эй пиру жувон.

Рўзаи ботин эрур парҳези дил,  
Жаҳд эт бу рўзани сан тез қил.

Бу ҳамиша Тангридин хавфу Ражо,  
Бермагил ағёрға кўнглунгда жо.

Бул диликим, пок манзилгоҳи ҳақ,  
Берди бу пандини устодим сабақ.

Пок қилғил устихон ҳам шубҳадин,  
Соф қил дилни ямон андешадин.

Қолмасун кўнглунгда нафс шайтоният,  
Ҳосил эт андин кейин руҳоният.

Эй ўғул, бу уйқудин кўзингни оч,  
Ётмас кўб монанди бир эски саноч.

Мунтазирким, дойим ул даргоҳға,  
Оқибат бўлғой мулоқот шоҳға.

Қил шикамни холийу таомга тур,  
Ишкам кўнглунгни қил, раҳматга юр,

Бор бу оламда тўла ишкам қули,  
Рўзу шаб бу нафсға маҳрам қўли.

Гарчи иймон этсун ул лайлу наҳор,  
Йўқ анинг иймонида ҳеч эътибор.

Сабрсизларнингки ҳеч иймони йўқ,  
Бўлсаму ул абрким борони йўқ.

Айтур ул ялғонни маннони қули,  
Туну кун, шому сабо нонни қули.

Қолсалар андак гўрисна соати,  
Кетгай андин маъжабу дин миллати.  
Пешу пас, ўнг-сўл югургай ҳар тараф,  
Ул замон иймони бўлгай бартараф.  
Бермагай нафси анга ҳаргиз амон,  
Зикрию фикри ани шаб-рўз занон.  
Нафс ҳам Шайтон анга ҳамроҳ бўлур,  
Ҳеч шак йўқтурки, ул гумроҳ бўлур.  
Қилмаса ҳар ким қаноат бирла сабр,  
Нафс ила Шайтон қилур ул киш(и)ни кар.  
Эй биродар, сабр қилгил зинҳор,  
Рўзаи ботинда бўлгил устувор.  
Нафс маллоҳу танинг заврақ эрур,  
Сабрда саг сандин ортуқрак эрур.  
Рўзаи зоҳирдин ғараз ботин рўза,  
Бўлмаса ҳар кимда ул мисли кўза.  
Рўзаи ботин надур, эй ёри дин,  
Олмасам ором нафс ағёрдин.  
Эй ўғул, тур Тангрининг тоатиға,  
Қисматинг мавқуф бир соатиға.  
Сабр ила ризқингға бевасвос бўл,  
Ногаҳ андин сан бу йўлда хос бўл.  
Ул кишидур гов ё монанди хар,  
Ким, баройи ризқ учундур дарбадар.  
“Наҳну қасамно”<sup>25</sup> да бўлгай қисмати,  
Қолмай ул олдингға келгай неъмати.  
Эй ўғул, кўнглунгда тут бу сўзни ёд,  
Бўлмагай ул қисматинг каму зиёд.  
Ул нималарки, единг, ичтинг ҳама,  
Барчаси ул сарнавиштингдур ҳама.  
Беҳуда сан дил паришон рўзу шаб,  
Яхшироқ ул итки сандин кунжи хаб.  
Ризқ учунким, қилса васвосу хаёл,  
Оқибат иймони бўлмас баркамол.



Рўзаи ботинни қилсанг ихтиёр,  
 Ҳар дами қилғил талаб дийдори ёр.

Кимки ҳар лаззату ишратдин кечар,  
 Ул шароби ишқи ваҳдатдин ичар.

Ҳар кишиким, толиби дийдордур,  
 Икки олам лаззати ул ёрдур.

Вақти ифторида дилхуш айлағон,  
 Мосиваллоҳни фаромуш айлағон.

Рўзаи зоҳирни ифтори су(в)дур,  
 Рўзаи ботинни ифтори майдур.

Ул кишиким, Тангрини эҳсонидин,  
 Ҳурлар тутгай қадаҳ атрофидин.

Ул шароби васлни ҳар фаслда,  
 Кўрмамишким, асда ё наслда.

Ичтилар мардоналар ул жомдин,  
 Кечтилар бу мулку молу жондин.

Меҳри ғайри бирла дўстлар мужтамаъ,  
 Қилмагил дунёву жаннатдин тамаъ.

Нақадар бўлсанг бу дунёдин йироқ,  
 Бўлғил ҳам Фирдавси аълодин йироқ.

Дунё жаннатки, ғафлатхонадур,  
 Лаззату айшу фароғатхонадур.

Ҳар нимаким анда бору мунда бор,  
 Ҳар бириси пардаи дийдори ёр.

Лаззату ишратға ким машғулдур,  
 Ул киши дийдоридин маҳрумдур.

Ҳақ деди бу фирқа “шуғлин фокиҳун”,  
 Ҳам “алал ароики муттакиун”<sup>26</sup>.

Ушбу бобида Расули сармадий,  
 “Аксару аҳлил жаннати булҳун” деди.

Аҳли жаннат аҳл ила даври тамом,  
 Истама жаннатни тун-кун, субҳу шом.

Қилма жаннат орзуи бул-ҳавас,  
 Қил талаб дийдорини то бор нафас.

19-6

Ман дедим бу сўзни баҳраварлара,  
Қилди ҳақ жаннатни танпарварлара.

Орзуйи нафс эрур жаннат ҳама,  
Орзуйи нафс эрур лаънат ҳама.

Кимки бўлса тобеъи нафсу ҳаво,  
Андин эрмасдур ризо ҳаргиз Худо.

Кечмаса дунёву жаннатдин киши,  
Оғзиға тош бирла урсун сун тиши,

Бўлсун ул кишини тамаъ дандони йўқ,  
Яхшидур бўлғонидин бўлғони йўқ.

Рўза тутмоқ, эй ўғул, осон эмас,  
Тутмаган бу рўзани инсон эмас.

Рўзани бу қисм тут, ифтор қил,  
Рўзани мундоғ тутуб гуфтор қил.

Айди ул ҳақ савмини бас маъниси,  
Ман бу қисми рўзасини ужраси.

Икки олам лаззатин қилмай ҳаром,  
Даъвийи ялғон қилурсан субҳу шом.

Рўзаи ботинда бўлсанг баркамол,  
Рўзаи ботинни ифтори жамол.

Эй дило, сабру қаноат айлагил,  
Рўзаи ботинни одат айлагил.

Қатрадин бўлғоч садафнинг ҳалқи тар,  
Бўлди кўб сабру қаноатдин гуҳар.

Рўзаи зоҳир эрур мисли садаф,  
Рўзаи ботин эрур дурри нажаф.

Қил ижобат бу дуони, ё Мужиб,  
Рўзаи ботин манга қилгил насиб.

Бу Хароботийни сан, эй Биру бор,  
Ҳар на филлу ғаш кўнглидин чиқор.

\* \* \*

Дариғо, ўтти умрим ўғри йўлда,  
Қилиб лутфу карам сол тўғри йўлда.

Қуруқ даъво қилиб, деб ўзни ошиқ,  
Тилим эрмас дилим бирла мувофиқ.

Карам қилсанг сазовори карамман,  
 Ғазаб қилсанг сазовори ғазабман.  
 Куйиб кул қилмади қаҳринг саники,  
 Суйиб гул қилмади меҳринг саники.  
 Худоё, айбу нуқсон йўқту санда,  
 Ҳама нуқсон хатолар айб манда.  
 Биравни хоҳласанг раҳмат қилурсан,  
 Биравни хоҳласанг лаънат қилурсан.  
 Биравга банд қилсанг гар эшикни,  
 Очолмас ул нимарса ул эшикни.  
 Агар очсанг карам, фазл эшигин хос,  
 Ани халқи жаҳон ҳаргиз тополмас.  
 Агарчи ҳақ-ноҳақ йўлда эрсам,  
 Ва ё ман кофиру мўъмин эрсам.  
 Худоё, йўқту сандин ўзга Холиқ,  
 Санга мандин чу йўқтур ҳеч лойиқ.  
 Агар умр ўтсаму бегоналиғда,  
 Ва ё шаб-рўз деб афсоналиғда.  
 Эрур феълим тамоми бутпарастлик,  
 Эрур ҳолим тамоми худпарастлик.  
 Қабул эрмас учун ман айғон ихлос,  
 Санингки дарғаҳингда бўлмадим хос.  
 Ўтар умрум ҳама манжоналарда,  
 Туну кун ичра маст майхоналарда.  
 Ғараз сан масжиду майхоналардин,  
 Ғараз сан Каъбаву бутхоналардин.  
 Худовандо, тилимнинг қуфлини оч,  
 Муҳаббат гавҳарини анда кўб соч.  
 Қолиб ғафлатда умрим ўтти шаб-рўз,  
 Кўнгил занглиқ учун йўқ дард ҳам сўз.  
 Етиб умрум маники бирдин ўнға,  
 Қўйбурман қадам дунёи дунға.  
 Етиб умрим йигирмадин, эй ёр,  
 Ҳамиша масту беҳушдурман ҳар бор.

Етиб умрим йигирмадин бу ўттуз,  
Тилим монанди мумийдур, дилимсуз.

Сани олдингда йўқтур манда бир юз,  
Гунаҳкор мубталадурман шабу рўз.

Етиб ўттуздин умрим токидур чиҳл,  
Кўнгилдин кетмас ҳаргиз зарра жаҳл.

Тамоми феълим ўлғоч жумласи саҳл,  
Худовандо, бу йўлда бўлмадим аҳл.

Етиб ғафлатда умрум қирқдин эллик,  
Ҳануз кетмас манингда мову манлик.

Яшаб ман фисқу исён бирла эллик,  
Тақи умр ўтти тун-кун қайда эллик.

Етиб умрим мани эликдин о(л)тмиш,  
Бошим ғамлар билан тошдинму қотмиш.

Етиб ғафлатда умрим эмди етмиш,  
Тамоми дарду сўзи ишқ кетмиш.

Етиб умринг, Харобот, эмди саксон йил,  
Ҳануз ул фисқу исён бирла йўқсон.

Етиб саксондан умринг эмди тўқсон йил,  
На қилдинг роҳи ҳақда хайру эҳсон.

Етиб ишратда умринг эмди тўқсон,  
Ки ул мардоналар базмида йўқсон.

Агар чандики, бўлсам неча ҳайрон,  
Ҳама мушкил санинг олдингда осон.

Етиб умрим, дардиғо, беҳабар юз,  
Қачон бўлди мусулмон нафси деб юз.

Худоё, қўрқадурман лаънатингда,  
Умид айларман, лекин раҳматингда.

Агар чандикидурман банда фармон,  
Синуқ Саттору Ғаффор, Афувв, Раҳмон.

Агар ҳар танда бўлса ҳарна дард он,  
Қилурман барчалар дардиға дармон.

Кимим бор икки олам сандин ўзга,  
Ғамим йўқ икки олам сандин ўзга.

Агар чанди гунаҳқорман, ғамим йўқ,  
 Тамом тоатдин андак фазлинг ортуқ.  
 Киши ўзидин ўзиға қайда меҳтар,  
 Шавқдин зарра қози меҳри беҳтар.  
 Бировға қилса қози қаҳр шоҳи,  
 Бўлур шул вақт ҳеч юз минг гувоҳи.  
 Қилиб така гувоҳға қилса ким шўр,  
 Қилур қози уларни ишини дур.  
 Гувоҳға така қилма, эй биродар,  
 Бу сўзни ол қулоқға, бўлса ё кар.  
 Аё ғофил, бу панде икки даҳру,  
 Гулсан шоҳиддин ортуқ қози меҳри.  
 Худоё, сандин ўзга йўқ паноҳим,  
 На даъвом бор бу йўлда, на гувоҳим.  
 Агар сан қилмасанг афв, эй карим кор,  
 Гунаҳқорман, гунаҳқорман, гунаҳқор.  
 На бўлди кўнглум ушбу олами хуш,  
 На ман қилдим топиб ул бодани нўш.  
 Ўтар ҳасратда, умрим бесару по,  
 Ғаму дарди фироқу бими хавфо.  
 Ўшал вақтики, қилдинг сувратимни,  
 Қилибсан дарду ғамдин сийратимни.  
 Кирибдур лашкари ғам кўнглум ичра,  
 Қилур бу шаҳри дилни парча-парча.  
 Кирибдур кўнглум ичра лашкари ғам,  
 Урар бу шаҳри дилни онча барҳам.  
 Бу ғамнинг лашкариға йўқту чора  
 Қилур ҳар дилни юз минг пора-пора.  
 Юрур ғам эргашиб ҳар ерга борсам,  
 Бу ғамлар дардиға ман дилни ёрсам.  
 Худоё, барчадин дафъ айлагил ғам,  
 Мани икки жаҳондин айла беғам.  
 Ўшал ғамларки, манда сони йўқтур,  
 Бу ғамлардин танимнинг жони йўқтур.

Тиларман ҳар дами, ё Рабб, санингдин,  
Даво бор, даф бўлсун ғам манингдин.

Давойи дарду ғамдур бодаи жом,  
Ани ичсам бўлур кўнглум саранжом.

Ато қил дамбадам жоми лаболаб,  
Ажойиб ташнаву ҳам хўшки манлаб.

Бер паёпай жоми майни беғам бўлай,  
Бода нўш айлаб санга маҳрам бўлай.

Ўшал майким мани ҳамдамимдур,  
Ани ичсам бўлур бу ғамларимдур.

Ўшал майники масти жовидондур,  
Ани ичган ҳама ғамдин амондур.

Агар ичсам қўлунгдин бир пиёла,  
Қилурман ул замон дил, жон ҳавола.

Кетиб номаҳрагим маҳрам бўлубман,  
Ки бу базм аҳлиға ҳамдам бўлубман.

Манга бир журъа нўш икки жаҳондин,  
Тамом яхши ва ҳарна ямондин.

Бу майдин ичмагон ул одамизод,  
Эрур таҳқиқ баҳойим бирла девзод.

Бу майдин беҳабардур ҳар нимарса,  
Ажаб эрмас биравға Тангри берса.

Эрур ул бодаким, ишқи Худодур,  
Анинг масти ҳама васлу лиқодур.

Киши ичмай бу майдин анда борса,  
Эрур кофир, жуҳуду габру тарсо.

Хароботий қилолмас ташна йўл тай,  
Худоё, бер қадаҳни тўлдуруб май.

## ЗАКОТ БЕРМОҶНИНГ БАЁНИ

Сол қулоқ бу сўзға, эй пиру жувон,  
То қилай эмди закотидин баён.

Фарз қилди бандаға ҳар йил закот,  
Берса ким топгай жаҳаннамдин нажот.

Бер закот моли ҳалолингдин они,  
Мурдаву ҳам зинда молингдин они.

Етса молинг беҳисобу бонисоб,  
Қил ани бермакка чандон изтироб.

Истаса ҳар кимки бу зар зорни,  
Ул берур бир гул бериб гулзорни.

Зарра бирлан хазналар бу зарни ол,  
Қатра бирлан баҳроу бар гавҳарни ол.

Бўлса санда фаҳму ақлу ҳушу дил,  
Аллоҳ, Аллоҳ, тезда бу савдони қил.

Тут бу сўзни дилда ҳар лайлу наҳор,  
Дона бирла айла анқони шикор.

Қил бу савдоларни бетаъхир адо,  
Келди ҳотиф баҳридин мундоғ нидо.

Берса ким бир нон анга минг нон берур,  
Берса ким бир жон анга минг жон берур.

Бўлса молинг бенисобу бонисоб,  
Олғой ул маҳшарда баридин ҳисоб.

Барча аъзодинму ҳам бордур закот,  
Ким ани қилмас адо тобмас нажот.

Тан закоти беш ҳавосидин бири,  
Дил закоти бас ҳавосидин бири.

Бас бу оят хайр бобидин ўқи,  
“Лан танолу-л-бирра ҳатто тунфиқу”<sup>27</sup>.

Тан закоти бошни бер даргоҳға,  
Дил закоти жонни бер Аллоҳға.

Бошни бермаклик сужуд этмак керак,  
Жону дил бермакда жуд этмак керак.

Қилмасанг то молу тан, дил, жон фидо,  
Келгай андин “лан тароний”<sup>28</sup> деб нидо.

21-6

Бер закотини зоҳиру ботин ниҳон,  
Бўл ҳисобу ҳам азобидин амон.

Худовандо, гуноҳим сони йўқтур,  
Бу ваҳмидин танимни жони йўқтур.

Кириб ман юрмаган йўқ кўчаву шаҳр,  
Юрибман юрмаган йўқ дашт ила баҳр.

Агарчи манда йўқтур тушаи роҳ,  
Манийу барчаларни қилма гумроҳ.

Бу йўлга кирмагим сансиз эмастур,  
Ҳама таҳрик, сукут сансиз эмастур.

Агар ҳар феъл қилсам манки омий,  
Эрур ҳар неку бад сандин тамоми.

Эмас сансиз маники қийлу қолим,  
Эмас сансиз мани ҳар феълу ҳолим.

Эмас ҳеч нарса сандин беирода,  
Ҳама қилгон бу олам нарру мода.

Ва ё саргашта зарра, Шамс бўлсун,  
Ва ё парвонаи ҳар шамъ бўлсун.

Ва ё бўлсун заминда ё самода,  
Эмас ҳеч бирси сандин беирода.

Ҳама жонларда бор турлук хаёлот,  
Валекин санда жуз-кулл ихтиёрот.

Базоҳир берма йўл фисқу залолға,  
Баботин берма йўл фосид хаёлға.

На ю(ву)бдурман кўнгилни қорасини,  
На қилдим ушбу йўл шукронасини.

Валекин бир йўли бердинг базоҳир,  
Билолмасман палидман пок зоҳир.

Йўли бергил ҳаловат бемаломат,  
Тамоми роҳзанлардин саломат.

Вале хуштур на жавру на жафо бор,  
Ҳама манзилда кўб бўйи вафодор.

Олиб кирган бу йўл сидқу сафони,  
Ёрутур кўнглиға шамъи сафони.



Эрур дашти ту йўлни боғу бўстон,  
Эрур ҳар хори бу йўл лола, райҳон.

Эрур дарёдағи тоши гавоҳир,  
Эрур даштидағи тоши жавоҳир.

На гарми бор, на сарди ушбу йўлда,  
На турши бор, на хавфи ўнгу сўлда.

Худоё, нафъ бергил бу сафардин,  
Паноҳ бергил ҳама хавфу хатардин.

Шабу рўз ичра бердинг нозу неъмат,  
На кўрдим то бу дамға ранжу меҳнат.

Муборак айлабон бу манзилимни,  
Худоё, мандин ол занги дилимни.

Ўшал манзилгаҳи бу тож заминдур,  
Анга бўлғон киши дохил аминдур.

Бу манзилга қўйибсан Каъба деб от,  
Тавоф айлар ани ҳар одамизот.

Ҳама мўъмин, мусулмон модаву нар,  
Гунаҳ қилганлару ҳам қилмагонлар.

Эрур бу манзил бозори ушшоқ,  
Ҳама боргон ўшал манзилға муштоқ.

Келур жонлар чекиб аз ҳар тарафдин,  
Ки мағриб, машриқу Шому ҳалабдин.

Бу йўл ким чекса кўб жавру жафони,  
Олурлар кўнглиға шамъи сафони.

Киши ёвуқ-йироқдин келмагича,  
Топар нафъини тортган эмгагича.

Юрурлар завқ бирла бу сафарда,  
Қилур ифторни хуни жигарда.

Биравлар келдилар тун-кун намозда,  
Биравлар келдилар ажэу ниёзда.

Ҳазо қилган жигар қонини бу йўл,  
Кўрар бешак бу водий ховандаси ул.

Бу йўлни тўшасидур ажэу тақсир,  
Яна йўқ мундин ўзга ҳеч тадбир.

Баноаҳл кўрарлар анда девор,  
Паноҳ аҳл кўрарлар анда дийдор.

Бу чашми сар керакмас сарға анда,  
Ки маҳкам тут муни дил ичра жонда.

Қадам қўйсанг бу йўл, эй нек хурдор,  
Бино мулкунгни сан вайрон қилиб бор.

Бўлуб гар бормасанг сан ҳечдин ҳеч,  
Ҳама йўлларда тортган меҳнатинг ҳеч.

Агар борсанг тамошо қилгали ҳаж,  
Санинг таҳқиқ муродинг етқурур гаж.

Агар ўқ эGRIDур, эй марди сода,  
Қолур етмай нишонаға арода.

Ҳама рўйи заминни тожи будур,  
Ҳама дин аҳлини меърожи будур.

Худовандо, Харобот нийятин туз,  
Жомиъи мосивони риштасин уз.

\* \* \*

Агар кишини моли кўб бўлса тўла,  
Ул кишиға ҳажни фарз этти Худо.

Қил зиёрат ҳажни бўлса қудратинг,  
Амни роҳу нури чашму қувватинг.

Қилмагил ҳажга бўлақларни шерик,  
Йўлга кир, қўйгил қадам сан то тирик.

Етса жавру меҳнату дарду алам,  
Урмагил ҳеч кимга сан зинҳор дам.

Бордур бу ҳаждин афзал ҳаж яна,  
Ҳақ мадад қилса баён айлай санга.

Аҳли шаръ таъзими масжидлар қилур,  
Дил хароб этмакға лекин ҳад қилур.

22-6

Ҳаж бориб келмакға эҳсондур ҳама,  
Ғанийу муфлисға яксондур ҳама.

Ҳам хабар берди башарнинг саййиди,  
Қалби мўъминлар Аршуллоҳ деди.

Ул мажозу бу ҳақиқатдур билинг,  
Ул ниёзу бу муҳаббатдур билинг.

Айлади ул уйни Иброҳим бино,  
Айлади бу водини Аллоҳим бино.

Қаъбаи мардоналарнинг санги гил,  
Толиби дил бўлки, байтуллоҳ дил.

Эй дило, дил берки, айтай то санго,  
Гил билан дил фарқи ердин то само.

Бор бу олам ичра аксар омидур,  
Шакли одам, лекин ул анъомидур.

Бўлмағой ҳаргиз мусулмон у рақиб,  
Рўбару юз минг ҳадис, оёт ўқиб.

Хослар базмида қилмоқ тумтароқ,  
Чорполар ул кишидин яхшироқ.

Бўлмаса ҳар кимда ҳолат ё амал,  
Ҳақ деди буларни анъом, бал азалл.

Ул кишиким, ишқи йўқ, ҳайвон эрур,  
Қўнгида кўб деб билан шайтон эрур.

Ул дили пурдард Раҳмоннинг уйи,  
Ул дили бедард Шайтоннинг уйи.

Бу жаҳон бисёрдур аҳли ҳаво,  
Рози эрмас ул кишилардин Худо.

Қаъбалар бордур буларнингки тўло,  
Ҳар бири жониға чандон минг боло.э

Қиблаи роҳат талаблар хурду хоб,  
Қиблаи лаззат талаблар нону об.

Қиблаи сувратпарастлар рўйи зан,  
Қиблаи сийратпарастлар зу-л-минан.

Қиблаи дунёпарастлар симу зар,  
Уштуру гўсфанд ҳам асб, гову хар.

Қиблаи нафсипарастлар батну тан,  
Қиблаи шаҳватпарастлар фаржи зан.

Қиблаи танпарварон ҳалқу шикам,  
Бўлса ҳар турлук таомлар обу барг(?)

Қиблаи ҳавопарастлар орзу,  
Нафс комини қилмоқ жустужу.

Қилса ким нафсини хушнуд бу жаҳон,  
Доим ул бўлмас жаҳаннамдин амон.

Бўлса кимнинг ҳар неча андешаси,  
Ул нимарса шул кишининг қибласи.

Эй ўғул, ол бу май тухмидин хабар,  
Ўт қилиб жисмингга ургай доғлар.

Ҳар нечаким, дил тўла мойил анга,  
Ул нимарсадин ҳижоб ҳосил санга.

Сан агар бўлсанг биравга печу тоб,  
Тонгла ул қилгай анинг бирла азоб.

Эътиқоду сидқу ҳам нийятни туз,  
Ҳар нечаким фони(й)дур кўнглунгни уз.

Англағил бу сўзни, маҳкам англағил,  
Ҳар нимаким фони(й)дур, банд этма дил.

Кўнгилик пок айласанг бу чирканатдин,  
Берур андин хабар руҳониятдин.

Бўлмаса кўнглунгда бу мурдор айб,  
Ҳосил ўлғай дамбадам асрори ғайб.

Борду жон жисмингда чандон мурдалар,  
Бу ўлуклар дами Исодин куйлар.

Муврати одамни сан одам дема,  
Улки зоҳирбинни ботинбин дема.

Кимки зоҳирбин кўрарлар пўстни,  
Кимки ботинбин кўрарлар дўстни.

Исо минг йиллик ўлукни тиргизур,  
Жоҳилу нодонга они кўргузур.

Кимки жоҳил бўлса донодин қочар,  
Мурдалар анфоси Исодин қочар.

Исо жоҳиллардин имкон тобмади,  
Дарди аҳмақларга дармон тобмади.

Эй ўғул, жаҳлингни кўнглунгдан чиқор,  
Сидқ бирлан хослар олдиға бор.

Хослар ҳар бирриси Исойи вақт,  
Мурда диллар жоҳили тарсойи вақт.

Кўрмагил пандимни саҳл, эй нобулуф,  
Балки ҳар бир хос Исодин улуф.

Ҳар даме Исода ҳайдур бир ўлук,  
Хоснинг ҳар бир дамидин минг ўлук.

Мурдалар жисмига Исо жон берур,  
Хослар ҳам ақлу иймон берур.

Сан ғаройиб ё ажойибдур ҳама,  
Мустафодин бизга ноибдур ҳама.

Бўлди ҳай Исо дамидин неча тан,  
Хослар ҳар бирисидин юз минг туман.

Хослар доим Худо амридадур,  
Аршдан то фарш анинг амридадур.

Дашту баҳру кўҳ устун боғ қилур,  
Ҳар нимаким хоҳласа андоғ қилур.

Бир назарда хорни гулзор этар,  
Бир назар гулзорларни хор этар.

Бир назар кўб мурдани ихё қилур,  
Бир назарда гунгни ул гўё қилур.

Бир назарда йўқни ҳам пайдо қилур,  
Бир нафас пайдони нопаёдо қилур.

Хоҳласа оламини ул обод этар,  
Хоҳласа оламини ул барбод этар.

Бир назарда хокни олтун қилур,  
Кимки бўлса мустаҳиқ мамнун қилур.

Бўлса ким доим Худо фармонида,  
Тангри ҳам бўлғай анинг фармонида.

23-6

Гандуми айлар агар жав бўлсаму,  
Қилгай ул мўъмин агар дев бўлсаму.

Ҳар даме қилғоч талаб дийдори ёр,  
Қилди ҳақ буларни соҳиб ихтиёр.

Ул кишиким, ошиқи содиқ эрур,  
Ул кишига Тангри ҳам ошиқ эрур.

Ишқ икки қисмдур, солғил қулоқ,  
Ишқи асғар ишқи акбардин йироқ.

Ишқким, сандин эрур, асфар турур,  
Ишқким, андин эрур, акбар турур.

Бўлса ким доим Худо фармонида,  
Инсу жинс бўлғой ани фармонида.

Кимки қўрқуб Тангрини амрин қилур,  
Шеру аждарлар анинг амрин қилур.

Бордурур ҳар гўшада марди Худо,  
Бордурур ҳар пешада марди Худо.

Авлиёлар Тангрига вобастадур,  
Кўҳи Қоф манзурида барбастадур.

Хосларға борди ҳақ ўз хилъатин,  
Ҳам атову қаҳру қудрат қувватин.

Ҳам Самигу ҳам Басиру ҳам Алим,  
Ҳам Ганийу Боситу жуди Карим.

Икки олам олдида бир хумчадур,  
Баъзилар манзурида нохунчадур.

Хоҳласа ҳар кимга бергай симу зар,  
Хоҳласа кимни қилур зеру забар.

Хоҳласа қилгай гадони подшо(ҳ),  
Хоҳласа шоҳларни қилгай ул гадо.

Бўлмағунча сан уларга хокипо,  
Ёрумас кўнглунг шамъи сафо.

Бандайи ҳақ авлиёлардур ҳама,  
Ҳарна бори кимиёгардур ҳама.

Тобтилар жо манзили маҳбубият,  
Қатрадек дарёда бўлмиш маҳвият.

Сан агар бу уйни холий айласанг,  
Шоҳ киргай ҳар замон сан хоҳласанг.

Тухми исён ҳар дили Шайтон сочар,  
Бўлса ҳар жо хос тез андин қочар.

Истагилу истагилу истагил,  
Токи бир жисмингда жон хос истагил.

Қилмагил шакку гумон, ол баҳралар,  
Маънидонсан ол йадуллоҳдин хабар.

Қатраким, дарёда нопаёдо бўлу,  
Баъдаз он исми анинг дарё бўлу.

Ҳар даме, эй қатраи ноътибор,  
Иста ул дарёни ҳар лайлу наҳор.

Эй биродар, хослар фарзанди ҳақ,  
Субҳу шом, тун-кун олу ҳақдин сабақ.

Хослар ул зотини ҳайронидур,  
Арш анинг то фарш анинг фармонидур.

Кордону коргар ҳар роҳбар,  
Болу парсизларға бергай болу пар.

Излагил бу даҳр хосон излагил,  
Баъзи жон ишқи жонон излагил.

Қил Хароботийни, ё Рабб, хосдин,  
Қолмагил васвос ё насносдин.

\* \* \*

Ҳар киши мундоғ қилай, андоғ қилай,  
Бу далил ихтиёрийдур топай.

Жумла Қуръон амру наҳйу ваъдадур,  
Ким амал қилмас, вале шармандадур.

Холиқики, ахтари гардун қилур,  
Амр ила наҳйи на мажнун қилур.

Бўлса ҳар корики майлинг бор анга,  
Яхши ишга бўлу Аллоҳ ёр анга.

Қор агар бад бўлса ҳақ эрмас ризо,  
Ўксумас бадкордин жабру қазо.

Вой ул корики, майлинг йўқ анга,  
Сан қилиб дерсанки, қилдурди манга.

Англагил бу сўзни, эй ёшу қари,  
Қилма иш Қуръон, ҳадисдин ташқари.

Онга наҳйилар баён қилди санга,  
В-арна қилсанг жабрдур ўз жонинга.

Ул Каломуллоҳ, қавли Мустафо,  
Барчаларға ҳодийу шамъи сафо.

Шукр қилсанг, неъматни афзун бўлу,  
Қилмасанг, неъматни илкиндин олу.

Заррача неъматга шукр эт юз туман,  
Қилмагил пушида ҳақ берганни сан.

Хоҳ зоҳир, хоҳ ботин бўлсаму,  
Хоҳ зарра, хоҳ саргин бўлсаму.

Саъй қил шукрона неъмат қолмасун,  
Жаҳд қил куфрони неъмат қолмасун.

Ётмагил, эй жобири ҳар соядор,  
Сояи ғайр аз дарахти мевадор.

Бўлса мундоғ сояда ҳар неку бад,  
Мевалар бошига сочгай ул дарахт.

Бу Каломуллоҳ, қавли Мустафо,  
Ушбулар гумроҳларга раҳнамо.

Қўйсаким, бу иккидин берун қадам,  
Ул кишиларга будур жавру ситам.

Кимки бу жаврида бўлса ногаҳон,  
Жоҳил ўлгай ул кишилар бегумон.

Худоё, сан ғанийу подишоҳсан,  
Ҳама бечораву мискин гадоман.

Ол ул зулматки, мандин куфру исён,  
Ё кутгил кўнглум ичра шамъи иймон.

Манга шаб-рўз бер тоат йўлини,  
Ки сидқу сабр ҳам тоқат йўлини.

Бари одамга раҳмат ёмғурин соч,  
Манга ул дам муҳаббат эшигин оч.

24-6

Муҳаббатдин мани жонимга бер шавқ,  
Ки жоним андин олсун лаззату завқ.

Шароби ишқ дарди бирла сўзи,  
Манга тун-кун, сабо, шом айла рўзи.

Худоё, ушбу бандани ризоси,  
Бу тўрти доимо жоним ғизоси.

Тиларман ҳазратингдин тутиё ман,  
Агар чандики осий рўсиёҳман.

Эшигинга кишилар қолғон эрмас,  
Сан ул борғонни маҳрум қўйғон эрмас.



Гадолар борса ҳар дам сад ҳазорон,  
Санингки баҳшинг андин фаровон.

Киши борса қилиб кўнглини бирён,  
Қилурсан ани мамнун, қолмас армон.

Эрур фазлинг мисоли баҳри белаб,  
Кам ўлмас онча ичса ташнаи лаб.

Агар бўлсун киши беҳушу беҳуш,  
Карам баҳринг ҳамиша жўш дар жўш.

Ўшал беҳушу беҳуш тухфасидур,  
Агарчи ҳадясиз ҳам айламас дур.

Фараз эшикка бормак гардан эгмак,  
Ки сандин ўзгалардин юз ўгурмак.

Худоё, раҳматингни бир(и)си ёмғур,  
Анинг жон жонсиз ташна ранжур.

Камолоти ҳаёти сабзаи жон,  
Санинг соатда берган фазли борон.

Юборсанг кўкдин ҳар соатда борон  
Палиду пок анинг олдида яксон.

Агар бўлса нажосат анда-мунда,  
Палидни пок қилгай ул замонда.

Эрур бу раҳматинг ҳар ому хоси,  
Ки қилмас маҳрум андин ҳеч носи.

Худовандо, яраттинг турли жисми,  
Санингдур раҳматинг бу икки қисми.

Ёғар ул бириси бир-бир жисми гилиға,  
Ёғар бу бириси бир жон дилиға.

Базоҳир раҳматингни оти ёмғур,  
Баботин раҳматингни исмидур нур.

Кўнгилга қатра нури келса чолок,  
Қилур ҳарна палиде бўлса ул пок.

Агарчи кўб гуноҳи ичрадурман,  
Вале шаб-рўз эшигингда турурман.

Олиб эшигига келдим фисқу исён,  
Гунаҳлиқ деб мани сан қилма ҳайрон.

Худовандо, мани шарманда қилма,  
Ки ул нафсу ҳавоға банда қилма.

Бориб эшигинга кофир, мусулмон,  
Аввал-охирдин ул йўқ холий қолгон.

Хароботийға, ё Рабб, зарраи нур,  
Бериб, кўнглиға қилғил динни маъмур.

\* \* \*

Эй биродар, илм икки қисмдур,  
Бири монанди садафдур, бириси дур.

Бири пўст, бириси мағадур ҳама,  
Бири кабз, бири кашфидур ҳама.

Илм касби ҳийлаву нафсу ҳаво,  
Илм кашфи сарбасар илми Худо.

Илм агар кашфий эрур ноёбдур,  
Баҳралар олгон бу йўл арбобдур.

Хотами мулки Сулаймондур илм,  
Жумла олам суврату жондур илм.

Илм дарёе турур баҳад канор,  
Толиби бу илм ғаввоси биҳор.

Илм ул илмики, жон тиргузса ул,  
Жониби Аллоҳғаким, қўргузса йўл.

Илмнинг юз минг туман осори бор,  
Камтарин осорининг анвори бор.

Нурким, ул илмнинг нури бақо,  
Тонурса ул илм нуридин лиқо.

Бу ҳама анвоъи дониш рўзи марг,  
Дониш фақридур, зоди роҳ барг.

Дониши бўлғойки, асли сар эрур,  
Ҳамчу фаръи аслиға раҳбар эрур.

Жони жумла илмлардур ҳамчунин,  
Билсаларким, ўзни тонгла явми дин.

Ишни билмай қилса беравнақдур ул,  
Билмаган ўз қадрини аҳмақдур ул.

Билса ҳар ким илмидин юз минг румуз,  
Билмаса ўз нафсини золим ҳануз.

Қил йироқ ўзингдин ҳар фаэли фузул,  
Токи раҳматлар санга қилгай нузул.

Ким малакдек десалар “илмун лана”,  
Токи илкингни тутар “алламтана”<sup>29</sup>.

Илларким, касби шайтон илмидур,  
Илларким, кашфи Раҳмон илмидур.

Эдилар бул бори илмидин йироқ,  
Бори илми гўйиё бир пўсти қоқ.

Бори илм, бори ҳаводур бори илм,  
Сарбасар ул бори илм мурдор илм.

Эй ўғул, бил қайсидур ул бори илм,  
Ул киши бўлса гар пиндор илм.

Қилса ким пиндор таҳсил илмидин,  
Бўлғусидур ул имом ул-фосиқин.

Илм жоҳу мансабу молу ҳазон,  
Тиғи фитна илкида бадгавҳарон.

Илмнинг беаслга ўргатгонинг,  
Раҳзан илкиға шамшир бергонинг.

Бадгуҳарлар на тамиз бардош этар,  
Чоҳни ул жоҳ деб пиндош этар.

Ким қаламни берса гар ғаддорға,  
Кунда ҳар Мансурни осғай дорға.

25-6

Ҳар фасоду фитналар андин чиқар,  
Аксари ҳар олими диндин чиқар.

Айдилар Аҳмад “фасод ул-олами,  
Йахружу мин уламои умматий”<sup>30</sup>.

Бордурур Шайтоннинг ҳам нойиблари,  
Олиму ҳам ҳозиру ғойиблари.

Қавмига таълим шаб-рўз, субҳу шом,  
Макри фитна, ҳийла, тазвири давом.

Бир неча илмини ул ҳамраҳ қилур,  
Бўлса қанча омини гумраҳ қилур.

Ушбуларким, шўху ширин кордур,  
Соҳиру сайёду ҳам маккордур.

Ҳар бирининг юз туман саночи бор,  
Ҳар саночда баҳри истидрожи бор.

Мажлиси шоду тараб асбоби ул,  
Бошлагай фисқу хато, исёнға ул.

Илм эмас ул халқни афсун қилур,  
Кимки аҳмақдур ани мажнун қилур.

Ҳар фасоду фитналар андин чиқар,  
Мазҳабу ҳам миллату диндин чиқар.

Олим эрмасдурки, ул афсун қилур,  
Ботини ҳақ сори кўру кар эрур.

Бор анинг кирдорини гўфтори бад,  
Бор анга ҳар вақт Шайтондин мадад.

Сийнасидур махзани ушбу риё,  
Йўқтурур кўнглида ҳеч тарси Худо.

Ўнгу сўлу пешу пас, болову паст,  
Бехабар шаб-рўз бу илмиға маст.

Бўлса кимда зарраи пиндордин,  
Бул йироқ албатта ул мурдордин.

Англағил бу сўзни, эй пиру жувон,  
Йўқ ямон мастлиқ бу мастликдин ямон.

Ўзгалар масти то бачанд нафас,  
Илмнингки масти то охир нафас.

Бўлмади ҳеч нарсага шайтон маст,  
Бўлди лекин илмиға мадҳушу маст.

Тобмагай ҳаргиз ҳақиқатдин хабар,  
Бўлди зоҳир илмидин Иблис хар.

Илмким, пиндор зоҳир илмдур,  
Сарбасар бу илм кофир илмдур.

Эй биродар, жон аро пандимни ол,  
Илми касбий, қоли кашфий, илми ҳол.

Илм агар касбий эрур ул илми наҳв,  
Илм агар кашфий эрур ул илм маҳв.

Илми наҳвий мақсади нафсу ҳаво,  
Рўзу шаб ул толиби ҳар ду саро.

Наҳви мастий ушбу пиндору ғурур,  
Маҳви мастий доимо дар баҳри нур.

Наҳви мастий толиби мурдорға,  
Маҳви мастий толиби дийдорға.

Аҳли наҳв жаннат жуй нон эрур,  
Аҳли маҳвий толиби жонон эрур.

Илми зоҳирларни ҳақпарвар дема,  
Икки олам ичра танпарвар дема.

Ин ҳама аҳволи бад, аҳволи бад,  
Бор анга бу нафси шайтондин мадад.

Эй ўғул, наҳву нужуму тиббу ҳарф,  
Ушбулар кўнглунгни қилғай яху барф.

Ушбу илмийлар тамоми, эй умум,  
Сарбасар бу жумласи илми русум.

Ушбулар бошдин аёғ илми маъош,  
Нафъи бу илмий тамоми нону ош.

Илким, дунёни гар пайдо қилур,  
Ҳеч шак йўқ динни нопаддо қилур.

Ҳар нимаиким ҳақ Расул эрмас ризо,  
Ул муроди нафс шайтону ҳаво.

Нафс Шайтон васфини қилмоқ дароз,  
Ул тамом ўлмас десам ул қишу ёз.

Англағил бу пандни, эй омму хос,  
Тез бўлғил бу маразлардин халос.

Амри ҳақни тут Расулға тез қил,  
Токи жон жисмингда бор парҳез қил.

Бўлмайин бу илмлардин то йироқ,  
Қилмоқунг гар кечса юз минг тумтароқ.

Эй ўғул, маҳд эт букун, инсоф қил,  
Зоҳиру ботинни баддин соф қил.

Бўлса санда зарра дарду иштиёқ,  
Бўл алойиқ ҳам халойиқдин йироқ.

Умрни ўткар ибодатлар билан,  
Гўшада бўлғил қаноатлар билан.

Олимиким, нойиби Шайтон лаъин,  
Бўлгай ул миру ганийга ҳамнишин.  
Еса ул олим салотин нонидин,  
Манфаат йўқтур анинг иймонидин.  
Еса ким олим салотиндин таом,  
Ўқугай лаънат малойик субҳу шом.  
Ет манинг фарёдима фарёдрас,  
Қилма андоғ мани мурдорхор магас.  
Эй ўғул, бу илми касбийдин йироқ,  
В-арна қолгайсан Худойингдин йироқ.  
Илми касбий ҳосили икки жаҳон,  
Шаҳду ширу мева, гўшту шурба, нон.  
Илми кашфий дамбадам ҳақдин нидо,  
Ҳосили бу илми кашфийнинг лиқо.  
Илми касбий сарбасар пур ҳойу ҳуй,  
Кашфсиз бу касб бўлмас обрўй.  
Сол қулоқ бу қиссани айлай баёни,  
Фаҳри Розий қутб эрди ул замон.  
Ҳар ҳадису ояту ровий анга,  
Йўқ эди ҳеч нуқтаи махфий мунга.  
Ҳеч иборат йўқ эди ул билмаган,  
Ҳеч ибодат йўқ эди ул қилмаган.  
Барча олимларга ул устоз эди,  
Илми зоҳир маъдани мумтоз эди.  
Бир савол ким қилса бермиш юз жавоб,  
Ҳар жавоби барчаси хайру савоб.  
Ҳар дами айтур эди шукру сано,  
Илми зоҳир йўқ турур мандек яно.  
Бир куни келди ул Шайтон нажас,  
Қилдилар чандон бир-бирлонга баҳс.  
Бир-бирига юз туман чандон жидол,  
Бўлди Фаҳри Розий чунг, ҳайрону лол.  
Қилди Шайтон Фаҳри Розий бирла жанг,  
.....

26-6

Англағил бу илми кашфий, эй ўғул,  
Бор эди ул асрда бир кашфи кулл.

Шайх Нажмуддин Кубро отлари,  
Кашф эрди дамбадам одатлари.

Кашф бўлди Шайхга бу воқеа,  
Бонг урди Шайх мисли соъиқа.

Шайх қадамни қўйди тез ул ён босиб,  
Қочдин андин қичқириб Шайтон рақиб.

Келди андин Фахри Розий ҳолига,  
Бўлди машғул дину ҳам иймонига.

Фахри Розий айди қўб шукри Илоҳ,  
Илми кашфий касбиға бўлди паноҳ.

Касбийларға кашфийдур сармоysi,  
Илми кашфий касбийнингки соysi.

\* \* \*

Илоҳий, барча оламини яраттинг,  
Улардан бириси Одамини яраттинг.

Ҳама жину башарнинг у Сафийдур,  
Бу дунё охиратнинг мазраъидур.

Бу олам ичра одам мисли деҳқон,  
Сочарлар тухми неку бадни чандон.

Тамоми марду зан хурду калонлар,  
Писар, духтар, ҳама пиру жувонлар.

Агарчи бўлса кофир ё мусулмон,  
Ки бору йўқ анингда дину иймон.

Зироатлар қилур бу зироатда,  
Кўрар суду зиёни охиратда.

Биравлар боғ аро неъмат егайлар,  
Биравлар доғ аро ҳасрат егайлар.

Бири боғ ичра тахту тожи жаҳон,  
Бири доғ ичра бўлғай телмуруб қон.

Бири боғ ичра ишратларға мамнун,  
Бири доғ ичра меҳнатларға нур хун.

Бири боғ ичра сероби шаробдур,  
Бири доғ ичра ташна, дил кабобдур.

Бири боғ ичра хуррам, жойи гулзор,  
Бири доғ ичра пур ғам жойидур нор.

Бири боғ ичра сайри лолазори,  
Бири доғ ичра доим нола зори.

Бири боғ ичра айши ҳуру филмон,  
Бири доғ ичра шаб-рӯз оҳу афғон.

Бири боғ ичра пур шаҳд, барфдин оқ,  
Бири доғ ичра ерлар заҳири иноқ.

Бири боғ ичра бўстон соясида,  
Бири доғ ичра кулдон поясида.

Бири боғ ичра ҳар су шоду хандон,  
Бири доғ ичра бир даштида ҳайрон.

Бири боғ ичра ҳар неъматни ерлар,  
Бири доғ ичра доим ўтни ерлар.

Бири боғ ичра мажлисни тузарлар,  
Бири доғ дардидин фарёд этарлар.

Бириси боғ аро қурбу улода,  
Бириси доғ бирлан мубталода.

Бири боғда ичарлар шаҳди сероб,  
Бири доғда йиринг ер оғу зардоб.

Бири боғ ичра машғул воласиға,  
Қулоқ солмас уларни ноласиға.

Бири боғ ичра айвон қаср нишаста,  
Бири доғ ичра баста қайд баста.

Бирига боғ ичида бода мул-мул,  
Бири доғ ичра побанд бўйнида ғул.

Бири боғ ичрадур жойи жамъи меҳмон,  
Бири доғ ичра доим дил паришон.

Бири боғ ичра шоди бирла маъмур,  
Бири доғ ичра доим ҳоли ранжур.

Бири боғ ичра рафтари қуюндур,  
Бири доғ ичра баста сарнигундур.

Тамоми солу тун-кун субҳ то шом,  
Тамуғ аҳлиға йўқтур ҳеч ором.



Борининг дарду ғамдин ранги зирних,  
Урар мағзиға миҳу кўксига бих.

Урар ул боғи жаннат, доғи дўзах,  
Урур бу доғ оташ зи марҳам ях.

Эрур жаннатки, ҳақни айни меҳри,  
Ўшал дўзахки, ҳақни айни қаҳри.

Эрур жаннат кишига жойи иззат,  
Эрур дўзах жафову жавру меҳнат.

Агар ўт тушса зарра бу жаҳонға,  
Кетар ўт шул замон кавну маконға.

Агар кўрсатса ногоҳ ҳур чеҳра,  
Бўлур шамсу қамарнинг рўйи тийра.

Худовандо, кечир маъсиятимни,  
Дилимдан занг, губори ғафлатимни.

Тамоми ўтти умрим дил паришон,  
Ки шаб-рўз бу биёбон ичра ҳайрон.

Юрак бағрим мисоли санги яхдур,  
Кўнгилда нафси жин, меҳри малахдур.

27-6

Худовандо, ҳама жонға батаҳқиқ,  
Эрур сандин иноят фазли тавфиқ.

Санингсиз ҳарна дор жойи одамлар,  
Қўёлмас ҳеч тараф дам ё қадамлар.

Худовандо, зироат қилғоним йўқ,  
Ки асло тухми тоат сочгоним йўқ.

Ҳамал вақтида сочмабман уруғни,  
Ғамин қилмабдурман қиш, ёз озуқни.

Агар ёдимға келса ушбу ваҳми,  
Куяр бу устихон, дил, жон, лаҳми.

Ямониман, ямонларнинг ямони,  
Манга бергил бу ғамлардан амони.

Хароботий бу ғамлардин харобо,  
Деюр “ё лайтегани кунту туробо”<sup>31</sup>.

\* \* \*

Англагил пандимни эй, пиру жувон,  
Қил муяссар ақли, бўл хурдадон.

Тамиз идроки жон гову харда бор,  
Одамининг ўзга жони-ақли бор.

Балки фарқи ақлу жону одамий,  
Афзалидур ҳар набиййу ҳар валий.

Ақл иккидур, баён айлай ани,  
Ақли жузвий, ақли кулл дерлар ани.

Ушбу ақллар эрур эркак тиши,  
Бириси некукор, бирининг бад иши.

Ақли кулл хайру ақли жузвий шарр,  
Ақли жузвий мода, ақли куллий нар.

Ақли жузв дафтарни қилгай рўсиёҳ,  
Балки ҳар офоқни қилгай у табаҳ.

Ул кишиларнинг ақли нар эрур,  
Нафси зишти модаву музтар эрур.

Ақли жузвий ваҳми оташ, шакку занн,  
Чунки зулмат ичрадур доим ватан.

Қилмагил жузвни вазир ё амир,  
Ақли куллни қил вазиру қил амир.

Жузвни қилғоч вазир Иблиси дун,  
Тавқи лаънат бирла бўлди сарнигун.

Ақли куллни қил талаб, бўл баҳравар,  
Машварат кулл бирла қилғил, эй писар.

Кимки бетамийиз марди соддадур,  
Ул кишиларнингки ақли модадур.

Жону идрок бор, аммо кўру кар,  
Ақли кулдин рўзу шаб бўл баҳравар.

Ақли кулл икки жаҳонда нафъ этар,  
Ин ҳама келгон балони дафъ этар.

Ақли жузвий куллға гар шайдо бўлур,  
Нурлар афзун раҳ пайдо бўлур.

Ақли жузвий жузға гар ҳамроҳ бўлур,  
Торикий афзуну раҳ пинҳон бўлур.

Ақли куллийлар ҳама марди Худо,  
Ҳақ булардин ҳеч дам урмас Х удо.

Арш айвонийу жаннат боғидур,  
Кимки тасдиқ қилмаса ул боғийдур.

Ақли жузв бу рамэдин огоҳ эмас,  
Воқифи бу сирри жуз Аллоҳ эмас.

Барча ақли халқ акси ақли дўст,  
Ақли у мағзи ақл, халқ пўст.

Мазҳари ҳақдурки, Зоти поки ул,  
Истасанг ҳақни санга кўргузгай ул.

Ақли жузвий макри истидрождур,  
Ақли куллға ақли жуз муҳтождур.

Ақли жузв дунёву маъво раҳнамо,  
Ақли куллий роҳбар то ул лиқо.

Ақли жузв чун зарра, куллий офтоб,  
Ақли кулл баҳрдур, жузвий ҳубоб.

Ақли жузвий майл этар мурдорға,  
Ақли куллий майл этар дийдорға.

Тут қулоғингга бу сўзни, эй ако,  
Қилмагил илму амалға муттако.

Қобили таълим фаҳм ўл бул сухун,  
Лек соҳиб ваҳйи таълими ладунн.

Бу нужуми ташт ваҳйи анбиё,  
Ақли жузға ул тарафда йўл кужо.

Ақли жуз бу баҳс бўлмас раҳбар,  
Бўлмади ул Фаҳри Розий ақли нар.

Ақл ул ақлики, бўлса ақли нар,  
Бу дили шаб ичра чун Шамсу Қамар.

Эй Хароботий, талаб қил ақли нар,  
Баҳроу бару дашту шаҳру дарбадар.

\* \* \*

Подшоҳо, манки исён қилғучи,  
Сан ани афв айла осон қилғучи.

Ўтти умрим кўр гунаҳ ҳар ён юруб,  
Келди эшигинга бугун телмуруб.

Ман бўлуб нафсу ҳаво дарбандаси,  
Йўқту мандек халқнинг шармандаси.

Келди банданг осие бефармон санга,  
Бандани афв айламак осон санга.

Ҳарна қилсанг сан қилурсан, эй Карим,  
Йўқ манинг ҳам сандин ўзга ҳеч кимим.

Ҳар хато нодонли ғамдин айладим,  
Узри кўб исёнлиғимдин айладим.

Фисқу исёнлар муносибдур манга,  
Лутфу эҳсонлар муносибдур санга.

Рўзу шаб сандин тилар бандани умид,  
Йўқ санинг бандангдан ўзга ҳеч умид.

Сан эурсан Қодирӣ шоҳу ғаний,  
Ман эурман тийра хок обиманий.

28-6

Бўлса ким оламда ҳар таври падид,  
Йўқ турур бу обдок ҳаргиз палид.

Одамийни асли хоқу обдин,  
На тилайдурманки, ул нопокдин.

Ман на билгум васфини ё исмини,  
Сўрса мандин бандаликни расмини.

Ман кужо, ул сабу ҳам тоқат кужо,  
Ман кужо, ул дарду ҳам ҳолат кужо.

Ман кужо, бўйи мусулмонлиғ кужо,  
Ман кужо, ул бандафармонлиғ кужо.

Ман кужо, ул куфр ҳам иймон кужо,  
Ман кужо, ул аҳд ила паймон кужо.

Ман кужову чашмким гирён кужо,  
Ман кужо, ул сийнаи бирён кужо.

Ман кужову ул забон зокир кужо,  
Ман кужову ул забон шокир кужо.

Ман кужову ҳамду лойиқким кужо,  
Ман кужову ул дили содиқ кужо.

Ман кужову шукри неъматлар кужо,  
Ман кужову, ул оҳу афғонлар кужо.

Ман кужову мақсади аён кужо,  
Ман кужову маҳрам аҳлиййат кужо.

Ман кужову қаъдаи лойиқ кужо.  
Ман кужову саждаи лойиқ кужо.

Ман кужову ул закотуллоҳ кужо,  
Ман кужову раҳматуллоҳ кужо.

Ман кужову водийи Айман кужо,  
Ман кужову Каъбайи ботин кужо.

Ман кужо, исломи дин бо у кужо,  
Ман кужову, ул зоҳиру ботин кужо.

Ман кужову самъ ҳам биниш кужо,  
Ман кужову ақлу ҳам дониш кужо.

Ман кужову хондани Қуръон кужо,  
Ман кужову маънийи иймон кужо.

Ман кужо, ул бодаи ваҳдат кужо,  
Ман кужо, ул бахт, ул давлат кужо.

Ман кужо, ул мутрибу соқий кужо,  
Ман кужо, ул ишрати боқий кужо.

Ман кужову ул салими дил кужо,  
Ман кужо, ул одат ул банд дил кужо.

Ман кужо, одоби тавфиқлар кужо,  
Ман кужо, ихлосу тасдиқлар кужо.

Ман кужо, бу даҳри қадридон кужо,  
Ман кужо, ул ёри жовидон кужо.

Эй Худоё, қилмасанг фазлу карам,  
Манда йўқ тоатдин ҳаргиз бешу кам.

Ҳар нимаким суфлидиндур хокидур,  
Ҳар нима ул улвидин афлокидур.

Сўрмагил ман хокдин афлокни,  
Сўрма ман нопокдин ул покни.

Чиқти ердин ҳар нима ул хокидур,  
Қилди кўкдин ҳар нима афлокидур.

Ҳар вужуд бу олам асли хокидин,  
Раҳмату фазлу карам афлокидин.

Етмасанг фарёдима, фарёдрас,  
Ман ҳақири зерипойи хок бас.

Демасанг гар меҳрибонлиғдин қулум,  
Ман эрурман ҳам жуҳулу ҳам зулум.

Токи сан бандам демай бир мартаба,  
Ман деган бефоида минг мартаба.

Ҳар атои қилмади сан қилмағон,  
Ҳеч хатойи қолмади ман қилмағон.

Ўтти умрим рўзу шаб сандин қочиб,  
Худнамолиғ хамри исёнин ичиб.

Мазҳаби ҳам миллату диндин қочиб,  
Туну кун кўб тухми исёндин қочиб.

Сан агар бандаи десанг бир мартаба,  
Аршдин устун манга юз мартаба.

Бу Хароботийни сан бандам десанг,  
Лойиқ эрмас гарчи даргоҳингга ман.

Мўъмину тарсо, жуҳуду габру муғ,  
Барчага маълум ул Султон улуғ.

Ул суву тупроғу тошу ҳам шамол,  
Жумланинг пушида зикри Зу-л-Жалол.

Лутфидин оламни пайдо айлади,  
Заррани Хуршидга шайдо айлади.

Қилмагил навмид, ўзингни шод қил,  
Пеши у фарёдрас фарёд қил.

Пардаларни айла шаққ, бепарда бўл,  
Хоҳ куништу Каъбаву ҳар ерда бўл.

Ишқдин марг шарбати ичган киши,  
Еттилар мақсадга ҳар эркак тиши.

Қатран май ишқдин тобсам агар,  
Қилмагайман оби ҳайвонга назар.

Қўрқса ҳар ким Тангридин эмин бўлур,  
Беқарори дил ҳама сокин бўлур.

Бўлса доим Тангридин ҳар дилда тарс,  
Бўлмағай муҳтож ул ҳеч вақти дарс.

Ул дили жондин кечибдур шоддур,  
Хотири вайронаси ободдур.

“Ло тахофу”<sup>32</sup> ваъда Тангридин эшит,  
Раҳмату ҳам фазли амридин эшит.

Фаҳм агар қилсанг хитоби “ло тахаф”,  
Қўрқмағил фарёдину ё мавжи каф.

Ҳақ таъоло подишоҳи бокарам,  
Қилмағай бечораға зулму ситам.

Барча одилнинг Тангрим одили,  
Бўлса ҳар жо ожизу ё бедили.

Кимки бўлса беҳуду ҳам нотавон,  
Ул кишиларға Худойим меҳрибон.

29-6

Жустужу қил, жустужу қил, жустужу,  
Ваъда қилди барчаға “ло тақнату”<sup>33</sup>.

Жабр қилгонларға ул Жаббордур  
Қаҳр қилгонларға ул Қаҳқордур.

Сатр қилгонларға ул Саттордур,  
Афв қилгонларға ул Фаффордур.

Раҳм қилгонларға келди раҳмиси,  
Қаҳр қилгонларға қилди зулмиси.

Ҳар ҳунарда устогаре маъруфдур,  
Жон шогирди анга мавсуфдур.

Кимки ошиқ бўлса жонидин кечар,  
Ул кишилар хонумонидин кечар.

Кимки одил бўлса нафси жонига,  
Ул киши лойиқ эрур жононига.

Тийрай тупроқсан, инсоф қил,  
Қатрай мурдорсан то соф қил.

Ул кишиларники йўқтур даъвиси,  
Ҳар замон келгай Худонинг раҳмиси.

Эй биродар, бандаликни англагил,  
Раҳмдил бўл, раҳмдил бўл, раҳмдил.

Ул шаҳи шоҳон ниҳону ошкор,  
Ожизу бечорову бекасга ёр.

Маълуми келтурса ҳақни ёдиға,  
Етгай ул соат Худо фарёдиға.

Тегса бир бечораға зулму ситам,  
Тебрагай Аршу Курсу Лавҳу Қалам.

Ҳар заифаларни сан бекас дема,  
Ҳақ уларға меҳрибон мунис ҳама.

Бесаруполарни беҳасмий дема,  
Қилса ҳар феълини берасмий дема.

Бу гуруҳидурки, марфуъ ул-қалам,  
Йўқ турур ҳақни анга ранжу алам.

Ҳар дами Аллоҳға бозоридур,  
Беҳабар бу сирдин ул безоридур.

Айди Мусо, ман топай қайдин сани?  
Ҳақ деди, топғил дили ишкастани.

Қил талаб ишкастани ҳар қайда бор,  
Бўлмағил андин йироқ ман мунда бор.

Мундин ўзга сўз ривоят айлама,  
Дилдин ўзгани зиёрат айлама.

Эй Хароботий, агар сан ҳақталаб,  
Иста бир ишкастадилни рўзу шаб.



**РУҲ БАДАНГА КИРГАНИ ВА ШАЙТОН  
ҲОЗИР БЎЛҒОНИ БАЁНИ**

Шул замонким, кирди руҳим дар бадан,  
Кирди шул вақт нафси Шайтон ушбу тан.

Турдим ул жоҳ неча вақт хунхор ўлуб,  
Кўргали равшан жаҳонга зор ўлуб.

Келтурур анда одам саҳросидин,  
Сақладинг пинҳон ани васвосидин.

Туғди модар ул куни хундин бало,  
Йўқ турур икки жаҳон мандек бало.

Ул жаҳондин токи бу олам келиб,  
Андак-андак рўзу шаб лаззат олиб.

Зарра-зарра туну кун айлаб гуноҳ,  
Бўлди чашми тийра рўй дил сиёҳ.

Нафс ила Шайтон иковлон эрдилар,  
Бу ҳаво бирлан учовлон эрдилар.

Бу учовлон хамри исёндин ичар,  
Ушбулар бирлан нечук ҳолим кечар.

Ҳафт аъзолар буларнинг бандида,  
Дил билан жон ҳам булар фармонида.

Йўл эрур ҳар су ҳаво сорига бўл,  
Бермагайлар бул Худо сорига йўл.

Ё мажолу мунда ё имкон қани,  
Қатл ё қайд айлагайман то ани.

Ришта солғоч бўйнима маҳкам эшиб,  
Ул қаён борса юрурман эргашиб.

Подшоҳо, бордурур дойим санга,  
Саҳл эмас андин қутулмоқлиғ манга.

Гарчи бўлсун шоҳлар ожиз қилур,  
Неча лашкар бўлса қўб ночиз қилур.

Ҳеч одамлар баробар келмагай,  
Ҳеч олимлар баробар келмагай.

Бермасанг ҳар кимга ёрий, эй Худо,  
Ул кишини ўлтурур нафсу ҳаво.

Омини ҳам хосни афсун қилур,  
Озғуруб ул ўзидек малъун қилур.

Тобгон ул хос Аршни устида жо,  
Ташлагай васвос қилиб таҳт ас-саро.

Қачон шукр айладим ман неъматингга,  
Қачон қўйдум қадам ман тоатингга.

Эрурман тийрахоку нутфа нопок,  
Эмасдур ушбу далқу ҳалқу дил пок.

Этиб шаб-рўз Харобот ҳар нафасдак,  
Агар раддур, қабулдур, ҳамд лак-лак.

\* \* \*

Оламе ул ҳамма ушбу жаҳон,  
Олами соний ҳама тан бирла жон.

Дил агар ҳирсга ғолиб эрур,  
Ҳашр онинг суврати вожиб эрур.

Ҳар хаёле қилса бу кун сийратин,  
Кўргайсан маҳшарда они сувратин.

Ул хаёл чиқғай ичингдин ташқари,  
Донадек чиқғай заминдин ташқари.

Қилди ҳақ бу ваъдани содиқларга,  
Жону дил бирлан бу йўл лойиқларга.

Мурғ то банди қафас шод ўлмагай,  
То қафасдин чиқмай озод ўлмагай.

30-6

Ул гуликим, бўлса булбулдин йироқ,  
Ўртагай булбулни ўти иштиёқ.

Дарду ғамдин ўзга ҳеч ҳамроҳ йўқ,  
Ҳеч ким аҳволидин огоҳ йўқ.

Булбуле кўрса гули ё сабззор,  
Қайда қолғай тоқату сабру қарор.

Бўлса ҳар суроҳ солур минқорини,  
То чиқиб кўргайман ул гулзорни.

Рўзу шаб ҳаргиз они ороми йўқ,  
Бу хаёлотидин ўзга коми йўқ.

Доим айтур булбули фарёдрас,  
Қайси вақт синғойки, синдур бу қафас.

Гоҳ қилур гулни фироқидин садо,  
 Гоҳ қилур гулни йироқидин наво.  
 Гоҳ қилур гулни висоқидин дуо,  
 Гоҳ қилур гул иштиёқидин сано.  
 Гоҳ қилур қўб ёд ул гулзорни,  
 Гоҳ қилур ул сарви хушрафторни.  
 Гоҳ ёдланғой ҳавосини ани,  
 Гоҳ ёд айлар тамошосин ани.  
 Гоҳ қилғай ул гули раънони ёд,  
 Гоҳ қилғой гули зебони ёд.  
 Ёд этар гоҳ халқ гоҳи рўйидин,  
 Ёд этар гоҳ рангу қоҳи бўйидин.  
 Ёд этиб булбул ҳама фаслу фусул,  
 Бўлғой ҳар соатда жондин малул.  
 Йўқ қарори бу қафас дар изтироб,  
 Қилғоли парвоз қўб қилғай шитоб.  
 Бу қафасдин бўлса гар булбул жудо,  
 Шоду хуррам шул замон учгай ҳаво.  
 Ул ҳавойи ишқида рақсон қилур,  
 Мисли у хуршид бенуқсон қилур.  
 Қолмас ул дам доғи ғам, бўлғай сафо,  
 “Қул таъолав”<sup>34</sup> дер Худо, эй жон, биё.  
 Эй биродар, мани савдойи дема,  
 Балғаму хуну сафройи дема.  
 Фаҳм қилсанг ман бу тўрттидин эмас,  
 Ғайри нотикдур бу сўзни сўэламас.  
 Шукри лиллаҳ форигам бу тўрттидин,  
 Балки ҳарфу майлу фикру савтидин.  
 Ўлмагим бу соати ширин манга,  
 Балки “аҳёун”<sup>35</sup> нидо андин манга.  
 Бўлсам онинг бирла заҳридур шакар,  
 В-арни болу шаккару шаҳди заҳар.  
 Ханжари шамшир райҳоним манинг,  
 Заҳри оғу зиндаи жоним манинг.

Ҳеч жон ўлмакни қилмас жустужу,  
Ҳеч ким аждарга бўлмас рўбару.

Лекин ул нури Муҳаммад шоҳу бунн,  
В-арна оламни қилур эрдим забун.

Бу жаҳон майдони лашкаргоҳи шоҳ,  
Онча кўрдим паст ҳам боло сиёҳ.

Лашкари Аллоҳ сар то по ҳама,  
Жумласи ул шоҳни яксар ҳама.

Хайма устун хаймаву беҳад таноб,  
Ожиз ўлғай Рустаму Афросиёб.

Ул кишиким, марг анга душвордур,  
Тўъмаси ушбу жаҳон мурдордур.

Ошиқ ўлмакликка қилғай изтироб,  
“Сориъу”<sup>36</sup> деб Тангридин келғай хитоб.

Марг ҳам рангдур анга жуз гўшту пўст,  
Душманимға душману дўстиға дўст.

Ойна хушрангға хушранг эрур,  
Ойна зангига ҳам зангий эрур.

Авлиё ойнаға қилғай назар,  
Шарбати марг олдида шаҳду шакар.

Талх эмас марг олдида ширин анга,  
Хор эмастур ул гули ширин анга.

Мисли ул зиндондур анда бир шубон,  
Кўргай ул уйқуда боғу бўстон.

Солма бу гоҳи бало, ё Рабб, мани,  
Токи ул гулшан талаб айлар мани.

Қилди ҳақ ул дам дуосин мустажоб,  
Амри ҳақ валлоҳу аълам би-с-савоб.

Ушбу янглиғ хоби хуш кўрган киши,  
Тобти равнақ бешу кам қилғон иши.

Халқ деса гар ўлди мискинни фалон,  
Сан дегил сан зинда, эй ғофилон.

\* \* \*

Ўлмак ўлмасдин бурун амну сафо,  
Айдилар ҳам умматиға Мустафо.

Эй писар, бу пандни ёдингда тут,  
Дедиларким, “муту қабла ан тамуту”<sup>37</sup>.

Кимки ўлмасдан бурун фоний бўлур,  
Умри они жовидон боқий бўлур.

Ўртаса кимки муҳаббатни ўти,  
Ўртамас ул кишини дўзах ўти.

Тангри одилдурки, у золим эмас,  
Аввало куйганни соний ўртамас.

Тарк қилса гар киши ҳайвононият,  
Тобгай ул андин кейин руҳоният.

Авлиё сабри балоға қилғони,  
Оғуни шарбатга ўхшаш тутғони.

Қилсалар ҳар ким бало жомини нўш,  
Баҳри ваҳдатлар қилур кўнглида жўш.

Эй биродар, тунукун ўлтур нафсни,  
В-арна ҳар дам ўлтуру нафсинг сани.

Ул бало жоми бу олам меҳнати,  
Тобтилар ичган кишилар роҳати.

Кимки бу оламда фоний бўлдилар,  
Ул киши жовиду боқий бўлдилар.

31-6

Ул кишиким, нафсу жонидин кечар,  
Ул кишилар жоми боқийдин кечар.

Қилмағил кўнглунгда сан бу сўзға шак,  
Юз туман минг йил агар бўлсанг тирик.

Сан бу сўзни хотиру кўнглунгда тут,  
Айдилар, “ал-авлиёу ло ямут”<sup>38</sup>.

Бўлса ул дил баҳри ишқдин қатра ям,  
Йўқтур ўлмакдин ҳаргиз ҳеч ғам.

Оби ҳайвон улки қилса жонни ҳай,  
Жон улдурки, бақони қилса ҳай.

Эй биродар, нўш қил жоми бақо,  
Қил талаб андин кейин ҳусни лиқо.

Ичмаги ул бодани осон эмас,  
То ани ичмай киши инсон эмас.

Санда то бу нафс бор маҳрам эмас.  
Ким ани ўлтурса номаҳрам эмас.

Жон агар жисмингда бор пур жуш қил,  
Толиби ул жом бўл то нўш қил.

Бўлса ким жоми бақодин беҳабар,  
Сан они одам дема, ул гову хар.

Бадтарин чорпо ул одами,  
Урмаса умрида ишқдин бир дами.

Саъй қил ул баҳрдин, эй мурда дил,  
Зиндадил бўл, зиндадил бўл, зиндадил.

Қил Хароботий, ё Рабб, зиндадил,  
Зиндаларни ҳаққи қилма мурдадил.

\* \* \*

Айди ҳақ сизларга девори биҳишт,  
Йўқту девордек бас хоку хишт.

Ҳар дарахти меваси оби зилол,  
Бир-бириларга қилурлар қилу қол.

Бўйи боғ меваю гул таъсиридин,  
Шаҳ бўлғой сандаги бу заҳру кин.

Ичса ким ул боғдин бир қатра об,  
Тоза бўлғай ҳар тани сутдин ноёб.

Бўлса йўқ шўр сабзалар пайдо бўлур,  
Бўлса йўқ хор жаннат ул-маъво бўлур.

Эй биродар, Арш кони маъдалат,  
Таҳтида бор тўрт баҳри мағфират.

Баҳри ширу баҳри шаҳди жовидон,  
Баҳри хамру Дажлан оби равон.

Оби сабри нек андадур дарёйи об,  
Оби хулқунг андадур чун шири ноб.

Баҳри шаҳд завқи тоотинг эрур,  
Баҳри хамр ишқу ҳолотинг эрур.

Кимда бўлса бу шаҳд кўб баҳралар,  
Тонгла фармонидадур бу баҳрлар.

Бўлса ким бу тўрт сифатда устувор,  
Бўлғай ул жаннатда соҳиб ихтиёр.

Бу сифатларга муҳолиф ул киши,  
Тобмағай равнақ анга равнақ иши.

Ул ўтиким, ўт хашмингдур анга,  
Тушаи нори жаҳаннамдур санга.

Ул киши ҳамсуҳбати ҳамсоқдур,  
Ул кишиларға биҳишт муштоқдур.

Суҳбати ул тандурки, бўлса бегунаҳ,  
Наки саръу носуру ё мошаро.

Бўлсаким суҳбат бу олам ичра тоқ,  
Ҳам сағойир, ҳам кабордин йироқ.

Сихҳати на тан гилни сихҳати,  
Сихҳати дил сихҳати дил сихҳати.

Ул Худоким, Зоҳиру Ботин, Алийм,  
Сихҳати дилни деди қалбун салийм.

Сихҳати ул дил йўқ ширку риё,  
Ҳирсу хашму шаҳвату нафсу ҳаво.

Бўлмаса ул дилдаким, гарду ғубор,  
Ул кўнгил ойинаи Парвардигор.

Кимки нодондур бу сўзлар талх-заҳар,  
Кимки донодур анга шаҳду шакар.

Фаҳм қил бу даҳо ҳашр-нашрдур,  
Ҳар тун марги, ҳар кун ҳашрдур.

Ултурур ҳар жонни ҳар тунда тамом,  
Бириси вақти шом, бириси субҳидам.

Бўлса бу суҳбат агар фаҳмида кас,  
Қилдим изҳор андаки у касға бас.

Эй писар, бўл андаки ҳушёр сан,  
Қил талаб ҳар рўзу шаб дийдор сан.

Бўлса ҳушу гўшт бу овқатни,  
Қилма зое ҳеч бу нафаҳотни.

Нафҳалар қилгай санга ваҳми кетар,  
Бўлмағил албатта андин беҳабар.

Хоҳласа ҳар кимга бергай дину жон,  
Ул бўлур бу олами бехонумон.

Боз қилгай нафҳалар дигар яна,  
Бу атодур дамбадам ҳақдин санга.

Маънийи нафҳини бил, эй ҳамдами,  
Нафҳадур ул гулиларники дами.

Дафъ қил мағзи димоғингдин зуком,  
Токи рийҳуллоҳ келгай бу машом.

Гар кишида бўй йўқтур, бийни йўқ,  
Миллату ҳам мазҳабу ҳам дийни йўқ.

Ул сўзиким, ақли куллдин гул эрур,  
Бўйи мушку атру ҳам сунбул эрур.

Бўйи ул гул бор, аммо гул қани,  
Жўшиши май бор, аммо мул қани.

Токи ўчмас бу чароға бадғуҳар,  
Бўлмагай фатила равған бирла тар.

Эй биродар, бу танинг банди қавий,  
Ташлагил бу кўҳнани оби навий.

Бўлса пинҳон офтобу моҳтоб,  
Етгали манзилга қилгай изтироб.

32-6

Эй писар, бўл андаки бедори хоб,  
Ақлу жонинг офтобу моҳтоб.

Қилма равшанлиқ ичра йўл ғалат,  
То бўлур ўлтургуча манзилга йат.

В-арна қилмас суд ҳасратлар санга,  
Кўб пушаймону надоматлар санга.

Тун қаро, манзил йироқ, юк оғир,  
Раҳзану тўфону маркаб ланг яғир.

Дамбадамдур ўзга дами дам дема,  
Эрта сан манзилга етгайман дема.

Ич давони заъф бўлгондин кейин,  
Нафъ қилмас ичсанг ўлгондин кейин.

Саъй қил бу мавсуми, эй нек рай,  
Бўлса қиш деҳқон зироат қилмагай.

Қил Худонинг амрини умр ўтмастарак,  
Қуввату ҳам ақлу жон кетмастарак.



Сан ғанимат бил бу кунни эртадин,  
 Балки бу дамни кейинги дамладин.  
 Айдим ушбу сўзни фаҳми борға,  
 Қўйма яхши ишни эинҳор тонглаға.  
 Тут бу сўзни дил аро, эй ҳамдиёр,  
 Бўлса таъхир яхши иш офат урор.  
 Ҳақ расул амрин букун сан тез қил,  
 Наҳйи мункардин ҳама парҳез қил.  
 Ушбу амрийларға коҳил бўлмагил,  
 Хоби ғафлат бирла жоҳил бўлмагил.  
 Сан ани шод айласанг бу кун ани,  
 Ул қилур озод ҳар ғамдин сани.

### ТАВБА ҚИЛМОҚНИНГ БАЁНИ ҚИЛИНОДУР

Тавба қил, мардона қўй бу йўл қадам,  
 Дамбадамдур, дамбадамдур, дамбадам.  
 Қилмагунча тавбаға маҳкам шуруъ,  
 Офтоби мағфират қилмас тулуъ.  
 Тавба қилу тавбани мардонавор,  
 Ҳез бўлма ё зани аннонавор.  
 Тавба андоқ қил заминдин то само,  
 Қолмасун бир зарра ё гарди ҳаво.  
 Замин мавжудинггу ҳам ўз вужудинг,  
 Само, яъни дуо ҳам сужудинг.  
 Тавбалиқ ким борса ул дурлар олур,  
 Ҳар на бор мақсудидин нурлар олур.  
 Ҳар хато зоҳирда бор, ботинда бор,  
 Ўлдурур гарду кудурат ҳам ғубор.  
 Гар ҳаво гард ўлса ё абри сиёҳ,  
 Кўрмагайлар ҳеч ким Хуршиду Моҳ.  
 Эй писар, Одам Ато қилғоч гуноҳ,  
 Ул сабабдин тушти ул бу қаъри гоҳ.  
 Ул кишиким, комили иймон эрур,  
 У кишига бу жаҳон зиндон эрур.

Тавбаға қил, эй жувон, бу дам шитоб,  
Шом вақти марги умринг офтоб.

Қўрғай андин олам ул-асрорни,  
Ўзига виру айлағай истиғфорни.

Қилғоч ул жаннатда ногаҳ бир хато,  
Келди бу меҳнатсаро Одам Ато.

Аввало қўймай қадамни пешу пас,  
“Роббано инно заламно”<sup>39</sup> деди бас.

Бўлса ким ул хос Ато фарзандиси,  
“Роббано инно заламно” наъраси.

Ҳақ билан ичган заҳар бу фони(й) жо,  
Яхшироқдур оби ҳайвондин санго.

Завқ бирла бергай ул афъоли тар,  
Мағзи бўлса донадин бўлғай шажар.

Донаи бемағздин бўлмас ниҳол,  
Суврати бежон ҳам фикри хаёл.

Тоати безавқни гар мағзи йўқ,  
Жавздур монанд аммо мағзи йўқ.

Завқи йўқлар кўнгли чун мурдорсанг,  
Айлагач ушбу риё, номусу нанг.

Ҳар кишига тавба ҳам дастур эмас,  
Фазли раҳмат музди ҳар муздур эмас.

Ул нигини тавба ҳар дастега йўқ,  
Завқу шавқи тавба ҳар мастега йўқ.

Бўлмаса то барқи дил борони чашм,  
Қайдин ўчгай бу ўтиким ҳирсу хашм.

Эй биродар, тавба тавфиқи Худо,  
Қилмас ул тавфиқни ҳар кимга ато.

Кимки бу йўл марди ҳам содиқ эрур,  
Ул кишига тавба ҳам лойиқ эрур.

Бу ато андоғ атоедур азим.  
На хато, на саҳв, на хавфу на бим.

Берса ҳақ тавфиқни ҳар пиру жувон,  
Бўлғой ул икки жаҳон ғамдин амон.

Бу жаҳон дарёву тавбангдур кема,  
Кемасиз дарёдин ўтгайман дема.

Истасанг учмоқни бу болу пар,  
Қилмағил жисми вужудингга назар.

Болу пар ҳар иккиси ҳар кимдадур,  
Бири анинг тавба, бири гирядур.

Тавба қилсанг, Тавбани қил чун насух,  
Гиря қилсанг, гиряни қил мисли Нуҳ.

Тавба қилмоқни сан осон дема,  
Қилмагунча тавбани инсон дема.

Тавба жону дил на бўлулуб тавбаси,  
Кундузи исён, шаб-рўз тавбаси.

Сидқ бирлан тавба қил бир мартаба,  
Нафъи йўқ минг мартаба бесидқ деса.

33-6

Бу кўнгул монанди бир гулзордур,  
Маъсият анда дарахти хордур.

Эй биродар, хоҳласанг гулзорни,  
Тез олғил гулдин айриб хорни.

Ким ани олмай бу кун тонгла қўйур,  
Шохию ҳам бихлари маҳкам бўлур.

Эрта сандин ҳиммату қувват кетар,  
Бу дарахт бўлғай улуғ, гуллар шажар.

Юлмасанг хорингни боғдин, эй жувон,  
Бўлғай андин Чангали Мозандарон.

Эй писар, бу пандни жон ичра ол,  
Тезроқ бу хорни боғингдин ол.

Қўшиши бетавба ҳамчун мўшкки,  
Йўқ турур бу сўзда ҳеч борму шаки.

Ул дарахти хор исёнинг сани,  
Боғу гул-гулзор иймонинг сани.

Қилмаса кимни тавбасини ҳақ қабул,  
Гўйиё ҳаргиз гунаҳ қилмабдур ул.

Тавба қилса ким кеча-кундуз дуруғ,  
Нури ҳақдин кўнглига тушмас ёруғ.

Ҳар кишиким, тавбага бедил эрур,  
Рўзи маҳшар суврати табдил эрур.

Қайда кўргай зери гирдоби пур об,  
Нўҳ фалак бўлса тамоми офтоб.

Қилма тавба мисли ғули роҳзан,  
Тавбани қил жону дилда, на забон.

### ҲИЙЛА ВА ТАЗВИР БИРЛА ОДАМЛАРНИ ҲИЙЛА ҚИЛҒОНЛАРНИ БАЁНИ

Бор эди бир бешада ғули роҳзан,  
Учради ногоҳ соҳиб ҳусни зан.

Бор эди бу занни икки мешкиси,  
Бирисида ширу бирда ширниси.

Урди дам бу ғул макри домидин,  
Сўрди ул бечора гуландомидин.

Бу надур мешкиндаги, эй солиҳа,  
Ул деди, элтарман то бозорға.

Деди ғул, оғзини очғил ман кўрай,  
Ҳар наким бозор нархин ман берай.

Очди охир мешкини ул оғзини,  
Кўр бу ғулни макринию фикрини.

Макру ҳийла, доми тазвир бирла ғул,  
Ҳар бирин бир илкига тутдирди ул.

Ётқузуб йўл узра ҳам урён қилиб,  
Ватйи қилди ожизу ҳайрон қилиб.

Тобмади бу макридин зан ҳеч амон,  
Қўйса мешклар оғзини бўлғай зиён.

Тавбалар оғзидаву тан дар зино,  
Айлаб ўзга халқға макри дағо.

Халқ кўруб айтурки, бу ғул тавба дер,  
Қилди лекин дому макру ҳийла пир.

Он ҳама ёлборди бу бечора,  
Тобмади хомушдин ўзга чора.

Охир ул-амр ишни қилди у тамом,  
Офтоб ўлтурди, бўлди субҳи шом.

Бўлди ул ҳолатда зан ҳам ҳомила,  
Қолди бу йўл ичра кетти қофила.

Халқ аро шармандаву расво бўлуб,  
Қолди бу дашт ичра ул итдак ўлуб.

Эй писар, нафсинг эрур ғули залол,  
Сан кўрурсан ул занни соҳибжамол.

Мешк бирини аҳли фарзандинг эрур,  
Бири қилғон жамъи дилбандинг эрур.

Токи мутлақ барчадин кечмас киши,  
Ушбу голийдин амон тобмас киши.

Холи(й) бўлса эрди хотунни қўли,  
Қайда қилғай эрди ватй у ғули.

Эй жувон, тез қил иликингни халос,  
Ўт саломат йўлдину бўл ёри хос.

Бор дурур бисёр ғулар бу йўли,  
Тегмагай жисмингга номаҳрам қўли.

Ҳомила қилғон санингда маъсият,  
Қофила кетган бу йўллардин сиҳат.

Бўлма ул хотунға ўхшаш, эй писар,  
Истагил андин халос бўлмоқға йўл.

Ул сани бечораву гирён қилиб,  
Ватйи қилғай ожизу ҳайрон қилиб.

Толиб агар бўлса жон қурбон қилур,  
Бор табиб бу дардга дармон қилиб.

Жон фидо қил рўзу шаб истаб ани,  
Ул киши қилғай бу иллатдин бари(й).

Эй писар, гар санда бўлса жону дил,  
Чора қил ё чорагарни истагил.

То дегай эрдим санга бир нукта ман,  
Ушбу йўл ичра ҳануз нопухтаман.

Бўлма майи жаҳл, эй нодон йигит,  
Даҳм қил ё қилмагил мандин эшит.

Истасанг озодлиғ икки жаҳон,  
Тез умр ўтмасда бўл бехонумон.

Дўст тутмоқ иккини ло йажтамаъ,  
Қилмагил дунёву маъводин тамаъ.

Икки-уч мешк икки оламдур ҳама,  
Икки дўстлирларни сан одам дема.

Фули раҳзан нафс Шайтондур санга,  
Бору ҳамлинг фисқу исёнду санга.

Ташлагил мешкиңгни илкингдин йироқ,  
Ташламай бўлмас бу йўлда тумтароқ.

34-6

Бўлса ул дил иккини андешаси,  
Ул кўнгулдур нафс Шайтон пешаси.

Дўст тутган иккини тавҳид эмас,  
Икки олам ичра ул тажрид эмас.

Эй Харобот, истасанг дийдори ёр,  
Иккини меҳрини кўнгилдин чиқор.

### АВЛИЁЛАРНИ СУҲБАТЛАРИНИ БАЁН ҚИЛИНУР

Хоҳласанг ўлтурғали Аллоҳ била,  
Бориб ўлтур Тангрини аҳли била.

Бўлма сан суҳбатдин ҳаргиз бас йироқ,  
В-арна “анта ҳоликун ҳоза-л-фироқ”<sup>40</sup>.

Бўлса ҳар ким авлиёлардин йироқ,  
Бўлғай ул таҳқиқ Аллоҳдин йироқ.

Ҳар кишиким, авлиёдин дурдур,  
Ул кишиларнинг дили бенурдур.

Вой ул дил бор на хавфу дуки,  
Мисли уй на эшиги бор туйнуки.

Бўлса дониш, фаҳму ақлу ҳушёр,  
Иста бу суҳбатни то жон танда бор.

Кимиёгардур ҳама бу тоифа,  
Қилмагил густоҳу ё мутойиба.

Барчаларни сўзлари ҳақни сўзи  
Ноиби ҳақдур ҳама ҳақни ўзи.

Хосларға ойна хишт ойна,  
Анда кўргай ёрни ҳар ойна.

Ҳар нима бу олами фонийда бор,  
Хос манзурида ул ойинавор.

Бўлса ҳар на бу жаҳон болову паст,  
Суврати нақшу нигору жисми хаст.

Гар сияҳ дев бўлса ё ҳуру биҳишт,  
Олдида яксон уларни қунжи зишт.

Ақлимиз бу сирриға гумроҳдур,  
Қуллиға ойинаи Аллоҳдур.

Авлиёлар жумласи хосони ҳақ,  
Ҳар дами ҳақдин олур дарсу сабақ.

Ҳақ буларға ўз сифотидин бериб,  
Хоҳлаган вақтида қилди анқариб.

Сан дема ул дами сони дами,  
Бешаку берайб Аллоҳни дами.

Исодек юз минг Муҳаммад уммати,  
Бордур ҳар гўша соҳиб давлати.

Бир назарда хокни олтун қилур,  
Ҳар неча муфлисни ул мамнун қилур.

Урсалар ул хослар гар бир дами,  
Тиргизур минг йилғи бўлса мурдани.

Аршдин то фаршга маълум анга,  
Ҳеч нимарса йўқки номаълум анга.

Эй писар, сан анда хуш нийятда бор,  
Ҳар муроду мақсад ул суҳбатда бор.

Ҳар неча бемор бу суҳбат бордур,  
Бўлса юз йилғи мараз сиҳҳат бўлур.

Ул маразким, дилда сахт доим бўлур,  
Борса суҳбат сиҳҳату солим бўлур.

Ул маразларким, давосиз санда бор,  
Бир назарда барчаси сандин чиқор.

Бас эрур бир қатла солса кўз санга,  
Хоҳ дегил, хоҳ демагил, маълум анга.

Ҳар кишиким, авлиёлардин қочар,  
Бошиға лаънат малойиклар сочар.

Ҳар неча қилсанг ниҳон андин агар,  
Ҳам дилу саррингдин улдур бохабар.

Хоҳдин то куҳ бўлса неку бад,  
Барчадин огоҳдур Абд ус-Самад.

Истасанг бордур кароматлар ани,  
Ҳам ривоёту ҳикоятлар ани.

Тиғи бурродур далил тези азим,  
Бул бу суҳбат тоадаб қил хавфу бим.

Бул базохир мурдаву дил зиндавор,  
Ҳар румузу рамзға бўл ҳушёр.

Шаҳри дилдан шўҳратинг машҳур бўлур,  
Ҳам дину дунёлиғинг маъмур бўлур.

Урма бу суҳбатда ҳаргиз ҳеч дам,  
Кўр ўзингни барча камлардину кам.

Қилғай ул соҳибназар шояд назар,  
Оҳ деб ўлтурсанг анда чашми тар.

Ким қабули хос ул мақбули ҳақ,  
Берди бу дарсимни устодим сабақ.

Гар палид тушса намакзори амак,  
Бир неча кундин кейин бўлғай намак.

Бўлса ит доим ҳузури авлиё,  
Оқибат ул ит бўлур ҳам авлиё.

Тут бу сўзни дилда маҳкам, эй каё,  
Хокипойи хари Мусо тўтиё.

Англағил асҳоби Қаҳфники, ити  
Хос бирла хос бўлуб ўчмас оти.

Яна бир итки бўлди жаннати,  
Шайх Нажмуддини Кубронинг ити.

Бунда бўлғил бандаи Аллоҳға,  
Наки ҳар мардуду ҳар гумроҳға.

Бул йироқ мурдорхор гумроҳдин,  
Ол хабар бедори ҳар огоҳдин.

Кимки бу оламда бўлса нафъвар,  
Ул киши икки жаҳон хайр ул-башар.



35-6

Берса нафъ молу ё ҳам нонидин,  
Ё дину мазҳабу иймонидин.

Пуст нафъ молу ҳам нон нафъидур,  
Мағз нафъ дину иймон нафъидур.

Истагилу истагилу истагил,  
Истагунча нон иймон истагил.

Маънийи Қуръон бу, эй пиру жувон,  
Нафъи куллий ушбудур икки жаҳон.

Истама сан нон ё ҳури жинон,  
Истагил дийдор бўл соҳибқирон.

Ман талаб васлини қилдим рўзу шаб,  
Баҳри дил дар жуш, аммо хўшкилаб.

Бу талаб мифтоҳи матлубим эрур,  
Тўъмаи жоним номи маҳбубим эрур.

Иста, эй дил, иста, эй дил, истагил,  
Ҳар дами сан андин умид истагил.

Бордур ҳар кишига ҳақни сояси,  
Мисли бу зотинг Худони сояси.

Ҳақ деди, эй пардаи ғафлат, бабин,  
Ман санга ул раги гардандин йақин.

Печитоби пардаи ғафлатдасан,  
Ҳурду хоби неъмату ишратдасан.

Сан агарчи кўрмасанг асло мани,  
Ман кўрурман рўзу шаб доим сани.

Ҳарна мавжудики бор маълум манго,  
Мунтаҳийдин токи ул таҳт ас-саро.

Ҳарна пушида манга пинҳон эмас,  
Билмасам мундоғ санга иймон эмас.

Заррани Хуршид олғай то само,  
Коҳни ҳар ердин олғай қаҳрабо.

Бўлса оҳанни олур оҳанрабо,  
Ман ҳам айтурманки, эй бандам биё.

Рўзу шабда уч юз отмиш ман санга,  
Кўз солурман ҳеч боқмассан манга.

Ман десам ҳар дам сани кел, кел бери,  
Сан қочарсан рӯзу шаб мандин нари.

Йўқ турур шарминг сани, эй беадаб,  
Мунтазирман рӯзу шаб келгайму деб.

Қайда бор мендек санга бир меҳрибон,  
Мандин ўзга ҳарна бор номеҳрибон.

Сан агар якбор ёд этсанг мани,  
Шул замон сад бор ёд этгум сани.

Айласанг бир мартаба хизмат манга,  
Ман берурман юз туман неъмат санга.

Ҳеч ҳаёву шарму ғайрат қилмадинг,  
Ўтти умринг яхши хизмат қилмадинг.

Мандин олдинг неча кўб эҳсонини,  
Айладинг бегоналар фармонини.

Эмди сан бу уйқудин бедор бўл,  
Истагил ҳар дам манга тобмоқға йўл.

Ғам ема, эй банда, ғамхорингдурман,  
Икки оламда вафодорингдурман.

Тобмасанг кундуз манга фурсат агар,  
Шаб келай ҳар шабда бўлғил бохабар.

Истасанг мани ман истарман сани,  
Жону дил бирлан мани истар қани?

Хоҳ пок бўлғилу хоҳи палид,  
Бўлмағил ҳеч вақт мандин ноумид.

Ғар киши ёстонса бу дарвозани,  
Шоҳ кўргай оқибат чиқиб ани.

Олса чоҳидин киши ҳар дамда хок,  
Охири чиқғай бу чоҳдин оби пок.

Чекса кўб ким ранж ул ганж топар  
Кимки жаҳде қилса ул важди топар.

Бўлса ҳар ким ғарқ ул ҳайрони жон,  
Ҳар гиёҳени тутар бўлсам амон.

Келса қўлға бу хатарда ҳарнима,  
Жонидин беҳроқ ул тутган нима.

Дўст сўргай ҳоли дўст ошифтадин,  
Кўшиши беҳуда беҳдур хўфтадин.

Эй писар, ол “фазкуруний”<sup>41</sup>дин хабар,  
Зикр қил тун-кун сабо, шому саҳар.

Англағил бу пандларни, эй Қуёш,  
Жонни бер, остонасидин олма бош.

Англағил бу пандни , эй ноҳудо,  
Борду(р) мундоғ воқеа чандон тўла.

Бўлса рад ҳар кимки аҳлуллоҳдин,  
Рад эрур ул одамий Аллоҳдин.

Эй писар, иш қил булар қилсун писанд,  
Қилма ул ишким булар қилмас писанд.

Жустужў қил, жустужў қил, жустужў,  
Ушбу суҳбатлардин олғил ранги бў.

Ҳеч вақт хос эшигидин эгма бош,  
Ёрса гар бошингга тиру хишту тош.

Қўйса хос эшигиға гар бошни,  
Кўргузур охир Худо дийдорини.

### **БУ ФАСЛДА ЯМОННИ СУҲБАТИНИ ШУМЛИҒИНИ БАЁНИДУР**

Вой ул суҳбати ямонни суҳбати,  
Икки олам жону дилнинг офати.

Кимки ёри бадга гар маҳрам бўлур,  
Ул киши тўрт нафъдин маҳрум бўлур.

Мори бад ниш урса бўлғой тавбаку,  
Ёри бад ниш урса қилмас ҳойу ҳу.

Мори баддин ёри бад бадтар эрур,  
Бул заҳардин ул заҳар хуштор бўлур.

Мор агар ниш урса тан нуқсон кетар,  
Ёри бад ниш урса ул гумроҳ кетар.

Мори бад ниш урса саҳл заҳмат санга,  
Ёри бад ниш урса йўқ жаннат санга.

Мори бад ниш урса тан нуқсон бўлур,  
Ёри бад ниш урса дин нуқсон бўлур.

36-6

Эй писар, бу суҳбати баддин йироқ,  
В-арна ул қилғай сани ҳақдин йироқ.

Ҳар нима ўз жинси бирла суҳбати,  
Йўқ турур ит бирла қўйни улфати.

Англағил бу пандни, эй чорасоз,  
Бўлмағай ҳамжо кабутар бирла қоз.

Қилма суҳбат мурдадил бирла қарор,  
Ҳеч анда лаззати тобмас барор.

Эй жувон, қил зинда бирла суҳбати  
Қилғил андин ишрати ол лаззати.

Суҳбати қил зиндаи бо комила,  
Зиндадин қилғил ўзингни ҳомила.

Ишрат улдур, яъни суҳбат лаззати,  
Ҳамл ҳақни нури фазлу раҳмати.

Истагил суҳбатга бир мардонани,  
Наки ҳезу ё зани аннонани.

Эй писар, сан марду ё номардсан,  
Мақсадим эрмас мани сандин бу тан.

Бир савол айлайки, бўлғил хушёр,  
Хотун ол ё эрни қилғил ихтиёр.

Мардлик бу решу сувратдин эмас,  
Ё либосу фаржу олатдин эмас.

Шайх Шайтон золими маккорадур,  
Оқибат ул шайхлар юз қорадур.

Ҳарфи дарвишларни чандон ёд этар,  
Макру дому ҳийлалар бунёд этар.

Ул сухан бобида мисли Боязид,  
Оғзида оёт, лекин дил Язид.

Йўқ турур бу сўзда ҳеч хилоф,  
Мислу бир тиғи чўбин дар филоф.

Вақти жанг ҳар тиғлар пайдо бўлур,  
Тиғи чўб шармандаву расво бўлур.

Бўлса ҳар кимники тиғи чўбдин,  
Ўқутулмас зинда ушбу ҳарбдин.

“Анситу”<sup>42</sup>ни фаҳм қил, комуш бўл,  
Ташналаб бўл онча дарё нўш бўл.

Истагил ул шайхи ҳақни тез-тез,  
Неча бўлсанг ташна андин рез-рез.

Ул сани шаб-рӯз ҳамроҳинг эрур,  
Бўлса ул ёр Худо ёринг эрур.

Раҳбар улдур бўлса эркак ё тиши,  
Йўлнию манзилнию кўрган киши.

Раҳбар ул раҳбардур, раҳбар,  
Раҳзану хавфу хатардин бохабар.

Бўлса шайхи хос ҳам пирнинг қўли,  
Айбга кутуҳ эмас сирнинг қўли.

Бу йадуллоҳ қўлидир қўли Худо,  
Ўз қўлум деб ўз қўлин қилмиш ато.

Ул кишиким, ғайбдин хуштар эрур,  
Кимки ҳозир ғайбдин беҳтар эрур.

Пухта сан бўлғил тағаййурдин йироқ,  
Бўлмағил бу суҳбати нурдин йироқ.

Кечса ҳар ким жонидин жонон бўлур,  
Икки олам халқиға султон бўлур.

Ҳарна бу рўйи заминда авлиё,  
Барчаси ойинаи зикри Худо.

Сайқали қил бир неча кун сийнани,  
Жаҳд бирла соф қил ойинани.

Бўлса гар ойинада зангу ғубор,  
Анда кўрмас ҳеч ким дийдори ёр.

Дарду ғамдин ўзгани ёр айлама,  
Дарддин ҳар кимга изҳор айлама.

Оҳдин ҳам тийра бўлғай ойина,  
Оҳ деб дам урма кўб ҳар ойина.

Ҳосили бу йўл ҳама ғам бирла дард,  
Қилмасанг бир оҳи гарму оҳи сард.

Мард улдур дард анга ҳосил бўлур,  
Тангрини дийдориға восил бўлур.

Ушбу йўл бедард ким, бо дард ким,  
Тангри билгай мард ким, номард ким.

Зоҳири бу дард меҳнатдур ҳама,  
Ботини роҳату раҳматдур ҳама.

Ушбу меҳнат зоҳири оғу заҳар,  
Ботини қанду асалдур ҳам шакар.

Мунис бу даҳр аро кўр охират,  
Номи ҳақдур, номи ҳақдур, номи ҳақ.

“Мо сақоҳум роббуҳум”<sup>43</sup> келгай хитоб,  
Ташнага, валлоҳу аълам би-с-савоб.

Ким ани истар ҳам ул истар ани,  
Истасанг они ҳам ул истар сани.

Ташна бўлса ул киши жўёйи об,  
Ташнага бу об ҳам дар изтироб.

Ул талаб чун ресман бўйнингдадур,  
Хоҳи ўлтур, хоҳи ёту, хоҳи бор.

Ресмонни бир учи онингдадур,  
Бир учи маҳкам сани бўйнунгдадур.

Бўлса гарданда умидни риштаси,  
Ёки йўқ бўлса жаҳон андешаси.

Тушса ҳарчанд фони(й) савдо бошиға,  
Оқибат тортар ани ўз қошиға.

Бўлса ҳар ким неча йўл қилгон ғалат,  
Ҳар неча жинсини истар оқибат.

Гар малолу гар шитобанда эрур,  
Оқибат жуянда ёбанда эрур.

Хоҳ дунё бўлсун, хоҳ қасди дин,  
Оқибат ҳар ким топар ўз мақсадин.

Ким Худодин ўзгаларни ёд этар,  
Ул Худо бу нарсадин барбод этар.

Барчалардин Тангри қудратлиғ эрур,  
Нози истиғнову ғайратлиғ эрур.

Айдилар пайғамбари охир замон,  
“Ал-ҳарисуна маҳрумун”<sup>44</sup> бидон.

Қилса ким ғайр аз Худоға ҳирслиғ,  
Ул эрур рубоҳу гўргу хирслиғ.

Бўлса ҳар ким ҳирси бир нарсага бор,  
Ҳақ ани ул нарсадин маҳрум қуёр.

Айдилар ёд эт муҳаббатдин ани,  
Сақлағай дунёву меҳнатдин сани.

### ШАЙХИ ЗАМОН ВА ШАЙТОННИ БАЁН ҚИЛИНУР

Шайхи Раҳмон халқни огоҳ қилур,  
Шайхи Шайтон халқни гумроҳ қилур.

Бўлса нур ул шайх эрур соҳибқирон,  
Нафъ олғой ондин ҳар пиру жувон.

Шайх бўлғой мисли абр бирла баҳр,  
Нафълар олғай анингдин хўшқу тар.

Шайх ҳавзу чашма ё дарё, булут,  
Нафъи бор ҳайвон, наботот то ба ҳут.

Бўлмаса гар шайхда файзу футуҳ,  
Йўқ ани жисмида ғайр аз нафсу руҳ.

Бўлса ҳар чанд одами ёшу қари,  
Бордур ҳар бирнинг икки раҳбари.

Бириси йўл бошлар анга бору самар,  
Бириси йўл бошлар анга нору сақар.

Шайхи Раҳмон неъмат Аллоҳ эрур,  
Шайхи Шайтон лаънати Аллоҳ эрур.

Ул кишилар эрса нўҳ афлокда,  
Юрмаги душвор эмасдур хокда.

Бўлса мундоғ шайх ул маъсумдур,  
Ҳарна ҳоли сирридин маълумдур.

Ушбу шайх ҳақни атосидур ҳама,  
Йўқ қилур элни хатосини ҳама.

Шайхи танпарвар ҳама шайхи ҳаво,  
Феълу зикру фикридур макру дағо.

Шайхи жонпарвар ҳама шайхи Худо,  
Ҳар кишини дардиға қилғай даво.

Шайхи ҳақ завқ бирла на хуру хобдур,  
Баҳри ваҳдат ичра ул ғарқобдур.

Шайхи Раҳмон ҳоли мустағрақ эрур,  
Шайхи Шайтон ҳоли мустафрақ эрур.

Шайхи Раҳмон оқилу ҳушёр этар,  
Шайхи Шайтон мажнуну бемор этар.

Шайхи Раҳмон Тангриға маҳрам қилур,  
Шайхи Шайтон кишини номаҳрам қилур.

Қилди маъсум шайх Раҳмонни Худо,  
Қилди фаэлу ҳам карам, лутфу ато.

Хуллаву хилъатга ул муҳтож эмас,  
Суҳбати ҳақдин даме ихрож эмас.

Суврати бу олами фонийдадур,  
Сийрати ул олами боқийдадур.

Олса хўйидин ани ҳар кимки хўй,  
Бўлғой ҳар икки жаҳонда обрўй.

Ҳарна хўйи, феъли бу огоҳнинг,  
Обрўйи туҳфа бу гумроҳнинг.

Нафъ мундоғ шайхдин кам нуктадон,  
Ул киши олмиш эрур ганжи ниҳон.

Бир оти они валий уд-давлатайн,  
Бир оти они имом ул-Қиблатайн.

Шайхдин ҳар кимки хўйи ҳақ олур,  
Нур бўлуб ҳам то шаби мутлақ бўлур.

Жон фидо қил, ол бу шайхдин маънилар,  
Доғи ҳасрат бирладур бемаънилар.

Жаҳд қил то мастийи нуроний бўл,  
Очилур тақлиддин таҳқиқ йўл.

Улки тақлиддин муҳаққиқлар жудо,  
Барчаси суврат эрур, маъни Худо.

Кори мардон халқу жуду раҳмлиқ,  
Кори дунон ҳийлаву бешармлиқ.

Музди тоат неъмат дор ус-салом,  
Музди меҳнат талъати ҳусни давом.



Толиби дийдорсан икки жаҳон,  
Қилмағил андешаи ҳури жинон.

Қилмағил сан икки дунёдин тамаъ,  
Бу учи бир-бирига ло йажтамаъ.

Ё Илоҳий, “анта аллом ул-ғуёуб”<sup>45</sup>,  
Ман ҳама аҳли жаҳон кони уёуб.

Жумла айбни пушида қил мағфират,  
Ҳам бу олам ичраву ҳам охират.

Эй Хароботий, санга бу пастлиқ,  
Андин ўлди санда эрди ҳастлиқ.

### ПИР ОЛДИДА МУРИДНИНГ ОДОБИ БАЁНИДАДУР

Ман тиларман Тангридин тавфиқ адаб,  
Беадабга йўқту(р) мутлақ лутфи Рабб.

Беадаб танҳо на ўзни куйдурур,  
Балки бу жумла жаҳонни куйдурур.

Ул гуруҳики адабдан қочтилар,  
Тухми исённи жаҳонга сочтилар.

Ким адабдан қилса гар пўшида рўй,  
Ул кишидин тез кетгай обрўй.

Қилса ким номардлик гар ушбу йўл,  
Душмани мардонадин номард ул.

Ул ҳузурӣ мажлиси соҳибдилон,  
Чизе олғил баҳра, эй беҳосилон.

Беадаблиғ пеши ул хосони шоҳ,  
Ҳам олур дил, ҳам бўлур номанг сиёҳ.

Гўфтуғуӣ ошиқон ҳар рўзу шаб,  
Жўшиши ишқдурки, наздики адаб.

Пеши халқ кирдори ошиқ беадаб,  
Пеши Холиқ сарбасар дар кори Рабб.

38-6

Ҳар даме бўлсанг адаблиғ, эй амак,  
Йўқ ҳақиқат бо адаб сандин бўлак.

Лавҳи маҳфуз бўлса ҳар ким олдида,  
Келгай андин дамбадам ваҳӣи Худо.

Панбани олмай қулоқи ҳусндин,  
Бўлмағай ваҳйи анингки ҳусндин.  
Эй биродар, субҳу шому рўзу шаб,  
Жисми дил, жон бирла қил фармони Рабб.  
Тобсанг ул асҳобни хомушнишин,  
Қилмағил ул ҳалқада ўзни нигин.  
Урма дам то дам урар бу дамда руҳ,  
Суд қилмас ошно дар кишти Нуҳ.  
Жамъи дил қил жамъдин раҳмат эрур,  
Тафриқа ҳар вақтда заҳмат эрур.  
Ул сўзиким, покдур, кўнглидадур,  
Келмас ул то кетмагунча асли нур.  
Ул фусуни дев бу дилҳойи каж,  
Гўйиё бу кафши каж ул пойи каж.  
Ким дегай бу халқ бириси зинда йўқ,  
Толиби оби ҳаёт ҳеч мурда йўқ.  
Ташна доим обға жуяндадур,  
Бўлса воъиз мурдаги гўяндадур.  
Бўлса ҳар ким ваъзи ваъиздин малол,  
Бўлғай ул ҳолатда воъиз гунгу лол.  
Ҳар нимаки хўбу хуш зебо дурур,  
Азбаройи дидани бийно дурур.  
Йўқтур бу уйда бир равшан замир,  
То дегай эрдим анга аҳволи сир.  
Бор лабимда қулф, дилда розҳо,  
Лаб хамушу дилда кўб овозҳо.  
Кимки қилди жоми ҳақни нўшида,  
Қилди маҳкам сирри ҳақни пўшида.  
Сирри ҳақ ҳар кимга бўлмас ўргатиб,  
Шарти бу улдур ани лабдўз ютиб.  
Ким алар айтганни андак қилса во,  
Сочгай ул дам қонини жаллоди шо(ҳ).

## ҲИКОЯТ

Подшоҳни бор эди бир ходими,  
Қилмаб эрди ҳеч вақт маҳрам ани.

Субҳу шом хизматда эрди рўзу шаб,  
Ўзгалардин бо тавозуъ, бо адаб.

Қилди ҳар хизматни ҳам бо дил ба жон,  
Ҳеч хизмат қолмади ул қилмағон.

Хизмати бисёр қилди беҳисоб,  
Барча қилғон хизмати хайру савоб.

Бир куни шоҳ айди, эй ходим, биё,  
Бул мани олдимда қўб маҳрам саро.

Охир ул-амр анга хилъатлар бериб,  
Қилди они сиррига шоҳ анқариб.

Қилди бу инъоми шоҳ ходимни маст,  
Шоҳни манзурида ё несту ҳаст.

Душмани шаҳ бирла бўлди ошти(й),  
Йўқ эди лекин ани бардошти.

Фош қилди шаҳ сирин агёрға,  
Буюрди шаҳ ани ос деб дорға.

Айлади торож ҳам форат ани,  
Ўрта деб, балки ҳамин соат ани.

Бўлмаса мақсуду будур, эй ўғул,  
Зинҳору зинҳор лаб баста бўл.

Бу масалдин бўл сан ҳам омухта,  
Фош қилма сирни бўл лаб духта.

Эй писар, ул сирдин доим огаҳ сан,  
Раҳму ҳушу зийракий тарк айла сан.

Ушбулардур сайди асрори Худо,  
Ақлу дониш, зийракий фаръи ҳаво.

Бўлса кимда фаръ бу нафсу ҳаво,  
Фаръ аслисидур асрори Худо.

Истагилу истагилу истагил,  
Сирри ҳақ нўш айлагонни истагил.

Тоб ани, туту доманин юргил бу йўл,  
Ҳамчу Мусо Хизрнинг амрида бўл.

Ҳар киши мақсудини сирдин топар,  
Ҳарна равшанликға зулматдин чиқар.

Тобсанг андоғ пирни таслим қил,  
Рўзу шаб дил-жон била таъзим қил.

Толиби дунёға бу маъво ҳаром,  
Толиби маъвоға бу дунё ҳаром.

Истаса ҳар кимки дийдори Худо,  
Бас ҳаром дунёву ҳам маъво анго.

Қилса мундоғ фикр, эй харгўш хоб,  
Бўлмағай бир жамъ хоку ўту об.

Ул кишиким, толиби дийдордур,  
Дунёву жаннат анга мурдордур.

Бўл бу олам сан гўрисно, хўшкилаб,  
Қилмағил дунёву уқбони талаб.

Дарду меҳнат ҳосили кавну макон,  
Сабру бардош айла, бўл соҳибқирон.

Кони маъдандурки, ул ганжи Худо,  
Бу калиди ганж эмас андин жудо.

Бўлса дард бандаи Аллоҳға бас,  
Ул кишини Тангри расво айламас.

Хўшк бўлғай қаҳридин дарёву жў,  
Мушк бўлғай меҳридин саргину гўв (гов).

Қўллари бу фирқани мифтоҳу ганж,  
Хоки пойидур ҳама доруйи ранж.

Ҳеч ганж бемору гул бехор эмас,  
Ҳеч ким беғам шубу бозор эмас.

Ганж гавҳарким, қўёрлар хонада,  
Ганжлар пўшида бу вайронада.

39-6

Эй писар, жисмингни сан урёна қил,  
Бу фано кўйлокини вайрона қил.

Кимки мутлақ ўз-ўзин вайрон қилур,  
Ганжини вайронада пинҳон қилур.

Ташла кўнгилдин бути бегонани,  
Истагил вайронадин парвонани.

Бордур кўнглунгда чандон бутларинг,  
Бор анга шаб-рўз хизматларинг.

Эй дили, бу сўзни яхши англағил,  
Бутни синдурғон киши бўлғай халил.

Истасанг бўлмоқни доим ёри ҳақ,  
Шайхи ҳақ олдида қилғил кори ҳақ.

Эй дориғо, тобмадим ман шайхи ҳақ,  
Олғой эрдим кошки андин сабақ.

Истадим ман онга оламини юруб,  
Қилмадим изҳор айбимни кўруб.

Айб улдур кибру пиндору ғурур,  
Кўрди ҳар жо шайх ҳақ қилди нуфур.

Шайхи ҳақдин сўрсам айтур, эй жуҳҳол,  
Ҳимматинг пастдурки, тобмассан камол.

Ҳар кишиким, сирриға таслим қилур,  
Сирри таслимдин кейин таълим қилур.

Шарти таслимдурки, на кори дароз.  
Кимки таслим қилса бўлғай сарфароз.

Бўлма пир олдида нозик шиша дил,  
Ҳам яна суст бемаза чун обу гил.

Ойина чирк ўлса бор сайқалғари,  
Дил агар занг ўлса пир сайқалғари.

Эй биродар, сабр қил бу дарди неш,  
Дафъ бўлғой захми нафсу кибри кеш.

Кори шайтондурки, қилмоқ изтироб,  
Лутфи Раҳмондурки, сабру ижтиноб.

Ижтиноби сабр таълимдур санга,  
Ҳар замон Аллоҳ маълумдур санга.

Бўлса лашкар анда бир сарвар бўлур,  
Қавми бесарвар тани бесар бўлур.

Пир жонға ойинадур дамбадам,  
Сан рухи ойинаға ҳеч урма дам.

Улки ҳақдин тобтилар бас ваҳйи хоб,  
Қилғон ҳар амри анинг айни савоб.

Етмагай фаҳминг анги ҳам ақли ман,  
Қилмағил амриға ҳаргиз шакку занн.  
Тифлни ўлтурса Хиэри номвар,  
Сирридин огоҳ эмасдур оmlар.  
Тут аники доманин чолоку чуст,  
Бўлмағил албатта сан заъфноку суcт.  
Қўри модарзодни бийно қилур,  
Суфлни бир дамда сафоли қилур.  
Сарбасар кўрсанг ажойиб корлар,  
Қилма ҳар кориға сан инкорлар.  
Кемани синдурди деб бўлма малул,  
Сирридин воқифдур ул нек хусул.  
Учраса оламда олий ҳиммати,  
Берса заҳрини дегил жон шарбати.  
Олса бир нонингни ул минг нон берур,  
Олса бир жонингни ул минг жон берур.  
Ул сангаву барчага роҳбар эрур,  
Қилса ҳар ким имтиҳон ул хайр эрур.  
Сирни ҳар кимки қилса имтиҳон,  
Ботини кўр бўлғусидур бегумон.  
Сан на билгайсанки, хайру шарни,  
Имтиҳон ўзни, андин ўзгани.  
Имтиҳон қил ўзни, бўл равшан замир,  
Ўзгани қўй, ўзни билгил, йўлга кир.  
Қилди Иброҳимни Намруд имтиҳон,  
Ул сабабдин бўлди дўзах жовидон.  
Санки, саргинсанму ё ғайримусан,  
Ёки мўъминсанму ё кофирмусан.  
Эй писар, бу сўзға қўб тасдиқ қил,  
Бориға ўзингни сан таҳқиқ қил.  
Ё шутурсан ёки мурғи доначин,  
Ёки Рум фарзанди ё фарзанди Чин.  
Ё шакарсан ё заҳарсан, эй жувон,  
Сан ўзунгни яхши қилғил имтиҳон.  
Қилмағил ҳеч кимни ҳаргиз имтиҳон,  
Токи бўлғойсан бу олам заъфидон.

## ҲИКОЯТ

Бор эди бир кўри модарзоди хаб,  
 Толиби Хизр эрди доим рўзу шаб.  
 Қайдасан, эй Хизр пайғамбар, биё,  
 Хоки пойинг айласам ман тўтиё.  
 Гар муяссар бўлса пок ул доманинг,  
 Бўлса бу кўр кўзларим равшан манинг.  
 Зикри кўр бу эрди тун-кун доимо,  
 Келди бир кун олдиға шайтон дағо.  
 Айди, эй кўр, эт мақсудингни сан,  
 Сан талаб қилғон ҳамиша Хизр ман.  
 Айди кўр, эй Хизр, доман бер қўлум,  
 Кўзларим суртуб кўрай ман бир йўлум.  
 Толиб эрдим неча йилдин рўзу шаб,  
 Бу замон келтурди сани фазли Рабб.  
 Берди кўр илгига шайтон доманин,  
 Сур кўзингға бўл бу ғамлардин эмин.  
 Олди доман, сурди кўр кўзга ани,  
 Бўлди бу кўр кўзлари Чўлпон каби.  
 Айди Иблис, эй дариф Иблисман,  
 Соҳиру макқору пўр талбисман.  
 Улки, доман пок эмас эрди сани,  
 Манки, сурғон доман эрди Хизрни.  
 Кетти Иблис дарди доғи жон била,  
 Қолди кўр бийно бўлуб хандон ила.  
 Бўлди фориф кўр бу ханносдин,  
 Тобти кўр мақсудини ихлосдин.  
 Ҳар амал ихлоссиэ безээътибор,  
 Барчадин бу йўлда ихлос эътибор.  
 Эй биродар, тарк қил шайтоният,  
 В-арна сан шайтон бўлурсан оқибат.  
 Пир агар заҳр ичса ул шаҳди бўлур,  
 Сан агар шаҳд ичсанг ул заҳр бўлур.  
 Комили гар хок олса зар бўлур,  
 Ноқиси зар олса хокистар бўлур.

40-6

Комили куфр олса ул миллат бўлур,  
Олса миллат ноқиси иллат бўлур.

Ул кишиким, бўлса бу йўл покбоз,  
Қилғон ҳар феъли ани айни намоз.

Кимни қилса халқға ҳақ раҳнамо,  
Дасти ул ҳар корға дасти Худо.

Қилма айб сан бандайи Аллоҳни,  
Киргизур ҳақ йўлга ҳар гумроҳни.

Урса кўл дарёға гар ёди била,  
Йўқ бўлур ҳавз бихи бунёди била.

Сан бихиштда хор-хасни истама,  
Ой юзидин нуқсу айбни истама.

\* \* \*

Англағил бу пандни, эй оқсоқол,  
Барчадин яхши билиб, жон ичра ол.

Ўтти умринг қилмадинг бир хулқи хуш,  
Қадди дутову мўсафиду рўтуруш.

Оқсоқолиғ реш оқлиқдин эмас,  
Оқсоқолиғ заъфи соғлиқдин эмас.

Оқсоқол улдурки, бўлса кўнгли оқ,  
Бўлса ул Руму Чин ё Шому Ироқ.

Мўсафидлиқ бирла бўлмас пир,  
Нури ҳақдин бўлса ул равшан замир.

Англағил бу пандни, эй аҳмақ бобо,  
Риш сафиду дил сиёҳу қад дуто.

Тобгани йўқ ҳеч ким маргдин амон,  
Сарвидек қаддинг бу кун бўлмиш камон.

Жаҳдлар қилсанг бу нур рахшон бўлур,  
Ҳам бу йўл мушкиллари осон бўлур.

Эй бобо, сан саъйу кушиш қилмадинг,  
Мисли ўчган ўтни сан ёндурмадинг.

Қор учун келтурди одам хайлини,  
Солди кўнглиға анингки майлини.

Ёки майлинг бордур сўзи мубин,  
Гирялар қил, бўлмағил ҳеч дам эмин.



Қўр агар майлини бор суйи само,  
Пири давлат воз қил ҳамчун жо.

Қасд қил аслингга бу суду зиён,  
Нафъ йўқ жонингга, эй нодон, бидон.

Бўлса санда фаҳму ақлу тамиз,  
Боздек парвоз қил аслингга тез.

Гар само бормоқға бор аслинг сани,  
Анда ул руҳоният феълинг сани.

Дард ила ҳимматда қилғил болу пар,  
Ушбу меҳнат жойидин боло бипар.

Эй амак, то сидрадин то бу самак,  
То малак бўлмай беролмассан фалак.

Ўтса йиллар, ойлар, ёзу қиш,  
Йўқ турур нафсу ҳаво бирла иши.

Ҳар малак ҳақ амриға чолокдур,  
Музди хизмат йўқ тамаъдин покдур.

Ул малоиклар эмас эркак киши,  
Йўқ турур нафсу ҳаво бирла иши.

Эй биродар, бетамаъ бўл кордин,  
Ким тамаъдин дур эмас, ғамдин эмин.

Қилса ким тоат баройи ину он,  
Бўлмағай ул доғи ҳасратдин амон.

Кори ҳақни қил баройи ҳақ учун,  
На баройи айши беравнақ учун.

Қилмадинг ё зуҳду ё тақво бу кун,  
Бўлди жисминг суст бетақво бу кун.

Рўзу шаб айлаб ҳама фисқу фужур,  
Ёнмади кўнглунгда ҳаргиз шамъи нур.

Ўтти умринг йўқ сани тоатларинг,  
На Худо амриға бор тоатларинг.

Хурду хобу ишрату бози билан,  
Таблу нойу чангу даф сози билан.

Умрни ўткардинг айлаб шодлар,  
Қилмадинг охирги кунни ёдлар.

Мастлиғни хамри исендин ичиб,  
Ўтти умринг амри Раҳмондин қочиб.

Эмди кутуқ бўлдингу қаддинг забун,  
Қилмадинг ҳеч хайру эҳсонлар бу кун.

Қилмадинг ўлмақдин ҳаргиз андеша,  
Яхшидур идрокда сандин пашша.

Туну кун маргу лаҳадни ёд қил,  
Шарм қил эмди Аҳадни ёд қил.

Эй биродар, ҳаргиз ўлмасман дема,  
Ёлғуз ул гўр ичра кирмасман дема.

Бўлса охир гулшани умринг хазон,  
Булбули жонинг бўлур бехонумон.

Молу мулку жуфту фарзандинг ҳама,  
Дарду доғу фитна дилбандинг ҳама.

Ушбуларким, зийнати дунё эрур,  
Барчасида пардаи маъво эрур.

Англағил бу пандни, эй ёри хуш,  
“Боқийет ус-солиҳот”<sup>46</sup> кирдори хуш.

Жуфту фарзанд мунда ишратлар била,  
Сан ётурсан гўрда ҳасратлар била.

41-6

Бевафодур жамъи дилбандинг бари,  
Бормогой ҳамраҳ сани бирла бари.

Жон берурсан ул замон итдек ўлуб,  
Барча боринг бу жаҳон қолғой туруб.

Гўр азобиға сан анда мубтало,  
Қилғой ул ворислар мунда можаро.

Англа сан бу маънийи ҳубб ул-ватан,  
Асли бир ул гўр бирлан ушбу тан.

Ориятдур бу ватан асл ул ватан,  
Рўзу шаб гўрни яроғин айла сан.

Токи орият уйинг ободдур,  
Хонаи аслинг сани барбоддур.

Ушбу уйни тезроқ обод қил,  
Жаҳд айлаб асл уйин бунёд қил.

Эй биродар, сўрмагил икки нима,  
Бир кўнгилга сифмагай икки нима.

Саъй қил бу йўлни тавҳидини бил,  
Бўлмагил албатта сан ҳаргиз ду дил.

Эй писар, бу сўзни яхши англагил,  
Қилмади ҳақ бир шикамда икки дил.

Айлағоч бир дилни пора-пора сан,  
Бу сабабдин гумраҳу авворасан.

Қилмағоч шаб-рўз сан парво анга,  
Тангри ҳам қилмай дурур парво санга.

Ҳар киши ҳақ уйини вайрон қилур,  
Ул кишиларни Худо ҳайрон қилур.

Дил агар бир бўлса ул дилдур салим,  
Ҳар салим дил ичра йўқтур хавфу бим.

Дил агар бир бўлса ул дил жойи ҳақ,  
Ҳақ чиқар ул дилга андак бўлса шаққ.

Ман Худодин ўзгаға дил берганим,  
Гўйиё ул дилни икки бўлғоним.

Англагил бу сўзни, эй аҳли ҳаво,  
Сифмагай бир дил ҳаво бирла Худо,

Зидди як-дигар буларнинг ҳар бири,  
Бирри кирса бирри чиқғой ташқари.

Эй дило, бу йўлда якдил эътибор,  
Истасанг ҳақ ғайрини дилдан чиқор.

Токи бордур уйда ул номаҳраминг,  
Кирмагай ул уйга ҳаргиз маҳраминг.

Қилса бепир жўнбиши мурод эрур,  
Мисли дум каждуму ё мор эрур.

Ул муридким, юрса йўл беизни пир,  
Оқибат ул бўлғусидур гўргу шир.

Вой ул мурғики, йўқтур болу пар,  
Учгайу болову тушгай дар хатар.

Барча лаъзату ҳаво тазвиру дом,  
Бул паноҳи пардада ҳар субҳу шом.

Ҳар нимаким, бордурур бошдин аёғ,  
Дом бирла донадур бошдин аёғ.

Қиссаи Одам санга гар ёддур,  
Нафс ила Шайтон иков сайёддур.

Ушбу олам сайргоҳидур анинг,  
Ҳар тарафда ороми роҳидур анинг.

Қўймағил ҳаргиз қадам бепир бу йўл,  
Ҳар қадамда гоҳу ҳар манзилда гул.

Хору мору шерларни сони йўқ,  
Пирсиз юрган кишини жони йўқ.

Токи Шайтон бирла нафс жисмингда бор,  
Ҳар дам ул сайёдлар қасдингда бор.

Ёд ол ёдинга пандим, эй амак,  
Йўқ паноҳи пири комилдин бўлак.

Нафс сайёд ўлса, пир қайёддур,  
Бўлса улким ёд ул сайёддур.

Бўлса ул Дажжол бу Исоға маҳд,  
Бўлса ул заҳрию будур мисли шаҳд.

Ул сани ўлтурса булар тиргизур,  
Ул сани кўр қилса булар кўргузур.

Бор Худойимни бу қисми дўстлари,  
Ул санга ўхшар ҳад ҳам пўстлари.

Сан ўзингдек ани танпарвар дема,  
Барчаси ул Тангрипарвардур ҳама.

Эй биродар, авлиёву анбиё,  
Дарҳақиқат жумла фарзанди Худо.

Шири ғайб бисёр аз пистони Кеш,  
Ҳақ қилур шаб-рўз буларни парвариш.

Ширким, ғайбдин қўйилса ҳалқиға,  
Ҳожати йўқтур аларни халқға.

Дамбадам ул ширким, афзун бўлур,  
Томса кимни ҳалқиға мамнун бўлур.

Тобса ким шири ҳақдин тарбият,  
Роҳи ҳақни ул қачон қилгай ғалат.

Шири ҳақдур айни ул обиҳаёт,  
Қатраи нўш айлаган бўлмас мамот.

Эй дило, пистони ҳақ чун айни он,  
Айни илму ақлу ишқу айни жон.

Йўқ турур қудратларида занни хилоф,  
Бул ажаб пистон бир, аммо тўрт шигоф.

Йўқту(р) ҳаддим сирни фош этгали,  
Қайда бор бир ёр бардош этгали.

Эй Хароботий, сухан кутуҳ қил,  
Яна бир манзилға аэми роҳ қил.

### ПИРИ КОМИЛЛАРНИНГ ЖАҲОНДИН ХОЛИЙ ЭРМАСЛИГИНИ БАЁНИ

Бор дурур ҳар асрни пайғамбари,  
Ул эрур гумроҳларни раҳбари.

Ҳар туни маҳтобу ҳар кун офтоб,  
Бўлмасун деб бандам аҳволи хароб.

Холий эрмас ушбулардин бу жаҳон,  
Ҳеч вақт шайхи замону ҳеч макон.

Нечаким нафс илкида бўлмас асир,  
Жустужу айларман доим пир-пир.

Бир мангаву барчаларға бу сафар,  
Ҳар балойи келса бўлғай ул сипар.

Эй биродар, истасанг чиқмоқ баланд,  
Нардбон пайдо қил, андин чиқ баланд.

Нардбон бўлғайки, бу хавфу хатар,  
То чиқиб ул қаср қилғайсан назар.

Нардбон ул қасрнингки раҳнамо,  
Ул чиқарғай таҳтдин Арши ъало.

Ким эрур йўл пир ҳимоёти билан,  
Ул топар манзил иноёти билан.

Ҳар кишиким кирса йўлға бедалил,  
Бўлғай ул саргашта ҳайрону залил.

Токи бордур бу жаҳон тарсолари,  
Бордур ул вақтни Исолари.

42-6

Бу жаҳон ул пирдин холий эмас,  
Ҳимматинг лекин сани олий эмас.

Бўлса ҳар дилники бир дилбанди бор,  
Бўлса ҳар уйники бир хованди бор.

Фарздур пир истамак мискину шоҳ,  
Икки олам ичра ул пушту паноҳ.

Ёр бўл бу ёр кўргил ёрни,  
Сарвиқад маҳтобдек дийдорни.

Ёр ул қилса борингни бартараф,  
Барчадин юзингни қилса бир тараф.

Ҳар диёрда ёр бордур, бўй қилур,  
Ул сани ҳам якдилу якрў қилур.

Нукталар бир неча кун айдим санга,  
Пир пиру ёр лозимдур санга.

То тириксан бўлма пирингдин йироқ,  
Бўлғойсан албатта ғайридин йироқ.

Токи бордур қалби бу зотинг сани,  
Пир жону ақлу иймонинг сани.

\* \* \*

Айди бир кун ул Расули Сармадий,  
Журмли таҳқиқ суъ уз-занн деди.

Ул бири айди бу йўлда ҳафт рўз,  
Йўқ турур су бордики пой сўз.

Ул бири айди, дуруғдур, эй жувон,  
Бордур кўб чашмаи оби равон.

Журм ул бўлғойки, олғой оби хос,  
Токи бўлғой ул бу тарсодин халос.

## НАТИЖАИ ЖАЗБАНИНГ БАЁНИ

Бўлса жазба ишқи ҳақ ҳолотидин,  
Яхшидур инсу малак тоотидин.

Жазбаи ҳақ бор асарлар, бор сабаб,  
Юз туман сўз сўзлашур беҳарфи Рабб.

Айни жазба раҳмати фазли Худо,  
Жўш урар бу таҳтдин Арши ало.

Жазба, яъни дарду сўзу иштиёқ,  
Кўрса ўзни ул киши ҳақдин йироқ.

Жазба, яъни орзуйи васли ёр,  
То қачон ул ёрға бўлғум дучор.

Аҳли доноға жаҳон зиндон эрур,  
Чоҳда доно қачон хандон эрур.

Кўрса ҳар ким ўзни бу банди қафас,  
Жонидин илкин ювгай ул ҳар нафас.

Рўзу шаб андеша фикри қилгай ул,  
Тобмагай ҳаргиз халос тобмоқға йўл.

Кимки кўрган бўлса ул гулзорни,  
Ул қачон хоҳларки бу мурдорни.

Чора тобмай беҳушу беҳуд бўлур,  
Ҳарна бор буди ани нобуд бўлур.

На қафасни кўргай ул на ўзини,  
На ўзини билгай ул на сўзини.

Қўйди бу ҳолатға доно жазба ном,  
Эй биродар, бу сифат бўл субҳу шом.

Етса ҳақдин жазбаи мой мўъин,  
Чоҳ қазмайму сувлар бергай замин.

Жазбани сан саҳл осондур дема,  
Йўқ бу олам жазбадин яхши нима.

Ҳар кишики жазбае бермас Худо,  
Бўлмас ул ким мову манликдин жудо.

Гирянинг асли юрур хуни жигар,  
Ҳар киши бир наҳл, жазбаси самар.

Бўлмаса ул одаменинг гиряси,  
Ул дарахтедурки, йўқтур меваси.

Бўлса ҳар боғи, дарахти бесамар,  
Ҳеч шак йўқ боғбон ургай табар.

Бесамар нахл бўлса боғистон аро,  
Солғай они тез оташдон аро.

Мевалиғ нахлини қилғай тарбият,  
Парвариш доим қилур фарзанд сифат.

Эй дило, бўл доимо хавфу ражо,  
Бесамар нахлаға йўқ ул боғда жо.

Бўлмагунча токи бу чашминг пур об,  
Оқибат бўлғай сани боғинг хароб.

Йиғласа ҳар кимки кўб Яҳё каби,  
Боғи обод бўлғай ул маъво каби.

Вой ул беоб чашми чашми томм,  
Йўқтур ҳеч нафъ ул сурух ном.

Оқса чашминг сувлари ҳар рўзу шаб,  
Жўйлар боғингга киргай лаб-балаб.

Қанча кўб сув чашма ё борон бўлур,  
Бу жаҳон обод, нон арзон бўлур.

Қатра томса дилға раҳматдин агар,  
Сув бўлур андин кейин хуни жигар.

43-6

Пок ўлур бу иккидин жисми палид,  
Қатраи бу ашки чашм хуни шаҳид.

Аслиси ҳар иккисини қон эрур,  
Сайқали иймони қалбу жон эрур.

Эй хушо чашмики гирёнлиғ эрур,  
Ҳамчунон абрики боронлиғ эрур.

Абри беборон мисоли дуддур,  
Бўлса ҳарна дуд ул бесуддур.

\* \* \*

Бор эди бачаи ҳалвофуруш,  
Бўлди бир шайхега ҳалво бирла туш.

Келди ул вақт шайхни бир меҳмони,  
Йўқ эди уй ичра бир пул ё нони.

Қилғон эрди шайх қарз ҳафсад дирам,  
Ҳар куни қарздоридин тегмиш алам.



Олди ҳалвони берай деб пул бу кун,  
 Азбаройи хотири меҳмон учун.  
 Тифл берди шод ҳалво бирла нон,  
 Бўлди нон, ҳалвони еб меҳмон равон.  
 Тифл айди шайхга ҳалвойи тар,  
 Мандин олдинг пул берай деб пулни бар.  
 Айди шайх, эй бачаи нодон қулум,  
 Йўқ турур илкимда ё уйда пулум.  
 Охири ул бачаи ҳалвофуруш,  
 Қилди чандон гиряву афгон хуруш.  
 Келди ул қарздорлар эшитиб бу дам,  
 Қилғали бу шайхга кулфат-алам.  
 Гўдак эшитиб бу сўзни ваҳмидин,  
 Урди бу ҳоло табақни бар замин.  
 Берғали йўқтур санга бир уч дирам,  
 Қарздорман бу замон борғум адам.  
 Қилди чандон гиря айлаб ҳайу ҳой,  
 Синғай эрди мандаги бу икки пой.  
 Кошки борғой эдим гулхан яқо,  
 Келмагай эрдимки ман бу хонақо.  
 Шайх бу ҳангомаву ғавғодин,  
 Ҳам енгилди ақлу ҳам иймонидин.  
 Йиғлағоч шиддат била ҳалвофуруш,  
 Қилди чандон гирялар, афгон хуруш.  
 Бор эди бу шаҳр бир савдогаре,  
 Тилалар сад хонаву симу заре.  
 Бўлди бу соот башорати Худо,  
 Минг дирам шайхдин олғил дуо.  
 Шул замон зар олди чанд ҳамёнига,  
 Тез келди шайхнинг даргоҳига.  
 Қўйди шайх олдиға, қилди илтижо,  
 Бир дуо қил манга, эй пир раҳнамо.  
 Шайх дуо қилди ҳузурни дил билан,  
 Айди, шукрлар Худога юз туман.

Шайх бўлди бу замон қарэдин халос,  
Гўйиё бўлди маразлардин халос.

Қилмагунча тифл бо афғон хуруш,  
Қилмади ҳаргиэ карам дарёси жўш.

\* \* \*

Сўрди маънодон баройи чорасоз,  
Ул нечукдур гирия бирланки намоз.

Ё намози фосиду ботил эрур,  
Ё намози комилу жойиэ бўлур.

Гирия гар уқбо учундур ул ниёз,  
Бу намозидур анинг лойиқ намоз.

Гирия гар тан ранжидиндур оби мешк,  
Мисли қатра-қатра томғай на оби рашк.

Қилса ким ҳақ шавқидин гирия дароз,  
Ё надомат ё гунаҳдиндур намоз.

Бўлса мундоғ гириялар дар ҳар намоз,  
Бегумон бу гириялар мағзи намоз.

Гирия гар дунё учундур ҳайздур,  
Гирия гар Аллоҳ учундур файздур.

Гирия гар дунёйи беҳосил эрур,  
Ул намози бегумон ботил эрур.

Ҳар нима ғайр аз Худо дунё эрур,  
Гирия қилғон дунёға хунсо эрур.

Сан намоз айларда тарк этгил вужуд,  
Қилғил андин жону дил бирла сужуд.

**БУ ЖАҲОН БИРЛА УЛ  
ЖАҲОННИНГ БАЁНИ**

Бу жаҳон зиндони жонингдур сани,  
Ул жаҳон саҳройи аслингдур сани.

Ушбу зиндон ичра санму бунда банд,  
Токи ул мавқуф қилди рўзи чанд.

Ташлағил итларға бу мурдорни,  
Тез синдур шишаи пиндорни.

Бўлмаса дунёдин ҳар ким сабриси,  
Ул кишидур габрларнинг габриси.

Бўлмаса гар санда сабр Аллоҳдин,  
Йўқ насибанг ҳеч баҳруллоҳдин.

Ҳар киши сабриға йўқтур созвор,  
Ажз беҳтар гирияи парҳизгор.

Жалову ҳам барқу борон абридин,  
Фазлу лутфу раҳмати Аллоҳдин.

Йўқтур одам душмани нафсдин ямон,  
Даҳр ила ажзи қилур андин амон.

Барча тушгайлар ўшал зиндон ҳама,  
Муттақийу зоҳиду ҳақдон ҳама.

Шукр айлай Тангрига ҳам хайру шар,  
Бу қазо ҳар вақтида андин баттар.

Берса ул ғам хоҳламасман ангабин,  
Чунки ҳар неъмат билан ғам ҳам қарин.

Шукр бир ғам берди ул бир бошға,  
Бермади ул ғамни ҳар авбошға.

Ҳеч ганж бемору гул бехор йўқ,  
Одами беғам шубу бозор йўқ.

Эй биродар, бу жаҳон шод ўлмағил,  
Рўзу шаб ул ғамдин озод ўлмағил.

Бу жаҳон ҳамчун дўкони тахтабанд,  
Шомни вақтида ҳар дарвоза банд.

Рўзу шаб бозорлар, эй ому хос,  
Шод ул ғамдин ҳама тобгай халос.

44-6

Жуфту фарзанду зару молинг ҳама,  
Ушбу йўл эрмасту(р) ҳамроҳинг ҳама.

Зар бериб ол сурмани баҳри назар,  
Юрмагил бу зулмат ичра кўру кар.

Бўлмагил байъу шароға санги сахт,  
Сур кўзингға сурмани кўр фавқу таҳт.

Кимки чекти сурмани ул аҳлдур,  
Шарқдин то ғарб кўрмак саҳлдур.

Сурмаким, ул хосдин пайдо бўлур,  
Кўри модарзодни бийно қилур.

Чекмаган ул сурмадин кўз беҳилоф,  
Бордур девор уза мундоғ шигоф.

Бўлса ҳар жоеда ул кўрлоққа,  
Тез урғил лой ҳар суроҳқа.

Сурмани чек иштиёқида ани,  
Кўр буларни, бўл фироқида ани.

Аввало қил кўзни равшан, эй жувон,  
Фаръидин аслига бўл андин равон.

Бўлса ҳарна жонлиғ жонсиз нима,  
Сан они зинҳор онингсиз дема.

Беҳабардур гар булар ул боҳабар,  
Барчаси яксондур онинг дар назар.

Ҳар нима ул қилди беҳикмат эмас,  
Неча гар кўб бўлса беҳислат эмас.

Мулку молу атласу зару дағо,  
Жумла раҳравларға бу занжири по.

Дунёдур ҳақдинки, ғофил айлағон,  
Наки мулку молу зар фарзанду зан.

Дин учун кўб айласанг гар сан ҳусул,  
“Ниъма молун солиҳун”<sup>47</sup> айди Расул.

Кема тўлса эл ҳалокат ўлғуси,  
Сув эрур остин саломат қолғуси.

## НАФСГА ХИЛОФ ҚИЛМОҚНИ БАЁНИДУР

Модари бутлар эрур нафсинг санго;  
 Чунки ул мори-ю бу бут аждаҳо.

Мусҳафу тасбиҳ нафс илкида бор,  
 Ханжару шамшир ҳам остида бор.

Мусҳафи солустга бовар қилмағил,  
 Бир нафас ҳам сирру ҳам сар бўлмағил.

Мусҳафу тасбиҳлари аз рўйи дом,  
 Сайд қилғай омиларни субҳу шом.

Рўзу шаб одамни ул афсун қилур,  
 Халқни девонаву мажнун қилур.

Қил ҳазар, эй дўст, борма қошиға,  
 Тифл “ло ҳавла” била ур бошиға.

Қатл қил нафсингни сан бўлғил эмин,  
 Ҳам қутулғил ханжару шамширидин.

Бут ушатган ушбу йўлда саҳлдур,  
 Саҳл билган нафсни ул жаҳлдур.

Қўйди нафс завқидин Одам бир қадам,  
 Садҳазорон тобди ул дарду алам.

Ким қадам қўйса баройи нафси завқ,  
 Доғи фурқатдин солур бўйниға тавқ.

Кимки ўлтурса агар бу нафси габр,  
 Доимо фармонида Хуршиду абр.

Нафсу макру ҳийлани устодидур,  
 Рўзу шаб қўнглунгда они ёдидур.

Бўлса доим ушбу соҳир дар ниҳод,  
 Ул нечук беақлдур шаб-рўз шод.

Эй биродар, бўлғил андин бохабар,  
 “Инна фи-л-вавсоти сиҳруи мустамир”<sup>48</sup>.

Ол бу пандимни қулоқға, эй писар,  
 Борғил ул саҳроға бор тирёқи заҳар.

Заҳр бер нафсингга сан тирёқ ичиб,  
 Тез ўлтур нафсни бошин кесиб.

Ман табиби ҳозикам шогирди ҳақ,  
 Берди ҳикмат илмин устодим сабақ.

Ул табибе табъ набзидин кўрар,  
Кўб табиблар ранги зардидин кўрар.

Ул табиби пўсту гўшту устихон,  
Ман табиби фаҳму ақлу қалбу жон.

Ман кўрарман набзи дил бевосита,  
Дардиға дору бергум таҳ-батаҳ.

Дасти мўзд олмасман ҳар бемордин,  
Дасти мўздим олам ул-асрордин.

Қайдасан, беморлар, келгил манга,  
Дорулар дардингга бергайман санга.

Ҳар нечаким дарди заъфинг санда бор,  
Истасанг ҳар қанча дору манда бор.

Тез келгил бегумон бенангу ном,  
Олғайман ул ғазнадин ҳар субҳу шом.

Фаҳм қил бу сирри маъни, эй умум,  
Токи ман фарзанди Мавлоноий Рум.

Йўқ эди оламда туркий Маснавий,  
Англаса ҳар кимки дин бўлғай қавий.

Азбаройи хотири ёрон учун,  
Турки қилдим сийнаи сўзон учун.

45-6

Қолмасун пушида деб бу ганжни,  
Торттим бир-икки кун бу ранжни.

Сарбасар бу маънийи Қуръон эрур,  
Гўйиё бир шамшири буррон эрур.

Ул сипар кўнглунгдаги тасдиқ эрур,  
Бўлмаса тасдиқи дил зиндиқ эрур.

Бесипар шамширга бўлса рўбару,  
Аввало қилғил сипарни жустужу.

Дасти ғайб шамширлар урғай бугун,  
Кетгай ул мункир жаҳаннам сарнигун.

Келмаса ҳар ким агар таъхир қилиб,  
Йўқ анга ушбу саодатдин насиб.

Эй ўғул, таъхир офатдур ҳама,  
Оқибат офат ҳалоқатдур ҳама.

Ул кишиким, ўлса беисломи дин,  
 Мутлақ ул асло саналмас бандадин.  
 Гар ҳаво ғолиб паришонлиғ эрур,  
 Шаҳват ар ғолиб пушаймонлиғ эрур.  
 Айлагач хуш қаддини шаҳват дудо(ҳ),  
 Йўқ турур шаҳватга ҳеч офоти роҳ.  
 Эй биродар, юзни ур деворға,  
 Мунтазир бўл ёрнинг дийдорига.  
 Безабону бедилу якто нишин,  
 Барча касратдин бу жо танҳо нишин.  
 Жону дил бирлан эшитгил, эй умум,  
 Англагил ушбу сўзимни қил фаҳум.  
 Ул сафойи дил бу хилватдадур,  
 Ул на бу дунёву на жаннатдадур.  
 Мор беҳтар мухталиф ҳамроҳдин,  
 Чоҳ беҳтардурки, андоғ жоҳдин.  
 Хилват ул хилватки, бу ағёрдин,  
 На ўшал хилватки, хилват ёрдин.  
 Гофило, кўнглунгда тутгил бу румуз,  
 Пўстин ҳожат эмастур дар тамуз.  
 Мор урар нишини жисму жониға,  
 Бу урар ҳам жону ҳам иймониға.  
 Айди Исо исми аъзам нега ман,  
 Ўқудум мурдоға тобти жону тан.  
 Ҳар неча гўрида бўлса бенишон,  
 Қилди ул гўрдин чиқиб ҳолин баён.  
 Ўқудум нодонға тобти ақллар,  
 Ўқудум гунгларға қилди нақллар.  
 Қилди ожиз ул кун аҳмақ мани,  
 Қил холос аҳмақдин, эй ё Рабб, мани.  
 Учраса ҳар ерда ул аҳмақ қулоқ,  
 Қочти Исо оҳудек андин йироқ.  
 Йўқ сафолик итда, лекин бовафо,  
 Бор на бу аҳмақ вафову на сафо.

Рўзу шаб ул жақ-жақу дақ-дақ қилур,  
Ўз-ўзини кофири мутлақ қилур.

Эй биродар, санда бордур гар тамиз,  
Кўрсанг ул аҳмақни тез андин гуриз.

Йўқ ажаб гар урса мурда зиндани,  
Бул ажаб ўлтурса мурда зиндани.

Эй биродар, бўлмай аҳмақдин йироқ,  
Қилмағил бу йўлда ҳаргиз тумтароқ.

Ул сани ҳар ерда тобса ўлтурур,  
Оташи лаънатда доим куйдурур.

Қил тариқе, ол бу йўлда чошни,  
Ройгон ўткурма субҳу чош(т)ни.

Истасанг ёру лиқо пайваста сен,  
Бевафоларға чаро дилбаста сен.

Банда бўл, зинҳор султон бўлмағил,  
Гўй бўл майдонда чавгон бўлмағил.

### ХОМУШ БЎЛМОҚНИНГ БАЁНИДУР

“Анситу”<sup>49</sup> баҳридин андак нўш қил,  
Бўл забону дилни сан хомуш қил.

Хомуший дилдурки, гўйиё чу пўст,  
Хомуший мағзи, гўйиё чу гўшт.

Пўст афзун бўлса мағзи кам бўлур,  
Пўст гар кам бўлса мағзи тамм бўлур.

Гунчаким қилса даҳонни пешво  
Богбон қилгай ани тандин жудо.

Кори мардони Худо лаб дўхтан,  
Ул забондин бу калом омухтан.

Кимки бўлса хомушу ҳам гунгу лол,  
Ул киши воқиф бўлур бу сирри ҳол.

Эй биродар, уйга кир абвобдин,  
Ҳақ талабсан юз ўгир асбобдин.

“Удхул ул-абёта мин абвобиҳо”<sup>50</sup>,  
“В-атлуб ул-ағроза мин асбобиҳо”<sup>51</sup>.



Эй забон, сан маҳрам эрмассан манга,  
Этмадим ул сирридин ҳаргиз санга.

Эй забон, бирни десам ўтгуз қилиб,  
Айтасан ағёрларга юз қилиб.

Истасанг озодлиғни, эй жувон,  
Рўзу шаб хомуш бўл ғамдин амон.

Бу манинг пандимни ҳеч ким тингламас,  
Зорни ҳеч ким қафасда сақламас.

Тўти-ю булбул қафасда мубтало,  
Офати гўелиғидин бу бало.

Бу забон ҳам ганжу маъдан кон эрур,  
Бу забон ҳам ранжи бедармон эрур.

Эй забон, ҳам ганжи бепоёнмусан,  
Эй забон, ҳам мору ҳам ханжармусан.

Бўлса ҳар ким пок бу роҳи Худо,  
Қочгай андин нафси шайтону ҳаво.

Ҳар кишиким, ўзни хомуш айламас,  
Ул шароби ишқдин нўш айламас.

46-6

Гар шароби ишқни нўш эттилар,  
Ушбу олам ўзни хомуш эттилар.

Гул очилса рангу бўй маълум бўлур,  
Гул очилгондин кейин боғдин олур.

Осмону Аршу Курси-ю Қалам,  
Тегмади хомушлиғидин ҳеч алам.

Ул замин хомушлиғидин барқарор,  
Ул сабабдин боғу бўстон лолазор.

Қуҳ ҳам хомушлиғидин ҳар замон,  
Бўлди ул ёқут ҳам лаълиға кон.

Бўлса эрди оғзи ҳам доим очуқ,  
Қолғай эрди ул жавоҳирдин қуруқ.

Кимки хомуш бўлса ҳайбатлиғ бўлур,  
Холиқу ҳам халқға ғайратлиғ бўлур.

Гар оғиз очилса қўб ҳайбат кетар,  
Обрўю қурб ҳам иззат кетар.

БЕДОР ВА ҲУШЁРЛИКНИНГ БАЁНИДУР

Эй дило, ҳар рӯзу шаб бедор бўл,  
Барчани қуй, толиби дийдор бўл.

Шаб агар бад ранг, аммо неки бор,  
Оби ҳайвон ҳам ўшал торики бор.

Мусо кўрган нор таҳқиқ нурдур,  
Ранги шабрангию аммо ҳурдур.

Бандадин сўргай Худо Маҳшар куни,  
Кел яқин, эй ҳадиялиғ кўргил мани.

Айладим ораста жаннатни ман,  
Ҳеч барг сабз олиб келдингму сан.

Ё ёниб бормоқни қилдингму хаёл,  
Ё олиб келмакда қилдингму хаёл.

Онча неъматлар бериб эрдим санга,  
Ул жаҳондин нима келтурдинг манга.

Ё магар ул хамрни нўш айладинг,  
Ё мани мутлақ фаромуш айладинг.

Бер ҳисобу бер жавобини анинг,  
Мақбул эрмастур узринг санинг.

Бордур ул ҳаммаларни асрида,  
Хоҳ шоҳи бўлсун, хоҳ гадо.

Эй биродар, рӯзу шаб андеша қил,  
Ул саволингни жавобин пеша қил.

Айдилар фаҳм айлаю ҳушёр бўл,  
Тез тун бу уйқудин бедор бўл.

Ҳобу хур кам айла шаб-рӯз андаки,  
Йўқтур ҳеч ҳайвонда ғафлат сандаки.

Ўтти шаб-рӯз шукри неъмат қилмадинг,  
Жону дил якбор тоат қилмадинг.

Айладинг дилни сияҳ, софинг қани?  
Бандаи мўъмин бўлсанг инсофинг қани?

Ўтти умрини ҳайф доим хобнок,  
Зоҳиру ҳам ботининг олуданок.

Ман сани шаб-рӯз қилдим тарбият,  
Сан мани ҳар доимо қилдинг ғалат.

Жон кўнглунг бирла сан ёд этмадинг,  
Дарду сўз бирла фарёд этмадинг.

Субҳу шом ҳар рўз боқтим санга,  
Боқмадинг сан ҳеч соат бир манга.

Ўтти умринг фисқ кўб исён билан,  
Эмди бўлғил хайр ҳам эҳсон билан.

Рўзу шаб қил хоби дилдин эҳтиёт,  
Мурдадур ҳар хоби дил эрмас ҳаёт.

Айб эмас бу чашми зоҳир хобу гил,  
Мурдаларнинг мурдасидур хоби дил.

Эй дило, они фаромуш айлама,  
Ўзни ҳам они-ю хомуш айлама.

Жон бериб ол ишқидин бир дард сан,  
Мурдасан, бедардсан, номардсан.

Барча бу бозорда тайёрдур,  
• Ҳар қадам етмас магар бисёрдур.

Барчани бордур харидори тўла,  
Ишқға лекин харидори кужо.

Бўлса ҳар бирни баҳоси ину он,  
Лекин ул ишқни баҳоси қалбу жон.

Бордур суккан аро бозори ишқ,  
Ҳам эрур суккан аро дўкони ишқ.

Эй дағал, сан тез олиб бор нақди жон,  
Нақд берсанг нақд бергай ул замон.

Берса ол жонингға гар бир зарра ишқ,  
Бермаса ул ишқни ол пири ишқ.

Зоти ишқдин ўзга пири хушку тар,  
Ишқ дўкониға улдур болу пар.

Эй биродар, пири ишқ бу дарддур,  
Ўчурган юзни андин номарддур.

Дардсиз жон мисли гарду ё губор,  
Дардлиғ жон мисли абри навбаҳор.

Ҳар нимаки бўлса бу дунёйидин,  
Барчаси бу абрни боронидин.

Балки ақлу илму дин, иймонни бер,  
Зарраи ул дардга юз жонни бер.

Бўлмағойсан қоҳилу заъфноку суст,  
Эбла бу савдони сен чолоку чуст.

Андаки бу сирридин қилсам китоб,  
Халқи олим барчаси бўлғай хароб.

Айтурам, лекин забон ҳамдам эмас,  
Балки бу сир қалбу жон маҳрам эмас.

Эй Хароботий, бу дам хомуш бўл,  
Лаб бидўз пайваставу дилжўш бўл.

### ГҶРИСНАЛИКНИ ФОЙДАСИНИНГ БАЕНИ

47-6

Ким шикамни холий бу нондин қилур,  
Ул шикамни дурру нурондин қилур.

Қўб емакликдин эрур дил яраси,  
Деви малъунни бўлур ҳамшираси.

Қўб еса ҳар ким бўлур монанди уй,  
Бўлғай ул дил нафс ила шайтонға уй.

Ҳар кишиким қўб еса мурдордур,  
Ул кишиким, нақши бор девордур.

Ул шикамки, холидур зиндони нафс,  
Солмасанг зиндонға бўлғай нафс гафс.

Ол ҳама шаб-рўз нафсингдин хабар,  
Бўлма нафсинг гафси қил андин ҳазар.

Бу ҳарис батн ҳам андин санга,  
Ҳам маризи қалб ҳам андин санга.

Баъзилар бўлса гўрисна саг бўлур,  
Бўлмалар гар сер ул ул бадраг бўлур.

Заъфи жуъ беҳтардур ўзга заъфдин,  
Рўзу шаб бўлғай анингки рафъидин.

Тобтилар бу йўлда баҳра аҳли жуъ,  
Қўб емакка қилмағил ҳаргиз ружуъ.

Жуъни одат қилиб хосони ҳақ,  
Жуъдин ҳар пардаи дил бўлди шаққ.

Эй ўғул, они таҳаммул қилмадинг,  
Рўзу шаб сабру таҳаммул қилмадинг.

Коса паҳлав, коса нон болойи нон,  
Азбаройи бу таом хурониён.

Бу шаробу бу кабобу бу шакар,  
Хокни рангидадур, эй писар.

Ҳар нимаким, хокидур бер хокға,  
Азм қил андин кейин афлокға.

Кам егандин чиқти Рухуллоҳ фалак,  
Кўб егандин тушти Қорун то бадрак.

Ҳар кишиким, ушбу тун бедор эмас,  
Ул кишилар лойиқи дийдор эмас.

Рўзу шаб ушбу жаҳон бошдин аёғ,  
Сарбасар машғули ҳасрат бирла доғ.

Ул кишики, кам емакни қилди хўй,  
Тобти ул оламда чандон обрўй.

Кўб еса кўб ақл бўлгай кўру кар,  
Кам еганлар олди бу йўл баҳралар.

Кўб еган бемордур ҳар рўзу шаб,  
Мубталодур бу балойи дори таб.

Кимки оламда емакка зордур,  
Охиратда жониға озордур.

Ўзидин йўқтур ҳам андин хабар,  
Номи ул озорнинг жуъ ул-бақар.

Тўймағай ҳаргиз жаҳонни нониға,  
Берма, ё Рабб, бу бало ҳеч жониға.

Толиби нонлар ҳама нонсиз кетар,  
Оқибат оламда иймонсиз кетар.

Эй биродар, кам егил, бедор бўл,  
Бўлмағил ағёр, бўлсанг ёр бўл.

Кўб еганлар бандайи шаҳват бўлур,  
Кам еганлар лойиқи раҳмат бўлур.

Ул кўнгилким, бўлса бу нафсу ҳаво,  
Ўчгай ул дил уйидин шамъи сафо.

Ўчса гар ногоҳ қандилҳойи дил,  
Нафс қилур аъзони исёнға далил.

Исмки бўлса чарб бо ширин талаб,  
Йўқ анга бу йўлда фазли лутфи Рабб.

Луқмалар гар санда бўлса пур гуҳар,  
Урма дам чандон егил қилмай хабар.

Бўлсалар меъдангда покийллар палид,  
Қуфл эт ҳалқингни пинҳон қил калид.

Эй писар, бо барги тан ҳам барги жон,  
Шуғлидур ҳар иккисини ину он.

Чарби ширин бирла тан фарбаҳ бўлур,  
Ҳарна феъли арбаи аблаҳ бўлур.

Банд қил оғзингни ул су бор қил,  
Гул била райҳон емак оғоз қил.

Ким ризо тифлиға берса мухталиф,  
Бўлғай ул ҳайронидин истар табиб.

Тифлни заъфи ила бўлса оғзи банд,  
Ҳам бўлур ул дояни пистони банд.

Ҳар киши айш ила қилса боданўш,  
Бодаи шайтон бўлур бу фаҳму ҳуш.

Душмани ҳақ бўлса ҳар жо хордур,  
Жойидур минбар эмасдур дордур.

\* \* \*

Бордур бир беша ичра гови нар,  
Бир ривоят гов дер, бир ровий хар.

Бор бу беша кўб алаф, бисёр об,  
Говға бу беша жойи хурду хоб.

Кенгрусси бу бешани дунёча бор,  
Лек гов манзурида ҳалқача бор.

Субҳдин то шом ер бу нохалаф,  
На қолур бу беша обу на алаф.

Семуруб сифмас бу беша вақти шом,  
Ҳам алаф ҳам об бўлғайлар тамом.

Бўлди бу соатда гови ё хар,  
Пешу пас ҳам ўнгу сўл қилди назар.

48-6

На қолибдур қатра оби на гиёҳ,  
Беша бўлмиш мисли дашти Карбало(ҳ).

Урди бу ҳолатда гов бир оҳи сард,  
Бўлди пайдо оҳдин жамъиға дард.

Эй дориғо, фаҳму идроким қани?  
Эрта ерга обу хуроким қани?

Заъф бирла кетти мағзу гўшту қон,  
Бўлди бу ғам бирла пўсти устихон.

Рўз юз манн ёғу гўшт пайдо бўлур,  
Шаб бу ёғ гўшти нопайдо бўлур.

Кундузи мастона бу ёйлоқиға,  
Шод ўлуб овоз ҳам тўйлоқиға.

Бўлса кундуз гўйиё аждар бўлуб,  
Бўлса шаб бир жумлаки лоғар бўлуб.

Эй писар, бу гов ҳолини кўра,  
Кеча қўймас ҳеч ўрнидин ўза.

Ўткарур умрини доим рўзу шаб,  
Кундузи ороми йўқ тинмай на шаб.

Эй биродар, ол нақлидин хабар,  
Исми бу говни эрур жуъ ул-бақар.

Бордур бу қисм одамлар тўло,  
Рўзу шаб нафсу ҳавоға мубтало.

Бу жаҳон ул одамини бешаси,  
Йўқтур андин ул жаҳон андешаси.

Ул кишиким, говни говронидур,  
Бу жаҳон бошдин аёғ ёйлоқидур.

Ҳирса дунёдур ўшал жуъ ул-бақар,  
Эй биродар, ҳирсдин қилғил ҳазар.

САБРУ ТАҲАММУЛНИ БАЁН ҚИЛИНУР

Қилди пайдо кимиёларни Худо,  
Кимиё йўқ сабри одамдек наё.

Қор агар бесабрдур хори Худо,  
Қор агар бесабрдур нафсу ҳаво.

Бордур сабр аҳли кўб ҳар асрда,  
Фаҳм қилғил сабрни “Ва-л-аср”да<sup>52</sup>.

Сабр завқини на билгай тийра дил,  
Истасанг бу завқни сабр истагил.

Сабр қилмас ҳар киши дунёи дун,  
Қайда қилғунг сабр “ниъма-л -моҳидун”.

Бўлмаса ҳар кимники андешаси,  
Йўқ ани поку палиддин сабриси.

Бу ажойбдурки, ул тийра диле,  
Истамас ул ҳеч вақт сайқалгаре.

Истасанг ойинани қилмоқ жалий,  
Сайқали қил, сайқали қил, сайқални.

Ғар киши оҳанни кўб сайқал қилур,  
Ул бўлур ойинавор они кўрур.

Ким бугун сабру таҳаммул бирладур,  
Тонгла ул тахту тажаммул бирладур.

Келса ғар ҳақдини санга жавру жафо,  
Бу жафр бирла ўроғлиқдур сафо.

Қилмади пайдо Худонни парда шай,  
Бу жафову жавру меҳнат пўсти вай.

Бу башоратдин, дило, сен шод бўл,  
Рўзу шаб бу миллату мазҳабда бўл.

Истагилу истагилу истагил,  
Доимо сабру таваккул истагил.

Сабрлиғлар Тангрини парвардаси,  
Сабрдур сидқу сафони пардаси.

Сабрдин ман ҳар неча қилсам калом,  
То қиёмат бўлмагай ҳаргиз тамом.

Сан кечурсанг умр сабрилар билан,  
Бегумон Аллоҳ собирлар билан.



Эй биродар, тарк қил бу хойу ҳуй,  
Қиссаи мози-ю мустақбални қуй.

Мози, мустақбал сани ҳайрон қилур,  
Саргаронлиғ бирла рўгардон қилур.

Қиссаи наҳву нужуму тиббу ҳарф,  
Ушбулар таъсири дилға яхху барф.

Ушбу йўл сабру таҳаммулни йўли,  
Айла ҳиммат, йўлға киргил бир йўли.

Ушбулар ҳар кимга бу йўл тушаси,  
Бўлмаса мундин бўлак андешаси.

Қирсанг ушбу йўлға беандеша кир,  
Йўл йироқу йўл оғир, маркаб яғир.

Тез бўл бехонумон андин равон,  
Токи бўл ул дўзду раҳзандин амон.

Бўлса бу оламда ҳарна карру фар  
Қилмағил зинҳор анга ҳарғиз назар.

Меҳри дунё гарчи беҳад, беадад,  
Жумласи бўйнинггадур «ҳабли масад»<sup>53</sup>.

“Иннамо амволукум”<sup>54</sup>ни ёд қил,  
Мулку молу жуфтни барбод қил.

Эй дило, доим тафаккур пеша қил,  
Гулмусан ё хормусан, андеша қил.

Гар гул юрсанг иста ул гулзорни,  
Хор бўлсанг иста доим норни.

Тез ол устунгдаги бу борни,  
Тез солғил бўйнунгға зуннорни.

Ваҳ на хуш миллат ҳалокат миллати,  
Барчадин боло анингки ҳиммати.

Бўлса ҳар кимники олий ҳиммати,  
Ваъдадур “ло тақнату мин раҳмати”<sup>55</sup>.

Рўзу шаб ушбу йўл ичра, эй амак,  
Тўша йўқ ғайр аз таваккулдин бўлак.

Ҳар киши бу сирридин огоҳ эмас,  
Ҳар амал шойистаи даргоҳ эмас.

Банда бирла ҳақ аро бир парда бор,  
Ушбу парда ичра бор Парвардигор.

Бўлмаса ҳар кимни олий ҳиммати,  
Йўқ турур бу пардаға ҳеч тоқати.

“Исмуху ҳоза-л-ҳижоб айн ул-бало”<sup>56</sup>,  
Кимки тоқат қилса ул кўргай лиқо.

Эй дило, кўрмакни сан осон дема,  
Кимда йўқ бу тоқат ул инсон дема.

Ул бало юзланса андин бу тараф,  
Марҳабода ул югурса бир тараф.

Ақл эмас нафъи балони билмағон,  
Мард эмас юзни балодин ўгурғон.

Суди йўқ бу йўлда ҳаргиз реши тан,  
Фарқи марду зан бало бардоштан.

49-6

Ул балойи ногаҳон бўлса дучор,  
Зоҳиру обид ани кўрмай қочор.

Мард бола кўрганда ул “зидно”<sup>57</sup> дегай,  
Зан бола кўрганда “ихфазно”<sup>58</sup> дегай.

Эй писар, сан зуҳру шому асру фажр,  
Қилмағил зоҳид каби даъвойи ажр.

Фарқи бу йўл ҳиммату тоқат эрур,  
На ибодат бирла, на тоат эрур.

Ул бало андоғ балоедур санга,  
Тоқати йўқтур жаҳаннамнинг анга.

Ҳафт дўзах нола қилгай, эй Илоҳ,  
Сан манга ишқ ўтидин бергил паноҳ.

Истасанг бу йўлда жонни ризқини,  
Иста ҳар доим балойи ишқини.

Зиндалиғ ўлмаклиғ ул меҳнатда бор,  
Оби ҳайвон ҳам ўшал зулматда бор.

Бу ғами меҳнатда доим қишу ёз,  
Бу ғами меҳнатда бор умри дароз.

Эй биродар, келса андин Қарбало,  
Ул балодур айни алтофи Худо.

Ким балоға шод ҳам бекин бўлур,  
Бу кишига ул бало ширин бўлур.

Ҳар жафову жаврлар меҳнат эрур,  
Бу риёзатинг ҳама раҳмат эрур.

Сан бериб жуфту фарзанд, мулку мол,  
Меҳнату дарду маломатларни ол.

Қилди бу арз Тангриға само,  
Бер амонотимни тобшурғум санго.

Бўлдилар ларзон ҳамчун барги бид,  
Йиғладилар анча кўб сурху сафид.

Бўлдилар бетоқату ожиз ҳама,  
Бу амонат бизга сен жоиз дема.

Аршу Курсиййу малак Лавҳу Қалам,  
Бўлди бу ваҳмида барча қадди хам.

Айдилар, ё Раббки, лойи қотимиз,  
Йўқ таваккул, сабр ё тоқотимиз.

Қилдилар кўб нола махлуқот анга,  
Қилмади ҳеч қайсиси тоқат анга.

Ҳақ таъоло қилди хокиға назар,  
Бу амонат хона дерсан, эй башар.

Айди, сан бийнову донову Худо,  
Ман на билгумдурки хоки зери по.

Кўрди ҳақ бу лойи хоки фонийни,  
Шул замон тобшурди амонотини.

Бу амонатдурки, бир ганжи азийм,  
Ул бу зоҳирбинғадур ранжи азийм.

Бу амонат ҳар кишига бордур,  
Дард бўлса оқибат дийдордур.

Зоҳиридур меҳнату ранжу алам,  
Ботинидур раҳмату фазлу карам.

Зоҳиридур дард ҳам жавру жафо,  
Ботини тарёқдур ул заҳр аро.

Эй биродар, хоҳласанг бўлмоқни мард,  
Жон бериб олғил букун бир зарра дард.

Талхлар ширин муҳаббатдин бўлур,  
Мислар олтун ул муҳаббатдин бўлур.

Ул балоларни кўтаргач авлиё,  
Ул сабабдин айди ҳақ ҳар вақт биё.

Ким бало дардида маҳзунтар эрур,  
Халқи оламдин бу афзунтар эрур.

Жаври зулми кофирон бу сабри Нуҳ,  
Бўлди ҳаққа сайқали миръоти руҳ.

Бўлса ҳар ранж бу ўлумни пораси,  
Жонға йўқ ўлмақдин ўзга чораси.

Ранж жузви маргдур аччиғ-сучук,  
Йўқ халосе жузвдин, кулдин нечук.

Эй писар, меҳнат ўлум пайғамбари,  
Дард эрур роҳи Худони раҳбари.

Ушбу меҳнатдин даме юз ўгурма,  
Дардлиғ одамни бераҳбар дема.

Кимки банди ширин ул жон элтмагай,  
Кимки банди тандур иймон элтмагай.

### ТАРКИ ТАҚЛИДНИ БАЁН ҚИЛИНУР

Ушбу йўл тақлиди офатдур азийм,  
Тут бу панд ёдингда, эй Абдул Карим.

Бор муқаллиддин муҳаққақ фарқлар,  
Ҳамчунин бу Фарбдин то Шарқлар.

Кофиру мўъмин ҳама дерлар Худо,  
Бор лекин фарқ ердин то само.

Оби далву оби навл эрмас бекор,  
Осмон абр бул борон, бу бор.

Оби навл ҳамсоя бирла дармиён,  
Бўлғуси шаб-рўз хусуматлар аён.

Гар югурса кўр кўзлуклар билан,  
Кўр йиқилгай сарнигун юзи билан.

Пойи чўбон сахт андуҳгин эрур,  
Пойи васлий ваҳмидин эмин эрур.

Эй писар, тақлид ҳайвонни йўли,  
Балки деғу нафси Шайтонни йўли.

Сан на қилсанг нафси Шайтон қилур,  
Балки сандин ул тўла чандон қилур.

Нафс сен бу йўлда тақлид аҳлисен,  
Наки аҳли маъни тавҳид аҳлисен.

Эй дило, бу сўзға қилғил эътибор,  
Кори тифлу кори болиғ фарқи бор.

Кори тифле қилма бепоён эрур,  
Кори болиғ қилки, бенуқсон эрур.

\* \* \*

Ул ниёзи дард Марямнинг эди,  
Баччаси туқғон кунида сўзлади.

Ҳар кужо дарде даво ул ерда бор,  
Ҳар кужо фақре наво ул ерда бор.

Ҳар кужо заъфе табиб анда борур,  
Ҳар замин паст бўлса об анда бордур.

Хоҳласа ҳар кимки Ҳақ ёри қилур,  
Ул кишиким, дард бозори қилур.

Зори марҳам саниндин, эй Худо,  
Ҳам ижобат сандину ҳам бу дуо.

Хоҳласанг ҳар кимга ғам беморини,  
Совутурсан дилдин оҳу зорини.

Хоҳласанг қилғунг балолардин жудо,  
Жониға бергунг тазарруъ ҳам дуо.

Йиғламай то абр кулмас бу чаман,  
Доя бермас баччаға ёшсиз лабан.

Тифл янглиғ йиғлағил, эй роҳдон,  
Йиғласанг то доя бўлғай меҳрибон.

Айдилар “йабку касир”<sup>59</sup>, бўл ҳушёр,  
Токи бергай шир фазли кардикор.

Қил тазарруъ бирла ул шодон бўлур,  
Гиря қилган оқибат хандон бўлур.

Абр гирён бўлса бўлғай хўшку тар,  
Шод бўлғай аҳли баҳроу аҳли барр.

50-6

Рўзу шаб “йабку касир”ни ёд қил,  
Дард бирлан гиряни бунёд қил.

Сан ҳануз ҳар жойи васвоссен,  
Ушбу жамъи нос аро насноссен.

Гиряни қил пеша, бўлғил ёри хос,  
Гирядин Нуҳ бўлди тўфондин халос.

Ҳар кишиким, фисқу исён ичрадур,  
Ул кишиким, мисле тўфон ичрадур.

Эй писар, то санки бу исёндасан,  
Рўзу шаб доим ўшал тўфондасан.

Бўлди ушбу сирдин аён манга,  
Тавба киштий, пир киштабон санга.

Бўлмаса дарёда киштий, киштабон,  
Ким ўлур дарёсидин бўлғай амон.

Англасанг пандимни чандон йиғлағил,  
Йиғласанг дил-жон била қон йиғлағил.

Йиғласанг кўб дард бирла дамбадам,  
Жўш урғай андин ул баҳри карам.

Ол ул чашмики, кўб амвождур,  
Ул кишини гиряси меърождур.

Айласанг ўтни ўчурмак жустужуй,  
Чашмалар обини кўб ул ўтқа қуй.

Эй хушо шаҳ ул чашм гирён анга,  
Ул ҳуможон дилга бу бирён анга.

Охири ҳар гиря бўлғай шодлиғ,  
Бу нишона бандага озодлиғ.

Чашми саркуб гирядин гар бўлса кўр,  
Чашми сирри бўлғусидур айни нур.  
Офтоб гар бўлса бу олам зуҳур,  
Бўлғай ул вақтида бу зулумот нур.

Бўлмаса ул одамики кўзи сар,  
Ҳарна олам ичра бўлғай дар назар.

Айласам гар гиряни васфин санга,  
Холи эрмас гирядин арзу само.

Эй дарифо, қилмадим ҳеч гиря ман,  
Қилсам ул дилбарга гиря ҳады ман.

На бақавли хуш анга на қоли хуш,  
Икки оламдин анга бу нола хуш.

Ашкни сан оби ройгондур дема,  
Ҳар бири бир дурри ғалтондур ҳама.

Кўрсалар бу ашкни ул аҳли рашк,  
Барчаси пиндор қилгай оби мешк.

“Лайса ҳозо луълуъан амволуҳо”<sup>60</sup>,  
Ҳар биридур гавҳари қийматбаҳо.

Ул базохир оби хундур андарун,  
Аҳли рашк “ло йубсирун”<sup>61</sup> ло йаъламун”<sup>62</sup>.

Истасанг айши бақони роҳати,  
Бўлма холий гириядин ҳеч соати.

Пеши Юсуф қилма истиғнову ноз,  
Қил анга сан ашки Яъқубсан ниёз.

Кимки ул бедордур бодарддур,  
Кимки ул ҳушёрдур рух зарддур.

Эй дило, қилсанг талаб ул ёрни,  
Ташла бу сўзингни олғил розни.

Қатра ёш кўздин чиқар ул ёр учун,  
Азбаройи дийдани дийдор учун.

Дард била нолаву гирия бу йўл,  
Яхшироқ минг йилғи тоотидин ул.

Ҳар ибодатки бедард, эй амак,  
Ул таомидурки, аммо бенамак.

\* \* \*

Ё валад исмаъка ҳоза-н-нусҳа,  
Лайса фи-д-дорайн ҳоза-н-нуъма”<sup>63</sup>.

Доналар бу мурғлар олғай сани,  
Ғунчалар бу тифлилар олғай сани.

Доналар пушида қилғил дом бўл,  
Бўлмағил зинҳор кому ком бўл.

Берса ҳар ким кўнглиға дасти мурод,  
Майл этар аъзоси ҳар доим фасод.

Вақти сихҳат ёр бор, душманму бор,  
Вақти дард ҳар иккиси сандин қочор.

Вақти дарди чашм дандон ҳеч кас,  
Дастгири йўқ бажуз фарёдрас.

Ҳар жафойи зулми халқи бу жаҳон,  
Қил ани пушида ганжодур ниҳон.

Халқи оламни санга бадкор этиб,  
Олдиға элтар сани ночор этиб.

Барча халқдин ўзни пинҳон айламак,  
Балки ўздин ўзни пинҳон айламак.

51-6

Эй писар, хилват ниҳоёти будур,  
Лаззату айшу ҳаловоти будур.

Солма кўзни бу жаҳон мурдорға,  
Балки ҳар аъмол ё аҳволға.

\* \* \*

Айладим оламни сайри, эй амак,  
Тобмадим ҳеч халқ диндордин бўлак.

Халқ берса эрди гар сувратға даст,  
Халқ бўлғайлар эди сувратпараст.

Бўлса гар ҳар жойда бу хулқи хуш,  
Ўумла одам банди доми хулқи хуш.

Истасанг озодлиғ икки жаҳон,  
Хулқи хуш қил, доимо бўлғил амон.

Ўумла олам зери пойи хулқи хуш,  
Ўумла олам банди пойи хулқи хуш.

Хулқи хушдек йўқтур ҳеч неъмате,  
Хулқи баддек йўқтур ҳеч иллате.

Эй дило, бўл доимо бо хулқи хуш,  
Рўзу шаб қилғил талаб бир хулқи хуш.

Хулқи хушдек йўқ рафиқ ҳаргиз бу йўл,  
Тоб ани шабу рўз ани бирла бўл.

Подшоҳлар зери пойи хулқи хуш,  
Ҳарна бор олам бараста хулқи хуш.

Ҳар кишида хулқи хуш кам-кам бўлур,  
Ул кишида бихи бад маҳкам бўлур.

Хулқи бадлик бу нажосатдин ямон,  
Бўл йироқ бадхулқдин тобгил амон.



Хулқи бадни суврати мардум эрур,  
Дарҳақиқат мор ҳам каждум эрур.

Бўлма ул бадхулқға ҳаргиз дучор,  
Шеру гўргу мору каждумлар қочор.

Хулқи баддин дўстлар душман бўлур,  
Хулқи хушдин хорлар гулшан бўлур.

Жон бериб ол хулқи хушни, эй дариф,  
Кесмагай бу хулқи хушни ҳеч тиф.

Ҳадяи хуш шоҳ олдиға бу хулқи хуш,  
Келмагай бехулқи хуш манзурға хуш.

Хулқдин бўлғай мубаддал фаҳшлар,  
Хулқи хушдин ром бўлғай ваҳшийлар.

Ушбу панддурки, ул баҳр ул-ҳаёт,  
“Ал-ҳасанот йузҳибна-с-саййиот”<sup>64</sup>.

Эй биродар, хулқи бад диндан чиқар,  
Ким чиқармас мазҳабу диндин чиқар.

Бу тан ичра ҳирсларинг маҳкам бўлур,  
Қувватинг кундан кунга кам-кам бўлур.

Тут бу пандимни қулофингга ниҳон,  
Дамбадам сан пир бўлурсан ул жувон.

Кетса гар ногоҳ сандин қувватинг,  
Кетгай они бирла ҳамроҳ қудратинг.

Эй писар, бу сўзга бўлгил ҳушёр,  
Хўйи бад мисли дарахти хордор.

Йўқ турур бу қувватингда эътамид,  
Ларзалар қил ҳамчунон ларзон бид.

Ул жувони нар бўлурсан пиразан,  
Тез ургил бихини бу кунда сан.

Хулқи хуш мифтоҳи жаннатдур санга,  
Хулқи бад мифтоҳи дўзахдур санга.

Рўзу шаб қилгач Муҳаммад хулқи хуш,  
Бўлди олам халқи андин кўнгли хуш.

Хулқи хуш сиз айлаган тоат ҳама,  
Оқибат жониға офатдур ҳама.

Хулқи бад сангхора хулқи хуш гуҳар,  
Хулқи хуш чун шаҳд, бадхулқи заҳар.

Бўлса кўзи кўрмас гар англамас,  
Бўлса шамъ зулматни ҳеч ким хоҳламас.

Хулқи хуш чун жон, тоат мисли тан,  
Йўқ турур бу сўзда ҳаргиз рай бу занн.

Бўлса бу мажлисда бир фаҳмида кас,  
Кўп демаклиғ айбдур, бир ҳарф бас.

Ҳар кишига ростлиғ ороми дил,  
Ростлиғ икки жаҳонда доми дил.

Ранги шак чун ранги қуфр ҳам нифоқ,  
Эй биродар, тез бўл шакдин йироқ.

Рўзу шаб андеша бирла туша қил,  
Одам эрсанг ростлиғни пеша қил.

Ҳар неча қилдим бу йўл андешалар,  
Тобмадим бу ростлиғдек тушалар.

Эътиқоду сидқу ихлоси йўқин,  
Ушбулар айлар сани ғамдин эмин.

Ушбулар бир қалъайи маҳкам эрур,  
Бўлса ким бу қалъада маҳкам бўлур.

Йўқ турур бу қалъадек Шому Ироқ,  
Лашкари нафсу ҳаво андин йироқ.

Шарқдин, ғарбу заминдин то фалак,  
Йўқ манга бу қалъадин эмин бўлак.

Гар киши бу қалъага дохил эмас,  
Ул кишидин аҳлиға шомил эмас.

Кир маконни қалъага лашкар олур,  
Лашкари кофир ани малъун қилур.

Ҳар кишиким ростлиғ давлатда йўқ,  
Ул киши ҳеч мазҳабу миллатда йўқ.

Бўлса “дол”дек кам киши хавф ичрадур,  
Ким “алиф”дек рост ул жон ичрадур.

Эй биродар, истагилу истагил,  
Зоҳиру ботинда ростлиғ истагил.

52-6

Кимки зоҳир, ботини яксон эрур,  
Икки олам мушкили осон эрур.

Эй биродар, жумла бо мастийи Худо,  
Юз туман мингдин бири масти Худо.

Олса қози ришвадин бир бош пиёз,  
Ҳақ-ноҳақни қилолмас имтиёз.

Олмаса ришва кўзи бийно бўлур,  
Олса ришва кўзи nobийно бўлур.

Жону дил бирла эшитгил, эй ўғул,  
Бормагил ул бевафолар сори йўл.

Бу забону чашми кажу гўши каж,  
Табъи кажу фаҳми кажу ҳуши каж.

Сан дуруғ гўйларни бовар қилмагил,  
Қилса савгандларни бовар қилмагил.

Гарчи бўлса илгида тухфа заҳир,  
Нафсига доим ани ақли асир.

Кимки икки юзлик ул маккора зан,  
Фикри бу ҳар кимни қилгай беватан.

Эрни кўрганда гуфтори дигар,  
Ғайрини кўрганда рафтори дигар.

Кимки икки юзлик ул маккорадур,  
Мард эмасдур, бир зани маккорадур.

Айби ул зан макру дому ҳийла фан,  
Айби ҳар зан бадгумону накку занн.

Сан умид қилсангки иймондин кетар,  
Йўқ мариз ҳеч дил мундин ботар.

Эй биродар, ростлиғ пиринг санинг,  
Икки олам ичра дастгиринг санинг.

Ҳақ эмас ҳеч вақт фосиқлар била,  
Доимо ҳар лаҳза содиқлар била.

Дафъ қилгай шукр иллатҳойи дил,  
Шукрдин афзун бўлур савдойи дил.

Шукр жони неъмат, неъмат чун пўст,  
Шукр элтар то сани дар кўйи дўст.

Неъмат ар кўб бўлса ғафлатдин бўлур,  
Меҳнат ар кўб бўлса раҳматдин бўлур.

Шукри неъмат яхши неъматдинму ҳам,  
Рўзу шаб шокирға неъмат дамбадам.

Шукр қилсанг неъматинг афзун бўлур,  
Куфри неъмат қилсанг илгингдин олур.

Гар десанг муйи саринг шукри давом,  
То қиёмат шукрлар бўлмас тамом.

Ҳар замон дар гулшани зикри Худо,  
Дамбадам булбул каби қилғил наво.

Санки бу фазлу ҳама эҳсонига,  
Шукр қил Аллоҳға ва ҳам Хожаға.

Соҳиби неъматни шукри қарздур,  
Шукр қилмоқ ҳар кишиға фарздур.

Неъматни ҳақ беҳаду вофир бўлур,  
Шукрни тарк айлаган кофир бўлур.

Бандаға Ҳақ аввало неъмат берур,  
Шукр келтурса бажо раҳмат бўлур.

Баъди неъмат неъмату раҳмат ҳама,  
Баъди раҳмат иззату қурбат ҳама.

Эй дарифо, шукрдин зикр этмадим,  
Юз туман неъматға бир шукр этмадим.

Бўлса эрди кошки шукрим қабул,  
Тобгай эрдим ман жаноби ҳаққа йўл.

Ўтти умрим рўзу шаб ғафлат била,  
Парвариш нафсим қилиб неъмат била.

Фикри нодон ҳарна гуфторим мани,  
Йўқту(р) холис зарра кирдорим мани.

Айдилар бу йўлда кирдор эътибор,  
Ҳар сухан кирдорсиз безътибор.

Эй биродар, нафсни бедор қил,  
Рўзу шаб кирдор қил, кирдор қил.

Мисли булбулдек тўла сўзлик тўла,  
Беамал ҳар сўзға бор ул сўз тўла.

Эй писар, бўлсанг баланд парвоз бўл,  
Бўлма булбул шоҳину ё боз бўл.

Истасанг ул шоҳни илкида жо,  
Боздек кирдорлар қилгин бажо.

Қанча булбулнинг гуфтори тўла,  
Туну кун доим қафасда мубтало.

Бўлса ақлинг ҳар дами бир кор қил,  
Тарк қил гуфторни бир кор қил.

Беамал гуфтор шаб-рўз, субҳу шом,  
Азбаройи нон учун тазвиру дом.

Қил бу сўзни, эй Хароботий, қабул,  
Беамал гуфтор чун табул духул.

\* \* \*

Аё фoфил, қулоқ сол ушбу сўзга,  
Ки бу ғафлатдин андак келгил ўзга.

Ҳама халқи бу олам ғафогардур,  
Бор фарзанди одам савдогардур.

Қулоқ сол ақл ҳам дилни қулоқи,  
На бу жисму на бу гилнинг қулоқи.

Йиборди Тангри ўздин руҳ мунда,  
Бериб бир халта зарни харжи мунда.

Танинг халта мисоли дам дирамдур,  
Қилиб сан харж кундин-кунга камдур.

Яқинликни тилар бўлсанг Худоға,  
Кўнгилга берма йўл нафсу ҳавоға.

Намаксиз ошу нонни лаззати йўқ,  
Дирамсиз халталарни иззати йўқ.

Бу ҳамёнинг азиздур то дирам бор,  
Дирамсиз ушбу халта хору мурдор.

Ҳама жонға бериб бир халта зарни  
Яратти ишқ бобидин башарни.

Кўнгилда яхши тут бу сўзни, эй ёр,  
Дирам бордур бу ҳамён жонму ҳам бор.

Ки охир халта зарни сўрғусидур,  
Ҳисобин бир-бир онинг олғусидур.

53-6

Баногоҳ бўлса руҳинг харжиси кам,  
Бўлуру ул соат ичра мунқатиъ дам.

Бу савдодин кишиким беҳабардур,  
Эмасдур одамий ул гову хардур.

Меҳрсиз ҳеч дирам йўқ расми шоҳ бу,  
Валекин бу дирамни нақши “ё ҳу”.

Эй писар, ол харжи дохилдин сабақ,  
Қил дирамни харж олғил ишқи ҳақ.

Харж қилсанг бевафоларға дирам,  
Оқибат жонингға қўб дарду алам.

Қил нафси харж бир жонон учун,  
Балки ул жонони жовидон учун.

Ҳар нафас зар, жисм ҳамён, эй ўғул,  
Ҳар дирам чиқмишда сан ҳушёр бўл.

Харж бўлса зинҳор душман учун,  
Сарвиқад, рухлола, симин тан учун.

Яъни бу дунёи дун маккораға,  
Беҳаё, бешарм, бу ғаддораға.

Ҳар нимаким қилса бу ҳақдин йироқ,  
Дунёдур андин жаҳаннам яхшироқ.

Бўлса ҳамжо дил била дунё лаъин,  
Икки олам бўлмас ул ғамдин амин.

Душмани ҳақдур бу дунё, эй писар,  
Дўст тутгай ани кимдур кўру кар.

Ким Худони душманиға ёрдур,  
Ул кишилардин Худо беҳордур.

Бўлса кимда андаки бўйи ҳаво,  
Ул кишида йўқ турур бўйи Худо.

Ўлтуру ё тур ёд этгани,  
Ҳар ҳама ҳол ичра сен шод этгани.

Эй писар, бўл аҳли дунёдин йироқ,  
В-арна сандин ушбу йўл сак яхшироқ.

Ҳар эшик бир итға рўзу шаб етар,  
Сан эурсан беқаноат дарбадар.

Аҳли дунё душмани ҳақдур ҳама,  
Жумла қулу феъли ноҳақдур ҳама.

Ушбу панде лаъб ё бози эмас,  
Аҳли дунёдин Худо рози эмас.

Бу жаҳонда кимки дунёдордур,  
Ул кишилар толиби мурдордур.

Одам эрмас суврати одам ҳама,  
Толиби мурдорни одам дема.

Ҳар кишиким, бўлса ул дунё талаб,  
Ул киши Қорун эрур ё Бу Лаҳаб.

Бўлса ақлу фаҳм бир мард истагил,  
Токи андин дард ила ишқ истагил.

Риштаи дунёни сан узгил бу кун,  
Нафсга ҳақ йўлини кўргуз бу кун.

Жонга ол бу сўзни сан, эй ҳамдиёр,  
Жони одамни яна бир жони бор.

Токи бўлмай дарди шоҳлар шерик,  
Жони одамлар эмас ҳаргиз тирик.

Қилса ҳосилким агар дарди Худо,  
Йўқтур анда нафсу шайтону ҳаво.

Икки олам ҳосилӣ ул дарддур,  
Қилмаган ҳосил ани номарддур.

Дардлиғ борган дари дардни очар,  
Дарддин лекинки номаҳрам қочар.

Дард мисли риштадур андин санга,  
Кимки маҳкам тутса ул ўлтур санга.

Жаҳд бирла дард ҳосил бу кун,  
Тез ол шамъи сафо қўлға бу тун.

Бу риёзатлар билан ҳар рўзу шаб,  
Қилмағил ғайр аз Худони сан талаб.

Исталса бу дунёни лаззатини,  
Қил ҳаром роҳату ҳам ишратини.

Саъй қил то қуфли дил очилғуча,  
Ушбу зулмат зарралар сочилғуча.

Истасанг Аллоҳни эрмас йироқ,  
Бўл халойиқ, ҳар алойиқдин йироқ.  
Айдилар ғайр аз Худо ром ўлмағил,  
Токи дам бор ҳеч ором олмағил.  
Айтадурки, кўб одам ман ҳақталаб,  
Ишрату роҳатда доим рўзу шаб.  
Рост эрмас даъвоси, ялғон эрур,  
Одамий эрмас ўшал, ҳайвон эрур.  
Жисми хокий, сўзи афлокдур,  
Тан палид, аммо каломи покдур.  
Одамийни эътибори сўздадур,  
Ё жамолу дил на овоздадур.  
Оқибат тан ер била яксон бўлур,  
То қиёмат яхши сўз аён бўлур.  
Эй писар, бу жисм бўлғай бенишон,  
Яхши сўз қолғай олам жовидон,  
Ул кишиким, ваъдаға қилса хилоф,  
Жони они тиғи чўбдур дар филоф.  
Рост келмас икки сўзлаб ёриға,  
Келмаги бу тиғи чўбни кориға.  
Гар талаб қилсанг Худони, эй ўғул,  
Жону дил бу сўзни маҳкам қил қабул.  
Ақлу илм жисм ичра чун жавҳар эрур,  
Тан садаф монанди сўз гавҳар эрур.  
Истама ғайр аз Худони бу жаҳон,  
Қилма таъйин бормаин манзил макон.  
Қилмағунча рўзу шаб ҳақ амрини,  
Тобмас ул ҳарғиз бу олам Тангрини.  
Тангрини на бирāv баҳридин топар,  
Истаса сидқ аҳли кўнглидин топар.  
Тобмаин то кўнглини ҳар ким агар,  
Ул киши ҳақ жонибиға бастадур.  
Дилни тобган шод, кўб хандон бўлур,  
Тобмаган ҳайрону саргардон бўлур.



54-6

Жонки, то жисмингда тобар унс қилиб,  
Қил талаб ул дилни бу гилдин чиқиб.

Тузлик ила толибе қилса амал,  
Сидқ била айлама тун-кун жадал.

Йўқту(р) гумон мақсадиға еткуси,  
Барча мақомлардин у кун ўткуси.

Ичи ёрур масалки Шамсу Қамар,  
Завқ ила чун шавқ бўлур болу пар.

Руҳи ани суйи самовот ўтар,  
Тай қилибон қудс мақомин тутар.

Ишқ агар бўлса кишига рафиқ,  
Фатҳ бўлур бўлса на мушкил дақиқ.

Ишқ элига дўзах ўтидур чаман,  
Кўрса қочиб чок қилур пираҳан.

Ишқу муҳаббатнинг ўтидин, эй ахий,  
Ўртанодур етти тамуғ дўзахи.

Бўлсаки кам кўнглида ишқи Илоҳ,  
Бўлур анинг иши давом оҳ-оҳ.

Ўртанибон бағри ҳарорат қилур,  
Ул сабаби оҳни одат қилур.

Ишқ элини оҳ бўлур ҳамдами,  
Оҳ бўлур захми дили марҳами.

Гоҳ солиб ҳажру фироқу алам,  
Ўртар ани жону дилин дамбадам.

Хаста висолини кўрунг бир нигор,  
Гулни кўзига қилибдур интизор.

Оҳ, нетай, маҳвашим куйдурур,  
Оқибат ул телба қилиб ўлтурур.

\* \* \*

Ҳар тараф жилва қилур ул пари,  
Куйдирибон эткусидур аҳгари.

Кўз учидин қилди мани мубтало,  
Солдики жонимға туман минг бало.

Телба кўнгил ёр висолин тилар,  
Кўзи ани ҳусни жамолин тилар.

Гоҳ фироқини солиб куйдурур,  
Гоҳ висолини бериб хуш қилур.

Шукр Худо толиби ёр айлади,  
Мажнун этиб ҳусниға зор айлади.

Оқибат ул амрини ҳолатда жон,  
Оғусидур шубҳасиз ул бегумон.

Эй писар, эшит дафтари ишқ на демиш,  
Ҳажр чекиб ғуссани онча емиш.

Онча жафо қилди анга ёр ишқ,  
Мунча бало айлади дилдор ишқ.

Ишқ кўринг айлади мани хароб,  
Бағрими қон қилди ичурди шароб.

Тушти ғами ҳижрон, ҳамдам алам,  
Оқарди, устихон бўлди, вужудим адам.

На балолиғ кун эди учради ёр,  
Бўлди ошифта кўнгил зор-зор.

Ишқ дарди мани маҳжур этти,  
Оқибат амрига ранжур этти.

На кўз эдики, тушуб бўлди асир,  
Мани мундоқ ўшал ишқ айлади асир.

На қадди ул қомат зебо кўринур,  
На юруш жилвайи раъно кўринур.

На ажаб ғамза этар, жон элтар,  
На ажаб шевадур, иймон элтар.

На ажаб нози шарифат анда,  
На ажаб ишваи тариқат анда.

Юзидур жаннати Фирдавси наъим,  
Қаддидур саҳнида тубийи азим.

Токи абрулари боби жинон,  
Йўқ анга ўхшаса ҳури жинон.

Юрушидур кабки хиромон офат,  
Боқишидур жоним юз жон офат.

Зулфи чин-чин юзига чўлғошадур,  
Сочи сунбул белига чирмошадур.

Тоқатим қолмади ҳар кун ман зор,  
Ишқ дардида бўлурман зору фиғор.

Юрагим ўртанибон оҳ урдим,  
Неча сўз бор эди кўздин сўрдим.

Дедим на бало бўлди санга,  
Ки бу ишқ дардини ким солди санга?

Дедим, айғил не сўзинг бордур ани,  
Найлайин рамзингдинки сани.

Деди, кўз кўнгил иши, манда на сўз,  
На билай дунёда ким ёт, ким ўз.

Ким балоларни бу дам солди кўнгил,  
На бало бўлди борин солди кўнгил.

Мандин илгари кўнгил ҳозир экан,  
Қора қошиға боқиб нозир экан.

Бу маломатни манга қилди бу дам,  
Ки бўҳтон бошима солма бу дам.

Деди, айтай ман санга рози дилим,  
Ичи тошимдаги бу аҳволим.

Манга эл барча баробар кўрунур,  
Мис хувла бариси зар кўрунур.

Манга ҳеч фарқ эмас яхши-ёмон,  
Деди, мандин бу иши қилма гумон.

Эшитинг эмди кўнгил арзи дилин,  
Ки саволима не дегайсан ҳолин.

Ҳамага рози дилин айтгай фош,  
Куйибон ўртанибон мисли Қуёш.

Айди, эй кўнгли маккора жаҳон,  
Ки бу иш келмишдур сандин аён.

Боғладим бўйнима зуннор ғамин,  
Бўлдим ҳолим гаҳ чунон, гаҳ чунин.

Яна дину маърабу миллат кетти,  
Чу фароғи айш ила ишрат кетти.

Эшитинг ушбу сўз, эй аҳли сафо,  
Манга тенг дўзах, жаннат ҳама жо.

56-6

Хуми ишқу ҳимоят манда,  
 Хуми шавқу ҳидоят манда.  
 Хуми ишқу ҳидоят бўлди,  
 Мани ўз кўйида мажнун қилди.  
 Хум йўлидаги мани бошимдур,  
 Анга туҳфаки кўзда ёшимдур.  
 Бу сифат берди саволимға жавоб,  
 Деди, ҳолим будур, эй чашми нур об.  
 Оҳи “мина-л-ишқи ҳолотиҳи,  
 Аҳрақа қалбий би-ҳароратиҳи.  
 Мо назар ал-айн ила ғайрика,  
 Уқсиму биллаҳи ва оётиҳи”.<sup>65</sup>  
 Оҳ дедим ишқнинг ҳолатидин,  
 Куйди юрак ишқ ҳароратидин.  
 Боқса кўзим сандин агар ўзгаға,  
 Онт ичайин Тангрини оётиға.  
 “Аййўҳал гойибуна ёан назарий,  
 Шарҳуҳу ло ятумму би-л-қалами”<sup>66</sup>.  
 Иштиёқингда қуяр жону кўнгул,  
 Куйдириб қилди вужудимни кул.  
 Оҳ мани қилди хароб ул пари,  
 Куйдирибон айлади ул ахгари.  
 Гоҳ чиқар ишқ ўтидин гоҳ оҳ,  
 Оҳ бўлуб маъшуқиға яхши гувоҳ.  
 Толибеким, ишқдин огоҳ эмас,  
 Билгил ани содиқи бу роҳ эмас.  
 Куйдирибон ишқ дил тоза қил,  
 Лавҳи дилинг ойинадек тоза қил.  
 Тахтаи дил ойинадек бўлса соф,  
 Мазҳаби ишқ кўчасида урса лоф.  
 Ошиқ эсанг кечгил ул жондин,  
 Қилма тамаъ ойину иймондин.  
 Аҳли муҳаббатга тамаъдур ҳаром,  
 Мазҳаби ишқ ичра эрур танга ном.

Ким тамаъ қилсаки иймон биҳишт,  
Маъзаби ишқ ичра будур феъли зишт.

Ким тамаъ қилса жинондин қусур,  
Айшу фарҳи кавсару филмон, ҳур.

Йўқтур анга тонгла бу дийдори ҳақ,  
Орифи ҳақ этадур ушбу сабаҳ.

Аҳли муҳаббат тилаги ишқу ёр,  
Найласун жону жаҳон кор-бор.

Ишқ-муҳаббат ўтида хуш этар,  
Чарх симоъ бирла ўзин жўш этар.

Васл тилаб оҳ қилур дамбадам,  
Куйса жаҳон ошиқиға бас на ғам.

Оҳ мани лайлу шаби куйдурур,  
Ўз кўйида телба қилиб ўлтурур.

Оҳ на деб кўрдим ўшал моҳни,  
Солди манга дарду алам, оҳни.

Гоҳ фалак жавр солур, гоҳ васл,  
Фурқат ўти андин ўчар фасл-фасл.

“Йуҳиббуҳум” ёр нидо айлади,  
Васл муродида мани чорлади.

Ушбу нидони эшитиб жону дил,  
Куйди фироқ ўтида мисли Халил.

“Йуҳиббуна”<sup>67</sup> кўнглум ани хушлади,  
Ғайри наким бор борин ташлади.

Нега десам йўқ бу тамом дарди ғам,  
Оҳ ғами қилғуси охир адам.

Ҳар кишини ишқи йўқдур, жони йўқ,  
Балки ҳақиқатда ани иймони йўқ.

Шаръи расул сўларидур пок бил,  
Қилди деганин сидқ била тоза қил.

Сўзлагани роҳи шарият эди,  
Ботинида хўйи тариқат эди.

Ҳоли Расул эрди ҳақиқат аён,  
Тутти ҳақиқатни ниҳон-ниҳон.

Тўқсон минг ҳазрати Субҳон сирин,  
Ҳеч кишига демади мингдин бирин.

Бир неча сўз шаръиға қилди ниҳон,  
Қилди қулоқингға бирдин ниҳон.

Деди, бу сўз ҳеч кишига демагил,  
Аҳли шариатга хабар бермагил.

Тилини шариатиға мувофиқ тутунг,  
Дилни тариқат йўлида йурутунг.

Зоҳирида шаръ мувофиқ керак,  
Ботинида жону дил ҳақ керак.

Ҳар кишини шаръи бузуқ, дини йўқ,  
Айни ҳақиқат ила иймони йўқ.

Бу иккини бир-биридин узмагил,  
Оқил ўлуб ўзга мақом тузмагил.

Айла жадал, қолма яна қол ила,  
Ишни битур ишқ топиб қол ила.

Қол сани солмасидин эртароқ,  
Ўз-ўзингга сен қилакўр бир яроқ.

Ҳол ишинг бир-бири пеш эмас,  
Ҳолсизин қол ишинг эш эмас.  
Сирри ҳақиқатга қол ишинг лойиқ эт,  
Ишқу муҳаббатга дилинг содиқ эт.

Ишқу муҳаббат валийлар элчиси,  
Ориф ила ишқ элини йўлчиси.

Бил, на эди Мусога берган асо,  
Муъжиза бўлди анга бир раҳнамо.

Аввал ҳу, охир ҳу, билгил мунни,  
Анинглаким, келтириб юрмиш сани.

Зоҳири ҳу жисми аёнингдадур,  
Ботини у сирри ниҳонингдадур.

Сан на десанг ул ани дер, эй фалон,  
Ҳадду ҳудуди йўқ ани ломакон.

Айди Расул танимай нафсини,  
Сиз демангиз аҳли тариқат ани.

Кимки йиғиб нафсини поймол этар,  
Оқибат ул васл этагин тутар.

Кимки кўнгул берди дунёи фонийга,  
Жавру ситаи қилди ўзи жонига.

Ҳақ тиласанг тобки бир роҳбар,  
Қилма талаб неъмат, кумуш симу зар.

Пир топиб маҳкам этокини тут,  
Нафсу ҳаво айши жаҳонни унут.

Сидқ била жону дил ихлос қил,  
Шукри риё қилма гумони обу гил.

Жону кўнгул бирла мудом бўл муқим,  
Шак этибон бўлма чу Шайтон ражим.

Кимки ишига холис этар ҳар замон,  
Ажрини ҳақ бергусидур бегумон.

Сарв каби рост керак толиби,  
Бўлма яна эгри жўйи фисқ каби.

Толиби ҳақ бўлсанг агар, эй фалон,  
Ушбу сўзим сол қулофингга бу замон.

Нафсу ҳаво кибру маний қилмағил,  
Дўзах ўтига ўзингни солмағил.

Мовуманий феъли чу Шайтон иши,  
Ташла бу иш бўлса агар дониши.

Айлаки аччиғни ўзингдан йироқ,  
Солма ўзингни бўйунгга сан тузоқ.

Ғўра каби элга сўзинг берма талх,  
Йўқту(р) бу сўзингга сани тонгла нарх.

Ҳар кишида бўлса агар яхши сўз,  
Хушлар ани ҳарна сўзин ёту ўз.

Талх сўз, эй ғунча, на хуш феъли хуш,  
Талх деса ким анга бўлса хамуш.

Айла сўзунг қанду асалдин лазиз,  
Ҳар кишини кўр ани жондин азиз.

Ҳар кишиким дунёга кўнгул берди,  
Ишқи ҳидоятни магар англади.

Ишқ мақомига қўяр дамбадам,  
Бўлур ани кўнгли вужуди адам.

Нафсу ҳаво, мову манийлар кетар,  
Фоний бўлуб ҳақга ўзин васл этар.

Ичи, тоши, уч юз олтмиш тамур,  
Шуъла уруб нури қамар, шамс олур.

Сайр била сар кўзида қолмас ҳижоб,  
Кимки боқар они кўрар беҳижоб.

Кимки ёрур абри вужуд пардасин,  
Қолмас ани кўнглида ҳеч кибру кин.

Оҳ, нетай, ул сарви паришон кўнгул,  
Лайли каби Мажнуни ҳайрон кўнгул.

Ноз ила қилди фирифта мани ул,  
Неча маҳал кўйида сарсон кўнгул.

Оҳ вужудимни адам қилди ул,  
Ишқ ўтида тун-кун ҳайрон ул.

Токи висол анга тушар ани бил,  
Бўлди хўбон бесару сомон кўнгил.

Оҳ надин бошима тушти бу иш,  
Бўлди ишим оҳ била ёзу қиш.

Ушбу на ранг бода эди офати,  
Дарду балодин ўзга йўқ роҳати.

Қўйди кўнгулни ўзига зор этиб,  
Куйдирибон ишқ ўти афгор этиб.

Гоҳ қилур ғам ўтига мубтало,  
Гоҳ солур бошима юз минг бало.

Турфа ажаб шева карашма қилур,  
Ғамза била ноз этиб жонни олур.

Ҳар тарафи жилва қилур мисли моҳ,  
Қисмати ҳақ бўлди нетай оҳ-оҳ.

Тушти кўзим, бўлди асири ани,  
Кирпигидин тегди-ю тири ани.

Дасти ани захм юрокимдадур,  
Турфа лазиз лаззати жонимдадур.



Лаъзатидин тобди жон оби Хизр,  
Тобти магар гўшайи гирдоби Хизр.

Балки бу дам Хизр қилодур ҳасуд,  
Афсус этиб дерки, бу умр на суд.

Бор манинг Хизрга на ҳожатим,  
Афзун учун Хизр жунуни ҳолатим.

Берди азал соқийси жоми “Аласт”<sup>68</sup>,  
Мисли чу Мажнун кўйида қилди маст.

Ман на билай жон ким, жонона ким,  
Ман на билай ўз ким, бегона ким.

Манда на ҳад сўзиким сўзлагум,  
Ҳажр чекиб ёр васлин излагум.

Бўлдики инъом чунин тобъи назм,  
Жорий бўлуб тилга дедим ушбу базм.

Масалки, ман бир қалами хўшк най,  
Балки бунӣ ўз-ўзидин на дегай.

Оқил эсанг ушбу сўзим фаҳм қил,  
Боз ёниб сўрмаки мандин далил.

Эшитинг, эй биродар, арзи ҳолим,  
Чекиб ғам, қолмади асло мажолим.

На билмай толеъи бахтим забундур,  
Кўзим хуноб, шаробим лолагундур.

Кичикдин бошима тушти бу савдо,  
Мани қилди бу савдо бирла шайдо.

Хўроким ғам, либосимдур маломат,  
Ҳамиша кору борим қайғу меҳнат.

Кичикдин қолмади бу телба кўнглум.  
Қилиб ҳарчанд насиҳат ёри мардум.

Бошимдин кетмади бу ғам балоси,  
Туганмас бўлди ишқни можароси.

58-6

Ҳама хешу таборим айш ичинда,  
Балову дарду меҳнат ғусса манда.

Ҳама дунёда хуррам, хушлиги бор,  
Манам бир ёр учун зору гирифтор.

На кун эрди йўлуқти ёри дилхоҳ,  
На кўз эрдикн тушти оҳ, юз оҳ.

Тушуб кўз бу кўнгул ошифта бўлди,  
Қизил гул фунча табъим кўрди, сўлди.

Ки кўз тушгач кўнгул ҳам бўлди мойил,  
Хаёлим бўйнига тушти ҳамойил.

Билинг кўз боқишига мисли лочин,  
Адо бўлмас неча қилсам сифотин.

Ажаб хушранг бир ёре экондур,  
Кўзи сеҳри била дилдор экондур.

Табассум қилди бу кўнгул(ни) олди,  
Чу Мажнундек мани овора қилди.

Қамишдек жисмига ўт солди ул моҳ,  
Чекарман бу сабаб кўб оҳ, кўб оҳ.

Ҳароратдин таннм монанди оташ,  
Фамидин ҳам кўнгул доим мушавваш.

Гаҳи беҳуд, гаҳи боҳуд ўзимда,  
Гаҳи ҳозир, гаҳи ғойиб кўзимда.

Дегайсиз они жаннат ҳурларидур,  
Ки жаннат ҳурларини сарваридур.

Қадди монанди шамшодийу аръар,  
Юзини кўрсангиз чун моҳи анвар.

Яна зулфидур ани мушку анбар,  
Димоғим бўйидин бўлмиш муаттар.

Чиқар уйдин қоши ёйдек эгилиб,  
Яна кирпиклари ўқдек терилиб.

Олиб кўнглим мани ул моҳи тобон,  
Бу янглиф қилди охир зору ҳайрон.

Лабо лаълу тиши чун дурру гавҳар,  
Бўлуб ман ишқида мисли самандар.

Мунингдек дилрабоға мубталоман,  
Суюб ишқин ани айни баломан.

Замоне ғам кўнгулдин холий эрмас,  
Киши бўлуб на деб ҳолимни сўрмас.

Яна ул меҳри қаттиғ раҳмсиз ёр,  
 Демас ҳолинг нечук, эй ёри афғор.  
 Неча кўб йиғласам додимға етмас,  
 Фигону нолаву фарёдимға етмас.  
 Ҳамиша ман ани ишқида бедор,  
 Ётур ноз уйқуда ул ёри дилдор.  
 Умид этсам вафо солур жафосин,  
 Фироқу меҳнату ҳижрон балосин.  
 Биродар, бу ҳолимни шарҳ этойин,  
 Чу Мажнун қиссасидек назм этойин.  
 Ки ошиқларга бўлсун достони,  
 Ўқуб дард аҳли ҳам эшитгай они.  
 Эшитинг қиссайи Мажнун сўзини,  
 Ки ишқ ўтида на этти ўзини.  
 Бор юрди Лайли деб бир қизи раъно,  
 Ки ул соҳиб жамолу қадди зебо.  
 Кўзи эрди ани бодоми тардек,  
 Яна юзи ани мисли Қамардек.  
 Жаҳонға келди мундоқ офатижон,  
 Анга бўлди ҳама ошифта ҳайрон.  
 Баногоҳ кўрди ул Лайлини Мажнун,  
 Тушуб кўнглига ишқи бўлди афзун.  
 Муҳаббат бодасидин бўлди сероб,  
 Кутуб бағри юраги бўлди хуноб.  
 Ани кўргач чунон девона бўлди,  
 Боридин кечти-ю бегона бўлди.  
 Кеча-кундуз қилур фарёду афғон,  
 Ки дер, эй дил бари Лайли, эй жон,  
 Тилида юрди Лайлини саноси,  
 Будур кўнглида доим муддаоси.  
 Кўзидин уйқу кетти, кўнглидур ғаш,  
 Бўлуб Лайли учун кўнгли мушавваш.  
 Юрагида қилур ишқ ўти жавлон,  
 Ки дер, эй Холиқу ҳаййу Субҳон.

На савдо эрди бу бошимга тушти,  
На ўт эрдик, жонимга ёпушти.

Замоне кўрмаса Лайли юзини,  
Тилар Мажнунки ўлтургай ўзини.

Халойиқга бу сўз машҳур бўлди,  
Булар овозаси оламга тўлди.

Ҳама билдики Мажнунни ишини,  
Ки Лайли ишқи Мажнун элтишини.

Борур Лайли кўйига нола айлаб,  
Гаҳи йиртиб яқосин пора айлаб.

Агар Мажнунни кўрса ёш ўғлон,  
Сочиб тупроқ қилурлар мисли борон.

Гаҳи хилват қилиб келса баногоҳ.  
Бўлур андин рақиблар ул дам огоҳ.

Суриб қувлаб ани ҳаргиз йўлатмас,  
Киши бўлуб ани додиға етмас.

Ки Мажнун бўлди хўб расвойи олам,  
Сир айғудек анга йўқ ёру ҳамдам.

Ки ҳолидин хабар Лайлиға берса,  
Чу Лайлидин яна бир сўз кетурса.

Десалар бир-бирига арзи ҳолин,  
Кўюбон бошларига васли болин.

Юролмай халқ аро Мажнун ҳайрон,  
Макон этти чиқиб дашту биёбон.

Бошига хору хасдин коза қилди,  
Фигону ноласин андоза қилди.

Қилур нолаки дер, эй Лайли дилдор,  
Мани қилдинг фироқ ўтида афгор.

59-6

Қачон бўлғай сани васлингга етсам,  
Ки бир-бир йиғлабон арзимни этсам.

Добон бир Тангрига айлай муножот,  
Илоҳий, санга тушти ушбу ҳожат.

Ки бир тоғ бор эди оти ани нажд,  
Борур эрди гаҳи анда бўлуб важд.

Чиқар эрди бу тоғ бошига ногоҳ,  
Қилур эрди нигорин ёд этиб оҳ.

Юриб эрди кезиб дашту биёбон,  
Фироқ ўтида йиғлаб зору ҳайрон.

Баногоҳ учради чўпони Лайли,  
Кўрингким, на тилар Мажнунни Лайли.

Деди қўйчиға, кимни қўйчисисан?  
Деди қўйчики, Лайли қўйчисиман.

Бу қўйлар мақдамиға қўйди бошин,  
Фигон айлаб кўзидин тўкти ёшин.

Деди, эй қўйчи, сан додимға етгил,  
Эшит арзимни фарёдимға етгил.

Манга қилғилки бир қўйни Худойи,  
Қилай жоним санга қурбон фидойи.

Қилиб бисмил терисини сўёйин,  
Бу дам ани терисига киройин.

Борай қўйлар билан Лайли қўйига,  
Кирай қўйлар билан Лайли уйига.

Қабил этти чу қўйчи, берди қўйни,  
Олиб хилватга элтиб сўйгил они.

Ки Мажнун қўйни бисмил қилди дарҳол,  
Терисин гўштидан айирди фил-ҳол.

Кийиб қўй терисин қўйларға келди,  
Бу ҳол ила бу қўйларға қўшулди.

Юриб қўйлар била шаҳр ичра кирди,  
Ки Лайли қасри ичра манзил олди.

Юриб эрдикки ногоҳ Лайли раъно,  
Ки қўй сорига юриб келди ногоҳ.

Кўриб Лайлини Мажнун деди ҳой-ҳой,  
Мани кўр бу на ҳолат, вой-вой.

Кийиб қўй терисин келдим кўрай деб,  
Санга ман бир замон ҳамдам бўлай деб.

Деди мандин дариф этма висолинг,  
Кўзимни равшани ҳусну жамолинг.

Дебон кўз ёшини ул ерға тўкти,  
Юраги эзилиб бир оҳ чекти.

Кўрар Лайли ўзини ошиқидур,  
Суёр жонидин ортуқ маъшуқидур.

Югурди Лайли ҳам қолмай қарори,  
Ки қилмай ўзида сабр ихтиёри.

Туруб сўзлаштилар икки дилором,  
Замон хилват топиб ул ерда ором.

Фироқу ҳажр меҳнат розин ойтиб,  
Чу Лайли дилрабоси кетти қойтиб.

Ботиб кун бўлди кеч эл ётти бори,  
Тўшак солди яна Лайли нигори.

Алар ётгачки Мажнун турди борди,  
Нигорини ётар ерини кўрди.

Бу ҳам бориб ани ёнида ётти,  
Рақибларни кўзи уйқуга ботти.

Аларни ухлатиб бу икки жонон,  
Ки қилдилар фароғат айш жавлон.

Фироқу ҳажр, фуқратлар жафосин,  
Бошиға келган ул меҳнат балосин.

Бир-бирига айтиб йиғладилар,  
Тонг отгунча замоне тинмадилар.

На кечадур қўшулса икки жонон,  
Деса бир-бирига арзини пинҳон.

Ки алқисса тонг отти, ўтти фурсат,  
Яна Мажнунни тутти қайғу, меҳнат.

Жудо бўлгай керакким, икки ошиқ,  
Бир-биридин ортуқ ёри маъшуқ.

Қўнуб арз эттию қўйларға келди,  
Бўлуб ҳамжинс қўйларга қўшулди.

Чиқиб кетти бу қўйлар бирла юруб,  
Кўнгулни тиндуруб Лайлини кўруб,

Кийиб пўст бўлди Мажнун васлга дўст,  
Ки ул йўқ кетмади пўст тобмади дўст.

Ғараз бу сўздин, эй ёри мувофиқ,  
Агар бўлсанг Худо васлига лойиқ.

Агар оқил эсанг ҳақ йўлига кир,  
Бу оламдин фано бўлғунгдур охир.

Киши мажнун каби бўлмаса ошиқ,  
Қачон бўлғусидур васлига лойиқ.

Керак бўлса кишига ҳақ висоли,  
Кўрай деса жамоли ло язоли.

Керак тобгайким, ул марди комил,  
Ки бўлғай муршиди комил мукаммил.

Тутуб андоқ мукаммилки этокин,  
Дегай кўнглида бори арзи ҳолин.

Ўзин солгай ўшал марди Худоға,  
Кўнгулни бермагай ҳам мосивоға.

Анга бермай тамоми ихтиёрин,  
Чу Мажнундек унутғай кору борин.

Қаю толибки мундоқ этса ишни,  
Тамом ўтқарса умри ёзу қишни.

Олур баҳра бўлур ул марди комил,  
Бўлур ул ҳам яна комил мукаммил.

Кўнгул бериб жаҳонға бўлма мағрур,  
Агар бўлсанг дониш шоҳ масрур.

Бу дунё бевафо фонийдур, эй ёр,  
Ажойиб пиразолу дунни маккор.

Бериб зеб ўзига турфа ясойдур,  
Туман минг зеб ила ўзин тузойдур.

60-6

Равиши бирла олур кўнглумизни,  
Қилур маҳшар куни расвойи бизни.

Тирикликда ғараз, эй ёри ҳамдам,  
Жаҳонда ризқ учун емагил ғам.

Азалдин қисмати ҳеч ўзга бўлмас,  
Ки банда ғофилу ҳеч они билмас.

Нечунким қуш топар учун уёсин,  
Топар ҳақ қисмат этган ризқ эгосин.

Кишининг ризқиким, мағрибда бўлса,  
Ажаб эрмас они Тангрим кетурса.

Ажаб хуш қудрату санъатли Холиқ,  
Раҳим, Раҳмон, Карим, Гофиру Розиқ.

### ТЎТИ ВА САВДОГАРНИНГ ҚИССАСИНИ БАЁНИ

Қиссаеким, бор эди савдогари,  
Беадад эрди анинг симу зари.

Қилди бир кун ихтиёри азми сафар,  
Аҳли авлодиға берди бу хабар.

Айди, ман қилсам сафар, келсам яна,  
Келтурай савғот сизларға нима?

Айди, айтинг ҳар қаю севгонингиз,  
Токи сизға келтуролик они биз.

Ҳар қаю кўнглида борин айдилар,  
Бир-бир айтиб барча таъйин қилдилар.

Бор эди савдогарени тўтиси,  
Оқилу доно эди бас тўтиси.

Баъд ҳам тўтисиға айди ҳама,  
Келтуройин деди савғотдин яна.

Айти тўти, қилсангиз мундин сафар,  
Гар йўлуқса анда ногаҳ тўтилар.

Денг аларға, бизда ҳам бир тўти бор,  
Ул қафас ичра гирифтор интизор.

Айтингиз аларға биздин бу салом,  
Қилманг албатта фаромуш интизор.

Айтинг айтур мубталодурман қафас,  
Йўқ турур ғайр аз Худо фарёдрас.

Бизға савғот тўтилар на десалар,  
Айди тўти, келтуринг андин хабар.

Оқибат савдогар ул дам тебради,  
Йўлга тушти, неча манзил юруди.

Ногаҳон бир неча тўти ҳам келиб,  
Ул дарахт бошига ўлтурди қўниб.



Тўтиларга айди савдогар бу сўз,  
Эшитинг, эй тўтиҳойи дилфуруз.

Деб эди сизларга бир тўти салом,  
Лекин ул банда қафасдадур мудом.

Айтиб эрди мубталодурман қафас,  
Хуш гирифтору балойи хору хас.

Эшитиб бу сўз баногаҳ тўтилар,  
Тушти ерга барча бисмил бўлдилар.

Кўрди хожа тўтилар бўлди ҳалок,  
Урди савдогарки, оҳи дарднок.

Айди, ман қайдин бу сўз айдим анга,  
Жонворлар бариси бўлди манга.

Кетгач ул савдогар андин ногаҳон,  
Тўтилар ҳам учти кетти шул замон.

Борди ул савдогаре, келди ёниб,  
Ҳар қаю деган савғотин олиб.

Ҳар бирига берди ўз савғотини,  
Қўнглин овлаб қилдилар дил шодини.

Айди тўтига, на сўз айдинг манга,  
Тўтиларни қонини қилдинг манга.

Сен деганни барчасин айдим анга,  
Ул куниким, сан на сўз айдинг манга.

Эшитиб бу сўзни тўтилар равон,  
Бош-аёғ билмай йиқилди шул замон.

Олди хожа ул қафасдин тўтини,  
Ушлабон кўрдик, бошу бўйнини.

Шунчаеким чиқмаган бир жони бор,  
Кўзини гоҳи очиб, гоҳи юмор.

Қўйди ерга ул йироқ турди боқиб,  
Силкиниб учти қанотларин қоқиб.

Учти тўти томға қўндию равон,  
Қилди хожа шул замон оҳу фиғон.

Айди тўти, кеттим эмди, хуш қолинг,  
Ҳарна меҳнат қилдингиз рози бўлинг.

Айди савдогар, нечук бўлди бу ҳол,  
Манга айғил, деди, эй тўти бу ҳол.

Ул на сўз эрдик, сан айдинг манга,  
Бу сўзинг дегач бу дам ўлди ҳумо.

Айди тўти, ма бу сўз айдим бу сўз,  
Мубталодурман қафасда шабу рўз.

Дедим, анда на илож қилсам бўлур,  
Бу қафасдин хаста жоним қутулур.

Сан бу ҳолимдин анга бердинг хабар,  
Қутулурни фикрини қилмиш алар.

Фикр этибдурларки, ул ўлса бўлур,  
Бу қафас зиндонидин таскин топур.

Бу қутулмоқни алар ўргаттилар,  
Тўтиларким, бу сабабдин ўлдилар.

Гарчи тўти ўлдилар ўлмадилар,  
“Муту қабла ан тамуту”<sup>69</sup> бўлдилар.

Ул сабабдин ман ўзум қилдим ўлук,  
Шукрим, сад бор ғам бўлди сабук.

Оқибат то ўлмасдим қутулмадим,  
Тўтилардек гашти сайрон қилмадим.

Хуш қол эмди, деди учти шул замон,  
Борди тушти манзилига шодимон.

Эй биродар, хуш эшитинг қиссасин,  
Эмди айтай эшитинглар ғуссасин.

Бил яқинким, сан ўшал савдогари,  
Айшу ҳирсинг юз туман симу зари.

Ўлтуруб кўнглунг неча савдо қилур,  
Нафси шайтонсан бало ғавфо қилур.

Жаҳд этарсанки, топай деб симу зар,  
Ўз аёғингга ўзинг уриб табар.

Бил ўшал тўти сани жонинг эрур,  
Ул қафаским, жисми бу фонинг эрур.

Тўтийи жон бу қафасда бўлди банд,  
Ичти шарбат, қилди ишрат, еди қанд.

Чун унутур асли қелган зотини,  
Ҳам фаромуш қилди гул гулзорини.  
Фикр қил аслинг на эрди, сан насан,  
Қил тафаккур қайда келдинг, қайда сан.  
Сайр этиб кўргил вужудинг шаҳрини,  
Чорсу бозору баҳру баррини.  
Сан бу ердасан ўзингни ўтга сол,  
Қўй бу ҳолинг бирла кўргил аҳли ҳол.  
ар киши ул тўтидек иш қилмади,  
Бу қафас зиндонидин қутулмади.  
Эй Харобий, қиссани қўтоҳ қил,  
Чусту чобук тургил, азми роҳ қил.

## ТАМОМ

МАВЛОНО ХАРОБОТИЙ

**РИСОЛА  
ДАР ҲАҚИҚАТИ ФАҚР  
(ФАҚИРЛИКНИНГ ҲАҚИҚАТИ ҲАҚИДА  
РИСОЛА)**

(16)

## БИСМИЛЛАҲИР РАҲМОНИР РАҲИЙМ

Ал-ишқу ва муҳаббату алҳамду лиллаҳи Рабб ил-олабийн вад-дуо вал-баракат вар-раҳмат ғала Муҳаммаддин ва олиҳи ва асҳобиҳи ил-ажмаъийн ила йавм ид-дин<sup>70</sup>.

Аммо ишқу муҳаббату ҳамд фақирлик бирла собитдур ва мувофиқу лойиқ турур анинг учунким, ул шоҳи ошиқон ва хожаи ҳар ду жаҳон, саййиди инсу жон, икки оламнинг сарвари, аҳли асҳобнинг падари, кулли мавжудотнинг жавҳари, маъно баҳрининг гавҳари, иззат аҳлининг афсар, аъно ҳазрати Муҳаммад Мустафо саллаллоҳу алайҳи ва саллам дебдурларки: **الفقر فخرى** (ал-фақру фаҳрий), яъни мен ҳеч нарсага ноз (2а)қилмайдурман, магар фақирликка хушнуд турурман, дедилар. Бундан маълум ва мафҳумдурки, фақирликдан баланд ва олий даража бўлмагай.

Эй биродар, билғил ва огоҳ бўлғилким, лафзи фақр ( **فقر** ) уч ҳарфдур. Ҳар кишиким, бу ҳарфларга амал қилиб, фақирликда собит қадам бўлур.

Фақирлиқ даражаларини уч қисм дерлар, аъло, авсат ва адно билмоқ лозимдур. Иззат ва ҳурмат хазиначининг калиди учдур, то калидсиз эшиклар очилмас.

**Фақрнинг аввалғи «ф» ҳарфининг маъноси**

Фақрнинг аввалғи ҳарфининг маъноси фарддур, яъни фард анинг учунким, пайғамбар алайҳис салом айтибдурлар: **ان الله فرد يحب الفرد** (Инналлоҳа фардун йуҳибб ул-фарда), яъни Худойи таъоло тоқдур ва дўст тутадур тоқни. Ва ҳаммадин шарт ушбудур. Фард ўлмагон мард ўлмас, мард ўлмагон дард ўлмас. Байт:

**Кимки эмас бу йўлда якто,  
Ул аҳли ҳаваски, расво.**

Аввалғи шартики фард бўлмоқ эди, иккинчи шарти ўзни (2б)фоний қилмоқдурки, ҳаммадин то фоний бўлмасдин илгари, чунончи, пайғамбар алайҳис салом айтибдурларки:

**موتوا قبل ان تموتوا**

(муту қабла ан тамуту), яъни нафсингларни ўлтиринглар ўлмасдин бурун, яъни башариятдин ва мову маниййатдин халос бўлмоқ ва касофат сувратидин чиқиб, латофат сийратига уланмоқ ва кулли ҳавову ҳавасаки, одат эди, ани тарк айламак нишонаи саъодатдур. Бу саъодатмандга башоратедурким, қавлуҳу таъоло.

**وا ما من خاف مقام ربه ونهى النفس عن الهوى فان الجنة هي المأوى<sup>71</sup>**

Байт:

**Ўгурса юз нафсу ҳаводин киши,  
Мақбул ўлур Тангриға қилғон иши.**

**Банда эмас Тангрига аҳли ҳаво,  
Гар яшаса неча туман минг ёши.**

Эй ошиқи содиқ, вой ёри мувофиқ, ҳавою ҳавас нафснинг орзусидур ва ойинаи дилнинг губоридур, Шайтоннинг майли (За)ихтиёридур. Ҳар ошиқки, нафснинг хоҳишидин кечмас, бодаи муҳаббати Аллоҳдин ичмас. Байт:

**Ҳар одаме ичра бир дилдур,  
Тақво била зуҳд сайқалидур.**

Аммо ҳарчанд тақво аҳсантар ойинаи ҳақнамо равшантар. Байт:

**Қилса ҳар ким зуҳд ила тақвони хўй,  
Тобқой ул икки жаҳонда обрўй.**

**Зуҳд ила тақво гувоҳингдур бу йўл,  
Қилма даъво бегувоҳе ҳирзагўй.**

Аммо билгил, тақво ҳам икки қисмдур: тақвойи хос ва тақвойи ʻомм. Тақвойи хос ҳалолдин парҳиз қилмоқдур. Чунончи, пайғамбар алайҳис салом айтибдурлар:

المتقى من يتقى من الحلال

яъни емак, киймак, уй тутмоқ ва зану фарзанд тутмоқки, шариатда ҳалол эди, булардин парҳиз қилмоқни айтур. Аммо тақвойи ʻомм кулли ҳаром ва шубҳадин парҳиз қилмоқдур. Ул нарсаларики, шариатда ҳалол эди, мосиволлоҳ эди, онлардин парҳиз қилса, анинг ажри жамоли Аллоҳдур.

Ул учунчи шартики, фоқа эди, чунончи, пайғамбар алайҳис салом айтибдурлар:

الجوع مع العا شقين

(36)яъни ҳар ошиқки, бордур, анинг яхши тўъма ва шароби очлиқ ва ташналикдур. Байт:

**Толиби дийдорсен қил ўзни жуъ,  
Кўб емакка қилмағил ҳаргиз ружуъ.**

**Кўб егани нафси кўб голиб бўлур,  
Ҳақ, расулнинг амрига қилмас шуруъ.**

Эй азиз, фисқу исённинг сабаби кўб емоқлиқдур. Чунончи, бузруглар айтибдурлар: «Кўб еган иллатлик бўлур». Агарчи мусулмон бўлсаму кам еган ҳикматлик бўлур. Байт:

**Тут бу сўзни жон қулоқ бирла, амак,  
Кўб қилур хобу гафлат ичмак, емак.**

**Кам егандин чиқти Рухulloҳ фалак,  
Кўб егандин кетти Қорун то самак.**

**Тан физоси кўб бўлса қилғай ҳалак,  
Эй биродар, дил физосидур бўлак.**

**Кам егандин дев бўлур охир малак,  
Яхши билсанг жон физосидур бўлак.**

Билгилким, таннинг физоси тўъма, ашриба ва уйқуламоқ бирла қувват олур. Аммо кўнгилнинг физоси мулк, зан, фарзанд (4а)ва хилъат бирла қувват олур. Аммо жон била руҳнинг физоси шавқу завқ, муҳаббату зикр ва фикрдин бўлур. Аммо таннинг қувватидин жаҳл, кибр, бухл, ҳирс, риё, ширкат, шаҳват ва хобу гафлат пайдо бўлур. Кўнгилнинг қувватидин хурдадонлиқ, фаҳму дониш ва фаросату ғурур пайдо бўлур. Аммо жон била руҳнинг қувватидин дарду сўз, ишқу ҳолат ва меҳру муҳаббат пайдо бўлур.

Эй биродар, огоҳ бўлғилким, ҳар нимарсаеким, олами улвийдиндур, жонни тарбият қилур. Ва ул нимарсаеким, олами суфлийдиндур, танни тарбият қилур. Ул сабабдин жон афлокий ва жисм хокийдурки, ҳар қайсиси ўз аслини тарбият қилур. Чунончи:

قال النبي عليه السلام كل شيء يرجع الى اصله

[яъни, пайғамбар алайҳис салом айтибдурларки, ҳар бир нарса ўз аслига қайтувчидир.] Яна бир далил, ал-жинсу йамилу ила жинсиҳи [ҳар бир жинс ўз жинсига мойил бўлади.]

Эй биродар, таннинг қувватиға мағрур бўлма. Ҳар киши таннинг қувватиға мағрур бўлса, бу дунёдин ғурур бирла кетар. Байт:

**Киши тан қувватиға бўлса мағрур,  
Кетар тан қувватиким, бўлса ранжур.**

(46) **Фанодур мулку молу ганжи олам,  
Ҳама бозуйи қувват, жуссан зўр.**

**На Юсуф қолди, на Рустам, Сикандар,  
Бўлур нобуд филу пашшаву мур.**

**Бу даҳри фони(й)нинг йўқтур вафоси,  
Қани Жамшиду Хоқон бирла Фағфур.**

**Парастин қилма танни, эй биродар,  
Батаҳқиқ танпараст Ҳақ эшкидин дур.**

**Кишиким, мулки танни қилса обод,  
Эмас онингки мулки дини маъмур.**

**Ҳароботий, фано қил ўзни мутлақ,  
Ўзунгни қилма олам ичра машҳур.**

Аммо, билгилки, кўнгил қувватининг ҳам вафоси йўқтур, анинг учун-ким, одам фарзанди гоҳи шодлиқ кўрар ва гоҳи ғамлик бўлур. Баногоҳ шод бўлса, ғам кетар, агар ғамлик бўлса, шодлик нашъаси рўй берур. Ҳар қайсики бўлса соат-басоат табдил бўлур. Ул нимарсаеки, оламдадур, ҳодис-дур, ул нимарсаеки ҳодисдур, фонийдур. Ул нимарсаеки фонийдур анга кўнгил боғламайдур, яъни дил бермагай. Аммо ул нимарсаеки, ғомийдур, кал-анғомдур.

(5а)Эй биродар, билгилким, одамнинг зоҳирида дасту пой, чашму гўш ва забонки, бордур, ботинида ҳам шундоғлар бордур. Ул ҳавосси зоҳир ва ҳавосси ботин дерлар. Уларким, ҳавосси зоҳирийни олами боқийга сарф қилибдурлар, нишонаси улким, якдил, якрўй ва якзабон эрдилар, агарчи сувратлари бу олами фонийдадур, аммо сийратлари олами боқийдадурлар. Уларни аҳли вусул дерлар. Бу фоний оламнинг айшу ишрат ва лаззатидин кечган ва бодайи муҳаббатуллоҳдин ичган. Байт:

**Уларким, қилдилар ўзни фаромўш,  
Муҳаббат бодасидин айлаган нўш.**

**Қилиб ул кам ўзини ушбу олам,  
Ки беному нишону маҳву хомўш.**

**Эрур зоҳирда заъфу сусту бемор,  
Юрар кўнглида доим баҳри ишқ жўш.**

**Ани ҳар ким кўруб бегона дерлар,  
Қилиб ағёрлардин ўзни рўпўш.**

**Ки шаб-рўз йўқ қарору сабру ором,  
Улар бу олам ичра хона бардўш.**

**Хароботий, бу йўлда якжиҳат бўл,  
Базоҳир қилма ҳаргиз саъй ила кўш.**

(5б)Аммо, ул тоифаларким, ҳавосси ботинларини бу олами фонийга сарф қилурлар ва лоҳут оламидин қочқон ва айши давомдин ва лаззати мудомдин кечгандурлар. Ва бу хамри исёндин ичгандурлар. Худойи таъолонинг раҳматидин бенасиб, аҳлуллоҳ тоифалариға душман ва рақиб-дурлар. Мулку мол ва бу навъга ҳабибу марғубдурлар. Рўзу шаб хобу ғафлатда ётқон ва субҳу шом ҳасратнинг биёбонида қолғондурлар. Ақлу ҳуши ўзидин кетибдур, шамъи иймони дилидин учубдур. Ўзлари кибру ёно бирла мағрур ва жаҳлу ҳасад бирла кўнгли маъмур, ҳавою ҳирс бирла маҳжур, бухлу бўғз иллоти бирла ранжур, икки оламда ботинлари кўр ва роҳи ҳақдин дур. Чунончи, дар сураи Бани Исроиласт:

قوله تعالى: و من كان فى هذه اعمى فهو فى الآخرة اعمى و اضل سبيلا



яъни, ҳар кишиким, бу дунёда кўзи кўрдур, бас ўшал одам охиратда ҳам кўру гумроҳдур. Байт:

(ба) **Ўшал сувратда гарчи одамизод,  
Вале сийратда йўқ, маҳшарда ҳам кўр.**

**Кишининг дарду сўзи, ишқи йўқтур,  
Ўшал одам эмасдур, гову хардур.**

**Агар ишқсиз ибодат қилса шаб-рўз,  
Қачон бўлғай анга дин мулки маъмур.**

**Агар аллома бўлсун бемуҳаббат,  
Бўлур охир Худо даргоҳидин дур.**

**Кишиким беҳабар ваҳдониятдин,  
Эмасдур зиндадил, ул мурдадилдур.**

**Карам айлаб Ҳароботийға, ё Рабб,  
Эрит зулмоний зангин, дилға бер нур.**

#### **Фақрнинг тўртинчи шарти**

Фақрнинг тўртинчи шарти фикр қилмоқликдур. Ботил тарафидин то-ниб, ҳақ тарафиға дилни ўйирмоқдур. Аммо фикр уч қисмдур. Аввал фикри неъмат, иккинчи – фикри қудрат, учинчи – фикри охиратдур.

Аммо фикри неъмат улдурким, неъматларнинг шукронасини тоат ва ибодат бирла ўткармоқдур. Чунончи, аъйима ва ашрибанинг қувватини Худойи таъолонинг фармониға сарф қилмоқдир. Аммо мунинг зоҳир на-тижасига Худойи таъоло неъматини зиёда қилур.

Аммо фикри қудрат улдурки,

تفكروا فى صفات الله ولا تتفكروا فى ذات الله

[яъни, Аллоҳнинг сифатлари ҳақида фикр қилинглар, Аллоҳнинг зоти ҳақида фикр қилманглар]. Чунончи, Ҳақ субҳонаҳу ва таъолонинг жа-миъи сунъ ва сифатларини фикр қилмоқликдин маърифатуллоҳ ҳосил-дур. Аммо зоти Ҳақ таъолони тафаккур қилмағил, ул маҳжуб, мушрик ва ноқисликдур.

Аммо фикри охират улдурки:

قال النبي عليه السلام التفكير ساعة خير من عبادة الثقلين

яъни, тафаккур қилмоқлик бир соат охиратнинг аҳвол ва аломатларини, яхшироқдур одамизоднинг ва париларнинг ибодатидин. Бу фикр афзал, асдақ ва акмал ибодатдур.

Билмоқ керак, ҳар толиби содиқ давоми зикр ва фикр, талъат ва маъ-рифат бирла бўлмақи керак. Байт:

Тафаккур, фикр қилмоқ, эй жувони,  
Санамдин юз ўтурмоқ ҳар замони.

Санам улдурки, бўлса ҳарна мавжуд,  
Кўнгила тутти вафосиз бевафони.

Қуруқ даъвони қилма, бандаман, деб,  
Агар қулсен анга ҳам айла қадни.

Вафоси йўқ жаҳону жисму жонинг,  
Тиларсен моҳруйдин сарви қадни.

Ҳама занжири подур Ҳақдин ўзга,  
Бўйунга солма «ҳаблун мин масад»ни.

(7а) Ҳаробото, бўлуб якдил бу йўлда,  
Тила ҳар рўзу шаб Ҳақдин мададни.

Эй азиз, билгилким, беором ва беқарор субҳу шом, балки алад-давом  
ўз нафсингни эҳтисоб қилиб, ақволу аҳвол ва афъоли залимадин ижтиноб  
қилмоқдур ва зулумонийдин нуронийга чиқмоқдур:

قوله تعالى : ولى الذين آمنوا يخروا من الظلمات الى النور

[Аллоҳ сўзиким, иймон келтирган кишиларни зулматдан нурга чиқаради,  
Қуръон, 2/257], яъни олами касофатдин олами латофатга ва олами касратдин олами ваҳдатга юз келтурмаклиқдур. Байт:

Тафаккур юз ўгирмақдур ҳаводин,  
Ҳаёл, андишаву майли сиводин.

Киши юз ўгирмай ботилдин ҳаққа,  
Қолур маҳрум иноёти Худодин.

Парастиниш қилса бу олам ҳавони,  
Ки чиқмас ул киши таҳт ус-сародин.

Агар даъвойи ишқни қилсанг, эй дил,  
Кўнгила лавҳини пок эт мосиводин.

Талаб қил ҳар нафасда ишқу ҳолат,  
Йироқ бўл рўзу шаб чуну чародин.

Тилар бўлсанг тариқи бандаликни,  
Етарсен юз ўтурма раҳнамодин.

(7б) Ҳузури дил талаб қилсанг йироқ бўл,  
Ки жаҳлу кибру ширку ҳам риёдин.

Ҳаробото, ўтар гафлатда умрунг,  
Даме сен бўлмағил ғофил Худодин.

## МУНОЖОТ

Раббано, мен заифу дил хаста,  
Бўлмадим фақр ичинда шойишта.

Кеча-кундуз муроди нафс истаб,  
Ғафлату фисқ бирла вобаста.

## МУНОЖОТ

Маниким дегали ҳамд санга шойишта,  
Ҳам пасту баланду тез ё оҳишта.

Ҳар нечаки бўлсун ошқору ниҳон,  
Шабу рўз њано бирла ман ораста.

Илоҳо, бу Хароботи ҳайронни, ғам даштида қолғонни, муҳаббат биёбонида ҳорғонни, исён касратида бехонумонни, ҳавас шиддатидин маъзур бўлғонни ўз фазлу караминг ва лутфи њамиминг бирла жоми муҳаббатингдин серобу кўчаи ошиқон-нинг сакларига аҳбоб қилғил, омин, ё Рабб ул-олабийн!

## МУНОЖОТ

Ё Рабб, мани қил фақиру мискин,  
Нафсим ҳавосидин айлаб эмин.

(8а) Сен ҳодиййу ман бу ғамда ҳайрон,  
Бер фақр била дилимға таскин.

Эй Холиқи халқи жисм ила жон,  
В-эй Розиқи кулли инс ила жин.

Эй муниси бекасону бедил,  
Эй марҳами дарди жумла мўъмин.

Эй мақсади ошиқони якто,  
Манзилғаҳи орифони эмин.

Эй табиби беморон, вой анқариби некукорон, ҳодиййи ҳайронон, жомиъи паришонон, мушфиқи бенавоён, муршиди гумроҳон, каъбаи муштоқон, вой фаттоҳийи дардмандон, вақте бўлғайки, Ғафуру Раҳийм сифатинг бирла бу бандаи маҳжурни, ожизи мақсурни ва бесармоия мақдурни ўз жамолинг орзусида ҳайрон ва маърифатинг лаззатида саргардон қилғил, чароки, байт:

На бордур манда табъу фаҳму идрок,  
На бор далқи забону на дилим пок.

Ишим шаб-рӯз доим худнамолиқ,  
На ожизлиқдин эттим ўзни ман хок.

Самакдин то самоға пӯр гуноҳман,  
На қилдим оҳу нола чашми намнок.

(86) Ўтуб умрум на олдим ишқидин бўй,  
Юрак доғу жигар сўзу аламнок.

Агар бу йўлга лойиқ бўлса жоним,  
Берурман борилардин чусту чолок.

Агар кечса киши жону жаҳондин,  
Эрур охир мақоми тўққуз афлок.

Ўтуб умрум эмас мақсад муяссар,  
Вужудим пардасини қилмағоч чок.

Харобото, вужудунг нафйи қилғил,  
Кўзунгни намлик айлаб, дилни ғамнок.

Илоҳо, жамиъи ғам даштида қолган бечораларни, ташна ва гўрисна-лик биёбонида овораларни, ҳижрон нишлари захмидин юраги садпора-ларни лутфунгни боғида шод, дунё ва охират ғамидин озод айлаб, олами ваҳдатда беҳижоб ва муҳаббатингга сероб қилғил.

### МУНОЖОТ

Илоҳо, қил мани сиррингга маҳрам,  
Жаҳонда барча камлардину ман кам.

Муҳаббат жомидин бир журъа берғил,  
Қилиб кўнглум ики оламда беғам.

Келибман олами олудалиқдин,  
Қилолмай пок ҳалқу дилни, ишкам.

Бўлуб дарёи исён ичра ғарқоб,  
Хато бисёр этибман, бандалиқ кам.

(9а) На захм ўлди юрак бу тир ғамидин,  
Надоматдин кўзум бўлди қачон нам.

Кеча-кундуз надомат бирла ҳасрат,  
Бу ҳолимға бўлубман аҳли мотам.

Бу мотам бирла жон ташна, гўрисна,  
Карам дарёсидин еткур дамодам.

Кетур соқий манга ваҳдат майидин,  
Ичиб, етгай кўнгил ранжига марҳам.

Кел, эй содиқ, кириб бу йўлга ҳар дам,  
Дегил, манзилгаҳа етсам хайра мақдам.

Юруб ҳар бир қадам солғил назарни,  
Анинг санъатларини кўзга қил замм.

Назарни дар қадам тутқил ҳамиша,  
Сафар қил дар ватан, ҳушунгни дар дам.

Тушибон гар бало келса бошингга,  
Қочурмай бошни-ю қил гарданинг хам.

Бало ўқи ёғиндек ёғса сабр эт,  
Кўрарсен дўст дийдорини ул дам.

Бало бўлмас муяссар бир кишига,  
Биравни Тангри қилмас ўзга маҳрам.

Қадам бу йўлга қўйғон бирла етмас,  
Киши то бўлмайин Шиблийу Адҳам.

Харобото, талаб қилсанг лиқони,  
Бу йўлда қилмағил нафсингни ҳамдам.

Аллоҳум-маҳрақ қулубана би-нори муҳаббатика важъална мин аш-шоҳидийн.<sup>30</sup>

(96)Эй биродар, билгилким, лафзи фақрнинг аввалги ҳарфики, «ф» эди, анинг маъносини фил-жумла имо ва ишорат бирла баён қилинди. Аммо иккинчи ҳарфики, қоф (қ) эди, мунинг рамзу ишоратларининг шам-маи зуҳури баёнға келур, иншоаллоҳу таъоло.

### **Қоф ҳарфининг маъноси**

Эй азиз, билгилким, маънойи қоф (қ) – қиём, қаъда, қадам, қатъ, қур-бат ва қаноатдур. Ҳар толибки, бу йўлга қадам қўйса ҳарнаки Ҳақ таъолодин етса ул нимарсани ўз хазонаси(нинг) инъоми билиб, шунга қоний бўлмоқ, чунончи:

قال النبي عليه السلام القناعة كنز لا يفنى

[Пайгамбар алайҳис салом айтдиларки, қаноат битмас хазинадир.] яъни, байт:

**Киши қилса қаноат ганжин ҳосил,  
Ки бўлмас ҳамма ўтган умри ғофил.**

<sup>30</sup> Эй Аллоҳим, қалбларимизни муҳаббатинг олови билан ёндир ва бизларни шоҳидлардан қилгил.

Қаноат ганжи фоний бўлмас ҳаргиз,  
Киши бўлмас бу ганжсиз ҳаққа восил.

Қаноатсиз ибодат қилса ҳар ким,  
Уларнинг бўлмағай иймони комил.

Қаноатлик гадо шаҳлардин ортиқ,  
Эмас моли жаҳонға кўнгли мойил.

Кўнгул берса киши фоний жаҳонға,  
Батаҳқиқ ул киши нодону жоҳил.

Тамаъ қилса кишиким ғайри Ҳақдин,  
Гумон йўқ бўлмағай жаннатга дохил.

(10а)

Харобото, қаноат пеша қилғил,  
Қаноатсиз бўлолмас Ҳаққа восил.

Аммо, кишики айтса, касбу амалим бор, ҳар нарса мавжуд бўлса, анинг сабабидин пайдо бўлур, деса ёки дилида мундоқ эътиқод қилса кофири мутлақ бўлур, наъувзу биллаҳ. Байт:

Йўқ манфаати қилса киши минг йил ибодат,  
Гар қилмаса Тангрим караму лутфу иноят.

Ҳам илму амал, аслу насаб бирла набийлар,  
Беизни Худо айламағай ҳеч қайси шафоат.

قوله تعالى من ذا الذى يشفع عنده الا باذنه<sup>72</sup>  
قوله تعالى يوم لا تملك نفس شيئا و الا امر يومئذ لله<sup>73</sup>

яъни, улдурки ҳазрати Вожиб ул-вужудға таваккул айлаб, кулли зоҳиру ботин шуғллариининг асбобу олотларини тарк этмаклик ва ҳамиша қаноат кунжида ва риёзат ранжида дарду сўзу ишқу муҳаббат ҳосил қилмоқни ганжи равон дерлар, мунга шукр қилмоқ керак. Уларким, фий-сабилил-лоҳ молу жонларини сарф қилиб ва қаноат баҳрига гўта урдилар «иннал-лоҳа иштаро» (10б)соқийсидин «сақоҳум роббуҳум» шароби дилкаш ва беғашини тотарлар ва тамоми умрларини лаззати жовидонға сотарлар, «Ло йўхтожу иллаллоҳ» мартабасини топарлар. Байт:

Бўлса ҳар ким васл анга фоний бўлур,  
Ул малакдек жинси руҳоний бўлур.

Ўйрибон юзни ҳама ағёрдин,  
Икки олам шоҳи султони бўлур.

Гар бўлур якрўй, якдил, якжиҳат,  
Рўтбан аълоий инсоний бўлур.

Ким тилар дийдорни ўздин кечиб,  
Деса они Мусийи ноний бўлур.

Пок қилса сийнаси сандуқини,  
Андин ул дил маънининг кони бўлур.

Қилса ҳосил ишқнинг дардин киши,  
Васл анинг дардига дармони бўлур.

Ақли рубоҳи ишқ эрур монанди шер,  
Мақр бирла доми шайтоний бўлур.

Дил уйин жоруб этар жонон учун,  
Оқибат жонон меҳмони бўлур.

Руҳи инсон барчаси уч қисмдур,  
Инсу ҳайвонийи руҳоний бўлур.

Ақли кулл олдида жузв нобуд бўлур,  
Жузв кулл олдида ҳайрони бўлур.

Ким қилур Ҳақнинг йўлига жон фидо,  
Бўлса гар ҳайвоний инсоний бўлур.

Икки дунё лаззатин ким ташласа,  
Бегумон ул жонки руҳоний бўлур.

(11a) Қўй, Хароботий, фано мулкени тез,  
Оқибат бу мулк вайроний бўлур.

То ҳар ким ўз нафсини «ман ғарафа нафсаҳу» мазмуни била ажзу қусурини восита қилиб танимагунча ва пардаи пиндорни йиртмагунча олами боқийга йўл тобмас ва лиқойи ло йазолни «фақад ғарафа роббаҳу» тажаллийсини кўролмас. Аммо жамиғи ажз ва узру шикасталик фақирликда ҳосил бўлур. Рубоий:

Ё Рабб, манга бу жаҳонда қаноат бергил,  
Ҳам тақвою зўду ҳам риёзат бергил.

Тезроқ мани бу мулки фанодин чиқариб,  
Кўб дард ила сўзу ишқу ҳолат бергил.

Чунончи, семурғ қаноатда устувор, паррандалар ичра парҳизгор, куҳи гурбатда барқарор, воқифи асрор, нотиқу ғайри нотиқ каломидин хабардор, ҳирсу тамаъ ва ҳавою ҳавас ҳар тараф комил қилурдин ордур. Аммо ул сабабдин писандидаи Парвардигордур.

Билмак керакким, зоғи ганда димоққа ҳирсу тамаънинг кўблигидин тўъмаси нажосату мурдор ва халойиқ назарида (116)ҳақиру хор, дилу жони тамаъ иллатига гирифтор ва беқаноатлик домига сазовордур. Огоҳ бўлғилким, ҳирс бирла тамаъ нафснинг улуғ сифатидур. Анга гирифтор бўлғонларда мутакаббирлик ва мутадаббирлик сифати кўб бўлур ва кўнгилларида сафолиқ бўлмас ва томиғи бадхисолларда шарму ҳаё бўлмас. Бу андоғ маразедурким, ҳеч нимарса даво бўлмас.

Ҳар толибки, тафриқа бўлган дилни жамъ қилмагунча иймони камол тобмас. Боди ҳавони бартараф қилмай тавҳид чироғи ёнмас. Тамаъдин дилға тафриқа пайдо бўлур, жамъи дил бўлмас. Дунё баройи ҳаводур, на баройи Худо ва зикри забон баройи нондур, на баройи Субҳон. Қабули халқ баройи халқу далқдур, на баройи Ҳақ. Аммо ёди дил баройи Жалилдур. Ҳар кишининг тилида «ло илоҳа иллаллоҳ» бўлуб, дилида дунё бўлса они аҳли тариқ кофир ботин дерлар. Байт:

**Бўлса иқрор забон, дил мункир,  
Габру тарсо мунофиқу кофир.**

**Манфаат тобмағай ул аҳли ҳаво,  
Ким эмасдур дилиға ул ҳозир.**

**Дилида куфру қўлида Мусҳаф,  
Мисли Дажжол эрур ул аҳли макр.**

(12a)Билгил, булар ўз амалининг бандасидур ва ўз гуфтори(нинг) мағруридур. Улар бандаи ҳаводур, на бандаи Худо, эътибор жону дилдадур ва на обу гилдадур. Ҳар корининг изҳори макру ҳийла ва рибодур, тадбирға банд ва мутааллиқдур. Чунончи, қавлуҳу таъоло:

ادعونى استجب لكم تضرعا و خفية

яъни, талаб қилсанглар Парвардигорларингни кечаларда оҳу тазарруъ била ҳамма халойиқдин мухтафий, балки ўзинглардин ҳам хуфяроқ, албатта, ижобат қилур ҳазрати Ҳақ субҳонаҳу ва таъоло дуоларингни.

Кишики, фий-сабилллоҳ мулку молни, хонумон, либос ва нонни берса, анинг эвазига жаннатда қасру айвон ва боғу бўстон, ҳуру филмон берур. Агар жисму дилу иймонни фидо қилур бўлса, анинг эвазига ниъамоти руҳоний ва шароби Яздоний, васли жонон ва жамоли Субҳондур.

Билмак лозимдур, бандалик даъвоси икки қисмдур. Бири – ҳалқу забонларида ёд қилур, фарёд бирла. Аммо тухфаи адабни (12б)барбод қилур ошкоро аврод бирла. Уларни Худохон аҳли қол дерлар. Яна бир қисми халқдин пинҳон завқу шавқ, надомату оҳу ҳасрат бирла дилу жонларида зикр қилурлар. Уларни Худодон аҳли ҳол дерлар, анинг учунким, Рабб ул-арбоб Самийун Басийрдур. Қавлуҳу таъоло:

نحن اقرب اليه من حبل الوريد<sup>74</sup>

Байт:

**Гардан томуридинму йақин эрса Кирдикор,  
Ғофилдурур улким Ҳақ ҳузуридин қочор.**

**Фарёд этар назарда туруб қулки хожасин,  
Қичқирур йироқ деб, адабни ул барбод этор.**



Ҳар онча қилса хизмати шойиста моҳу сол,  
Тобмас вуқуф беҳузур дил нуктан асрор.

Ўтса умри банданинг машғули бу дунё билан,  
Ҳозо фироқун байни ва байнака беадаб этор.

Жону дилинда асра, Хароботиё, бутун,  
Ҳозир билиб хожангни ҳар ишинг одоб этор.

Эй Хароботий, дилшунослиқ мушжилдур ва гилшунослиқ осондур. Байт:

Дилки пинҳон баҳри бу уммон эрур,  
Зикри пинҳон дурри ул ғалтон эрур.

Бар мисоли ҳам равоқ айвондур ул,  
Манзилу ҳам макони жонон эрур.

Билки дил Аршу Курси, Лавҳу қалам,  
Тахтгоҳи ҳазрати Султон эрур.

(13а) Дилда гар бўлмаса муҳаббати Ҳақ,  
Хонаи дев, нафс ила Шайтон эрур.

Тоате бўлмас беҳузур дил,  
Дарҳақиқат намози вайрон эрур.

Эй биродар, билгилким:

قال النبي صلى الله عليه وسلم لا صلوة الا بحضور القلب

яъни, кишики тани масжидда бўлуб, кўнгли дунёнинг ғамида бўлса, тамсиледурки, дарахтдур тани азизи ибодатхонада ва меваи лазизи нажосатхонада. Ё кофиредурки, тани Каъбахонада, кўнгли бутхонада.

Эй Хароботий, огоҳ бўлгилким, дунё мисли нажосатдур, чунончи, ҳазрати Одам алайҳис салом беҳишти анбар сириштда тожи иззат бошларида гандум дарахтининг неъматида бул ғоят шиддатида ва қазойи ҳожат ҳасратида ҳар жонибга равону даву ва саргардон бўлдилар. Ҳотифдин нидое эшиттиларким, эй Одам, бу маъвойи иззатдур, боғи латофатдур, энди мундин жойи нажосат ва дунёи касофатга тушмак керак, деди. Ночор бу (13б)дунёга тушурдилар. Ул маҳалдин то охир вақт ҳар нажосатики мавжуд бўлса, ани чуқурга ташларлар.

Одам алайҳис салом бу шармандалиқда бу тахти иззатнинг орзусиға қадам қўёлмай, хижолат мотамини бунёд айлаб, «Роббано заламно» тасбиҳини аврод қилди.

Эй Хароботий, зинҳор ба сад зинҳор зоҳирбинлардин қочгинки, улар аъмо ва анъомдурлар.

<sup>75</sup> قوله تعالى اولئك كالا نعام بلهم اضل

Олимлар, ошиқлар, орифлар аҳли ҳол ва донодурлар, зоҳирбин аҳли қолдур. Булардин юз уйириб, орифи комиллар остониға қадам қўйғил. Булар ба сад зинҳор бесабру беқарор, ҳамиша хору зор, шаб бедордур, рўз бемор, толиби дийдор, ғўрихтаи ағёр, бадил тасдиқ, базабон иқрор, чашм хўфта, дил бедор, бори бало бардор, неку кирдор, Мансур бардор, мажнун атвор, девонавор меҳнатга сазовор, жафоға гирифтор, даст бакору дил ба ёр, ашк чун абри навбаҳор, чеҳрагоҳи бемадор, булбулвор дар интизордурлар, аларға тобиъ бўлуб, бу сифатларнинг орзусида бўлмоқ керак.

(14а)Аммо одамнинг гофили дарун, огоҳи берун бўлмоғлиғи нишоан офат ва касофатдур, мақсадга етмаги бисёр маҳолдур. Агар толибда фаҳму табъ ва вуқуфдур, натижаи файзу футуҳнинг жидду жаҳдига мавқуфдур, эътиқоди суствларға каъбаи мақсуд юз минг йиллиқ йўлдин ҳам йироқдур. Аммо ихлоси дуруствларға турфат ул-айнда, балки бир нафасликдур.

Огоҳ бўлғилким, фақр талаб қилмоқ ва бандаи аҳли муҳаббат бўлмоқ хулқи хушни бажо келтирмоқликдур. Билгилким, сувратдин сийратқа, иборатдин маъонийға, иморатдин вайронаға, ҳайвониятдин инсонийға, нафсониятдин руҳонийға, касофатдин латофатга, зулумониятдин нуронийға, шайтониятдин раҳмониятга, касратдин ваҳдониятга, муфори-қатдин мувосалатга, бу фанодин бақоға, олами сафодин лиқоға юз келтурмақдур. Банди ҳавони узмак ва риштаи риёни (14б)кечмақдур. Ақли ҳийлагардин йироқ бўлмоқ, ҳайрониятга ўзни солмоқдур. Тўқсон тўққуз минг ҳижоби зулумонийдин ва, балки, нурониятдин кечмақдур. Ва боргоҳи ҳамадиятга етмақдур. Жойи ҳарам ва жоми муғтанами муҳташамни гайри мақдам ва ҳуш дар дам кезиб, бодаи карам ва шарбати одамни дамбадам ба ёр баҳам ичмақдур. Жамоли бечуниға ва ло язоли бенамуна ва, важҳи бемисолға, лиқойи безаволға мушарраф бўлуб, ўзни фархунда фаржом ва саъодат анжом, махфийи хоссу омм, масти лаёлию айём, мақсуди тамом, боҳурмату эҳтиром, ишрати мудом ва вуслати давомға уланмоқдур.

Аммо, ул зотларики, бодаи муҳаббатдин ичиб, барчадин кечиб, жисмониятдин кетиб, фано сари манзилға жамъдин тақарруб ҳосил бўлур, байт:

**Жамъ ўшал дилки, паришон эмас,  
Мулкидин миллати вайрон эмас.**

**Тафриқадин шамъи сафоси ўчук, -  
Учун ул ғўшада пинҳон эмас.**

**Етмагай ул одами мақсудиға,  
Зоҳирию ботини яксон эмас.**

**Восил бўлолмас киши жонониға,  
Жони ул жонон учун бирён эмас.**

(15а)

**Тутма умид ошиқ эсанг ақлдин,  
Мурдадур ул ақлки, ҳайрон эмас.**

**Лойиқ эрмас ул киши Ҳақ йўлига,  
Жон бериб ул чобуку жавлон эмас.**

**Ўтмаса жондин агар Адҳам бўлуб,  
Исмоилдек йўлида қурбон эмас.**

**Бўлма даме қаҳри Худодин эмин,  
Мушқил эрур бандалик, осон эмас.**

**Тутса Худо амрини ким рўзу шаб,  
Ул кишининг даъвоси ёлғон эмас.**

Эй биродар, билгил ва огоҳ бўлгил, ҳар кишиким, ошиқу содиқ ва ёри мувофиқ эрур ва якталик анга лойиқ эрур, бино ва ҳавода худо бўлмас, «Ваҳдаҳу ло шарика лаҳу» шаънидадур. Ҳар кишиким, анга шерикни итлоқ қилур, мушрикдур, яъни Худойи таъоло била яна бир Худони истаса, андин ўзга нимарсани парастииш қилма. Агар ғайри Худони дўст тутиб, парастииш қилиб, эътимод қилсанг, ўшал нимарсага банда бўлурсан. Ул гуноҳи азимдур.

قوله تعالى ان المشر كين في نار جهنم خالدين فيها ابدًا<sup>76</sup>

яъни, абад ул-абад азоби алимға гирифтор, рўзи маҳшарда сийрату сувратинг масху табдилға сазовор, майдони арасотда хору зор ва кофирлар чиркасиға кириб, хижлу шармисор бўлурсан. Наъувзу биллаҳ мин золика.

Аммо ул тоифалар тавҳид боғидин бўй ололмаслар иймонға, малоика ва кутубға ҳамда Тангриға ва ҳам Расулға ағёрдур. Ҳар кишиким, ширкдин дилни пок тутмаса икки жаҳонда Худо ва Расул андин безор турур. Анинг учунким, гоҳи мўъмин ва гоҳи кофир бўлур. Чунончи,

قوله تعالى ثم آمنوا و ثم كفروا<sup>77</sup>

Бу тоифалар бир соат «ан-нур ила-з-зулумот»<sup>78</sup> бўлур.

Эй биродар, безътиқод малокадек ибодат қилсанг ҳам бефойдадур. Кишики, осмону заминнинг халқининг ибодати бирла баробар бандачилик қилса безътиқод ўз кўнглини шод тутмақдин ўзга ҳеч натижа бермас. Бу ишки, барподур, олами бепоён, баҳри бекарон, бу дашти биёбонда ҳамиша бесару сомон ва ҳайрону саргардондур. Ва дунёи дун, гоҳи бенун, мулку моли банун бирла гирифтор ва хору зору ночордур, мулки охирати (1ба)вайрондур. Ҳеч бандаи безътиқод Худоға йўл тополмас, агар йўл тобса, оқибат султ эътиқоди садди роҳ бўлуб ёндурур. Байт:

**Ақидатсиз кишилар тобмағай йўл,  
Ақида кимда бўлса озмағай ул.**

**Ибодат тўла қилғон бирла одам,  
Бу йўлда эътиқодсиз қайда мақбул.**

Эй Хароботий, билгил ва огоҳ бўлгил ва ўтгану кетган умруннга хабардор бўлгил, бу нафси душманга ҳушёр бўлгил, хобу ғафлатдин бедор бўлгил. «Кулли нафсин зоиқат ул-мавт [барча жон ўлим шарбатини тотувчидир] ҳангомасига тайёр бўлгил, нафасинг қатъ бўлмасидин бурун бетаъхир ва бетаваққуф нафсингни урэн ва чеҳрангни заъфарон, чашм гирён, сийна бирён, ақл ҳайрон бўлуб, дарди бедармон ва жаҳони зиндонда бежон ва безабон фарёду афғон, надомату пушаймон бирла баёди ҳаққи Субҳон бўлгил. Жидду жаҳд қилиб, Худойи таъолодин ўзгага кўнгил боғламағил. Байт:

**Бу мушкил эрурки, кори мушкил ҳамадин,  
Мушкил бўлур осуда кўнгил ҳар нимадин.**

**Ул тафриқадулки, ҳосил эрмас ҳамадин,  
Кўнгулунгни узуб Худоға бергил ҳамадин.**

Бас, бир нимаеки, Худойи таъолодин бўлак, хоҳ шуғли зоҳирий, хоҳ шуғли ботиний бўлсун, олами ҳодис ва фонийдур, ҳар киши анга эътиқод қилур, фиръавни сонийдур. Анинг ҳарна қилғон афъол, ақвол ва аҳволи ҳамма(си) шайтонийдур.

Аммо, эй биродар, ҳар вақт Худойи таъолони талаб қилсанг, ҳеч нимарсани қўшмай, ёлғиз Худони талаб қил, гайрни қўшиб тиламак қоидаи куффордур. Чирканатлик ариғ уйга Султон кирмас ва шериклик дилга Субҳон кирмас. Чунончи, ойнаи карима:

79 قوله تعالى ولا يشرك بعبادة ربه احدا

Байт:

**Нафсинг ўтидур мисоли боди сарсар,  
Ғарқоби хато баҳрида сен то пой ила сар.**

**Сен қилма талаб қўшиб Худойи дигар,  
Ло тадъув маъаллоҳи илоҳан охар<sup>31</sup>.**

Парвардигор, ул кунки, бу хоксорни олами зоҳирға (17а)келтирибсен, на сени ва на ўз нафсимни танубмен, рўзу шаб нафсинг ризоси ва шайтоннинг ҳавоси бирла умрумни кечирибдурмен ва боди ҳаво бирла шамъи сафони ўчирибдурмен, бу шабистони бевафонинг хаёлида дилимға бодаи ғафлат ичурибман, сар то по масти беҳуш, бечашм, безабон, бегўш, беҳадду жаҳд хор бардўш, таним бепўш, йўлим бетўш, ақлим беҳуш, кўнглим бежўш, дам дар ғам, дил беҳамдам, кўзум бенам, ҳамаи камлардан кам. Байт:

**Ҳар жон не билур гайри жаҳон ош ила нонни,  
Иўқ билгучи ҳеч важҳ Сандин ҳамани.**

**Ғарқ айлади ғусса ила ул баҳри маний,  
Ман мустаҳиқ гадою Сен шоҳи ғаний.**

<sup>31</sup> Аллоҳга бошқа илоҳни қўшиб дуо қилма.

## ҚОФНИНГ ИККИНЧИ МАЪНИСИНИНГ БАЁНИ

Фақрнинг ҳарфи қофларини иккинчи маъниси қомат, қиём, қуъуд ва сужуддурким, ҳар ишда рост бўлмоқликким, нияти холис бирла. Чунончи, Пайғамбар алайҳис салом айтибдурлар:

نيت المؤمن خير من عمله

(Мўъминнинг нияти амалидан яхшидир).

Ва яна бир далил: **انما الاعمال با نيات**

(Албатта, амаллар ниятга боғлиқдир).

Билгил, бандаи мўъминнинг яхши нияти амалидин (176)беҳроқдур. Ҳар амалки, қилурлар, албатта, нияти холис бирла қадам қўйса афзалдур. Аммо, нияти беамал, чунончи, жонсиз тандур, гўеки ният амалнинг жонидур.

Аммо, билгилки, қомат, яъни дунё мисли мусаллийдур ва оламнинг зиндакорлиқи мисли қиёмдурки, сушт ва заифлиқдур. Бири рукуъдур, яъни ҳаётлиқ дарахти эгикдур. Бири сужуддур, яъни ер бирла ҳамвор, ҳаммадин нобуд бўлмақдур.

Билмоқ лозимдурки, бу рўйи заминда ҳар нақши нигор, ҳар пуду тор ва ҳар ҳалолу мурдори нотик ва ғайри нотик ҳама мавжудотеки, махлуқот узра ғоммдур, жумласи дом бирла донадур, бу домгоҳ дона бирла ободдур. Аммо нафси шайтон сайёддур. Ҳар мурге зийракийки, бу донага майл қилмас, ул домға илинмас. Ҳамиша бо ёд, хона барбод, ғамдин озоду дилшод, дасту пойи кушод, соат-басоат ҳамду сано оғоз, парру боли ҳиммат билан баланд парвоз, карру баёнлар бирла ҳамроз, руҳониёнлар бирла дамсоз, тилида сифати корсоз, дили анинг зикри бирла (18а)хуш овоздур. Ва ўз хоҳишларидин безор, хоҳиши Парвардигор бирла хушнуду хуррам, сирри ваҳдониятга маҳрамдурлар, донандаи агёр, анинг дому камандидин хабардордурлар.

Аммо, икки оламнинг нозу неъматини, айшу ишрати ва роҳату лаззатини уларнинг назарида мурдордур, диллари воқиғини асрор, кўзлари толибидийдор, муҳаббат шаробидин кўнгли мустағрақ, шавқ шиддатидин бесабру беором, ҳам ишга корлари қуъуду қиём бирладурлар. Балки аладдавом бори бало кашада, дил баёди Худо жўшида, умиди шарбати сафо нўшида, батиловати каломи Раббоний кўшида ва ғайрнинг назаридин пўшидадурлар. Байт:

**Ким кўрса қилур уларга таъна,**

**Халқ ичинда пойу сарбараҳна.**

**Лиззоти висол тобқоч андин,**

**Лаб ташнаву ҳам шикам гўрисна.**

Аммо бу тоифанинг мулки ҳайъати харобу чашмлари пур об, жигарлари кабоб, зоҳирлари дар қибоб, ботинлари беҳижоб, баҳри бекарон ва дурри ноёбдурлар. Чунончи,

пардасига печутоб мисли рўзи сияҳбод. Байт:

**Зоҳири фисқу саҳв бирла исён,  
Ботинлари васл суви бўлди жонон.**

**Кўру нур суратда ул габру тарсо,  
Сийратда фасих чун Халил ур-Раҳмон.**

Билгинки, бу тоифани танимоқ ва карашмасидин шаммаи олмақ бисёр мушкилдур. Ҳосил ул-амр авлиё уч қисмдур. Авлиёи олам дерлар, уларни хоссу ʔомм билурлар. Аммо авлиёи хосс дерлар, уларни яна авлиёлар танурлар. Байт:

**Ҳар валийро валий тавонад дид,  
Мустафоро Алий тавонад дид.  
(Ҳар бир валийни валийлар таний олади,  
Мустафони эса Алий таний олади.)**

Аммо авлиёи хосс ул-хосс дерлар, бу тоифани Худойи таʔолодин бўлак ҳеч нимарса танимас ва чашми сар бирла сийратини кўриб бўлмас, пойи зоҳир бирла маънига қадам қўйиб бўлмас, чашми пўст бирла пўстни кўрар, дўстни кўролмас. Ул тоифаларки, ботинда рўшнолиққа вобастодурлар зоҳири (19а)бегоновор, ботини ошно, зоҳири санги сиёҳ, ботини дурдонавор, зоҳири ло йаъқал, беҳушу ҳайрон, хору зор, ботинида васли жонон субҳу шом, лайлу наҳор, олам аҳлини кўруб, девоналик бирла қочар, Ҳақ таʔоло бошлариға ҳиммат дурин сочар. Байт:

**Ғайридин қочмоқ эрур Ҳаққа уланмоқ ишлари,  
Юзига доим муҳаббат эшигин Тангрим очар.**

Билгил, эй жувони навхоста ва бағафлат ороста, шабу рўз дар камии кост ва бамақсуд норост, бежаҳду бекўш, беақлу беҳуш, масту мадҳуш, хори меҳнат бардўш, дил бежўш, жон беиўш даъвойи бандалик қилсанг жидду жаҳд қил, ўзни мард қил, ҳамадин фард қил, толиби дард қил, беҳабарлигинга ва ўтган умрундин надомат қил, мову ман ва шакку занн иллатидин сиҳҳат-саломат қил, андин кейин даъвойи муҳаббат қил. Бир кишидаки, қалбдур, аммо ҳақшунос дил салим ул-қалбдур.

قوله تعالى لا ينفع مال و لا بنون الا من اتى الله بقلب سليم<sup>81</sup>

(196)(ояти)дин баҳравардур ва охири нафаси бирла ҳамса-фардур. Ҳар нимарсаеки, мониги роҳдур андин боҳабардур ё ақлдин Худо тарафига ва ё жаҳлдин ҳаво тарафига, байт:

**Аммо оқилда хато бўлмас, жоҳилда сафо бўлмас,  
Ул банди ҳаво бўлгон, мақбули Худо бўлмас.**

Ул моддаким, санда бор, қилмай ани ихрож,  
Ичсанг неча кўб дору ул ҳеч даво бўлмас.

Ул модда касофатдур, ул бухлу хиёнатдур,  
Ул ширки хаёлотдур, ул дилда жило бўлмас.

Ул жоҳилу мушрикда, ул кофири мудрикда,  
Ул мурдадил таҳрикда ҳеч хавфу ражо бўлмас.

Ул мурдадил аҳмақда, ул кофири мутлақда,  
Шаб-рӯз иши ноҳақда бир шарму ҳаё бўлмас.

Ул толиби ҳар жойи, ул козиби расвойи,  
Ул габр ила тарсойи мавсули лиқо бўлмас.

Бу солики лойиқда ҳам ошиқи содиқда,  
Бу ёри мувофиқда ҳеч нафсу ҳаво бўлмас.

Бу даҳри мажолисда, ишқи ила ороста,  
Ул тоати холисда ҳам ушбу риё бўлмас.

Бу даҳри вафосизда, бу айши сафосизда,  
Бу мулки биносизда ҳеч ерда бақо бўлмас.

(20a)

Бу жойи касофатда, асбобу ҳам олатда,  
Бу молу иморатда ҳеч меҳру вафо бўлмас.

Жаҳд ила Хароботий, қил ўзни маломатий,  
Бу ошиқи ҳолатий ишқи аҳли фано бўлмас.

Эй Холиқи кавну макон, вой молики оламиён, вой тарбият кунандаи инсу жон, донандаи ошкору ниҳон бу заиф нотавонни, хастаю бедармонни, бесару сомонни, ғам даштида ҳайронни, андуҳ биёбонида саргардонни, ҳаросон хонавайронни, овораи бехонумонни, дар паришон пушаймонни, шабу рӯз хобу ғафлатда, фисқу залолатда, айни касофатда, ранжу меҳнатда, жойи мазаллатда, кунжи ғафлатда, пардаи хижлатда, афсус надоматда, оҳу ҳасратда, маҳжуру ранжур, мағруру бемақдур, безуд бозўру бемасрур, Ҳақ тариқидин дур, гунгу лангу кўр, зикри дил бенур, айни қусур била қалби қора ва жигари садпора ва бечорадурман.

МУНОЖОТ

Эй бор Худоё, унси жонсен,  
Сенсан ҳамаларга меҳрибон сен.

Сендин талабим алад-давоме,  
Қўйма мани Сен ўзумга оне.

(206) Умрум ўтубон хамри хижолат билан,  
Журму хато, фисқу залолат билан.

Ҳирсу ҳаво бўғзу адоват билан,  
Макру ҳийла, риё, хиёнат билан.

**Фақрнинг қофларининг тўртинчиси**

Фақрнинг тўртинчи маъноси қадамдур, яъни қадами сидқу талаби ишқ бўлмоқ, зоҳирини тоат ва ибодат бирла, ботинини важду ҳолат бирла оро-ста қилмоқ керак. Кўнгли риёзат нури бирла мунаввар, димоғини муҳаббатнинг бўйи бирла муаттар қилмоқ керак. Ҳамиша қадам дар сафар, мақсад дар назар, жаҳдда муқаррар, ҳамма тааллуқдин беҳабар, нишонанси фақрдин баҳравар, ҳаммаларнинг манзурида муҳаққар бўлмоқ керак. Бу даражалар уларга насибдур, кунжи қаноатга дохил бўлуб, ранжи риёзат билан ганжи саъодатни топибдурлар. Байт:

**Фақр ганжедурки, ул ганжи Худо,  
Шоҳ ўлур ул ганжни топқон гадо.**

**Изламак бирла киши тобмас ани,  
Қилмагунча хонумон, жонни фидо.**

Эй Хароботий, бу тоифаларнинг роҳилаи зоди нолаи (21a)фарёдидур, зикру фикри жони ажзу тақсиридур. Аммо ҳеч вақт беамал бўлма, амалга ишонма, ҳамиша хушгўй, хушхўй, хушбўй, хушмашраб ва ҳалим бўлғил. Бу сифатларга муттасиф бўлмақ ҳазрати Ҳақ жалла ва ғала даргоҳига туҳфаи бениҳоят ва ҳадяи беғоятдур ва нишонанси бахту саъодат, шамъи ҳидоят, сармоия дунё ва охират, маҳзи диёнат, мағзи ибодат, тахту тожи валоят, марҳами жароҳат, бўстони фароғат, асрори иродат, қалъаи ҳимо-ят, маркаби истиқомат, ҳисори ва майдони фаросат ва гулшани саъодат-дур. Ва натижаи тоат, дофиъи жаҳолат, интиҳойи шужоат ва кўчаи саховат эрур. Ҳар одамеким, бадхўй, бадфеъл ва мағрурдур, халқ назарида мардуд ва Ҳақ назаридин матруд эрур. Байт:

**Ки ул бадхўга йўқ манзил беҳиштда,  
Ки жовид анга дўзахдур сиришта.**

**Нишонанси аҳли жаннат хулқи хушдур,  
Батаҳқиқ аҳли дўзах хўйи зишта.**



Билгилким, хулқи хуш бўлмақ болотарин мақом ва (216)аълотарин ком эрур. Чунончи, ёд қилди Худойи Карим ва подшоҳи Қадим, Парвардигори Алийм ва офаридигори Ҳаким:

قوله تعالى و انك لعلى خلق عظيم<sup>82</sup>

Байт:

**Хўйи бад ила қилурса ким тоат,  
Жониға бало, дилиға офат.**

**Дил юзи сиёҳу ўзи гумроҳ,  
Барбод эрур хирмаки ибодат.**

Во огоҳ бўлгилким, хўйи бад мисли мору каждумдур, анинг заҳролуд нишидин кўнгиллар мағмумдур ва халойиқларға ағёр ва Худойи таъолонинг назарида мурдордур. Ул газанданинг заҳари голибдур, ўзи ўлтурмакка муносибдур. Аммо ул тоифалар жоҳилу аҳмақдур ва мурдадилдур, ани Худо ва Расул дўст тутмас, шабу рўз қилгон ибодатининг эътибори бўлмас. Байт:

**Хулқи хуш беҳтар эрур инсу малак тоотидин,  
Сахт дил илму амал, ишқи билан ҳолотидин.**

**Хўйи бад бирла агар учса киши ердин ҳаво,  
Нафъи йўқ кашфу каромат, хориқи одотидин.**

Ҳар кишиким, дилозордур, икки оламда хордур, Халлоқ (22а)наздида мурдордур, малоика ва Қуръон онингдин безордур, абад ул-абад анинг жойи сақару нордур. Байт:

**Кишиким, берса ноҳақ дилға озор,  
Анга қилғай Худойим лаънату хор.**

**Бўлур лаънат анга икки жаҳонда,  
Тамуғ ичра уқубатга гирифтор.**

**Ҳама танлар ичинда бир дили бор,  
Ўшал дилға Худонинг назари бор.**

**Ҳазар қил бўлса дил то пашшадин фил,  
Ани хоҳлаб яратқон Тангриси бор.**

**Кўрарсен бир варақда минг иборат,  
Анинг ҳар бирининг минг маъниси бор.**

**Қилур ҳар ким уларға эҳтирозе,  
Худонинг қаҳриға бўлғай гирифтор.**

**Яратти пасту боло, неку бадни,  
Эгамнинг қудратига қилма инкор.**

Неча бўлсун жаҳонда жону жонсиз,  
Ки хоку обу боду рег ҳам нор.

Эмас гофил Худодин ҳеч мавжуд,  
Сано айтур Худога жумла ҳар бор.

Бу ишдин ҳар киши огоҳ эмасдур,  
Магар ул одамеким, бўлса ҳушёр.

Кишиким қилса ҳосил маърифатдин,  
Бўлур мандин ҳамиша ул хабардор.

Тариқи ишқда ким бўлса комил,  
Эрур бошдин аёқ шабларда бедор.

(226) Агар ошиқдусен ўзунгни кам қил,  
Қилиб пиндор ўзунга бўлма мурдор.

Бериб ақлингни ол ҳайроналикни,  
Бу йўлда ақлу дониш бўлди маккор.

Худовандо, гуноҳим сони йўқтур,  
Валекин раҳматингдин умидим бор.

Бани одам ичинда йўқтур мандек,  
Гунаҳкору табаҳкору сияҳкор.

Бу ғам даштида тошдек қотти бошим,  
Синуқсен барча ғамликларга ғамхор.

Ҳама феълим хатову фисқу исён,  
Сен-ўқ Таввобу ҳам Саттору Ғаффор.

Худовандо, Харобот рўсияҳға,  
Назар қил фазлу лутфунг бирла якбор.

Ҳабибинг Мустафонинг ҳурматидин,  
Насиб эткил манга жаннатда дийдор.

Эй Хароботий, агар даъвойи муҳаббат қилсанг ғайратни қўлдин йи-  
борма, ҳар махлуқот ва ҳар мавжудотнинг ҳақиқати ва моҳиятидин ха-  
бардор бўлғилким, Ҳақ субҳонаҳу ва таъоло ҳаммасини тадам кишвари-  
дин вужуд саҳросиға келтурди. Ҳар биридин бўлак савол қилдиким, Мен  
кимдурман ва сан кимдурсан, деди. Барчалар батариқи ажз «ло илоҳа  
иллаллоҳу ваҳдаҳу ло шарика лаҳу анта холиқу кулли шай'ин ва розиқу  
кулли шай'ин»<sup>83</sup> деб иқрор қилдилар. Мавжудоти оламнинг жамъи  
(23а)ҳаракоту саканот бежон эмасдур, «куллу шай'ин ҳаййун» (ҳар бир  
7нарсa тирикдир) анинг гувоҳидур. Байт:

Ҳаммалар Ҳақни билур аввалу охир бордур,  
Ҳамма жону дилға анинг жонибидин йўл бордур.

Эй ўғул, дема ҳама шай Худодин холий,  
Ҳамани зикридаву фикрида ҳам ул ёрдур.

*Муножот ба даргоҳи қозий ул-ҳожот*<sup>32</sup>

Илоҳо, ўтти умрум беҳуда ва жоним фарсуда, кўнглум ғамлик, ҳолим мотамлик, нафсим хушнуд, бистари ғафлатда хоблик бесуд, кушандаи дуд, на қиём бор ва на қуъуд, на лойиқ рукуъум бор ва на сужуд, ҳарна будим нобуд, бетору бесуд, масти беҳуд ва ҳайрон бевужуд. Байт:

Йўқтур хабарим саъодатимдин,  
Ҳеч умидим йўқ ибодатимдин.

Лекин яна боре туттум умид,  
Акрам ул-акрамин иноятингдин.

Илоҳо, мани, даъвоси ёлғонни, беақл беҳуш ҳайронни, (23б)меҳнат даштида бесару сомонни, фурқат шомида қолғонни, кўчаи фиरोқда саргардонни, дарднок бедармонни, бетоат кўб исёни, хатопешаву беэҳсонни, нафс кейнида сакбонни, банди ҳавога илинғонни, фирифтаи шайтонни ўз фазлинг ва караминг билан замоне ўз ҳавосига, фикру хаёлига, майл орзусига қўймай роҳи ризо, шамъи сафо, либоси ҳаё, мақоми ражо, бўйи вафо насиб айлаб, тани собир, дили зокир, жони шокир қилиб, дили зинда, нафси мурда, чашми ибрат, гўши фитрат, забони якжиҳат, дасти саховат, бозуйи шижоат, пўшти хизмат, қадами ибодат била ҳалқи пок, жисми хок, чашми намнок, мағзи, табъи идрок, сийна сўзнок, қалби зинданок, нафси мурданок, ҳиммати марднок, оҳи оташнок, ҳолати ҳушнок, жоми фараҳнок ва тарабнок била сероб айлаб, ҳадиқаи маърифатда, гулзори бўстони иззатда, сояи мурувватда, бистари ҳимояда, бисоти қурбатда, хуми муҳаббатда, суроҳи саъодатда, журъаи иноятда (24а)сарафроз ва мамнуну мумтоз қилғил, омин. Рубоий:

Ё Рабб, неча бўлсам агар бемаъни,  
Беилму амал танумадим ҳеч Сани.

Сен неку бади ҳаммадин боло,  
Мен мустаҳиқ гадову Сен шоҳи ғани(й).

*Фақр ҳарфи қофларининг бешинчи маъноси*

Фақр қофларининг бешинчи маъноси қатъдур, яъни жамиъи тааллуқотеки, мосиваллоҳ эди, анингдин узулмакдур.

Аммо билмак лозимдур, ҳар толибки, бор анинг йўлида нечанд ҳижоблар ва садди роҳлар бисёрдур, то ҳар алойиқ ва авойиқларике, дилни

<sup>32</sup> Барча ҳожатларни раво қилувчи Аллоҳ даргоҳига муножот.

Худойи таъолодин ғофил ва йироқ қилиб, ўз тарафига фирифта ва мойил қилур, уларни қатъ қилмагунча роҳрав бўлолмас, манзилга етолмас ва мақсудни тополмас.

Огоҳ бўлғил, бу йўлда молу манол, зану фарзанд, мушфиқу пайванд, хурданий, пўшиданий, расми ибодат, кашфу каромот ва ҳарна мавжудо-теки, ҳижоби роҳдур, қалилу касир ва мухотаби хамри хурду калоннинг меҳри ва муҳаббати дилда бўлса, аларнинг шуғлида мубтало бўлса, ғаёзан биллаҳ, ҳаммаси пардаи роҳдур, то ани қатъ қилмагунча беҳосил ва гум-роҳдур. Байт:

- (246)      **Агар кўз ичра тушса зарраи чиз,  
Ўшал соат бўлур кўрмакка ожиз.**
- Ҳижоб эрмиш вужуду ҳам сужудинг,  
Агар ақл ўлса андин айла парҳиз.**
- Ариғсиздур дилинг жоми баногоҳ,  
Анга қилмас шароби ишқдин рез.**
- Ажойиб тиг эрур ул тиги ғайрат,  
Кесар бошингни ҳамма тигдин тез.**
- Аё дил, тутма ҳаргиз иккени дўст,  
Бири маҳрумлиғдур, бири хунрез.**
- Жаҳон раъноларининг йўқ вафоси,  
Агарчи бўлса маҳ ул сиймтан қиз.**
- Бир уйда дўсту душман бирла бўлмас,  
Бири ўлтурса қилғай бирриси хез.**
- Талаб қилсанг баногоҳ бодаи ишқ,  
Ки парда ичра қилмас бодаангез.**
- Харобото, ўзунгни ол ародин,  
Бериб дил ишқи Ҳақни олғил тез.**

Эй толиби содиқ, токим ўзунгни фоний қилмагунча бу пардалар дафъ бўлмас ва бу ҳижоблар дафъ бўлмас. Бу бемаза (25а)шарбатда дилнинг ташналиги қонмас ва сув қўшган ёғ бирла шамъи сафо ёнмас. Назм:

- Агар толибсан кечгин хонумондин,  
Вагар содиқсан ўтгил жисму жондин.**
- Ўзунгни то ародин олмагунча,  
Нишон тобмассан умрунг ўтса андин.**
- Неча бўлса сафиду сурх ул паризод,  
Сафиди суди андин, сурхи қондин.**

**Неча қилсам тасаввур пасту боло,  
Ёмони йўқ буларнинг мен ёмондин.**

**Ҳама ушбу жаҳонда дона-ю дом,  
Халос этгил Хароботийни андин.**

**Буларга жидду жаҳд қил, банд этма дилни,  
Узуб пайвандлар холис бўл андин.**

Эй биродар, бу нукталарни то дилу жонинг бирла ёд олгил ва Худодин ўзга нарсаларнинг меҳрини кўнглунгдин чиқаргил. Агар бу йўлда беваҳшат бўлайин десанг ғайри Худодин роҳат истама ва таъя қилмагил. Чунончи, айтибдурлар:

**لا احب مع غير الله و لا وحشت مع الله**

яъни, ул нимарсаларики, ғайри Худодур, анингдин толибга роҳат йўқ, аммо баёди Ҳақ зикр айтмоқда ҳеч ваҳшат йўқ.

Эй биродар, жаҳд қил, то ишқ бўл, бемуҳаббат (одам) инсон эмас. Аммо даъвойи муҳаббат осон эмас ва ҳар кишида муҳаббат яксон эмас ва муҳаббатсиз жон жон эмас. Аммо муҳаббат ҳар дилда пинҳон эмас, магар шул дил паришон эмас, анинг мулки дили ва охирати вайрон эмас ва икки жаҳонда ҳайрон эмас. Байт:

**Гар толиб эсанг йўлни таҳаққуқ қилгил,  
Ақлу хираду жонни тасаддуқ қилгил.**

**То васл топай десанг Воҳидга стиб,  
Дилни ҳамадин қатъи тааллуқ қилгил.**

Аммо оқилда миннат бўлмас, ғофилда фазилат бўлмас. Рубоий:

**Оқил аро кибру миннат бўлмас,  
Ул ғофили нокада фазилат бўлмас.**

**Бу жони жаҳон мағзи эрур дарди ҳусул,  
Бедард кишиларда муҳаббат бўлмас.**

Билгил, ҳар кишики бетааллуқдур, мардонаи Худодур ва қайси банддин жудодур, гузаштаи бори балодур, гўрихтаи саҳву хатодур, пўшти по задаи дунёдур. Аммо сувратда гадо, сийратда шаҳо, сувратда нобино, сийратда бинодур. Тани порсо, дили мужалло, орзуманди лиқо, кўнгил мусаффо ва амали бериёдур.

(26а)Эй Хароботий, бу тани касифда ва жони шарифда барқарор бир нафасдур, жон мисли мурғ ва тан қафасдур. Соат-басоат чиқмоққа ҳавасдур, токим ўз маконлариға парвоз айлаб, ҳамжинслари бирла ҳамроз бўлгай. Шабу рўз, балки алад-давом ғарази бу олами харобдин ва бу жисми туробдин, ҳамнишини нафси килобдин, бу жойи нажасдин ва манзили хасисдин олами сафоға ва руъяти лиқоға, мақоми унсға, ошиёни ҳамжин-

сга ружуъ ва рубуъ қилгай. Бу ибратдин маҳрамиятга, зулумониятдин нуронийга, олами касофатдин майдони латофатга, муфориқатдин мувосалатга, башариятдин малакиятга, ҳайвониятдин руҳониятга, фанодин бақога сафар қилурга субҳу шом, балки алад-давом ғангому беҳангом ва саъйу эҳтимом бирла мунтазири тамом бўлғил. Байт:

**То сандаки жон ҳамнафасдир,  
Жони булбулға бу тан қафасдир.**

**Ҳамроҳлариға етарга ҳар дам,  
Андишани фикри ул ҳавасдир.**

**То «муту қабла ан тамуту»,  
Бўлмай, киши ҳеч халос эмасдур.**

**Йўқ бўлса киши бу сирдин огоҳ,  
Ул банди ҳавою бул-ҳавасдур.**

**Қилса киши аслини фаромуш,  
Маҳруми жамоли танпарастдур.**

**Жони ошиқ булбули бечора,  
Тан қафасдур, тобмағай ҳеч чора.**

(266) **Булбул то банди қафас шод ўлмағай,  
То қафасдин чиқмай озод ўлмағай.**

Эй биродар, ҳар замоне гофилу жоҳил ва коҳил бўлма ва ҳеч мурдорға мойил бўлма, умрни дунёи бевафога мойил қилма, анинг маслаҳатиға дилни зойил қилма, тилни қойил қилма. Сафари охиратнинг зодини ва истеъдодини қўлдин йиборма. Нақдинаи рўзгордин беҳабар бўлма. Ва ҳеч киши бу сафардин қолмас ва келганларини олиб борма қўймас. Сафарнинг маъноси уйдин уйга бормоқдур, молу фарзанди дилбандидин, мулку хонадин жудо бўлмақ, маҳалли хомушонда мутаваддин бўлуб, жисми урён, чашми хокдон, дандонлари резон, гўштлари тўъмаи кирмон, табъи паришон, руҳи саргардон, дил ранжида, лаҳад кунжида, пардаи кафанга печида, халқ кўзидин пинҳон, тупроқ бирла яксон бўлмақдур.

Эй биродар, билгил ва огоҳ бўлғил, байт:

**Тушани охират қилғил нафас туганмасдин бурун,  
Тавбан насух қилғил гуноҳ ҳаддин ўтмасдин  
бурун.**

**Илму амал ҳосил қил тилинг хомуш бўлмасдин  
бурун,**

**Ва таҳримаға қўл келтир қўлунг қўшилмасдин  
бурун.**

(27a)

Ва дилингни ғайрдин пок қил хок бўлмасдин  
бурун,  
Танҳоликни ихтиёр қил ёлғиз уйга кирмасдин  
бурун.

Ва хайру эҳсон бирла иймонингни чирогин  
равшан қил,  
Қоронғу лаҳадга юз келтирмасдин бурун.

Ва ҳама таалуқдин кўнглунгни узгил,  
Тахти заволга минмасдин бурун.

Андоғ фаҳм қилғилким, бу дунёи бемадори айёр ва таррори рўзгор, бевафою маккор, жафопешаи ғаддор ва жойи мурдорға хурсанд ва мағрур бўлма. Дилбанди ранжур бўлма, зану фарзанд, сийму зар, дилбанди мулку мол, ҳусну жамол, илму ʻамал, ҳирсу амал, насаб шумор, роҳати боғ, ҳузури фароғ, шарбати хурраимий, матоъи пушиданий ва ҳар мавжудотеки ва маълумотеки, сан анга моликсен ва соҳиб нигоҳу мусоҳиб эрсанг бири муру бири мор, бири нишу бири хор, бири каждому бири аждар, бири занбуру бири наштар, ҳаммаси доми исён, хоҳиши шайтон, монӣи иймон, ҳижоби жонон, дурийи даргоҳ ва сабаби мардуди подшоҳдур. Байт:

Агар истар эрсанг жамолуллоҳ,  
Тарк айлагил сан мосиволлоҳ.

Кечгил ҳама таалуқунгдин,  
Қилғил тамаъики, висолуллоҳ.

.....

Доно кишилар бу ишдин огоҳ.

Беҳабар эрур бу тан оёғи,  
Бўлмас юрубон бу бўлса дар роҳ.

Токи тиласанг мурод тобмоқ,  
Кир йўлга, қилғил бу сўзни кўтоҳ.

Етмак тиласанг, эй Хароботий,  
Қилма таалуқунгни ҳамроҳ.

<sup>84</sup> اللهم ارقنا من شراب محبتك و خلعتي و صالحك و تشریف لقانك

БУ БОБ ФАҚРНИНГ «РЕ»ЛАРИНИНГ БАЁНИДА

<sup>85</sup> قوله تعالى وجاهدوا باموالهم و انفسهم فى سبيل الله او لئنك هم الصا دقون

<sup>86</sup> قوله تعالى والذين يجاهدون با موالهم و انفسهم فى سبيل الله او لئنك اعظم در جة عند الله

яъни, риёзот, мужоҳидот, ранжу таъаб, мужодала, муҳораба, (28a)музо-кара, мунозара, муқобала ва муқоталаи нафсдур. Байт:

**Биродар, санга айтай бир неча арз,  
Тутқил эмди сан жиҳод этмакни фарз.**

**Марду зан, шоҳу гадо, хурду калон,  
Шаънида бордур адо қилмақ бу фарз.**

Ва огоҳ бўлғилким, дин йўлида фий сабиллalloҳ бетамаъ ва беғараз жидду жаҳд қилмақки, фарз эди, аммо бу йўлда ҳеч кофири мушаддад, мушрик, муртади нафси бадкешдин ва вужуди бадандешдин бадтар ва сахттар душмани қадим ва зиёнкори лаъин йўқтур. Чунончи:

<sup>87</sup> قوله تعالى اعدا عدوك نفسك التى بين جنبيك

Байт:

**Эй биродар, одамий ичинда бордур икки нафс,  
Руҳунгга қилибдур қасд, бири боло, бири паст.**

**Риштан бандлари маҳрум эрур,  
Бу танда бўлмағай кесгали чун даст.**

**Худодин ўзга кишиларга қасд қилур,  
Тиғу табар бирла урушмоқ ҳавас(т).**

Аммо, билгилким, ҳазрати Ҳақ субҳонаҳу ва таъоло ибтидои фитратда ва ибтидои хилқатда ҳама махлуқотдин баякбора савол (28б)қилдиким, Ман ким, сан ким, деди. Ҳаммалари ажзу қусур бирла базабони ҳол ўзининг бандалигига иқрори сариҳ ва эътиқоди саҳиҳ бирла шаҳодат калимасини жорий ва ҳама мавжудотнинг офаридгорлигига сорий қилдилар.

Аммо, бу нафси хасису мурдори нажасдин жавоби фасиҳ содир бўлмамай, истикбор зиндониға қадам қўйиб, сан сансан ва ман манман, деди. Ул вақт батариқаи имтиҳон ва тажриба бирла Рабб ул-Иззатдин ўтқа фармон бўлдики, етмиш минг йил азоб қилди. Яна шул савол таҳқиқ тобмак учун, сен ким ва Мен ким, деди. Бу нафси шум ва бадбумдин яна жавоби истикбор садоға келдики, сен сансан ва ман ман, деди. Ала ҳаза-л-қиёс етмиш уқба дарёйи азобда ҳар қайсида етмиш минг йилдин қийнадилар. Бу мушаддад ҳеч важҳ бирлан ўз вужудини таниб, офаридагорға иқрор бўлмади. Аммо дарёйи жуъда уч кеча-кундуз эҳтисоб (29a)бердилар. Андоғ гўрисна, ташна ва бетоқат бўлуб, кибри манийят гардани синиб, суст ва бадҳол



ва беҳол бўлуб, фарёд қилдиким, Эй бор Худоё, Сен мани ва ҳиждаҳ ҳазор оламни яратқон ва офарида қилғон Парвардигоримсан, деб ажзу шикасталикни пеша қилиб жавоб берди.

Андин кейин малоикалардин бўлак жамиъи мавжудотга мураккаб қилдилар, ҳамманинг суврат ва сийратида, афъол ва аҳволида йўл берилди. Гоҳи сувратга келтирилди, мисли Шаддоди бевунёд, Намруди мардуд ва Фиръавни беавнга ўхшар.

Эй биродар, мундин маълум ва мафҳумдур, нафси суест ва коҳилини риёзатдин ўзга тариқа бирла рафиқу ҳамдам ва мувофиқи маҳрам қилғали бўлмас. Ул қосиддин душмани ширин ва сайёди рўйи замин, маккор таҳсин, айёри бетамкин, Дажжолу лаъин, қаттоли чиркин, муаллиму устоди жин, алломаи шаётин, умаройи фосиқин, муршиди мушрикин, раҳнамойи аҳли сижжин, роҳбари асфала софилийндур. Анинг бирла жанг қилмоқ, мунинг зиддида риёзат тариқаси билан ижтиҳод (29б) қилмоқдур ва роҳи Худо ҳеч ибодат мунга баробар бўлмас. Чунончи:

قال النبي عليه السلام جهاد النفس رأس كل عبادة

яъни, жанг қилмоқлик нафси шум бирла сари тоат, ибодат, истиқомат ва иноятдур. Ва сари муҳаббат, маваддат, диёнат, риёзат, каромат, нишоиаи ҳидоят, маломат, балоғат ва қаноатдур. Ва равиши анбиё ва варзиши авлиёдур.

Аммо парастииши нафси бадкеш ва каждими пурнеш, кори шақиё, шиъорийи рўйсиёҳ, мубдиъи аҳли ҳаво, мутакаббири аҳли ғино ва мўъжиби риёдур. Давоми исён ва худнамо, доми шайтону макри ҳийлаи нон, мардуди холиқ ва мақбули халойиқдур. Анинг қилғон ибодати маҳзи риё, мақбули ҳаво, гофилийиаи гувоҳ, ўз назарида шод, аммо муҳаббати барбод, машаққати бевунёд ва раъйбурдор.

Билгил ва огоҳ бўлғилки, Худованди таъолонинг бандалиги, кори даргоҳининг сарафкандалигига ҳужжати қотий ва бурҳони сотий амрига итоат қилмоқдур. Анинг гувоҳи тоат ва ибодатдур. (30а) Мунинг нишонаси жидду жаҳд ва риёзату қаноатдир. Аммо тоати бўлуб, жиҳоди ва риёзати бўлмаса, риёзати бўлуб, жиҳоди бўлмаса қилғони ушбу риёдур, ҳижоби лиқодур, амали садди роҳдур, ул амалдин Худо безордур. Ҳар кишики ширк бирла амал қилса мушрикдур. Чунончи:

قوله تعالى و لا يشرک بعبادة ربه احدا<sup>88</sup>

Эй биродар, ширки зоҳир ва ширки ботин дерлар. Ҳар шай'нинг зикри ва фикри ва сирри Худойи таъолоғи пўшида эмас.

قوله تعالى ان الله لا يخفى عليه شئ فى الارض و لا فى السماء و هو بكل شئ عليم<sup>89</sup>

Ва якдил ва як жиҳат бўлмоғи ҳамма ибодатларнинг мағзи ва тоатларнинг нағзидур. Чунончи:

قال النبي عليه السلام خلاف النفس مع العبادة.

яъни, ҳар нимарсаеки, нафсинг хоҳиш қилмоғидур, ҳамиша ул нимарса-ни тарк қилмоқлик жамъи ибодатларнинг мағзидур.

Эй биродар, билгил ва огоҳ бўлғилки, шабу рӯз ва субҳу шом, балки алад-давом бар акси нафс иш қилмоқлиқ (30б)хушнудийи Йлоҳ ва марзойи индаллоҳдур. Меҳнату машаққат ва риёзатни ихтиёр қилиб, васли давом ва айши мудомни ҳосил қилмоқдур. Тамоми анбиёву авлиё, урафо ва сулаҳолар бериёзат мақсуд сари манзилға етган эмаслар. Аммо меҳнату машаққат ва риёзат тортганларининг ҳеч бирлари маҳрум қолгон эмаслар. Бериёзат кишининг юз йиллиқ ибодати беъътимоддур. Байт:

**Бериёзат ҳар киши бу йўлдадур,  
Гўйиёким, қумни ул ёғ тортадур.**

**Гар яшайдур Нуҳ ё Луқмон каби,  
Кун ўтар ҳаддин ошар исён кўби.  
Эй биродар, ҳеч гул бехор эмас,  
Ганже йўқким, жўраси бемор эмас.**

**Шаҳде йўқким, ҳеч безанбури ниш,  
Имтиҳон қил болни ашжор эмас.**

**Англагил, шаҳр ўлмағай бозорсиз,  
Ҳеч иморатхона бедевор эмас.**

**Ҳеч излаб тобмадим гул хорсиз,  
Эмди билдим ёр беағёр эмас.**

**Чекмайин ранжу жафо ганж муяссар бўлмас,  
Ёрумай шамъи сафо кўнгил мунаввар бўлмас.**

**Тиласанг васлу лиқо нафс билан айла жиҳод,  
Бериёзат кишига васл муяссар бўлмас.**

(31a) **Кечмайин икки жаҳон нақдидин ул жанда либос,  
Охир ул аҳли ҳаво ҳеч қаландар бўлмас.**

**Куймаган ишқ ўтиға ул бул ҳавас,  
Беҳуда ул ошиқ самандар бўлмас.**

**Яшасун юз туман ул ташналаб ганда димоғ,  
Ишқнинг бўйидин ул ҳеч муаттар бўлмас.**

**Ков ҳам урмагунча гўт кезиб баҳри муҳит,  
Билки, себарги анинг мушк ила анбар бўлмас.**

**Бўлса ҳар қанча майнстон ичинда холий эрур,  
Сан гумон қилмаки, ҳар най аро шакар бўлмас.**

**Гарчи дарёлар ичи бўлса турар санги садаф,  
Қоний ўлмай шиками ичинда гавҳар бўлмас.**

**Эй Хароботий, жиҳод айла мудом нафсинг ила,  
Иўқса ҳар шаб моҳсиз мунаввар бўлмас.**

(316) Огоҳ бўлгилким, бандалик фармонбардорлиқдур ва анинг шарти жиҳоддур. Эrsa, жиҳод ҳам икки қисмдур: жиҳоди асғар ва жиҳоди акбар... Аммо, жиҳоди акбар ҳамиша нафсинг ҳавою ҳавасини ва майлу орзусини тарк қилмоқдур. Чунончи:

قال النبي عليه السلام من عرف نفسه فقد عرف ربه

яъни, кишики ўз нафсини тануб, афъоли ҳамида ва хисоли замималарига ислоҳ бериб, ўзини фақирлар чиркасига ва солиҳлар зумуррасига восил қилса, батаҳқиқ ўз Парвардигорини тануғон бўлур. Ва илло танудум дегани ёлғондур.

Билгил ва огоҳ бўлгилким, Худойи таъоло ҳар одамнинг вужудини мисоли бир иқлимдек яратиб, ул иқлимда мусулмон ҳам бор, кофир ҳам бор. Ҳар қайсининг ўз мазҳабинда подшоҳи бор. Ҳар иккиси қабила, ўз улуғининг фармонинча ва ихтиёрича (32a) амал бажо келтирурлар. Дилнинг подшоҳи эса руҳдур. Баданнинг подшоҳи нафсдур. Икки подшоҳнинг вазир ва соҳиб ихтиёр чокар ва лашкарлари бор.

Аммо подшоҳ руҳнинг вазири – ақл, додхоҳи – идрок, фаҳм ва донишдур. Чокарлари илм, ҳилм, хулқ ва ҳусндур. Буларнинг афъоли ҳамидадур. Ва доим тоат, ибодат, зикру фикр ва сабру шукр ва қаноату риёзатдур.

Аммо подшоҳ нафсинг вазири деу шайтондур. Буларнинг варзишлари ҳирсу амал, макру ҳийла, кайду фитна, ғафлату шаҳват, бужлу ҳасад, кийнаву кибр, хашму жаҳлдур.

Ҳар озода мардеки, нафсу шайтоннинг лашкарига тақобул бўлуб, ҳилму ҳаё, сабру шукр, илму амалнинг ҳарбу олатлари бирла душманнинг лашкарига шикаст бериб, вужудининг шаҳрини фатҳ қилса ва кибру манийятнинг жуббахоналарини вайрон қилиб, ўзига фақру масканатнинг саркўбларини боғлаб, (32б) фаҳму донишнинг ясовулларини қоровул қўйиб, рўзу шаб, балки ҳамиша подшоҳ руҳнинг итоатиға маъмур бўлса, субҳу шом, балки алад-давом бу душманнинг макру андешасида бўлуб, дилни поcбонлиқ қилса, анинг жосусларини ҳамиша зўҳду тақвонинг зиндониға маҳкам қилиб, ҳозир бўлса, ночорлиқдин аз важҳи мусулмон бўлур.

Аммо ҳар вақтда руҳнинг сипоҳларининг сафиға шабихун урмоққа маҳал истаб ҳаргиз мушриклик ва нифоқи бартараф бўлмас, токи муршиди комилнинг ва раҳнамои қобилнинг соясида фано бўлмағунча ва анинг назари ҳимоятиға дохил ва мададининг саройчасиға восил бўлмай, бу ишлар муяссар бўлмас. Агар кишига илтифоти илоҳий ва марҳамати номутаноҳий хазинасидан «ар-рафиқ сумма-т-тариқ» [аввал йўлдош, сўнг йўл]нинг гавҳари гаронмоясига пири комилнинг даргоҳининг ҳимояти абадий анинг

қўлига келтуриб, бу тоифанинг муассир нафасларининг тиғи заҳролуди бирла бу душманнинг бошини танидин жудо қилса, гўёки етти иқлимнинг кофирларининг (33а)мусулмон қилгондин афзалдур. Анинг учунким, зоҳирдаги кофирларни мусулмондин қилиб ва анинг қонини тўкиб, куфрнинг хосу хошокини исломнинг ўти бирла куйдириб, рўйи заминни пок қилса бу ғозийларнинг дилига кибру гурур ва пиндору сурур пайдо бўлур.

Ҳар кишиким, ўз нафсини риёзатнинг кўрасиға солиб, фақру фоқанинг ўтиға эритиб, мисли зари холис қилса, анинг натижасидин маънийи маърифат, ишқу муҳаббат, шавқу лаззат, илму ҳикмат, сидқу сафо, меҳру вафо, шароби сафо, ҳилму ҳаё, шавқи лиқо ҳосил бўлур. Ҳар кишики, баҳодирлиқ ва шижоатлиқ майдонида диловарлиқнинг лофин урса аввал ўз вужудининг шаҳрини мусулмон қилмағунча, анинг халқини ўз шаъниға сипоҳу лашкар қилмағунча бўлак шаҳарларнинг сарҳадиға қадам қўёлмас. Анинг учунким, Пайғамбар алайҳис салом ҳар вақт кофирлар жангидин ёниб келсалар, саҳоба ризвонуллоҳи таъоло алайҳим ажмаъийнға амр қилур эрдилар: «Жанги асғардин ёндиқ, эмди жанги акбарға ружуъ қилоли» деб, риёзат ва мужоҳадаға амр қилур эрдилар, жиҳоди асгар ва жиҳоди акбар, деб,

قال النبي عليه السلام رجعنا من جهاد الاصغر الى جهاد الاكبر

(кичик жангдан энди катта жангга қайтдик) дебдурлар. Байт:

**Жиҳод айлаб жаҳонни олса инсон,**

**Жиҳоди нафссиз ул номусулмон.**

### ИККИНЧИ ФАСЛ. «РО» БАМАЪНИЙИ РИЗО

Иккинчи фасли «ро»йи фақр бамаънойи ризодур ва таслим, яъни ўзини тобшурмақдур. Субҳонаҳу ва таъолонинг қазоларининг жамъи ҳукмиға сабр қилмақдур. Ва анинг тарафидин келган балоға, нишонаи бандалик ва асри сидқ ва тахти холисдир.

Аммо билгил, ризо улдурки, тақдири Раббоний ва ҳикмати Яздонийнинг мой муаллифи шодлиқда, ғамда ва ғурбатда, садди гўрисналиқда, бемору сиҳҳатликда, иззатда ва фақру масканатда, яъни ҳамма вақтда якдил, якжиҳат, якрўй ва якзабон, ҳар бир ҳолда, ҳар бир қавлда тил зокир, дил шокир ва тани собир бўлуб, (34а)Худойи таъолонинг хушнудлиғи ва анинг ихтиёридин ўзгаға қадам қўймағай. Ҳарна суду зиён ва яхшию ёмоннинг андешасини дилға ёрутмай, ҳар сувратлиғ дарду алам, меҳнату ғам, жавру ситам етса ва ё хушлуқ, иззату ҳурмат ва салтанат юзланса, Парвардигорнинг ўз хазонасининг инъоми ва лутфу карамининг пайғоми билса ва анинг хушнудлиғидин ўзга нимарсани хаёлиға келтурмаса умиди саъодатдурким, кулл ва жуз ва ҳожатини андин умид тутса, иншааллоҳу таъоло, мақруни ҳожат бўлса керак.

Ҳақ таъолонинг қисматининг ва анинг хушнудлигининг тошнида зиё-далиғ талаб қилса ул киши бандаи ҳаво, парастандаи риёдур ва биродари шаётин ва фиръавн бирла ҳамнишиндур.

90 **قواله تعالى ان المبذرين كانوا اخوان الشياطين**

дерлар.

Эй биродар, ҳар кишига бало ва қазо пеш келса ёки биравдин дашном, дарду алам, жавру ситам етса ёки тикон оёғига санчилса ё пашшаву чибин чақса ё бемор бўлса, чунончи, (346)равондук бўлса, ҳаргиз гириҳлик ва қабзликни ўзидан йироқ тутуб, «розийатан марзийя» мақомида лутфу инъоми саранжомида бўлса, ул киши бандаи Рабб ул-Жалил ва аҳли миллати Халил, пайрави Исмоилдур.

Аммо таслимнинг маъниси гўсфандвор тиғи хоссу ўоммга бошини тутса, «фадхули фий ибодий» анга манзили ком ва гувоҳ, «вадхули жаннатий» анга маъвойи мақом ва инояти Малик ул-Алло, нишонай саъид ул-арҳомдур. Муждаларнинг замзамасида, хушлуқнинг дамдамасида Мансурвор шоду хуррам дорға мойил бўлса ва Исмоилвор озоду беғам тиғи бедарифға бўйнин тутса, байт:

**Ҳар кимки тилар жамоли Аллоҳ,  
Кечсун жонидин хоҳ-нохоҳ.**

**Ўйриб юзини анинг сорига,  
Тарк этса жамиъи мосиволлоҳ.**

**Ҳар кимки қилур бу йўлни тай,  
Дарҳол топор висоли Аллоҳ.**

**Кечмай ҳамадин муяссар ўлмас,  
Ла ҳавла вала қуввата илла биллоҳ.**

**Тарк айла ўзунгни, эй Ҳаробот,  
Бўлса ғаразинг жамоли Аллоҳ.**

(35a)Эй азиз, билгилким, ҳар нафъу зарар келса фалаки ғаддоғдин кўрма, Ҳақ субҳонаҳу ва таъолонинг иродасининг ташинда кўз тутма. Байт:

**Хоҳламай ҳаргиз ўшал Султони тахт,  
Тушмагай беизн ҳеч барги дарахт.**

**Ким ризо йўлидадур ул некбахт,  
Кесмагай ҳалқин анинг ҳеч тиғи сахт,**

**Куйдиrolмас қўлни ўт беизни Ҳақ,  
Бўлса ўт ҳарчанд гарчи лахти-лахт.**

Агар ақлинг бўлса ҳеч вақт махлуқдин ёру ёварлик ва марҳамату биродарликни тилама.

قال النبي عليه السلام استعانة المخلوق كاستعانة المسجون من السجن.  
яъни, ҳар кишики махлуқдин ёру ёварлик тиласа анга ўхшарки, аҳли зиндон зиндонбанддин мадад тилаганга.

Эй биродар, ҳар кишики бу беҳуда сабақни ўқуса Худойи таъолонинг раҳматидин бенасиб ва ширки хуфяга қариб, аҳли ризоларга рақибдур. Ва икки оламда ҳайрон ва Намруд анқарибдур.

Билгил, эй толиби содиқ, вой ёри мувофиқ, ҳар кишига (35б)лозимдур ҳар балою қазо етса бенолаву беафғон бўлмақ, бу атоий Субҳонийга шоду хуррам бўлмақ. Байт:

Қилса золим зулм ё кулфат санга,  
Узр айтқил тез ул соат анга.

Гарчи ҳақ бўлсун ул ё ноҳақ ул,  
Сен ризо бўлсанг эрур тоат санга.

Сен ани неъмат билиб шукр айласанг,  
Ҳақ назар қилгай ўшал соат санга.

Ким қазога рози бўлса, шод ўлуб,  
Юзланур ҳам бахт ила давлат анга.

Қилмасанг дарду аламга оҳу воҳ,  
Очилур дарвозаи раҳмат санга.

Қил қазо ўқиға жонингни сипар,  
Кўргузур дийдори беминнат санга.

Сан ризо йўлида қилсанг ўзни маҳв,  
Етмагай бу йўлда ҳеч офат санга.

Ўтқарибсан умрни меҳнат билан,  
Жаннат ул-Фирдавсда ишрат санга.

Лутф этиб берса ризо йўлини Ҳақ,  
Андин ўзга йўқ турур ҳожат санга.

Қилма, ё Рабб, бу Хароботийни рад,  
Қилғони йўқ гарчи ҳеч тоат санга.

اللهم اجعلنا من اهل الرضاء و لا تجعلنا من اهل الهوء آمين\*

\* Эй бор Худоё, бизларни ризо аҳлидан қил, бизларни ҳаво аҳлидан қилма, омин.

**Ризонинг учунчи маънис**

Ризонинг учунчи маънис раҳбардур, чунончи:

قال النبي عليه السلام الرفيق ثم الطريق

(36a)яна бир далил:

الجار ثم الدار

яъни, аввалги ҳадисининг маъноси, аввал ҳамроҳ, андин кейин роҳ, иккинчининг маъноси, аввал қобил ҳамсоя тобқил, андин кейин мулку иморат олғил, дебдурлар.

Эй азиз, билгил ва огоҳ бўлғилки, ҳар киши дунё талабида сафар қилур бўлса, аввал ёрдур йўлни кўрган ва анинг обод ва биёбон манзилларидан нафъу зарар кўрган карвонбошини топиб, анга ҳамроҳ бўлуб, йўлга равон бўлса, ул на ерда тушса, бу киши ҳам тушар, ҳар қачон кўчса, бирга кўчар. Охири ҳар манзилу маҳфилда анга байъат қилса, хатарнок биёбонлар ва бимнок биёбонларда ул кишининг пайравлигида бўлса, умид борки, манзилга саломат етар, вагарна чоҳи ҳалокат ва давоми фалокат йўллар бисёрдур.

Ҳар толибеки, ул раҳнамои ҳумоюн нишон, шарият бешасининг шери ва тариқат майдонининг далери, муршиди комил ва олими ғомилнинг этагига қўлини урмай, хавфу хатар ва (36б)фойдаю зарарнинг хабарини анинг тобиъларидин сўрамай, Худонинг йўлига ва изламакнинг кўйига кирса, ўз билиши ва дониши бирла қанча сулукни тай қилса, албатта, шайтони лаъиннинг макру ҳийла ва дому тазвирларининг бандиға гирифторм бўлуб, мақсадсиз манзилга етмаги бисёр мушқилдур. Аммо мундин маълумдурки, макри иблиси пур талбис била манийят ва кибру нахват юзланиб, тавқи лаънатга гирифторм ва жаҳаннамға сазовор бўлур, агарчи олим бўлса ҳам.

Илм икки қисмдур: илми қол ва илми ҳол. Ул илмеки, қол эди, анинг натижаси шогирду мадраса, мунозараю баҳс ва жидол, мансабу мол, шуҳрату манзалат, такаббуру нахват ва хамри манийятдур. Кишига ул илмлар билан бу йўлни юруб бўлмас ва ҳеч кишига кўргузуб бўлмас, мунунгдин манфаат ололмас.

Ул илмеки, ҳол эди, ул кишига муяссар бўлса, анинг нишонаси ҳилму ҳаёву хулқ, муҳаббату ишқ, дарду сўзиш, шавқу (37a)завқ, меҳру вафо, сидқу сафо, васлу лиқо, дили мужалло, нури ҳувайдо, жазбу кайфийёт, беҳудий ва маҳвийёт муяссар бўлур. Бу илмни илми маҳв ҳам дебдурлар, тўла кишиларга раҳбарлик қилурлар. Байт:

**Урса илм захмини дилға ёр ўлур,****Лек нишин танға урса мор ўлур.**

яъниким, илми маҳв кулли тааллуқотдин кечиртур ва майи муҳаббатуллоҳдин ичирур.

Эй биродар, зинҳор басад зинҳор лайлу наҳор раҳбарсиз бўлма ва раҳнамосиз бу йўлга қадам қўйма ва анинг амридин чиқма. Байт:

**Айтанин ман, тут бу сўзни, эй фалон,  
Кирма раҳбарсиз бу йўлга, эй жувон.**

**Пирсиз тоат қилиб чекма алам,  
Рўзу шаб бўлмас хатарлардин омон.**

**Ёр бўлғай дарду меҳнат бирла ғам,  
Пирсиз йўл юрса ҳар хил юз тумон.**

**Ҳосил ўлғай анга минг жабру ситам,  
Гар Сикандар, бўлса Рустам бегумон.**

**Хизрсиз етмас лабига зарра нам,  
Гарчи дарё ичра қолсун кўб замон.**

(376)Эй толиби содиқ, пир бу йўлда авлиёуллоҳдурлар, бу олам биёбонларида ҳаргиз уларсиз қадам қўйма ва улардин йироқ бўлма. Пирингдин беижозат амал қилма, уларнинг ҳолат ва кайфийётларини имтиҳон қилма. Улардин дунёлиқни тамаъ қилма, молу амвол ва дилу жонингни улардин дариф қилма. Икки оламнинг манфаат ва мазарратини андиша қилма. Бу дунёи маккор ва гаддор бемадордур, бу нопойдорни талаб қилиб, охиратдин маҳрум қолма. Бу сўзга пут, бу нуктани маҳкам тут ва хабардор бўлғилким, байт:

**Бу беша ичра кўб шери балодур,  
Йўлунг ичра басо доми ҳаводур.**

**Бу йўл хавфу хатарни сони йўқтур,  
Анинг дом ила дўзди макри кўбтур.**

**Аё толиб, хабар тобқил пирингдин,  
Тажарруд давлатин берма қўлунгдин.**

Пиреки, раҳбар будй, шойистаи Худо, ба дари дужо, хабар диҳандаи хавфу ражо, баҳри сафо, гавҳари якто, пўшти пано(ҳ), пўшиши хато, бахшиши ато, рофиъи риё, дофиъи бало, афрузандаи шамъи ду саро, ба дард даво, ба ранж шифо, либоси (38а)ҳаё, қалъаи ризо, ҳодийи гумроҳ, нардбони само, нойиби Мустафо, миқрози мосиво, шофиъи рўзи жазо, ойнаи ҳақнаmodур. Бу тоифанинг амридин чиқмоқ, берухсат қадам қўймоқ хатодур. Беамр қилгон ибодат ҳабодур. Берўшд зўҳду тақво макру риёдир. Тасбиҳу сажжодаси зарқ ва дағодур. Ул киши худписанд ва худнамодур, ҳийлагар мисли рубоҳдур. Ҳар кишики худнамодур ул дарди бедаводур, саки Карбалодур, кофири ҳар ду сародур, қиёматда рўсиёҳдур, жаҳаннам анга маъводур, бандаи ҳаводур, рондаи Худодур ва душмани Мустафодур. Байт:



Худнамонинг феъли чун шайтон эрур,  
Гарчи тоат қилса ул исён эрур.

Бўлса ҳар ким худнамолиғдин йироқ,  
Ҳақ таъоло наздида инсон эрур.

Тарк этиб ўзлукни сен кўргил жамол,  
Бу жаҳонни излаган нодон эрур.

Ошиқ эрсанг охиратни қил талоқ,  
Ҳақ қошида бу матоъ арзон эрур.

Чунончи:

قال النبي عليه السلام اكثر اهل الجنة البله

(386)яъни, аҳли биҳиштлар тўсар, ани аблаҳу нодон дебдурлар.

قوله تعالى ان اصحاب الجنة اليوم في شغل فا كهون<sup>91</sup>

бу ҳадисга доллдур. Ҳар кишики, жамол талабдур, охиратни талаб қилмоқ  
вуболдур. Чунончи:

قال النبي عليه السلام الدنيا حرام على اهل الآخرة و الآخرة حرام على اهل الدنيا و هما حرامان  
على اهل الله

яъни, дунёнинг айшу ишрати, иззату лаззатлари ҳаромдур аҳли охиратга  
ва охиратнинг биҳишт, вилдон ва ҳуру филмонлари ҳаромдур аҳли дунёга,  
бу дунё ва охират ҳаромдур ошиқи жамол талабга.

Амир Алишер айтибдурлар, байт:

Тилаб жаннатни ўтмам дўст кўйинда гадолиғдин,  
Муҳаққар боғ учун кечмак равому подшоҳлиғдин.

Эй биродар, билгил, бу фоний дунёи дун чархи буқаламуннинг  
ҳақиқати мисли нажосатдур. Ани дўст тутуб, ўзига фахру мубоҳот бил-  
гувчилар бегумон беқаноатдур. Чунончи:

قال النبي عليه السلام الدنيا جيفة و طالبها كلاب

(39a)Байт:

Мисли дунё мағзи йўқ бир устухон,  
Ташлағил ит олдиға они равон.

Рўзу шаб излаб ани ит бўлмағил,  
Қилмағил манзур ани, эй навжувон.

Бўлса ақлинг қилмағил дунё талаб,  
Йўқтурур мурдор ҳеч андин ёмон.

Дўст билса кўнглида ҳар ким ани,  
Тобмағай икки жаҳон ҳаргиз омон.

**Сарф қилса умрини дунё учун,  
Хор бўлғай халқ аро икки жаҳон.**

**Кимки дунё молини жамъ айласа,  
Тўлғай онинг кўзига мору чаён.**

**Эй Харобот, истасанг дийдорни,  
Сарф қилғил жисму жону хонумон.**

Эй толиби содиқ, бу дунёда йиғиб жамъ қилгон молинг ва матоъинг газанда ҳашарот, йилон ва чаён бўлуб, гўрингга ҳозир бўлур. Чунончи:

قال النبي عليه السلام المال حية و عقرب في اللحد<sup>33</sup>

Бас, андоғ бўлса, дунё молини жамъ қилма ва ҳеч нимарсага эътимод қилма. Пиринг амридин чиқма ва ҳеч ишда хилоф (396)қилма. Уларни имтиҳон ва тажриба қилма. Кашфу кароматиға кўз тутма. Бу ишоратни жону дилинг бирла англа, пирнинг амри Худонинг амри, анинг меҳри Худонинг меҳри, анинг қаҳри Худонинг қаҳридур. Худойи таъоло камоли қудратини уларға ато қилгондур, қуввати жазбасини уларға бахшиш қилгондур. «Йадуллоҳи фавқа айдиҳим» анинг гувоҳидур. Осмондин борон ёғмоғи, ер юзидин гиёҳлар, булоқлар, оби равон ва нозу неъматнинг фаровон бўлмоғи ул тоифанинг баракотидиндур. Уларнинг сифатлари руҳуллоҳ ва машҳуллоҳ турур. Анинг учунким, ҳазрати Исо мурдаи садсолаға дуо қилсалар шу замон тирилур эрди.

Аммо бу тоифа аҳлуллоҳнинг дами дуоларининг баракотидин ҳам зиндалар, ҳам мурда ва гумроҳларнинг ўлук дили тирилур ва ҳидоят топар, балки Исо руҳуллоҳдин булар афзал ва ашраф турурлар. Маърифатуллоҳ буларнинг нафасларига муқайяддур.

(40a)Аммо билмак керакким, ул ҳодийи аъзам, пешвойи акрам, шоҳи Арабу Ажам, саййиди ҳар ду олам, санади авлоди одам, яъни Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шарофат ва қурбату манзалатларининг баракотидин мартабаи вилоят ва мақоми манзалатларини уларнинг аҳлуллоҳ (умматлари)ға Худойи таъоло ато қилибдур. Рўзи қиёматда ҳам улар туфайлиларидан сад ҳазор чандон осий гуноҳкорларни азоби дўзахдин озод қилиб, беҳишти анбар сиришт неъматлари билан мумтозу сарафроз қилғайлар, иншааллоҳу таъоло, омин.

Аммо билмак лозимдурки, бу мақом ва мартаба баъзи пайғамбарларнинг мақомидин аъло ва афзалдур. Чунончи, Лут пайғамбар уч кишини шафоат қилурлар.

Эй толиби содиқ, билгилки, умрунг ғаниматдур, муни бекор ва беҳуда ўткарма, шабу рўз пирнинг талабида ва анинг амрида (40б)бўлғил, яъни даст ба кор, дил ба ёр, рўзи шаб бедору ҳушёр, дили беинкору забони

<sup>33</sup> Пайғамбар алайҳис салом айтдилар: «Мол гўрда илон ва чаёндр».

иқрор, лайлу наҳор хору зору интизор башоратдин умидвор ва ишоратдин хабардор бўлмақ керак. Пирнинг хизмати, суҳбати, амри ва назари маъзи иноят ва маъзи ибодатдур.

Аммо бепир қилғон тоат жонга офат ва нишоиаи ҳамоқатдур, аломати касофатдур. Толибга ҳаммадин илгари фарз пирнинг назаридур, ҳарна қилғон амалидин бу афзалдур. Одамлар ўз билишича ва ўз юрушича тоат қилурлар, аммо ўзларига хато ва маъсият қилурлар, беҳуда қадларини ҳам ва кўзларини нам қилурлар, ўз жойларини жаҳаннам қилурлар. Ҳеч тоат Қуръонсиз бўлмас, ани бетаълим қироат қилурлар ва кофир бўлурлар. Чунончи:

قال النبي عليه السلام من قرأ القرآن بغير تعليم فقد كفر

яъни, кишики ўқуса Қуръонни таълимсиз, бас батаҳқиқ кофирдур.

(41a)Мундин маълум ва мафҳумдурки, ҳеч иш пиру устодсиз бўлмас. Чунончи:

قال النبي عليه السلام طلب العلم فريضة على كل مسلم و مسلمة

яъни, талаби илм фарздур ҳар бир эрга ва ҳар бир мазлумга. Бу шавкатдин чиқиб то гўрга киргунча мурод бу илмдин – дин илмидур. Наинки, илм ўқуб аълам, қози, мударрис, муфти, имом муаззин ва мулозаматпеша бўлмақ эмас. Чунончи, Пайғамбар алайҳис салом айтибдурлар:

قال النبي عليه السلام خير الامراء من زار العلماء و شر الامراء من زار الامراء

яъни, умаро (амирлар)нинг яхшиси уламони зиёрат қилур ва уламонинг ёмони умарога мулозаматпеша бўлур, дебдурлар.

Эй биродар, агар ҳушунг бўлса аҳлуллоҳ тоифаларини истаб, ўзларини зиёрат қил, маърифатуллоҳни таълим олурга нанг ва номус қилмоқ ширк ва жаҳли хафийдур. Мундоғ кишиларни кофир ботин дерлар. Чароки ҳар нимарсанинг дилида (41б)куфри хафий, нангу номус ва кибру ъано бўлса беймон кетар, наъувзу биллаҳ мин золика. Байт:

**Кимки бедониш эрур тоатпазир,**

**Ки ул маъсиятдин чоҳ қазир.**

**Ужб этиб кўнгли деса, ман беназир,**

**Ҳар амал қилсам эрур ақлим вазир, -**

озлақиб, қилғон йўлни тополмас, ҳориб, қолғон йўлга етолмас. Темур оҳангарсиз тиг бўлмас ва бепарвариш дарахт камолга етмас ва ҳар киши битарбият Худога етмас, камонсиз тир нишонга етмас. Байт:

**Ҳеч киши ўз ҳолича бўлмас киши,**

**Бўлса бу оламда эркак ётиши.**

**Юрса гар тахт узра Искандар сифат,**

**Тобмағай равнақ анинг қилғон иши.**

Мақбул ўлмас Тангрига тоатлари,  
Гарчи қилсун рўзу шаб, ёзу қиши.

Пирсиз қилгон амаллар ҳечдир,  
Бўлса ҳарчанд Нуҳу Луқмондек ёши.

Жаҳл бирла ботини кофир эрур,  
Эл кўзида мусулмонлиқдур иши.

Етмас ҳеч ким каъбаи мақсудиға,  
Дилни ҳеч пирга тобшурмай киши.

(42a) Вақтнинг алломаси бўлсун агар,  
Пирсиз бўлмас мусулмон ул киши.

Кимки инкор айласа мардуд эрур,  
Қотқуси маҳшарда саргардон боши.

Пирини ҳар ким ғанимат билмаса,  
Тонгла дўзахда заққумдур бериши.

Пирига мақбулнинг уммеди кўб,  
Етса гар Тангримга кўбдур нолиши.

Эй Харобот, юз ўйурма ҳар тараф,  
Қиблагоҳдур пирнинг кўзу қоши.

Эй биродар, билгил, ҳар киши мақбули пирдур мақбули Худодур. Зи-  
нҳор пирнинг остонасидин бошингни олма ва анинг хизматидин йироқ бўлма.  
Чароки, улар кимёгардурлар, бир назарда хокни олтун қилурлар ва мус-  
таҳиқларни мамнун қилурлар. Байт:

Етса ҳар кимга баҳам пир хизмати,  
Бўлғонидур ёр тахту давлати.

Қилса хушнуд пирини хизмат билан,  
Бўлғай афзун икки олам иззати.

Пир амрин ташламай тоқат қилур,  
Ул киши маҳшарда тобқай роҳати.

Пирнинг сифати улдурки, шарифат гуфтор, тариқат кирдор, (42б)ҳа-  
қиқат шиъор ва маърифат осор бўлса. Жамиъи афъоли замимадин кўнгли  
муъарро бўлса, атвори намирадин қўли ва тили мубарро бўлса, кулли  
тааллуқоти оламдин гўсиста, ўзи халос, дили пўрихлос бўлса. Сари муро-  
қабада, руҳи мушоҳадада, рост гуфтор, рост кирдор бўлса. Зўҳду тақвода,  
тоат ва ибодатда, риёзату қаноатда бебадал бўлса. Узру тақсирнинг мас-  
қали бирла ойина дили мусайқал бўлса. Майдони ваҳдатни оҳи ҳолат бир-  
ла жоруб қилса ва доим шавқи Жалил ва завқи жамол бирла мустағрақ  
бўлса. Оламнинг суду зиёни олдида мустаҳлак бўлса ва муриду мухлис-

ларининг барги сабзидин бетамаъ бўлса. Ҳақ таъолонинг ризосининг кун-жида ва таслимнинг буржида қаноатпеша ва саховатпеша ва мурувват андеша бўлса, таваккул сажжодасида сужуди бўлса ва сабру таҳаммул борасида тоғдек (43а)пур вужуд бўлса. Агар чандики, асбобу олооти оламнинг куллу жузвийсини жамъ қилса ҳам якзабон, якдил, якрўй ва якжиҳат бўлса, шундоғ шариф зотни раҳбару раҳнамо дерлар. Байт:

**Пирлиғ ёшу кўҳна солиқдин эмас,  
Ё сақолсизу соқоллиқдин эмас.**

**Пирлиғ илму амал эрмас насаб,  
Пирлиғ ё сону сонсиздин эмас.**

**Пирлиғ сирри Худо сайрлиғ,  
Пирлиғ сайри жаҳонлиғдин эмас.**

**Пир бу йўлда вужудин қилса нафй,  
Пирлиғ ному нишонлиғдин эмас.**

**Пир маҳзи иноёти Худо,  
Фаҳму ақлу хурдадонлиғдин эмас.**

**Эй Харобот, жустужўйи пир бўл,  
Пирлиғ ҳам лофу қофлиғдин эмас.**

Эй толиби содиқ, огоҳ бўлғилким, ул нимарсаеки, халойиқ ойинада кўрса пири комиллар ани хиштда кўрар, авомуннос бу оламни юруб, сайр қилиб тугатолмас, аммо пири комил ўлтуриб, кўзни очиб юмгунча Аршдин то таҳтас-сароғача, машриқдин (43б)мағрибғача ботинида сайри бор, зоҳирдаги қушлардек болин парлари бор. Парвоз қилиб, ҳар тарафга сайри бор.

اللهم اهدنا الصراط المستقيم و لا تجعلنا من الضالين.

(Эй бор Худоё, бизга тўғри йўлни кўрсат ва адашганлардан қилма).

ФАСЛ — ФАҚРНИНГ «РЕ»ЛАРИНИНГ ТЎРТИНЧИСИ

Бу фаслда ризонинг тўртинчи маъноси роҳдур. Чунончи Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар:

الشريعة اقوالى والطريقة افعالى و الحقيقه حالى

яъни, шариат менинг гуфторим, тариқат менинг кирдорим ва ҳақиқат менинг ҳолим турур, дедилар. Бу уч йўлдин бўлак эмас.

Ал-ғараз, ҳазрати Исодин то ҳазрати Муҳаммад Мустафо саллаллоҳу алайҳи ва салламгача беш юз олтмиш беш йилнинг ичинда бани одамлар тамоми маъсият баёнида ва куфрнинг чоҳиға гирифтор бўлуб эрди. Бул Худойи Карим валлоҳу Ғофур ур-Раҳийм адам хилватхонасидин хожаи Тоҳо ва Ёсин ва Расули Рабб ул-олабийнни нишонаи

وما ارسلناك الا رحمة للعالمين<sup>92</sup>

яъни, ҳазрати Муҳаммад Мустафо саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг муборак вужуди шариф ва жисми латифларини (44а)вужуд шаҳристонига келтурди, токим гумроҳларни Парвардигор тарафиға ҳидоят қилгайлар.

Улардин сўнг хулафо ур-рошидийн ва узамо ур-муршидийн ҳазрати Абу Бакр Сиддиқ, ҳазрати Умар ал-Форуқ, ҳазрати Усмон зун-Нурайн ва ҳазрати шери Худо жуфти Фотимаи Заҳро Алий ул-Муртазо (ризвонуллоҳи таъоло алайҳим ажмаъийн)нинг ҳар бирлари бу ишда комил ва равиши мукаммал, Худонинг ягоналигига ва Расули Худонинг барҳақлигига иқрор базабон ва тасдиқ бадил, шариъатда комил, тариқат ва ҳақиқатда диллари шомил бўлуб, баъзиларини панду насиҳат бирла, баъзиларини ҳилму ҳаё бирла, баъзиларини каромат бирла, баъзиларини тиғи табар бирла роҳи ростға ҳидоят қилиб, қоидаи маҳкам бирла йўл кўрсаттилар.

Андин кейин қарнан баъда қарнин, батнан баъда батнин то қиёматгача уларнинг нойиблари кам бўлмас, занжир-базанжир вақт холий бўлмаслар.

Эй азиз, билгилким, шариат мисли пўст ва тариқат мисли гўшт, ҳақиқат мисли мағз, ҳар нарсанинг мағзи гўштсиз ва гўшти (44б)пўстсиз барқарор бўлмас. Ҳар кишиким, саҳобаи киром, уламои мақом ва узамои соҳиб низом разийаллоҳу анҳунинг изн ва ижозаларики, бу уч йўл эди, муни бажо келтурса Худойи таъолонинг раҳматиға восил ва беҳиштиға дохил бўлур. Анинг ажриға неъмат алвон, қасру айвон, ҳуру гилмон карам қилур. Бу зоҳир оламда инобатға восил бўлса ва бу уч йўлда ҳидоятға ярар, вагарна бу йўлнинг соликлари нечанд сифатда бўлурлар. Баъзилари шариъатда барқарордур, тариқатдин ва ҳақиқатдин бебаҳрадурлар. Баъзилари тариқатда устувор ва шариъатдин бебаҳрадурлар.

Кишики шариъатға ҳақорат қилиб, хор кўрса ва анинг қоидасиға инкор қилса, гўёки Пайғамбар алайҳис саломға ҳақорат қилибдур. Ҳар кишики, пайғамбарларға ҳақорат қилса гўёки Худойи таъолоға ширк қилибдур. Мундоғ кишилар ҳамма мазҳабда кофирдур. Байт:

(45а) **Учса ҳар ким шаръсиз ердин само,  
Қилма тасдиқ ул магас учқай ҳаво.  
Ўтса дарёдин губор ангиз этиб,  
Мисли ул хасдур ва ё боди ҳаво.**

Эй биродар, билгилким, ҳар некбахте ва соатдатманега тавфиқ ёр бўлуб, шарият, тариқат, ҳақиқат ва маърифатда устувору баркамол бўлса Худойи таъоло саккиз биҳишт бирла дийдори бечуну бечугуна насиб қилгай. Огоҳ бўлғилки, биҳиштлар ҳам ҳаммаси баробар бўлмас, мартаба-бамартаба, тафовут-батафовут, даража-бадаража бўлур. Одамизод ҳам баъзилари жоҳил, доно ва муфлис бўлур. Бу тоифалар фоний дунёда нозу неъмат, айшу ишрат, роҳату лаззат, мову манийат, зебу зийнат, майлу шаҳватнинг зиёдалигидин кибру жаҳолат, ному шуҳрат, орому фароғат, бухлу хиёнат ва мағрур, доли мулкатдин бидъатга ва залолатга, бўғзу адоватга, ҳасаду гийбатга, расми шикоятга, ҳавойи шайтониятга, нифоқу хабисиятга, атъимаи жисмониятга, ашрибаи ҳайвониятга қадам қўйибдурлар, биҳиштдин умид тутубдурлар.

(45б)Билгил, тоифаеки, аҳлуллоҳ майи муҳаббатдин бу феъли замима ва ҳавою ҳавасдин кечган, икки оламнинг матлуботидин диллари узук, жамолуллоҳнинг дағдағаси бирла дилларининг риштаси чуруқдур. Дийдордин бўлак ҳеч нарса уларга манзур эмасдур. Жамоли ҳақ ва лиқойи мутлақ уларнинг насибасидур. Аммо биҳишт жойи осойишдур, ҳар кишининг қилғон амалининг баробарида жаража берилур, аммо дийдор муяссар бўлмас. Бу нарсалар учун фирифта ва машғул бўлмақ саҳлдур, балки аблаҳликдур. Ҳар киши буларга мағрур ва хушнуд бўлса, ғафлат била мубтало бўлуб, дийдор давлатидин маҳрум қолур.

Эй Хароботий, билғил ва огоҳ бўлғил, шабу рўз амали холиға ружуъ айлаб, кундин кунга зиёда шуғл қилғил. Бузруглар айтибдурлар, ҳар киши тоатни кундин кунга зиёда қилмай, икки кун баробар қилса, мағбун ва зиёнкордур, «ман истава йавман фа-ҳува мағбун» (кимки бир кунда ўзгармай қолса, демак у зиёнкордур) дебдурлар.

(46а)Эй толиби содиқ, вой ёри мувофиқ, ҳеч вақт тоатсиз юрма ва тоатга ишонма, кўз солма, вагарна амалинг офатдур, анинг бирла мубтало бўлурсан. Чунончи, кирми абрешам ўз кирдори бирла ҳалок бўлур, ҳаргиз амалингдин умидвор бўлмағил. «Ал-ҳидоятү миналлоҳи» (Ҳидоят Аллоҳдин муттамиъ бўлуб «йағфиру ли-ман йашоу ва йуъаззибу ман йашоу»<sup>94</sup>дин огоҳ бўлуб, Ҳақ субҳонаҳу ва таъолонинг маҳзи иноятидин ўзга нарсадин умидвор бўлмағил. Рўзи Қиёматда ҳеч киши Ҳақ субҳонаҳу ва таъолодин беизн ҳеч кимга молик бўлолмас. Чунончи:

قوله تعالى يوم لا تملك نفس لنفس شيئا والامر يومئذ لله<sup>94</sup>

Зинҳор шариятга таҳаллуф қилма ва инкор қилмағил. Ҳар киши бир масалага хилоф қилса тариқат майдонида хатарнок бўлуб, юз тўқсон да-

ражаси нобуд бўлур, дуоси ижобат бўлмас, масалан, чап қўли билан таом егувчиларга ўхшаш.

Аммо, эй биродар, билгилки, ғайрати авлиёуллоҳ, ғайрати Каломуллоҳ ва ғайрати Ҳақдур, булардин хабардор бўлуб, ҳазар (466)қилмоқ керак. Ҳар кишини бу ғайратлар урса жаҳаннамга кетар, наъувзу биллоҳ. Бу гуноҳлар халойиқлар назарида кичикдур, Худойи таъолонинг наздида гуноҳи азимдур.

قال الطائفة اصغر الذنوب عند الناس اكبر عند الله

(Тоифа аҳли айтдики, одамлар учун кичик кўринган гуноҳ Аллоҳ наздида каттадир).

Ўзни кам тут барча мавжудотдин, хоҳ -  
Бўлсун батоб яка, эй дил, Худо сариға оҳ.

Ҳақдин ўзга барчадин, эй беҳабар,  
Қил ҳазар, қилма назар ҳар субҳгоҳ.

Барги коҳе кўрмагил ҳар заррани,  
Бўлса ҳақир оташи хасми гуноҳ.

Қолмайин ҳайрон десанг кавнайн аро,  
Истама ҳаргиз бу тоатдин паноҳ.

Истасанг маҳшар кунн озодлиғ,  
Бўл бугун тажрид беқайди мосиво(ҳ).

Кўрмади деб Ҳақни қилма маъсият,  
Дасту пову чашму гўшу тил гувоҳ.

Ҳеч пўшида анга пинҳон эмас,  
Бўлмагил шарманда рўзи арсагоҳ.

Подшоҳедурки, ул маъбуди Ҳақ,  
Мурнинг андешаси маълум анго.

Эй Харобот, ўлмагил ғофил даме,  
Рўзу шаб қил нолаву фарёду оҳ.

<sup>95</sup> قوله تعالى ان الذين يخشون بهم بالغيب لهم مغفرة و اجر كبير

(47a)Ҳақ субҳонаҳу ва таъоло сирри авқат пардасининг ичинда пинҳон туттики, бандаларим мани кўрмай иқрори забон ва тасдиқ бадил қилсун, деб. Аммо мардони Худолар Ҳақ таъолони кўзининг мардумидин ва гардан томуридин ҳам яқинроқ билурлар. Чунончи:

قوله تعالى نحن اقرب اليه من حبل الوريد انه علم بذات الصدور  
яъни, ҳар андеша, зикр, фикр ва васваса бандалари хаёлидин кечар, жамъи ақвол, аҳвол, афъол ва асрорлардин Ҳақ субҳонаҳу ва таъоло огоҳдур. Анинг учунким, мўъминнинг дилини ўзига назаргоҳ қилибдур. Чунончи:



قوله النبي عليه السلام الله لا ينظر الى صوركم و اعمالكم لكن ينظر الى قلوبكم و نياتكم  
яъни, Аллоҳ таъоло боқмайдур сизларнинг сувратларингизга, аъмолларингизга, лекин назар қилур дилларингизга ва ниятларингизга. Бас, мундин маълум ва мафҳумдурки, эътибор дилдадур, на бу обу гилдадур, ва на қолу қилдадур ва маърифати ҳолдадур.

(476)Билгил ва огоҳ бўлгилким, ҳеч нарса Худойи таъолодин холий эмасдур. Аршдин то фарш, машриқдин мағрибгача анинг назаридин холий эмас, ҳаммага доно ва бинодур, беширк ва беанбоздур, «ваҳдаҳу ло шарика лаҳу лаҳул мулку» (У ёлғиздур, шериги йўқ ва мулк уникидир) анга гувоҳдур.

قوله تعالى و لله المشرق و المغرب فايئنا تولوا فثم و جه الله. قوله تعالى و لله ملك السموات و الارض ان الله سميع عليم<sup>97</sup>

яъни, хийра кўзга, табъи дунга, димоғи кундага, суст ҳиммат дилга, садди маҳкам ва пардаи мустаҳкам ҳижоб устига ҳижобдур, вагарна дийдори Ҳақ равшан ва ҳувайдодур. Байт:

**Олғил ародин ҳижоби раҳни,  
Андин кўрарсен жамоли шаҳни.**

**Йўқ парда санга ўзунгдин,  
Ол пардани тез кўргунг лиқони.**

**Ҳар ким кўтарур ҳижоби роҳни,  
Ҳар ён қараса кўрар Худони.**

اللهم اجعلنا من اهل الوصال و لا تجعلنا من اهل الحجاب

(Эй бор Худоё, бизларни висолга етувчилардан қил ва ҳижоб аҳлидан қилма).

**Яна бир маънойи «ре»**

(48а)Яна бир маънойи «ре» ранж, яъни йўқ сўзлук ва заъифнокдур, дунёлиқдин ҳеч нимарсаси бўлмаса ва кишидин тамаъ қилмаса. Агар бир нимарса ҳосил бўлса, ани жамъ қилмаса. Ўз вужудининг кулл ва жузви ихтиёрини ва жамиъи зоҳиру ботиндаги корини Худойи таъолога қўйса ва ҳарнаким, айшу роҳат, ҳузуру лаззат, ширину чарб, либоси зебу зийнат, буларни орзу қилмаса. Давоми ташна ва гўрисна, тан бакор, дил баёр файзи Илоҳийга мунтазир бўлуб, ҳамиша бо ёди Худо бўлса. Матъумот ва машруботдин сер бўлгунча истеъмол айлаб, нафсининг муродини бермаса ва кулли тааллуқотдин мунқатий бўлса. Ашғоли олам ва ихтилоту бани одамдин парҳиз қилса. Ҳар нарсанинг мавжудлиғига шод бўлмаса ва нобудлиғига ғамлик бўлмаса. Номуродчиликга шукр қилса ва нотавонлиқга сабр қилса. Бировдин дунёлиқ етса бадҳол бўлса ва алам етса (48б)хушҳол бўлса. Бир кишидин жафо етса, анга вафо қилса, етти пулдин зиёда

нимарсаси уйинда бўлмаса, то инки аҳли дунё қабиласидин бўлмағай. Ҳар тоаме ва либосеки, халқ анинг назарида ҳақир бўлса, ани егай ва кийгай.

Эй биродар, агар толиби дийдорсан зинҳор басад зинҳор таоми ғамздин ва либоси нафисдин парҳиз қил, чароки ул афсаҳи Араб ва Ажам, расули акрам саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтибдурлар:

قال النبي عليه السلام شر الامتى الذين يأكلون الحنتة

яъни, умматимнинг ёмонроғи улдурки, мағзи гандумнинг мўйидин маълум ва мафҳумдурким, Худоталабга мундин улугроқ хатои азим йўқдур. Ҳар аҳли ҳолеки, таоми ғализга сер бўлса, албатта, сайрун илаллоҳдин маҳрум қолур. Ва икки оламда фасодлиғ андин пайдо бўлур. Жаҳл, бухлу ужб, риё ва шаҳват, такаббур ва ҳасад пайдо бўлур. Бу сабабдин фарзанди одамга айшу фароғат, нангу номус, шакку бидъат, бўғзу адоват, зулму жафо, бисёрғўлиқ, бисёрхўрлиқ, хобу гафлат ва мову манийят (49а) андин пайдо бўлур. Бу аломатларнинг ҳаммаси нишонаи бадбахтлиқдур. Наъувзу биллаҳ минҳа.

Аммо ҳар кишиким, камхўр ва камгўйдур, андин раҳму шафқат, хулқу муҳаббат, дарду сўз, ишқу ҳолат, ҳушёру бедорлиғ, майли саъйу тоқат, муруввату саховат, сабру қаноат, ақлу фаросат, сидқу диёнат, мужоҳада ва риёзат, офияту саломат, мартабаи вилоят, кашфу каромат, зикру фикр, ажзу тақсир, меҳру вафо, сидқу сафо, шукри майи беғаш, жоми дилкаш ҳосил бўлур. Бу аломатларнинг ҳаммаси нишонаи некбатий ва саъодатмандийдур. Агар андоғ бўлмаса, чашми ботини кўр ва гўши ботини кар бўлуб, ҳақу ноҳақни фарқ этолмай, куфру тугён чоҳиға тушуб кетар. Байт:

**Хоҳики, ту муҳтожи тугён нашавӣ,  
Андар талаби илож дармон нашавӣ.**

**Кам хўрдану кам гўфтанро одат бикунӣ,  
Дар рўзи жазо ҳеч пушаймон нашавӣ.**

Ҳар кишининг бахту саъодати ёр бўлуб, бу ишлар анга муяссар бўлса, сайрға ҳожати тушмас, анинг учунким, «ал-ҳидояту миналлоҳ»ға восил бўлур.

(49б)Эй толиби содиқ, буларни қўлга келтиролмасанг табиби ҳозиқ, яъни пири комилни дарбадар шаҳар ба шаҳар юруб, талаб қил, токи улар сени мақсудунга еткурурлар. Ҳар тарафга сафар қилсанг уларсиз қилма, улар назар қилурлар, Худойи таъолодин бохабар қилурлар, узулсанг пайванд қилурлар. Ҳар дарахтни бир деҳқони комил кесиб, яна пайванд қилур, андин мева ҳосил бўлур. Агар талаби Худосан, рўзу шаб сафар қил, ҳеч бир орому қарор олмағил. Агар манзилу маконда жойгир бўлса, солиқ ҳаргиз мақсудиға етмас, беузр уч кундин зиёда сокин бўлса, ул жинсийят ва унсийят олур ва Худодин маҳрум қолур. Байт:

**Кўб сафар қилса кишиларки писандида,  
Олур жинсийят турса бир жойда.**

Эй биродар, билгилки, кун ва дарёлар ҳамиша сафар (50а)қилгач, камолга етар, турғун сув ганда бўлур. Бу далил бирла мафҳумдурким, зинҳор хонадор бўлмагилким, занжири подур, анинг учун айтибдурлар, аддунё унса, яъни дунёнинг суврати хотин кишидур, макру ҳийла ишидур, гуноҳ ва маъсият анинг варзишидур, давоми балонинг бошидур. Мундин халос бўлмоқнинг сабаби – сафардур, то киши сафар қилмагунча анинг бандидин халос бўлмас, дўзахдин омон тобмас. Чунончи:

قال النبي عليه السلام السفر قطعة من السقر

(Пайғамбар алайҳис салом айтдиларки, сафар дўзах азобидан бир бўлакдир) яъни, кишига сафар қилмоқ тааллуқотдин узулмакдур. Ажойибу фаройиби сунъи қудрати Аллоҳ таъолони тамоша қилмоқдур ва зиндадилларнинг суҳбатини ният қилмоқдур, маърифати Аллоҳни талаб қилмоқдур.

Эй биродар, огоҳ бўлгилким, зиндадил деб маърифати Аллоҳни ҳосил қилган заршунос комилларнинг дилини айтурлар. Андоғ дил баробари Аршдур, балои афзал ва ашрафдур. Чунончи:

قال النبي عليه السلام قلب المؤمن عرش الله الا عظم (506)

(Набий (с.а.в.) айтдилар: “Мўъминнинг қалби Аллоҳнинг улуғ Аршидир).

Байт:

**Дил Арши азим аст Худойро ба иттифоқ,  
Онжост жойи салтанату онжост жойи дор.**

(Умум фикрича, Аллоҳнинг Арши инсон қалбидир,  
Бу ер салтанат жойи ҳамда бу ер дор жойидир).

Ул султон ул-мукаррами муъаззам, аъно Махдум ал-Аъзам (толаллоҳу ҳоли иршодаҳу) айтибдурлар. Байт:

**Дар роҳи Худ ду каъба омад манзил,  
Як каъбаи дил то тавонӣ беҳтар зи ҳазор.**

(Худо йўлида иккита Каъба манзилдир,  
Бири дил каъбаси бўлиб, мингта каъбадан ҳам яхшироқдир).

Эй биродар, билгилким, ўн саккиз минг, балки етти юз етмиш минг оламни ва жамиъи мавжудоту махлуқоти бани одамни Худованди таъоло офарида қилди, ҳар қайсилари умидвор бўлуб, тамаъ қилдиларки, Ул Худойи азза ва жалл манда бўлур, деб. Аммо ҳеч қайсиға муяссар бўлмай, охир ул-амр биҳиштнинг ичинда қасри дилни офарида қилди. Ани ўзига назаргоҳ ва хилватгоҳ қилдики, дили Одам алайҳис салом эди, анга Аршуллоҳ, байтуллоҳ от қўйилди. Қарнан баъда қарн, батнан баъда батн то қиёмат авлиёуллоҳларнинг дилларидур.

(51a)Огоҳ бўлғилким, Худойи таъоло ламакондур ва муназ-заҳдур. Вақтиқи ҳазрати алайҳис салом савол қилдилар: «Илоҳо, Сан қайда турурсан ва Сани излаганлар қайдин топурулар?» Дарҳол Рабб ул-Иззатдин жавоби мустажоб келди:

لا يسعنى ارضى و لا سمانى و لكن يسعنى فى قلب المؤمن

яъни, Ман ҳаргиз сигмасан ерга ва осмонға, аммо сиғарман бандаи мўъминнинг қўрқунчилиғ ва ғамлиғ дилларига.

Ва яна далил будур:

قال النبى عليه السلام انا منه منكسرة القلوب و منكسرة القبور

яъни, мани излагувчиларни синуқ дилларида ва ўйилган гўрларида турурман, дебдурлар.

Мундин маълумдурким, ҳар дилда қўрқунчу ваҳшат, завқу муҳаббат, оташи фурқат бўлса, ул дил ҳаргиз ўлмас. Ул султонларнинг ҳамрози Шамсуддин Муҳаммад Хожа Ҳофизии Шерозий айтурлар:

**Ҳаргиз намирад онки дилаш зинда шуд ба ишқ,  
Сабт аст бар жаридан олам давоми мо.**

(Дили ишқ билан тирик бўлган одам ҳечқачон ўлмайди,  
Олам саҳифасида бизнинг боқийлигимиз ёзиб қўйилган).

(51b)Билмак лозимдурки, зиндадиллиқ мақомини тобқонлар бу олами фонийдин яна ул саройи боқийға кўчмаги қуввати машоми зоҳирнинг чироғи ўчмагидур, оммнинг назарида парда-нинг ичига кирмагидур, аммо хоссинг назарида пардадин чиқиб, муъарриби жамол ва жалолға восил бўлғонидур. Чунончи, айтибдурлар: «ал-авлиёу ла йамуту». Ул сабабдин ошиқлар ўлумни орзу қилурлар:

قال النبى عليه السلام تمنو الموت من علامة الاشتياق

яъни, зиндадилларга марг гўёки мулоқоти дўстдур. Байт:

**Эй биродар, панбаи ғафлатни ол,  
Жон қулогин зиндадил сўзина сол.**

**Жидду жаҳду истиқоматлар билан,  
Сан бу гавҳарни тутуб гўшунгга сол.**

قوله تعالى و قال ربكم ادعونى استجب لكم

яъни, эй бандаларим, манинг амримни маҳкам тутунглар, чорласангизлар борурман, ҳарна тилагингларни берурман, деб ваъда қилди.

(52a)Эй биродар, нафсингни хилофини қил, нафсинг хушнудлиғи ҳаромдур, макруҳ ва шубҳанокдур. Бу нарсалардин қатрае ва донае ҳалқиға ва риштаени дилиға дохил қилса, ҳеч тоати қабул бўлмас ва ҳеч талаби ижобат бўлмас. Байт:

Кимки берса кўнглига мурдордин,  
Маҳрум ўлғай ул Худо дийдордин.

Кимки ошиқ бўлса ул жондин кечар,  
Ўйрумас ҳаргиз юзини дордин.

Бўлмағай ҳаргиз муяссар васли ёр,  
Кечмагунча жаннату гулзордин.

Ошиқ ўлсанг маҳв қилғил мосиво,  
Тобмоқ ўлмас феъл ё гуфтордин.

Кеч, Хароботий, жаҳон лаззотидин,  
Жаҳд қил, бўл толиби дийдордин.

Ҳар толибеки, хилофи нафс қилмагунча садди роҳни бузуб бўлмас ва пардаи пиндорни чоқ қилиб бўлмас. Кўнглидин ғубори манийятни пок қилиб бўлмас, токим нияти холис бирлан ихлос сарриштасини қўлга олмагунча халослиқ натижасига етолмас. Чунончи, Пайғамбар алайҳис салом айтдилар:

قال النبي عليه السلام اخلاصك خلاصك ايمانك

(Ихлосинг иймонингни холис қилишингдир)

Байт:

(526) Эй биродар, умрунг ўтти асру гофиллиқ билан,  
Фоний дунё лаззатидин саҳву коҳиллиқ билан.

Огоҳ бўлғилким, Ҳақ субҳонаҳу ва таъоло одабийни ва парини ўзининг маърифати, муҳаббати ва шиноҳти учун офарида қилди. Чунончи:

وما خلقت الجن والانس الا ليعبدون<sup>98</sup>

Назм:

Ҳақ таъоло ошкоро қудратин қилмоқ учун,  
Жумла олам халқиға ўзни танутмоқ учун.

Ўз камоли бирла дўстин халқ қилди нурдин.  
Қўйди от уч ҳарфдин манзурида тутмоқ учун.

Кунту канзан махфийан фаҳабту ан уърифа,  
Деди ганжи махфий зотин ошкор қилмоқ учун.

Нурдин бўлди мунаввар икки олам чеҳраси,  
Мақдамидин дўстлуқ шамъини ёндурмоқ учун.

(53a) Ҳам малонк сажда қилди амрини маҳкам тутуб,  
Тавқи лаънат душманининг бўйнига солмоқ учун.

Тонуғил ўзни, Хароботий, очиб ибрат кўзунг,  
Бас табаррову тавалло маънисин уқмоқ учун.

Эй биродар, Ҳақ таъолони танимоқни хоҳласанг ўз нафсингни таниб, Анинг даргоҳиға ожизлигингни пеша қилғил. Чунончи:

قال النبي عليه السلام من عرف نفسه فقد عرف ربه

(Кимки ўз нафсини таниса, демак Парвардигорини танибди) дедилар. Огоҳ ва доно бўлғилким, Муҳаммад Мустафо саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг муборак исми шарифлари «М», «ҳ» ва дол (д)дур. Аввалги «мим» (м)дин маърифатни офарида қилди, «ҳо» (ҳ)дин ҳамду санони ва мими сонийдин – муҳаббатни, «дол»идин дил бирла донишни офарида қилиб, ҳамаи малоик, анбиё, авлиё, орифу ошиқ ва обиду зоҳидларға қисмат қилди. Анинг учунким, (53б)ҳамаи фаришталар, одамизод, вуҳушу тайурнинг тамоми умрида айтқон ҳамду саноси даргоҳи Ҳақда қабул бўлмас, токи Пайгамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳар маротаба айтқон зикрларини шафиъ келтурмагунча. Аммо мундин маълум ва мафҳумдурки, Қиёмат куни ҳаммаларнинг илтимосларини буларнинг шариф зотининг баракотидин даргоҳи Зул-Жалолда қабул қилурлар.

Яна бир отлари Маҳмуддур. Қавлуҳу таъоло мақоман маҳмудо анинг шаънида келибдур. Чароки Онҳазрат саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг мақоми қурбат ва шарафи иззатлари ўзгалардин зиёда ва баланддур. «Мим»и сонийдин муҳаббат ва маваддатни офарида қилди. Ул кишиким, буларни ҳосил қилғай, андин кейин ошиқлиқ расмида ҳамду сано бажо келтириб, дўстлиқ тариқаси бирла маърифатуллоҳ ва муҳаббатуллоҳ ҳосил қилғай. Далил ушбуки, ҳар кимарса бу олами зоҳирда бир-бири билан танушмаса ва билишмаса масту шароб бермаслар, балки мажлисга киргузмаслар. Ҳақиқати майни ҳам ушбу тариқа бирла қисмат қилди.

(54а)Тўртунчи ҳарфики дол (д) эрди, яъни дониш, чунончи:

قوله تعالى اول ما خلق الله تعالى العقل

(Аллоҳ яратган нарсаларнинг аввали ақл эди) яъни, Худойи таъоло ақлни офарида қилди, исми Муҳаммаднинг долидан пайдо қилди. Бу ишларнинг ҳаммаси оламни ва Одамни халқ қилмасдин илгари эрди. Чунончи:

قوله تعالى نحن قسمنا بينهم معيشتهم فى الحياة الدنيا<sup>99</sup>

яъни, Аллоҳ таъоло қисмат қилди жамъи махлуқотнинг умрининг миқдорини ва нафасларини, ризқларини ва аъмолу кирдорини Лавҳ ул-Маҳфузга битиб, ҳазрати қобиз ул-арвоҳ Азроил алайҳис салом илгина тобшуриб, амр қилдиким, ҳамма зий-нафс ва жондорларнинг жонини сан қабз қилғил, деди. Буларнинг ашрафу афзали уламо, ошиқу ориф, олиму зоҳид, солиҳу фосиқ эркак, тиши расида ва норасида чаҳорпой, учарлиқ ва тинарлиқнинг ададини ҳазрати Мекоил алайҳис саломнинг илгина тобшурди.

Аммо маърифат ва муҳаббатни юз қисмат қилди. (54б)Мунингдин тўқсон тўққизини хосс дўсти Муҳаммад расулуллоҳга берди. Қолгон бир ҳиссасини бир лаку йигирма тўрт минг бир жузв қилди. Бир лаку йигирма тўрт минг жузвини ҳазрат Одамдин то ҳазрати Муҳаммад Мустафо саллал-

лоҳу алайҳи ва салламгача келадиган бир лаку йигирма тўрт минг пайгамбарларга қисмат қилди. Яна қолгон бир жузвини етти юз жузв қилиб, бир жузвини тамоми малоикаларга қисмат қилди. Қолгон бир кам етти юз жузвини ибтидои одамдин интиҳойи оламгача келадурган бани Одамга, мўъмину мўъмина, муслиму муслимага аъло, авсат ва адно тариқасида қисмат қилди. Андин зурриёти одам нечанд оби маний, хун, мазға ва алақа, яъни гўштпора мақомига тарбият бериб, жамъи аъзони, пай, устухон, бош, кўз, оғиз, бурун, қўл ва путни сувратга келтурди. Андин кейин ризқи рўзини, умрини, саъодат ва шақоватини сарнавишт (55а)қилдики:

قوله تعالى فإذا جاء اجلهم لا يستأخرون ساعة و لا يستقدمون<sup>100</sup>

Токи тақдир қилгон ризқ, нафас, роҳату меҳнат, айшу фароғатни кўргузмагунча ўлдирмас, хоҳ талаб қил, хоҳ қилма, еткурмай қўймас, то олдинга келмай қўймас.

Эй биродар, огоҳ бўл, ризқинг учун гам еб, бу васваса бирла хотирингни паришон қилмағил. Улар ҳаммаси рўзу шаб санга мунтазирдур. Ҳеч дона ва қатра йўқки, ба исми фалон ибн фалон ибн фалоний деб битилмаган бўлса. Аршдин то таҳтас-сароғача, балки Намруднинг мағзи сари ул ним пашшага азалда қисмат тобқондур. Ҳар киши, ризқимни ўзум қилсам, яна қилғувчи йўқ, деса ё фалон кишим бор, на гамим бор деса, албатта, кофир бўлур. Чароки Худойи таъолонинг Раҳмон ва Раззоқ сифатларига мункир бўлубдур.

Худойи таъоло кеч қўйса қўяр, аммо оч қўймас. Анинг учунким, гафлатдин бедор ва мастликдин ҳушёр қилмоқ учун, (55б)ўзидин хабардор қилмоқ учун, вагарна пайдарпай еткурур. Зинҳор ба сад зинҳор шитоб бирла тифллардек гирёну ларзон бўлуб, бесабрлар жумласидин бўлмағилки, сабр бўлмаса, иймон комил бўлуб Ҳақнинг назарига тушмас. Бас, Аллоҳ таъоло сабр қилувчиларни дўст тутар. Чунончи:

قوله تعالى الله يحب الصابرين<sup>101</sup>

Эй биродар, билгил ва огоҳ бўлғилки, Ҳақ субҳонаҳу таъолонинг мўъмин бандалари икки қисмдур: бири – хосс ва бири њомм. Чунончи, Пайгамбар алайҳис салом айтдилар:

قال النبي عليه السلام الرزق الخواص في يقينهم و الرزق العوام في يمينهم

(Хос бандаларнинг ризқлари яқинларида ва оддий бандаларнинг ризқлари ўнг томонларидадир) яъни, хосларики, сабру таваккул ва сидқу ихлослари Ҳақ таъолонинг наздида дуруст ва мақбулдур, жамъи афъол, аҳвол ва ақволларини Ҳақ субҳонаҳу ва таъоло дўст тутар. Муқаддар бўлгонлар ризқини эмгаклатмай, тайёр қилиб келтириб бериб меҳмон қилур. Чароки бу оламнинг жамиъи нозу неъматлари буларнинг йўлини барақотидин турур. Булар меҳмони Худойи таъоло турурлар. Валекин аксарлари ихтиёр қилмас.

(56а)Аммо ʔоммларики, сабру шукр, таваккул ва ихлос ақидаларининг сустлигининг ва иймонларининг заифлигининг жазосига ризқларини меҳнату машаққат, жавру жафо ва эмгак бирла муяссар қилур.

Билмак лозимдурки, Худойи таъоло ибтидои фитратда Одамни халқ қилиб, аввал жон ато қилди. Қолиби Одамдин садойи «ал-ҳамду лиллаҳи Рабб ул-олабийн» зуҳурга келди. Андин кейин нафси аммора кирди. Бундин «ана моликун ва иннаҳу мамлукун» деб овоз чиқти, яъни мен молик турурман ва бадан шаҳри менинг мамлукум турур, деди. Андин кейин ақл дохил бўлди, айттики, «ас-салому алайка ё байталлоҳ», деди. Муни нафс эшитиб, нима дейдурсан, бу мулк мени шаҳримдур, сан менинг тобиъим турурсан, ҳарна фармон этсам, ани қилғил, (56б)деди. Ақл айтди, оре, ман сандин кейинроқ бу шаҳарга дохил бўлдум, аммо сен молик эрмассан, бу сенинг мулкунг эмас, менинг ҳам мулкум эмас, бу мулк подшоҳнинг мулки турур, жон анинг нойиби турур, агар жон мунда бўлмаса, сану ман бунда барқарор бўлолмасмиз, деди.

Бу раҳдин тўла можаро ва ғавою жидол қилиштилар. Охирул-амр жон айттики, эй ақл ва нафс, Парвардигори олам мани бу шаҳри дилга подшоҳ қилди, иккалангни манга вазири раъийят қилди. Аммо дилеки, бордур, ориятдур, охир мани ва сани бу мулкдин чиқарар, деди.

Алқисса, бу сўзга нафс бовар қилмай, фисқу фасод тарафига юз қўйиб, маъсиятга машғул бўлди. Жон бирла ақл ҳарчанд манъ қилдилар, нафсга қабул бўлмади. Балки бу иккисини раъийят мартабасида тутуб, ғафлатда юрди. Аммо жон бирла ақл салоҳ тарафига юз қўйдилар, нафс билан чанд як-дигар бўлдилар.

(57а) Билгилки, эй биродар, ҳар кишини Аллоҳ таъоло «ас-саъиду ман саъда фий батни уммиҳи» гулзоридин зуҳурга келтурса, жон бирла ақлни фармойинча тоату ибодат, сабру қаноат, шукру риёзат, ризову таҳаммул, сидқу таваккул, ғами диёнат, хулқи малоҳат, фақру масканат, завқу шавқ ва муҳаббат билан бадан шаҳрининг охират боғини боқийлиғига эътиқод қилиб, ҳамиша ажзу шикасталикни пеша қилур. Бу тоифани Аллоҳ таъоло «аш-шақиййу ман шақа фий батни уммиҳи»нинг хористонидин пайдо қилди. Ул (одам) ҳамиша нафси хасис, Иблиси пўр талбисининг амрини тутуб, ҳавою ҳаваснинг зўридин мисли Фиръавни беавн ва Шаддори бедод ва Намруди мардуднинг меросхўри, нафси амморанинг бандаси ва шайтони бадкорнинг пасафкандасидур. Байт:

**Банда бўлгон нафсига Шайтон бўлур,  
Қайд қилгон нафсини Султон бўлур.**

(57б) **Нафс фарбаҳ бўлса лоғардур бу руҳ,  
Қилса лоғар нафсини мардон бўлур.**

**Кимки тутса нафсини фармонини,  
Икки олам ул киши сакбон бўлур.**



Хобу хурға қилса ҳар ким жон фидо,  
Гову хардек ҳар замон ҳайвон бўлур.

Сўзласа кўб оғзиға келган сари,  
Ул кимарса аҳмақу нодон бўлур.

Ким бу йўлда фақру ажзидин кечар,  
Намруду Фиръавн ё Ҳомон бўлур.

Бўлса ҳар ким мунда шайтон лашкари,  
Оқибат дини ани вайрон бўлур.

Бўлма, эй дил, хавфдин ҳаргиз эмин,  
Токи нафсинг танда бор исён бўлур.

Бўлса ҳар ким саҳву исёндин йироқ,  
Ул кишининг рўтбаси инсон бўлур.

Бўлса ким бериштаву бесадди роҳ,  
Тонгла Арш узра анга айвон бўлур.

Кечса фоний дунянинг лаззатидин,  
Жаннат ул-аълода ул меҳмон бўлур.

Қилса ҳар ошиқ бугун даъвойи ишқ,  
Мисли жони Исмоилдек қурбон бўлур.

Айласа жон бергучига жон фидо,  
Ҳеч шаки йўқ муқбили жонон бўлур.

(58a)

Ким қадам қўйса бу йўлга пирсиз,  
Ул бу ғам даштида саргардон бўлур.

Бўлса бир дард бор анга юз минг даво,  
Лек дарди ишқ бедармон бўлур.

Фақр ганжидин ҳузур олғон киши,  
Бу қаноат кунжида пинҳон бўлур.

Жон дариф этган киши жононадин,  
Мисли ул Иблиси рад гардон бўлур.

Бўлса ҳар ким ишқда собит қадам,  
Хок янглиғ ер бирла яксон бўлур.

Васлу дийдорин талаб қилган киши,  
Дорға Мансурдек жавлон бўлур.

Зоҳидо, лоф урмағил тақвойи зоҳир манда деб,  
Ишқсиз тоат-ибодат барчаси ёлғон бўлур.

Кимки қўйса ишқ даргоҳиға юз,  
Оқибат минг мушкули осон бўлур.

**Ҳар кишиким, мунтазир ҳозир давом,  
Шубҳа йўқким, восили жонон бўлур.**

**Эй Хароботий, талаб қилсанг жамол,  
Жонни бермай сўзларинг ёлғон бўлур.**

Эй азиз, билгил ва огоҳ бўлгилки, иродаи Парвардигор ва тақдири кирдикор олами одам ва жинни ва жамиъи мавжудоти махлуқотни яратмоқлик ул эрдик, ишқу муҳаббатни изҳор (586)қилгай. Охирул-амр одамнинг вужудини обу хок, боду оташ бирла мураккаб қилди. Ва мавжудотни ҳам баъзисини афлоки улвий ва баъзисини хоки суфлий яратди. Ул нимарсаларки, хоки суфлийдур, хурок, пушок, хобу роҳат, айшу ишрат, майли шаҳват, кибру манийят ва бўғзу адоватдур. Анинг касофатидин қавлуҳу таъоло «инна-л-фужжора лафий жаҳийм»<sup>102</sup> зумрасига дохил бўлур, бу далил бирлаки:

قوله تعالى ان النفس لا مارة بالسوا الا ما رحم ربي<sup>103</sup>

бу тоифаларга онасининг қорнида қалами шақоват ёзилгон ва бадбахтлигини муҳри босилгон мисли тошнинг қаро хати ҳарчанд ювгон бирла оқармас.

Аммо ул некбахтлареки, афлокийи улвийдур, меҳру муҳаббат, завқу шавқ, дарду сўз, оҳу нола, каломи Раббоний ва паёми Субҳонийдур. Буларнинг натижаси руҳи дилни фарбаҳ ва қавий айлаб, нафси обу гилни лоғар ва заиф қилур. Бу шарофатдин.

قوله تعالى فاد خلى فى عبادى واد خلى جنتى<sup>104</sup>

(Жаннати)га дохил бўлур, яъни булар арвоҳи пайғамбарон, ошиқон ва шаҳидондурлар. Бу саъодатмандларга азал сарнавиштида

قوله تعالى يا ايها النفس المطمئنة

(Эй қарор ва ором олган жон, Қуръон, 89/27) муждасига восил бўлди. Чунончи, кан-нақш фи-л-ҳажар тошнинг оқ хатини ҳарчанд молиш қилиб ювган бирла зойил бўлмас.

Эй Хароботий, одамийга бу шарофати афзалу аъзам ва акрам басдур. Чунончи:

قوله تعالى انا عرضنا الا ما نة على السموات والارض و الجبال فابين ان يحملنها و اشفقن منها و حملها الانسان انه كان ظلوما جهولا<sup>105</sup>

яъни, Худойи таъоло ишқу муҳаббатнинг омонатини ҳамаи мавжудотга ҳавола қилди. Аршу Курси, Лавҳу Қалам ва самовот, буларнинг ҳаммалари ларзон ва ожиз бўлуб, омонатга ибто этиб, тоқати бўлмамай, зорзор чун абри навбахор йиғлаб, ваҳмидин қадлари ҳам бўлди, магар хоки замин ўзини ожизу нотаваон, ҳақиру хор билиб, ли-т-туроб ва Рабб ул-арбоб муножоти бирла ажзу шикаста ва адаб бирла жаҳл ва нодонлиқдин бўйин сунуб, тик турди. Анинг учун ул омонатни:

قوله تعالى و لقد كرمنا بنى آدم<sup>106</sup>

(596)жилваси бирла одами хокийнинг ниҳонида қўйиб, ўзига назаргоҳ, тахтгоҳ ва жилвагоҳ айлаб, хабар бердики:

قوله تعالى ما جعل الله الرجل من قلبين في جوفه<sup>107</sup>

Эй биродар, билгил ва огоҳ бўлгилки, ҳар субҳу шом, балки алад-давом дилингга ҳозир бўлуб, ул Малик ул-Жаббордин ва Воҳид ул-Қаҳҳордин тариқи лозим тутуб тахти шоҳаншоҳга ғайри шум қадамини еткурмагилки, ғайрати Султонга сазовор бўлурсан. Байт:

**Ажойиб одамесан, эй Харобот,  
Не шарму не ҳаё бор, не диёнот.**

**Қилиб бир дилни юз минг пора-пора,  
Тамаъ айлаб ўзунга сан жиноёт.**

**Худодин ўзга маълумунг бутедур,  
Бош индурмак бу бутларга хатоёт.**

**Санамлардин дилингни холи қилмай,  
Самадга мақбул ўлмас ҳеч тоот.**

**Кўнгилни дўстқа тобшурғил саломат,  
Анинг айғонидин кўз тут иноёт.**

**Киран бўлса кўнгилга дўзд шайтон,  
Ки қўймас анда ҳеч соҳиб амонот.**

(60a)Эй Хароботий, Зулайходек ва Шайх Санъондек мулку мол, дилу жон, сужуд ва зикру фикрини жонон учун сарф қилмагунча даъвойи ишқ ёлғондур ва маъшуқ даргоҳидин рад гардондур. Анинг лофи дуруғ ва бўғзи қуруқдур. Буларга ишқ майдони тарафига йўл бўлмас. Халқ назарида хору Холиқ қошида шармисордур. Карами Ҳаққа зору Карими мутлаққа интизордур. Ҳамиша нафсу ҳаво кўйида мурдорхўру мардуд ва шармандаи офаридгор ва жаҳаннамга гирифтор, азоби алимга сазовордур.

Эй толиби содиқ, ҳар нимарсаеки, санда бордур, Ҳақ таъолонинг йўлидин дариг қилмоқ нишонаи сақар ва нордур. Ҳақ субҳонаҳу ва таъолонинг ато қилғонларини жойиға сарф қилмаганлар, анинг ҳақида хабар бердики, дар сураи «Анфол» аст:

قوله تعالى والذين يكنزون الذهب والفضة و لا ينفقوها في سبيل الله فبشرهم بعباب اليم يوم يحمى عنها نار جهنم فتكوى بها جباههم وجنوبهم وظهورهم هذا ما كنزوا لانفسكم فذوقوا ما كنتم تكنزون<sup>108</sup>

(60b)Билмак лозимдурки, дунёи фонийда олтун, қумуш, лаъл, жавоҳир, мол ва салтанат Худойи таъолодин ғофил айлаб, ҳузуру лаззат, ҳавою шаҳват ва хобу ғафлатга мойил қиладурғон нимарсалар Қиёмат куни ўтдин йилон, чаён ва ғулу занжир бўлуб, бу банданинг бошидин то оёғигача

маҳкам иҳота қилиб, нечанд турлук азобларга гирифтор бўлган ҳолатда Рабб ул-Иззатдин нидо келур: «Эй гуноҳкорлар, бу нарсаларни ман сизларга ато қилғондурман, сизлар емай, ичмай, харжламай, кишига бермай ва менинг йўлумга сарф қилмай, дариг тутуб, ворисларингиз учун қўйдунлар, ҳоло бу нимарсалар сизлар учун бу муомалаларни қиладур, нола ва фарёдларингни бу вақт суди йўқтурки, ўзунгларга ўзунглар қилдинглар», – дегай.

(61a) Ва ул вақт хожаи ҳар ду жаҳон, соҳиби кавну макон, саййиди инсу жон, қиблаи орифон, санади муқаррибон, хотами пайгамбарон, имоми ушшоқон, пешвойи муштоқон, раҳнамои гумроҳон, муниси бедилон, табиби беморон, ҳабиб ур-Раҳмон, аъно ҳазрати пайгамбари охир уз-замон Муҳаммад Мустафо саллаллоҳу алайҳи ва саллам айдиларким:

109 كل مسكر حرام على الا نسان اما الدنيا شراب الشيطان

Назм:

**Фоний дунё шарбатидин қилма нўш,  
Айлагай ақлингни зойил, тарки ҳуш.**

**Жон қулоғи бирла тутқил ушбу панд,  
Масти ишқ ўлғилки, ло йаъқал хамуш.**

**Кимки тотса ушбу дунё шарбатин,  
Қилгай ул маҳшарда вовайло хуруш.**

**Тарк қилғил фоний дунё ҳаётлигин,  
Тутғил эмди жону ҳам кўнглунгни хуш.**

**Нафсу шайтон лашкари ғолиб бўлур,  
Васваса айлар кўнгилни қилса жўш.**

**Оқибат бебоку нопок ўлғасен,  
Ағниёна ўлтуруш қилсанг қўпуш.**

**Шуғли дунё фикрига йўл қўймағил,  
Айлама онинг сориға саъйу кўш.**

(61б) **Ҳар нимарса Хожадин гофил қилур,  
Қочғил онинг олдидин мисли вуҳуш.**

**Ҳам Худову Мустафонинг душмани,  
Қилса дунё меҳрини дилға нуқуш.**

**Эй Хароботий, ҳазар қил дунядин,  
Ушбу маънини нидо қилди суруш.**

Эй биродар, бу нақдинаи пурбаҳони ва бу оинаи ҳақнамони бу касофатхонаи дунёга ва бу жафопешаи рўсиёҳға сарф қилма. «Савод ул-важҳ фиддорайн» мазмунидин мутталиъ бўлғил, вагарна бу фоний оламда хору

зор ва балою меҳнатга гирифтор, қиёматда шармандаю шармисор бўлурсан. Наъувзу биллаҳ мин золика. Чунончи:

قاله تعالى من اعرض عنه فانا يكمل يوم القيامة وزرا خالدين فيه و سألهم يوم القيامة حملا قوله تعالى من اعرض عن ذكرى فان له معيشة ضنك و يحشره يوم القيامة اعمى قال رب لم حشرتنى اعمى و قد كنت بصيرا

яъни, ҳар кишики, ҳазрати Ҳақ субҳонаҳу ва таъолони зикридин ва ёдидин юзини ўйируб, фоний дунёнинг лаззат ва роҳатиға, (62а)ҳузур ва ҳаловатиға рози бўлса, албатта, ул киши жамоли Ҳақдин маҳжуб, тонгла маҳшарда кўзлари кўр ва маъюб қўпорлар. Ҳар киши жаннатга рози бўлса, ул мағбундур. Ва ҳар киши илм бирла амалга рози бўлса, ул мафтундур. Агар киши зўҳду саноға рози бўлса, ул ҳижоб ичиндадур. Агар киши дунёга рози бўлса, ул малъундур. Агар киши Ҳақ таъолоға рози бўлса, ул киши маъдундур, яъни хазинаи Раҳмондур. Чунончи, қавли машойих ризвонуллоҳи таъоло алайҳим ажмаъийн:

من رضى بالجنة فهو ابله و من رضى بالعلم و العمل فهو مفتون و من رضى بالزهد و الثناء فهو محجوب و من رضى بالدنيا فهو ملعون و من رضى بالحق فهو معدون<sup>110</sup>

Эй Хароботий, ҳар кишики дини ислом ва мазҳаби миллатни тарк қилмагунча дунёни муяссар қилолмас, агар муяссар қилса, жамъ қилолмас, дунёлик ҳам тасарруфиға қарор (62б)қилиб тўхтамас, балки иймон бирла дунёнинг меҳри чанд якдигардур, бири турса, бири кетар, бири қарор олса, бири қочар. Мундин маълумдурким, марг тўрт қисмдур: марги абъаз, марги ахзар, марги асвад ва марги аҳмар. Бу тўрт марг бирла ўлмагунча бандалиги собит ва содир бўлмас.

Аммо марги абъаз улдурки, ҳар лаззату тааллуқотдин давом ташна ва гўрисна бўлмоқ. Марги ахзар доим зўҳду тақво бирла бўлмоқ. Марги асвад олам халқининг суҳбатидин гўша ихтиёр қилмоқ. Марги аҳмар беҳуда моло яънидин тилини йиғмоқ, фикру зикри Аллоҳтаъолоға машгул бўлмоқдур.

Давлат ҳам тўрт қисмдур: аввали суҳбати зиндадил, дуййум тиловати Қуръон, сеййум баёди Субҳон, чаҳорум бедор ва ажзи бисёр.

Зиндадил улдурки, шариатда комил ва тариқатда шомил ва ҳақиқатда омил, маърифатда ҳомил бўлса. Мурдадил улдурки, бу тариқалардин беҳабар бўлса.

(63а) Эй биродар, билгилким, ҳар мавжудотеки, бир-бири бирла ҳамсуҳбат бўлса фарзанд ҳосил бўлур. Ҳар киши зиндадил бирла ҳамсуҳбат бўлса анингдин завқу шавқ ва муҳаббату маърифат таваллуд қилур. Мурдадил улдурки, ўлук бирла ҳамсуҳбат бўлса, анингдин ҳузур ва ҳаловат, айш ва фароғат ва меҳру муҳаббат ҳосил бўлмас ва ҳеч нимарса туғулмас, ғайр аз ҳасрат ва надомат, гаронлик ва ғафлатдин ўзга. Охир ул-амр Шайх Барсисодек расволиқ бирла дорға равон бўлур. Байт:

Кимки қилса майл дунёдорға,  
Берса дилни лаззати мурдорға.  
Сак масаллик ҳирс қилса рўзу шаб,  
Сер бўлмас қорни ҳеч мурдорға.  
Гар ўлук бирла киши суҳбат қилур,  
Шайх Барсисодек осилғай дорға.  
Мурдадилларға қўшилма зинҳор,  
Қолғасен ошифталик бисёрға.

Билгил ва огоҳ бўлғил, зиндадиллик улдурки, шугли зикри ва фикри мосиволлоҳдин йироқ бўлса ва амали Китоби Худо ва (636) суннати мустафодин йироқ бўлмаса, таваккули Иброҳимдек, сабри Аййубдек, илми Идрисдек, амали Исодек, шавқи Мусодек, ҳиммати Мустафодек бўлса. Вагарна мундоғ бўлмаса зиндадил деб бўлмас. Рубоий:

Худовандо, кечургил кўб гуноҳим,  
Кечургучи Раҳимимсан Илоҳим.  
Гуноҳим гарчи тоғдинму оғирдур,  
Ададсиздур умидим, подшоҳим.

اللهم تقبل منا دعواتنا فى حق جميع امة حبيبك بمحبتك الذاتية اللهم مغفرتك اوسع من ذنوبى و  
رحمتك ارجا عندى من عملى برحمتك يا ارحم الراحمين دولت مستدام محبت على الدوام باد بحرمة النبى  
و آله الامجاد آمين و رب العالمين

(Эй бор Худоё, ҳабибингнинг барча уммати ва зотий муҳаббат ҳақида қилган барча дуоларимизни қабул эт. Эй бор Худоё, мағфиратинг менинг гуноҳимдан кенгроқдир, менинг билимимдан кўра раҳматинг умидлироқдир, би-раҳматика ё арҳамар роҳимийн. Давлат доимий ва муҳаббат давомли бўлсин Набий (а.с.) ва авлодлари ҳурмати туфайли, омин ва Рабб ул-олабийн).

## ИЗОҲЛАР

1. Қуръон, 64/15. “Ҳақиқат шулки, молларингиз ва фарзандларингиз имтиҳондурлар” оятига ишора.
2. Қуръон, 39/53. Сиз денг; “Эй Менинг бандаларимни, ўз жонларига душманлик қилдилар, ноумид бўлманглар Худонинг раҳматидан” оятига ишора.
3. Қуръон, 64/14. Эй мусулмонлар, сизларнинг баъзи хотинларингиз ва баъзи фарзандларингиз сизларга душмандирлар.
4. Қаранг: 7/230.
5. Қуръон, 8/18. Ҳол будир, билингларики, Аллоҳ кофирларнинг тадбирларини суст қилмоқчидир.
6. Қуръон. 47/36. Ҳақиқат шуки, дунё ҳаёти ўйиндир.
7. Қуръон, 24/26. Покиза (хотинлар) покиза эрларга муносибдурлар.
8. Ҳадис: Бадбахт она қорнидаёқ бадбахт бўлади.
9. Ҳадис: Бахтиёр она қорнида бахтиёр бўлади.
10. Ҳадис: Ўз вақтларида сажда қилинглари.
11. Қуръон, 28/76. Батаҳқиқ, Худо қаршилиқ қилувчиларни дўст тутмас.
12. Ҳадис: Қаноат битмас хазинадир.
13. Қуръон, 94/1. (Эй Муҳаммад) кенг қилмадикми сенинг кўнглингни?
14. Парвардигоринг ким? (Гўрда фаришталар томонидан бериладиган савол).
15. Қуръон, 90/4. “Албатта, Биз пайдо қилдик инсонни машаққатда” оятига ишора.
16. Қуръон, 103/2. “Албатта, инсон зиёндадир” оятига ишора.
17. Муножот ба даргоҳи Қозий ул-ҳожот – ҳожатларни раво қилувчи Аллоҳ даргоҳига муножот.
18. Байний ва байнака ҳоза-л-фироқ – бу мен ва сенинг орамиздаги айрилиқдир.
19. Аз-Зумар, 53-оят. «Худонинг раҳматидан ноумид бўлманглар» оятига ишора.
20. Лавлока – «агар сен бўлмасанг» деб бошланувчи ҳадисга ишора.
21. Расулulloҳнинг ойни иккига бўлгани ҳақидаги мўъжизасига ишора.
22. Ло йамут – У ўлмайдди. Қуръондаги Аллоҳнинг ўлмас Зот экани ҳақидаги оятларга ишора. Қаранг: Ал-Фурқон, 50-оят: «Ва таваккул қилинг Ул ўлмайдиган, ҳамшиша тирик Худого».
23. Ла ҳавла вало қуввата илла биллаҳи-л-Алийи-л-Азийм (олий ва Улуғ Аллоҳдан ўзга улуғ ва қудратли Зот йўқ ) дуосига ишора.
24. Қолув бало – «Ҳа» деб айтдилар». Аллоҳ руҳларни яратиб: «Мен парвардигорингиз эмасманми?» деганида, улар «Ҳа, парвардигоримизсан» деганига ишора.
25. Аз-Зухруф, 32-оят. «Дунё ҳаётида уларнинг ўрталарида ризқларини тақсим қилганмиз» оятига ишора.

26. Ёсин, 55–56-оятлар: «Албатта жаннат аҳли бугун ўз машғулотларидан хурсанд бўлурлар. Улар ва уларнинг хотинлари сояларда тахтлар устида суянган бўлурлар».
27. Оли Имрон, 92-оят. «Яхши кўрган нарсаларингиздан харж қилмагунча яхшиликда камолотга ета олмассизлар» оятига ишора.
28. Ал-Аъроф, 143-оят. «Мусо деди: «Эй парвардигорим, сен Ўзингни менга кўрсат, мен сени кўрай». Худо деди: «Сан мани ҳаргиз кўролмассан...» оятига ишора.
29. Ал-Бақара, 30-оят. «Ё Рабб, Сен покдурсан, бизда Сен ато қилган илмдан бошқа ҳеч илм йўқ» оятига ишора.
30. «Оламнинг бузилиши менинг уламо умматларимдан юз беради» ҳадисига ишора.
31. Ан-Набаъ, 40-оят. «Қошки ман тупроқ бўлсам эди» оятига ишора.
32. Фуссилат, 30-оят. «Уларга фаришталар тушадилар ва дейдилар: «Қўрқманглар ва ғам еманглар» оятига ишора.
33. 3-изоҳга қаранг.
34. Ал-Анъом, 151-оят. «Сиз денг: «Келинглар, мен сизларга Раббиларингиз нимани ҳаром қилганини ўқиб эшиттирай» оятига ишора.
35. Оли Имрон, 169-оят. «Ва ул одамларки, Аллоҳ йўлида ўлдирилдилар, уларни ўлик деб гумон қилмагин, балки улар тирикдурлар» оятига ишора.
36. Оли Имрон, 133-оят. «Ва шошилинглар Раббиларингиздан Карам бўлувчи мағфират тарафига» оятига ишора.
37. «Ўлмасдан аввал ўлинглар» ҳадисига ишора.
38. «Авлиёлар ўлмайдилар, бир оламдан бошқа бир оламга кўчадилар» жумласига ишора.
39. Ал-Аъроф, 23-оят. «Эй бизнинг Раббимиз, жонимизга зулм қилдик» оятига ишора.
40. Мазмуни: «Сен ҳалоксан, бу эса айрилиқ».
41. Ал-Бақара, 152-оят. «Бас мени ёд қилинглар, Мен ҳам сизларни ёд қилурман» оятига ишора.
42. Ал-Аъроф, 204-оят. «Ҳар қачон Қуръон ўқилса, унга қулоқ солинглар ва жим туринглар» оятига ишора.
43. Ал-Инсон, 21-оят. «Парвардигорлари уларга ниҳоятда покиза шароб ичирур» оятига ишора.
44. «Очкўз киши маҳрумдир» ҳадисига ишора.
45. Ал-Моида, 109-оят. «Улар дедилар: Бизнинг хабаримиз йўқ, ғайб нарсаларни билувчи фақат Сенсан» оятига ишора.
46. Ал-Каҳф, 46-оят. «Кейин қолувчи яхши амаллар Парвардигор қошида савоб жиҳатидан яхшироқдур ва умид юзасидан ҳам яхшироқдир» оятига ишора.
47. «Яхши неъмат қандай яхши» ҳадисига ишора.
48. Албатта, васвос нарсада доимий сеҳр бор.



49. 26-изоҳга қаранг.
50. «Уйларга уларнинг эшикларидан киринглар» ҳадисига ишора.
51. «Мақсадга етишни асбоблардан қидиринг».
52. «Ва-л-аср» (Қуръон, 103-сура)га ишора.
53. «Ҳабли масад» – Қуръондаги «Лаҳаб» ёки «Масад» деб аталувчи 111-сурадаги “Унинг бўйнида хурмо пўстлоғидан ип бўлур” оятига ишора.
54. Ат-Тағобун, 15-оят. «Ҳақиқат шулдурки, молларингиз ва фарзандларингиз имтиҳондурлар» оятига ишора.
55. 3-изоҳга қаранг.
56. Бу ҳижоб (парда)нинг номи «Айн ул-бало» («Балонинг кўзи»).
57. Маъноси: «Эркак киши фарзанд туғилса, «бизни зиёда қил» дейди.
58. Маъноси: «Аёл фарзанд кўрганда: «Бизни сақла» дейди.
59. Ат-Тавба, 82-оят. «Бас улар оз кун кулиб олсинлар, кейин кўп йиғла-синлар» оятига ишора.
60. Маъноси: «Бу уларнинг хазинасидаги марварид эмас».
61. Ёсин, 9-оят: «Бас, тўсиб қўйдик уларни, шунинг учун кўрмаслар» оятига ишора.
62. Юнус, 55-оят. «Аллоҳнинг ваъдаси албатта ҳақдур, лекин уларни кўплар билмаслар» оятига ишора.
63. Маъноси: «Эй ўғил, бу насиҳатни эшитгинки, икки оламда ҳам бундай неъмат йўқ».
64. Маъноси: «Яхшиликлар ёмонликларни кеткизади».
65. Мазмуни: «Менинг оҳ чекишим унинг ишқи туфайлидир. Иш ўз иссиғи билан мени қуйдирди. Аллоҳ номи ва оятлари билан қасам ичаманки, Сендан ўзгага кўзим боқмади.
66. Мазмуни: «Менинг назаримдан ғойибда бўлган кишиларнинг аламини қалам билан ёзиб тугатиб бўлмайди».
67. Оли Имрон, 31-оят. «Сизлар Аллоҳу таълони севсангизлар, менга тобиъ бўлингларки, Аллоҳу таъоло сизларни ҳам дўст тутади» оятига ишора.
68. 8-изоҳга қаранг.
69. 21-изоҳга қаранг.
70. Ишқ ва муҳаббат «оламларнинг парвардигори ва ҳамд Унга бўлган» Зотга, дуо, баракат ва раҳмат Муҳаммад (с.а.в.)га, аҳли оиласига, асқобларининг барчасига то қиёмат кунигача бўлсин.
71. Қуръон, 79/40. Ва ул кишики қўрқибдур Раббининг қошида турмоқликдан ва манъ қилибдур анинг нафси анинг хоишидан, бас, анинг жойи жаннат ўрнидир.
72. Қуръон, 2/255. Кимдур ул зотки, Ундан беизн Унинг ҳузурида шафоат қилади?
73. Қуръон, 82/19. Ул кунки эга бўла олмас ҳеч ким ҳеч ким учун ва ҳеч бир нарсага ва ул кун хосдур Аллоҳга.
74. Қуръон, 50/16. Ва биз унга яқинроқдурмиз жон томиридан ҳам.

75. Қуръон, 7/179. Улар тўрт оёқли ҳайвон кабидурлар, балки улар зиёда гумроҳдурлар.
76. Қуръон, 72/23. Бас, унинг учун бордур жаҳаннам, ҳамиша унда қолиб кетар.
77. Қуръон, 4/137. Кейин яна иймон келтирдилар, кейин яна кофир бўлдилар.
78. Қуръон, 2/257. Шайтон уларни нурдан зулматлар тарафига чақирур.
79. Қуръон, 18/110. Ва шерик қилмасин Парвардигор ибодатига ҳеч кимни.
80. Дўстларим Менинг пардам остидадир, Мендан ўзга уларни танимайди.
81. Қуръон, 26/89. У кунки наф қилмас на мол ва на ўғиллар, ул кишидан бошқаки, келибдур Худого соғлом дил билан.
82. Қуръон, 68/4. Ва албатта сен буюк бир хушхулқ Зотдурсан.
83. Аллоҳдан ўзга Яратувчи йўқ, у ёлғиздир, шериги йўқ. Сен барча нарсанинг яратувчисан ва барча нарсага ризқ берувчисан.
84. Эй бор Худое, муҳаббатинг шаробидан насиб эт, висолингга етқаз ва жамолингга муяссар қил.
85. Қуръон, 8/72. Ва моллари ва жонлари билан Аллоҳ йўлида жиҳод қилдилар, улар баъзилари баъзиларига дўстдирлар.
86. Қуръон, 9/20. Аллоҳ йўлида моллари ва жонлари ила жиҳод қилдилар, улар Аллоҳ қошида даражада улуғроқдирлар.
87. Душманингдан ҳам душманроғи икки биқининг ўртасидаги нафсингдир.
88. Қуръон, 18/110. Кимки Парвардигорига йўлиқишни умид қилса, яхши амал қилсин ва Парвардигори ибодатига ҳеч кимни шерик қилмасин.
89. Қуръон, 3/5. Аллоҳ таъолога ҳеч бир нарса на ерда, на осмонда махфий эмасдур.
90. Қуръон, 17/27. Албатта, ўринсиз сарф қилувчилар шайтонларнинг биродарларидур.
91. Қуръон, 36/55. Албатта, жаннат аҳли бугун ўз машғулотларида хушнуд бўлурлар.
92. Қуръон, 21/107. Ва биз сизни тамоми аҳли жаҳон учун раҳмат қилиб юбордик.
93. Қуръон, 2/284. Кимни хоҳласа мағфират қилади ва кимни хоҳласа азоб беради.
94. Қуръон, 82/19. Ул кунки эга бўла олмас ҳеч ким ҳеч ким учун ва ҳеч бир нарсага ва ҳукм ул кун хосдур Аллоҳга.
95. Қуръон, 67/12. Албатта, ул жамоаки, қўрқурлар Парвардигорларидин кўрмай туриб, бордур улар учун мағфират ва буюк савоб.
96. Қуръон, 50/16. Ва таҳқиқ, Биз яратдик инсонни ва билурмиз ул нарса-ники, унинг нафси хаёл қилур ва биз анга яқинмиз жон томиридин ҳам.

97. Қуръон 2/115. Аллоҳ таъолонинг мулкидир Машриқ ҳам, Мағриб ҳам, бас, қайси тарафга юзлансангизлар Аллоҳ таъолонинг юзи ўша тарафдандир. Ер ва осмон мулки Аллоҳникидир (Қуръон, 3/189).
98. Қуръон, 51/56. Ва яратдим Мен жинларни ва одамларни фақат шунинг учунки, ибодат қилсинлар Менга.
99. Қуръон, 43/32. Биз уларнинг ўрталарида уларнинг ризқларини дунё ҳаётида тақсим қилгандурмиз.
100. Қуръон, 7/34. Бас, қачон уларнинг муқаррар вақтлари келса, на бир соат ундан кейин қола олурлар ва на илгари кета олурлар.
101. Қуръон, 3/146. Ва Аллоҳ сабрли бандаларни дўст тутар.
102. Қуръон, 82/14. Ва албатта, гуноҳкорлар дўзахдадурлар.
103. Қуръон, 12/53. Ва нафс кўп буюргувчидир ёмон ишга, магар у кишики раҳм қилибдур анга Парвардигорим.
104. Қуръон, 89/27. Ва дохил бўл бандаларим ораларига ва дохил бўл жаннатимга.
105. Қуръон, 33/72. Батаҳқиқ, Биз тўғри қилдик омонатни осмонларга ва ерга ва тоғларга, уни улар кўтаришдан тортилдилар ва ундан қўрқдилар, инсон уни ўз зиммасига кўтарди, батаҳқиқ, ул золим ва нодондир.
106. Қуръон, 17/70. Батаҳқиқ, Биз иззат бердик Одам авлодларига.
107. Қуръон, 33/4. Ва Худо пайдо қилмади ҳеч бир кишининг сийнасига икки дилни.
108. Қуръон, 9/34. Ва одамларки, тиллани ва кумушни жам қилурлар ва уни Аллоҳ йўлида харж қилмаслар, башорат беринг уларга дардлик азоб билан” (9/34) ул куники, ул молни жаҳаннам ўтида қизитурлар, кейин у билан уларнинг пешоналарини ва ёнбошларини ва орқаларини доғланурки, будир жам қилиб ўзларингиз учун сақлаган молларингиз. Бас, тотинлар жам қилганларингиз мазасини.
109. Ҳар бир маст қилувчи нарса одам учун ҳаромдир, аммо дунё шайтоннинг шаробидир.
110. Кимки жаннатга рози бўлса, бас у нодондир, кимки илм ва амалга рози бўлса, бас у мафтундир, кимки зуҳд ва саного рози бўлса, бас, у пардадир, кимки дунёга рози бўлса, бас, ул малъундир, кимки Ҳаққа рози бўлса, бас у (ҳақиқий одам)дир.

А

Абд – қул, банда  
 Абдол – авлиё, чилтонлар  
 Абёт – байтлар  
 Абр – булут  
 Абрешим – ипак  
 Абтар – ёмонроқ  
 Авбош – бебош  
 Авд – қайтиш  
 Авомуннос – оддий одамлар, беса-  
 вод кишилар  
 Авсат – ўрта, ўртача  
 Авсоф – васфлар, мақтовлар  
 Адам – йўқлик олами  
 Адҳам – Иброҳим Адҳамга ишора.  
 Адно – энг паст  
 Ағроз – ғаразлар  
 Аййуҳаннос – эй одамлар  
 Ажз – кучсизлик, заифлик  
 Аз бими – қўрқувидан  
 Акбар – катта  
 Акмал – мукамалроқ  
 Алийм – билувчи  
 Алламтана – Сен бизларга билдир-  
 динг  
 Алқоб – лақаблар, исилар  
 Амзож – мизожнинг кўплиги.  
 Анбаса – киши исми  
 Анвор – нурлар  
 Ангабин – асал  
 Ангез – қўзғотувчи  
 Андар – ичида  
 Аном – халқ  
 Аносир – унсурлар (сув, ҳаво, туп-  
 роқ, олов)  
 Анситу – жим туринглар  
 Анта аллом ул-ғуйуб – сен ғайб  
 оламини билгувчи Зотсан.

«Анта холиқун» – Сен яратувчи  
 Зотсан.  
 Анъом – ҳайвонлар  
 Анқариб – яқин  
 Аръар – тик ўсувчи арча  
 Арғанун – чолғу асбобининг номи  
 Асдақ – содиқроқ  
 Асп – от  
 Аспи този – араб оти  
 Асрор – сирлар  
 Асфал – энг паст, энг тубан  
 Асҳоби Каҳф – Каҳф сурасида баён  
 қилинган кишилар.  
 Асғар – кичикроқ  
 Атъима – таъомлар  
 Ахгар – лахча чўғ  
 Ашжор – дарахтлар  
 Ашриба – ичимликлар  
 Ашқиё – бадбахт кишилар  
 Афзун – ортиқ, зиёд  
 Афлок – фалаклар  
 Афрод – фарднинг кўплиги, якка-  
 ёлғиз  
 Афсаҳул-Араб – Арабларнинг фа-  
 соҳатли кишиси  
 Афсурда – руҳсизланган, сўлиган  
 Афъол – феъллар  
 Афъоли бад – ёмон феъллар  
 Афғон – нола чекиш  
 Ашғол – машғулотлар  
 Аълотарин – энг яхшироғи  
 Амвол – молу давлат  
 Аъмол – ишлар  
 Ақвол – сўзлар  
 Ақроз – қарзлар  
 Ағёр – бегоналар  
 Ағроз – ғаразнинг кўплик шакли  
 Аҳвол – ҳолатлар  
 Аҳсантар – яхшироқ  
 Аҳсан – яхшироқ, чиройлироқ

## Б

**Бад** – ёмон, ярамас  
**Бадраг** – насаби паст  
**Бадтарин** – энг ёмон  
**Байза** – тухум  
**Байний байнака ҳаза-л-фироқ** – бу айрилиқ сен ва менинг ўртамиздадир  
**Байн** – ўрта, ора  
**Байнаҳо** – унинг ўртасида  
**Байъу шаро** – олди-сотди  
**Барр** – қуруқлик  
**Бараҳна** – яланғоч  
**Баст** – хурсандчилик  
**Барф** – қор  
**Басир** – кўрувчи  
**Баҳри азим** – буюк, катта дарё  
**Баҳойим** – тўрт оёқли ҳайвонлар  
**Баҳру бар** – денгиз ва қуруқлик  
**Баҳри ваҳдат** – ваҳдат денгизи  
**Бетаваққуф** – тўхтовсиз  
**Беша** – тўқай, ўрмонзор  
**Бехрак** – яхшироқ  
**Бехтарин** – энг яхши  
**Бид** – тол дарахти  
**Би-л-ижтимоъ** – умумий фикрга асосан  
**Битарс** – қўрқ  
**Бих** – томир  
**Бипар** – уч (буйруқ)  
**Бихон** – ўқи  
**Боб (абвоб)** – эшик (эшиклар)  
**Бодаи ишқ** – ишқ майи.  
**Бод** – шамол  
**Боз** – лочин  
**Бози** – ўйин  
**Бозу** – биллак  
**Бодаи ваҳдат** – ваҳдат майи  
**Бод** – шамол  
**Болотарин** – юқорироқ  
**Борон** – ёмғир  
**Ботин** – ички томон, ич, кўнгил

**Бузrug** – катта, улуғ  
**Бу Лаҳаб** – Абу Лаҳабнинг қисқартириб айтилиши.  
**Бу-л-футуҳ** – эгаллашга интилувчи  
**Бум** – бойўғли, бойқуш  
**Бун** – томир, негиз, туб, асос  
**Буррон** – кескир, ўткир  
**Буроқ** – Муҳаммад пайғамбар «Мерож» кечаси кўкка миниб чиққан учар от  
**Бурҳон** – далил, ҳужжат, гувоҳ  
**Бурҳони сотиъ** – қатъий далил  
**Бухл** – бахиллик, хасислик, қурум-соқлик

## В

**Вайл** – ҳолига вой  
**Важд** – ҳаяжон  
**Валий ул-давлатайн** – икки давлат эгаси  
**Ватй** – паст, қуйи  
**Вақф** – масжид ва мадрасаларга фойдаланишга берилган ер ёки бошқа нарсалар  
**Ваҳдоният** – Аллоҳнинг ягоналиги  
**Ваҳм** – ваҳима  
**Водийи Айман** – Арабистондаги жой номи.  
**Вола** – ипақдан тўқилган мато  
**Вофир** – мўл, кўл  
**Вужуд** – борлиқ, мавжудлик  
**Вузув** – таҳорат  
**Вуслат** – етишув  
**Вусул** – етишиш

## Г

**Гандум** – дон, буғдой  
**Ганж** – хазина, бойлик  
**Ганжина** – хазина

Гарм – иссиқ  
 Габр – оташпараст  
 Гил – лой, балчиқ  
 Ги́ла – гина  
 Гирих – тугун  
 Гиря – йиғи, кўз ёши  
 Гов – сигир  
 Гунг – соқов  
 Гусфанд – қўй  
 Гуҳар – гавҳар  
 Гўй – тўп  
 Гўмном – номи унутилган  
 Гўрисна – оч  
 Гўш – қулоқ  
 Гўянда – гапирувчи, айтувчи

Д

Далқ – дарвешлар кийими  
 Дар – эшик  
 Дардолуд – оғритувчи  
 Дариф – ҳайф, афсус, аттанг  
 Даржост – қидиришда  
 Даражот – даражалар  
 Дароз – узун  
 Дасту по – қўл ва оёқ  
 Даф – чилдирма, доира  
 Дағо – алдоқчи  
 Даққ – тақиллаш; безгак  
 Дигар – бошқа, ўзга  
 Дилреш – қалб яраси  
 Дилхарош – юракни тирнайдиган  
 Дом – тузоқ  
 Доман – этак  
 Домгоҳ – бу дунё  
 Дор – уй, манзил  
 Дунёи дун – пасткаш дунё  
 Ду сад ҳазорон – икки юз минг  
 Дутиғ – икки тиғли  
 Духтар – қиз

Ё

Ёвар – ёрдамчи

Ж

Жав – арпа  
 Жазба – кўнгилини Аллоҳ томонга тортилиши  
 Жаннат ун-наим – неъматлар жаннати  
 Жарас – қўнғироқ  
 Жаҳим – жаҳаннам  
 Жидд – ҳаракат  
 Жидол – тортишув, жанг  
 Жифаи дунёи дун – пасткаш дунёнинг ўлимтиги  
 Жода – катта йўл  
 Жоруб – супурги  
 Жуббахона – асбоб-анжом сақланадиган жой  
 Жуд – сахийлик  
 Жуду карам – олижаноблик ва марҳаматлилик  
 Жуз(в) – бошқа, бўлак  
 Жуллоб – гулоб, гул суви  
 Жунбиш – ҳаракат, қўзғолиш  
 Жунун – жиннилик  
 Журм – гуноҳ, жиноят.  
 Жустўжў – қидириш, излаш  
 Жуъ ул-бақар – «ҳўкиз очлиги» (касаллик)  
 Жуъ – очлик  
 Жўй – ариқ  
 Жўнбанда – ҳаракатланувчи  
 Жўш – ғавғо, тўполон  
 Жўянда – қидирувчи, истовчи

## З

**Забон** – тил  
**Заврақ** – қайиқ  
**Замир** – кўнгил, ички олам  
**Замм** – қўшиш  
**Зан** – хотин  
**Занбур** – ари  
**Зард** – сариғ  
**Заъм** – тасдиқ  
**Заъф** – кучсизлик, ҳолсизлик  
**Заҳролуд** – заҳарга беланган  
**Зер** – бирор нарсанинг таги  
**Зештрўй** – хунук юзли  
**Зи** – эга  
**Зидди як** – бир-бирига қарши  
**Зидно** – биз учун орттир  
**Зинда** – тирик, жонли  
**Зинда дил** – дили уйғоқ киши  
**Зиндиқ** – худосиз  
**Зирних** – олтингугурт билан мар-  
 гимуш аралашмаси  
**Зироат** – экин  
**Зишт** – хунук, ёмон  
**Зоди роҳила** – йўл озиғи (савоб)  
**Зол** – қари кампир, кўпинча, дунё  
 маъносида  
**Зоний** – зино қилувчи  
**Зоҳир** – равшан, порлоқ  
**Зуд** – тез, шошилинич  
**Зулумоният** – қоронғулик  
**Зуннор** – ғайридинларнинг белга  
 боғлайдиган ипи

## И

**Ибн ул-башар** – одам фарзанди  
**Ижтиноб** – узоқлашиш, чекиниш,  
 қочиш  
**Изом** – катталар, улуғлар  
**Илмун лана** – бизга бериладиган  
 илм

**Имом ул -қиблатайн** – икки қибла  
 имоми  
**Ину он** – у ёки бу  
**Инқитоъ** – узилиш, кесилиш  
**Исмуху ҳоза-л-ҳижоб айн ул-бало** –  
 бу парданинг исми “бало кўзи” дир.  
**Истидрож** – бўлмағур нарса  
**Истиъонат** – кўмак сўраш  
**Итоб** – таъна  
**Ифтиъол** – сохталик, нотабиийлик  
**Ихрож** – чиқариш, ҳайдаш  
**Иҳфазно** – бизларни сақла

## Й

**Йад** – қўл  
**Йуҳиббуҳум** – У уларни севади

## К

**Кабз** – йирик, қўпол  
**Кабир** – катта  
**Кабуд** – кўк  
**Кадхудо** – эр, хона соҳиби  
**Кавн** – дунё, борлиқ, мавжудлик  
**Каждум** – чаён  
**Калид** – калит, очқич  
**Калон** – катта  
**Карим** – карамли, сахий, олийжаноб  
**Карр** – ҳужум  
**Касс** – киши  
**Кафши каж** – қинғир ковуш  
**Каф** – кўпик  
**Кишту кор** – экин-тикин  
**Кож** – ғилай кўзли  
**Коза** – қапа, чайла  
**Комил** – етук  
**Коргар** – ишчи, хизматчи  
**Кордон** – ишбилармон  
**Коҳ** – сомон  
**Коҳил** – султ, бўш, секин

**Кужо** – қаерга  
**Кулли** – ҳар бир  
**Кул** – ҳамма  
**Кунж** – бурчак, чет жой  
**Куништ** – оташпарастрларнинг ибодатхонаси  
**Кушод** – очилиш  
**Куфуван аҳад** – ҳеч бир тенги йўқ  
**Куффор** – кофирлар  
**Кўри модарзод** – туғма кўр  
**Кўҳ** – тоғ  
**Кўҳкан** – тоғ қазувчи

Л

**Лабан** – сут  
**Лаболаб** – лиқ тўла  
**Лаввома** – қийновчи нафс  
**Ливота** – бесоқолбозлик  
**Лавҳ** – тахта  
**Лак** – юз минг  
**Ланг** – чўлоқ, оқсоқ  
**Ладун илми** – Аллоҳ ҳузуридан келадиган илм  
**Лайл** – тун  
**Лаҳв** – ўйин-кулгу  
**Лаҳм** – гўшт  
**Лаҳн** – Қуръон оятларидаги ҳарфларни бузиб ўқиш  
**Лиқо** – кўриниш, юз, чеҳра  
**Ло йамут** – ўлмайдиган (Аллоҳга нисбатан)  
**Ло йажтамаъ** – жам бўлмайдиган, қўшилмайди  
**Ло язол** – йўқ бўлмайдиган  
**Ло ҳавла** – ўзингдан бошқа куч йўқ (Аллоҳга нисбатан)  
**Лоғар** – озгин  
**Лоҳут** – илоҳийлик  
**Лубби лубоб** – мағизларнинг мағзи  
**Лутф** – мулойимлик, марҳамат

М

**Мавлоноий Рум** – Мавлоно Жалолиддин Румийнинг лақаби.  
**Мавқуф** – боғлиқлик  
**Мағас** – чибин, пашша  
**Мадҳуш** – хушдан кетган маст  
**Мадҳхон** – мақтовчи, мадҳ этувчи  
**Мазаллат** – хорлик  
**Мазоқ** – 1) лаззатли тотли; 2) тил, оғиз, там билиш аъзолари  
**Мазраъ** – экинзор  
**Малак** – фаришта  
**Малах** – чигиртка  
**Маллоҳ** – қайиқчи, кемачи  
**Малоик** – фаришталар  
**Малул** – қайғули, ғамгин, хафа  
**Мағмум** – ғамда қолган  
**Манозил** – манзилнинг кўплиги  
**Маний** – манманлик; эрлик уруғи  
**Мараз** – касаллик  
**Марг** – ажал, ўлим  
**Мард** – инсон, эркак одам  
**Мардуд** – ҳайдалган, қувилган, рад этилган  
**Маркаб** – улов  
**Маъдалат** – адолат  
**Мақдам** – қадам қўйилган жой  
**Мағбун** – алданиш  
**Маҳбубият** – севимлилик  
**Маҳв** – йўқ бўлиш  
**Маҳжуб** – яширинган  
**Маҳжур** – ҳижронда қолган  
**Мифтоҳ** – калит  
**Мифтоҳи хазойин** – хазиналар калити  
**Мовуман** – манманлик  
**Мову маниййат** – манманлик  
**Молик** – эга  
**Молики оламиён** – оламларнинг эгаси  
**Мор** – илон



- Мосивиллоҳ** – Аллоҳдан ўзга нар-  
салар  
**Мосиво** – ...дан ташқари, бошқа  
**Мубин** – очиқ, равшан  
**Мубоҳ** – шариат рухсат берган нарса  
**Мудрик** – тушунувчи, идрок қилувчи  
**Мужаррад** – ёлғиз  
**Мужоҳидот** – бирор ишга қаттиқ  
киришиш  
**Мужтамаъ** – жам бўлган  
**Музд** – иш ҳақи, хизмат ҳақи  
**Муздур** – ёлланиб ишловчи мардикор  
**Мул** – май, шароб  
**Мумдил** – қалби шамдек юмшоқ  
**Мумтоз** – саралаб олинган, саралан-  
ган, ажратилган  
**Муназзаҳ** – пок ва тоза  
**Мункир** – инкор этувчи, рад этувчи  
**Мунтаҳий** – охирига етувчи, та-  
момловчи  
**Мунқатиъ** – ажралган, кесилган  
**Мур** – чумоли  
**Мурғ** – қуш, парранда  
**Мустақбал** – келажак замон  
**Мустағний** – эҳтиёжсиз  
**Мустаҳиқ** – муносиб, лойиқ, ҳақли  
**Мутакаббир** – манман  
**Мутадаббир** – чора ва тадбир  
кўрувчи  
**Мутриб** – созанда  
**Мутталиъ** – тамаъ қилувчи  
**Муттасиф** – сифатга эга бўлган  
**Муттафиқ** – иттифоқ бўлган, кели-  
шилган  
**Муттақий** – тақво соҳиби  
**Мухтафий** – махфий  
**Муътақид** – эътиқод қилувчи, ишо-  
нувчи  
**Мушавваш** – ташвишли, бесаранжом  
**Мушаддад** – шиддатланган  
**Мушкин** – қора  
**Мушрик** – ширк келтирувчи, кофир
- Муфориқатдин мувосалат** – айри-  
лиқдан етишувга  
**Муганний** – созанда  
**Муқобала** – қарама-қарши  
**Муқотала** – қирғин, жанг  
**Муҳаққар** – ҳақир, бечора  
**Муҳаққақ** – текширилган  
**Муҳиб** – сеvimли  
**Муҳораба** – жанг

## Н

- Набз** – қон томир  
**Наботот** – ўсимлик  
**Нав** – янги  
**Навишт** – ёзуқ, тақдир  
**Навмид** – ноумид  
**Навҳагар** – айтиб йиғловчи  
**Нажд** – ёрдам  
**Найистон** – қамишзор  
**Намак** – туз  
**Намнок** – намли  
**Намруд** – Иброҳим алайҳис салом-  
ни оловга ташлаган подшоҳ  
**Нанг** – ор, номус, уят  
**Нардбон** – нарвон, шоти  
**Наснос** – одамсимон маймун  
**Насуҳ тавбаси** – чин кўнгилдан  
қилинадиган тавба  
**Нафл** – қўшимча ибодатлар  
**Нафъ** – фойда  
**Нафъи кулл** – тўла фойда  
**Нахват** – керилиш, манманлик  
**Нахунча** – тирноқ  
**Нашмурда** – эзилган, топталган  
**Наът** – пайгамбарга бағишланган  
мақтов  
**Наҳв** – грамматика  
**Наҳй** – ман этиш, қайтариш, тақиқ-  
лаш  
**Наҳиф** – озгин  
**Неку бахт** – бахтли, толеъли

Нек хўн – яхши феълли  
 Нигин – узукнинг кўзи  
 Нигоҳбон – қаровчи, кузатувчи  
 Нишаст – ўтириш  
 Нишот – суюниш, шодланиш, хурсандчилик  
 Ниъмоти руҳоний – руҳоний неъматлар  
 Ниҳод – табиат, хислат  
 Нор – ўт, олов  
 Нос – одамлар  
 Носир – ёрдам берувчи, ёрдамчи  
 Нохалаф – ҳаромзода, йўлдан адашган  
 Ношинос – нотаниш  
 Ночиз – ҳеч нарсага ярамайдиган  
 Нужум – юлдуз  
 Нузул – пастга тушиш  
 Нуфур – нафратланиш

О

Об – сув  
 Обдор – 1) серсув 2) тиниқ, соф, ялтироқ  
 Обу ранг – ранг-баранг  
 Обу тоб – тобланиш, етилиш, яшнаш  
 Олам ул-асрор – сирлар олами  
 Ом – кўпчилик, омма  
 Онуд – гурзи  
 Офият – саломатлик  
 Офоқ – уфқнинг кўплиги  
 Оғоз – бошланиш  
 Оҳан – темир  
 Оҳи сард – совуқ нафас

П

Падид – пайдо бўлиш  
 Панба – пахта  
 Парастииш – топиниш  
 Парру бол – қанот  
 Паррон – учувчи  
 Пеша – ҳунар, касб, одат  
 Пашминапўш – жун либос кийган киши  
 Печ – тўлғаниш, ўралиш, буралиш  
 Печ-печ – бурам, ўрам  
 Пиндор – мағрур, кибр, такаб-бурлик  
 Пиразан – қари кампир, қари хотин  
 Писар – ўғил  
 Пистон – она кўкраги  
 Пойи каж – эгри оёқ  
 Пуду тор – ўриш ва арқоқ  
 Пур – тўла, кўп  
 Пурхун – қонга тўлган  
 Пушиш – кийим-кечак  
 Пушок – кийим

Р

Раг – томир, қон томир  
 Ражо – умид, тилак  
 Рама – гала, тўда  
 Рамақ – ўлаётган одамнинг охириги нафаси  
 Расули сармади – абадий пайғамбар  
 Рафиқ – дўст, ўртоқ  
 Рашҳа – томчи, сизиб чиқувчи сув  
 Рег – қум  
 Реш – яра, жароҳат  
 Рибо – судхўрлик  
 Ринд – бебош, нимани хоҳласа, шуни қиладиган киши  
 Риш – соқол  
 Роз – яширин сир

**Рондаи** – ҳайдамоқ  
**Роғиб** – рағбат қилувчи, хоҳловчи  
**Роҳ** – йўл  
**Роҳзан** – йўл тўсар, қароқчи  
**Роҳрав** – йўловчи  
**Рукуъ** – намозда тиззани ушлаб туриш  
**Рустагорий** – ўсиш, юксалиш  
**Рухуллоқ** – Исо (а.с.)нинг лақаби  
**Рўгардон** – юз ўгириш  
**Рўз** – кун  
**Рўтба** – мартаба  
**Рўтуруш** – хўмрайган  
**Рўпуш** – юз бекитадиган парда

## С

**Сабук** – енгил  
**Савганд** – қасам  
**Савм** – рўза  
**Савмаъа** – мачит  
**Савор** – отлиқ  
**Саг** – ит  
**Сад** – девор  
**Садсола** – юз ёшли  
**Сад ҳазор** – юз минг  
**Сайёд** – овчи  
**Сажжода** – жойнамоз  
**Салотин** – султонлар  
**Самак** – балиқ  
**Самиъ** – эшитувчи  
**Санади муқаррибон** – яқинларнинг суянчиги  
**Санг** – тош  
**Сангдил** – қалби тошдек қаттиқ  
**Саноч** – чарм халта, меш  
**Сар** – бош, чўққи  
**Сараҳ** – аниқ, равшан  
**Сарбасар** – бутунлай, бошдан-оёқ  
**Саргин** – гўнг  
**Сард** – совуқ

**Сарзаниш** – таъна  
**Саркуб** – боши янчилган  
**Сарнавишт** – тақдир  
**Сарнигун** – боши тубан  
**Сарсар** – иссиқ шамол  
**Сахо** – сахийлик, қўли очиқлик  
**Сахт** – қаттиқ  
**Сафид** – оқ  
**Сафо** – ёруғлик, хурсандлик  
**Сафол** – сопол  
**Сақар** – дўзах, жаҳаннам  
**Сағир** – кичик  
**Саҳл** – енгил  
**Сийнариш** – қалби яра  
**Сипар** – қалқон  
**Ситора** – юлдуз  
**Сияҳ** – юлдузи қора, бахтсиз  
**Собун** – совун  
**Сожид** – сажда қилувчи  
**Соил** – сўровчи, гадои  
**Соҳир** – сеҳргар, жодугар  
**Суд** – фойда, баҳра  
**Сужуд** – сажда  
**Сулаҳо** – яхши кишилар  
**Сум** – туёқ  
**Сур** – қиёмат куни Исрофил фарриштаси чаладиган карнай  
**Сурх** – қизил  
**Суфлий** – қуйи, паст  
**Сухан оғоз қил** – сўз айтишни бошла  
**Сув уз-занн** – ёмон гумон  
**Сўзугдоз** – куйиш ва ёниш

## Т

**Таарруз** – қаршилик қилиш  
**Табар** – болта  
**Табաҳқору сияҳдор** – ёмон ва қора ишларни қилувчи  
**Табдил** – ўзгартириш, ўгириш  
**Табл** – довул, катта ногора

Таваллуд – туғилмоқ  
 Тавр – тарз, ҳолат  
 Тавҳид – Аллоҳнинг яккаю ёлғизлиги  
 Тажаммул – безак, зийнат  
 Тажрид – ёлғизланиш  
 Тазарруъ – зорланиш  
 Тазвир – алдаш, ҳийла, фириб  
 Тай – юриш, кезиш  
 Такия – суяниш  
 Талбис – ҳийла, макр, найранг  
 Талх – аччиқ  
 Тамйиз – фарқ қилиш, ажратиш  
 Тамсил – масал  
 Тамуғ – дўзах  
 Тар – янги, тоза, ҳўл  
 Тараҳҳум – раҳм қилиш  
 Тариқ – йўл, усул  
 Тарсо – христиан, насроний  
 Тасалсул – боғланиш, занжир  
 Тафрид – ёлғиз бўлиш  
 Тафриқ – бўлиниш, ажралош  
 Тахаллуф – хилоф иш қилиш  
 Ташбиҳ – ўхшатиш  
 Тақий – тақводор  
 Тағайур – ўзгартириш  
 Таҳаққуқ – ҳақиқатини аниқлаш  
 Таҳт – паст  
 Таҳт ас-сари – ер ости  
 Таҳт ас-саро – ер ости  
 Таҳаммул – тоқат, сабр, чидам  
 Таҳур – жуда тоза, пок  
 Таҳқиқ – бирор нарсанинг ҳақиқатини излаш, текшириб кўриш  
 Тир – ўқ, камон ўқи  
 Тарёқ – заҳарга қарши ишлатиладиган дори  
 Тифл – гўдак  
 Тиғи буррон – кескир тиғ  
 Томиъи бадхисол – бузуқ феълли тамагир  
 Торик – қоронғу

Тўш – рўпара, тараф  
 Тўъма – ўлжа

У

Удхул ул-буйута мин абвобиҳо – уйларга эшикларидан киришлар.  
 Ужра – иш ҳақи  
 Улвий – юқори  
 Умм – она  
 Уштур – туя  
 Ушшоқ – севувчилар, ошиқлар  
 Уқбо – охират  
 Уқул – ақлнинг кўплиги  
 Устухон – суяк

Ф

Фавқ – юқори  
 Фалаки гаддор – алдоқчи фалак  
 Фано филлоҳ – Аллоҳга фарқ бўлиш  
 Фараҳ – шодлик  
 Фарбаҳ – семиз  
 Фард – ёлғиз, ягона  
 Фарж – уят жой  
 Фарёдрас – додига етувчи  
 Фархунда фаржом – бахтиёр, толеъли  
 Фархунда – бахтиёр  
 Фарш – ер  
 Фаръ – шохобча, тармоқ  
 Фаҳмида – тушунган  
 Фи-л-ҳол – шу онда, бир онда  
 Фирдавс – жаннат боғи  
 Фузул – ортиқча, кўп  
 Футуҳ – очилиш, ғалаба

## Х

**Хабис** – ёмон, ярамас ифлос  
**Хавфу ражо** – қўрқув ва умид  
**Хайма** – чодир  
**Хайра мақдам** – қадамингиз муборак  
**Халил** – дўст, ёр, муҳиб  
**Хамр** – ароқ, шароб  
**Хандагар** – кулгучи  
**Ханнос** – Шайтоннинг номи  
**Хар** – эшак  
**Харгўш хоб** – қуён уйқуси, енгил ухлаш  
**Хасорат** – зиён-заҳмат  
**Хайр ул-башар** – кишиларнинг яхшиси  
**Хашм** – аччиқ, ғазаб  
**Хашхош** – кўкнор  
**Хилватнишин** – хилватда ёлғиз ўтирувчи  
**Хирс** – айиқ  
**Хисоли замима** – ёмон хислатлар  
**Хишт** – ғишт  
**Хокистар** – кул  
**Хосу омм** – улуғ ва оддий кишилар  
**Хошок** – хашак  
**Худнамо** – шуҳратпараст  
**Хук** – тўнғиз  
**Хунрез** – қонхўр, қон тўкувчи  
**Хурдадон** – нозик фаҳмли  
**Хушгувор** – ёқимли ҳазм бўлувчи  
**Хушуъ** – бўйсуниб  
**Хушалҳон** – ёқимли сўзловчи, куйловчи  
**Хўй** – бирор нарсага одатланиш  
**Хўшк** – қуруқ

## Ч

**Чавгон** – отда ўйналадиган ўйин  
**Чарб** – чечан, уста  
**Чашм** – кўз

**Чашми тар** – ёшли кўз  
**Чирк** – гуруҳ, армия  
**Чиҳлтан** – қирқтан (авлиёлар)  
**Чобук** – чаққон, тез, илдам  
**Чошни** – маза, таъм  
**Чуврулуб** – ўралашиб  
**Чуст** – тез, чаққон  
**Чусту чолок** – чаққон  
**Чуғз** – бойўғли

## Ш

**Шаб** – кеча, тун  
**Шабиҳун** – тундаги ҳужум  
**Шаётин** – шайтонлар  
**Шажар** – дарахт  
**Шамс** – қуёш  
**Шамшир** – қилич  
**Шарр** – гуноҳ, ёмонлик  
**Шарҳ** – изоҳ, кенгроқ тушунтириш  
**Шарр ун-нос** – одамларнинг ёмони  
**Шақиййу некбахт** – бадбахт ва бахтиёр  
**Шаққ** – ёрилиш, ёриш  
**Шаҳ** – шоҳ  
**Шаҳд** – асал, бол  
**Шигоф** – ёриқ, тешик  
**Шикам** – қорин  
**Шинохт** – таниш  
**Шитигол** – машғул бўлиш  
**Шусту шу** – ювиш, ювиниш  
**Шуғлун фокиҳун** – қизиқарли иш  
**Шўр** – ғавғо

## Э

**Эътамид** – ишончли  
**Эҳтилом** – уйқуда уруғнинг оқиб кетиши

Я

**Явм** – кун

**Явм ун-нушур** – одамлар тирилти-  
риладиган кун

**Як** – бир

**Ялдо** – қоронғи тун (тун ва куннинг  
тенглашуви)

Қ

**Қабз** – қотиш

**Қавий** – кучли

**Қавлуҳу таъоло** – Аллоҳ таъоло  
сўзи

**Қалбун салим** – соғлом қалб

**Қамар** – ой

**Қатъ** – узилиш, кесилиш

**Қийлу қол** – гап-сўз

**Қоба қавсайн** – икки ёй оралиғи

**«Қолу бало»** – «Ҳа» деб айтдилар.

**Қониъ** – қаноат қилувчи

**Қорун** – бойликка ружу қўйган  
одамнинг номи

**Қотиъ** – кесувчи, узувчи

**Қофила** – карвон

**Қуфл** – қулф

**Қутгоъ ут-тариқ** – қароқчилар

**Қуъуд** – намозда ўтириш

**Қуъуду қиём** – ўтириш ва туриш  
(намозда)

Ғ

**Ғавс** – ёрдам, авлиёликдаги босқич

**Ғаддор** – алдоқчи, хиёнат қилувчи

**Ғалтон** – айланувчи

**Ғаммоз** – чақимчи

**Ғаний** – бой

**Ғарқоб** – гирдоб

**Ғизо** – овқат, таом

**Ғорат** – талон-тарож қилиш

**Ғубори манийят** – манманлик ғубо-  
ри (чанги)

**Ғул** – дев

**Ғўта** – сувга шўнғиш

**Ғута** – шўнғиш

Ҳ

**Ҳабл** – арқон

**Ҳазарот** – катталар, улуғлар

**Ҳайза** – вабо, ичкетиш

**Ҳалқ** – томоқ

**Ҳамқарин** – ўзаро яқинлик

**Ҳарб** – уруш, жанг

**Ҳасуд** – ҳасадчи

**Ҳафсад дирам** – етти юз дирам

**Ҳафт** – етти

**Ҳашр** – қиёмат куни

**Ҳезий** – номардлик

**Ҳийал** – ҳийлалар

**Ҳирза** – ярамас

**Ҳодий** – йўл кўрсатувчи

**Ҳотиф** – ғойибдан овоз берувчи

**Ҳубоб** – сув юзидаги пуфак

**Ҳубб ул-ватан** – ватанни севиш

**Ҳудо** – ҳидоят йўли

**Ҳузн** – ғамгинлик

**Ҳур (кўп. ҳаворо)** – жаннатдаги  
ғўзал ҳурлар

**Ҳусул** – ҳосил бўлиш

**Ҳут** – катта балиқ

## МУНДАРИЖА

Мавлоно Хароботийнинг адабий ва илмий мероси ҳақида .....	3
Нўғой қўрган маҳалласи тарихи ҳақида маълумот .....	6
Абдулқайyum махсум – Хайрбод эшон авлодлари шажараси ҳақида Абдувосиқ ҳожи отанинг айтганлари .....	7
Хароботийга нисбат берилган асарларнинг муаллифи ким? .....	13
Абдувосиқ ота ва уларнинг фарзандлари ҳақида .....	15

### I БОБ.

Хароботий томонидан ёзилган асарлар ва хароботия йўли ҳақида .....	17
Хароботийнинг “Куллиёт” асари .....	17
“Маснавийи Хароботий” асари ҳақида .....	21
Мавлоно Румийнинг ҳаёти ҳақида .....	21
Ҳол ва маъно аҳлининг сеvimли китоби .....	28
“Рисола дар ҳақиқати фақр” асари .....	29
Хароботий меросини ўрганиш тарихидан .....	32
Хароботия йўли ҳақида .....	33

### II БОБ.

Хароботийнинг ижтимоий, тасаввуфий ва фалсафий қарашлари ҳақида .....	35
Бисмиллаҳир раҳмонир раҳим .....	48
Муножоти ҳазрати мавлоно Румий .....	49
Қозий ул-ҳожот даргоҳига .....	50
Муножот .....	50
Қозий ул-ҳожот даргоҳига .....	50
Муножот .....	50
Муножот .....	51
Муножот .....	52
Муножот .....	53
Муножот .....	54
Муножот .....	54
Муножот .....	55
Расули акрам саллаллоҳу алайҳи васалламни мақтовиди .....	56
Муножот .....	57
Муножот .....	58
Муножот .....	59
Аҳли тавба ва аҳли таҳқиқлар ҳақида .....	61

Турку тожик насиҳати ҳақида .....	62
Муттақий роҳбар ва ақл баёни .....	64
Дилозор ҳақида .....	65
Яхшилик ҳақида .....	66
Шоду ғамликнинг баёни ҳақида .....	68
Уқбо насиҳати .....	70
Солиҳ ва мунофиқ ҳақида .....	72
Истиғфор хосияти .....	73
Кўнгилни дунёдин йиғмоқ ҳақида .....	74
Бу фаслда кам емак хосиятини айтур .....	75
Бу фаслда қазоға рози ва балоға сабр қилмоқни айтур .....	77
Бу фаслда ишорати аҳли иймон ва беймонни айтур .....	79
Насиҳати неку бадни айтур .....	80
Дар баёни сабр ва бесабрларни айтур .....	82
Аҳли дунёлар суҳбати баёнида .....	84
Дар баёни хизмат пир ва ҳаққи ҳамсоя .....	85
Дар баёни фазилати ажзи таҳорат .....	87
Дар баёни огоҳлик ва роҳи ҳақдур .....	88
Дар баён фазилати беш вақт намоз .....	90
Тамаъ қилмоқ ва янги бойдан қарз олмоқ баёнида .....	92
Шаръи шарифнинг фазилати баёнида .....	93
Салот (намоз) ва савм (рўза) баёни .....	94
Ҳозиқ табиб жон каби эканлиги баёнида .....	95
Ҳақ йўлига кирмоқ баёни .....	96
Мазкур китоб соҳибининг панду насиҳати .....	97
Фаройизларнинг фазилати баёнида .....	99
Мол ва тоатга мағрур бўлганлар баёнида .....	100
Олимларнинг фазилати баёнида .....	102
Бу фасл – кўп сўзламакнинг қабихлиги баёнида .....	103
Ҳақни қидирмоқ баёнида .....	104
Бу фасл – донолар аҳлининг насиҳатлари баёнида .....	106
Бу фаслда одил ва золим подшоҳ баёни .....	107
Амр ва наҳй баёнида .....	108
Тажрид (ёлғизлик) баёнида .....	111
Деҳқон нийяти баёнида .....	112
Косиб аҳволи баёнида .....	113
Одамларни танимоқлик баёнида .....	115
Ҳаром молнинг касофати ҳақида .....	116
Ҳалол молнинг шарофати ҳақида .....	117
Бу фасл – яхши ва ёмон ишлардан қочиш баёнида .....	118
Нийятнинг фазилати баёнида .....	119
Бу фасл – субҳнинг хосияти баёнида .....	122
Арвоҳларни рози қилиш баёнида .....	123
Иймоннинг маъноси баёнида .....	125
Шайхларни фарқини билиш баёнида .....	127
Бу фаслда – ҳақталаблар баёнида .....	128



Омий сўфийларнинг аҳволи баёнида .....	130
Нафси бад (ёмон нафс) баёнида .....	131
Ҳажнинг фазилати баёнида .....	134
Бу фасл – тааллуқдин кечмоқни баёнида .....	135
Илмига мағрурланиш баёнида .....	137
Аё гофил .....	140
Бу фасл бевафолардан умид қилганлар ҳақида .....	141
Аё гофил .....	142
Бу фасл барча жон эгаларининг сафар қилишлари ҳақида .....	143
Аё гофил .....	145
Пири комил баёнида .....	146
Аё гофил .....	148
Нафси кабир ва сағир баёнида .....	149
Аё гофил .....	150
Қабр аҳволи баёнида .....	151
Неку бад (яхши ва ёмон) ҳақида .....	154
Бу фасл барча нарсани ўзидан яхшироқ деб билиш баёнида .....	156
Ҳастлик, қози ва муфтийлар баёнида .....	159
Илми ладун баёнида .....	162
Мусофир ва ғариб баёнида .....	168
Сидқ ва гирйа баёнида .....	170
Ишқнинг фазилати баёнида .....	175
Бу фасл – ўлумга чора топмасликнинг баёнида .....	177
Хожа Хизр алайҳиссалом ҳақида .....	180
Зуҳди дунё ва зуҳди бақо ҳақида .....	181
Дунёни ёмонлиги ҳақида .....	184
Силаи раҳм ҳақида .....	186
Ҳикоят .....	187
Ҳикоят .....	190
Бу фаслда кўру кар бад андешаларни айтур .....	193
Ҳикоят .....	194
Бу фаслда аҳли дунёга ва умрга эътимод қилгонларни айтур .....	195
Мағрури илми қол ва илми ҳолни айтур .....	200
Бу фаслда уламои беамалларни айтур .....	203
Бу фаслда шоир ва илми ладун файзи илоҳийдур, ани айтур .....	205
Бу фаслда корвонларнинг ўтганларин айтур .....	207
Бу фаслда жаҳони бевафони айтур .....	210
Ҳикоят .....	213
Бу фаслда ишқни айтур .....	213
Бу фаслда зуҳду тақвони айтур .....	216
Бу фаслда дунёи маккор ва кўри айёрни айтур .....	220
Бу фаслда халқи ғаммозларни айтур .....	224
Бу фаслда хавфу ражони айтур .....	229
Бу фаслда иблис пурталбисни айтур .....	231
Бадан аъзолари ҳақида .....	236
Бу фаслда динфуруш, дунёталаб ва шайх зарталабни айтур .....	240

Ҳикоят .....	242
Мустажоб дуони айтур .....	245
Ҳикоят .....	248
Бу хашмлигда иймонини йўқ қилмоқни баёни .....	251
Бу фаслда андешаи дунё қилмоқни кайфиятини баёни .....	256
Бу фаслда дўзаҳу биҳишларни айтур .....	261
Муножот .....	265
Бу фаслда қабрни ва аҳволни қиёматни айтур .....	269
Ҳикоят .....	272
Бу фаслда шариат, тариқат ва ҳақиқатни айтур .....	273
Бу фаслда шафоати расулға мақбул бўлмоқни айтур .....	276
Бу фаслда бисмиллоҳнинг хосиятини айтур .....	279
Бу фаслда яхши ва ёмон ишларнинг кайфиятини айтур .....	280
Бу фаслда нафси билан жанг қилмоқни айтур .....	283
Яхши иш ҳақида айтур .....	284
Нафс ҳақида айтур .....	284
Бу фаслда жавру жафога сабр қилмоқни айтур .....	287
Бу фаслда нафсни ва кироман котибайинни айтур .....	289
Бу фаслда умрни чувт бирла ўтмагини баёни .....	293
Бу фаслда ҳисоби тан ва жонни айтур .....	296
Бу фаслда орифлар маърифатини баёни .....	301
Бу фаслда маърифати ризқни айтур .....	306
Бу фаслда фазилатга меҳмонни айтур .....	310
Бу фаслда тифллар ва ўғрилари айтур .....	314
Бу фаслда ишқбоз нодонларни айтур .....	319
Муножот .....	327
Муножот .....	328
Бу фаслда беш вақт намозни айтур .....	329
Бу фаслда ҳидоят боғини айтур .....	333
Аҳмақ ва донолар зикри .....	339
Бу фаслда сарварликни айтур .....	347
Бу фаслда ақли куллий ва ақли жузвийни айтур .....	355
Бу фаслда ишқ бирла нафсининг баёни .....	363
Бу фаслда кўз очиб бир йўлга солувчи изламак .....	368
Бу фаслда муҳаббатнинг мастлигини айтур .....	374
Бу фаслда дунёнинг бевафолигини айтур .....	386
Бу фасли хотимада таърихни баён қилур .....	386
Таърихи муҳтамим .....	392
Бисмиллаҳир роҳманир роҳиём .....	394
Муножот ба даргоҳи қозий ул-ҳожот .....	395
Оби маний бирла миннат қилиб такаббур қилмоқни баёни .....	400
Мусанниф ўзлариға насиҳат қилиб айтган муножотлари .....	403
Наъти набий саллаллоҳу алайҳи ва салламни баёнлари .....	405
Муножот ба даргоҳи қозий ул-ҳожот .....	407
Муножот ба даргоҳи қозий ул-ҳожот .....	407
Одам алайҳис саломни халқ қилмоқлигини баёни .....	408

Алқоби чаҳорёри изом разияллоҳу анҳум .....	414
Баёни рўзай моҳи шарифи рамазон .....	439
Закот бермоқнинг баёни .....	447
Руҳ баданга киргани ва шайтон ҳозир бўлғони баёни .....	473
Тавба қилмоқнинг баёни қилинадур .....	481
Ҳийла ва тазвир бирла одамларни ҳийла қилгонларни баёни .....	484
Авлиёларни суҳбатларини баён қилинадур .....	486
Бу фаслда ямонни суҳбатини шумлиғини баёнидур .....	491
Шайхи замон ва шайтонни баён қилинадур .....	495
Пир олдида муриднинг одоби баёнидадур .....	497
Ҳикоят .....	499
Ҳикоят .....	503
Пири комилларнинг жаҳондин холий эрмаслиғини баёни .....	509
Натижаи жазбанинг баёни .....	511
Бу жаҳон бирла ул жаҳоннинг баёни .....	515
Нафсга хилоф қилмоқни баёнидур .....	517
Хомуш бўлмоқнинг баёнидур .....	520
Бедор ва ҳушёрликнинг баёнидур .....	522
Гўрисналикни фойдасининг баёни .....	524
Сабру таҳаммулни баён қилинадур .....	528
Тарки тақлидни баён қилинадур .....	532
Тўти ва савдогарнинг қиссасини баёни .....	560
Тамом .....	563
Мавлоно Хароботий .....	564
Рисола дар ҳақиқати фақр (фақирликнинг ҳақиқати ҳақида рисола) .....	564
Бисмиллаҳир раҳмонир раҳийм .....	565
Муножот .....	571
Муножот .....	571
Муножот .....	571
Муножот .....	572
Қофнинг иккинчи маънисининг баёни .....	581
Муножот .....	584
Бу боб фақрнинг «ре»ларининг баёнида .....	592
Иккинчи фасл. «Ро» бамаънийи ризо .....	596
Фасл – фақрнинг «ре»ларининг тўртинчиси .....	606
Изоҳлар .....	623
Луғат .....	628

М  
Ҳ  
М  
Ҳ  
Бу  
Бу  
М  
Бу  
Ҳ  
Бу  
Бу  
Бу  
Бу  
Я  
На  
Бу  
Бу  
Бу  
Бу  
Бу  
Бу  
Бу  
Бу  
Бу  
Му  
Му  
Бу  
Бу  
А  
Бу  
Бу  
Бу  
Бу  
Бу  
Бу  
Бу  
Бу  
Та  
Бис  
Мун  
Оби  
Мус  
На  
Мун  
Мун  
Одам

**МАВЛОНО ХАРОБОТИЙ**

**КУЛЛИЁТ, МАСНАВИЙ,  
РИСОЛА ДАР ФАҚР**

“Тошкент ислом университети”  
нашриёт-матбаа бирлашмаси  
Тошкент – 2009

Муҳаррир **Б.Эралиев**  
Техник ва бадиий муҳаррир **А.Қамбаров**  
Мусаҳҳиҳ **У.Инсонбоева**  
Саҳифаловчи **А.Шомаҳмудов**

Босишга 05.05. 2009 йилда рухсат этилди. Бичими 70x100<sup>1/16</sup>.  
Офсет босма. Шартли б.т. 51.60. Нашр т. 51.50. Адади 500 дона.  
Буюртма № 84.

“Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси  
босмахонасида чоп этилди.  
100011. Тошкент ш. А.Қодирий, 11.